2
Ю 91

Шайх
Муҳаммад Содиқ
Муҳаммад Юсуф

Руҳий тарбия

ПОКЛАНИШ

1-жуз

www.islom.uz

Шайх
Муҳаммад Содиқ
Муҳаммад Юсуф

Руҳий тарбия

ПОКЛАНИШ

1-жуз

HILOL NASHR
ТОШКЕНТ
2021

MUHAMMAD AL-XORAZMIY NOMIDAGI
TOSHKENT AXBOROT
TEXNOLOGIYALARI UNIVERSITETI
405615

УЎК 297-1
ББК 86.38
Ю-91

Аллоҳ таоло Аъло сурасида:

قَدْ أَفْلَحَ مَن تَزَكَّىٰ ﴿١٤﴾ وَذَكَرَ ٱسْمَ رَبِّهِۦ فَصَلَّىٰ ﴿١٥﴾

«Батаҳқиқ, ким пок бўлса, ютуқ топадир. Ва Роббиси исмини зикр қилса ва намоз ўқиса ҳам», *деб марҳамат қилган (14-15-оятлар).*

عَنْ أَبِي ذَرٍّ ﷺ قَالَ: قَالَ لِي رَسُولُ اللهِ ﷺ: «اتَّقِ اللهَ حَيْثُمَا كُنْتَ، وَأَتْبِعِ السَّيِّئَةَ الْحَسَنَةَ تَمْحُهَا، وَخَالِقِ النَّاسَ بِخُلُقٍ حَسَنٍ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: «Қаерда бўлсанг ҳам Аллоҳга тақво қил. Ёмонликка яхшиликни эргаштир. Бу уни ўчиради. Одамларга чиройли хулқ ила муомала қил», – дедилар».
Термизий ривоят қилган.

Шиоримиз:

Аҳли сунна вал жамоа мазҳаби асосида пок ақийда ва мусаффо Исломга интилиш, Қуръон ва суннатни ўрганиб амал қилиш, исломий маърифат тараттиш, салафи солиҳ – улуғ мужтаҳидларга эргашиш, кенгбағирлик ва биродарлик руҳини тарқатиш, диний саводсизликни тугатиш, ихтилоф ва фирқачиликка барҳам бериш, мутаассиблик ва бидъат-хурофотларни йўқотиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2021 йил 14 апрелдаги 03-07/2439-рақамли хулосаси асосида чоп этилди.

Ю–91 **Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф**
Руҳий тарбия – Покланиш китоби Т.: «Hilol-Nashr» 2021. – 480 б.

УЎК 297-1
КБК 86.38

ISBN 978-9943-7033-7-7

© Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф
© «HILOL-NASHR» нашриёти, 2014, 2016, 2018, 2019, 2020, 2021.

БИСМИЛЛАҲИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

МУҚАДДИМА

Бандаларни нафсларини поклашга ва ахлоқларини сайқаллашга ундаган Ҳақ таолога битмас-туганмас ҳамду санолар бўлсин!

Умматларига нафсни поклашда ўрнак бўлган ва Робби: «Ва албатта, сен буюк хулқдасан», дея мадҳ қилган Пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафога батамом ҳамда мукаммал салоту саломлар бўлсин!

Аллоҳ таолонинг охирги ва мукаммал, қиёматгача боқий қолувчи, барча замонлар ва маконларга хос, инсониятни икки дунё саодатига етакловчи Ислом дини инсоннинг жисмига ҳам, руҳига ҳам алоҳида аҳамият қаратади. Ислом инсоннинг жисмоний тарбиясига ҳам, руҳий тарбиясига ҳам алоҳида эътибор беради.

Қуръони Карим оятлари ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида ҳам мазкур икки жиҳат хусусида ўзига хос таълимотлар келган.

Диний вазифаларнинг жисмоний амаллар ила зоҳир бўладиган қисми «шариат» деб аталиб, унинг тафсилотларини фиқҳ илми Қуръони Карим ва Суннат асосида баён қилиб беради.

Динимизнинг руҳий-маънавий ва ахлоқ-одобга оид таълимотларини руҳий тарбия илми Қуръони Карим ва Суннат асосида баён қилиб беради.

Руҳий-маънавий қисм «тазкиятун-нафс» – «нафсни поклаш» деб аталиб, бунда мўминларнинг нафсларида, яъни шахсиятларида фазилатларни касб қилдириш ва уларни разолатлардан холи қилиш ҳақида сўз боради.

Бу борада «нафс» сўзи билан бирга «қалб», «руҳ» деб аталадиган маънолар ҳам катта аҳамият касб этади. «Нафсни поклаш» ибораси ўрнига «қалбни поклаш» ёки «руҳни поклаш» иборалари ишлатилиши ҳам мумкин.

Қалб роббоний, руҳоний ва латиф нарса бўлиб, у инсоннинг моҳиятини намоён қилади. Идрок, билим ва маърифат ҳам, хитоб, итоб, иқоб ва талаб ҳам ундандир.

Руҳ билувчи ва идрок қилувчи латиф нарсадир. Унинг ҳақиқатини Аллоҳ таолодан ўзга ҳеч ким билмайди.

«Нафс» инсондаги ғазаб ва шаҳватни ифода этувчи сўздир. Ҳа, «нафс» деганда кўпроқ ёмон сифатларни ўзида жамловчи нарса кўзда тутилади. Мазкур уч нарса орасида нозик фарқлар бўлса ҳам, поклаш маъноси қўшилганда деярли бир хил маънода қўлланилади.

Аммо Қуръони Каримда нафсни поклаш ҳақида кўп сўз кетгани учун, «қалб», «руҳ» сўзларидан кўра айнан «нафс» сўзини ишлатиш кенг тарқалиб қолган.

Ахлоқ-одобга тегишли қисм «таҳзийби ахлоқ» – «ахлоқни сайқаллаш» деб аталиб, унда мўминларнинг ахлоқ ва одобларига тегишли таълимотларни ўрганиш ва уларга амал қилиш йўлга қўйилади.

Нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллаш дунёдаги энг муҳим ишлардан саналади. Бу муҳим ишга динимизда алоҳида эътибор берилган. Мусулмон умматининг аввалги авлодлари ушбу вазифани шараф билан адо этиб келганлари барчага маълум.

Шунингдек, бу муҳим иш турли сабабларга кўра гоҳида таназзулга юз тутиши ҳам мумкин. Аллоҳ таолога ҳамдлар бўлсинки, мусулмонлар ичида мазкур ишдаги таназзулга қарши курашга бел боғлаганлар ҳар бир даврда топилиб турган. Асрлар оша руҳий тарбия устозлари ва уламоларимиз нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллашга алоҳида эътибор билан ёндашиб келмоқдалар.

Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзидан илтижо қилиб, ёрдам ва тавфиқ сўраган ҳолда бошланаётган ушбу камтарона уринишни мазкур улуғлар ёзган руҳий тарбия дастурхони четида «чақирилмаган меҳмон бўлиш» деб қабул этгайсиз.

Келажак сатрларда бирор фойдали нарса топсангиз, Роббимизнинг марҳаматидан, камчилик ва нуқсонлар бўлса, камина ходимингиздан, деб билгайсиз.

НАФС ВА УНИ ПОКЛАШ

Қуръони Каримда зикр қилинган нафс ҳолатга қараб турли сифатларга эга бўлади.

1. Гоҳида «хотиржам нафс» бўлиши мумкин.

Аллоҳ таоло Фажр сурасида марҳамат қилади:

يَٰٓأَيَّتُهَا ٱلنَّفْسُ ٱلْمُطْمَئِنَّةُ ﴿٢٧﴾ ٱرْجِعِىٓ إِلَىٰ رَبِّكِ رَاضِيَةً مَّرْضِيَّةً ﴿٢٨﴾
فَٱدْخُلِى فِى عِبَٰدِى ﴿٢٩﴾ وَٱدْخُلِى جَنَّتِى ﴿٣٠﴾

«Эй хотиржам нафс! Роббингга сен Ундан, У сендан рози бўлган ҳолда қайт! Бас, бандаларим ичига киргин! Ва жаннатимга киргин!» *(27-30-оятлар).*

Бундай нафс шаҳватлар ила курашда ғолиб бўлиб, сокинлик касб қилган нафсдир. Шунинг учун у «мутмаъинна» – «хотиржам нафс» деб аталади.

2. Гоҳида «маломатчи нафс» бўлиши мумкин.

Аллоҳ таоло Қийама сурасида марҳамат қилади:

وَلَآ أُقْسِمُ بِٱلنَّفْسِ ٱللَّوَّامَةِ ﴿٢﴾

«Ва маломатчи нафс билан қасам» *(2-оят).*

«Маломатчи нафс»дан мурод тақводор мўмин кишининг нафсидир. Чунки у ўз эгасини доимо маломат қилиб (тергаб) туради. Гуноҳ иш қилса, «Нима учун гуноҳ қилдинг? Аллоҳдан қўрқмайсанми? Охиратда нима деб жавоб берасан?» деб маломат қилади. Савоб иш қилса, «Бу оз-ку, кўпроқ қилсанг бўлмайдими? Қанча кўп савоб иш қилсанг, ўзингга фойда-ку», деб маломат қилади.

Тасаввуф мактабининг машҳур намояндаси Ҳасан Басрий: «Яхши одам доимо ўз нафсини маломат қилиб туради, фожир одам нафсини итоб қилмай юраверади», деганлар.

3. Гоҳида «ан-нафсул амморатул биссуъи» – «ёмонликка амр қилувчи нафс» бўлиши мумкин.

Аллоҳ таоло Юсуф сурасида марҳамат қилади:

۞ وَمَآ أُبَرِّئُ نَفۡسِيٓۚ إِنَّ ٱلنَّفۡسَ لَأَمَّارَةُۢ بِٱلسُّوٓءِ إِلَّا مَا رَحِمَ رَبِّيٓۚ إِنَّ رَبِّي غَفُورٞ رَّحِيمٞ ٥٣

«Ўзимни оқламайман. Албатта, нафс, агар Роббим раҳм қилмаса, ёмонликка ундовчидир. Албатта, Роббим ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир» *(53-оят).*

Демак, нафс турли ҳолатларда бўлиб туради. Унинг хотиржам, маломатчи ва ёмонликка буюрувчи ҳолати бор. Гуноҳ, нифоқ, кибр, васваса, ёлғон, ҳасад каби ёмонликлар туфайли нафс кирланади ва нуқсонга учрайди. Уни доимий равишда поклаб, ўстириб, яъни тарбиялаб туришга эҳтиёж бор.

Аввал ҳам айтиб ўтганимиздек, нафсни поклаш араб тилида «тазкиятун-нафс» деб аталади.

«Тазкия» сўзи луғатда *поклаш* деган маъно билан бирга, *ўсиш* маъносини ҳам англатади. Бундан «тазкиятун нафс»нинг маъноси нафсни поклаш ва ўстириш, яъни тарбиялаш экани англанади.

Руҳий тарбия устозларининг таърифига кўра, «тазкиятун-нафс» нафснинг турли дард ва офатлардан покланиши, унинг олий мақомларга эришиши ва гўзал сифатлар ила зийнатланишидир.

Нафсни поклашнинг шаръий воситалари, моҳияти ва самаралари бор.

Аллоҳ таоло пайғамбарларига юклаган муҳим вазифалардан бири нафсни поклашдан иборат бўлган. Пайғамбарлар отаси бўлмиш Иброҳим алайҳиссаломнинг машҳур дуоларида ҳам бу ҳақиқат ўз аксини топган.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

رَبَّنَا وَٱبۡعَثۡ فِيهِمۡ رَسُولٗا مِّنۡهُمۡ يَتۡلُواْ عَلَيۡهِمۡ ءَايَٰتِكَ وَيُعَلِّمُهُمُ ٱلۡكِتَٰبَ وَٱلۡحِكۡمَةَ وَيُزَكِّيهِمۡۚ إِنَّكَ أَنتَ ٱلۡعَزِيزُ ٱلۡحَكِيمُ ١٢٩

«Роббимиз, уларнинг ичига ўзларидан уларга оятларингни тиловат қилиб берадиган, уларга Китобни ва ҳикматни ўргатадиган, уларни поклайдиган Расул юбор. Албатта, Сен Ўзинг ўта иззатлисан, ўта ҳикматлисан» *(129-оят).*

Демак, «тазкиятун-нафс» Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бажаришлари лозим бўлган тўрт муҳим нарса – оятларни уммийларга тиловат қилиб бериш, уларга китобни таълим бериш, ҳикматни ўргатиш ва уларни поклашдан иборат бўлган.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

كَمَآ أَرۡسَلۡنَا فِيكُمۡ رَسُولٗا مِّنكُمۡ يَتۡلُواْ عَلَيۡكُمۡ ءَايَٰتِنَا وَيُزَكِّيكُمۡ وَيُعَلِّمُكُمُ ٱلۡكِتَٰبَ وَٱلۡحِكۡمَةَ وَيُعَلِّمُكُم مَّا لَمۡ تَكُونُواْ تَعۡلَمُونَ ١٥١

«Шунингдек, ичингизга ўзингиздан, сизларга оятларимизни тиловат қиладиган, сизларни поклайдиган, сизларга Китобни, ҳикматни ва билмайдиган нарсаларингизни ўргатадиган Расул юбордик» *(151-оят).*

Ушбу оятда олти муҳим нарса кетма-кет айтилиб, учинчи ўринда «сизларни поклайдиган» дейилмоқда. Мазкур ишларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг улуғ неъматлари ҳисобланиб, ана шу муҳим ишлар ичида тазкия ҳам бор экан.

Аллоҳ таоло Аълаа сурасида марҳамат қилади:

قَدْ أَفْلَحَ مَن تَزَكَّىٰ ﴿١٤﴾ وَذَكَرَ اسْمَ رَبِّهِ فَصَلَّىٰ ﴿١٥﴾

«Дарҳақиқат, ким покланса, зафар топадир... ва Робби исмини зикр қилса ва намоз ўқиса» *(14-15-оятлар).*

Ҳа, охиратда ютуққа эришиш учун, катта оловга кириб куймаслик учун, ашаддий азобда қолмаслик учун ҳар бир банда бу дунёда куфрдан, ширкдан, нифоқдан ва турли гуноҳлардан покланиши, ҳар доим Роббини зикр қилиб, намоз ўқиши шарт. Ушбу оятдаги «покланиш» ва «зикр»-дан сиз билан биз ўрганаётган ҳақиқат кўзда тутилган.

Аллоҳ таоло Шамс сурасида марҳамат қилади:

وَنَفْسٍ وَمَا سَوَّاهَا ﴿٧﴾ فَأَلْهَمَهَا فُجُورَهَا وَتَقْوَاهَا ﴿٨﴾ قَدْ أَفْلَحَ
مَن زَكَّاهَا ﴿٩﴾ وَقَدْ خَابَ مَن دَسَّاهَا ﴿١٠﴾

«Ва нафс билан ва унинг бекаму кўст қилиниши билан қасам. Унга фужурини ва тақвосини илҳом қилди. Батаҳқиқ, ким у(нафс)ни покласа, зафар топди. Ва батаҳқиқ, ким уни булғаса, ноумид бўлди» *(7-10-оятлар).*

Ушбу оятлардан нафсни поклаш динимиздаги энг муҳим ишлардан бири эканини англаб оламиз.

АХЛОҚ ВА УНИ САЙҚАЛЛАШ

«Ахлоқ» «хулқ» сўзининг кўплиги бўлиб, инсонда шаклланадиган хулқ-атворни билдиради.

Баъзи уламолар ахлоқни «ироданинг одати» деб таърифлаганлар. Яъни ирода ўзига бир нарсани одат қилиб олса, мана шу одат ахлоққа айланган бўлади. Мисол

учун, кишининг иродаси хайр-эҳсон қилишга азму қарорли бўлиб, бу унинг одатига айланса, мана шу «карамли хулқ» дейилади.

Исломда ахлоқий тарбия диний тарбиянинг ажралмас қисмидир, десак, муболаға қилмаймиз. Зеро, дин яхши деб ҳисоблаган ва даъват этган нарсалар эзгулик, ёмон деб ҳисоблаган ва ман этган нарсалар ёвузликдир. Шунингдек, дин буюрган, ҳаётда ва муомалада касб этишга тарғиб этган ахлоқ ва фазилатлар Ислом жамиятида қадрият, чиройли хулқ ва маънавий фазилатлар ҳисобланади.

Ахлоқий дунё ўз табиатига кўра динийдир. Ахлоқи ва муомаласи гўзал бўлмаган мусулмоннинг дини ҳам мукаммал ҳисобланмайди.

Қадимдан ахлоқ илми уламолари «Одамдаги ахлоқлар унинг яратилишида қўшиб яратилган бўладими ёки киши ахлоқни кейин ўрганадими?» деган саволга жавоб беришда ихтилоф қилишган.

Улардан баъзилари: «Яхши ва ёмон ахлоқ инсон яратилган чоғида қўшиб яратилади, ахлоқни кейин касб қилиб бўлмайди», деганлар.

Бошқа бир гуруҳ уламолар: «Инсон туғилганида ҳеч қандай фазилат ёки разилатсиз туғилади, унда қандай хислат бўлса, туғилганидан кейин пайдо бўлади», деганлар.

Ахлоқ илми уламолари эса: «Ота-онасида мавжуд бўлган баъзи ахлоқлар хамиртуруши инсонга онасининг қорнидалик пайтидаёқ ўтади. Аллоҳ бандани халқ қилиш чоғида ахлоқ қобилиятини ҳам қўшиб яратади. Инсон ўсиши жараёнида тарбия, муҳит ва одатланиш оқибатида у ёки бу ахлоқни ўзида ривожлантиради ёки йўқотиб юборади», дейдилар.

Шунинг учун ҳам Исломда хулқни сайқаллашга алоҳида эътибор берилади. Бу иш ҳар бир мусулмон учун лозим ва лобуд ишлардан бири даражасига кўтарилади.

Аллоҳ таоло Қалам сурасида марҳамат қилади:

وَإِنَّكَ لَعَلَىٰ خُلُقٍ عَظِيمٍ ﴿٤﴾

«Ва албатта, сен буюк хулқдасан» *(4-оят).*

Бу ояти карима Пайғамбар алайҳиссалом учун катта ва олий баҳодир. Аллоҳ таоло у зотга хитоб қилиб, хулқларини «буюк», дея сифатламоқда.

عَنْ يَزِيدَ بْنِ بَابَنُوسَ قَالَ: دَخَلْنَا عَلَى عَائِشَةَ فَقُلْنَا: يَا أُمَّ الْمُؤْمِنِينَ، مَا كَانَ خُلُقُ رَسُولِ اللهِ ﷺ؟ قَالَتْ: كَانَ خُلُقُهُ الْقُرْآنَ، تَقْرَؤُنَ سُورَةَ الْمُؤْمِنِينَ؟ قَالَتِ: اقْرَأْ: ﴿قَدْ أَفْلَحَ الْمُؤْمِنُونَ﴾. قَالَ يَزِيدُ: فَقَرَأْتُ ﴿قَدْ أَفْلَحَ الْمُؤْمِنُونَ﴾ إِلَى ﴿لِفُرُوجِهِمْ حَافِظُونَ﴾. قَالَتْ: كَانَ خُلُقُ رَسُولِ اللهِ ﷺ. أَخْرَجَهُ الْبُخَارِيُّ فِي (الْأَدَبِ الْمُفْرَدِ) وَالنَّسَائِيُّ فِي (الْكُبْرَى).

Язийд ибн Бобанусдан ривоят қилинади:

«Оишанинг олдига кириб: «Эй мўминларнинг онаси! Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хулқлари қандай бўлган эди?» дедик. У киши:

«Хулқлари Қуръон эди. Муъминун сурасини қироат қиласизларми? «Қод афлаҳал муъминун»ни ўқи!» деди».

Язийд айтади:

«Мен «Қод афлаҳал муъминун»ни то «ли фуружиҳим ҳофизун»гача ўқидим.

«(Бу) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг хулқлари эди», деди Оиша».

Бухорий «Ал-Адаб ал-Муфрад»да ва Насоий «Кубро»да ривоят қилган.

Яъни Муҳаммад алайҳиссалом Қуръондаги олий хулқлар билан хулқланиб, барча яхши одоб-ахлоқни ўзларига сингдирганлар.

عَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ ﷺ: أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ قَالَ: «مَا مِنْ شَيْءٍ أَثْقَلَ فِي مِيزَانِ الْمُؤْمِنِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ مِنْ خُلُقٍ حَسَنٍ، وَإِنَّ اللهَ لَيُبْغِضُ الْفَاحِشَ الْبَذِيءَ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ.

Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:
«Қиёмат куни мўминнинг мезонида чиройли хулқдан кўра оғирроқ нарса бўлмас. Албатта, Аллоҳ фаҳш ва чиркин сўз айтувчини ёмон кўрур», дедилар».
Термизий ва Абу Довуд ривоят қилишган.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهَا قَالَتْ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللهِ ﷺ يَقُولُ: «إِنَّ الْمُؤْمِنَ لَيُدْرِكُ بِحُسْنِ خُلُقِهِ دَرَجَةَ الصَّائِمِ الْقَائِمِ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَابْنُ حِبَّانَ وَالْحَاكِمُ.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Албатта, мўмин ўзининг чиройли хулқи ила рўза тутувчи ва бедор бўлувчининг даражасини топади», деганларини эшитдим».
Абу Довуд, Термизий, Ибн Ҳиббон ва Ҳоким ривоят қилишган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ قَالَ: سُئِلَ رَسُولُ اللهِ ﷺ عَنْ أَكْثَرِ مَا يُدْخِلُ النَّاسَ الْجَنَّةَ، فَقَالَ: «تَقْوَى اللهِ وَحُسْنُ الْخُلُقِ». وَسُئِلَ عَنْ أَكْثَرِ مَا يُدْخِلُ النَّاسَ النَّارَ، فَقَالَ: «الْفَمُ وَالْفَرْجُ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан одамларни кўпроқ жаннатга киритадиган нарса ҳақида сўралди. Шунда у зот:

«Аллоҳга тақво қилиш ва чиройли хулқ», дедилар.

Ул зотдан яна одамларни кўпроқ дўзахга киритадиган нарса ҳақида сўралди . Шунда у зот:

«Оғиз ва фарж», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

عَنْ أَبِي ذَرٍّ ﷺ قَالَ: قَالَ لِي رَسُولُ اللهِ ﷺ: «اتَّقِ اللهَ حَيْثُمَا كُنْتَ، وَأَتْبِعِ السَّيِّئَةَ الْحَسَنَةَ تَمْحُهَا، وَخَالِقِ النَّاسَ بِخُلُقٍ حَسَنٍ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга:

«Қаерда бўлсанг ҳам, Аллоҳга тақво қил. Ёмонликка яхшиликни эргаштир. Бу уни ўчиради. Одамларга чиройли хулқ ила муомала қил», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

عَنْ عَبْدِ اللهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «خِيَارُكُمْ أَحَاسِنُكُمْ أَخْلَاقًا». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ واللَّفْظُ لَهُ، وَلَفْظُ الْبُخَارِيِّ: «إِنَّ مِنْ أَخْيَرِكُمْ أَحْسَنَكُمْ خُلُقًا».

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Яхшиларингиз чиройли хулқлигингиздир», дедилар».

Бухорий, Муслим ва Термизий ривоят қилишган. Ҳадиснинг лафзи Термизийникидир.

Бухорийнинг лафзида:

«Албатта, сизнинг энг яхшингиз ҳусни хулқлигингиздир», *дейилган.*

عَنْ جَابِرٍ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِنَّ مِنْ أَحَبِّكُمْ إِلَيَّ وَأَقْرَبِكُمْ مِنِّي مَجْلِسًا يَوْمَ الْقِيَامَةِ أَحَاسِنَكُمْ أَخْلَاقًا، وَإِنَّ أَبْغَضَكُمْ إِلَيَّ وَأَبْعَدَكُمْ مِنِّي مَجْلِسًا يَوْمَ الْقِيَامَةِ الثَّرْثَارُونَ وَالْمُتَشَدِّقُونَ وَالْمُتَفَيْهِقُونَ». قَالُوا: يَا رَسُولَ اللهِ، قَدْ عَلِمْنَا الثَّرْثَارُونَ وَالْمُتَشَدِّقُونَ، فَمَا الْمُتَفَيْهِقُونَ؟ قَالَ: «الْمُتَكَبِّرُونَ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизлардан менга энг маҳбубингиз ва қиёмат куни мажлиси менга энг яқинингиз чиройли хулқлигингиздир. Сизлардан менга энг ёқмайдиганингиз ва қиёмат куни мажлиси мендан энг узоғингиз сергап, тили узун ва мутафайҳиқингиздир», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули! Сергап ва тили узунни биламиз, мутафайҳиқлар кимлар?» дейишди.

«Мутакаббирлар», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Аввал ҳам ишора қилинганидек, ахлоқ ва одобни яхши савияда тутиб туриш учун доимо уларни сайқаллаб, бузилишига қарши чоралар кўриб туриш керак. Бунинг учун эса ахлоқ-одобни бузадиган, ёмонлаштирадиган омилларни ва уларни сайқаллаш йўлларини яхшилаб ўрганиш лозим.

НАФСНИ ПОКЛАШ ВА АХЛОҚНИ САЙҚАЛЛАШДАН КЎЗЛАНГАН МАҚСАД

Мазкур икки улуғ амалдан кўзланган мақсадлардан бири, ибодатларни адо этиш жараёнида қалбни тўғри тутиш, хушуъ ва хузуъни қойиллатиб адо этиш, бир сўз билан айтганда, ибодатларга руҳ бағишлашдир. Шунингдек, улар орқали иймонни амалий тарздаги ҳақиқатга айлантириш, куфрдан четланиш ва нифоқдан қутулиш йўлга қўйилади.

Бу икки улуғ ишни амалга ошириш орқали айнан Қуръон ва Суннатда келган маъноларни тушуниш билан кифояланиб қолмай, уларнинг моҳиятини англаб етиш, бутун вужуд ила уларга амал қилиш йўлга қўйилади.

Нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллашнинг мақсадларини уламоларимиз асосан уч йўналишга тақсимлайдилар:

1. Бандaнинг Робби билан бўлган алоқасини ислоҳ қилиши.
2. Бандaнинг ўзи билан алоқасини ислоҳ қилиши.
3. Бандaнинг ўзгалар билан алоқасини ислоҳ қилиши.

Ушбу уч йўналишнинг ҳар бири бир қанча катта маъно ва амалларни ўз ичига олади. Уларни батафсил ўрганиш ушбу китобдан кўзлаган мақсадимиздир.

Қисқача тасаввур ҳосил қилиш учун улардан баъзиларининг номини зикр қилиб ўтишимиз фойдадан холи бўлмас, деган умиддамиз.

I. Бандaнинг Робби билан бўлган алоқасини ислоҳ қилиши.

Бунда қуйидаги маъно ва амаллар ўз аксини топади:

1. Тавба.
2. Ҳамд, шукр ва ризо.
3. Истиғфор.
4. Эҳсон, яхшилик ва фазилат.

5. Аллоҳнинг гўзал исмлари моҳиятини тушуниш.

6. Аллоҳнинг қазо ва қадардаги ҳикматини англаб етиш.

7. Аллоҳнинг ҳифзи ва ёрдамига бандaнинг ҳожати борлигини англаб етиш.

8. Ёрдам сўраш, паноҳ тилаш ва дуо.

9. Бандаликнинг мукаммал бўлиши.

10. Аллоҳнинг ҳилми, карами ва афви чексиз эканини билиш.

11. Муҳаббат ва Аллоҳнинг Ўзига талпиниш.

12. Тавозеъ ва хушуъ.

II. Бандaнинг ўзи билан алоқасини ислоҳ қилиши.

Бунда қуйидаги маъно ва амаллар ўз аксини топади:

1. Бандaнинг ўзини ўзи таниши.

2. Такаббурлик ва манманлик тўнини ечиши.

3. Чегара ва торликнинг йўқолиши.

4. Бандада инсонийлик сифатларининг намоён бўлиши.

5. Надомат ва йиғи.

III. Бандaнинг ўзгалар билан алоқасини ислоҳ қилиши.

Бунда қуйидагилар ўз аксини топади:

1. Бандaнинг бошқаларга нисбатан бағрикенг бўлишни ўрганиши.

2. Бандaнинг бошқаларга нисбатан гўзал муомалада бўлишни ўрганиши.

3. Бандaнинг бошқаларга нисбатан рози бўлишни ўрганиши.

4. Бандaнинг бошқаларга нисбатан тавозеъли бўлишни ўрганиши.

5. Бандaнинг бошқаларга нисбатан кечиримли бўлишни ўрганиши ва ҳоказо.

НАФСНИ ПОКЛАШ ВА АХЛОҚНИ САЙҚАЛЛАШ ИЛМИНИНГ ТАРИХИ

Албатта, мусулмонларда барча илмлар қатори, нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллаш бўйича ҳам асосий ва биринчи манба Қуръони Карим ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларидир.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаи киромлари нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллашга салмоқли ҳисса қўшганлар.

Кейинроқ бу масалалар Абу Ҳанифа, Шофеъий, Молик ва Ибн Ҳанбал каби улуғ мужтаҳидларнинг шахслари ва фиққий баҳсларида ўз аксини топди.

Ҳижрий учинчи асрга келиб, нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллаш бўйича алоҳида асарларнинг дебочалари ҳам пайдо бўла бошлади. Бу соҳада тадқиқот олиб борган олимлар машҳур Жоҳизнинг «Таҳзийбул ахлоқ» китобини мисол қилиб келтирадилар. Шу билан бирга, Ибн Қутайба, Жоҳиз ва бошқаларнинг катта асарларида нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллашга оид алоҳида боблар борлигини ҳам эслаб ўтадилар.

Учинчи асрнинг иккинчи ярмида Ибн Исҳоқ Киндий ўзининг «Ал-Қавлу фин-нафс» номли китобини ёзди.

Ҳижрий тўртинчи асрга келиб, Ҳаким Термизий «Китобуз завқи» ва «Ар-Риёза ва адабун нафс» китобларини таълиф қилди. Абу Наср Форобий «Ороу аҳли Мадинатил фозила» ва «Ал-Одоб ал-мулукийя» китобларини ёзди.

Бешинчи асрда Ибн Мискавайҳ бир неча асарларни, жумладан, «Таҳзийбул ахлоқ» китобини ёзди.

Ибн Синонинг фалсафий асарларида ҳам ахлоқ масаласи кенг ёритилган бўлиб, хусусан, «Рисолатун фил ҳикмати», «Китобут-тойр», «Асрорус-солати» ва «Ал-

MUHAMMAD AL-XORAZMIY NOMIDA
TOSHKENT AXBOROT

Инсоф» номли китобларида бу масалага алоҳида эътибор қаратилган.

Шу ўринда Ибн Божанинг «Иттисолул ақл» ва «Китобун-нафс» номли асарларини алоҳида эслаш лозим бўлади.

Юқорида зикр қилинган муаллифлар шеърият, адабиёт ва фалсафа соҳаларининг вакиллари бўлиб, санаб ўтилган китоблар ҳам мана шу йўналишларда ёзилган ижод намуналаридир.

Аммо нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллаш бўйича асосий илмий ишларни Қуръони Карим ва Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари асосида фақиҳ, муҳаддис ва руҳий тарбия уламолари олиб борганлар. Уларнинг илмий ҳаракатлари ва ёзган асарларини санаб ўтишнинг ўзи ҳам осон эмас. Биз ушбу ўринда баъзи бирларини эслаб ўтиш билангина кифояланамиз.

1. Имом ал-Маъофий ибн Имрон ал-Мувсилий (ҳижрий 185-санада вафот этган). «Зуҳд китоби».

2. Имом Муҳаммад ибн Фузайл ибн Ғазвон ал-Куфий (ҳижрий 195-санада вафот этган). «Зуҳд китоби».

3. Имом Вакийъ ибн Жарроҳ (ҳижрий 197-санада вафот этган). «Зуҳд китоби».

4. Ҳофиз Асад ибн Мусо (ҳижрий 212-санада вафот этган). «Зуҳд китоби».

5. Имом Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Ҳанбал (ҳижрий 241-санада вафот этган). «Зуҳд китоби».

6. Ҳофиз Ҳаннод ибн ас-Саррий (ҳижрий 243-санада вафот этган). «Зуҳд китоби».

7. Аҳмад ибн Ҳарб ибн Абдуллоҳ Зоҳид (ҳижрий 234-санада вафот этган). «Зуҳд китоби».

8. Имом Абу Довуд (ҳижрий 275-санада вафот этган). «Зуҳд китоби».

9. Имом Ибн Аби Дунё (ҳижрий 281-санада вафот этган). «Макоримул ахлоқ», «Ихлос», «Ал-Амру билмаъруф», «Ҳазар ва шафақа», «Зикрул мавт», «Заммул ғазаб», «Ризо аниллаҳи вас-собру ала қазоиҳи», «Ал-Ғийбату ван-намийма», «Ал-Қаноъа», «Ас-Сомту ва одобул-лисон».

10. Ҳофиз Иброҳим ибн ал-Жунайд (ҳижрий 260-санада вафот этган). «Зуҳд китоби».

11. Ҳофиз Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Ассол ал-Асфиҳоний (ҳижрий 249- санада вафот этган). «Зуҳд китоби».

12. Имом Муҳаммад ибн Ҳусайн ал-Ожурий. «Зуҳд китоби».

13. Имом Ибн Шоҳийн (ҳижрий 385-санада вафот этган). «Зуҳд китоби».

14. Ҳофиз Абу Бакр Аҳмад ибн Ҳусайн ал-Байҳақий (ҳижрий 485-санада вафот этган). «Зуҳд китоби».

15. Имом ибн Даббоғ (ҳижрий 393-санада вафот этган). «Зуҳд китоби».

16. Ҳофиз Абдул Ҳақ ибн Абдурроҳман Ишбилий (ҳижрий 581-санада вафот этган). «Зуҳд китоби».

19. Имом Мовардийнинг «Адабуд-дунё вад-дийн» китоби.

20. Абу Бакр Хароитий. «Макоримул ахлоқи ва маолийҳа» ҳамда «Масовил ахлоқи ва мазмумиҳа ва тароиқу макруҳиҳа».

21. Абу Бакр Ожурийнинг «Ахлоқу ҳамалатул Қуръони», «Ахлоқул уламо», «Адабун-нафс», «Китобу аҳлил бирри ват-тақво», «Китобут-тавба», «Китобут-таҳажжуд» ва бошқа китоблари.

22. Абу Абдуллоҳ Ҳалимийнинг «Ал-Минҳож фий шуъабил иймон» китоби.

23. Ибн Ҳазм Андалусийнинг «Ал-ахлоқ вас-сияр фий мудовотун-нуфус» китоби.

24. Имом Нававийнинг «Шуъабул иймон» китоби.

25. Роғиб Асфиҳонийнинг «Аз-Зарийъа ила макоримиш-шарийъа» китоби.

26. Ҳофиз Мунзирийнинг «Ат-Тарғийбу ват-тарҳийб» китоби.

ТИББУЛ ҚУЛУБ

Юқоридаги рўйхатда номи келтирилган китобларнинг кўпчилигида чиройли хулқ, макоримул ахлоқ, нафс поклиги, қалб софлигига оид ривоятлар келтирилган. Бу ривоятларга амал қилиш, уларни ҳаётга татбиқ этиш ва амалий равишда қалб, нафс ва руҳни поклаш, тарбиялаш ва хулқлантириш ишларини тасаввуф машойихлари бўлган катта уламолар амалга оширганлар.

Бу иш «Тиббул қулуб» – «қалблар табобати» деб номланган. Бу номнинг ўзига хос шарҳи ва ҳикмати бор.

Тиб илми икки қисмга бўлинади. Бадан ва қалб табобати.

Бадан табобати инсоннинг бадани соғ ёки хаста бўлиши жиҳатидан унинг соғлиғини сақлаш ва беморлигини кетказиш учун ўрганилади.

Қалб табобатида инсон қалбининг ҳолатлари унинг тузалиши, бузилиши ва хаста бўлиши жиҳатидан ўрганилади.

Қалб инсон баданидаги бош аъзодир. Агар у соғлом бўлса, бошқа аъзолар ҳам соғ бўлади. Агар у бузуқ бўлса, бошқа аъзолар ҳам бузилади.

عَنِ النُّعْمَانِ بْنِ بَشِيرٍ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «أَلَا وَإِنَّ فِي الْجَسَدِ مُضْغَةً، إِذَا صَلَحَتْ صَلَحَ الْجَسَدُ كُلُّهُ، وَإِذَا فَسَدَتْ فَسَدَ الْجَسَدُ كُلُّهُ، أَلَا وَهِيَ الْقَلْبُ». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

Нўъмон ибн Башир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Огоҳ бўлингким, албатта, жасадда бир парча гўшт бордир. Қачон у солиҳ бўлса, жасаднинг ҳаммаси солиҳ бўлур. Қачон у бузуқ бўлса, жасаднинг ҳаммаси бузуқ бўлур. Огоҳ бўлингким, ўша қалбдир», дедилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Ушбу жумлаларда қалбнинг инсон ҳаётида тутган ўрни ва аҳамияти баён қилинмоқда.

«Қалб» луғатда бир нарсани ағдаришни англатади. У бир хил турмай, у ёқ-бу ёққа ағдарилиб тургани учун ҳам «қалб» деб аталган.

Ислом тушунчаси бўйича қалб икки хил: зоҳирий ва ботиний бўлади.

Зоҳирийси кўкракнинг чап томонида жойлашган конус шаклидаги гўшт парчасидир. Ботинийси эса нуроний, латиф, билувчи, инсонни инсон қилувчи нарсадир.

Зоҳирий қалб инсоннинг зоҳирида – жисмида жон вазифасини ўтайди. Ботиний қалб эса инсоннинг ақлий, руҳий-маънавий ҳаётида жон вазифасини ўтайди.

Бу ерда ботиний қалб кўзда тутилади. Жисм соғлом бўлиши, баъзан бемор бўлиши ва вақти келиб ўлиши табиий бўлганидек, қалб ҳам соғлом бўлиши, бемор бўлиши ва ўлиши табиийдир. Шунинг учун ҳам қалбга алоҳида эътиборли бўлиш зарур. Албатта, қалб табобати бадан табобатидан кўра анча аҳамиятлироқ эканини таъкидлашга ҳожат ҳам қолмаган бўлса керак.

Қалб табобати илми Қуръони Карим ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари асосида юзага келган, ривожланган ва ўз самарасини бериб келмоқда.

Аллоҳ таоло Юнус сурасида марҳамат қилади:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلنَّاسُ قَدْ جَآءَتْكُم مَّوْعِظَةٌ مِّن رَّبِّكُمْ وَشِفَآءٌ لِّمَا فِى ٱلصُّدُورِ وَهُدًى وَرَحْمَةٌ لِّلْمُؤْمِنِينَ ﴿٥٧﴾

«Эй одамлар! Батаҳқиқ, сизга Роббингиздан мавъиза, кўкслардаги нарсага шифо, мўминларга ҳидоят ва раҳмат келди» *(57-оят).*

Яъни Қуръон қалбингиздаги руҳий, маънавий дардларингизнинг барчасига шифо бўлиб келди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қалб табибларининг имоми бўлганлар ва бу ишда ҳаммага намуна кўрсатганлар. Ул зотнинг ҳадисларида бу масалалар ажойиб услуб ила баён қилинган.

Мусулмон уламолар оят ва ҳадислардан қалб табобати борасида самарали даво йўлларини топганлар. Тасаввуф уламолари бу ишда барчага устоз бўлганлар. Улар ихлос билан қалб табобати борасида нодир китоблар таълиф қилганлар.

Мутахассис уламоларнинг таъкидлашларича, қуйидаги китоблар бу соҳанинг энг яхши ва самарали китобларидир:

1. «Қуутул қулуб фий муомалатил маҳбуб ва васфи торийқил мурийди ила мақомит-тавҳийд».

Бу китобнинг қисқача номи «Қуутул қулуб» бўлиб, унинг муаллифи Шайхул Ислом Абу Толиб Муҳаммад ибн Абул Ҳасан Али ибн Аббос Маккийдир. Бу китоб катта шуҳрат қозонган бўлиб, у ҳақда Ҳожи Халифа «Кашфуз-зунун»да шундай деган: «Бунга ўхшаш дақиқ китоб тасниф қилинмаган».

2. «Манозилус Соирийн».

Бу китобнинг муаллифи Шайхул Ислом Абу Исмоил Абдуллоҳ ибн Муҳаммад ал-Ҳаравийдир.

3. «Иҳёу улумид-дин».

Бу китобнинг муаллифи дунёга донг таратган олим Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Аҳмад Тусий Абу Ҳомид Ғаззолийдир. У киши Тус вилоятининг (ҳозирги Машҳад) Тобарон номли шаҳрида ҳижрий 450-санада таваллуд топганлар. Замонасининг кўзга кўринган уламоларидан таҳсил олган Ғаззолий ёшлик чоғиданоқ чуқур илми ила танилган. У киши ҳақли равишда «Ҳужжатул Ислом» – «Ислом ҳужжати» унвонига мушарраф бўлган.

Имом Ғаззолий кўпгина илмлар қатори, ақийда, илми калом, фалсафа каби илмларда ҳам аллома бўлган. Илми калом, фалсафа, ботиния, тасаввуф каби мавзуларда кўпгина китоблар ёзган. Шунингдек, ғарб файласуфлари имом Ғаззолийдан таъсирланганларини ҳамма яхши билади.

Имом Ғаззолий ҳижрий 505-сананинг ўн тўртинчи жумадул охирида Тобаронда вафот этган.

Имом Ғаззолийнинг «Иҳёу улумуд-дийн» китоби алоҳида эътибор қозонган асардир. Бу китобни ҳамма олим ва толиби илмлар ўқиган ва ўқимоқдалар.

Имом Ғаззолий «Иҳёу улумуд-дийн» китобини ёзишда ўзидан олдин ўтган уламоларнинг китобларидан, хусусан, Абу Толиб Маккийнинг «Қуутул қулуб» ва Ҳорис ибн Асад Муҳосибийнинг «Ар-Риоя» китобларидан фойдаланганини мутахассислар алоҳида таъкидлайдилар.

Бу ҳақда имом Ғаззолийнинг ўзи «Мифтаҳу дариссаода» номли китобида: «Сўнгра уларнинг тасаввуфий илмларини Абу Толиб Маккийнинг «Қуутул қулуб» ва Ҳорис ал-Маҳосибийнинг китобларини ўқиш ила ҳосил қилишни бошладим», дейди.

Имом Ғаззолийнинг илм бобидаги энг заиф томони ҳадис илмида эканини барча зикр қилади. У кишининг ўзи ҳам бу нуқсонни англаб, умрининг охирида илми ҳадисни эгаллашга ҳаракат қилган.

Ҳадис олимларидан имом Бухорий ва имом Муслимнинг «Саҳиҳ»ларини ўқиб бўлганидан кейин вафот этган.

Ул зотнинг «Иҳёу улумуд-дийн» асари катта шовшувларга ва тортишувларга сабаб бўлган. Бу китобнинг ишқибозлари кўп бўлиши билан бирга, танқидчилари ҳам оз бўлмаган. Танқидчилар асосан китобга киритилган мавзуъ (сохта) ҳадислар ва баъзи ҳикояларга эътироз билдирганлар.

Мисол учун, машҳур танқидчилардан бири Ибн Жавзий қуйидагиларни ёзади: «Билки, «Иҳё» китобида фақат уламоларгина биладиган офатлар бордир. Ақаллиси ботил (мавзуъ) ҳадислардир. Уларни бошқалардан кўчирган, ўзи тўқимаган. Мавзуъ ҳадис ила савобли иш қилиб бўлмайди. Сохта гап ила ғурурга кетиб бўлмайди».

Ким нима деса десин, аммо имом Ғаззолийнинг «Иҳёу улумуд-дийн» китоби тенги йўқ асардир. У кишидан кейин келганлар бу китобдан унумли фойдаланганлар ва фойдаланмоқдалар.

Имом Ғаззолийнинг «Иҳёу улумуд-дийн» асаридан фойдаланиб китоб ёзган замондош уламоларимиздан Саъид Ҳавво раҳматуллоҳи алайҳи «Иҳё»нинг мақтовида жумладан қуйидагиларни ёзади:

«Иҳё» китобига кўпчилик боғланган ва у Исломда таълифда ўхшаши йўқ китобдир. Менимча, «Иҳё»да имом Ғаззолийдан бошқаларга насиб қилмаган маънолар бор. Унда яна баъзи маънолар бўлиб, улар гўзал тарзда ёзилган ва кўпгина уламолар у кишига бунда шерик бўлганлар. «Иҳё»да яна бир хил маънолар борки, улар ихтилофларга сабаб бўлган.

Керак жойини мутахассислар тадқиқ қилишлари учун ва бошқалар билан шерик бўлган гапларини ҳам тарк этиб, «Иҳё»нинг ўзига хос қисмини оладиган бўлсак, ўша нарсалар имом Ғаззолий давридаги мушкулотларнинг давоси эканини кўрамиз.

Худди ўша даволар бугунги кунимиздаги дардлардан холи бўлишда ҳам хизмат қилишида шубҳа йўқдир. Асримиз дардларининг энг кўзга кўринганлари руҳий бўшлиқ ва шаҳватларнинг ғолиб бўлишидир».

Ўзимиздан қўшимча қилиб айтишимиз лозимки, юқоридаги сатрда айтиб ўтилган «руҳий бўшлиқ» биздаги руҳий бўшлиқ тушунчасига мутлақо тўғри келмайди.

Бизда «руҳий бўшлик» деганда ақийдасизлик, руҳий-маънавий ҳаётдан бегоналик, ажнабий тилдаги «идеология»сизлик англанади.

Баъзилар «Совет тузуми қулаб, руҳий бўшлиқ вужудга келди», «У бўлди, бу бўлди», дейишга одатланишган. Ҳолбуки, совет тузумининг ўзи руҳий бўшлиқдан иборат эди. Аллоҳни, динни, ақийдани ва руҳий тарбияни инкор қилувчи тузумда руҳий бўшлиқдан бошқа нима ҳам бўлиши мумкин?! Лекин мазкур тузумнинг идеология деб аталган ўз сафсатаси бор эди.

Саъид Ҳавво айтиб ўтган «руҳий бўшлиқ» тамоман бошқа нарса. У киши ҳозирги кундаги мусулмонларнинг ҳолатини ўзига хос тушунча асосида сифатламоқда. Унда одамлар исломий ақийдаларни яхши биладилар, Аллоҳ таоло ва У Зот яратган барча нарсаларга мустаҳкам эътиқодлари бор, уларнинг одоб-ахлоқ, ибодатлари ва руҳий тушунчалари ҳам мўмин-мусулмонлар каби. Аммо буларнинг ҳаммасида юзакилик бор. Ҳақиқий руҳий тарбия ўз аксини топмаган.

Охирги асрда кўплаб исломий илмлар ва тушунчалар одамларга замон талаби асосида осон ва енгил услубда тақдим этилди. Олий мақомдаги иборалар, тушунчалар ва таърифлар оммабоп равишда қайта таҳрир қилинди.

Замонамиз уламолари тарафидан янги тафсирлар, ҳадис шарҳлари, сийрат китоблари, фиқҳий асарлар ва бошқа соҳаларга оид турли-туман қўлланмалар нашр этилди. Мусулмонлар улардан унумли фойдаланмоқда-

лар. Мазкур фойданинг самараси ҳам кўзга кўринмоқда. Мусулмон оламида «Исломга қайтиш», «исломий уйғониш» каби истилоҳлар пайдо бўлди. Турли илмий ва ижтимоий ҳаракатлар юзага келди. Аммо уларнинг кўпчилиги кўзланган мақсадга эриша олмагани ҳам маълум.

Мазкур нуқсоннинг асосий сабабларидан бири сифатида айнан нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллашнинг етишмаслиги зикр қилинмоқда. Шунинг учун ҳозирда бу масалага катта эътибор берилмоқда.

ДИЁРИМИЗДАГИ ҲОЛАТ

Машҳур алломалар, исломий маърифат ва илмлар маркази бўлган бизнинг диёримизда ҳам нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллаш бўйича катта устозлар етишиб чиққан ва кўплаб асарлар битилган. Боболаримизнинг Ислом олами миқёсида шуҳрат қозонган асарлари рўйхатини тузмоқчи бўлган одам уларнинг кўплигидан қийин ҳолга тушиб қолади.

Биз фикримиз далили сифатида уларнинг баъзиларинигина эслаб ўтамиз. Чунки мақсадимиз уламолар ва уларнинг асарлари ҳақида тадқиқот олиб бориш эмас.

1. Имом Абдуллоҳ ибн Муборак Марвазий. «Китобуз-зуҳд».

2. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий. «Ал-адабул муфрад».

3. Имом Насоий. «Амали явми вал-лайла».

4. Имом Абу Зайд Даббусий. «Ал-амад ал-ақсо».

5. Ҳаким Термизий. «Китобуз-завқи», «Ар-Риёза ва адабун-нафс».

6. Абу Наср Форобий. «Ороу аҳли Мадинатил фозила», «Ал-Одоб ал-мулукийя».

7. Ибн Сино. «Рисолатун фил ҳикмати», «Китобут-тойр», «Асрорус-солати», «Ал-Инсоф».

Айнан мана шу каби фалсафий асарларда нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган.

Мовароуннаҳр тазкиятун-нафс ва таҳзийбул ахлоқ бўйича пешқадам имомларнинг юрти бўлгани ҳеч кимга сир эмас. Айниқса Нажмиддин Кубро, Баҳоуддин Нақшбанд, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Хожа Аҳрор Валий, Хожа Аҳмад Яссавий каби алломаларимиз ўзга юртларда ҳам маълум ва машҳурдирлар.

Алҳамдулиллаҳ, охирги йилларда исломий таълимотларни ўрганиш, ибодатга юзланиш ва исломий китоблар нашр қилиш ишлари аста-секин йўлга қўйилиб бормоқда.

Баҳоуддин Нақшбанд, Абдулхолиқ Ғиждувоний, Хожа Аҳрор Валий каби улуғларимизнинг таваллуд айёмлари тантаналар билан нишонланди. Шу муносабат билан уларнинг ҳаётлари, илмий-тарбиявий фаолиятлари ва ёзган рисолалари ўрганилди.

Нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллашга оид бир қанча китоблар таржима қилинди, ҳозирги ҳарфларга ўгирилди ва нашр этилди. Шунингдек, имом Ғаззолийнинг баъзи китоблари ҳам таржима қилинди. Жумладан, «Иҳёу улумид-дин» китобидан баъзи боблар таржима қилинди. Бундан кейин ҳам бу ҳаракат фойдали равишда давом этади, деган умиддамиз.

КАМТАРОНА УРИНИШ

Юқорида зикр қилинган соҳа бўйича камина томонидан ҳам камтарона уринишлар бўлди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифлари асосида шайх Мансур Али Носиф ал-Ҳусайний таълиф қилган кўп жилдлик «Ат-тож ал-жомеъ лил-усул фий

аҳадийсир-Расул» китобига шарҳ сифатида ёзилган «Ҳадис ва Ҳаёт» силсиласининг бир неча жузлари, хусусан учинчи жуз – «Ният, ихлос ва илм китоби», ўттиз тўртинчи жуз – «Яхшиликлар ва ахлоқ китоби», ўттиз бешинчи жуз – «Зикрлар, дуолар, истиғфор ва тавба китоби», ўттиз олтинчи жуз – «Зуҳд ва рақоиқлар китоби», ўттиз еттинчи жуз – «Одоб китоби» айнан шу мавзуга оид масалаларга бағишланган.

Учинчи жуз – «Ният, ихлос ва илм китоби» нашр этилди ва сиз муҳтарамлардан баъзиларингиз уни ўқиб чиқдингиз ҳам. Қолганларининг нашр қилинишини кутиб турибмиз. Бу китобларнинг қўлингизга етиб боришида Аллоҳ таолонинг ёрдамини сўраш билан бирга, сиз азизларнинг дуоларингиздан ҳам умидвормиз.

«Тасаввуф ҳақида тасаввур» китоби нашр этилиши маълум доираларда ўзига хос баҳсларга сабаб бўлди. Кўпгина одамлар тасаввуф ҳақидаги саволларига мазкур китоб орқали жавоб топганларини айтиб, миннатдорчилик билдирдилар. Шу билан бирга, норози бўлганлар ҳам йўқ эмас.

«Маънавий жиноятларга қарши» асари ҳақида ҳам худди шу гапларни айтишимиз мумкин.

Аммо кўпчиликка гапириб юрилган «фиқҳи ботин» борасида қитоб ёзиш масаласи ҳали олдинда турар эди.

Фиқҳи зоҳирга оид «Мухтасари Виқоя»га шарҳ қилиб ёзилган «Кифоя» номли катта китобни битиргандан кейин нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллаш мавзусига бағишланадиган китобни ёзишда фойдаланиш учун жамланган манбалар тартибга солиниб, қайта кўриб чиқилди. Фиқҳи ботинга оид бу китобда мўмин-мусулмон инсоннинг Холиқига ҳамда бу дунёдаги барча шахс ва нарсаларга нисбатан ички дунёси қандай бўлиши лозимлиги Қуръони Карим ва Суннати мутоҳҳара асосида баён қилиниши керак эди.

Мўмин-мусулмонлар орасида ҳам бундай китобга зарурат туғилганига далолат қилувчи аломатлар оралаб қолганига анча бўлган, кишиларда бу борада турли саволлар пайдо бўлганди:

Нима учун баъзи намозхонлар ёлғон гапиради?

Нима учун ҳажга бориб келган баъзи кимсалар яна аввалги ёмон ишларини қилишда давом этишмоқда?

Намозни ўргандик, энди нима қиламиз?

Рўзадор ғийбат қилса, рўзаси очилармиш, буни қандай тушунамиз?

Намоз ўқиётганимда хаёлимга ҳар хил ёмон фикрлар келаверади. Уларни айтишга тил ҳам айланмайди. Бу ҳолат нимага далолат қилади?

Шайтоннинг васвасасидан қутулиш учун инсон нима қилиши зарур?

Мусулмонлар орасидаги кўнгилсиз гап-сўз ва ишларни муолажа қилишнинг иложи борми?

Булар баъзи фикр ва муносабатлар, холос. Мазкур муносабатлар ва фикрлар бизни аввалдан ёзишни ният қилиб юрган китобимизни бошлашга чорлади. Ва ниҳоят, Аллоҳ таолонинг Ўзидан ёрдам сўраган ҳолда бу ишга қўл урилди.

Китобга яхши ният билан «Руҳий тарбия» номи ихтиёр қилинди ва у уч қисмга бўлинди.

Биринчи қисм «Покланиш» деб аталди.

Унда аввал доимий равишда покланиш учун зарур бўлган омиллар ҳақида имкони борича маълумотлар берилди. Кейин эса кирланишга сабаб бўладиган салбий ҳолат, сифат ва хулқлар ҳақида маълумотлар ва улардан покланиш йўллари баён этилди.

Иккинчи қисм «Тикланиш» деб аталди. Унда мўмин-мусулмон бандада бўлиши лозим маълум мақомотларни рўёбга чиқариш ҳақида сўз юритилди. Бошқача қи-

либ айтганда, мусулмон шахсиятининг тикланиши баён этилди.

Учинчи қисм «Хулқланиш» деб аталди. Бу қисмда аввало Аллоҳ таолонинг гўзал исмлари ила хулқланиш ва Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга бу борада эргашиш ҳақида маълумотлар берилди.

Сўнгра хулқланишнинг самаралари ҳақида сўз юритилди. Ҳар бир сифат ва мақомнинг луғатдаги ва уламолар таърифидаги маънолари тақдим этилди. Улар ҳақида келган оят, ҳадис ва ҳикматли сўзлар ўз ўрнида тақдим этилди.

Албатта, бу китоб «сув бўлмаса, таяммум» қабилидаги бир ишдир. Роббимиз ушбу камтарона амалнинг камчиликларини Ўзи афв этсин ва фойдали бўлишини насиб этсин!

ИЛМНИНГ ФАЗЛИ ВА УНГА ОИД МАСАЛАЛАР

Ислом илм дини эканига ҳеч қандай шубҳа йўқ. Исломни ўрганиш учун ҳам илмга уриниш лозим. Барча исломий илмлар шу мақсадга хизмат қилади. Жумладан, биз баҳс қилиб турган мавзу учун ҳам илм энг муҳим омил эканини яна бир бор таъкидламоқчимиз.

Шу билан бирга, воқелигимиздан келиб чиқиб, минг афсуслар ила таъкидламоқчимизки, кўпчилигимиз илмга керакли масъулият билан қарай олмаймиз. Хусусан, диний таълимотларни ўрганишга бўлган эътиборимиз жуда ҳам ночор ҳолда. Кўпчилигимиз диний тушунчаларни ўзлаштириш учун тайёр турган китобни ўқишга ҳам дангасалик қиламиз.

Келгуси сатрларда ёритилажак илм ҳақидаги нарсалар кўпчилик учун илмга туртки бўлар, деган умиддамиз.

Мавзуни илмнинг луғатдаги маъноси билан танишишдан бошлайлик.

«Илм» сўзи араб тилида бир нарсанинг бошқасидан ажратиб турадиган белгиси маъносини англатади. Бинобарин, илм таълим ўрганувчининг кўп такрорлаши сабабли унинг шахсиятига таъсир ўтказувчи омил эканини билиб оламиз.

Луғат илмининг кўзга кўринган арбобларидан бири бўлган Ибн Манзур: «Илм жоҳилликнинг акси бўлиб, у бир нарсанинг бошқалардан ажралиб турувчи белгисини билиб олишдир», деган.

Илмнинг истилоҳий маъноси қуйидагича:

Журжоний ўзининг «Таърифот»ида: «Илм воқеликка мувофиқ бўлган жазмли эътиқоддир», деган.

Имом Ғаззолий раҳматуллоҳи алайҳи айтади: «Илм бир нарсани худди ўзидек идрок қилишдир».

Илм ва унга боғлиқ маъноларни ифода этган ояти карималарнинг сони уч юз етмиш тўққизтадир. Биз ушбу ўринда уларнинг баъзиларинигина келтириб ўтамиз.

Аллоҳ таоло Фотир сурасида марҳамат қилади:

إِنَّمَا يَخْشَى ٱللَّهَ مِنْ عِبَادِهِ ٱلْعُلَمَٰٓؤُا۟

«Аллоҳдан бандалари ичидан фақат олимларигина қўрқарлар» *(28-оят)*.

Аллоҳ таолонинг қудратини ҳис этиб, махлуқотлардан ибрат олиб, уларнинг яратувчиси борлигини англаб етиб, ақли билан Аллоҳни топган ва Ундан қўрққан одамгина олим ҳисобланади.

Аллоҳ таоло Зумар сурасида марҳамат қилади:

هَلْ يَسْتَوِى ٱلَّذِينَ يَعْلَمُونَ وَٱلَّذِينَ لَا يَعْلَمُونَ

«Биладиганлар билан билмайдиганлар тенг бўлармиди?» *(9-оят)*.

Албатта, тенг бўлмайдилар. Биладиганлар иймон келтириб, ибодат қиладилар. Билмайдиганлар куфр келтириб, исён қиладилар.

Аллоҳ таоло Анкабут сурасида марҳамат қилади:

وَتِلْكَ ٱلْأَمْثَٰلُ نَضْرِبُهَا لِلنَّاسِ ۖ وَمَا يَعْقِلُهَآ إِلَّا ٱلْعَٰلِمُونَ ﴿٤٣﴾

«Ушбу мисолларни Биз одамлар учун келтирурмиз. Лекин уларга фақат олимларнинг ақли етар» *(43-оят)*.

Бу борадаги ҳадиси шарифларнинг адади жуда ҳам кўп. Биз намуна сифатида фақат бир нечтасини келтирамиз.

عَنْ مُعَاوِيَةَ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَنْ يُرِدِ اللهُ بِهِ خَيْرًا يُفَقِّهْهُ فِي الدِّينِ، وَإِنَّمَا أَنَا قَاسِمٌ وَاللهُ يُعْطِي، وَلَنْ تَزَالَ هَذِهِ الْأُمَّةُ قَائِمَةً عَلَى أَمْرِ اللهِ لَا يَضُرُّهُمْ مَنْ خَالَفَهُمْ حَتَّى يَأْتِيَ أَمْرُ اللهِ». رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

Муовия розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ кимга яхшиликни ирода қилса, уни динда фақиҳ қилиб қўяди. Албатта, мен тақсимловчиман, холос. Аллоҳ беради.

Модомики бу уммат Аллоҳнинг иши (қиёмат) **келгунича Аллоҳнинг амрида қоим бўлар экан, уларга хилоф қилганлар зарар етказа олмайди», дедилар».**

Тўртовлари ривоят қилишган.

Дин таълимотларини яхши тушуниш банда учун катта бахт-саодат бўлиб, бу ҳолат Аллоҳ таоло унга яхшиликни ирода қилганига далолат қилади. Демак, диний

илмни бандага Аллоҳ таолонинг Ўзи беради. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам гапларининг давомида:

«Албатта, мен тақсимловчиман, холос. Аллоҳ беради», демоқдалар.

Яъни «Мен Аллоҳ таоло берган илмни етказаман, холос. Ҳақиқий илм берувчи Аллоҳ таолонинг Ўзидир».

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَنْ سَلَكَ طَرِيقًا يَلْتَمِسُ فِيهِ عِلْمًا سَهَّلَ اللهُ لَهُ بِهِ طَرِيقًا إِلَى الْجَنَّةِ، وَمَا اجْتَمَعَ قَوْمٌ فِي بَيْتٍ مِنْ بُيُوتِ اللهِ يَتْلُونَ كِتَابَ اللهِ وَيَتَدَارَسُونَهُ بَيْنَهُمْ إِلَّا نَزَلَتْ عَلَيْهِمُ السَّكِينَةُ، وَغَشِيَتْهُمُ الرَّحْمَةُ، وَحَفَّتْهُمُ الْمَلَائِكَةُ، وَذَكَرَهُمُ اللهُ فِيمَنْ عِنْدَهُ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким илм талаб қилиш йўлига тушса, Аллоҳ унга жаннатнинг йўлини енгиллаштиради. Қайси бир қавм Аллоҳнинг уйларидан бирида жам бўлиб, Аллоҳнинг Китобини тиловат қилса, уни ўзаро ўргансалар, албатта, уларнинг устига сакина тушади, уларни раҳмат ўраб олади, фаришталар қуршаб оладилар ва Аллоҳ Ўз ҳузуридагилар қаторида зикр қилади», дедилар».

Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

عَنْ أَبِي الدَّرْدَاءِ ﷺ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللهِ ﷺ يَقُولُ: «مَنْ سَلَكَ طَرِيقًا يَبْتَغِي فِيهِ عِلْمًا سَلَكَ اللهُ بِهِ طَرِيقًا إِلَى الْجَنَّةِ، وَإِنَّ

الْمَلَائِكَةَ لَتَضَعُ أَجْنِحَتَهَا رِضَاءً لِطَالِبِ الْعِلْمِ، وَإِنَّ الْعَالِمَ لَيَسْتَغْفِرُ لَهُ مَنْ فِي السَّمَوَاتِ وَمَنْ فِي الْأَرْضِ حَتَّى الْحِيتَانُ فِي الْمَاءِ، وَفَضْلُ الْعَالِمِ عَلَى الْعَابِدِ كَفَضْلِ الْقَمَرِ عَلَى سَائِرِ الْكَوَاكِبِ، إِنَّ الْعُلَمَاءَ وَرَثَةُ الْأَنْبِيَاءِ، إِنَّ الْأَنْبِيَاءَ لَمْ يُوَرِّثُوا دِينَارًا وَلَا دِرْهَمًا، إِنَّمَا وَرَّثُوا الْعِلْمَ، فَمَنْ أَخَذَ بِهِ أَخَذَ بِحَظٍّ وَافِرٍ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абу Дардо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деётганларини эшитдим «Ким илм талаб қилиш йўлига юрса, Аллоҳ унга жаннат йўлини осон қилиб қўяди. Албатта, фаришталар толиби илмни рози қилиш учун қанотларини қўядилар. Албатта, олимга осмондаги зотлар, ердаги зотлар, ҳатто сувдаги балиқлар ҳам истиғфор айтади.

Олимнинг обиддан фазли худди ойнинг бошқа юлдузлардан фазлига ўхшайди. Албатта, олимлар пайғамбарларнинг меросхўрларидир. Албатта, пайғамбарлар динорни ҳам, дирҳамни ҳам мерос қолдирмаганлар. Албатта, улар илмни мерос қолдирганлар. Ким ўшани олса, улуғ насибани олибди».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

Саҳоба ва улуғлардан илм ҳақида ривоят қилинган ҳикматлар жуда ҳам кўп. Улардан баъзиларини эсга оламиз.

1. Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу: «Илм гапнинг кўплигида эмас, илм қўрқишнинг кўплигидир», деган экан.

2. Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳи: «Олим Аллоҳдан ғойибона қўрққан одамдир. Аллоҳ қизиқтирган нар-

сага қизиққан, Аллоҳ ёмон кўрган нарсадан қочган одамдир», дея туриб, «**Аллоҳдан бандалари ичидан фақат олимларигина қўрқарлар**» оятини тиловат қилар экан.

3. Ибн Абдул Барр Ҳилол ал Варроқдан ривоят қилади:

«Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу шундай дер эди:

«Огоҳ бўлинглар! Энг содиқ гап Аллоҳнинг гапи. Энг гўзал ҳидоят Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳидояти. Ишларнинг энг ёмони янги пайдо қилинганлари.

Огоҳ бўлинглар! Илм одамларга уларнинг акобирларидан келса, улар яхшиликда бардавом бўлурлар».

4. Имом Аҳмад ва Ибн Абдул Барр Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қиладилар: «Илмни ўрганинглар ва одамларга таълим беринглар. Унинг учун виқор ва сокинликни ҳам ўрганинглар. Ўзингиз таълим олган кишига ва таълим берган кишига тавозеъли бўлинг. Уламоларнинг жабборлари бўлманг. Жаҳлингиз илмингиз ила қоим бўлмайди».

5. Абу Нуъайм ва бошқалар Кумайл ибн Зиёддан қуйидагиларни ривоят қиладилар: «Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу қўлимдан тутиб, саҳро томонга олиб чиқди. Саҳрога чиққанимиздан кейин ўтириб, нафас ростлади ва қуйидагиларни айтди:

«Эй Кумайл ибн Зиёд! Қалблар идишлардир. Уларнинг яхшиси кўпни ўз ичига оладиганидир. Сенга айтадиган нарсаларимни ёдлаб ол.

Одамлар уч тоифадир: олими роббоний; нажот йўлини ўрганувчи; пасткаш, ғавғочи, ҳар кимга эргашувчи, ҳар шамолга мойил бўлувчи, илм нуридан зиё олмаган кимса.

Илм энг яхши молдир. Илм сени қўриқлайди, сен молни қўриқлайсан. Илм амал билан зиёда бўлади, мол сарфлаш билан ноқис бўлади.

Олимга муҳаббат қилиш лозим тутиладиган диндир. Илм туфайли олим ҳаётида тоат касб этади, вафотидан сўнг яхши ном билан эсланади. Молнинг қолгани эса у билан қўшилиб завол бўлади. Молларнинг хазиначиси ўлди, улар эса тирикдирлар.

Уламолар замон тургунича боқийдирлар. Таналари йўқолса ҳам, хотиралари қалбларда мавжуддир.

Албатта, мана бу ерда (қўли билан кўксига ишора қилди) илм бор, уни кўтарадиганларни топсанг эди! Ҳа, топилса ҳам, тез тушунадиган, аммо ишончсизи топилади. У динни дунё учун ишлатади. Ҳужжатларини Аллоҳнинг Китобига қарши, неъматларини бандаларига қарши ишлатади. Ёки аҳли ҳаққа эргашиб, ҳаётни қалб кўзи билан кўра олмайдигани топилади. Сал шубҳа пайдо бўлиши билан қалбида шак аланга олади. Ёки лаззатларга берилган, шаҳватларга жиловини тутқазгани топилади. Ёки молу дунё тўплашга ва уларни сақлашга мубтало бўлгани топилади. Улар ҳам дин даъватчилари эмас, кўпроқ далада ўтлаб юрган ҳайвонга ўхшайдилар. Бундай илм уни кўтариб юрувчиларнинг ўлими ила ўлади.

Ё Аллоҳ! Аллоҳнинг ҳужжатлари ва равшан далиллари ботил бўлмаслиги учун ер юзи Аллоҳнинг ҳужжати ила қоим бўлувчидан холи бўлмас. Уларнинг адади оздир. Уларнинг Аллоҳнинг ҳузуридаги қадри улуғдир. Улар ила Аллоҳ Ўз ҳужжатларини олға сурур. Улар ўша(ҳужжат)ларни ўз тенгдошларига етказурлар ва ўзларига ўхшаганларнинг қалбларига экурлар.

Илм уларни ҳақиқатга етказур. Шунда улар бойваччаларга қийин кўринган нарсаларни енгил билурлар, жоҳиллар ўзини олиб қочган нарсага улфат бўлурлар. Улар баданлари билан дунёда бўлсалар ҳам, руҳлари аъло мақомларга боғлиқ бўлур.

Ана ўшалар Аллоҳнинг юртларидаги халифалари ва динига даъватчилардир.

Эй воҳ! Уларни кўришга шавқим келур! Ўзим ва сен учун Аллоҳга истиғфор айтурман. Хоҳласанг, туриб кетавер!»

6. Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу илм билан бирга амал ҳам бўлиши зарурлигини доимо таъкидлар эдилар.

Ибн Абдулбарр ва Дорақутний келтирган ривоятда Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу қуйидагиларни айтади: «Эй илм ўрганганлар, унга амал қилинглар. Албатта, ҳақиқий олим илмни ўрганиб, кейин амал қилган ва амали илмига мувофиқ келган кишидир. Бир қавмлар бўлурки, улар илмни кўтарсалар ҳам, у бўғизларидан нарига ўтмас. Ичлари ташларига, илмлари амалларига хилофдир. Ҳалқаларни бир-бирларига кўз-кўз қилиш учун қурурлар. Ҳатто бир киши ўзиникини қўйиб, бошқанинг ҳалқасига ўтирганга ғазаб қилур. Уларнинг амаллари ўша мажлисларидан Аллоҳ азза ва жаллага кўтарилмас».

ИЛМ ТАЛАБ ҚИЛИШНИНГ ФАРЗЛИГИ

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ ﷺ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «طَلَبُ الْعِلْمِ فَرِيضَةٌ عَلَى كُلِّ مُسْلِمٍ». رَوَاهُ ابْنُ مَاجَهْ وَأَحْمَدُ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:
«Илм талаб қилиш ҳар бир мусулмон зиммасига фарздир», дедилар».
Имом Аҳмад ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Демак, ҳар бир мусулмон илм талаб қилишни ўзи учун фарз деб билиши керак. Ҳар бир мусулмон илмга эга бўлиб, кишиларни ҳидоятга даъват қилувчи шахс бўлишга уринмоғи лозим. Исломда илм талаб қилиш

бешикдан то қабргача фарз қилинган. Бу маънони кенгроқ тушунишга ҳаракат қилайлик.

Фарз Аллоҳ таолонинг қатъий амри бўлиб, уни бажариш ҳар бир мўмин учун мажбурийдир. Фарз амални бажармаган одам катта гуноҳ иш қилган бўлади, охиратда иқобга учрайди.

Фарз икки қисмга бўлинади: фарзи айн ва фарзи кифоя.

Фарзи айн ҳар бир мусулмон шахсан бажариши лозим бўлган ишдир. Уни биров учун бошқа бир одам адо этгани билан фарз бажарилган бўлмайди. Бунга намозни мисол қилиш мумкин. Беш вақт намозни ўқиши балоғатга етган ҳар бир мўмин инсон учун фарзи айндир. Ўқимаган одам қаттиқ гуноҳкор бўлади.

Фарзи кифоя эса баъзи бир мусулмонлар адо этса, бошқалар учун кифоя қиладиган ишдир. Бунга мисол жаноза намозидир. Бир мусулмон вафот этса, уни ювиб-тараб, жанозасини ўқиб кўмиш ҳамма мусулмонлар учун фарз бўлади. Аммо фарзи кифоя бўлгани учун, баъзи мусулмонлар жанозасини ўқиса кифоя. Бошқалардан фарз соқит бўлади.

Илм талаб қилиш борасида фарзнинг иккала қисми ҳам иштирок этади.

Ҳар бир мусулмон учун ўзига керак нарсани, ҳаёти учун зарурий илмни, дину диёнатни, ҳалол-ҳаромни билиб олишда зарур бўлган барча нарсани ўрганиш фарзи айндир. Ҳар бир мусулмон бу ишни қилиши шарт. Қилмаган одам гуноҳкор бўлади.

Мана, Ислом динида илм талаб қилиш фарзлигини тушуниб олдик. Энди бу фарз ҳаётимизда қай ҳолатда эканини мулоҳаза қилайлик. Кўпчилигимиз ўзимиз учун керак бўлган диний мажбуриятларни билмаймиз. Қуръон ўқиш, намоз ўқиш ва бошқа фарз, вожиб, сун-

нат ишларни ўрганмаймиз. Ҳолбуки, бу ишлар ҳар бир мусулмон учун фарзи айн бўлиб, ушбу нуқсонни йўқотиш учун курашмоғимиз лозим.

Жумладан, нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллаш илми ўрганишимиз ва амал қилишимиз зарур бўлган илмдир.

Илмнинг фойдалари:

Илмнинг фойдалари сон-саноқсиз эканини ҳамма яхши билади. Бу ўринда биз диний илмларнинг баъзи фойдаларини қисқача эслаб ўтамиз:

1. Илм орқали Аллоҳ танилади, Унга ибодат қилинади ва тавҳиди асосида яшаш йўлга қўйилади.
2. Илм эътиқодлар ва ибодатларнинг асосидир.
3. Илм талаб қилиш ибодатдир.
4. Илм жаннатга етиш йўлидир.
5. Илм ўз эгасига Аллоҳдан қўрқишни касб қилдиради.
6. Илм ўз эгасига халойиққа нисбатан тавозеъда бўлишни ўргатади.
7. Илмдан аввало эгаси, кейин бошқалар ҳам фойда олади.
8. Илмнинг ажри унинг эгасининг ажалидан кейин ҳам боқий қолади.
9. Илм ўз эгасини пайғамбарлардан кейинги энг юқори мартабага эриштиради.
10. Илм пастни баланд, хорни азиз ва синганни бутун қилади.
11. Илм кишини жаҳолат зулматидан маърифат нурига чиқаради.
12. Илм туфайли силаи раҳм қилинади ва ҳақ-ҳуқуқлар адо этилади.

ИЛМЛАРНИНГ ТУРЛАРИ

Илмларнинг энг зарурийси бандanинг Робби билан муомаласини йўлга қўювчи илмдир. Мазкур муомала учга тақсимланади:

1. Эътиқод;
2. Амал;
3. Тарк қилиш.

Ёш бола балоғатга етганида унинг зиммасига фарз бўладиган биринчи нарса шаҳодат калималарини ўрганиб, маъноларини тушунишдир.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам таълим кўрмаган араблардан тасдиқни эшитиш билан кифояланганлар. Улардан далил талаб қилмаганлар.

Юқоридаги ҳукм маълум бир вақтнинг фарзи бўлади. Кейин назар солиш ва далилни ўрганиш фарз бўлади.

Эътиқодга оид бошқа нарсаларни ўрганиш ҳам вазиятга қараб фарз бўлиб бораверади. Мисол учун, шаҳодат калималари маъноси ҳақида шак пайдо бўлса, бандага ўша шакни кетказадиган илмни ўрганиш фарз бўлади. Қайта тирилиш, жаннат, дўзах каби ақийда масалаларини ўрганиш вожиб бўлади.

Шунингдек, маълум бир амални бажариш вақти келганда унга оид ҳукмларни ўрганиш фарз бўлади. Намоз ўқиш ёшига етган киши учун таҳорат ва намозга оид ҳукмларни ўрганиш, Рамазонга соғ-саломат етиб келган балоғат ёшидаги киши учун рўза ибодатига оид шаръий ҳукмларни ўрганиш фарз бўлади.

Нисобга етган ва шу молига бир йил тўлган кишига закотнинг ҳукмларини ўрганиш фарз бўлади. Ҳаж вақти келганда, уни адо этишга шароити бўлган мусулмонга ҳажнинг ҳукмларини ўрганиши фарз бўлади.

Тарк қилиниши лозим бўлган нарсалар ҳолатга қараб ўзгариб туради. Мисол учун, кўзи ожиз киши учун назар солиш ҳаром бўлган нарсаларни ўрганиш фарз бўлмайди. Шунингдек, соқов киши учун гапириш ҳаром бўлган каломни ўрганиш фарз бўлмайди.

Хамр ичиш ва ипак кийиш тарқалган диёрда яшайдиган банда учун мазкур нарсаларнинг ҳаромлигини ўрганиш фарз бўлади.

Баъзи илмларни ўрганиш мубоҳ саналади. Маъноли шеър ва хабарларнинг тарихини ўрганиш шу жумладандир.

Баъзи илмлар мазаммат қилинади. Мисол учун, сеҳр ва тилсим илмини ўрганиш.

Шаръий илмларнинг барчаси мақталгандир. Улар усул – асл шаръий илмлар, фуруъ – шохобча шаръий илмлар, муқаддима илмлар ва тўлдирувчи илмларга тақсимланади.

1. Асл шаръий илмлар Қуръони Карим, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари, умматнинг ижмоъси ва саҳобаларнинг асарларидан иборатдир.

2. Шохобча шаръий илмлар мазкур асл илмлардан фаҳмланган ва улардан ақл орқали тушуниб олинган илмлардир. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, фақиҳларнинг қиёс ва бошқа қоидаларни ишга солиб чиқарган ҳукмларига оид илм.

3. Муқаддима илмлар Қуръони Карим ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларини билишга хизмат қиладиган наҳв ва луғат илмларига ўхшаш илмлардир.

4. Тўлдирувчи илмларга қироатлар илми, тажвид илми, ҳадис ривоятчиларининг исмлари, одиллиги ва таржимаи ҳолларига оид илм ва бошқалар киради.

ФАСЛ

Аммо муомала илмига келсак, у хавф, ражо – (умид), ризо, сидқ ва ихлос каби қалбнинг ҳолатларига оид илмдир. Бу илм ила Суфён Саврий, Абу Ҳанифа, Молик, Шофеъий ва Аҳмад ибн Ҳанбал каби катта уламолар шуҳрат топганлар.

Уламоларимиз шариат илмларини «зоҳирий фиқҳ» деб атайдилар. Ёки оддий қилиб «фиқҳ илми» дейиш билан кифояланадилар. Бинобарин, зоҳирий фиқҳ шаръий амалларнинг ташқи томонига аҳамият беради.

Мисол учун, таҳорат, ғусл, намоз, рўза, закот ва ҳаж каби ибодатларнинг зоҳирий масалаларини оят ва ҳадислар ҳамда ижмоъ ва қиёс асосида зоҳирий фиқҳ илми – шариат баён қилиб беради. Худди шу ибодатларни адо этиш жараёнида қалбни қандай тутиш кераклигини, хушуъ ва хузуъни қай тарзда адо этиш лозимлигини оят ва ҳадислар ҳамда ижмоъ ва қиёс асосида ботиний фиқҳ илми баён қилиб беради.

Яна ҳам тушунарли бўлиши учун мисоллар келтирайлик. Таҳоратнинг фарзи, суннати ва мустаҳаблари нималар эканини, бу ибодатни адо этиш чоғида аъзоларни қандай тутиш ва ювилиши лозим бўлган аъзоларни неча марта ҳамда қай тарзда ювиш кераклигини зоҳирий фиқҳ илми баён қилиб беради.

Таҳоратдан таълим бераётган фақиҳ олим: «Қўл яхшилаб уч марта ювилади, бармоқларни бир-бирининг орасига киритиб таҳлил қилинади, юзни ювганда ундоқ қилиш керак, оёқни ювганда бундоқ қилиш керак», деб ташқи ҳукмларни баён қилиб беради.

Таҳоратдан таълим бераётган руҳий тарбия олими эса ушбу ибодатни қилишни бошлаганда ва уни адо этиш жараёнида қалбни қандай тутиш лозимлигини ўр-

гатади. Ҳар бир аъзони ювганда қалбдан нималар ўтиши кераклигини бирма-бир баён қилади.

Намоз неча вақт фарз, вожиб ёки суннат?

Бомдоднинг неча ракати фарз-у, неча ракати суннат?

Намозда турганда, рукуъ ёки сажда қилганда гавдани қандай тутиш лозим?

Қаъдада ўтирганда гавда, қўл ва оёқлар қай ҳолатда бўлиши керак?

Шу каби саволларга зоҳирий фиқҳ илми жавоб беради.

Намоздаги руҳий ҳолатни, қалбни тутишни, хушуъ ва хузуъни ботиний фиқҳ илми баён қилади.

Яна шуларни ҳам билиш лозимки, баъзи сўзларнинг маъноси замон ўтиши билан ўзгариб, салафи солиҳлар ишлатган маънодан бошқа маънода ишлатиладиган бўлиб кетган. Мисол учун, «фиқҳ» сўзини олайлик. У шариатнинг фаръий ҳукмлари ва уларнинг сабабларига оид илмга хос қилиб қўйилган. Биринчи асрда эса бу сўз охират йўли, қалбнинг нозик офатлари, амалларни бузувчи нарсалар, дунёни паст санаш қуввати, охират неъматидан умидвор бўлиш ва қалбга хавф ўрнашиши илмига нисбатан ишлатилар эди.

Шунинг учун ҳам Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳи: «Фақиҳ дунёда зоҳидлик қилувчи, охиратга рағбат қилувчи, динини яхши билувчи, Роббининг ибодатида бардавом бўлувчи, мусулмонларнинг обрўсини сақловчи, молларида иффатли бўлувчи ва уларга насиҳат қилувчи шахсдир», деган.

Яна «илм» сўзи аввалари Аллоҳ таолони ва Унинг оятларини билишга нисбатан ишлатилар эди. Кейин эса тафсир ва ҳадисни билмаса ҳам, фиқҳ билан шуғулланадиган шахсга нисбат бериладиган бўлди.

Аввалари «тавҳид» сўзи барча ишларни Аллоҳ таолодан деб билишга ва шу билан барча сабаб ҳамда воситa-

лардан кесилишга нисбатан ишлатилар эди. Бунинг самараси ҳақиқий таваккул ва ризо бўлар эди. Кейинроқ эса бу сўз дин асллари билан боғлиқ илм учун ном бўлиб қолди.

Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Аммо асосий мақсад жавҳар ва моҳиятда эканини унутмаслигимиз лозим. Нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллаш илмининг исмлари ҳам кўп. Аммо асосий эътиборни моҳиятга қаратишимиз керак. Шу билан бирга, илмга нисбат берилган шахсларнинг – муаллимнинг ҳам, мутааллимнинг ҳам ўзига хос одоблари борлигини унутмаслигимиз лозим.

МУАЛЛИМ ВА МУТААЛЛИМ ОДОБЛАРИ

Бошқа илмлардаги каби, нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллаш илми соҳасида ҳам устоз ва шогирднинг ҳар бирига хос одоблар ва масъулиятлар бор.

Илм талаб қилувчининг (мутааллимнинг) одоблари қуйидагилар:

1. Илм талаб қилувчи шахс нафс поклигини ахлоқий разилат ва ёмон сифатлардан юқори қўймоғи лозимдир. Зотан, илм қалбнинг ибодатидир.

2. Илм талаб қилувчи шахс ўзини чалғитувчи нарсалардан алоқани кесмоғи лозим. Чунки фикр бўлинса, ҳақиқатларни идрок қилишдан ожиз бўлиб қолади. Салафи солиҳлар илмни бошқа барча нарсадан юқори қўяр эдилар. Баъзилари илмдан кўзлаган мақсадларига эришмай туриб, бошқа нарсаларга қўл урмас эдилар.

3. Илм талаб қилувчи шахс худди бемор ўзини табибга топширгани каби, устозига тамомила бўйсунмоғи, унга тавозеъ кўрсатмоғи ва хизматида қоим бўлмоғи керак.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу Зайд ибн Собит розияллоҳу анҳудан дарс олар эди. Зайд ибн Собит жўнаб кетишдан олдин отига минмоқчи бўлганида Ибн Аббос

отнинг жиловидан ушлаб турарди. Бир куни Зайд бундан қайтарди. Шунда Ибн Аббос розияллоҳу анҳу: «Уламоларимизни шундай ҳурмат қилишга буюрилганмиз», деди.

4. Илм талаб қилувчи такаббурлик қилса, жоҳиллик қилган бўлади. Чунки ҳикмат мўминнинг излаб юрган нарсасидир. Уни қаердан топса, олади. У муаллимининг фикрига эргашсин. Чунки устозининг хатоси унинг тўғри топганидан кўра фойдалидир.

Ибн Абдулбарр, ал Марҳабий ва ал Хатиб келтирган ривоятда Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу толиби илмга қуйидаги насиҳатни қиладилар:

«Олимнинг сендаги ҳаққи:

1. Унга кўп савол бермаслик;
2. Жавобни қаттиқ талаб қилиб, уни чарчатмаслик;
3. У хоҳламаса, маҳкам ёпишиб олмаслигинг;
4. Агар танбаллик қилса, кийимидан тутмаслигинг;
5. Устозга қўл билан ишора қилмаслик;
6. Унга кўз қисиб ҳам ишора қилмаслик;
7. Одамлар билан мажлис қуриб ўтирганида сўрамаслигинг;
8. Унинг адашиши пайидан бўлмаслик;
9. Агар адашса, қайтишини кутишинг ва тавбасини қабул этишинг;
10. «Фалончи сен айтганнинг хилофини айтди», демаслик;
11. Унинг сирини фош қилмаслик;
12. Унинг ҳузурида ҳеч кимни ғийбат қилмаслик;
13. Уни ҳозирлигида ҳам, ғойиблигида ҳам муҳофаза қилиш;
14. Одамларга умумий салом бериб, унга алоҳида табрик айтиш;
15. Унинг рўпарасида ўтириш;
16. Унинг ҳожати бўлса, бошқалардан олдин унинг хизматини қилиш;

17. Олимнинг суҳбати узунлигини малол олмаслик;

18. У бир хурмога ўхшайди. Сен ундан ўзингга қачон манфаат етишига интизор бўлиб турмоғинг керак.

19. Албатта, олим Аллоҳнинг йўлида рўза тутган мужоҳид кабидир. Қачон бир олим вафот этса, Исломда бир тешик пайдо бўлур ва у қиёматгача тўсилмас. Толиби илмни осмоннинг муқарраб фаришталаридан етмиштаси кузатиб юрур...»

Илм талаб қилувчи шахс дастлабки босқичда ихтилофларга қулоқ солмаслиги керак. Бу нарса унинг ақлини лол ва зеҳнини шол қилиши мумкин.

Илм талаб қилувчи шахс ҳар бир нарсадан энг яхшисини олмоғи лозим. Чунки ҳамма илмларни олиш учун умр камлик қилади. У асосий қувватини энг шарафли илмга сарф қилиши керак. Ўша илм охиратга боғлиқ илмдир.

Муаллимнинг одоблари қуйидагилар:

Муаллим талабаларга шафқатли бўлиши ва уларни ўз болалари ўрнида кўриши керак;

Муаллим таълим бергани учун ҳақ олмаслиги, мукофот ва ташаккур тамаъ қилмаслиги, фақат Аллоҳ таолонинг розилиги учун таълим бермоғи лозим;

Муаллим толиби илмларга миннат қилмаслиги, аксинча, уларнинг илм учун қилган ҳимматларини фазл деб билиши керак. Улар худди ерни экиш учун ижарага берган кишига ўхшайди;

Муаллим ажрни Аллоҳ таолодан бошқадан сўрамаслиги шарт. Салафи солиҳлар илм толибининг ҳадясини олишдан ҳам бош тортар эдилар;

Муаллим насиҳат қилишда малолланмаслиги керак;

Муаллим толиби илмда одобсизликни кўрса, ишора йўли ва лутф билан тўғриласин. Дўқ-пўписа қилмасин. Чунки дўқ-пўписа ҳайбат пардасини йиртади;

Муаллим толиби илмнинг фаҳми ва ақли миқдорига назар солсин. Унга фаҳми етмайдиган ва ақли иҳота қила олмайдиган нарсаларни таълим бермаслик керак.

Имом Бухорий «Бир қавмни бир илмга хос қилиб, бошқаларга фаҳмлай олмасликлари учун айтмаган киши ҳақидаги боб»да Али розияллоҳу анҳунинг илм ҳақидаги қуйидаги сўзларини келтирган:

«Одамларга ўзлари англайдиган нарсани гапиринглар. Ёки Аллоҳ ва Унинг Расулининг ёлғончига чиқарилишини истайсизларми?!»

Имом Муслим «Саҳиҳ»ида Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳунинг қуйидаги гапларини келтирган:

«Бир қавмга уларнинг ақллари етмайдиган гапни зинҳор гапирмагин. Чунки баъзилари учун фитнага айланиб қолиши мумкин».

Муаллим илмига амал қилувчи бўлиши шарт.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

۞ أَتَأْمُرُونَ ٱلنَّاسَ بِٱلْبِرِّ وَتَنسَوْنَ أَنفُسَكُمْ وَأَنتُمْ تَتْلُونَ ٱلْكِتَٰبَ ۚ أَفَلَا تَعْقِلُونَ ﴿٤٤﴾

«Одамларни яхшиликка буюриб туриб, ўзингизни унутасизми? Ҳолбуки, Китобни тиловат қиляпсиз-ку. Ақл юритмайсизларми?!» *(44-оят).*

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу айтади: «Белимни «синдирган» икки киши: амалсиз олим ва илмсиз обид».

НОҚОБИЛ УЛАМОЛАР

Минг афсуслар бўлсинким, аҳли илмнинг ичида ҳам ноқобиллари учраб туради. Одам боласи турли-туман бўлиши ҳақиқатдир. Табиати бузуқ инсонлар ичида ҳам баъзи бир сабабларга кўра илм йўлига кириб қолганлари бўлади. Бундай бўлишининг ҳақиқий ҳикмати ёлғиз Аллоҳ таолонинг Ўзига аён. Аммо ноқобил аҳли илмнинг чиқиб туриши бандалар учун синов ва охират уламоларининг қадрини ошириш учун бўлса, ажаб эмас.

«Ноқобил уламолар» деганда илм ила дунё неъматларидан фойдаланишнигина қасд қилган ва уни одамлар орасида обрў орттириш учун ишлатадиган шахслар тушунилади.

Ноқобил уламоларнинг сифатлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадиси шарифларида келган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَنْ تَعَلَّمَ عِلْمًا مِمَّا يُبْتَغَى بِهِ وَجْهُ اللهِ لَا يَتَعَلَّمُهُ إِلَّا لِيُصِيبَ بِهِ عَرَضًا مِنَ الدُّنْيَا لَمْ يَجِدْ عَرْفَ الْجَنَّةِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ مَاجَهْ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Аллоҳнинг розилиги талаб қилинадиган илмни фақат дунёнинг ўткинчи матоҳига эришиш учун ўрганса, қиёмат куни жаннатнинг ҳидини ҳам топа олмайди», дедилар».

Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Исломда илм талаб қилиш, хусусан, динда фақиҳ бўлиш учун илм ўрганиш фақат Аллоҳ таолонинг рози-

лиги учун бўлади. Шундай қилган одам икки дунёнинг бахт-саодатига эришади. Бу дунёда ҳурмат-эҳтиром ила ҳаёт кечириб, охиратда жаннати маъводан жой олади.

Аммо кимки диний илмларни, яъни ҳадисда айтилганидек, Аллоҳнинг розилиги талаб қилинадиган илмни дунёнинг ўткинчи матоҳига эришиш учун (мансаб, мол ёки риё учун) ўрганса, жаннатнинг ҳидини ҳам топа олмайди.

Шунинг учун диний илмларни талаб қилишда ўта ҳушёр бўлиш, ниятни соф қилиш, фақат Аллоҳ таолонинг розилигини ўйлаб иш тутиш керак бўлади.

عَنِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَنْ تَعَلَّمَ عِلْمًا لِغَيْرِ اللهِ أَوْ أَرَادَ بِهِ غَيْرَ اللهِ فَلْيَتَبَوَّأْ مَقْعَدَهُ مِنَ النَّارِ».

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким илмни Аллоҳдан бошқа учун ёки Аллоҳдан бошқани (рози қилишни) **ирода қилиб ўрганса, дўзахдаги ўриндиғини олаверсин», дедилар».**

Ушбу ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам илм талаб қилиш фақат Аллоҳ учун, Аллоҳнинг розилиги учун бўлиши зарурлигини қаттиқ таъкидламоқдалар. Агар кимнинг нияти бузилса, яъни илмни Аллоҳдан бошқа учун, Аллоҳнинг розилигидан бошқа мақсад учун ўрганса, дўзахга тушиши муқаррар эканини айтмоқдалар.

عَنْ كَعْبِ بْنِ مَالِكٍ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَنْ طَلَبَ الْعِلْمَ لِيُجَارِيَ بِهِ الْعُلَمَاءَ، أَوْ لِيُمَارِيَ بِهِ السُّفَهَاءَ، أَوْ يَصْرِفَ بِهِ وُجُوهَ النَّاسِ إِلَيْهِ أَدْخَلَهُ اللهُ النَّارَ». رَوَاهُمَا التِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَهْ.

Каъб ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким илмни уламолар билан можаро қилиш, эсипастларга ғолиб келиб, ўзини кўрсатиш ёки у билан одамларни ўзига қаратиш учун ўрганса, Аллоҳ уни дўзахга киритади», дедилар».

Иккисини Термизий ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ҳадиси шарифларида илм талаб қилишда толиби илм ниҳоятда эҳтиёт бўлиши лозим бўлган учта хатарли ишдан огоҳлантирмоқдалар:

1. Илмни уламолар билан можаро қилиш учун ўрганмаслик керак. Бир илмни яхшилаб ўрганиш «Уламолар билан талашиб-тортишиб, можаро қилиб, ҳаммасини енгиб, жим қилиб қўяй», деган ниятда бўлмаслиги керак.

2. Эсипастларга ғолиб келиб, ўзини кўрсатиш учун ҳам илм талаб қилмаслик керак. Толиби илм ҳеч қачон «Илмни ўрганиб олиб, тушунмаган одамларни мағлуб қилиб, ҳаммасини лол қилиб қўяй», деган ниятни қилмаслиги лозим.

3. Ёки одамларни ўзига қаратиш учун илм талаб қилмаслик керак. Одамларнинг «Фалончи қори бўлибди, мулла бўлибди, қойил», дейишлари учун ва шунга ўхшаган ниятлар билан илм ўрганилса, бундай одамнинг ҳам оқибати яхши бўлмас экан. Аллоҳ таоло уни дўзахга киритар экан. Шунинг учун илмни фақатгина Аллоҳ таолонинг розилиги учун талаб қилиш керак.

Салафлардан баъзилари: «Ўлим пайтида энг кўп надомат қиладиган одам ноқобил олимдир», дейишган экан.

ОХИРАТ УЛАМОЛАРИ

Бунда илмни охират учун талаб қилган ва ишлатган содиқ олимлар кўзда тутилади. Қадимдан охират уламолари қандай бўлишлари кераклиги ҳақида баҳслар бўлиб келган. Улардан баъзиларини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Олим қоидага мувофиқ иш тутиб, амр ва наҳйиларни адо этиб туриши лозим.

Олим зоҳид бўлиши ҳам, мубоҳ нарсалардан юз ўгириши ҳам шарт эмас. Аммо у иложи борича дунёга уринмаслиги керак. Ҳар бир жисм ҳам оғирликни кўтаравермайди.

Одамларнинг табиати турлидир. Ривоят қилинишича, Суфён Саврий раҳматуллоҳи алайҳи яхши таомларни тановул қилар ва: «Уловнинг озуқаси яхши бўлмаса, хизматга ярамайди», дер эди.

Имом Аҳмад ибн Ҳанбал раҳматуллоҳи алайҳи қашшоқликнинг оғирлигига сабр қилишга одатланган эди.

Охират уламолари охиратни бу дунёдан устун қўядилар. Уларнинг амаллари гапларига хилоф бўлмайди. Улар охиратда фойда берувчи илмга мойил бўладилар.

Шақиқ Балхийдан ривоят қилинишича, у киши Ҳотимга: «Бир муддат менинг суҳбатимда бўлдинг. Айтчи, нимани ўргандинг?» деганида, у саккизта нарсани санаб ўтган экан:

«Биринчи: мен халойиққа назар солсам, ҳар бир шахснинг муҳаббат қўйган нарсаси бор экан. Унинг ўзи қабрга кирса, муҳаббат қўйган нарсаси ундан ажраб қолар экан. Мен қабримда бирга бўлиши учун савобли ишларимга муҳаббат қўйдим.

Иккинчиси: Аллоҳ таолонинг «...нафсни ҳавойи хоҳишдан қайтарган бўлса», деган сўзига назар солдим.

Бас, ҳавони даф қилиш борасида нафсни қийнадим ва охири Аллоҳ таолонинг тоатида барқарор бўлдим.

Учинчиси: Ким қийматли нарсага эга бўлса, ўшани қаттиқ муҳофаза қилишини кўрдим. Сўнгра Аллоҳ таолонинг «Ҳузурингиздаги нарса тугайдир. Аллоҳнинг ҳузуридаги нарса эса боқийдир», деган сўзига назар солдим. Бас, қиймати бор нарса қўлимга тушса, ҳузуримда боқий бўлиши учун У Зотнинг ҳузурига юбордим.

Тўртинчиси: Одамларнинг насабга, молга ва шарафга интилишларига гувоҳ бўлдим. Ҳолбуки, улар арзимаган нарсалардир. Бас, Аллоҳ таолонинг «Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида энг ҳурматлийингиз энг тақводорингиздир», деган сўзига эргашдим ва У Зотнинг ҳузурида ҳурматли бўлиш учун тақвога амал қилдим.

Бешинчиси: Одамларнинг бир-бирларига ҳасад қилишларини кўрдим. Ва Аллоҳнинг «Дунё ҳаётида уларнинг ораларида маишатларини тақсимладик», деган сўзига мувофиқ, ҳасадни тарк қилдим.

Олтинчиси: Инсонлар ўзаро душманлик қилишларини кузатдим. Бас, Аллоҳнинг «Албатта, шайтон сизга душмандир. Бас, уни душман тутинг», деган сўзига амал қилган ҳолда одамларга нисбатан душманликни тарк қилиб, ёлғиз шайтонни душман тутдим.

Еттинчиси: Инсонлар ризқ талабида ўзларини ўзлари хорлашларининг гувоҳи бўлдим. Бас, Аллоҳнинг «Ер юзидаги жонзот борки, уларнинг ризқи Аллоҳнинг зиммасидадир», деган сўзига амал қилиб, зиммамдаги нарсаларга машғул бўлиб, мен учун Унинг зиммасида бўлган нарсаларни тарк қилдим.

Саккизинчиси: Одамларнинг ўз тижоратларига, саноатларига ва танининг сиҳҳатига суянишларини кўрдим. Мен эса Аллоҳ таолога суяндим».

Охират уламолари ўта ишончли бўлмагунича, фатво беришга шошилмайдилар. Улар амалларни бузувчи,

қалбларни кирлантирувчи, васвасани қўзғатувчи омилларни чуқур ўрганадилар. Зотан, амалларнинг сурати осон, уларни поклаш қийин. Диннинг асли ёмонликдан сақланишдир. Ёмонликни билмагунча, ундан сақланиб бўлмайди.

Охират уламолари шаръий амалларнинг сирлари ҳақида баҳс ва уларнинг ҳикматлари ҳақида мулоҳаза юритадилар. Агар сирини билолмаса, шариатга таслим бўлиш билан кифояланадилар. Охират уламолари саҳобаларга ва тобеъинларнинг яхшиларига эргашадилар.

Абу Нуъайм ва Абдулбарр келтирган ривоятда Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу фақиҳнинг таърифида қуйидагиларни айтади: «Сизларга ҳақиқий фақиҳнинг хабарини берайми? У одамларни Аллоҳнинг раҳматидан ноумид қилмайдиган ва Аллоҳ таолога осий бўладиган ишларда уларга рухсат бермайдиган кишидир. Одамларни Аллоҳнинг азобидан бепарво қолдирмайдиган, бошқага рағбат қилиб, Қуръонни тарк қилмайдиган кишидир.

Фиқҳ бўлмаган ибодатда яхшилик йўқдир. Фаҳм бўлмаган фиқҳда ҳам яхшилик йўқдир. Тадаббурсиз қироатда ҳам яхшилик йўқдир».

ВОСИТАЛАР

Албатта, нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллаш ўзўзидан бўлавермайди. Бунинг учун ҳаракат бўлиши лозим. Ушбу мақсадга эришишнинг ўзига яраша воситалари ҳам бўлиши керак. Нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллаш борасидаги воситадан мурод, нафсда пайдо бўлган хасталикни даволашга омил бўладиган ёки нафснинг олиймақом ахлоқларни ўзлаштиришига ёрдам берадиган амаллардир.

Албатта, исломдаги барча амаллар юқорида зикр қилинган мақсадга хизмат қилади. Аммо руҳий тарбия

устозларимиз мазкур амалларнинг ичидан баъзиларини алоҳида эслаб ва шарҳлаб ўтишга одатланганлар. Буларнинг ичида ибодатлар алоҳида ўрин тутади. Яна бир қанча воситалар ҳам бор. Улардан баъзилари билан танишиб чиқишга ҳаракат қиламиз.

ТАҲОРАТ

Нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллаш борасидаги воситалардан бири таҳоратдир.

Араб тилидаги «таҳорат» сўзини ўз тилимизга таржима қиладиган бўлсак, «поклик» деган маъно келиб чиқади.

Таҳорат «тоҳура» сўзининг масдари бўлиб, «покиза бўлди», «кири кетди» деган маъноларни англатади.

Бу маънодаги поклик кенг тушунчадир. Уни барча покликларга нисбатан ишлатиш мумкин. У нажосат ва ҳайзнинг зиддига ҳам, кирдан ва гуноҳдан покланишга ҳам ишлатилади.

Қуръони каримда «таҳорат» сўзи гуноҳдан ва бутлардан покланиш маъносида, ҳалол маъносида, қалб поклиги маъносида ҳамда фаҳшдан, бетаҳоратлик ва нопок нарсалардан покланиш маъноларида келган.

Уламолар истилоҳида ҳам таҳоратнинг ўз маъноси бор.

Бу ҳақда Роғиб Асфиҳоний айтади: «Таҳорат икки хил бўлади: жисм таҳорати, нафс таҳорати. Иккисининг ҳам истилоҳий маъноси бор. Нафс таҳорати гуноҳларни тарк қилиш, аҳли солиҳ бўлиш ва нафсни айблардан тозалаш учун амал қилишдир. Жисмнинг таҳорати эса бетаҳоратликни кўтариш ёки нажасни кетказиш ёхуд иккисининг маъносидаги ва суратидаги нарсалардир».

Исломда ибодатларнинг қабул бўлиши уларнинг поклик асосида адо этилишига боғлиқ. Бизда поклик йўлида

қилинган ҳар бир иш юқори баҳоланади ва уни қилган кишига улкан ажр-савоблар, олий мартабалар берилади.

Қуръони Каримда таҳоратнинг турли маъноларига оид йигирма олтита оят келган. Шулардан баъзиларини намуна учун ўрганиб чиқамиз.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг Тавба сурасида марҳамат қилади:

لَا تَقُمْ فِيهِ أَبَدًا ۚ لَّمَسْجِدٌ أُسِّسَ عَلَى التَّقْوَىٰ مِنْ أَوَّلِ يَوْمٍ أَحَقُّ أَن تَقُومَ فِيهِ ۚ فِيهِ رِجَالٌ يُحِبُّونَ أَن يَتَطَهَّرُوا ۚ وَاللَّهُ يُحِبُّ الْمُطَّهِّرِينَ ﴿١٠٨﴾

«Унда (масжидда) **ҳеч қачон турма! Албатта, биринчи кундан тақво асосида қурилган масжид унда туришинг учун ҳақлидир. Унда покланишни севадиган кишилар бор. Аллоҳ эса покланувчиларни севади»** *(108-оят)*.

Аллоҳ субҳанаҳу ва таоло ушбу ояти каримада покликни ва пок кишиларни мадҳ этмоқда. Пок кишиларни яхши кўришини эълон қилмоқда. Бу эса Аллоҳ таоло томонидан покликка қанчалик эътибор берилишини кўрсатиб турибди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан таҳорат ҳақида олтмишдан зиёд ҳадислар ривоят қилинган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِذَا تَوَضَّأَ الْعَبْدُ الْمُسْلِمُ أَوِ الْمُؤْمِنُ فَغَسَلَ وَجْهَهُ خَرَجَ مِنْ وَجْهِهِ كُلُّ خَطِيئَةٍ نَظَرَ إِلَيْهَا بِعَيْنَيْهِ مَعَ الْمَاءِ أَوْ مَعَ آخِرِ قَطْرِ الْمَاءِ، فَإِذَا غَسَلَ يَدَيْهِ خَرَجَ مِنْ يَدَيْهِ كُلُّ خَطِيئَةٍ كَانَ بَطَشَتْهَا يَدَاهُ مَعَ الْمَاءِ أَوْ مَعَ آخِرِ

قَطْرِ الْمَاءِ، فَإِذَا غَسَلَ رِجْلَيْهِ خَرَجَتْ كُلُّ خَطِيئَةٍ مَشَتْهَا رِجْلَاهُ مَعَ الْمَاءِ أَوْ مَعَ آخِرِ قَطْرِ الْمَاءِ حَتَّى يَخْرُجَ نَقِيًّا مِنَ الذُّنُوبِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мусулмон – ёки мўмин – банда таҳорат қилса, юзини ювганда ўша сув – ёки ўша сувнинг охирги қатраси – ила унинг икки кўзининг назари орқали қилган хатолари юзидан тўкилади. Икки қўлини ювса, ўша сув – ёки ўша сувнинг охирги қатраси – ила унинг икки қўли билан қилган хатолари тўкилади. Икки оёғини ювса, ўша сув – ёки ўша сувнинг охирги қатраси – ила икки оёғи билан юриб қилган хатолари тўкилади. Шундай қилиб, у гуноҳлардан пок бўлиб чиқади», дедилар».

Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

عَنْ أَبِي مَالِكٍ الْأَشْعَرِيِّ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «الطُّهُورُ شَطْرُ الْإِيمَانِ، وَالْحَمْدُ لِلَّهِ تَمْلَأُ الْمِيزَانَ، وَسُبْحَانَ اللهِ وَالْحَمْدُ لِلَّهِ تَمْلَآنِ أَوْ تَمْلَأُ مَا بَيْنَ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ، وَالصَّلَاةُ نُورٌ، وَالصَّدَقَةُ بُرْهَانٌ، وَالصَّبْرُ ضِيَاءٌ، وَالْقُرْآنُ حُجَّةٌ لَكَ أَوْ عَلَيْكَ، كُلُّ النَّاسِ يَغْدُو فَبَايِعٌ نَفْسَهُ فَمُعْتِقُهَا أَوْ مُوبِقُهَا». رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالنَّسَائِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абу Молик ал-Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Поклик иймоннинг ярмидир. «Алҳамду лиллааҳи» тарозини тўлдирур. «Субҳаналлоҳи ва Алҳамду лиллааҳи» осмонлару ернинг орасини тўлдирурлар. – ёки тўлдирур. – Намоз нурдир. Садақа бурҳондир. Сабр зиёдир. Қуръон сенинг фойдангга ёки зарарингга ҳужжатдир. Барча одамлар ҳаракат қилиб ўз жонини савдога қўювчидир. Бас, улар уни озод қилувчи ёки уни ҳалок қилувчилардир».

Муслим, Насоий ва Термизий ривоят қилишган.

УЛУҒ ЗОТЛАР ТАҲОРАТ ҲАҚИДА

1. Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу: «Агар қалбларимиз пок бўлса, Роббимизнинг каломидан тўймайди», деган.

2. Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳу айтади: «Уч нарса иймондандир: совуқ кечада эҳтилом бўлган кишининг Аллоҳдан бошқа ҳеч ким кўрмасдан туриб ғусл қилмоғи; иссиқ кунда рўза тутмоқ; кишининг Аллоҳдан бошқа ҳеч ким кўрмаган овлоқ жойда намоз ўқимоғи».

3. Абу Умома Боҳилий розияллоҳу анҳу: «Қачон покликни ўз жойига қўйсанг, гуноҳинг кечирилган ҳолда ўтирасан», деган.

Таҳоратнинг фойдалари:

1. Таҳорат ила банда Аллоҳнинг муҳаббати ва розилигига эришади.

2. Таҳорат намоз, тавоф, Қуръонни ушлаш учун бўлган шартдир.

3. Таҳорат мусулмонга боғлиқ масжиди, кийими, уйи, бозори каби барча нарсалар учун умумийдир.

4. Таҳорат баданнинг сиҳати ва иймоннинг қувватидир.

5. Таҳорат енгил тарафни олиш, барча нарсада мўътадил бўлиш каби, диннинг кўзга кўринган шартларидан биридир.

6. Ички поклик ташқи поклик каби ва виждон поклиги бадан поклиги каби, балки ундан ҳам муҳимдир.

7. Таҳорат Аллоҳдан бошқа кўра олмайдиган ибодатдир. У билан иймоннинг соғломлиги билинади.

8. Таҳорат жамиятда озодаликни таратади ҳамда нафсга қувонч ва сурур бағишлайди.

9. Таҳорат турли хасталиклардан сақловчи омилдир.

Таҳоратнинг тўрт даражаси бор:

1. Сиртни бетаҳоратлик, ифлослик ва ортиқча нарсалардан поклаш.

2. Аъзоларни гуноҳлардан поклаш.

3. Қалбни ёмон хулқлар ва разолатлардан поклаш.

4. Қалбни Аллоҳ таолодан ўзга нарсалардан поклаш.

Мана шу олий мақсаддир. Кимнинг қалб кўзи кучли бўлса, шу талабга эришади. Кимнинг қалб кўзи кўр бўлса, таҳорат даражаларидан фақат биринчисидан бошқасини фаҳмламайди. Ундай одам кўп вақтини истинжога аҳамият бериш ва кийимини ювиш билан ўтказади. Васваса сабабли таҳоратдан мурод, фақат шунинг ўзи, деб ўйлайди. Аввалги азизларимиз асосан қалб поклигига эътибор қаратганларини унутади.

Ортиқча нарсаларни кетказиш икки турли бўлади.

Биринчиси – бош, қулоқ, бурун ва жисмнинг барча жойларидаги кирларни ювиш билан кетказиш. Тишни, бурун ичини, бўғинларни терлаш ва чанг-тўзон асарларидан тозалаш. Вақтида ҳаммомга тушиб туриш лозим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир гуруҳ саҳобалари ҳаммомга киргани ҳақида ривоятлар бор. Аммо умумий ҳаммомга кирган киши авратини бошқалардан беркитиши ва бошқаларнинг авратини кўриш-

дан сақланиши керак. Ҳаммомнинг иссиғини ҳис қилганда дўзах ҳароратини эслаш лозим.

Иккинчиси – ортиқча нарсаларни қисқартириб ёки олиб туриш. Мўйлаб ва тирноқнинг ўсган қисмини қисқартириб, қўлтиқ ҳамда киндик остидаги тукларни олиб туриш каби.

Таҳоратнинг бошқа даражалари ҳақида кейинроқ сўз юритилади.

НАМОЗ

Нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллаш борасидаги воситалардан бири намоздир.

Намоз диннинг устунидир.

Намоз тоатларнинг дуридир.

Намоз нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллашнинг белгиси ва ўлчовидир.

Намоз ибодат, тавҳид ва шукр маъноларини чуқурлаштирувчи воситадир.

Намознинг аҳамияти Қуръони Каримда бир қанча оятларда таъкидланган.

Аллоҳ таоло Анкабут сурасида марҳамат қилади:

اتْلُ مَآ أُوحِيَ إِلَيْكَ مِنَ ٱلْكِتَٰبِ وَأَقِمِ ٱلصَّلَوٰةَ ۖ إِنَّ ٱلصَّلَوٰةَ تَنْهَىٰ عَنِ ٱلْفَحْشَآءِ وَٱلْمُنكَرِ ۗ وَلَذِكْرُ ٱللَّهِ أَكْبَرُ ۗ وَٱللَّهُ يَعْلَمُ مَا تَصْنَعُونَ ﴿٤٥﴾

«Сенга китобдан ваҳий қилинган нарсани тиловат қил ва намозни тўкис адо эт, албатта, намоз фаҳш ва мункардан қайтарур. Албатта, Аллоҳнинг зикри улуғдир. Аллоҳ нима қилаётганингизни билур» *(45-оят).*

Биз «намозни тўкис адо эт», деб таржима қилган жумлани тўғридан-тўғри, сўзма-сўз ўзбекчага ўгирадиган бўлсак, «намозни тик турғиз» деган маъно келиб чиқади.

Демак, намоз ўқиш билан намозни тик турғизиш, яъни тўкис адо этиш орасида фарқ бор. Аллоҳ таоло Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга «Намоз ўқи», деб эмас, «Намозни тўкис адо эт», деб хитоб қилмоқда. Ҳа, тўкис адо қилинганда, «Албатта, намоз фаҳш ва мункар ишлардан қайтарур».

Мана шу нуқтадан кимнинг намози ҳақиқий, кимники сохта эканини билиб оламиз. Намозни ҳамма ҳам ўқийверади, лекин намозхон фаҳш ва мункар ишлардан қайтмаса, унинг ўқиган намози ҳақиқий бўлмайди. Қачонки намозхон намозни тўкис адо қилса, фаҳш ва мункар ишлардан қайтади.

عَنِ الْحَسَنِ ﷺ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «مَنْ صَلَّى صَلَاةً لَمْ تَنْهَهُ عَنِ الْفَحْشاءِ وَالْمُنْكَرِ لَمْ يَزْدَدْ بِهَا مِنَ اللهِ إِلَّا بُعْدًا».
أَخْرَجَهُ الْبَيْهَقِيُّ فِي (شُعَبِ الْإِيمَانِ).

Ҳасан розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким бир намоз ўқиса-ю, намози уни фаҳш ва мункар ишлардан қайтармаса, у кишининг ўз намози ила Аллоҳдан узоқ бўлиш зиёда бўлади, холос», деганлар».

Чунки намоз Аллоҳнинг зикридир.

«Албатта, Аллоҳнинг зикри улуғдир».

Дунёда Аллоҳни зикр этишдан буюкроқ амал йўқдир.

«Аллоҳ нима қилаётганингизни билур».

Жумладан, намозни тўла-тўкис адо этсангиз ҳам, чала, ноқис ўқисангиз ҳам билур. Ундан ҳеч бир иш махфий бўлиб қолмайди.

Ушбу ишда ҳам иймон синови, ҳақиқий мўминни мунофиқдан ажратиш омили яққол кўриниб турибди. Ҳақиқий мўмин синовларга бардош бериб, намозини тўкис адо қилади.

Аллоҳ таоло Муъминун сурасида марҳамат қилади:

قَدْ أَفْلَحَ ٱلْمُؤْمِنُونَ ۝١ ٱلَّذِينَ هُمْ فِي صَلَاتِهِمْ خَٰشِعُونَ ۝٢

«Батаҳқиқ, мўминлар зафар топдилар. Улар намозларида хушуъ қилувчилардир» *(1-2-оятлар).*

Ушбу оят ила Аллоҳ таоло мўминларнинг зафар топишларига очиқ-ойдин, таъкидланган ваъда бермоқда. Аввалида «батаҳқиқ» сўзи билан бошланган жумла шунга далолат қилади. Қолаверса, жумланинг охирида «зафар топдилар», деб зафар бўлишига ҳеч қандай шубҳа қўймаяпти. Аслида «зафар топадилар» дейилиши керак эди. Аммо «зафар топдилар» дейиш «зафар топадилар» маъносидан ҳам кучлидир.

«Хушуъ» қўрқув билан сукунатнинг бирга қўшилганидир. Мазкур зафарга эришувчи мўминларнинг сифатларидан бири намоз ўқиганларида Аллоҳ таоло мақоми ҳузурида қалбларини, вужудларини, ҳаракату саканотларини қўрқинч ва сокинлик ўраб олишидир. Бу ҳолат эса фақат намозни олий даражада қойилмақом қилиб адо этадиган мўминлардагина бўлади.

Ўша мақомга етган мўмин зафардан умид этишнинг битта сабабини ўзида мужассам қилган бўлади. Намозни хушуъ билан ўқимайдиган, қалбида, вужудида, ҳаракату саканотида Аллоҳдан ҳайиқиш ва сокинлик ёғилиб турмайдиган одам намоздаги ҳолатини ўйлаб кўрсин, тезда ўзини ўнглаб олсин.

Аллоҳ таоло Ҳаж сурасида марҳамат қилади:

وَبَشِّرِ ٱلْمُخْبِتِينَ ﴿٣٤﴾ ٱلَّذِينَ إِذَا ذُكِرَ ٱللَّهُ وَجِلَتْ قُلُوبُهُمْ
وَٱلصَّٰبِرِينَ عَلَىٰ مَآ أَصَابَهُمْ وَٱلْمُقِيمِى ٱلصَّلَوٰةِ وَمِمَّا رَزَقْنَٰهُمْ
يُنفِقُونَ ﴿٣٥﴾

«Тавозеълиларга башорат бер. Улар Аллоҳ зикр қилинганда қалблари титрайдиган ва ўзларига етган мусибатга сабр қилувчилар ҳамда намозни тўкис адо этувчилардир, уларга ризқ қилиб берган нарсамиздан инфоқ қиладилар» *(34-35-оятлар).*

Ҳамма фақат Аллоҳ таолонинг Ўзигагина таслим бўлиб, итоат этиши керак. Унгагина иймон келтириб, мусулмон бўлиши керак. Ана ўшандагина икки дунё саодатига эришади.

Қуйидаги жумлаларда васфи келган бандалар мазкур башоратга ҳақли бўладилар:

«Тавозеълиларга башорат бер».

«Аллоҳ таолога тоат қилиб, ўзини тавозеъли тутган бандаларга башорат бер. Эй Пайғамбар, эй улуғ шаън соҳиби!»

Уларнинг васфлари қуйидагича:

«Улар Аллоҳ зикр қилинганда, қалблари титрайдиган...»

Яъни уларнинг қалблари шунчалар пок, Аллоҳнинг муҳаббатига тўлиққи, уларга тарғиб-ташвиқнинг ҳам кераги йўқ. Аллоҳ таолонинг номи зикр қилинса, бас, қалблари титраб кетади.

«...ва ўзларига етган мусибатга сабр қилувчилар...»

Мусибат етганда жазавага тушмайдилар, сабрсизлик қилмайдилар, балки Аллоҳнинг қазосига рози бўлиб, сабр этадилар.

«...намозни тўкис адо этувчилардир...»

Намозни тўкис адо этмасдан туриб, башоратдан умидвор бўлиш асло мумкин эмас.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўплаб ҳадиси шарифларида ҳам намознинг аҳамияти ва фазли ҳақида баёнотлар келган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «أَرَأَيْتُمْ لَوْ أَنَّ نَهَرًا بِبَابِ أَحَدِكُمْ يَغْتَسِلُ مِنْهُ كُلَّ يَوْمٍ خَمْسَ مَرَّاتٍ هَلْ يَبْقَى مِنْ دَرَنِهِ شَيْءٌ؟» قَالُوا: لَا يَبْقَى مِنْ دَرَنِهِ شَيْءٌ، قَالَ: «فَذَلِكَ مِثْلُ الصَّلَوَاتِ الْخَمْسِ، يَمْحُو اللهُ بِهِنَّ الْخَطَايَا». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا أَبَا دَاوُدَ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Айтинглар-чи, агар биринингизнинг эшиги олдида анҳор бўлса, у ўшанда ҳар куни беш марта ювиниб турса, унинг киридан бирор нарса қоладими?» дедилар.

«Унинг киридан ҳеч нарса қолмайди», дейишди.

«Худди шунга ўхшаб, Аллоҳ беш вақт намоз ила хатоларни ювади», дедилар у зот».

Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.

وَعَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «يَتَعَاقَبُونَ فِيكُمْ مَلَائِكَةٌ بِاللَّيْلِ وَمَلَائِكَةٌ بِالنَّهَارِ، وَيَجْتَمِعُونَ فِي صَلَاةِ الْفَجْرِ وَصَلَاةِ الْعَصْرِ، ثُمَّ يَعْرُجُ الَّذِينَ بَاتُوا فِيكُمْ، فَيَسْأَلُهُمْ رَبُّهُمْ وَهُوَ أَعْلَمُ بِهِمْ كَيْفَ تَرَكْتُمْ عِبَادِي؟ فَيَقُولُونَ: تَرَكْنَاهُمْ وَهُمْ يُصَلُّونَ وَأَتَيْنَاهُمْ وَهُمْ يُصَلُّونَ». رَوَاهُ الشَّيْخَانِ وَالنَّسَائِيُّ.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам марҳамат қилдилар:

«Ичингизда кечаси бир хил фаришталар, кундузи бир хил фаришталар алмашиб туришади. Улар бомдод намозида ва аср намозида жамланиб туришади. Сўнгра ичингизда тунаганлари кўтарилишади.

Бас, Робблари улардан Ўзи билиб турса ҳам:

«Бандаларимни қай ҳолда тарк қилдингиз?» деб сўрайди.

«Уларни намоз ўқиётган ҳолларида тарк қилдик. Уларнинг ҳузурига борганимизда ҳам намоз ўқишаётган экан», дейишади».

Икки шайх ва Насоий ривоят қилишган.

НАМОЗДА ХУШУЪ

Намознинг фарз, вожиб ва суннатлари борлиги маълум. Шунингдек, намознинг руҳи ҳам бўлиб, у ният, ихлос, хушуъ ва қалб ҳозирлигидан иборат.

Аввал ҳам таъкидлаб ўтилганидек, хушуъ қўрқув билан сукунатнинг бирга қўшилганидир.

Намознинг ҳаёти ва ички одобларидан бири хушуъдир. Айнан хушуъ орқали намоз ички покланиш омилига айланади. Хушуъли намозгина қалбни поклаш ва ахлоқни сайқаллашга хизмат қилади.

عَنْ شَدَّادِ بْنِ أَوْسٍ ﷺ: أَنَّ رَسُولَ اللهِ ﷺ قَالَ: «أَوَّلُ مَا يُرْفَعُ مِنَ النَّاسِ الْخُشُوعُ». أَخْرَجَهُ الطَّبَرَانِيُّ.

Шаддод ибн Авс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ердан энг аввал кўтариладиган нарса хушъудир», дедилар».

Табароний ривоят қилган.

Хушъ илм бўлиши билан бирга, нажот топувчиларнинг аломати ҳамдир.

Аллоҳ таоло Муъминун сурасида марҳамат қилади:

قَدْ أَفْلَحَ ٱلْمُؤْمِنُونَ ﴿١﴾ ٱلَّذِينَ هُمْ فِي صَلَاتِهِمْ خَٰشِعُونَ ﴿٢﴾

«Батаҳқиқ, мўминлар зафар топдилар. Улар намозларида хушъ қилувчилардир» *(1-2-оятлар).*

Маълумки, хушъ қалбга оид амалдир. Хушъли қалб тузук, хушъсиз қалб бузукдир. Қалбнинг бузуқлиги ва тузуклигига қараб инсоннинг ўзининг бузуқ ёки тузуклиги белгиланади.

عَنِ النُّعْمَانِ بْنِ بَشِيرٍ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «أَلَا وَإِنَّ فِي الْجَسَدِ مُضْغَةً، إِذَا صَلَحَتْ صَلَحَ الْجَسَدُ كُلُّهُ، وَإِذَا فَسَدَتْ فَسَدَ الْجَسَدُ كُلُّهُ، أَلَا وَهِيَ الْقَلْبُ». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

Нўъмон ибн Башир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Огоҳ бўлингким! Албатта, жасадда бир парча гўшт бордир. Қачон у солиҳ бўлса, жасаднинг ҳаммаси солиҳ бўлур. Қачон у бузуқ бўлса, жасаднинг ҳаммаси бузуқ бўлур. Огоҳ бўлингким! Ўша нарса қалбдир», дедилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

عَنْ عُبَادَةَ بْنِ الصَّامِتِ ﷺ قَالَ: أَشْهَدُ أَنِّي سَمِعْتُ رَسُولَ

اللهِ ﷺ يَقُولُ: «خَمْسُ صَلَوَاتٍ افْتَرَضَهُنَّ اللهُ عَزَّ وَجَلَّ، مَنْ أَحْسَنَ وُضُوءَهُنَّ، وَصَلَّاهُنَّ لِوَقْتِهِنَّ، وَأَتَمَّ رُكُوعَهُنَّ وَخُشُوعَهُنَّ، كَانَ لَهُ عَلَى اللهِ عَهْدٌ أَنْ يَغْفِرَ لَهُ، وَمَنْ لَمْ يَفْعَلْ فَلَيْسَ لَهُ عَلَى اللهِ عَهْدٌ، إِنْ شَاءَ غَفَرَ لَهُ وَإِنْ شَاءَ عَذَّبَهُ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ.

Убода ибн Сомит розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Гувоҳлик бераманки, мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитганман: «Аллоҳ азза ва жалла беш вақт намозни фарз қилди. Ким таҳоратни яхшилаб олса ва уларни ўз вақтида ўқиса, рукуъ ва хушуъни батамом қилса, Аллоҳнинг зиммасида уни мағфират қилиш аҳди бўлур. Ким (бундай) **қилмаса, унга Аллоҳнинг зиммасида аҳд бўлмайди. Хоҳласа мағфират қилади, хоҳласа азоблайди».**

Абу Довуд ва Насоий ривоят қилишган.

عَنْ مُطَرِّفٍ، عَنْ أَبِيهِ ﷺ قَالَ: رَأَيْتُ رَسُولَ اللهِ ﷺ يُصَلِّي وَفِي صَدْرِهِ أَزِيزٌ كَأَزِيزِ الرَّحَى أَوِ الْمِرْجَلِ مِنَ الْبُكَاءِ. رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

Мутарриф отаси розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг намоз ўқиётганларини кўрдим. Кўксиларидаги йиғидан тегирмоннинг ёки қозоннинг овозига ўхшаш овоз чиқиб турар эди».

«Сунан» соҳиблари ривоят қилишган.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам энг аъло намозхон бўлиб, намоз ўқишни бошқаларга таълим берганлар. Намоз нималигини ҳаммадан яхши англаб етганлар. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон намоз ўқисалар, хушуъ ва хузуъсини жойига қўйиб ўқиганлар.

Бу ривоятдан кўриниб турибдики, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон намоз ўқисалар, Аллоҳдан қўрқиб йиғлар эдилар, кўксиларидан тегирмон ёки қозоннинг қайнашига ўхшаш овоз эшитилиб турар экан.

У кишининг умматлари ичида ҳам хушуъ-хузуъни жойига қўядиганлари кўп бўлган.

Абдуллоҳ ибн Зубайр розияллоҳу анҳу намоз ўқиса, хушуъдан қотган таёққа ўхшаб қолар эди. Сажда қилганида чумчуқлар уни девор ҳисоблаб, устига қўнар эди. Бир куни Каъбанинг Ҳатийм тарафида намоз ўқиётганида тош тушиб, кийимининг бир томонини узиб кетганини ҳам сезмаган.

Маймун ибн Меҳрон розияллоҳу анҳу айтади: «Муслим ибн Ясорни намозда у ёқ-бу ёққа қараганини ҳеч кўрмадим. Бир куни у масжидда намоз ўқиётганида масжиднинг бир томони ағдарилиб, бозордаги одамларнинг ҳаммаси қочиб кетган, аммо у ҳеч нарсани сезмай, намозини ўқийверган».

Урва ибн Зубайр розияллоҳу анҳунинг оёғига қорасон касали тушди. Табиблар оёқни сонидан кесиб ташланмаса, дард бутун танага тарқаб, ҳалокатга олиб келади деган қарорга келишди. Урва ибн Зубайр розияллоҳу анҳу: «Ундай бўлса, кесиб ташланглар», деди.

Табиблар: «Бунинг учун сизга банж беришимиз керак», дейишди.

У киши: «Банж ҳаром, уни истеъмол қилмайман», деди.

Табиблар: «Ундай бўлса, оёқни кесиб ташлашнинг иложи йўқ», дейишди.

Урва ибн Зубайр розияллоҳу анҳу: «Иложи бор. Сиз асбобларингизни тайёрланг. Мен намоз ўқийман. Бир маромга етиб, баданим титрай бошлаганида билганингизни қилаверинг, ҳеч нарса бўлмайди», деди.

Кейин у киши намозга турди. Бадани титрай бошлади. Табиблар ўша даврнинг услуби ила қорасон тушган оёқни сонидан кесишди. Сўнгра кесилган сонни қайнаб турган ёққа солиб, оқаётган қонни тўхтатганларида Урва розияллоҳу анҳу намозни тугатиб, ҳушидан кетди.

НАМОЗДА ҚАЛБ ҲОЗИРЛИГИ

Намозда қироат, зикр, муножот ва бошқа амаллар бор. Агар қалб ҳозирлиги бўлмаса, қироат, зикр ва муножотлардан кўзланган мақсад ҳосил бўлмайди. Шунинг учун ҳам қалб ҳозирлиги намознинг ҳаёти ва ички одобларидан бири саналади.

«Қалб ҳозирлиги» деганда қалбнинг машғул бўлиб турган нарсасидан ўзгаларидан фориғ бўлиши англанади. Намоз ўқиб турган кишининг қалбида намоздан бошқа нарса бўлмаса, қалби ҳозир бўлган бўлади.

Қалбнинг ҳозир бўлиши ҳимматга боғлиқдир. Киши бирор ишни муҳим деб билса ва унга керакли аҳамият берса, қалби ўша иш учун ҳозир бўлади. Намозда қалб ҳозир бўлиши учун барча аҳамият ва ҳимматни намозга қаратиш лозим бўлади. Охиратга иймоннинг кучли ёки кучсизлигига қараб, ҳиммат ҳам кучли ёки кучсиз бўлади. Намозда қалби ҳозир бўлмаган одам иймони кучсизлигини билсин ва уни кучайтириш ҳаракатида бўлсин.

НАМОЗДА ҚАЛБ ҲОЗИР БЎЛИШИ ОМИЛЛАРИ

1. Талаффуз қилинаётган каломни фаҳмлаш қалб ҳозир бўлишига хизмат қиладиган омиллардан биридир. Араб тилини билмайдиганлар маъноларини ўзлаштириб олишлари лозим. Унга ҳам қодир бўлмаганлари, энг оз деганда, умумий маънони билиб, талаффуз қилинаётган нарсанинг нима эканини имкони борича билиб турсалар яхши бўлади. Бунинг учун зеҳнни жамлаб, хаёлни олиб қочадиган нарсалардан узилиш керак. Хаёлни олиб қочадиган нарсалар ташқи ва ичкига бўлинади.

Ташқиси қулоқ ва кўзни машғул қиладиган нарсалардир. Бу нарсалардан узилиш қиблага яқин туриш, сажда қиладиган ерига назар солиб туриш, нақшинкор жойлардан четланиш ва хаёлни олиб қочадиган нарсаларни йўқотиш билан ҳосил бўлади.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهَا: أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ صَلَّى فِي خَمِيصَةٍ لَهَا أَعْلَامٌ فَقَالَ: «شَغَلَتْنِي أَعْلَامُ هَذِهِ، اذْهَبُوا بِهَا إِلَى أَبِي جَهْمٍ وَأْتُونِي بِأَنْبِجَانِيَّتِهِ». رَوَاهُ الثَّلَاثَةُ.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам нақшли хомийсада намоз ўқидилар ва: «Бунинг нақшлари мени машғул қилиб қўйди. Уни Абу Жаҳмга олиб бориб беринглар ва менга унинг анбижонийясини олиб келинглар», дедилар».

Учовлари ривоят қилишган.

Хаёлни олиб қочадиган ички нарсалар ташқиларидан кўра кучли бўлади. Бу нарса кўпинча дунё ғамига ботган одамларда бўлади. Бундай одамнинг фикри бир ерда турмайди. Ҳатто кўзини юмиб олса ҳам фойда бермайди.

Бу ҳолатни муолажа қилиш учун қаттиқ уриниш керак бўлади. Намозга яхшилаб тайёргарлик кўрилади. Барча машғул қиладиган ишларини битиради. Қалбининг холи бўлиши учун ҳаракат қилади. Ўзига ўзи охиратни эслатади. Аллоҳ таолонинг кўриб турганини эсга олади. Намозда дунё ташвишларидан бирортасини хаёлига келтирмасликка ҳаракат қилади.

Омир ибн Абду Қайс раҳматуллоҳи алайҳига: «Намоз пайтида нафсинг сенга бу дунё ишларидан бирортасини айтадими?» дейилганда, «Бундан кўра баданимнинг турли тарафидан найза кириб, ичимда тўқнашгани яхшироқ», деб жавоб берган экан.

Албатта, дунё муҳаббатини қалбдан узиб қўйиш қийин иш. Уни бутунлай йўқотиш ундан ҳам қийин. Аммо намозда дунё муҳаббатидан четланишга имкон борича ҳаракат қилиш керак.

2. Аллоҳнинг таъзими ва ҳайбати ҳам қалб ҳозир бўлишига хизмат қиладиган омиллардандир.

Аллоҳнинг таъзими У Зотни улуғлаш ва азаматини ҳис қилишни ўрганиш ила юзага келади. Шу билан бирга, нафснинг ҳеч нарсага арзимаслигини билиш билан ҳам бўлади. Ҳайбат эса улуғлашдан келиб чиққан хавфдир. Намозида доимий равишда Аллоҳ таолонинг азаматини ҳис этиб, У Зотнинг ҳайбатини сезиб турган одамнинг қалби албатта ҳозир бўлади.

3. Умидворлик ҳам қалб ҳозир бўлишига хизмат қиладиган омиллардандир. Одатда умидворлик қўрқувдан устун турадиган ҳолат бўлади. Намозхон одам ўқиган намозининг савобидан умидвор бўлиши лозим.

НАМОЗГА ОИД АМАЛЛАРДА ҚАЛБ ҲОЗИРЛИГИ

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِنَّ أُمَّتِي يُدْعَوْنَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ غُرًّا مُحَجَّلِينَ مِنْ آثَارِ الْوُضُوءِ، فَمَنِ اسْتَطَاعَ مِنْكُمْ أَنْ يُطِيلَ غُرَّتَهُ فَلْيَفْعَلْ». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا أَبَا دَاوُدَ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, умматим қиёмат куни таҳорат асаридан пешона ва оёқ-қўлларидан оппоқ нур таралиб турган ҳолларида чақирилади. Сизлардан ким нурини узайтиришга қодир бўлса, шуни қилсин», дедилар».

Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.

وَعَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِذَا تَوَضَّأَ الْعَبْدُ الْمُسْلِمُ أَوِ الْمُؤْمِنُ فَغَسَلَ وَجْهَهُ خَرَجَ مِنْ وَجْهِهِ كُلُّ خَطِيئَةٍ نَظَرَ إِلَيْهَا بِعَيْنَيْهِ مَعَ الْمَاءِ أَوْ مَعَ آخِرِ قَطْرِ الْمَاءِ، فَإِذَا غَسَلَ يَدَيْهِ خَرَجَ مِنْ يَدَيْهِ كُلُّ خَطِيئَةٍ كَانَ بَطَشَتْهَا يَدَاهُ مَعَ الْمَاءِ أَوْ مَعَ آخِرِ قَطْرِ الْمَاءِ، فَإِذَا غَسَلَ رِجْلَيْهِ خَرَجَتْ كُلُّ خَطِيئَةٍ مَشَتْهَا رِجْلَاهُ مَعَ الْمَاءِ أَوْ مَعَ آخِرِ قَطْرِ الْمَاءِ حَتَّى يَخْرُجَ نَقِيًّا مِنَ الذُّنُوبِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мусулмон – ёки мўмин – банда таҳорат қилса, юзини ювганда ўша сув – ёки ўша сувнинг охирги қатраси – ила унинг икки кўзининг назари орқали

қилган хатолари юзидан тўкилади. Икки қўлини ювса, ўша сув – ёки ўша сувнинг охирги қатраси – ила унинг икки қўли билан қилган хатолари тўкилади. Икки оёғини ювса, ўша сув – ёки ўша сувнинг охирги қатраси – ила икки оёғи билан юриб қилган хатолари тўкилади. Шундай қилиб, у гуноҳлардан пок бўлиб чиқади», дедилар».

Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

Таҳорат Аллоҳ таолонинг мусулмон бандаларига кўрсатган улкан марҳаматидир. Мусулмон банда таҳорат қилаётганида яхши ният билан Аллоҳ таолодан астойдил тилаб, ушбу ҳадиси шарифни эслаган ҳолда ҳар аъзосини ювганида «Илоҳо, ушбу аъзолардан содир бўлган гуноҳларим тўкилган бўлсин», деб сўраса, иншааллоҳ, мақсади ҳосил бўлади. Чунки таҳорат қилиш ҳам аввал айтиб ўтилганидек, катта ибодатдир. Шунинг учун ҳам таҳорат қилаётганда бошқалар билан гаплашиш, шошапиша, чала-чулпа таҳорат қилиш каби ҳолатларга йўл қўймаслик керак. Таҳорат Аллоҳ таоло томонидан кичик гуноҳларини ювиб олиши учун бандага берилган қулай фурсатдир.

Азонни эшитган одам қиёмат чақириғини хаёлига келтирсин. Ўшанда нима деб жавоб беришини ўйласин. Маҳшарга қай ҳолатда ҳозир бўлишини кўз олдига келтирсин.

Намоз учун авратини тўсганда бу билан халқдан баданининг уят жойларини тўсаётганини билсин ва Ҳақдан ички шармандаликларини ва нуқсонларини қандай тўсишини ўйласин. Уларни фақат тавба-надомат, ҳаё ва уят ҳамда хавфу умидворлик тўсиши мумкинлигини унутмасин.

Қиблага юзланганида турли тарафларни қўйиб, юзини фақат Байтуллоҳга ўгирганини билсин ва қалбини ҳам барча нарсалардан узиб, ёлғиз Аллоҳ таолонинг Ўзига боғласин.

Намозхон «Аллоҳу Акбар!» деб такбир айтганда тилини дили тасдиқласин. Ўша сўзни айтганида дилида Аллоҳ таолодан улкан нарса қолмасин. Агар ундай бўлмаса, дили тилини тасдиқламаган бўлади.

Шунингдек, тили билан «Аъуузу биллааҳи»ни айтиб, Аллоҳ таолодан паноҳ тилаганида дили билан ҳам Аллоҳдан паноҳ сўрамаса, гапи ёлғон бўлади.

Намозхон қироатининг маъносини тушуниб бориши жуда ҳам фойдалидир. Айниқса, «Фотиҳа»ни ўқиганда...

Имом Насоий машҳур саҳобий Абу Ҳурайра розиялоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадиси қудсийни доимо эсда тутиш лозим:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «يَقُولُ اللهُ عَزَّ وَجَلَّ: قَسَمْتُ الصَّلَاةَ بَيْنِي وَبَيْنَ عَبْدِي نِصْفَيْنِ، فَنِصْفُهَا لِي وَنِصْفُهَا لِعَبْدِي وَلِعَبْدِي مَا سَأَلَ. قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: يَقُولُ الْعَبْدُ: ﴿ٱلْحَمْدُ لِلَّهِ رَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ﴾ يَقُولُ اللهُ عَزَّ وَجَلَّ: حَمِدَنِي عَبْدِي. يَقُولُ الْعَبْدُ: ﴿ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلرَّحِيمِ﴾ يَقُولُ اللهُ عَزَّ وَجَلَّ: أَثْنَى عَلَيَّ عَبْدِي. يَقُولُ الْعَبْدُ: ﴿مَٰلِكِ يَوْمِ ٱلدِّينِ﴾ يَقُولُ اللهُ عَزَّ وَجَلَّ: مَجَّدَنِي عَبْدِي. يَقُولُ الْعَبْدُ: ﴿إِيَّاكَ نَعْبُدُ وَإِيَّاكَ نَسْتَعِينُ﴾ فَهَذِهِ الْآيَةُ بَيْنِي وَبَيْنَ عَبْدِي وَلِعَبْدِي مَا سَأَلَ. يَقُولُ الْعَبْدُ: ﴿ٱهْدِنَا ٱلصِّرَٰطَ ٱلْمُسْتَقِيمَ ۝٦ صِرَٰطَ ٱلَّذِينَ أَنْعَمْتَ عَلَيْهِمْ غَيْرِ ٱلْمَغْضُوبِ عَلَيْهِمْ وَلَا ٱلضَّآلِّينَ﴾ فَهَؤُلَاءِ لِعَبْدِي وَلِعَبْدِي مَا سَأَلَ. رَوَاهُ النَّسَائِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Аллоҳ азза ва жалла айтади: «Намозни Ўзим билан бандам орасида иккига бўлганман, ярми Менга, ярми бандамга ва бандамга сўраган нарсаси.

Агар банда: «Алҳамду лиллааҳи Роббил аъламийн», деса, Аллоҳ азза ва жалла: «Бандам менга ҳамд – шукр айтди», дейди.

Банда: «Ар-Роҳманир Роҳийм», деса, Аллоҳ азза ва жалла: «Бандам менга сано – мақтов айтди», дейди.

Банда: «Малики явмиддийн», деса, Аллоҳ азза ва жалла: «Бандам мени улуғлади», дейди.

Банда: «Ийяка наъбуду ва ийяка настаъийн», деса, Аллоҳ: «Бу мен билан бандам орасидаги нарса, бандам нимани сўраса, бераман», дейди.

Агар банда: «Иҳдинас-сиротал мустақийм, сиротоллазийна анъамта алайҳим ғойрил мағзуби алайҳим ва лаззооллийн», деса, Аллоҳ: «Булар бандамга хос, сўраганини бердим», дейди».

Насоий ривоят қилган.

Салафи солиҳлардан намозда қироат маъносини ҳис этиб, ҳушидан кетиб ёки ҳаётни тарк этиб йиқилганлар бўлган.

Намозхон рукуъда тавозеъни, саждада хору зорликни ҳис этиб туриши зарур. Шунингдек, намоздаги тасбеҳ, такбир ва барча дуоларни ҳам чин қалбдан, бутун вужуд ила ҳис этиб ўқиш, маъноларини уқиш ва намоздаги мана шу ҳолатларни ҳаётда ҳам сақлаб яшашга ҳаракат қилмоқ лозим.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ва салафи солиҳларимиз намозда қалбнинг ҳозир бўлмаслигини айб санаганлар.

عَنْ عَمَّارِ بْنِ يَاسِرٍ ﷺ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللهِ ﷺ يَقُولُ: «إِنَّ الرَّجُلَ لَيَنْصَرِفُ وَمَا كُتِبَ لَهُ إِلَّا عُشْرُ صَلَاتِهِ تُسْعُهَا ثُمُنُهَا سُبْعُهَا سُدُسُهَا خُمُسُهَا رُبُعُهَا ثُلُثُهَا نِصْفُهَا». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

Аммор ибн Ясир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг: «Албатта, бир одам (намоздан) **турганида, унга унинг ўндан бири, тўққиздан бири, саккиздан бири, еттидан бири, олтидан бири, бешдан бири, тўртдан бири, учдан бири ёки ярмигина ёзилган бўлади», дедилар».**

Абу Довуд ривоят қилган.

Ушбу ҳадиси шарифдан намоз билан намознинг фарқи борлиги, ҳатто қабул бўлган намозлар орасида ҳам фарқ бўлиши кўриниб турибди.

Ҳамма ҳам намоз ўқийверади, аммо ўша намозга Аллоҳ таоло томонидан бериладиган ажр намозхоннинг ихлоси ва хушуъ-хузуъсига қараб берилар экан. Хушуъ-хузуъни, ихлосни жойига қўйган одам намоз учун белгиланган савобнинг ҳаммасини олар экан. Хушуъ-хузуъ ва ихлос камайган сари бериладиган савоб ҳам ярим, учдан бир, тўртдан бир, ўндан бир бўлиб камайиб кетаверади.

Муъоз ибн Жабал розияллоҳу анҳу: «Ким намозда туриб қасд ила ўнгида ва чапида ким турганини билса, намози намоз эмас», деган.

Абдул Воҳид ибн Зайд раҳматуллоҳи алайҳи шундай дейди: «Уламолар банда намозидан қанчасини эсида сақласа, шунчаси уники бўлишига ижмоъ қилишган».

Баъзи мухлис кишилардан қуйидагилар ривоят қилинади: «Бир киши ўғлига: «Масжиддан шом намозини ўқиган намозхонларни бошлаб келгин, уларга эҳсонимиз бор», дебди. Ўғил намоздан кейин масжид дарвоза-

сидан чиқаётганлардан имом «Фотиҳа»дан кейин қайси сурани ўқиганини сўраб, тўғри айтганларни бошлаб келибди. Отаси меҳмонлар озлигининг сабабини сўраганида, «Ўзингиз шом намозини ўқиганларни бошлаб кел», деган эдингиз, менимча фақат шулар ўқишди», деб жавоб берган экан.

Албатта, бу ўлчовлар тақво юзасидан бўлган ўлчовлардир. Аммо фатво юзасидан бошлаш такбирини айтганда қалби ҳозир бўлиб, намоз ўқиган кишининг фарзи адо бўлади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, қалб ҳозирлиги намознинг руҳидир. Буни ҳеч қачон унутмаслик лозим.

ЗАКОТ

Нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллаш борасидаги воситалардан бири закотдир.

«Закот» сўзи луғатда «поклик» ва «ўсиш» деган маъноларни билдиради.

Закот берган кишининг моли покланади, бермаган кишининг моли эса ичида закотга ҳақдорларнинг моли аралашган мол сифатида нопок бўлиб туради. Қачон закотини берса, покланади, бўлмаса йўқ.

Закоти берилган молга барака кириши билан биргаликда у кўпайиб, ўсади. Бунда ўсиш маъносини ўзида акс эттирган бўлади.

Шаръий истилоҳда: «Закот махсус молдан махсус жузни махсус шахсга Аллоҳнинг розилиги учун шариатда тайин қилинганидек мулк қилиб беришдир».

Закот Исломнинг беш рукнидан бири, шариат фарз қилган муҳим амалдир.

Закот Қуръони Каримда йигирма етти жойда намоз билан бирга зикр этилган. Бу эса ўз навбатида, намоз

билан закот бир-бирига чамбарчас боғлиқ нарсалар эканини кўрсатади.

Закот исломий ибодат ва ақийданинг ажралмас қисмидир.

Шаръий рукнлар тартибида закот иймон ва намоздан кейинги ва рўзадан олдинги учинчи рукн бўлиб келган.

Закотда ибодат маъноси бўлиши билан бирга улуғ инсоний ғоялар, ахлоқий кўринишлар, руҳий қадриятлар ҳам ўз аксини топган. У фақат моддий маъно эмас, балки маънавий, руҳий, ахлоқий маъноларни ҳам қамраб олган.

Закотда закот берувчига ҳам, олувчига ҳам, улар яшаб турган жамиятга ҳам кўплаб дунёвий ва ухровий фойдалар бор. Шунингдек, у туфайли мулкдор тарафнинг қалби, шахси покланиб, маънавий, руҳий томондан ўсиб бориши юзага келади.

Аллоҳ таоло Тавба сурасида марҳамат қилади:

خُذْ مِنْ أَمْوَٰلِهِمْ صَدَقَةً تُطَهِّرُهُمْ وَتُزَكِّيهِم بِهَا

«Молларидан садақа ол. Бу билан уларни поклайсан, тозалайсан» *(103-оят).*

Биз бу оятда «поклайсан» деб таржима қилган сўз арабчада моддий, жисмоний тозалашга нисбатан ишлатилади. «Тозалайсан» деб таржима қилган калима эса руҳий, маънавий тозалаш маъносида ишлатилади. Бундан закотнинг мусулмонлар учун ҳар тарфлама катта фойдалар келтириши маълум бўлади.

Аллоҳ таоло Лайл сурасида марҳамат қилади:

وَسَيُجَنَّبُهَا ٱلْأَتْقَى ﴿١٧﴾ ٱلَّذِى يُؤْتِى مَالَهُۥ يَتَزَكَّىٰ ﴿١٨﴾

«Ва албатта, ундан тақводор банда четда қоладир. У мол-мулкини бериб покланади» *(17-18-оятлар).*

Яъни иймонли-ихлосли тақводор банда дўзахга кирмай, ундан четда қолади. Ўша дўзахдан озод бўлган банда ўткинчи дунёда закот беради, мол-дунёсини Аллоҳ таолонинг йўлида сарфлайди. Куфр, ширк, нифоқ, гуноҳ ва ёмонликлардан ўзини поклайди. Шунинг учун ҳам охиратда дўзахдан халос бўлади.

Бу икки ояти каримадан закот ҳақиқий покловчи омиллардан эканини яна ҳам аниқроқ тушуниб етамиз.

ШАРЪИЙ ТАЛАБЛАР ТАҚСИМИ

Мукаллаф шахсдан шариат қиладиган талаблар уч қисмга бўлинади.

Биринчи қисм – фақат таъаббуд (ибодат) маъноси мавжуд бўлган талаблар. Бунга ҳаждаги тош отиш мисол бўлади. Шариатнинг ундан кўзлаган мақсади амал ила синашдир. Унда маъносига ақл етмайдиган амални талаб қилиш ила банданинг ҳақиқий бандалиги намойиш бўлади. Чунки инсонни маъносига ақл етадиган амални адо этишга унинг табиати ундайди ва ёрдам беради. Банда ўзи бажараётган амалининг ҳикмати ва фойдасини кўриб, билиб туради. Бунда холис, беғараз бандалик намоён бўлмаслиги мумкин.

Иккинчи қисм – таъаббуд маъноси қасд қилинмаган талаблар. Ундан кўзланган мақсад қуруқ талабдан иборат бўлади. Мисол учун, одамлардан олган қарзини тўлашни талаб қилиш. Бировдан тортиб олган нарсани эгасига қайтариб беришни талаб қилиш. Бу каби талабларни бажаришда ниятнинг ҳам, амалнинг ҳам эътибори йўқ. Бундай ҳолларда қандай қилиб бўлса ҳам, ҳақ ўз эгасига етса бўлди. Шу билан мақсад ҳосил бўлади ва шариатнинг талаби соқит бўлади.

Учинчи қисм мураккаб бўлиб, унда юқорида ўтган икки қисм қўшилиб келади. Унда ҳам мукаллафни синаш, ҳам бандаларнинг насийбаси бор. Бу қисмда ҳаждаги тош отишнинг таъаббуди билан кишилар ҳақларини қайтариш жамланиб келади. Албатта, икки маънонинг энг нозигини–таъаббудни зинҳор эсдан чиқармаслик лозим. Ана шуниси муҳимдир.

Закот худди мана шу қисмга киради. Бир тарафдан камбағалнинг ҳаққи қасд қилинган бўлса, асосийси эса, таъаббуддир. Яъни, Аллоҳ таолога бандаликни изҳор қилишдир. Худди шу эътибордан закот намоз ва ҳаж ибодатларига ўхшаб кетади.

ЗАКОТ БЕРИШНИНГ НОЗИК ОДОБЛАРИ

Закот ибодатини адо этишда олий мақомларни истовчи банда риоя қилиши лозим бўлган нозик жиҳатлар ва асосан қалбга боғлиқ бўлган бир неча одоблар мавжуд.

Биринчи одоб: Закотдан кўзланган мақсаднинг энг нозик жойларини англаб етиш керак. Бу эса уч нарсадан иборатдир:

1. Ҳалокатга олиб борувчи бахиллик, зиқналик сифатидан покланиш.

Аллоҳ таоло Ҳашр сурасида марҳамат қилади:

وَمَن يُوقَ شُحَّ نَفْسِهِۦ فَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُفْلِحُونَ ﴿٩﴾

«Ким ўз нафсининг зиқналигидан сақланса, ана ўшалар зафар топувчилардир» *(9-оят).*

Аллоҳ таоло юқоридаги ояти каримада зиқналикдан сақланиш ҳам исломий фазилат эканини таъкидламоқда. Чунки зиқналик мўмин кишига асло ярашмайди.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «لَا يَجْتَمِعُ الشُّحُّ وَالْإِيمَانُ فِي قَلْبِ مُؤْمِنٍ أَبَدًا». أَخْرَجَهُ الطَّبَرَانِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Зиқналик ва иймон бандининг қалбида абадул-абад жам бўлмайди», дедилар».

Табароний ривоят қилган.

عَنْ جَابِرٍ ﷺ أَنَّ رَسُولَ اللهِ ﷺ قَالَ: «اتَّقُوا الظُّلْمَ؛ فَإِنَّ الظُّلْمَ ظُلُمَاتٌ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، وَاتَّقُوا الشُّحَّ؛ فَإِنَّ الشُّحَّ أَهْلَكَ مَنْ كَانَ قَبْلَكُمْ، حَمَلَهُمْ عَلَى أَنْ سَفَكُوا دِمَاءَهُمْ وَاسْتَحَلُّوا مَحَارِمَهُمْ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Зулм қилишдан қўрқинглар! Чунки зулм қиёмат куни зулматлардир. Зиқналикдан қўрқинглар! Чунки зиқналик сиздан олдингиларни ҳалок қилган, уларни қон тўкишга ва ҳаром қилинган нарсаларни ҳалол санашга олиб борган», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

2. Аллоҳ таоло берган мол неъматининг шукрини адо қилиш.

Аллоҳ таоло бандага баданда ва молда неъмат беради. Баданий ибодатлар бадан неъматининг, молиявий ибодатлар мол неъматининг шукронасидир.

3. Аллоҳ таолога нисбатан муҳаббатни даъво қилувчидан ўзи яхши кўрган молини чиқариш ила мазкур муҳаббатни синаб кўриш.

Закотнинг яна бир номи «садақа»дир. Бизда «садақа» сўзи ихтиёрий хайр-эҳсонга нисбатан айтилса ҳам, у араб тилида закотни билдиради. Закотни садақа дейиш «садақа» сўзида тасдиқ маъноси борлиги учундир. Чунки ўз молидан иймон-ихлос билан закот чиқариб бериш кишининг иймони ҳақиқийлигига далолат қилади.

Иккинчи одоб: Риёкорлик ва хўжакўрсиндан узоқ бўлиш учун закотни махфий равишда чиқариш. Шу билан бирга, закотни кўз-кўз қилишда камбағални хижолат қилиш ҳолати бўлиши мумкинлигини ҳам унутмаслик. Агар закот бермади, деган маломатдан қўрқадиган бўлса, парво қилмайдиган камбағалга ошкора беради ва бошқаларга яширин беради.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

إِن تُبْدُوا۟ ٱلصَّدَقَٰتِ فَنِعِمَّا هِىَ ۖ وَإِن تُخْفُوهَا
وَتُؤْتُوهَا ٱلْفُقَرَآءَ فَهُوَ خَيْرٌ لَّكُمْ ۚ وَيُكَفِّرُ عَنكُم مِّن
سَيِّـَٔاتِكُمْ ۗ وَٱللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ ﴿٢٧١﴾

«Садақаларни ошкор қилсангиз, бу қандай ҳам яхши! Агар уларни махфий қилсангиз ва фақирларга берсангиз, бу сиз учун яхшидир. Сиздан ёмонликларингизни кетказадир. Аллоҳ қилаётган амалларингиздан ўта хабардордир» *(271-оят).*

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ قَالَ: «سَبْعَةٌ يُظِلُّهُمُ اللهُ فِي ظِلِّهِ يَوْمَ لَا ظِلَّ إِلَّا ظِلُّهُ: الْإِمَامُ الْعَادِلُ، وَشَابٌّ نَشَأَ فِي عِبَادَةِ رَبِّهِ، وَرَجُلٌ قَلْبُهُ مُعَلَّقٌ فِي الْمَسَاجِدِ، وَرَجُلَانِ تَحَابَّا فِي اللهِ اجْتَمَعَا عَلَيْهِ وَتَفَرَّقَا عَلَيْهِ، وَرَجُلٌ طَلَبَتْهُ امْرَأَةٌ ذَاتُ مَنْصِبٍ وَجَمَالٍ فَقَالَ: إِنِّي أَخَافُ اللهَ،

وَرَجُلٌ تَصَدَّقَ فَأَخْفَى حَتَّى لَا تَعْلَمَ شِمَالُهُ مَا تُنْفِقُ يَمِينُهُ، وَرَجُلٌ ذَكَرَ اللهَ خَالِيًا فَفَاضَتْ عَيْنَاهُ». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا أَبَا دَاوُدَ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:
«Аллоҳ етти кишини Ўз соясидан бошқа соя йўқ Кунда соясига олур: одил имом, ўз Робби ибодатида ўсган ёш, қалби масжидларга боғлиқ киши, Аллоҳ йўлида бир-бирини яхши кўриб, Аллоҳ учун жам бўлиб, Аллоҳ учун ажрашадиган икки киши, мансаб ва жамол эгаси бўлган аёл ўзига чақирганда мен Аллоҳдан қўрқаман деган киши, садақани махфий қилиб, ҳатто ўнг қўли қилган нафақани чап қўли билмай қолган киши ва Аллоҳни холи қолиб эслаганда кўзидан ёш оққан киши», дедилар».
Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.
Учинчи одоб:
Қилган садақасини миннат қилиш ва озор бериш ила ҳабата қилмаслик.
Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ لَا تُبۡطِلُواْ صَدَقَٰتِكُم بِٱلۡمَنِّ وَٱلۡأَذَىٰ كَٱلَّذِي يُنفِقُ مَالَهُۥ رِئَآءَ ٱلنَّاسِ وَلَا يُؤۡمِنُ بِٱللَّهِ وَٱلۡيَوۡمِ ٱلۡأٓخِرِۖ

«Эй иймон келтирганлар! Садақаларингизни миннат ва озор бериш билан, Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирмаса ҳам, молини одамлар кўриши учун нафақа қилганга ўхшаб ботил қилманг» *(264-оят).*
Демак, ортидан миннат ва озор келадиган садақа Аллоҳга ва охират кунига иймон туфайли эмас, балки риёкорлик учун қилинган садақага ўхшар экан.

Одатда камбағалга эҳсон қилаётган, унга яхшилик қилаётган киши ўзича миннат қилишга бориб қолиши мумкин.

Миннат ва озорнинг ҳақиқати ҳақида салафи солиҳларимиз бир қанча фикр ва таърифларни айтганлар.

Баъзилар: «Миннат – қилинган садақа ҳақида гапириш, озор – уни бўрттириб кўрсатиш», деганлар.

Бошқалар: «Миннат – садақани эслаш ва у ҳақда гапириш ёки унинг эвазига хизмат қилдириш. Озор эса олувчини камбағалликда айблаш», деганлар.

Учинчилар: «Миннат – берган нарсаси учун олувчига такаббурлик қилиш, озор эса шу сабабли уни жеркиш ва унга қўполлик қилиш», деганлар.

Оиша ва Умму Салама розияллоҳу анҳумо бирор фақирга эҳсон юборадиган бўлсалар, воситачига: «Унинг қилган дуосини ёдлаб олгин», дер эдилар. Сўнгра олувчига худди ўзининг дуоси каби дуо қилар ва «Бу дуоси учун энди бизга садақамиз холис қолди», дер эдилар.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу, у кишининг ўғиллари Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу ва бошқа азизлар ҳам шу каби тасарруф қилар ва бу билан улар ўз қалбларини даволар эдилар.

Агар закот берувчи бу иш мол неъматининг шукронаси эканини яхши тушуниб етса, у билан закот олувчининг орасида ҳеч қандай муомала қолмайди. Чунки Ислом таълимоти бўйича кишининг устунлиги мол билан эмас ва унинг пастлиги молсизлик билан эмас.

Тўртинчи одоб:

Берилган нарсани арзимас санаш.

Чунки берилган нарсани кўп ҳисоблаш беҳуда ғурурга олиб боради. Бу эса ўз навбатида, ёмон оқибатларга сабаб бўлади.

Аллоҳ таоло Тавба сурасида марҳамат қилади:

لَقَدْ نَصَرَكُمُ ٱللَّهُ فِى مَوَاطِنَ كَثِيرَةٍ ۙ وَيَوْمَ حُنَيْنٍ ۙ إِذْ
أَعْجَبَتْكُمْ كَثْرَتُكُمْ فَلَمْ تُغْنِ عَنكُمْ شَيْـًٔا وَضَاقَتْ
عَلَيْكُمُ ٱلْأَرْضُ بِمَا رَحُبَتْ ثُمَّ وَلَّيْتُم مُّدْبِرِينَ ﴿٢٥﴾

«Батаҳқиқ, Аллоҳ сизларга кўп жойларда нусрат берди. Ҳунайн кунида ҳам. Ўшанда сизни кўплигингиз ғурурлантирган эди. Бас, сизга ҳеч фойда бермади ва ер кенг бўла туриб, сизга торлик қилиб қолди. Сўнгра ортга қараб қочдингиз» *(25-оят)*.

Салафи солиҳлар демишлар: «Яхшилик уч нарса билан тугал бўлади: уни арзимас санаш, тез қилиш ва махфий сақлаш билан.

Тоат-ибодатни эгаси қанчалик арзимас ҳисобласа, ибодати Аллоҳ таолонинг ҳузурида шунчалик буюк бўлади. Маъсиятни эгаси қанчалик буюк санаса, гуноҳи Аллоҳ таолонинг ҳузурида шунчалик кичик бўлади».

Бешинчи одоб:

Берганда молининг энг ҳалоли ва энг яхшисини берсин.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوٓا۟ أَنفِقُوا۟ مِن طَيِّبَٰتِ مَا كَسَبْتُمْ
وَمِمَّآ أَخْرَجْنَا لَكُم مِّنَ ٱلْأَرْضِ ۖ وَلَا تَيَمَّمُوا۟ ٱلْخَبِيثَ مِنْهُ تُنفِقُونَ

«Эй иймон келтирганлар! Касб қилган нарсаларингизнинг покизаларидан ва Биз сизларга ердан чиқариб берган нарсалардан нафақа қилинглар. Нафақа қилганингизда нопокни кўзламанг» *(267-оят)*.

Аллоҳ таоло покдир ва У Зот фақат пок нарсани қабул қилади.

Закот ва хайр-эҳсон берувчи кимса бу борада икки нарсанинг мулоҳазасини қилмоғи лозим.

Биринчиси – Аллоҳ таолонинг ҳаққи. Чунки берувчи Аллоҳ таоло учун бераётганини даъво қилади. Агар даъвоси тўғри бўлса, Аллоҳ таолога берадиган нарсасининг яхши ва пок бўлишига эътибор қилсин-да. Ахир у уйига келган меҳмонига бор нарсаларининг яхшисини ва гўзалинигина тақдим қилади-ку!

Иккинчиси – ўз ҳақи. Чунки берган нарсаси қиёмат куни ўзига қайтиб келиши бор. Ўшанда ўзига яхши ва пок нарса қайтиб келишининг пайидан бўлсин.

Ўзи энг яхши кўрган нарсасини беришга келадиган бўлсак:

Аллоҳ таоло Оли Имрон сурасида шундай марҳамат қилади:

لَن تَنَالُوا۟ ٱلْبِرَّ حَتَّىٰ تُنفِقُوا۟ مِمَّا تُحِبُّونَ ۚ وَمَا تُنفِقُوا۟ مِن شَىْءٍ فَإِنَّ ٱللَّهَ بِهِۦ عَلِيمٌ ﴿٩٢﴾

«Ўзингиз суйган нарсадан нафақа қилмагунингизча ҳаргиз яхшиликка эриша олмассиз. Нимаики нафақа қилсангиз, албатта, Аллоҳ уни ўта билувчидир» *(92-оят).*

عَنْ أَنَس بْنِ مَالِك ﷺ يَقُولُ: كَانَ أَبُو طَلْحَةَ أَكْثَرَ أَنْصَارِيٍّ بِالْمَدِينَةِ مَالًا، وَكَانَ أَحَبُّ أَمْوَالِهِ إِلَيْهِ بَيْرُحَاءَ، وَكَانَتْ مُسْتَقْبِلَةَ الْمَسْجِدِ، فَكَانَ النَّبِيُّ ﷺ يَدْخُلُهَا وَيشْرَبُ مِنْ مَاءٍ فِيهَا طَيِّب، قَالَ أَنَسٌ: فَلَمَّا نَزَلَتْ ﴿لَن تَنَالُوا۟ ٱلْبِرَّ حَتَّىٰ تُنفِقُوا۟ مِمَّا تُحِبُّونَ ۚ

﴿ قَالَ أَبُو طَلْحَةَ: يَا رَسُولَ اللهِ، إِنَّ اللهَ يَقُولُ: ﴿لَن تَنَالُوا۟ ٱلْبِرَّ حَتَّىٰ تُنفِقُوا۟ مِمَّا تُحِبُّونَ ۚ﴾، وَإِنَّ أَحَبَّ أَمْوَالِي إِلَيَّ بَيْرُحَاءُ، وَإِنَّهَا صَدَقَةٌ لِلَّهِ عَزَّ وَجَلَّ، أَرْجُو بِرَّهَا وَذُخْرَهَا عِنْدَ اللهِ، فَضَعْهَا يَا رَسُولَ اللهِ حَيْثُ أَرَاكَ اللهُ. فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «بَخْ ذَاكَ مَالٌ رَابِحٌ، ذَاكَ مَالٌ رَابِحٌ، وَقَدْ سَمِعْتُ، وَأَنَا أَرَى أَنْ تَجْعَلَهَا فِي الْأَقْرَبِينَ». فَقَالَ أَبُو طَلْحَةَ: أَفْعَلُ يَا رَسُولَ اللهِ. قَالَ: فَقَسَمَهَا أَبُو طَلْحَةَ فِي أَقَارِبِهِ وَبَنِي عَمِّهِ. رَوَاهُ أَحْمَدُ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Абу Талҳа Мадинада ансорийларнинг энг бадавлати эди. Унинг учун молларининг энг севимлиси Байруҳо (боғи) бўлиб, у масжиднинг тўғрисида эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унга кирар, ундаги ширин сувдан ичар эдилар. «Ўзингиз суйган нарсадан нафақа қилмагунингизча, ҳаргиз яхшиликка эриша олмассиз» ояти нозил бўлганда, Абу Толҳа:

«Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ: «Ўзингиз суйган нарсадан нафақа қилмагунингизча, ҳаргиз яхшиликка эриша олмассиз», демоқда, мен учун молларимнинг энг севимлиси Байруҳодир. У Аллоҳ азза ва жалла учун садақа! Унинг яхшилик ва Аллоҳнинг ҳузурида заҳира бўлишини умид қиламан. Эй Аллоҳнинг Расули, уни Аллоҳ кўрсатган жойга ишлатинг», деди. Набий алайҳиссалом:

«Яхши, яхши, бу фойда берувчи мол, бу фойда берувчи мол. Мен уни қариндошларинг фойдасига ишлатсанг дейман», дедилар. Абу Толҳа:

«Худди шундай қиламан, эй Аллоҳнинг Расули», деди.

Сўнгра Абу Толҳа уни қариндошлари ва амакисининг ўғилларига бўлиб берди.

Аҳмад ибн Ҳанбал ривоят қилган.

Абу Нуъайм ўзларининг «Ҳулятул Авлиё» номли китобларида Саъид ибн Абу Ҳилолдан ривоят қиладилар:

«Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу Жуҳфага келиб тушди. У бетоб эди. У:

«Менинг балиқ егим келяпти», деди. Зўрға бир дона балиқ топиб келишди. Хотини Софийя бинти Абу Убайда уни пишириб, таом тайёрлади ва олдига қўйди. Худди шу пайт бир мискин келиб, унинг олдида тўхтади. Ибн Умар унга:

«Буни сен ол», деди. Аҳли унга:

«Субҳаналлоҳ! Ахир шунинг учун бизни қанча қийнадинг! Бизда бошқа таом бор. Бу мискинга ўшани берамиз», дедилар.

«Абдуллоҳ бунга муҳаббат қўйган эди», деди у».

Ривоят қилинишича, Робийъ ибн Ҳайсам раҳматуллоҳи алайҳининг эшигини бир тиланчи қоқибди.

«Унга қанд беринглар!» дебди хонадон эгаси.

«Унга нон берсак, фойдалироқ бўлармиди?» дейишибди.

«Шўри қуриганлар! Унга қанд беринглар! Робийъ қандни яхши кўради», деган экан Робийъ ибн Хайсам раҳматуллоҳи алайҳи.

Олтинчи одоб:

Берадиган закоти ва садақасига муносиб одамни танласин. Бунга муносиб шахсларнинг бир неча сифатлари бўлади.

Биринчи сифат: Тақво.

Закот ва садақа берувчи аввало тақводор кишилардан ҳақдорларни топиб беришга ҳаракат қилсин. Бу билан у тақво йўлида хизмат қилган бўлади.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ ﷺ أَنَّهُ سَمِعَ رَسُولَ اللهِ يَقُولُ: «لَا تُصَاحِبْ إِلَّا مُؤْمِنًا، وَلَا يَأْكُلْ طَعَامَكَ إِلَّا تَقِيٌّ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ.

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«У Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шундай деганларини эшитган экан:

«Мўминдан бошқани соҳиб тутма ва таомингни тақводордан бошқа емасин».

Термизий, Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилишган.

Омир ибн Абдуллоҳ ибн Зубайр обидларнинг сажда қилиб турган пайтларини танлар эди. Халтага солинган динор ва дирҳамларни олиб келиб, ўзини билдирмасдан, уларнинг кавушлари олдига ҳамёнини қўйганини сездирар эди, холос. Унга: «Уларга садақани шундоқ юбораверишингга нима монеълик қилади?» дейилганда, «Улар мени ёки вакилимни кўрганда юзлари бужмайишини хоҳламайман», деган экан.

Иккинчи сифат: Илм.

Чунки олимга мол беришда илмга ва дин тарқатишга ёрдам бор. Бу эса шариатни қувватли қилишдир.

Учинчи сифат: «Неъмат бериш ёлғиз Аллоҳнинг Ўзидан бўлади», деб эътиқод қиладиган ва ризққа сабаб бўлган нарсаларга илтифот қилмайдиган одам бўлиши керак.

Чунки бир нарсани олганда мадҳ қилишга одатланган шахс ололмай қолганда ёмонлаши турган гап.

Тўртинчи сифат: Фақирлигини яширадиган, ҳожатини беркитадиган ва шикоятини очиб ташламайдиган бўлиши.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

يَحْسَبُهُمُ ٱلْجَاهِلُ أَغْنِيَآءَ مِنَ ٱلتَّعَفُّفِ

«...билмаган киши иффатлари туфайли уларни бой деб ўйлайдиган (фақирларгадир)» *(273-оят).*

Бешинчи сифат: Оилали ва қарз ёки беморликка мубтало кишилар бўлсин.

Олтинчи сифати: Қариндош-уруғлардан бўлсин.

Чунки уларга қилинган садақа ҳам садақа, ҳам силаи раҳмдир. Бу ҳақда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Унга икки ажр берилур: яқинлик ажри ва садақа ажри», деганлар.

Закотни ушбу юқорида зикр қилинган сифатлардан иккитасини ёки кўпроғини ўзида жамлаган кишига бериш афзалдир.

ЗАКОТ ОЛИШНИНГ НОЗИК ОДОБЛАРИ

Закотни олувчи Қуръонда зикр қилинган саккиз синфдан бири бўлиши лозим. Унинг зиммасида бир неча вазифа бор:

Биринчи одоб: Аллоҳ таоло уни ғамга солган нарсани йўқ қилиш учун закот ибодатини жорий қилганини фаҳмласин ва барча ғамини йиғиб, битта ғамга – Аллоҳ таолонинг розилигини топишга айлантирсин.

Иккинчи одоб: Берувчига ташаккур айтиб, унинг ҳаққига дуо қилсин. Лекин бу иши сабабнинг шукри миқдорида бўлсин. Чунки ҳадисда келганидек, «Одамларга ташаккур қилмаган Аллоҳга шукр қилмас».

Берилган нарса оз бўлса, уни оз санамаслик шукрнинг тугал бўлишидандир. Берилган нарсани ёмонламаслик, айбини беркитиш керак. Буларнинг ҳеч бири неъматни Аллоҳ таолодан кўришга зид келмайди. Во-

ситани восита деб билмаслик жоҳилликдир. Воситани асл деб билиш эса мункирликдир.

Учинчи одоб: Ўзига берилган нарсага назар солсин. Ҳалол нарса бўлмаса, мутлақо олмасин. Чунки бировнинг молидан чиқарилган закот закот эмас. Агар шубҳали нарса бўлса, ўзини олиб қочсин. Иложсиз қолгандагина ҳожатига ярашасини олсин.

Тўртинчи одоб: Ўзига мубоҳ бўлган миқдорда олсин. Ҳожатидан кўпни олмасин. Агар қарздор бўлса, қарзидан ортиқни олмасин.

ИХТИЁРИЙ САДАҚА ҲАҚИДА

Бошқа ибодатлардаги каби, садақа ва хайр-эҳсонда ҳам фарзу вожибдан кейинги ўринда ихтиёрийси туради. Албатта, садақанинг бу тури ҳам соҳибининг ўзига катта фойдалар келтиради.

عَنْ أَنَسٍ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِنَّ الصَّدَقَةَ لَتُطْفِئُ غَضَبَ الرَّبِّ، وَتَدْفَعُ عَنْ مِيتَةِ السُّوءِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, садақа Роббнинг ғазабини ўчиради ва ёмон ўлимни даф қилади», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَا تَصَدَّقَ أَحَدٌ بِصَدَقَةٍ مِنْ طَيِّبٍ – وَلَا يَقْبَلُ اللهُ إِلَّا الطَّيِّبَ – إِلَّا أَخَذَهَا الرَّحْمَنُ بِيَمِينِهِ، وَإِنْ كَانَتْ تَمْرَةً فَتَرْبُو فِي كَفِّ الرَّحْمَنِ حَتَّى تَكُونَ أَعْظَمَ مِنَ الْجَبَلِ، كَمَا يُرَبِّي أَحَدُكُمْ فَلُوَّهُ أَوْ فَصِيلَهُ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا

أَبَا دَاوُدَ. وَزَادَ التِّرْمِذِيُّ: وَتَصْدِيقُ ذَلِكَ فِي كِتَابِ اللهِ عَزَّ وَجَلَّ ﴿ يَمْحَقُ ٱللَّهُ ٱلرِّبَوٰا۟ وَيُرْبِى ٱلصَّدَقَٰتِ ﴾.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қай бир киши ҳалол-покдан садақа қилса, Аллоҳ ҳалол-покдан бошқани қабул ҳам қилмайди, албатта, Раҳмон у(садақа)ни ўнг қўли билан қабул қилиб олади. Агар у бир дона хурмо бўлса ҳам Раҳмоннинг кафтида ўсади. Ҳаттоки тоғдан ҳам катта бўлиб кетади. Худди биринги тойчоғи ёки бўталоғини тарбия қилганидек», дедилар».

Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган. Термизий:

«Бунинг тасдиғи Аллоҳ азза ва жалланинг Китобидадир: «Аллоҳ рибони нобуд қилур ва садақаларни ўстирур»*ни зиёда қилган.*

وَعَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَا مِنْ يَوْمٍ يُصْبِحُ الْعِبَادُ فِيهِ إِلَّا مَلَكَانِ يَنْزِلَانِ فَيَقُولُ أَحَدُهُمَا: اللَّهُمَّ أَعْطِ مُنْفِقًا خَلَفًا، وَيَقُولُ الْآخَرُ: اللَّهُمَّ أَعْطِ مُمْسِكًا تَلَفًا». رَوَاهُمَا الشَّيْخَانِ وَالنَّسَائِيُّ.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бандалар тонг оттирган ҳар бир кунда албатта икки фаришта нозил бўлади. Улардан бири: «Аллоҳим! Инфоқ қилувчига ўринбосар бергин», дейди. Иккинчиси эса: «Аллоҳим! Мумсикка йўқотиш бергин», дейди», дедилар».

Иккисини икки Шайх ва Насоий ривоят қилишган.

Садақа эса сиртдан молнинг озайишига ўхшаб кўринса ҳам, аслида, Аллоҳ таоло садақаси берилган молни баракали қилиб қўяди. У эгасига юқади, бахт-саодат келтиради ва бало-офатлардан сақлайди.

Садақа ва хайр-эҳсон берувчи қўл яхши қўл, баракали қўл, хайр-эҳсонли қўл, ҳамманинг ҳавасини келтирадиган, Аллоҳга ва Унинг Расулига хуш келадиган қўлдир.

РЎЗА

Нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллашда намоз ва закотдан кейин рўза ибодати келади. Инсонни йўлдан урадиган нарсалар ичида қорин ва жинсий шаҳватлар энг кучлиларидан ҳисобланиши ҳеч кимга сир эмас. Рўзанинг фойдаларидан бири худди ўша икки шаҳватни жиловлашга хизмат қилишидир. Шунинг учун ҳам рўза нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллашда энг муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

عَنْ جُرَيٍّ النَّهْدِيِّ، عَنْ رَجُلٍ مِنْ بَنِي سُلَيْمٍ، أَنَّ رَسُولَ اللهِ ﷺ قَالَ: «...وَالصَّوْمُ نِصْفُ الصَّبْرِ...» رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَابْنُ مَاجَهْ.

Жўрай ан-Наҳдийдан, у Бану Сулаймлик бир кишидан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «...Рўза сабрнинг ярмидир...» дедилар».

Термизий ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Сабр эса нафснинг энг олий мақомларидан биридир.

Қолаверса, рўза тақвонинг асосий омилларидан биридир. Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ كُتِبَ عَلَيۡكُمُ ٱلصِّيَامُ كَمَا كُتِبَ عَلَى ٱلَّذِينَ مِن قَبۡلِكُمۡ لَعَلَّكُمۡ تَتَّقُونَ ﴿١٨٣﴾

«Эй иймон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз қилинганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди. Шоядки, тақво қилсангиз» *(183-оят).*

Демак, рўза ҳам тақво йўлларидан биттаси экан. Рўза тутган шахс қалбида тақво руҳи уйғониши керак. Агар ким рўза тутса-ю, қалбида тақво ҳисси уйғонмаса, у одам ҳақиқий рўза тутмаган бўлади.

Кимки иймон ва эътиқод билан рўза тутса, Аллоҳ таоло ўша бандани «тақво» деб номланувчи, икки дунё саодатига элтувчи бахтга муяссар қилади.

Тақво эса, ўз навбатида, нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллаш борасидаги асосий омилдир.

Рўзада бошқа ибодатларда бўлмаган хусусият бор. Бу унинг Аллоҳ таолонинг Ўзига изофа қилинишидир.

Аллоҳ таоло ҳадиси қудсийда бунинг баёнини қилгандир.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «قَالَ اللهُ: كُلُّ عَمَلِ ابْنِ آدَمَ لَهُ إِلَّا الصِّيَامَ فَإِنَّهُ لِي وَأَنَا أَجْزِي بِهِ...» رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар:

«Аллоҳ деди: «Одам боласининг ҳамма амали ўзи учун, фақат рўза Мен учундир ва унинг мукофотини Мен Ўзим берурман».

Бешовлари ривоят қилишган.

Рўзанинг бу каби фазлга эга бўлишининг иккита маъноси бордир:

Биринчиси: рўза ички амал ҳисобланади.

Иккинчиси: рўза тутиш Аллоҳ таолонинг душмани бўлмиш шайтонга қаҳр қилиш демакдир.

Маълумки, шаҳват ейиш ва ичиш ила қувватланади. Шаҳвати кучли бўлган одамга шайтон ўз амрини ўтказиши осон бўлади. Рўза тутган одамга эса шайтон яқинлаша олмайди. Рўзанинг фойдаларини санаб адоғига етиб бўлмайди.

РЎЗАНИНГ НОЗИК СИРЛАРИ

Аҳли ҳақнинг наздида рўзанинг даражаси учтадир.

Биринчи даража омманинг рўзаси бўлиб, у қорин ва фаржни шаҳватдан тийишдан иборат.

Иккинчи даража хосларнинг рўзаси бўлиб, у биринчи даражага зиёда ўлароқ кўз, қулоқ, тилни, оёқ, қўл ва бошқа аъзоларни гуноҳлардан тийишдан иборатдир.

Учинчи даража хослардан ҳам хосларнинг рўзаси бўлиб, у аввалги икки даражага зиёда ўлароқ, қалбни пасткаш ҳимматлардан, дунёвий фикрлардан ва Аллоҳ таолодан бошқа нарсалардан тийишдан иборатдир.

Ушбу мақомда хосларнинг рўзаси ҳақида бир оз алоҳида сўз юритиш мақсадга мувофиқ бўларди.

Аввал айтиб ўтганимиздек, омманинг рўзасидан фарқли равишда хосларнинг рўзаси аъзоларни гуноҳлардан тийишни ҳам ўз ичига олади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَنْ لَمْ يَدَعْ قَوْلَ الزُّورِ وَالْعَمَلَ بِهِ فَلَيْسَ لِلَّهِ حَاجَةٌ فِي أَنْ يَدَعَ طَعَامَهُ وَشَرَابَهُ». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا مُسْلِمًا.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким ёлғон гапиришни ва унга амал қилишни қўймаса, унинг таоми ва шаробини тарк қилишига Аллоҳнинг эҳтиёжи йўқ», дедилар».

Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.

Хосларнинг рўзаси «солиҳлар рўзаси» деб ҳам номланади. Бу даражадаги рўзанинг мукаммал бўлиши қуйидаги нарсалар ила рўёбга чиқади:

1. Барча ёқимсиз ва ёмон нарсалардан кўзни тийиш ҳамда қалбни Аллоҳ таолонинг зикридан тўсадиган нарсаларга машғул қилмаслик.

عَنْ حُذَيْفَةَ ﷺ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «النَّظْرَةُ سَهْمٌ مِنْ سِهامِ إِبْلِيسَ مَسْمُومَةٌ، فَمَنْ تَرَكَهَا مِنْ خَوْفِ اللهِ أَثَابَهُ جَلَّ وَعَزَّ إِيمَانًا يَجِدُ حَلَاوَتَهُ فِي قَلْبِهِ». رَوَاهُ الْحَاكِمُ.

Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Назар солиш шайтоннинг заҳарланган ўқларидан биридир. Ким Аллоҳдан қўрқиб, уни тарк қилса, Аллоҳ азза ва жалла унга қалбида ҳаловатини топадиган иймон беради», дедилар».

Имом Ҳоким ривоят қилган.

2. Тилни ёлғон, ғийбат, чақимчилик, фаҳш гаплар, жафо, хусумат, мақтанчоқликка ўхшаш нарсалардан тийиб, сукутни лозим тутиш. Уни Аллоҳ таолонинг зикри ва Қуръон тиловати ила машғул қилиш. Бу тилнинг рўзасидир.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ: أَنَّ رَسُولَ اللهِ ﷺ قَالَ: «الصِّيَامُ جُنَّةٌ، فَلَا يَرْفُثْ وَلَا يَجْهَلْ، وَإِنِ امرُؤٌ قَاتَلَهُ أَوْ شَاتَمَهُ فَلْيَقُلْ: إِنِّي صَائِمٌ...» رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Рўза сақловчидир. Фаҳш гап гапирмасин ва жоҳил бўлмасин. Агар бирортаси у билан урушмоқчи ёки сўкишмоқчи бўлса, «Мен рўзадорман», десин».

Бешовлари ривоят қилишган.

Бишр ибн Ҳорис раҳматуллоҳи алайҳидан ривоят қилинишича, Суфёни Саврий: «Ғийбат рўзани бузади», деган.

Лайс қилган ривоятда Мужоҳид шундай дейди: «Икки хислат – ғийбат ва ёлғон рўзани бузади».

Бу гаплар омманинг эмас, солиҳлар рўзасининг бузилиши ҳақидадир. Яъни ғийбатчининг рўзаси омманинг рўзаси савиясида бўлаверади. Аммо ғийбати туфайли солиҳлар рўзаси даражасидан тушади.

3. Қулоқни эшитиш макруҳ бўлган барча нарсалардан, бошқача қилиб айтганда, юқорида санаб ўтилган нарсаларнинг ҳаммасидан сақлаш.

Чунки гапириш мумкин бўлмаган барча нарсани эшитиш ҳам мумкин эмас. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло Қуръони Каримда ҳаром еювчи билан ёлғон эшитувчини баробар санаган:

سَمَّٰعُونَ لِلْكَذِبِ أَكَّٰلُونَ لِلسُّحْتِ

«Улар ёлғонга кўп қулоқ солувчилар, ҳаромни кўп еювчилардир» *(Моида сураси, 42-оят).*

4. Қўл, оёқ ва бошқа аъзоларни гуноҳлардан асраш ҳамда ифтордан кейин қоринни шубҳали таомлардан сақлаш. Зотан, қоринни ҳалол нарсадан сақлаб рўза тутиб, кейин ҳалол бўлмаган нарса ила ифтор қилишнинг маъноси ҳам йўқ.

Ҳаром динни ҳалок қилувчи заҳардир.

Ҳалол даво бўлиб, ози фойдали, кўпи зарарлидир.

5. Ифторда ҳаддан ташқари кўп еб қоринни тўйдириб юборишдан сақланиш. Бундай қилиш ила рўзадан кўзланган мақсад амалга ошмайди. Чунки рўзадан кўзланган мақсадлардан бири очликнинг таъмини татиб кўришдир.

Мазкур мақсадга эришиш эса рўзадан бошқа вақтларда нонуштада тановул қиладиган таомни саҳарликда ва кечки овқатда тановул қиладиганини ифторда истеъмол қилиш билан бўлади.

Ифтордан сўнг қалб хавф ва ражо орасида изтиробга тушиб турмоғи лозим. Чунки рўзаси қабул бўлиб, мукарраб бандалар қаторига қўшилдими ёки қабул бўлмай, ғазабга учраганлардан бўлдими, аниқ эмас-ку! Ҳар бир ибодатдан фориғ бўлгандан сўнг шу ҳолатда бўлиш лозимдир.

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳи кулишиб ўтирган қавмнинг олдидан ўтаётиб:

«Аллоҳ азза ва жалла Рамазон ойини Ўз халқини чиниқтириш учун ва тоатида мусобақа қилиш учун жорий қилган. Бир қавмлар ўзиб кетдилар ва ютуққа эришдилар. Бир қавмлар қолиб кетдилар ва ноумид бўлдилар. Ўзувчилар ютган, аҳли ботиллар ноумид бўлган кунда ўйнаб-кулганлардан ажабланаман», деди.

ҲАЖ

Исломнинг бешинчи рукни бўлмиш ҳаж ибодати ҳам нафсни поклашда ва ахлоқни сайқаллашда катта таъсири бор омилдир. Бу маънони Қуръони Каримда ҳаж ҳақида келган оятларнинг баъзисига назар ташлаш билан фаҳмлаб олсак бўлади.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

ٱلْحَجُّ أَشْهُرٌ مَّعْلُومَٰتٌ ۚ فَمَن فَرَضَ فِيهِنَّ ٱلْحَجَّ فَلَا رَفَثَ وَلَا فُسُوقَ وَلَا جِدَالَ فِى ٱلْحَجِّ ۗ

«Ҳаж маълум ойлардир. Кимки уларда ўзига ҳажни фарз қилса, ҳажда шаҳвоний нарсалар, фисқ ва жанжал йўқдир» *(197-оят).*

«Ўзига ҳажни фарз қилиш» ҳажни ният қилиб эҳромга кириш деганидир. Демак, ундай одамга шаҳвоний ишлар, яъни жинсий яқинлик ва унинг ҳақидаги гап-сўзларни сўзлаш ва шунга ўхшаш нарсалар мумкин бўлмайди. Яна ҳажда фисқ – катта-кичик гуноҳ ишларни қилиш, одамлар билан талашиб-тортишиш ва сўкишиб, жанжал чиқариш каби ишлар ҳам мумкин эмас.

Ҳаж қилувчи инсон улуғ мақомга эришган бўлади. У дунёвий ишларнинг барчасидан ажраган ҳолда Аллоҳ таолога юзланади, Роббул оламийнинг уйини зиёрат қилгани чиққан бўлади. Шу боис, у олий даражадаги одоб билан одобланиши зарур. Ҳамма ёмон нарсаларни тарк этиб, яхши ишларни кўпроқ қилиши лозим.

Аллоҳ таоло Ҳаж сурасида марҳамат қилади:

ذَٰلِكَ وَمَن يُعَظِّمْ شَعَٰٓئِرَ ٱللَّهِ فَإِنَّهَا مِن تَقْوَى ٱلْقُلُوبِ ﴿٣٢﴾

«Ким Аллоҳнинг нишоналарини улуғласа, бас, албатта, бу қалбларнинг тақвосидандир» *(32-оят).*

Ушбу ояти каримадаги «нишонлар»дан мақсад ҳажда қурбонликка сўйиладиган катта ҳайвонлардир. Демак, ҳажда сўйишга аталган ҳайвонларни улуғлаш, авайлаш, эъзозлаш қалб тақвосидан экан. Зеро, ҳаж ибодатидан кўзланган асосий мақсад ҳам тақводир.

Ҳаждан кўзланган мақсад мукаммал равишда рўёбга чиқиши учун бир қанча қалб амаллари ва одобларни бажо келтириш лозим бўлади.

ҲАЖНИНГ ОДОБЛАРИ

1. Ҳаж қилмоқчи бўлган одам аввало Аллоҳ таолога астойдил тавба қилсин. Гуноҳларини тарк эта туриб, аввал содир бўлганларига надомат қилиб, бундан сўнг такрорламасликка азму қарор этсин.

2. Кимга зулм етказган, кимни хафа қилган ёки кимнинг кўнглини қолдирган бўлса, улардан узр сўрасин.

3. Энг муҳим жиҳатлардан бири – қилаётган ҳаж ибодатидан Аллоҳ таолонинг розилигини ва охиратининг ободлигини кўзласин. Дунё ва унинг зийнатларини, риёкорлик, ном чиқариш, фахрланиш каби нарсаларни зинҳор ва зинҳор хаёлига келтирмасин. Акс ҳолда барча қилган саъй-ҳаракатлари беҳуда кетади.

4. Ота-оналари тирик бўлсалар, уларнинг розиликларини олсин, дуоларини сўрасин.

5. Ҳаж сафари билан овора бўлиб, бошқа ибодатларга эътиборсизлик қилмасин. Айниқса, намозга эҳтиёт бўлсин, чунки намознинг зарурлиги ҳаждан ҳам эътиборли.

6. Сафар чоғида доимо Аллоҳ таолони зикр этсин, дуо қилсин, истиғфор айтсин. Қуръони Каримни тиловат қилсин. Тилини бўлмағур гаплардан, беҳуда сўзлардан, ёлғон, ғийбат, чақимчилик, сўкиш каби бузуқликлардан тийсин. Қўлидан келганча одамларга яхшилик қилиш пайидан бўлсин.

7. Ўтган уламоларимизнинг энг муҳим насиҳатларидан бири шуки, ҳожилар ҳаж давомида қалбни машғул қилиб, хаёлни олиб қочувчи тижоратдан холи бўлишлари керак. Ўзларини хор тутсинлар, зебу зийнатга эътибор бермасинлар. Пайғамбаримиз алайҳиссалом шундай қилганлар.

عَنْ جَابِرٍ ﷺ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «إِذَا كَانَ يَوْمُ عَرَفَةَ

إِنَّ اللهَ يَنْزِلُ إِلَى السَّمَاءِ فَيُبَاهِي بِهِمُ الْمَلَائِكَةَ فَيَقُولُ: انْظُرُوا إِلَى عِبَادِي، أَتَوْنِي شُعْثًا غُبْرًا ضَاحِينَ مِنْ كُلِّ فَجٍّ عَمِيقٍ، أُشْهِدُكُمْ أَنِّي قَدْ غَفَرْتُ لَهُمْ...»

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Арафа куни Аллоҳ осмонга тушади ва улар ила фаришталарга мақтаниб: «Бандаларимга қаранглар! Турли жойлардан сочлари тўзиган, ғуборга беланган, офтобда қолган ҳолда ҳузуримга келдилар. Сизларни гувоҳ қиламанки, албатта, Мен уларнинг гуноҳларини кечдим», дейди».

8. Ҳажга қилинадиган сарф-харажат ҳалолдан бўлиши шарт.

9. Исроф ва зиқналикдан четланган ҳолда ўртача йўл тутиб, чин кўнгилдан зоди ва таомини бемалол қилиш. Ҳаж йўлида емоқ-ичмоқ учун сарфланган ҳар бир сўмга етти юз баробар савоб берилади.

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу: «Сафарда озиқ-овқатнинг яхши бўлиши кишининг карамидандир. Ҳожиларнинг афзали нияти холисроқ, нафақаси покроқ ва ишончи комилроқ бўлганидир», дер эдилар.

عَنْ جَابِرٍ ﷺ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «الْحَجُّ الْمَبْرُورُ لَيْسَ لَهُ جَزَاءٌ إِلَّا الْجَنَّةَ». قَالُوا: يَا نَبِيَّ اللهِ، مَا الْحَجُّ الْمَبْرُورُ؟ قَالَ: «إِطْعَامُ الطَّعَامِ، وَإِفْشَاءُ السَّلَامِ». رَوَاهُ أَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳажжи мабрурнинг жаннатдан бошқа мукофоти йўқ», дедилар».

«Эй Аллоҳнинг Расули! Ҳажжи мабрур нима?» дейишди.

«Таом бериш ва салом ёйиш», дедилар».

Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилишган.

10. Шаҳвоний нарсалар, фисқ ва жанжалга йўл қўймаслик. Аллоҳ таоло бу маънони Қуръони Каримда таъкидлаган.

Бу борадаги шаҳвоний нарсалар арабчада «рафас» дейилади ва барча шармсиз гап-сўз ҳамда хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади. Аёлларга хушомад гапларни айтиш, шаҳвоний гап, ишора ва ҳаракатлар қилиш каби нарсалар рафасга киради.

Фисқ эса Аллоҳнинг ҳар бир тоатидан чиқишдир.

Жанжал маълум ва машҳур нарса.

Ҳаж қилувчи киши мазкур нарсалардан алоҳида эҳтиёт бўлиши лозим.

11. Бақувват, юрса қийналмайдиган кишилар пиёда ҳаж қилишлари афзал. Шунингдек, бемор, қари ва узрли кишилар ибодатларига нуқсон етмаслиги учун улов миниб ҳаж қилганлари афзал.

12. Ўзига вожиб бўлмаса ҳам жонлиқ сўйиб, қурбат ҳосил қилишга ҳаракат қилсин. Қиладиган қурбонлиги семиз ва чиройли бўлишига эътибор берсин. Қурбонлик вожиб бўлса, ўзи емасин. Агар қурбонлик ихтиёрий бўлса, ўзи ҳам есин.

عَنْ أَبِي بَكْرٍ الصِّدِّيقِ ﷺ: أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ سُئِلَ: أَيُّ الْحَجِّ أَفْضَلُ؟ قَالَ: «الْعَجُّ وَالثَّجُّ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламдан: «Ҳажнинг нимаси афзал?» деб сўралди. «Баланд овози ва қон оқизгани», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Қилган сарф-харажатини, сўйган қурбонлигини, ўзига етган машаққат ва қийинчиликларни бағрикенглик ила қабул қилсин. Уларга чин қалбдан хурсанд бўлсин. Мана шу ҳолат юзага чиқса, бу ҳажининг қабул бўлгани аломатидир. Ҳаж йўлида етган ҳар бир машаққат Аллоҳ таолонинг йўлида нафақа қилганнинг ўрнига ўтади.

Ҳажнинг қабул бўлгани аломатларидан яна бири, аввалги маъсиятларни тарк қилиб, ёмон дўстлар ўрнига яхши дўстлар орттириш, ғафлат ва беҳуда мажлислар ўрнига зикр ва илм мажлисларида иштирок этадиган бўлишдир.

ҲАЖНИНГ НОЗИК СИРЛАРИ

Аллоҳ таолога етишиш учун бутунлай Унинг Ўзини кўзлаган ҳолда ажраб чиқмоқ керак бўлади. Шунинг учун ҳам қадимги роҳиблар Аллоҳ таолога етишиш мақсадида ҳамма нарсадан ажраб, тоғларга чиқиб кетар эдилар.

Исломда роҳиблик йўқ. Аммо таққослаш учун айтадиган бўлсак, Ислом умматининг роҳиблиги ҳаждир. Ҳаж ибодатини адо этмоқчи бўлган банда барча шаҳватлар, лаззатлардан, алоқа ва машғулотлардан, ҳатто одатдаги кийимларидан ҳам ажрайди.

Ҳаж ибодатини адо этмоқчи бўлган ҳар бир киши иложи борича қуйидаги нозик сирлардан хабардор бўлгани мақсадга мувофиқ. Аввало, ҳажнинг моҳиятини фаҳмлаб етмоғи лозим. Яъни ҳажнинг диндаги ўрнини фаҳмлаган одамнинг унга шавқи ортади ва ҳаж қилишга азму қарор қилади.

Ҳажнинг ҳар бир амалида эслатма ва ибрат бор:

1. Ҳажга керак бўладиган нарсаларни жамлаганда охиратга керак бўладиган нарсаларни эсига олсин.

2. Оддий кийимларини ечиб, эҳромга кираётганида кафанни ва Роббига бу дунё кийимларидан бошқача кийим ила рўбарў бўлишини эсга олсин.

3. «Лаббайка»ни айтишни бошлаганида Аллоҳ таолонинг чақириғига жавоб бераётганини эсга олсин ва қабулни орзу қилиб, қабул бўлмай қолишидан қўрқсин.

4. Ҳарамга етганда уқубатдан омон қолишни орзу қилсин ва яқинлардан бўлмай қолишдан қўрқсин. Аммо умидворлик ғолиб бўлсин.

5. Байтуллоҳни кўрганида қалбида унинг улуғворлигини ҳозир қилсин ва Аллоҳ таолога ўзини меҳмонлари мартабасига эриштиргани учун шукр қилсин ҳамда Байтуллоҳни тавоф қилиш нақадар улуғворлигини ҳис этсин.

6. Ҳажарул асвадни истилом қилган (уни қўли билан ушлаган ёки ишора қилган) пайтида Аллоҳ таолога итоат қилишга байъат қилганига эътиқод қилсин ва бу байъатга вафо қилишга азму қарор қилсин.

7. Каъбаи Муаззаманинг пардасига осилганида ва Мултазамда турганида гуноҳкор ўз хожасининг паноҳига қочганини эласин.

8. Сафо ва Марва орасида саъйи қилаётган пайтида уларни «тарозининг икки палласи» деб ўйласин. Уларнинг орасида бориб-келишини «қиёматнинг аросати» деб ўйласин.

9. Арафотда турганида, одамларнинг издиҳомини кўрганида, овозларининг кўтарилишини эшитганида, тилларининг турли-туманлигини билганида қиёмат мавқифини, унда халойиқнинг жамланишини ва шафоат сўрашларини эсга олсин.

10. Тош отиш пайтида қулликни намоён қилишни ва фармонга бўйсуниб, уни сўзсиз бажо этишни қасд қилсин.

11. Қурбонлик сўйиш пайтида бу ишнинг Аллоҳ таолога қурбат ҳосил қилишнинг энг муҳим турларидан бири эканини, қурбонликнинг ҳар бир бўлаги эвазига қурбонлик қилувчининг бир бўлаги дўзахдан халос бўлишини эсласин.

ҚУРЪОНИ КАРИМ ТИЛОВАТИ

Аллоҳ таолонинг охирги китоби бўлмиш Қуръони Каримнинг тиловати ҳам нафс поклиги ва ахлоқ сайқалига катта таъсири бор омилдир.

Қуръони Карим тиловати деганда унинг ҳарфларини жойига қўйиб, аниқ талаффуз ила ва тажвид қоидаларига мувофиқ тарзда шошилмасдан ўқиш тушунилади.

Қуръони Каримда унинг тиловати ҳақида олтмиш еттита оят келган. Қуръони Карим тиловати жуда ҳам фазилатли амал ҳисобланади.

Аллоҳ таоло Фотир сурасида марҳамат қилади:

إِنَّ ٱلَّذِينَ يَتْلُونَ كِتَٰبَ ٱللَّهِ وَأَقَامُوا۟ ٱلصَّلَوٰةَ وَأَنفَقُوا۟
مِمَّا رَزَقْنَٰهُمْ سِرًّا وَعَلَانِيَةً يَرْجُونَ تِجَٰرَةً لَّن تَبُورَ
لِيُوَفِّيَهُمْ أُجُورَهُمْ وَيَزِيدَهُم مِّن فَضْلِهِۦٓ ۚ إِنَّهُۥ
غَفُورٌ شَكُورٌ ﴿٣٠﴾ ﴿٢٩﴾

«Албатта, Аллоҳнинг Китобини тиловат қиладиганлар, намозни тўкис адо этиб, Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан махфий ва ошкора нафақа қиладиганлар ҳаргиз касодга учрамайдиган ти-

жоратдан умидвор бўлурлар. У Зот уларга ажрларини тўлиқ қилиб бериши ва Ўз фазлидан зиёда ҳам қилиши учундир. Албатта, У ўта мағфиратлидир ва кўп савоб берувчидир» *(29-30-оятлар).*

Яъни Аллоҳ таоло ўта мағфиратли Зотдир. Қуръон тиловат қилган, намозни тўкис адо этган, инфоқ-эҳсон қилганларнинг гуноҳларини мағфират этади.

Аллоҳ таолонинг Китобини тиловат қилиш унга кўз югуртириб чиқиш ёки ёдлаб олган жойини шуурсиз такрорлаш эмас. Қуръон тиловати уни бутун вужуд билан ҳис этган ҳолда тадаббур ила ўқиб, унга амал қилишдир.

Ҳа, Қуръон тиловати ниҳоятда зарур. Шунинг учун ҳам оятда мўминларга хос сифатлар ичида биринчи ўринда Қуръон тиловати келмоқда. Аввал айтиб ўтилганидек, ҳақиқий тиловат ўзидаги зикр қилинган ҳукмларга амал этишга чорловчи тиловатдир.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

ٱلَّذِينَ ءَاتَيۡنَٰهُمُ ٱلۡكِتَٰبَ يَتۡلُونَهُۥ حَقَّ تِلَاوَتِهِۦٓ أُوْلَٰٓئِكَ يُؤۡمِنُونَ بِهِۦۗ وَمَن يَكۡفُرۡ بِهِۦ فَأُوْلَٰٓئِكَ هُمُ ٱلۡخَٰسِرُونَ ١٢١

«Биз китоб берганлардан уни ўрнига қўйиб тиловат қиладиганлари – ана ўшалар унга иймон келтирадилар. Ким унга куфр келтирса, ана ўшалар – ўзлари зиён кўрувчилардир» *(121-оят).*

Кимки Қуръони Каримни инсоф билан, ўрнига қўйиб ўқиса, унга иймон келтириш зарурлигини тушуниб етади. Бу улкан ҳақиқатни ушбу ояти карианинг биринчи жумласидан тушуниб оламиз.

«Биз китоб берганлардан уни ўрнига қўйиб тиловат қиладиганлари – ана ўшалар унга иймон келтирадилар».

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу «ўрнига қўйиб тиловат қилиш»ни: «Ҳалол деганини ҳалол билиб, ҳаром деганини ҳаром билиш; Аллоҳ қандай туширган бўлса, шундай ҳолда ўқиш, маъноларини бузмаслик, ўзича нотўғри таъвил қилмаслик», деб шарҳлаганлар.

Шу ва шунга ўхшаш шартларга амал қилиб, инсоф билан тиловат этганлар иймонга келиб, икки дунё саодатига эга бўладилар.

Аллоҳ таоло Аъроф сурасида марҳамат қилади:

وَإِذَا قُرِئَ ٱلْقُرْءَانُ فَٱسْتَمِعُوا۟ لَهُۥ وَأَنصِتُوا۟ لَعَلَّكُمْ تُرْحَمُونَ ﴿٢٠٤﴾

«Қачон Қуръон тиловат қилинса, унга қулоқ солинглар ва жим туринглар, шояд, раҳм қилинсангиз» *(204-оят).*

Ушбу оятдан уламоларимиз Қуръони Карим тиловат қилинганда жим туриб қулоқ солиш вожиблиги ҳақида ҳукм чиқарганлар.

Ҳанафий мазҳаби уламолари эса «Намозда имом қироат қилганида иқтидо қилувчилар жим қулоқ солиши лозим», деган ҳукмни ҳам чиқарганлар.

Умуман, Қуръон Аллоҳ таолонинг каломи, уни ўқиш, тинглаш, ўрганиш ва унга амал қилиш зарурий ишдир. Ҳар бирининг ўзига яраша зарурати ва ҳаловати бор.

Энди Қуръони Каримнинг фазли ҳақида Пайғамбар алайҳиссалом айтган ҳадиси шарифлардан баъзиларини ўрганишга Аллоҳ таолодан мадад сўраган ҳолимизда ҳаракат қиламиз.

عَنْ عُثْمَانَ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «خَيْرُكُمْ مَنْ تَعَلَّمَ الْقُرْآنَ وَعَلَّمَهُ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Усмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизларнинг яхшиларингиз Қуръонни ўрганганларингиз ва ўргатганларингиздир», дедилар».

Бухорий, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «الْمَاهِرُ بِالْقُرْآنِ مَعَ السَّفَرَةِ الْكِرَامِ الْبَرَرَةِ، وَالَّذِي يَقْرَأُ وَهُوَ يَشْتَدُّ عَلَيْهِ لَهُ أَجْرَانِ». رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қуръонга моҳир бўлган киши мукаррам, ўта яхши фаришталар билан бирга бўлади. Ўқиганда қийналадиганга икки ажр бордир», дедилар».

Тўртовлари ривоят қилишган.

عَنْ عُقْبَةَ بْنِ عَامِرٍ ﷺ قَالَ: خَرَجَ عَلَيْنَا رَسُولُ اللهِ ﷺ وَنَحْنُ فِي الصُّفَّةِ، فَقَالَ: «أَيُّكُمْ يُحِبُّ أَنْ يَغْدُوَ كُلَّ يَوْمٍ إِلَى بُطْحَانَ أَوْ إِلَى الْعَقِيقِ فَيَأْتِيَ مِنْهُ بِنَاقَتَيْنِ كَوْمَاوَيْنِ فِي غَيْرِ إِثْمٍ وَلَا قَطْعِ رَحِمٍ؟» فَقُلْنَا: يَا رَسُولَ اللهِ، كُلُّنَا نُحِبُّ ذَلِكَ. قَالَ: «فَلَأَنْ يَغْدُوَ أَحَدُكُمْ كُلَّ يَوْمٍ إِلَى الْمَسْجِدِ فَيَتَعَلَّمُ آيَتَيْنِ مِنْ كِتَابِ اللهِ عَزَّ وَجَلَّ خَيْرٌ لَهُ مِنْ نَاقَتَيْنِ، وَثَلَاثٌ خَيْرٌ لَهُ مِنْ ثَلَاثٍ، وَأَرْبَعٌ خَيْرٌ لَهُ مِنْ أَرْبَعٍ، وَمِنْ أَعْدَادِهِنَّ مِنَ الْإِبِلِ».

Уқба ибн Омир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олдимизга чиқдилар. Биз суффада эдик. У зот:

«Қай биринғиз Бутҳон ёки Ақийққа ҳар куни бориб, гуноҳ қилмасдан ва қариндошлик алоқасини узмасдан иккита катта ўркачли туя олиб келишни хоҳлайди?» дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, ҳаммамиз ҳам буни жуда хоҳлаймиз», дедик.

«Албатта, биринғизнинг ҳар куни масжидга келиб, Аллоҳ азза ва жалланинг Китобидан икки оят ўрганмоғи иккита туядан яхшидир. Учтаси учтадан яхшидир. Тўрттаси тўрттадан яхшидир. Адади қанча бўлса, шунча туядан (яхши)», дедилар у зот».

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «وَمَنْ سَلَكَ طَرِيقًا يَلْتَمِسُ فِيهِ عِلْمًا سَهَّلَ اللهُ لَهُ بِهِ طَرِيقًا إِلَى الْجَنَّةِ، وَمَا اجْتَمَعَ قَوْمٌ فِي بَيْتٍ مِنْ بُيُوتِ اللهِ يَتْلُونَ كِتَابَ اللهِ وَيَتَدَارَسُونَهُ بَيْنَهُمْ إِلَّا نَزَلَتْ عَلَيْهِمُ السَّكِينَةُ، وَغَشِيَتْهُمُ الرَّحْمَةُ، وَحَفَّتْهُمُ الْمَلَائِكَةُ، وَذَكَرَهُمُ اللهُ فِيمَنْ عِنْدَهُ». رَوَاهُمَا مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким илм талаб қилиш йўлига тушса, Аллоҳ унга жаннатнинг йўлини енгиллаштиради. Қайси бир қавм Аллоҳнинг уйларидан бирида жам бўлиб, Аллоҳнинг Китобини тиловат қилсалар, уни ўзаро ўргансалар, албатта, уларнинг устига сакина тушади, уларни раҳмат ўраб олади, фаришталар қуршаб оладилар ва Аллоҳ уларни Ўз ҳузуридагилар қаторида зикр қилади», дедилар».

Икки ҳадисни Муслим ва Абу Довуд ривоят қилишган.

عَنْ عَبْدِ اللهِ بْنِ عَمْرٍو ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «يُقَالُ لِصَاحِبِ الْقُرْآنِ: اقْرَأْ وَارْتَقِ وَرَتِّلْ كَمَا كُنْتَ تُرَتِّلُ فِي الدُّنْيَا، فَإِنَّ مَنْزِلَتَكَ عِنْدَ آخِرِ آيَةٍ تَقْرَأُهَا». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Қуръон соҳибига: «Қироат қилиб кўтарилавер. Дунёда қандоқ тартил қилган бўлсанг, худди шундоқ тартил қил. Албатта, сенинг манзилинг охирги қироат қилган оятингнинг маконидан бўлади», дейилади».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «يَجِيءُ الْقُرْآنُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَيَقُولُ: يَا رَبِّ حَلِّهِ. فَيُلْبَسُ تَاجَ الْكَرَامَةِ، ثُمَّ يَقُولُ: يَا رَبِّ زِدْهُ. فَيُلْبَسُ حُلَّةَ الْكَرَامَةِ، ثُمَّ يَقُولُ: يَا رَبِّ ارْضَ عَنْهُ. فَيَرْضَى عَنْهُ، فَيُقَالُ لَهُ: اقْرَأْ وَارْقَ، وَتُزَادُ بِكُلِّ آيَةٍ حَسَنَةً». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Қуръон қиёмат куни келиб:

«Эй Роббим, унга сарпо бер», дейди. Бас, унга каромат тожи кийдирилади. Сўнгра у яна:

«Эй Роббим, зиёда қил», дейди. Шунда унга каромат сарпоси кийдирилади. Сўнгра у яна:

«Эй Роббим, ундан рози бўл», дейди. Бас, У Зот ундан рози бўлади. Сўнгра унга:

«Қироат қил ва кўтарилавер. Сенга ҳар бир оят учун бир ҳасана зиёда қилинади», дейилади».

Термизий ривоят қилган.

وَلِأَبِي دَاوُدَ: «مَنْ قَرَأَ الْقُرْآنَ وَعَمِلَ بِمَا فِيهِ أُلْبِسَ وَالِدَاهُ تَاجًا يَوْمَ الْقِيَامَةِ ضَوْءُهُ أَحْسَنُ مِنْ ضَوْءِ الشَّمْسِ فِي بُيُوتِ الدُّنْيَا، لَوْ كَانَتْ فِيكُمْ فَمَا ظَنُّكُمْ بِالَّذِي عَمِلَ بِهَذَا».

Абу Довуднинг ривоятида:

«Ким Қуръонни ўқиса ва унда бор нарсага амал қилса, унинг ота-онасига қиёмат куни зиёси, агар ичингизда бўлса, бу дунё уйларидаги қуёш зиёсидан ҳам яхшироқ бўлган тож кийдирилади. Энди бунга амал қилганга нима бўлишини ўзингиз билиб олаверинг», *дейилган.*

ҚУРЪОН КЎТАРГАНЛАРНИНГ СИФАТЛАРИ

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу шундай деган: «Қуръонни кўтарган одамлар ухлаганда кечаси бедорлик билан, одамлар оғзи очиқ юрганда кундузи рўзадорлик билан, одамлар кулганда йиғиси билан, одамлар хурсанд бўлганда маҳзунлиги билан, одамлар маҳмадоналик қилганда жим туриши билан, одамлар гердайганда хушуъси билан танилмоғи лозим. У ғофил, бақироқ ва тез бўлмаслиги керак».

Фузайл ибн Иёз раҳматуллоҳи алайҳи айтади: «Қуръонни кўтарган Ислом байроғини кўтарувчидир. У Аллоҳ таолони улуғлаш учун беҳуда сўзловчи билан беҳуда сўзлашмаслиги, унутувчига қўшилиб унутмаслиги, бемаза ила бемазалик қилмаслиги керак. Унинг бировда ҳожати бўлмасин, бировларнинг унда ҳожати бўлсин».

ҚУРЪОН ТИЛОВАТИ ОДОБЛАРИ

Қуръони Карим қироатининг ўзига яраша одоблари бор. Улардан баъзиларини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларидан билиб оламиз.

عَنْ عَبْدِ اللهِ بْنِ عَمْرٍو ﷺ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «اقْرَإِ الْقُرْآنَ فِي شَهْرٍ». قُلْتُ: إِنِّي أَجِدُ قُوَّةً حَتَّى قَالَ: «فَاقْرَأْهُ فِي سَبْعٍ، وَلَا تَزِدْ عَلَى ذَلِكَ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга: «Қуръонни бир ойда бир марта ўқи», дедилар. Мен: «Ўзимда қувватим борлигини биламан», дедим. Охири бориб у зот:

«Уни етти кунда қироат қил. Ундан зиёда қилма», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

Шу ҳадиснинг маъносидан келиб чиқиб, оддий мўмин-мусулмон кишига Қуръони Каримни бир ойда бир марта хатм қилиб туриши тавсия қилинади.

Мазкур муддатдан озда хатм қилиш имкони борлар етти кунда бир хатм қилсалар, яхши бўлади. Бундан оз муддат хатм учун камлик қилади. Чунки шошилиб хатм қиламан деб, ҳарфларни махражидан чиқармай, тажвид қоидаларига амал қилмай, камчиликларга йўл қўйилиши мумкин.

وَعَنْهُ قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللهِ، فِي كَمْ أَقْرَأُ الْقُرْآنَ؟ قَالَ: «اخْتِمْهُ فِي شَهْرٍ»، قُلْتُ: إِنِّي أُطِيقُ أَفْضَلَ مِنْ ذَلِكَ، قَالَ: «اخْتِمْهُ فِي

عِشْرِينَ»، قُلْتُ: إِنِّي أُطِيقُ أَفْضَلَ مِنْ ذَلِكَ، قَالَ: «اخْتِمْهُ فِي خَمْسَةَ عَشَرَ»، قُلْتُ: إِنِّي أُطِيقُ أَفْضَلَ مِنْ ذَلِكَ، قَالَ: «اخْتِمْهُ فِي عَشْرٍ»، قُلْتُ: إِنِّي أُطِيقُ أَفْضَلَ مِنْ ذَلِكَ، قَالَ: «اخْتِمْهُ فِي خَمْسٍ»، قُلْتُ: إِنِّي أُطِيقُ أَفْضَلَ مِنْ ذَلِكَ، قَالَ: فَمَا رَخَّصَ لِي.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Эй Аллоҳнинг Расули, Қуръонни қанчада қироат қилай?» дедим.

«Уни бир ойда хатм қил», дедилар.

«Албатта, менинг ундан ортиғига ҳам тоқатим етади», дедим.

«Уни йигирма кунда хатм қил», дедилар.

«Албатта, менинг ундан ортиғига ҳам тоқатим етади», дедим.

«Уни ўн беш кунда хатм қил», дедилар.

«Албатта, менинг ундан ортиғига ҳам тоқатим етади», дедим.

«Уни ўн кунда хатм қил», дедилар.

«Албатта, менинг ундан ортиғига ҳам тоқатим етади», дедим.

«Уни беш кунда хатм қил», дедилар.

«Албатта, менинг ундан ортиғига ҳам тоқатим етади», дедим.

Ул зот менга рухсат бермадилар».

وَعَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: لَ«مْ يَفْقَهْ مَنْ قَرَأَ الْقُرْآنَ فِي أَقَلَّ مِنْ ثَلَاثٍ». رَوَاهُمَا أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким Қуръонни уч кундан озда ўқиса, яхши англамабди», дедилар».

Иккисини Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

Қуръони Каримни хатм қилиш муддатларининг энг ози етти, беш ёки уч кун бўлиши хатм қилувчиларнинг ҳолига қараб бўлади.

Қуръони Каримни хатм қилишга имкони ҳар қанча катта бўлса ҳам, уч кундан озга рухсат йўқ. Ҳанафий мазҳаби уламолари ҳам шу қавлни маҳкам тутганлар.

Уламоларимиз Қуръони Карим қироати одоби ҳақидаги барча далилларни ва мулоҳазаларни ўрганиб чиққанларидан кейин хулоса қилиб, бу одобларни қуйидагича тартибга соладилар:

1. Қуръони Каримни қироат қилувчи таҳоратли бўлиши лозим.

2 Қуръони Каримни қироат қилувчи одобли бўлиши керак.

3. Қуръони Каримни қироат қилувчи чўкка тушиб, тавозеъ билан ўтириши керак.

4. Қуръони Каримни қироат қилувчи чордана қуриб, ёнбошлаб ёки бошқа мутакаббир сифатида ўтирмаслиги керак.

5. Қироат қилувчи учун энг афзал ҳолат тик турган ҳолида намозда ва масжидда ўқишидир.

6. Қуръони Каримни қироат қилувчи ўзининг муҳим ишларини ташламаслиги керак. Ишдан бўшаганида қироат қилади.

7. Қуръони Каримни қироат қилувчи учун қироат кўпайиб, баданига зарар етказадиган бўлмаслиги керак.

8. Қуръони Каримни қироат қилувчи ўта шошилиб, тартил ва тажвидни бузмаслиги лозим.

9. Қуръони Каримни қироат қилувчи оддий шахс бўлса, ҳар куни бир порадан ўқиб, бир ойда бир марта хатм қилиб туриши керак.

10. Қироатни кўп қилмоқчи бўлса, уч кунда бир марта хатм қилиши лозим.

11. Хатм қилганидан кейин Аллоҳ таолога дуо қилиши марғубдир.

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳу: «Қуръони Каримни хатм қилган киши учун мустажоб дуо бордир», деган.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу қачон хатм қилса, аҳли аёлини жамлаб дуо қилар эди.

12. Қуръони Каримни қироат қилувчи имкони борича тиловатни чиройли қилишга ҳаракат қилмоғи мустаҳабдир.

13. Қироатни ичида қилмоғи мустаҳабдир. Бу ўзига эшитиладиган қироатдир.

14. Баъзи мақсадлар учун овозини баланд қилиб қироат қилса ҳам жоиз.

15. Қуръони Каримни қироат қилувчининг мусҳафи бўлса, ўша мусҳаф қаровсиз қолмаслиги учун ҳар куни маълум оятларни бўлса ҳам, унга қараб ўқиб турмоғи лозим.

16. Қуръони Каримни қироат қилувчи доимо ўзи ўқиётган калом башарнинг эмас, Аллоҳ таолонинг каломи эканини ва У Зотнинг улуғлигини ҳис қилиб турмоғи лозим.

17. Қироат қилувчи ўзи ўқиган ҳар бир оятни тадаббур қилмоғи жуда ҳам яхши ишдир.

ҚУРЪОН ҚИРОАТИ САМАРАЛАРИ

Қуръон қироати самаралари ва фойдаларини ҳисобламоқчи бўлсак, бунинг чеки-чегараси кўринмайди. Улар жуда ҳам кўп бўлиб, ҳадисларда ўз аксини топган, уламоларимиз уларни жамлашга ҳаракат қилганлар. Ижозатингиз ила баъзиларини эслаб ўтсак.

1. Қуръон қориси улуғлар сафида бўлиб, энг афзал одамлардан ва даражаси олийларидан ҳисобланади.

2. Қуръон қориси ҳар бир ҳарф учун бир савоб олади. Бир савоби ўн мартага кўпайтирилади.

3. Қуръон қориси бошида раҳмат сояси бўлади, уни фаришталар ўраб оладилар ва устидан сакина тушади.

4. Қуръон қироати сабабли Аллоҳ қорининг қалбига зиё ёғдиради, қиёмат куни зулматларидан асрайди ва ундан шиддатларни йироқ қилади.

5. Қуръон қорисини қиёмат қўрқинчи хавфга солмайди. Чунки у Аллоҳ таолонинг ҳимоясида бўлади ва Қуръон уни шафоат қилади.

6. Қуръон қориси ота-онасига раҳмат етишига, уларнинг неъматга ғарқ бўлишларига сабаб бўлади. Аллоҳ таоло уларга фарзандларининг қироати туфайли ярқираган нурни ато қилади.

7. Қуръон қориси жаннатда энг юқори мартабалардан бирига ва неъматларнинг энг яхшисига эга бўлади.

8. Қуръон қориси ҳаққига мукаррам фаришталар раҳмат ва мағфират сўраб дуо қиладилар.

9. Қуръон қорисига солиҳлар ҳавас қилади ва Аллоҳ таолонинг ҳузурида уларнинг даражасида бўлишни орзу қилади.

10. Қуръон қориси ишонч ҳалқасини маҳкам тутувчи, асл шифодан ҳузурланувчи, тойилишдан сақланувчи ва шиддатли балолардан нажот топувчи бўлади.

11. Қуръон қориси Аллоҳ таолонинг аҳли ва Унинг хос яқинларидан саналади.

12. Қуръон қориси Аллоҳ таолонинг ҳузурида «зокир ва обидлардан» деб ёзилади.

13. Қуръон қориси қиёмат куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам гувоҳлик берадиган тоифалардандир.

14. Қуръон қорисидан шайтонлар узоқ бўлади ва унинг уйидан чиқиб кетади.

15. Қуръон қорисининг ақли мунаввар, қалби ҳикматга тўла бўлиб, ундан илм булоқлари отилиб чиқади.

16. Қуръон ила қалблар ва уйлар обод бўлади ҳамда уларни хайр-барака ўраб олади.

17. Қуръон қироати қалбга хушуъни, нафсга покизаликни етказади.

18. Қуръон Аллоҳ таолонинг метин арқонидир. Ким уни маҳкам тутса ва яхшилаб тиловат қилса, бу дунё ва охират неъматларига эришади.

19. Қуръон тиловати мўминни сироти мустақиймга ҳидоят қилади ва мўмин қавмларнинг кўксига шифо бўлади.

20. Ким Аллоҳ таолонинг розилиги учун Қуръон тиловат қилса, ҳар икки оламда нажот топувчилардан бўлади.

ҚУРЪОН ҚИРОАТИНИНГ НОЗИК СИРЛАРИ

Қуръони Карим қироатининг ўзига яраша ички сирлари, қалбга, ҳис-туйғуга боғлиқ бир қанча нозик жиҳатлари бордир. Улардан баъзиларини қисқача ўрганиб чиқишга Аллоҳ таолонинг Ўзидан ёрдам сўраган ҳолимизда ҳаракат қиламиз.

1. Қуръони Каримнинг улуғлигини ва олиймақомлигини англаб етиш. Қуръон Аллоҳ таолонинг бандалари-

га кўрсатган фазли ва лутфи карами ила нозил бўлганини тушуниб етиш. Қуръони Каримни қироат қилувчи ҳар сафар қироатни бошлаганда мазкур маъноларни чин қалбдан ҳис этмоғи лозим.

2. Қуръони Карим Аллоҳ таолонинг каломи эканини ва ўша Зотнинг улуғлигини англаб етиш. Қуръони Карим оддий калом эмас. У Аллоҳ таолонинг каломидир. Аллоҳ таоло билан ожиз банда орасида қандай фарқ бўлса, Қуръони Карим билан банданинг каломи орасида ҳам шундай фарқ бор. Қуръони Карим ёзилган мусҳафни таҳоратсиз ушлаб бўлмаганидек, таҳорати – поклиги бўлмаган қалб ва тил ила унга яқинлашиб бўлмайди.

Каломни улуғлаш калом эгасини улуғлашдир. Бинобарин, Аллоҳ таолонинг улуғлигини англаб етиш орқали Қуръони Каримнинг улуғлигини англаб етиш мумкин бўлади. Ҳар бир қироат қилувчи бу маъноларни билиши ва уларга амал қилиш пайидан бўлиши лозим.

3. Қалб ҳозир бўлиши ва хаёл жамланиши лозим. Бундан қироат қилиш пайтида жиддий бўлиб, барча ҳимматни шу ишга буриш ва ундан бошқа нарсадан бутунлай ажраб чиқиш кўзда тутилади.

Салафи солиҳлардан бирларига: «Қуръон қироат қилаётганингизда кўнглингиздан бирон нарса ўтказасизми?» дейилганда у киши: «Мен учун Қуръондан бошқа нима ҳам маҳбуб бўлиши мумкинки, мен уни кўнглимдан ўтказсам?!» деган экан.

4. Қуръони Каримни тадаббур қилиш.

Аллоҳ таоло Нисо сурасида марҳамат қилади:

أَفَلَا يَتَدَبَّرُونَ ٱلْقُرْءَانَ ۚ

«Қуръонни тадаббур қилиб кўрмайдиларми?!» *(82-оят).*

Қуръонни тадаббур қилиш, яъни уни чуқурроқ англашга интилиш жуда зарур ишдир. Қуръонга мурожаат этиб, уни тадаббур қилиб кўрган одам ҳақиқатни англаб етади. У илоҳий китобдир, унинг илоҳийлигини тадаббур қилган одам буни дарҳол англайди. Чунки Қуръонни жиддий ўрганишга киришган одам унда ҳеч қандай зиддият йўқлигини пайқайди.

Қуръони Каримни қалби ҳозир бўлган ҳолда тиловат қилиш мумкин. Аммо уни тадаббур қилиш учун яна ортиқча ҳаракат керак. Қироатдан кўзда тутилган асосий мақсад уни тадаббур қилишдир. Қироатнинг ўзи сиртқи ҳолат бўлса, тадаббур ички ҳолатдир.

Ҳазрати Али розияллоҳу анҳу: «Фиқҳи йўқ ибодатда ва тадаббури йўқ қироатда яхшилик йўқдир», деган.

5. Қуръони Карим қироатида тараққий этиш.

Қуръони Карим тиловатининг даражаси учтадир.

Биринчи даража: Қироат қилаётган банда ўзи Аллоҳ таолонинг ҳузурида туриб ўқиётгани ва У Зот унга назар солиб, эшитиб турганини ҳис қилиши даражаси. Бу даражадаги бандaнинг ҳоли сўраш, ялиниш, тазарруъ ва илтижодан иборат бўлади. Ушбу даража ўнг тараф соҳибларининг даражасидир.

Иккинчи даража: Қироат қилаётган банда қалби ила Аллоҳ таолонинг кўриб турганига, Унга лутфи ила хитоб қилаётганига, инъоми ва эҳсони ила муножот қилаётганига шоҳид бўлиши даражасидир. Бу даражадаги бандaнинг мақоми ҳаё, улуғлаш, қулоқ осиш ва фаҳмлаш ила бўлади.

Учинчи даража: Каломда Мутакаллимнинг сифатларини кўриш даражаси. Бу даражага эришган банда ўзига ҳам, қироатига ҳам, берилган инъомларга ҳам қарамайди. У ҳимматини фақатгина Мутакаллимнинг ўзига хослайди. Фикрини У Зотга боғлайди. Худди У

Зотни кўришга ғарқ бўлган ҳолга келади. Бу муқарраб-ларнинг даражасидир.

Ушбу олий даражага эришганлардан бири Жаъфар ибн Муҳаммад Содиқ розияллоҳу анҳунинг қуйидаги гаплари жуда ибратлидир:

«Аллоҳга қасамки, батаҳқиқ, Аллоҳ азза ва жалла халойиққа Ўз каломида тажаллий қилгандир. Лекин улар кўрмаслар».

Жаъфар ибн Муҳаммад Содиқ розияллоҳу анҳу намозда ҳушидан кетиб йиқилди ва ўзига келганида бу ҳолнинг сабабини сўрашди. Жавоб қуйидагича бўлди: «Бир оятни қалбимда шунчалар такрорладимки, охири уни ўз Эгасидан эшитдим. Шунда жисмим бу ҳолни кўтара олмади».

Ана ўша даражага етганда қироат ҳаловати кучаяди ва муножот лаззати ўз чўққисига чиқади.

Бу ҳақда ҳукамолардан бирлари қуйидагиларни ҳикоя қилган: «Қуръони Каримни тиловат қилардим-у, ҳаловатини топмас эдим. Кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларига тиловат қилиб бераётганларини эшитгандек бўлиш даражасига чиқдим.

Кейин яна юқори даражага кўтарилиб, тиловат қилганимда худди Жаброил алайҳиссаломнинг Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга тиловат қилаётганларини эшитаётгандек бўлишга эришдим.

Сўнгра Аллоҳ менга бир даражани бердики, ҳозир уни Мутакаллимнинг Ўзидан эшитаётгандек ҳолга сазовор бўлдим. Ана шунда фироқига чидай олмайдиган даражада ҳаловат ва лаззатга эришдим».

Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳунинг «Агар қалбларимиз пок бўлса, Роббимизнинг каломидан тўймайди», деганлари ҳам бежиз эмас.

ЗИКР

Зикр нафсни поклайдиган ва ахлоқни сайқаллайдиган энг кучли омиллардан бири ҳисобланади.

Қуръон тиловатидан кейин банданинг тили учун энг афзал ибодат Аллоҳ таолонинг зикридир. Зикр ила банда Аллоҳ таолога ихлос билан дуо қилади ва ҳожатларини сўрайди.

«Зикр» сўзи луғатда эслаш, хотирлаш, сўзлаш, тилга олиш, баён этиш, шарҳлаш, тавсифлаш каби маъноларни англатади.

Аммо умумий маънода зикр икки хил бўлади: тил билан ва дил билан зикр қилиш.

Буларнинг ҳар бири ҳам икки турли бўлади: унутганини эслаш ва унутмаса ҳам ёдидаги нарсани хотирлаш.

Уламолар истилоҳида: «Зикр – банданинг Роббини тили ва дили билан эслашидир. Бу У Зотнинг Ўзини, сифатларини, амалларини, ҳукмларини зикр қилиш ёки Китобини тиловат қилиш ёхуд У Зотга дуо қилиш, У Зотдан бирор нарсани сўраш, У Зотга ҳамду сано айтиш, У Зотни улуғлаш ва У Зотга шукр келтириш каби нарсалар ила бўлади.

Зикр ҳар бир бандадан талаб қилинган ва ҳар бир бандага маҳбуб қилинган нарсадир. Зикр ҳар доим қилиниши керак бўлган марғуб ишдир.

Фақат шариат истисно қилган, қазои ҳожат ва хутба эшитиш пайтига ўхшаш ҳолатлардагина зикр қилинмайди.

Аллоҳ таолонинг Ўзи Қуръони Каримдаги кўплаб оятларда биз бандаларга зикр қилишни амр этган. Зикрни кўп қилиш ва бунда бардавом бўлиш нажот учун шарт қилинган. Аллоҳ таолонинг Ўзи зикр қилувчиларни мақтаган, уларни Ўз оятларидан баҳраманд бўлади-

ганлар, деб атаган ва зокирларнинг ақл эгалари эканини таъкидлаган. Баъзи уламоларимиз мазкур оятларнинг сони бир юз етмиш тўртта эканини таъкидлаган.

Аллоҳ таоло Ўзини зикр қилмайдиганларни қоралаган, зикрни унутиб, бошқа нарсани эслайдиганларнинг ҳасрат-надоматда қолишини таъкидлаган.

Аллоҳ таоло Тоҳа сурасида марҳамат қилади:

وَمَنْ أَعْرَضَ عَن ذِكْرِي فَإِنَّ لَهُۥ مَعِيشَةً ضَنكًا وَنَحْشُرُهُۥ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ أَعْمَىٰ ﴿١٢٤﴾

«Ким Менинг зикримдан юз ўгирса, албатта, унга тор ҳаёт бўлур ва қиёмат куни уни кўр ҳолида тирилтирурмиз» *(124-оят).*

Демак, инсон Аллоҳ таолони унутса, Уни зикр қилмаса, Унинг ҳидоятига эргашмаса, ўзига ўзи душманлик қилган бўлади. Аввало, ундай одам бу дунёда ночор ҳаёт кечиради. Иймонсизлиги туфайли ўзи тўйса ҳам, кўзи тўймас бўлиб қолади. Молу дунё, айшу ишрат ичида кўмилиб ётса ҳам, унга оз кўринади. Улардан ажраб қолишидан қўрқаверади. Иймонсизлиги туфайли кетма-кет муаммолар келиб чиқаверади.

«...ва қиёмат куни уни кўр ҳолида тирилтирурмиз»

Бу ҳам дунё ҳаётида қилган қилмишига муносиб жазодир. Лекин унинг ўзи нима учун кўр ҳолда тирилтирилганини тушуна олмайди.

Аллоҳ таоло Аҳзоб сурасида марҳамат қилади:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ ٱذْكُرُوا۟ ٱللَّهَ ذِكْرًا كَثِيرًا ﴿٤١﴾ وَسَبِّحُوهُ بُكْرَةً وَأَصِيلًا ﴿٤٢﴾

«Эй иймон келтирганлар! Аллоҳни кўп зикр қилинглар. Ва эртаю кеч Уни поклаб ёд этинглар» *(41-42-оятлар).*

Аллоҳни зикр қилиш қалбни Унга боғлаш ҳамда «У мени кузатиб турибди» деган доимий сергакликда туришдир. Аллоҳнинг буйруқларини бир лаҳза ҳам эсдан чиқармай, холис амал қилишдир.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

فَاذْكُرُونِي أَذْكُرْكُمْ وَاشْكُرُوا لِي وَلَا تَكْفُرُونِ ﴿١٥٢﴾

«Бас, Мени зикр қилинг, сизни эсларман. Ва Менга шукр қилинг, куфр келтирманг» *(152-оят).*

Ушбу оят ўзи қисқа бўлишига қарамай, олам-олам маъно касб этади. Аллоҳ таоло Ўзи яратган, ҳаёт ва ризқ берган бандаларига: «Мени зикр қилинг», демоқда.

Хўш, Аллоҳ таоло бу ожиз бандаларининг эслашига муҳтожми? Йўқ, У беҳожат Зот. Ҳамма муҳтожлик бандаларда. Лекин бу амр бандаларга яхшилик етиши учундир. Улар Аллоҳни зикр қилиб эслашлари ила Аллоҳ таоло уларни зикр қилишига, эслашига эришадилар. Аммо зикр билан зикрнинг фарқи бор, албатта. Ҳеч нарсага арзимайдиган ожиз банданинг эслаши қаерда-ю, оламларнинг Робби бўлган Аллоҳ таолонинг эслаши қаерда! Банда қандай, қачон ва қаерда эслайди? Аллоҳ-чи?

عَنْ أَنَسٍ ﷺ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «قَالَ اللهُ تَعَالَى: يَا ابْنَ آدَمَ، إِنْ ذَكَرْتَنِي فِي نَفْسِكَ ذَكَرْتُكَ فِي نَفْسِي، وَإِنْ ذَكَرْتَنِي فِي مَلَإٍ ذَكَرْتُكَ فِي مَلَإٍ مِنَ الْمَلَائِكَةِ». رَوَاهُ أَحْمَدُ.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Аллоҳ таоло дейдики: «Эй одам боласи! Агар Мени ёлғиз эсласанг, Мен ҳам сени ёлғиз эслайман, агар кўпчилик ичида эсласанг, Мен сени фаришталар ичида эслайман».

Аҳмад ривоят қилган.

Аллоҳ таоло Аҳзоб сурасида марҳамат қилади:

وَٱلذَّٰكِرِينَ ٱللَّهَ كَثِيرًا وَٱلذَّٰكِرَٰتِ أَعَدَّ ٱللَّهُ لَهُم مَّغْفِرَةً وَأَجْرًا عَظِيمًا ﴿٣٥﴾

«Аллоҳни кўп зикр қилгувчи эркаклар ва (Аллоҳни кўп) **зикр қилгувчи аёллар – ўшаларга Аллоҳ мағфиратни ва улуғ ажрни тайёрлаб қўйгандир»** *(35-оят).*

Аллоҳни кўп зикр қилиш барча олиймақом инсоний сифатларнинг юзага келиши ва бардавом бўлишига олиб келади. Аллоҳни кўп зикр қилиш ҳар бир мусулмон эркак ва аёл учун зарурий амаллардан саналади.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ وَأَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا: أَنَّ رَسُولَ اللهِ قَالَ: «إِذَا أَيْقَظَ الرَّجُلُ امْرَأَتَهُ مِنَ اللَّيْلِ فَصَلَّيَا رَكْعَتَيْنِ كُتِبَا مِنَ الذَّاكِرِينَ اللهَ كَثِيرًا وَالذَّاكِرَاتِ». رَوَاهُ الْحَاكِمُ.

Абу Саъид ва Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қачонки эр киши кечаси хотинини уйғотса ва икковлари икки ракъатдан намоз ўқисалар, Аллоҳни кўп зикр қилган эркаклар ва аёллар қаторида ёзиладилар», дедилар».

Ҳоким ривоят қилган.

Ҳа, зокирлик даражаси олий мартабадир. Зокирлик мақоми олий мақомдир. Ҳар бир мусулмон эркак зокирлик сифатини эгаллаши лозим. Ҳар бир муслима зокира сифатига эга бўлиши керак.

Аллоҳ таоло Анфол сурасида марҳамат қилади:

إِنَّمَا ٱلْمُؤْمِنُونَ ٱلَّذِينَ إِذَا ذُكِرَ ٱللَّهُ وَجِلَتْ قُلُوبُهُمْ وَإِذَا تُلِيَتْ عَلَيْهِمْ ءَايَٰتُهُۥ زَادَتْهُمْ إِيمَٰنًا وَعَلَىٰ رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ ﴿٢﴾

«Албатта, Аллоҳ зикр қилинса қалблари ларзага келадиган, уларга оятлари тиловат этилса иймонларини зиёда қиладиган ва Роббларига таваккул қиладиганларгина мўминлардир» *(2-оят)*.

Бу ояти каримада мўминларнинг бир неча сифатлари зикр қилинган. Оят «албатта», деган таъкид билан бошланаётгани диққатни тортади.

«Аллоҳ зикр қилинса қалблари ларзага келадиган»лар... мўминлардир.

Демак, мўминни ажратиш учун Аллоҳ таолони зикр қилиш керак экан. Аллоҳ таоло зикр қилинганда қалбини титроқ босиб, Ундан қўрқиб турган одам мўмин бўлади. Яъни бирон ишни Аллоҳ таоло буюрган, қилиш керак, дейилса, Аллоҳ таолодан қўрқиб ўша ишни бажаришга киришган одам мўмин бўлади.

Аллоҳ таоло Раъд сурасида марҳамат қилади:

ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَتَطْمَئِنُّ قُلُوبُهُم بِذِكْرِ ٱللَّهِ ۗ أَلَا بِذِكْرِ ٱللَّهِ تَطْمَئِنُّ ٱلْقُلُوبُ ﴿٢٨﴾

«Улар иймон келтирган ва Аллоҳнинг зикри ила қалблари ором топганлардир. Огоҳ бўлингким, Аллоҳнинг зикри ила қалблар ором топур!» *(28-оят)*.

Ҳа, иймон келтирганларнинг қалблари Аллоҳ таолонинг зикри ила ором топади. Чунки у қалблар ўзларининг Аллоҳ таолога доимий боғлиқ эканларини ҳис этадилар. Чунки бу қалблар дунёдаги ҳамма нарса Аллоҳ таолодан эканини яхши биладилар. Аллоҳ таолодан ўзганинг қўлидан ҳеч нарса келмаслигини ҳам яхши биладилар. Бу дунёю у дунёнинг саодати Аллоҳ азза ва жалланинг ихтиёрида эканини яхши биладилар. Шундай бўлганидан кейин нега Аллоҳ таолонинг зикри ила қалблари ором топмасин?!

Аллоҳ таоло Оли Имрон сурасида шундай марҳамат қилади:

ٱلَّذِينَ يَذْكُرُونَ ٱللَّهَ قِيَـٰمًا وَقُعُودًا وَعَلَىٰ جُنُوبِهِمْ
وَيَتَفَكَّرُونَ فِى خَلْقِ ٱلسَّمَـٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ رَبَّنَا مَا خَلَقْتَ هَـٰذَا
بَـٰطِلًا سُبْحَـٰنَكَ فَقِنَا عَذَابَ ٱلنَّارِ ﴿١٩١﴾

«Улар Аллоҳни тик турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолларида зикр қиладилар ва осмонлару ернинг яратилиши ҳақида тафаккур қиладиларки: «Роббимиз, буни бекорга яратганинг йўқ, Ўзинг поксан, бизни олов азобидан сақлагин», (дейдилар)» *(191-оят).*

Ушбу ояти каримадан кўриниб турибдики, Аллоҳ таолонинг биру борлиги ҳамда чексиз қудрати ва бошқа комил сифатларини тўла англаб етиш учун ибодат, зикр ва тафаккур лозим экан. Бири бўлиб, иккинчиси бўлмаса ҳам, иш битмас экан. Аллоҳ таолони тик турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолларда зикр қилиш даражаси улуғ даража бўлиб, инсон ибодатда олий мақомга эришгандагина ушбу даражага кўтарилади.

Зокирларнинг имоми бўлмиш Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам зикрга оид кўп нарсаларни баён қилганлар.

Улардан баъзиларини келтириб ўтамиз.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «يَقُولُ اللهُ عَزَّ وَجَلَّ: أَنَا عِنْدَ ظَنِّ عَبْدِي بِي وَأَنَا مَعَهُ حِينَ يَذْكُرُنِي، فَإِنْ ذَكَرَنِي فِي نَفْسِهِ ذَكَرْتُهُ فِي نَفْسِي، وَإِنْ ذَكَرَنِي فِي مَلَإٍ ذَكَرْتُهُ فِي مَلَإٍ خَيْرٍ مِنْهُ، وَإِنِ اقْتَرَبَ إِلَيَّ شِبْرًا تَقَرَّبْتُ إِلَيْهِ ذِرَاعًا، وَإِنِ اقْتَرَبَ إِلَيَّ ذِرَاعًا اقْتَرَبْتُ إِلَيْهِ بَاعًا، وَإِنْ أَتَانِي يَمْشِي أَتَيْتُهُ هَرْوَلَةً». رَوَاهُ الشَّيْخَانِ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Аллоҳ азза ва жала: «Мен бандам Мен ҳақимда нима гумон қилса, ўшандоқман. У Мени зикр қилган чоғда Мен у биланман. У Мени ёлғиз зикр қилса, Мен ҳам уни ёлғиз эслайман. У Мени жамоат ичида зикр қилса, Мен ҳам уни унинг жамоатидан яхшироқ жамоат ичида эслайман. Агар у Менга бир қарич яқинлашса, Мен унга бир аршин яқинлашаман. Агар у Менга бир аршин яқинлашса, Мен унга бир қулоч яқинлашаман. Агар у мен томон юриб келса, Мен у томон югуриб бораман», деди».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилишган.

عَنْ أَبِي مُوسَى ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَثَلُ الْبَيْتِ الَّذِي يُذْكَرُ اللهُ فِيهِ وَالْبَيْتِ الَّذِي لَا يُذْكَرُ اللهُ فِيهِ مَثَلُ الْحَيِّ وَالْمَيِّتِ». رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ зикр қилинадиган уй билан зикр қилинмайдиган уйнинг мисоли худди тирик ва ўликка ўхшайди», дедилар».

Икки шайх ривоят қилишган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ: أَنَّ رَسُولَ اللهِ ﷺ قَالَ: «مَنْ قَالَ: لَا إِلَهَ إِلَّا اللهُ وَحْدَهُ، لَا شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ، وَلَهُ الْحَمْدُ، وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ، فِي يَوْمٍ مِائَةَ مَرَّةٍ كَانَتْ لَهُ عَدْلَ عَشْرِ رِقَابٍ، وَكُتِبَتْ لَهُ مِائَةُ حَسَنَةٍ، وَمُحِيَتْ عَنْهُ مِائَةُ سَيِّئَةٍ، وَكَانَتْ لَهُ حِرْزًا مِنَ الشَّيْطَانِ يَوْمَهُ ذَلِكَ حَتَّى يُمْسِيَ، وَلَمْ يَأْتِ أَحَدٌ أَفْضَلَ مِمَّا جَاءَ بِهِ إِلَّا أَحَدٌ عَمِلَ أَكْثَرَ مِنْ ذَلِكَ. وَمَنْ قَالَ: سُبْحَانَ اللهِ وَبِحَمْدِهِ، فِي يَوْمٍ مِائَةَ مَرَّةٍ حُطَّتْ خَطَايَاهُ وَلَوْ كَانَتْ مِثْلَ زَبَدِ الْبَحْرِ». رَوَاهُ الشَّيْخَانِ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Ким бир кунда юз марта «Лаа илааҳа иллаллоҳу, ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува алаа кулли шайъин қодийр», деса, бу унинг учун ўнта қулни озод қилишга баробар бўлади, унга юзта ҳасана битилади ва ундан юзта ёмонлик ўчирилади. Бу унга ўша куни шайтондан сақлаш бўлади. Ўша ҳол кеч киргунича давом этади. (Буни) **шундан кўпроқ қилган кишидан бошқа ҳеч ким у келтиргандан афзалроқ нарса келтира олмайди».**

Ким бир кунда юз марта «субҳаналлоҳи ва биҳамдиҳи», деса, унинг хатолари ҳатто денгиз кўпикларича бўлса ҳам, ўчирилади», дедилар».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилишган.

وَعَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «لَا يَقْعُدُ قَوْمٌ يَذْكُرُونَ اللهَ عَزَّ وَجَلَّ إِلَّا حَفَّتْهُمُ الْمَلَائِكَةُ، وَغَشِيَتْهُمُ الرَّحْمَةُ، وَنَزَلَتْ عَلَيْهِمُ السَّكِينَةُ، وَذَكَرَهُمُ اللهُ فِيمَنْ عِنْدَهُ».

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қай бир қавм ўтириб, Аллоҳ азза ва жаллани зикр қилсалар, албатта, уларни фаришталар қуршаб олур, раҳмат ўраб олур, устиларидан сакина нозил бўлур ва Аллоҳ уларни Ўз ҳузуридагилар ичида зикр қилур», дедилар».

وَعَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «سَبَقَ الْمُفَرِّدُونَ»، قَالُوا: وَمَا الْمُفَرِّدُونَ يَا رَسُولَ اللهِ؟ قَالَ: «الذَّاكِرُونَ اللهَ كَثِيرًا وَالذَّاكِرَاتُ».

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Муфарридлар ўзиб кетдилар», дедилар.

«Муфарридлар ким, эй, Аллоҳнинг Расули?» дейишди.

«Аллоҳни кўп зикр қиладиган эркак ва аёллар», дедилар».

عَنْ أَنَسٍ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِذَا مَرَرْتُمْ بِرِيَاضِ الْجَنَّةِ فَارْتَعُوا»، قَالُوا: وَمَا رِيَاضُ الْجَنَّةِ؟ قَالَ: «حِلَقُ الذِّكْرِ».

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қачон жаннат боғлари ёнидан ўтсангиз, сайл қилинг», дедилар.

«Жаннат боғлари нимадир?» дейишди.

«Зикр ҳалқалари», дедилар».

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهَا: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ يَذْكُرُ اللهَ عَلَى كُلِّ أَحْيَانِهِ.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳни барча вақтларда зикр қилиб юрар эдилар».

ЗИКРНИНГ ФОЙДА ВА САМАРАЛАРИ

1. Зикр шайтонни қувади ва савалайди.
2. Зикр Аллоҳ таолони рози қилади.
3. Зикр ғам-андуҳларни кетказади.
4. Зикр шодлик ва сурурни жалб қилади.
5. Зикр қалб ва баданни қувватлантиради.
6. Зикр қалб ва юзни мунаввар қилади.
7. Зикр ризқни жалб қилади.
8. Зикр зокирга маҳобат, ҳаловат ва гўзаллик тақдим этади.
9. У Аллоҳ таолонинг муҳаббатини ҳосил қилдиради.
10. Зикр Аллоҳ таолога қурбат пайдо қилади. Банда қанча кўп зикр қилса, Аллоҳ таолога шунча яқин бўлади.
11. Зикр зокирга ўзини кузатиб боришни ўргатади. Бу билан у эҳсон эшигидан киради ва Аллоҳ таолога У Зотни кўриб тургандек ибодат қилади.
12. У зокирга Аллоҳ таолога қайтишни ўргатади.
13. Зикр зокирга маърифат эшигини кенг очади.

14. Зикр туфайли Аллоҳ зокирни зикр қиладиган бўлади.

15. У туфайли қалб тирик бўлади.

16. У қалб ва руҳга қувват бағишлайди.

17. Зикр қалбнинг зангини кетказиб, уни жилолайди.

18. У хатоларни кетказиб, ювади.

19. У банда билан Робби орасидаги жудоликни кетказади.

20. Зикр Аллоҳ таолонинг азобидан қутқаради.

21. Зикр сакина ва раҳматнинг тушишига сабабдир.

22. Зикр мажлислари фаришталар мажлисларидир.

23. У зокирни ҳам, унинг ҳамсуҳбатини ҳам саодатманд қилади.

24. Зикр бандани қиёмат кунининг ҳасратидан эмин қилади.

25. У зокирга Аллоҳ таолонинг сўровчиларга берадиган нарсалардан кўра афзалроғини беришига сабаб бўлади.

26. Зикр энг осон, афзал ва улуғ ибодатдир.

27. У жаннат экинидир.

28. Зикр учун ваъда қилинган неъмат ва фазллар бошқа амалларга ваъда қилинмаган.

29. Робб таборака ва таолони давомли зикр қилиш бандaнинг икки дунёдаги бадбахтлигига сабаб бўладиган унутилишдан халос қилади.

30. Зикр зокир учун бу дунёда ва қабрида нур бўлади.

31. У қалбни ғафлат уйқусидан уйғотади.

32. Зикр дарахти маърифат меваларини беради.

33. Зокир ўзи зикр қилаётган Зотга яқин бўлади. Бу яқинлик муҳаббат, нусрат, тавфиқ ва дўстлик ила пайдо бўлади.

34. Зикр қул озод этиш ва нафақалар қилишга тенгдир.

35. У шукрнинг бошидир. Ким Аллоҳ таолони зикр қилмаса, У Зотга шукр қилмаган бўлади.

36. Қалбда бир қасоват бўлиб, Аллоҳ таолонинг зикридан бошқа нарса уни кетказа олмайди.

37. Зикр неъматларни жалб қилади ва бало-офатларни даф қилади.

38. У зокирга Аллоҳ таолонинг ва фаришталарнинг салавотини жалб қилади.

39. Аллоҳ таоло зокирлар ила фаришталарига мақтанади.

40. Бардавом зикр қилувчи банда жаннатга кулган ҳолида киради.

41. Аллоҳ таолони зикр қилиш У Зотнинг ибодатини қилишга энг катта ёрдамдир.

42. Зикр зокирда қувват ва ҳаракатчанлик пайдо бўлишига сабаб бўлади.

43. Жаннат ҳовлилари зикр ила бино қилинади. Зокир зикрдан тўхтаса, фаришталар ҳам ҳовли бино қилишдан тўхтайдилар.

44. Фаришталар зокир учун истиғфор айтадилар.

45. Тоғу тошлар Аллоҳ таолони зикр қилувчилар билан фахрланади.

46. Аллоҳ таолони кўп зикр қилиш мунофиқликдан омондир.

47. Амаллар ичида зикрнинг ўзига хос лаззати бор. Шунинг учун ҳам зикр мажлислари «жаннат боғлари» деб номланади.

48. Йўлда, уйда ва сафарда зикрни бардавом қилиш бандanинг қиёмат кунидаги гувоҳларининг кўпайишига сабаб бўлади.

49. Зикр чеҳрага бу дунёда гўзалликни ва охиратда нурни ато қилади.

50. У бандanинг Робби томонидан тасдиқ қилинишига сабаб бўлади.

51. Зикрни бардавом қилиш нафл ишлар ўрнига ўтади.

52. Банда кенгчилик вақтида Аллоҳ таолони зикр қилса, Аллоҳ таоло уни торчилик вақтида зикр қилади.

53. Зикр қалбнинг шифоси ва давосидир...

ЗОКИРНИНГ ОДОБЛАРИ

Зикр қилувчи учун ўзига яраша одоблар мавжуд. Ўша одобларга риоя қилган ҳолда адо этилган зикр қабул ва ижобат бўлиши умидлидир.

1. Аллоҳ таолодан зикр учун ёрдам сўраш.

2. Зокир таҳоратли бўлиши керак.

3. Фазилатли маконларни ихтиёр қилиш. Масжид, Ҳарамайни шарифайни ва шунга ўхшаш жойлар.

4. Фазилатли замонларни ихтиёр қилиш.

Имом Нававийнинг айтишича, зикр учун энг афзал вақт бомдод намозидан кейинги вақтдир. Ўша вақтда фаришталар ҳозир бўладилар.

Имом Молик шунинг учун ҳам «Бомдод намозидан то қуёш чиққунича гапириш ва ухлаш макруҳдир», деганлар.

Зикрнинг энг афзал мавсумларидан бири зулҳижжа ойининг биринчи ўн кунлигидир.

Қолган барча вақтларда зикр мустаҳабдир.

5. Солиҳ амаллардан кейин зикр қилмоқ.

Аллоҳ таоло Жума сурасида марҳамат қилади:

فَإِذَا قُضِيَتِ ٱلصَّلَوٰةُ فَٱنتَشِرُوا۟ فِى ٱلْأَرْضِ وَٱبْتَغُوا۟ مِن فَضْلِ ٱللَّهِ وَٱذْكُرُوا۟ ٱللَّهَ كَثِيرًا لَّعَلَّكُمْ تُفْلِحُونَ ﴿١٠﴾

«Бас, намоз тугаганидан сўнг ер юзи бўйлаб тарқалинг ва Аллоҳнинг фазлидан талаб қилинг ҳамда Аллоҳни кўп зикр қилинг. Шоядки, зафар топсангиз» *(10-оят).*

Аллоҳ таоло Нисо сурасида марҳамат қилади:

فَإِذَا قَضَيْتُمُ ٱلصَّلَوٰةَ فَٱذْكُرُوا۟ ٱللَّهَ قِيَـٰمًا وَقُعُودًا وَعَلَىٰ جُنُوبِكُمْ ۚ

«Намозни тугатганингиздан сўнг Аллоҳни турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолингизда зикр қилинг...» деган *(103-оят)*.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

فَإِذَا قَضَيْتُم مَّنَاسِكَكُمْ فَٱذْكُرُوا۟ ٱللَّهَ كَذِكْرِكُمْ ءَابَآءَكُمْ أَوْ أَشَدَّ ذِكْرًا ۗ

«Ибодатларингизни тугатганингизда Аллоҳни оталарингизни эслагандек, балки ундан ҳам кучлироқ зикр қилинг...» *(200-оят)*.

عَنْ عَبْدِ اللهِ بْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا: أَنَّ رَفْعَ الصَّوْتِ بِالذِّكْرِ حِينَ يَنْصَرِفُ النَّاسُ مِنَ الْمَكْتُوبَةِ كَانَ عَلَى عَهْدِ رَسُولِ اللهِ ﷺ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида одамлар фарз намоздан қайтганларида овозни кўтариб зикр қилиш бор эди».

Бухорий ривоят қилган.

6. Ноқулай ҳолатларда зикрни тўхтатиш лозим.

Бунга халога киргандаги, жинсий яқинлик қилгандаги, жума хутбаси пайтидаги каби ҳолатлар киради.

7. Қиблага қараб зикр қилиш керак.

8. Рағбат, хушуъ ва хузуъ ҳамда тадаббур билан зикр қилиш лозим. Яъни фикрни жамлаб, айтилаётган зикрнинг маъносини тушуниб зикр қилиш лозим.

9. Зикрни холи қолиб қилишга ҳаракат қилиш.

Одамлардан панада бўлиб, хилватда зикр қилиш кўпчиликнинг ичидаги зикрдан афзалдир.

Ибн Ҳажар юқорида эслатилган ҳадисда келган «Агар бандам Мени ёлғиз зикр қилса, Мен ҳам уни ёлғиз зикр қиламан», деган иборадан «Махфий зикр ошкора зикрдан афзалдир» деган ҳукмни чиқарган.

Махфий зикрнинг афзаллиги бундан бошқа ҳадисларда ҳам таъкидланган. Зотан, у риёдан йироқдир.

Аммо шариатда таъкидланган, овоз чиқариб айтиш лозим бўлган лаббайка, азон ва иқомага ўхшаш ҳолатларда овоз чиқариш шарт.

Қалби очиқ зотлар Аллоҳ таолонинг даргоҳидан бошқа жойда нажот йўқлигини англаб етганлар. Аллоҳ таолонинг даргоҳига эса У Зотга бўлган ҳақиқий муҳаббат ила вафот этмагунча эришиб бўлмайди. Ҳақиқий муҳаббат эса маҳбубни давомли зикр қилиш ва уни тарк этмаслик ила собит бўлади.

Давомли зикрга кераксиз ишларни, беҳуда ўйин-кулгини ташлаб, кечаси ва кундузи учун вазифа қилиб олинган зикрларни бажариш билан эришилади.

Охират саодатини ирода қилган банда ўзига истиғфор, таҳлил, такбир, салавот каби зикрларни вазифа қилиб олиб, доимий равишда адо этиб юради.

Албатта, уларнинг вақтини ва матнини ҳадиси шарифларда кўрсатилгандек йўлга қўйиш керак. Биладиган одамлардан таълим олинса, мақсадга мувофиқ бўлади. Нафсни покловчи омилларга қанчалик амал қилинса, нафс шунчалик покланиб бораверади.

ВИРД ВА ИБОДАТЛАР ТАҚСИМИ

Аллоҳ таолонинг маърифати ва ваъдасининг тасдиғи ҳосил бўлса ҳамда умрнинг қисқалиги англаб етилса, ўша қисқа умрда қисқаликка йўл қўймаслик вожиб бўлади. Нафс бир нарсани қайта-қайта такрорлайверса, уни малол олиб қолади. Шунинг учун уни турли ишларга солиб туриш керак.

Аллоҳ таоло Инсон сурасида марҳамат қилади:

وَٱذۡكُرِ ٱسۡمَ رَبِّكَ بُكۡرَةٗ وَأَصِيلٗا ﴿٢٥﴾ وَمِنَ ٱلَّيۡلِ فَٱسۡجُدۡ لَهُۥ وَسَبِّحۡهُ لَيۡلٗا طَوِيلًا ﴿٢٦﴾

«Эртаю кеч Роббинг исмини зикр қил. Ва тунда ҳам Унга сажда қил ва узоқ тунларда Уни поклаб ёд эт» *(25-26-оятлар).*

Бу ва бунга ўхшаш бошқа оятлардаги маънолар Аллоҳ таолонинг йўлида юришда вақтни тартибга солиш ва уни вирдлар ила давомли равишда обод қилиб туриш кераклигини англатади.

Аллоҳ таоло Фурқон сурасида марҳамат қилади:

وَهُوَ ٱلَّذِي جَعَلَ ٱلَّيۡلَ وَٱلنَّهَارَ خِلۡفَةٗ لِّمَنۡ أَرَادَ أَن يَذَّكَّرَ أَوۡ أَرَادَ شُكُورٗا ﴿٦٢﴾

«У ибрат олмоқни ирода қилган ва шукр қилмоқни ирода қилган киши учун кеча-кундузни бирин-кетин қилган Зотдир» *(62-оят).*

Яъни тунда қила олмай қолганини кундузи ёки аксинча қилади. Шундай қилиб хилма-хиллик юзага келади.

КУНДАЛИК ВИРДЛАР ВА УЛАРНИНГ ТАРТИБИ

«Кундалик вирдлар ва уларнинг тартиби» деганда, бугунги куннинг таъбири билан айтганда, муриднинг кун тартиби кўзда тутилади. Албатта, бунда муриднинг ёши, илми, касби, шахси ва бош-қа барча омиллар ҳисобга олинади.

Китобларда умумий тарзда айтиб ўтилса ҳам, алоҳида ёлғиз бир шахсга келганда ана ўша умумий нарсалардан унга мос келгани татбиқ қилинади. Ўтган машойихлар ҳам бу нарсага алоҳида эътибор берганлар.

Хусусан, имом Ғаззолий раҳматуллоҳи алайҳи жуда нодир тарзда ажойиб фикрларни баён қилган: «Билки, бир кеча-кундуз йигирма тўрт соатдан иборатдир. Унинг учдан бирида, яъни саккиз соат ухлаш мўътадилликдир. Ким бундан оз ухласа, бадани учун изтиробдан омон бўла олмайди. Ким бундан кўп ухласа, дангасалиги зиёда бўлади. Кечаси етарли ухлаган киши кундузи ухламайди. Кечаси уйқуси кам бўлган одам наҳорда камини тўлдириб олади».

ҲОЛАТГА ҚАРАБ ВИРДНИНГ ТУРЛАНИШИ

Муриднинг ҳоли қуйидаги олти ҳолдан бири бўлади.

1. Обид.
2. Олим.
3. Таълим олувчи.
4. Волий.
5. Ҳунарманд.
6. Аллоҳ таолонинг муҳаббатига ғарқ бўлган одам.

«Обид» барча ишлардан узилиб, ибодатга машғул бўлган шахсдир. У зикр қилинадиган барча вирдларни бажарса бўлади ва имкони ҳам бор. Гоҳида унинг вирдлари ва вазифалари турлича бўлиши ҳам мумкин.

Ўтган обидларнинг ҳоллари ҳам ҳар хил бўлган. Улардан баъзилари тиловатни кўп қилса, бошқалари тасбеҳни кўп айтган. Учинчилари намозни кўп ўқиган. Шунингдек, Байтуллоҳни кўп тавоф қиладиганлари ҳам бўлган.

Аслида намозда туриб қироат қилиш энг афзал ҳисобланади. Аммо бу амал баъзилар учун қийинчилик туғдириши мумкин. Шунинг учун бандanинг ҳолига қараб афзали танланади. Вирдлардан асосий мақсад қалбни поклашдир. Мурид бу борада ўзини синаб кўрсин ва қайси вазифани ўзига муносиброқ кўрса, шуни кўп қилсин. Агар бирор вирд малол келиб қолса, бошқасига ўтсин.

Абу Сулаймон Доримий: «Агар қалбингни қиёмда топсанг, рукуъ қилма, агар уни рукуъда топсанг, бошингни кўтарма», деган.

«Олим» деганда одамларга ўз фатвоси, дарси, таълифи ва тарбияси ила манфаат берадиган шахс кўзланади. Унинг вирдлардаги тартиби обиднинг тартибидан бошқача бўлади. Чунки у китоб ўқиши, ёзиши ва дарс бериши керак. Агар унинг ҳамма вақти фарзлардан кейин мазкур ишларга сарфланса, энг афзал йўл танлаган бўлади. «Нафл» ибодатдан устун турадиган илм деганда охиратга тарғиб қиладиган ва унинг йўлида юришга ёрдам берадиган илм ирода қилинади.

Олим ҳам ўз вақтини тўғри тақсимлаши лозим. Чунки вақтнинг ҳаммасини илмга сарфлайверишга нафс чидамаслиги мумкин.

Агар дарслари бўлмаса, субҳдан то қуёш чиққунча бўлган вақтни зикр ва вирдларга ажратиши мумкин. Қуёш чиққандан зуҳо(чошгоҳ)гача таълим-тарбия ила машғул бўлсин. Дарслардан бўшаса, илм ҳақида тафаккур қилсин. Чунки зикрдан кейинги қалб мусаффолиги муаммоларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Зуҳодан то асргача олим китоб ёзгани ва мутолаа қилгани яхши. Бу вақтда у таом, таҳорат, намоз ва қайлуладан бошқа вақтини фақат мазкур ишга сарфлайди.

Асрдан то қуёш сарғайгунгача тафсир, ҳадис ва бошқа фойдали илмларнинг қироатига қулоқ солади.

Қуёш сарғайгандан то ботиб бўлгунча истиғфор ва тасбеҳ айтиш ила машғул бўлади.

Кечаси учун имом Шофеъийнинг тақсими энг яхши тақсим ҳисобланади. У учга тақсимланади: илм ёзишга, намозга ва уйқуга. Албатта, бунда фаслларнинг ҳам эътибори бор. Ёзда бошқа, қишда бошқа ҳол бўлиши мумкин.

«Таълим олувчи»нинг таълим ила машғул бўлиши зикр ва нафл ибодатдан афзалдир. Таълим олувчининг вирдларга оид ҳукми худди олимнинг ҳукмига ўхшаш. Фарқи шуки, олим фойда беради, мутааллим фойда олади. Агар у авомлардан бўлса, зикр, илм ва ваъз мажлисларига ҳозир бўлиши вирдлардан кўра афзал.

«Волий» деганда вазифадор киши кўзда тутилади. Унинг вазифаси кўпчилик билан ишлашдан иборат бўлади. Унга одамларнинг ҳожати тушиб туради. Ихлос ва тўғрилик билан одамларнинг хизматини қилиб, ҳожатини чиқариши у учун вирдларни бажаришдан афзалдир. У наҳорда фарзларни бажарса, бўлди. Кечаси вирдларни қилишга вақт топади.

«Ҳунарманд» ўзи ва аҳли-аёлининг нафақаси учун касб қилишга муҳтож кишидир. У кўп вақтини нафл ибодатлар ила ўтказа олмайди. Аммо касби давомида зикр билан машғул бўлади. Агар имконини топса, вирдларни одат қилиб олиш пайидан бўлади.

«Аллоҳ таолонинг муҳаббатига ғарқ бўлган»нинг вирди фарзни адо этганидан кейин қалби Аллоҳ таоло билан ҳозир бўлишидир.

Вирдларни давомли равишда бажариш тавсия қилинади. Зотан, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳоллари шу эди.

وَسُئِلَتْ عَائِشَةُ: هَلْ كَانَ النَّبِيُّ ﷺ يَخُصُّ شَيْئًا مِنَ الْأَيَّامِ؟ قَالَتْ: لَا، كَانَ عَمَلُهُ دِيمَةً، وَأَيُّكُمْ يَسْتَطِيعُ مَا كَانَ رَسُولُ اللهِ ﷺ يَسْتَطِيعُ؟! رَوَاهُ الثَّلَاثَةُ.

«Оишадан: «Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг маълум кунларга бирор нарсани хос қилиб қўйиш одатлари бормиди?» деб сўралди.

У киши: «Йўқ! Ул зотнинг амаллари доимий эди. Сизлардан қай биринглиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қодир бўлган нарсага қодир бўла олар эди?!» дедилар».

Учовлари ривоят қилишган.

وَعَنْهَا أَنَّ رَسُولَ اللهِ ﷺ سُئِلَ: أَيُّ الْعَمَلِ أَحَبُّ إِلَى اللهِ؟ قَالَ: «أَدْوَمُهُ وَإِنْ قَلَّ». رَوَاهُ الشَّيْخَانِ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан:

«Қандай амал Аллоҳ учун энг маҳбуброқ?» дея сўралди.

«Агар оз бўлса ҳам, давомлиси», дедилар».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилишган.

Энди вирдларнинг тартиби ҳақида сўз юритайлик.

Наҳорнинг биринчи вирди:

Вирдлар тонг саҳардан бошланади. Субҳ чоғи шарафли ва баракали вақтдир. Аллоҳ таоло Қуръони Каримнинг Таквир сурасида субҳ ила қасам ичган:

وَٱلصُّبۡحِ إِذَا تَنَفَّسَ ﴿١٨﴾

«Нафас олиб кириб келган тонг билан қасам» *(18-оят).*

Уйқудан уйғонган мурид Аллоҳ таолони зикр қилмоғи ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга иқтидо қилиб қуйидаги ҳадисда келган дуони ўқимоғи лозим.

كَانَ رَسُولُ اللهِ ﷺ يَقُولُ إِذَا اسْتَيْقَظَ: «الْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي أَحْيَانَا بَعْدَ مَا أَمَاتَنَا وَإِلَيْهِ النُّشُورُ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйғонган вақтларида: «Бизни ўлдирганидан кейин тирилтирган Аллоҳга ҳамд бўлсин. Ва тўпланиш Унинг Ўзигадир», дер эдилар».

Бухорий ривоят қилган.

Бомдодга таҳорат қилгандан кейин қуйидаги ҳадисда келган дуо ўқилади:

عَنْ عَبْدِ اللهِ رضي الله عنه قَالَ: كَانَ نَبِيُّ اللهِ ﷺ إِذَا أَمْسَى قَالَ: «أَمْسَيْنَا وَأَمْسَى الْمُلْكُ لِلَّهِ، وَالْحَمْدُ لِلَّهِ، لَا إِلَهَ إِلَّا اللهُ وَحْدَهُ، لَا شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ، وَلَهُ الْحَمْدُ، وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ، رَبِّ أَسْأَلُكَ خَيْرَ مَا فِي هَذِهِ اللَّيْلَةِ وَخَيْرَ مَا بَعْدَهَا، وَأَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ مَا فِي هَذِهِ اللَّيْلَةِ وَشَرِّ مَا بَعْدَهَا، رَبِّ أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْكَسَلِ وَسُوءِ الْكِبَرِ، رَبِّ أَعُوذُ بِكَ مِنْ عَذَابٍ فِي النَّارِ وَعَذَابٍ فِي الْقَبْرِ. وَإِذَا أَصْبَحَ قَالَ ذَلِكَ أَيْضًا: أَصْبَحْنَا وَأَصْبَحَ الْمُلْكُ لِلَّهِ». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيَّ.

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон кеч кирса, «Амсайна ва амсал мулку лиллааҳи, вал ҳамду лиллааҳи, лаа илааҳа иллаллоҳу, ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду ва ҳува алаа кулли шайъин қодийр. Робби асъалука хойра маа фии ҳазиҳил лайлати ва хойра маа баъдаҳаа ва аъуузу бика мин шарри маа фии ҳазиҳил лайлати ва шарри маа баъдаҳаа. Роббии аъуузу бика минал касали ва суъил кибари. Роббии аъуузу бика мин азабин финнари ва азабин фил қабри», дер эдилар.

Субҳ бўлганда «Асбаҳна ва асбаҳал мулку лиллааҳи», деб худди шуни айтар эдилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

Дуонинг маъноси: «Кечга кирдик ва мулк ҳам Аллоҳники бўлиб кечга кирди. Ҳамд Аллоҳга бўлсин! Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир! Унинг Ўзи ёлғиздир. Унинг шериги йўқ. Мулк уники ва ҳамд Уники ва У ҳар бир нарсага қодирдир.

Роббим! Сендан ушбу тундаги нарсанинг яхшилигини ва ундан кейинги нарсанинг яхшилигини сўрайман. Сендан ушбу тундаги нарсанинг ёмонлигидан ва ундан кейинги нарсанинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман.

Роббим! Сендан дангасаликдан ва қариликнинг ёмонлигидан паноҳ сўрайман. Роббим Сендан дўзахдаги азобдан ва қабрдаги азобдан паноҳ сўрайман».

«Тонгга кирдик ва мулк ҳам Аллоҳники бўлиб тонгга кирди». Тонгда «асбаҳна», кеч кирганда «амсайна» деб ўқилади.

Ушбу ривоятда келган дуони яхшилаб ёд олиб, эрталаб ва кечқурун, аниқроғи бомдод ва шом намозларидан кейин, доимий равишда ўқиб юришга одатланиш лозим.

Тонгда қуйидаги дуо ҳам ўқилади:

عَنْ أَبَانَ بْنِ عُثْمَانَ، عَنْ أَبِيهِ ﷺ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللهِ ﷺ يَقُولُ: «بِسْمِ اللهِ الَّذِي لَا يَضُرُّ مَعَ اسْمِهِ شَيْءٌ فِي الْأَرْضِ وَلَا فِي السَّمَاءِ وَهُوَ السَّمِيعُ الْعَلِيمُ، ثَلَاثَ مَرَّاتٍ لَمْ تُصِبْهُ فَجْأَةُ بَلَاءٍ حَتَّى يُمْسِيَ». رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

Абон ибн Усмондан, у отаси розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ким «Бисмиллааҳиллазии лаа язурру маъа исмиҳи шайъун фил арзи ва лаа фис самааи ва ҳувас-самийъул алийм»ни уч марта айтса, кечқурун бўлгунча унга тўсатдан келадиган бало етмайди», деганларини эшитдим».

«Сунан» соҳиблари ривоят қилишган.

Демак, ким ихлос билан ушбу ҳадиси шарифда келган дуони ўқиб юрса, унда берилган ваъдадан баҳраманд бўлар экан. Бунга эътиқод ва амал қилишга одатланмоғимиз керак.

Дуонинг маъноси қуйидагича: «Исми бирга бўлганда ер ва осмонда ҳеч нарса зарар қилмайдиган Аллоҳнинг номи ила. У Зот ўта эшитувчи ва ўта кўрувчидир».

Кейин қуйидаги ҳадисда келган дуо ўқилади:

عَنْ ثَوْبَانَ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَنْ قَالَ إِذَا أَصْبَحَ وَإِذَا أَمْسَى: رَضِيْنَا بِاللهِ رَبًّا، وَبِالْإِسْلَامِ دِينًا، وَبِمُحَمَّدٍ رَسُولًا إِلَّا كَانَ حَقًّا عَلَى اللهِ أَنْ يُرْضِيَهُ.

Савбон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким эрталаб ва кечқурун: «Розийнаа биллааҳи роббан ва бил Ислами дийнан ва би Муҳаммадин Расулан», деса, албатта, Аллоҳ учун уни рози қилиш ҳақ бўлур», дедилар».

Дуонинг маъноси: «Аллоҳни Робб деб, Исломни дин деб ва Муҳаммадни Расул деб рози бўлдик».

Бомдоднинг фарзини ўқиб бўлганидан сўнг, чўккалаб ўтирган ҳолида, гапирмай туриб ўн марта ушбу ривоятда келган матнни ўқийди:

عَنْ أَبِي ذَرٍّ ﷺ: أَنَّ رَسُولَ اللهِ ﷺ قَالَ: «مَنْ قَالَ فِي دُبُرِ صَلَاةِ الْفَجْرِ وَهُوَ ثَانٍ رِجْلَيْهِ قَبْلَ أَنْ يَتَكَلَّمَ: لَا إِلَهَ إِلَّا اللهُ وَحْدَهُ، لَا شَرِيكَ لَهُ، لَهُ الْمُلْكُ، وَلَهُ الْحَمْدُ، يُحْيِي وَيُمِيتُ، وَهُوَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ، عَشْرَ مَرَّاتٍ كُتِبَتْ لَهُ عَشْرُ حَسَنَاتٍ، وَمُحِيَتْ عَنْهُ عَشْرُ سَيِّئَاتٍ، وَرُفِعَ لَهُ عَشْرُ دَرَجَاتٍ، وَكَانَ يَوْمَهُ ذَلِكَ فِي حِرْزٍ مِنْ كُلِّ مَكْرُوهٍ، وَحُرِسَ مِنَ الشَّيْطَانِ، وَلَمْ يَنْبَغِ لِذَنْبٍ أَنْ يُدْرِكَهُ فِي ذَلِكَ الْيَوْمِ إِلَّا الشِّرْكُ بِاللهِ تَعَالَى». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Ким бомдод намозидан кейин оёғини йиққан ҳолида туриб, гапиришидан олдин ўн марта «Лаа илааҳа иллаллоҳу, ваҳдаҳу лаа шарийка лаҳу, лаҳул мулку ва лаҳул ҳамду, юҳъйи ва юмийту ва ҳува ала кулли шайъин қодийр», деса, унга ўн ҳасанот ёзилур, ўн хатоси ўчирилур, унинг ўн даражаси кўтарилур. Ўша куни у барча ёқимсиз нарсадан ҳимояда бўлур

ва шайтондан сақланур. Ўша куни уни гуноҳ ҳам тутмас, магар Аллоҳ таолога ширк келтирмаган бўлса».

Термизий ривоят қилган.

Кўпчилик машойихлар ва ўтган азизлар ушбу ривоятда келган дуони ўзларига кундалик вазифа қилиб олганлар. Ҳар бир киши бунга амал қилмоғи лозим. Чунки бомдод намозидан кейин ўрнидан турмай, оёқлари йиғилган ҳолда, дунёвий гапларни гапирмай туриб бу дуони ўқиган одамга кўпгина яхшиликлар ваъда қилинмоқда:

1. Унга ўн ҳасанот ёзилур.
2. Унинг ўн хатоси ўчирилур.
3. Унинг ўн даражаси кўтарилур.
4. Ўша куни у барча ёқимсиз нарсадан ҳимояда бўлур.
5. Шайтондан сақланур.
6. Ўша куни уни гуноҳ ҳам тутмас. Аллоҳ таолога ширк келтирган бўлса, мустасно. Агар Аллоҳ таолога ширк келтирган бўлса, иши чатоқ бўлади.

Ундан сўнг «Саййидул истиғфор»ни ўқийди:

عَنْ شَدَّادِ بْنِ أَوْسٍ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «سَيِّدَ الْاِسْتِغْفَارِ أَنْ تَقُولَ: اللَّهُمَّ أَنْتَ رَبِّي لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ، خَلَقْتَنِي وَأَنَا عَبْدُكَ، وَأَنَا عَلَى عَهْدِكَ وَوَعْدِكَ مَا اسْتَطَعْتُ، أَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ مَا صَنَعْتُ، وَأَبُوءُ لَكَ بِنِعْمَتِكَ عَلَيَّ، وَأَبُوءُ لَكَ بِذَنْبِي فَاغْفِرْ لِي فَإِنَّهُ لَا يَغْفِرُ الذُّنُوبَ إِلَّا أَنْتَ. وَمَنْ قَالَهَا مِنَ النَّهَارِ مُوقِنًا بِهَا فَمَاتَ مِنْ يَوْمِهِ قَبْلَ أَنْ يُمْسِيَ فَهُوَ مِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ، وَمَنْ قَالَهَا مِنَ اللَّيْلِ وَهُوَ مُوقِنٌ بِهَا فَمَاتَ مِنْ يَوْمِهِ قَبْلَ أَنْ يُصْبِحَ فَهُوَ مِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا مُسْلِمًا.

Шаддод ибн Авс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Истиғфорнинг саййиди «Аллоҳумма анта роббии. Лаа илааҳа илла анта. Холақтаний. Ва ана абдука ва ана ала аҳдика. Ва ваъдика мастатоъту. Аъуузу бика мин шарри маа сонаъту. Абууъу лака би неъматика алайя. Ва Абууъу лака би занбий. Фағфир лий. Фа иннаҳу лаа яғфируз-зунуба иллаа анта», демоғингдир.

Ким уни ишонч билан наҳорда айтса, ўша куни кеч киришидан олдин ўлиб қолса, аҳли жаннатдан бўлур. Ким уни ишонч билан кечаси айтса, ўша куни тонг отишидан олдин ўлиб қолса, аҳли жаннатдан бўлади».

Бешовларидан фақат Муслим ривоят қилмаган.

Маъноси: «Эй Аллоҳим! Сен Роббимсан! Сендан ўзга илоҳ йўқ. Сен мени халқ қилдинг. Мен Сенинг бандангман. Мен қодир бўлганимча Сенинг аҳдинг ва ваъдангдаман. Сендан ўзим қилган нарсаларнинг ёмонлигидан паноҳ тилайман. Сенинг менга берган неъматингни эътироф қиламан. Сенга гуноҳларимни ҳам эътироф қиламан. Мени мағфират қил. Сендан бошқа ҳеч бир зот гуноҳларни мағфират қилмас».

Ушбу «Саййидул истиғфор» номи ила машҳур бўлган дуони ўқиб юришни кўпчилик азизлар одат қилишган. Дуони яхшилаб ёд олиб, ўқиб юрмоқни ҳар бир мусулмон одат қилиши лозим.

Кейин қуйидаги дуони ўқийди:

عَنْ عَبْدِ اللهِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ أَبْزَى، عَنْ أَبِيهِ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللهِ ﷺ إِذَا أَصْبَحَ قَالَ: «أَصْبَحْنَا عَلَى فِطْرَةِ الْإِسْلَامِ،

وَكَلِمَةِ الْإِخْلَاصِ، وَدِينِ نَبِيِّنَا مُحَمَّدٍ ﷺ، وَمِلَّةِ أَبِينَا إِبْرَاهِيمَ حَنِيفًا مُسْلِمًا وَمَا كَانَ مِنْ الْمُشْرِكِينَ».

Абдуллоҳ ибн Абдурроҳман ибн Абзодан, у отасидан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон тонг оттирсалар: «Асбаҳнаа ала фитратил Ислами ва калиматил ихласи ва дийни Набиййинаа Муҳаммадин соллаллоҳу алайҳи васаллама ва миллати абийнаа Иброҳийма ҳанийфан муслиман ва маа каана минал мушрикийн», дер эдилар».

Маъноси: «Ислом фитратида, ихлос калимаси, Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг дини ва мушриклардан бўлмаган бошқа динларга оғмаган муслим отамиз Иброҳимнинг миллатида тонг оттирдик».

Сўнг қуйидаги дуони ўқийди.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ قَالَ: كَانَ رَسُولُ اللهِ ﷺ يَقُولُ: «اللَّهُمَّ أَصْلِحْ لِي دِينِي الَّذِي هُوَ عِصْمَةُ أَمْرِي، وَأَصْلِحْ لِي دُنْيَايَ الَّتِي فِيهَا مَعَاشِي، وَأَصْلِحْ لِي آخِرَتِي الَّتِي فِيهَا مَعَادِي، وَاجْعَلِ الْحَيَاةَ زِيَادَةً لِي فِي كُلِّ خَيْرٍ، وَاجْعَلِ الْمَوْتَ رَاحَةً لِي مِنْ كُلِّ شَرٍّ».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳим! Менга ишимнинг боши бўлган динимни ислоҳ қилгин. Менга унда маошим бўлган дунёимни ислоҳ қилгин. Менга унда қайтар жойим бўлган охиратимни ислоҳ қилгин. Менга ҳаётни ҳар

бир яхшиликда зиёда қилгин. Менга ўлимни ҳар бир ёмонликдан роҳат қилгин», дер эдилар».

عَنْ طَلْقِ بْنِ حَبِيبٍ قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ إِلَى أَبِي الدَّرْدَاءِ فَقَالَ: يَا أَبَا الدَّرْدَاءِ، قَدْ احْتَرَقَ بَيْتُكَ. فَقَالَ: مَا احْتَرَقَ، لَمْ يَكُنِ اللهُ لِيَفْعَلَ ذَلِكَ لِكَلِمَاتٍ سَمِعْتُهُنَّ مِنْ رَسُولِ اللهِ ﷺ، مَنْ قَالَهَا أَوَّلَ نَهَارِهِ لَمْ تُصِبْهُ مُصِيبَةٌ حَتَّى يُمْسِيَ، وَمَنْ قَالَهَا آخِرَ نَهَارِهِ لَمْ تُصِبْهُ مُصِيبَةٌ حَتَّى يُصْبِحَ: «اللَّهُمَّ أَنْتَ رَبِّي لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ، عَلَيْكَ تَوَكَّلْتُ، وَأَنْتَ رَبُّ الْعَرْشِ الْعَظِيمِ، مَا شَاءَ اللهُ كَانَ وَمَا لَمْ يَشَأْ لَمْ يَكُنْ، وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللهِ الْعَلِيِّ الْعَظِيمِ، أَعْلَمُ أَنَّ اللهَ عَلَى كُلِّ شَيْءٍ قَدِيرٌ، وَأَنَّ اللهَ أَحَاطَ بِكُلِّ شَيْءٍ عِلْمًا، اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ شَرِّ نَفْسِي وَمِنْ شَرِّ كُلِّ دَابَّةٍ أَنْتَ آخِذٌ بِنَاصِيَتِهَا، إِنَّ رَبِّي عَلَى صِرَاطٍ مُسْتَقِيمٍ». رَوَاهُ ابْنُ السُّنِّيِّ.

Толқ ибн Ҳабибдан ривоят қилинади:

«Бир киши Абу Дардонинг ҳузурига келиб: «Эй Абу Дардо, уйинг куйиб кетди», деди.

«Куйгани йўқ. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эшитган гапга кўра, Аллоҳ бундай қилмаган бўлса керак. Ул зот шундай дедилар: «Бир калималар бор, уларни ким наҳорнинг аввалида айтса, кеч киргунича унга мусибат етмас, ким уларни наҳорнинг охирида айтса, унга тонг отгунича мусибат етмас: «Аллоҳим! Сен Роббимсан. Сендан ўзга илоҳ йўқ. Сенга таваккул қилдим. Ва Сен улуғ Аршнинг Роббисан. Аллоҳ нимани хоҳласа, бўлади,

нимани хоҳламаса, бўлмайди. Алий ва Азийм Аллоҳдан бошқанинг қудрати ҳам, қуввати ҳам йўқ. Билурманки, албатта, Аллоҳ ҳар бир нарсага қодирдир ва Аллоҳ барча нарсани илми ила иҳота қилгандир. Аллоҳим! Албатта, мен Сендан ўз нафсим ёмонлигидан ва Сен пешонасидан тутган ҳар бир жониворнинг ёмонлигидан паноҳ тилайман. Албатта, Роббим сиротул мустақиймдадир».

Ибн Сунний ривоят қилган.

Бомдоднинг суннатини уйда ўқиб, сўнг масжидга чиқади ва йўлда ҳадисда келган дуони ўқиб кетади:

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ ﷺ قَالَ: مَنْ قَالَ إِذَا خَرَجَ إِلَى الصَّلَاةِ: اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ بِحَقِّ السَّائِلِينَ عَلَيْكَ، وَبِحَقِّ مَمْشَايَ هَذَا، لَمْ أَخْرُجْ أَشِرًا وَلَا بَطِرًا وَلَا رِيَاءً وَلَا سُمْعَةً، خَرَجْتُ ابْتِغَاءَ مَرْضَاتِكَ وَاتِّقَاءَ سَخَطِكَ، أَسْأَلُكَ أَنْ تُنْقِذَنِي مِنَ النَّارِ، وَأَنْ تَغْفِرَ لِي ذُنُوبِي إِنَّهُ لَا يَغْفِرُ الذُّنُوبَ إِلَّا أَنْتَ. أَقْبَلَ اللهُ عَلَيْهِ بِوَجْهِهِ حَتَّى يَنْصَرِفَ، وَوُكِّلَ بِهِ سَبْعُونَ أَلْفَ مَلَكٍ يَسْتَغْفِرُونَ لَهُ.

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Ким намозга чиққанида «Аллоҳим! Сендан сўровчиларнинг ҳаққи ила, ушбу юришим ҳаққи ила сўрайман. Мен манманлик ва такаббур, риё ва хўжакўрсин учун чиққаним йўқ. Розилигингни тилаб ва ғазабингдан қўрқиб чиқдим. Мени дўзахдан озод қилишингни ва гуноҳларимни мағфират қилишингни сўрайман. Албатта, гуноҳларни Сендан ўзга мағфират қилмас» деса, у туриб кетгунича Аллоҳ унга юзланур ва унга истиғфор айтиб турадиган етмиш минг фаришта вакил қилинади».

Мурид масжидга кирганида қуйидаги ҳадисда келган дуони ўқийди:

عَنْ أَبِي حُمَيْدٍ أَوْ أَبِي أُسَيْدٍ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِذَا دَخَلَ أَحَدُكُمُ الْمَسْجِدَ فَلْيُسَلِّمْ عَلَى النَّبِيِّ ﷺ ثُمَّ لِيَقُلْ: اللَّهُمَّ افْتَحْ لِي أَبْوَابَ رَحْمَتِكَ. فَإِذَا خَرَجَ فَلْيَقُلِ: اللَّهُمَّ إِنِّي أَسْأَلُكَ مِنْ فَضْلِكَ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالنَّسَائِيُّ.

Абу Ҳумайд ёки Абу Усайд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Қачон биринғиз масжидга кирса, Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга салом берсин. Сўнгра: «Аллоҳумма ифтаҳ лии абвааба роҳматика», десин. Бас, агар чиқадиган бўлса, «Аллоҳумма иннии асъалука мин фазлика», десин».

Муслим, Абу Довуд ва Насоий ривоят қилишган.

Масжидга кирадиган одам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга «Ассалому алайка йа Расулуллоҳ», деб салом бериши керак.

Шунингдек, масжидга кираётиб, «Аллоҳумма ифтаҳ лии абвааба роҳматика», («Аллоҳим, менга раҳматинг эшикларини очгин») деган дуони ўқиши лозим.

Масжиддан чиқаётган одам эса «Аллоҳумма инний асъалука мин фазлика» («Аллоҳим, мен Сенинг фазлингдан сўрайман») деган дуони ўқимоғи керак.

Кейин эса иложи борича аввалги сафлардан жой олиб, Қуръон қироати билан машғул бўлиб ёки юқорида зикр қилинган вирдларни ўқиб, фарз намозни кутади.

Бомдоднинг фарзини ўқиб бўлганидан сўнг, намоздан кейин қилинадиган зикр ва дуоларни ўқийди. Иложи бўлса, «Йаасийн» сурасини ўқиб, қуёш чиққунича кутади.

كَانَ النَّبِيُّ ﷺ إِذَا صَلَّى الْفَجْرَ قَعَدَ فِي مُصَلَّاهُ حَتَّى تَطْلُعَ الشَّمْسُ. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон Бомдодни ўқисалар, то қуёш чиққунча намозгоҳларида ўлтирар эдилар».

Термизий ривоят қилган.

Бомдод намозидан кейин қуёш чиққунча бўлган вақт қанчалар фазилатли вақт эканини билиб олдик.

Бу вақт ер юзида фаришталар алмашиш учун жам бўладиган пайтдир. Нима амал қилинса, ўша жам бўлган фаришталар гувоҳ бўладилар.

Бу пайтда ризқ улашилади. Ана шундай пайтни зикр қилиб ўтказиш катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу вақтни зикрда ўтказганлар. Биз ҳам шунга одатланмоғимиз лозим.

عَنْ مُعَاذِ بْنِ أَنَسٍ الْجُهَنِيِّ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَنْ قَعَدَ فِي مُصَلَّاهُ حِينَ يَنْصَرِفُ مِنْ صَلَاةِ الصُّبْحِ حَتَّى يُسَبِّحَ رَكْعَتَيِ الضُّحَى لَا يَقُولُ إِلَّا خَيْرًا غُفِرَ لَهُ خَطَايَاهُ وَإِنْ كَانَتْ أَكْثَرَ مِنْ زَبَدِ الْبَحْرِ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ. وَلَفْظُهُ: «مَنْ صَلَّى الْغَدَاةَ فِي جَمَاعَةٍ ثُمَّ قَعَدَ يَذْكُرُ اللهَ حَتَّى تَطْلُعَ الشَّمْسُ ثُمَّ صَلَّى رَكْعَتَيْنِ كَانَتْ لَهُ كَأَجْرِ حَجَّةٍ وَعُمْرَةٍ تَامَّةٍ تَامَّةٍ تَامَّةٍ».

Муъоз ибн Анас ал-Жуҳаний розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким бомдод намозини ўқиб бўлганидан кейин намоз ўқиган жойида то чошгоҳ намозини ўқигунича ўтирса, яхшиликдан бошқа(нарса)ни гапирмаган бўлса, унинг хатолари, агар денгиз кўпигидан кўп бўлса ҳам, мағфират қилинур», – дедилар.

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган.

Термизийнинг лафзида: **«Ким бомдодни жамоат билан ўқиса, сўнгра қуёш чиққунча Аллоҳни зикр қилиб ўтирса, кейин икки ракъат намоз ўқиса, унинг учун ҳаж ва умранинг ажридек бўлур. Тўлиқ, тўлиқ, тўлиқ»**, *дейилган.*

Ушбу ривоятда васф қилинаётган намозни «салотуш-шуруқ» (ишроқ намози) дейилади. «Шуруқ» қуёш чиқишини билдиради. Саҳар чоғи ниҳоятда фазилатли чоғ экани ҳақида олдинги ўрганган ҳадисларимиздан ҳам кўплаб маълумотлар олганмиз.

Бу ҳадиси шарифда ҳам бомдод намози билан қуёш чиққунча бўлган вақтни Аллоҳ таолонинг зикри билан ўтказишга тарғиб қилинмоқда. Шу билан бирга, шуруқ намозини ўқишга ҳам қизиқтирилмоқда.

Аввал айтилганидек, шуруқ намози чошгоҳ намозининг энг аввалги вақтидаги намозидир. Ҳадисда бомдод намозини жамоат билан ўқишга тарғиб борлиги ҳам очиқ-ойдин кўриниб турибди.

Ушбу ҳадисга амал қилишимиз жуда ҳам зарурдир. Саҳар чоғи Аллоҳ таолонинг ибодати, зикри билан машғул бўлиш ўта фазилатли ишдир.

Юқорида зикр қилинган вақтда муриднинг вазифаси тўрт хил амалдан иборат: дуо, зикр, қироат ва фикр.

Наҳор(кундуз)нинг иккинчи вирди:

Бунинг вақти қуёш чиққанидан зуҳо вақтигачадир. Агар кундузни ўн икки соат деб оладиган бўлсак, унинг чораги уч соатдир. Бу вақт ҳам шарафли вақт бўлиб, унда бажариладиган икки вазифа бор.

Биринчи вазифа – зуҳо намозини ўқиш.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَنْ حَافَظَ عَلَى شُفْعَةِ الضُّحَى غُفِرَ لَهُ ذُنُوبُهُ وَإِنْ كَانَتْ مِثْلَ زَبَدِ الْبَحْرِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий алайҳиссаллом: «Ким зуҳо (чошгоҳ) **намозини муҳофаза** (бардавом) **қилса, унинг гуноҳлари, гарчи денгиз кўпигича бўлса ҳам, мағфират қилинади», дедилар».**

Термизий ривоят қилган.

Бу ҳадисдан чошгоҳ намози ўқиш жуда ҳам савобли амал экани очиқ-ойдин кўриниб турибди. Бу намоз кўплаб ажру савоб, хайр-барака ва файзу футуҳга сабаб бўлиши таъкидланмоқда. Бу намознинг вақти қуёш чиқиб бўлганидан заволгача давом этиб, энг афзал вақти қуёш ерни қиздирган вақтидир. Ривоятларда чошгоҳ намози икки ракъатдан саккиз ракъатгача бўлиши зикр қилинади. Демак, ҳолат ва имкониятга қараб ушбу икки рақам орасидаги ададда чошгоҳ намозини ўқиса бўлаверади. Вақти оз одам икки ракъат ўқиса ҳам, чошгоҳ намозини ўқиган бўлади. Имкони кенг одам кўпроқ ўқиса, яна ҳам яхши. Энг муҳими, ўқиш керак.

Иккинчи вазифа – бемор кўриш, жанозада қатнашиш, илм мажлисида ҳозир бўлиш, мусулмоннинг ҳожатини чиқариш каби одамларга боғлиқ амаллар. Агар мазкур ишларни қилмаса, қироат ва зикр билан машғул бўлади.

Наҳорнинг учинчи вирди:

Зуҳодан заволгача. Бу вақтдаги вазифалар қуйидагилар:

Касб ва тирикчилик билан машғул бўлиш. Бозорга ва бошқа ерларга бориш. Агар тожир бўлса, садоқатли ва омонатли бўлсин. Ҳунарманд бўлса, ихлос ва қунт билан ишласин. Аммо зинҳор Аллоҳ таолонинг зикрини ёдидан чиқармасин.

Наҳор(кундуз)нинг тўртинчи вирди:

Заволдан пешинни ўқиб бўлгунча давом этади. У наҳорнинг энг қисқа вирдидир. Мурид муаззиннинг азонини эшитганда унинг айтганларини такрорлаб туради. Кейин пешин намозини суннатлари билан яхшилаб адо этади.

Наҳорнинг бешинчи вирди:

У юқоридаги вақтдан асргача давом этади. Унда зикр ва намоз билан машғул бўлиш мустаҳабдир.

Наҳорнинг олтинчи вирди:

Асрдан қуёш сарғайгунича давом этади. Аср намозини ўқигандан кейин биринчи вирдда баён қилинган тўрт қисм, яъни дуо, зикр, тиловат ва фикр билан машғул бўлинади. Бу вақтда фаҳм ва тадаббур ила Қуръон тиловат қилган афзал ҳисобланади.

Наҳорнинг еттинчи вирди:

Қуёш сарғайгандан то ботгунича бўлган вақтни ўз ичига оладиган бу пайт шарафли ҳисобланади.

Ҳасан раҳматуллоҳи алайҳи: «Наҳорнинг аввалидан кўра кечки пайтни кўпроқ улуғлашар эди», деган.

Бу вақтда тасбеҳ ва истиғфор айтиш мустаҳабдир.

Шом намози ила наҳорнинг вирдлари тугайди. Банда ўз ҳолини мулоҳаза ва нафсини муҳосаба (ҳисоб-китоб) қилсин. Батаҳқиқ, унинг йўлидан бир босқич тугади. Билсинки, умр кунлардан иборатдир ва унинг бирлари тугаши ила барчаси ҳам тугайди.

Ҳасан раҳматуллоҳи алайҳи: «Эй одам боласи! Сен кунлардан иборатсан. Агар бир кунинг ўтса, бир қисминг ўтган бўлади», деган.

Бугуни кечасига баробар бўлдими? Мурид шунга назар солсин. Агар кунни яхшилик ила ўтказган бўлса, уни муяссар қилган Аллоҳ таолога шукр қилсин. Агар бошқача бўлса, тавба қилиб, йўл қўйган камчилигининг ўрнини кечаси тўлғазишга ҳаракат қилсин. Чунки яхшиликлар ёмонликларни ювади.

Жисмини соғ қилган ва нуқсонини тузатишга умр берган Аллоҳ таолога шукр қилсин. Ўтган азизлардан баъзилари кунни садақа билан тугатиш, имкони борича яхшилик қилиш ҳаракатида бўлар эдилар.

КЕЧАНИНГ ВИРДЛАРИ

Кечанинг биринчи вирди:

Қуёш ботгандан хуфтон вақтигача. Мурид шом намозини ўқиганидан кейин хуфтонгача бўлган вақтни ибодат билан ўтказишга ҳаракат қилади.

Анас розияллоҳу анҳудан Аллоҳ таолонинг: **«Ёнбошлари ётар жойдан йироқ бўлур. Роббиларига қўрқув ва умидворлик ила дуо қилурлар ва ўзларига ризқ қилиб берган нарсаларимиздан нафақа қилурлар»**, деган *(«Сажда» сураси, 16-оят)* қавли ҳақида «Ушбу оят Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шом ва хуфтон орасида намоз ўқийдиган саҳобалари ҳақида нозил бўлган», деганлари ривоят қилинган.

Кечанинг иккинчи вирди:

Қизил шафақнинг ғойиб бўлганидан уйқу вақтигача бўлган вақт. Хуфтон азони ва иқомаси орасида имкони борича нафл намоз ўқийди ва зам сурага «Сажда» ҳамда «Таборак» сураларини тиловат қилса, яна ҳам яхши бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу икки сурани ўқимасдан ухламас эдилар.

Ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган бошқа бир ҳадисда: «Ким ҳар кеча «Воқиъа» сурасини қироат қилса, унга камбағаллик етмас», дейилган.

Кечанинг учинчи вирди:

Ухлашдан олдин витр ўқиш. Аммо ким кечаси бедор бўлишни одат қилган бўлса, унинг витрни кейинга суриши афзал.

عَنْ مَسْرُوقٍ، قُلْتُ لِعَائِشَةَ: مَتَى كَانَ يُوتِرُ رَسُولُ اللهِ ﷺ قَالَتْ: كُلَّ ذَلِكَ قَدْ فَعَلَ، أَوْتَرَ أَوَّلَ اللَّيْلِ وَوَسَطَهُ وَآخِرَهُ، وَلَكِنِ انْتَهَى وِتْرُهُ حِينَ مَاتَ إِلَى السَّحَرِ. رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

Масруқдан ривоят қилинади:

«Оишадан: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қачон витр ўқир эдилар?» деб сўрадим.

«Ул зот ҳаммасини ҳам қилганлар: кечанинг аввалида ҳам, ўртасида ҳам, охирида ҳам витр ўқиганлар. Вафот этган вақтларида у зотнинг витрлари саҳар яқин қолган пайтда эди», деди».

Бешовлари ривоят қилишган.

Витрни ўқиб бўлганидан кейин уч марта «Субҳанал маликул қуддуси», деб айтади.

Кечанинг тўртинчи вирди:

Уйқу. Машойихларимиз уйқуни вирд ҳисоблашлари бежиз эмас. Агар унинг одобларига риоя этиб, ният билан қилинса, ибодат ҳисобланади.

Улуғ саҳобий Муъоз розияллоҳу анҳу: «Мен уйғоқлигимда савоб умид қилганимдек, ухлаганимда ҳам савоб умид қиламан», деган экан.

Уйқунинг одоблари:

– Уйқунинг одобларидан бири – таҳорат билан ётиш.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهَا قَالَتْ: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ إِذَا كَانَ جُنُبًا فَأَرَادَ أَنْ يَأْكُلَ أَوْ يَنَامَ تَوَضَّأَ وُضُوءَهُ لِلصَّلَاةِ. رَوَاهُمَا الْخَمْسَةُ.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам жунуб бўлганларида емоқ ёки ухлашни ирода қилсалар, намозга таҳорат қилганларидек таҳорат қилар эдилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс розияллоҳу анҳу айтади: «(Инсонлар) ухлаётган вақтда руҳлари осмонга олиб чиқилади ва Аршнинг олдида сажда қилишга амр қилинади. Агар таҳоратли бўлса, Аршнинг олдида сажда қилади. Аммо таҳоратли бўлмаса, Аршдан узоқ жойда сажда қилади».

– Уйқудан олдин тавба қилиш. Зеро, сирти таҳоратли бўлгандан кейин, ичи ҳам таҳоратли бўлиши керак. Эҳтимол, уйқусидан турмай вафот этар.

– Уйқунинг одобларидан бири – мусулмон кишига нисбатан қалбида ғили-ғаш бўлса, уни кетказиш, зулм қилишни ният қилмаслик ва уйғонганда гуноҳ қилишга азм қилмаслик.

– Васият қилиши лозим бўлган одамнинг васиятини ёзиб қўйиб ухлаши ҳам уйқунинг одобларига киради.

عَنِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَا حَقُّ امْرِئٍ مُسْلِمٍ لَهُ شَيْءٌ يُرِيدُ أَنْ يُوصِيَ فِيهِ يَبِيتُ لَيْلَتَيْنِ إِلَّا وَوَصِيَّتُهُ مَكْتُوبَةٌ عِنْدَهُ». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий солаллоҳу алайҳи васаллам:

«Васият қилгудек нарсаси бор мусулмон кишига васиятини ёзилган ҳолда ҳузурига қўймай икки кеча (бемор бўлиб) **ётиб қолиши дуруст эмас», дедилар».**

Бешовлари ривоят қилишган.

– Уйқунинг одобларидан бири – уйқу ғолиб келмагунча ухламаслик. Салафи солиҳларнинг одатлари шундай бўлган.

– Ўнг тарафга ёнбошлаб, қиблага юзланган ҳолда ҳадисларда келган дуоларни ўқиб ётиш уйқунинг одобларидан.

Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилишган ҳадисда:

«بِاسْمِكَ رَبِّي وَضَعْتُ جَنْبِي وَبِكَ أَرْفَعُهُ، فَإِنْ أَمْسَكْتَ نَفْسِي فَارْحَمْهَا، وَإِنْ أَرْسَلْتَهَا فَاحْفَظْهَا بِمَا تَحْفَظُ بِهِ عِبَادَكَ الصَّالِحِينَ».

«Бисмика Роббий, вазаъту жанбий ва бика арфаъуҳу. Фа ин амсакта нафсий фарҳамҳаа ва ин арсалтаҳаа фаҳфазҳаа бимаа таҳфазу биҳи ибадакассолиҳийн», деган дуо ўқилиши айтилган.

Маъноси: «Роббим, исминг ила ёнимни қўйдим ва Сенинг ила уни кўтарурман. Агар жонимни тутиб қоладиган бўлсанг, унга раҳм қилгин. Агар уни қўйиб юборадиган бўлсанг, уни солиҳ бандаларингни муҳофаза қиладиган нарса ила муҳофаза қил».

Имом Бухорий Оиша онамиздан ривоят қилади:

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهَا: أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ كَانَ إِذَا أَوَى إِلَى فِرَاشِهِ كُلَّ لَيْلَةٍ جَمَعَ كَفَّيْهِ ثُمَّ نَفَثَ فِيهِمَا فَقَرَأَ فِيهِمَا ﴿قُلْ هُوَ ٱللَّهُ أَحَدٌ﴾ وَ﴿قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ ٱلْفَلَقِ﴾ وَ﴿قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ ٱلنَّاسِ﴾ ثُمَّ يَمْسَحُ بِهِمَا مَا اسْتَطَاعَ مِنْ جَسَدِهِ، يَبْدَأُ بِهِمَا عَلَى

رَأْسِهِ وَوَجْهِهِ وَمَا أَقْبَلَ مِنْ جَسَدِهِ، وَيَفْعَلُ ذَلِكَ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар кеча жойларига ётсалар, икки кафтларига «Қул ҳуваллоҳу аҳад», «Қул аъуузу бироббил фалақ» ва «Қул аъуузу бироббиннааси» сураларини ўқиб, дам солиб, баданларига етган жойигача бошлари ва юзларидан бошлаб олд тарафларига суртиб ётардилар. Буни уч марта қилар эдилар».

عَنْ عَبْدِ اللهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «خَصْلَتَانِ أَوْ خَلَّتَانِ لَا يُحَافِظُ عَلَيْهِمَا عَبْدٌ مُسْلِمٌ إِلَّا دَخَلَ الْجَنَّةَ، هُمَا يَسِيرٌ وَمَنْ يَعْمَلُ بِهِمَا قَلِيلٌ، يُسَبِّحُ فِي دُبُرِ كُلِّ صَلَاةٍ عَشْرًا، وَيَحْمَدُ اللهَ عَشْرًا، وَيُكَبِّرُ عَشْرًا، فَذَلِكَ خَمْسُونَ وَمِائَةٌ بِاللِّسَانِ وَأَلْفٌ وَخَمْسُمِائَةٍ فِي الْمِيزَانِ، وَيُكَبِّرُ أَرْبَعًا وَثَلَاثِينَ إِذَا أَخَذَ مَضْجَعَهُ، وَيَحْمَدُ ثَلَاثًا وَثَلَاثِينَ، وَيُسَبِّحُ ثَلَاثًا وَثَلَاثِينَ، فَذَلِكَ مِائَةٌ بِاللِّسَانِ وَأَلْفٌ فِي الْمِيزَانِ، فَلَقَدْ رَأَيْتُ رَسُولَ اللهِ ﷺ يَعْقِدُهَا بِيَدِهِ، قَالُوا: يَا رَسُولَ اللهِ، كَيْفَ هُمَا يَسِيرٌ وَمَنْ يَعْمَلُ بِهِمَا قَلِيلٌ؟ قَالَ: «يَأْتِي الشَّيْطَانُ أَحَدَكُمْ فِي مَنَامِهِ فَيُنَوِّمُهُ قَبْلَ أَنْ يَقُولَهُ، وَيَأْتِيهِ فِي صَلَاتِهِ فَيُذَكِّرُهُ حَاجَتَهُ قَبْلَ أَنْ يَقُولَهَا». رَوَاهُ أَصْحَابُ السُّنَنِ.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Икки хислат ёки одат бор. Мусулмон банда уларни муҳофаза қилса, албатта жаннатга киради. Иккиси осондир ва уларга амал қиладиган оздир. Ҳар бир намоздан кейин ўн марта тасбеҳ айтади, ўн марта Аллоҳга ҳамд айтади ва ўн марта такбир айтади. Ўша ҳаммаси тилда бир юз элликта. Тарозида бир минг беш юзта.

Қачон ётар жойини олса, ўттиз тўрт марта такбир, ўттиз уч марта ҳамд ва ўттиз уч марта тасбеҳ айтади. Булар тилда юзта, тарозида мингта».

«Батаҳқиқ, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг уларни қўллари билан санаётганларини кўрдим. Шунда: «Эй Аллоҳнинг Расули! Уларнинг осон бўлгани ва уларга амал қиладиган оз бўлиши қандоқ?» дейишди.

«Шайтон бирингизга уйқусида келади ва уни айтишидан олдин ухлатиб қўяди. Намозида келиб, уни айтишидан олдин ҳожатини эсига солади», дедилар».

«Сунан» соҳиблари ривоят қилишган.

Мурид уйқусидан олдинги охирги каломи Аллоҳ таолонинг зикри бўлиши учун ҳаракат қилади.

Шунингдек, кечаси таҳажжудга уйғонганида ҳам аввалги каломи зикр бўлиши учун ҳаракат қилади.

عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا، قَالَ: كَانَ النَّبِيُّ ﷺ إِذَا قَامَ مِنَ اللَّيْلِ يَتَهَجَّدُ قَالَ: «اللَّهُمَّ لَكَ الْحَمْدُ أَنْتَ قَيِّمُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَنْ فِيهِنَّ، وَلَكَ الْحَمْدُ لَكَ مُلْكُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَنْ فِيهِنَّ، وَلَكَ الْحَمْدُ أَنْتَ نُورُ السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَمَنْ فِيهِنَّ، وَلَكَ الْحَمْدُ أَنْتَ الْحَقُّ، وَوَعْدُكَ الْحَقُّ، وَلِقَاؤُكَ حَقٌّ، وَقَوْلُكَ حَقٌّ، وَالْجَنَّةُ حَقٌّ،

وَالنَّارُ حَقٌّ، وَالنَّبِيُّونَ حَقٌّ، وَمُحَمَّدٌ ﷺ حَقٌّ، وَالسَّاعَةُ حَقٌّ، اللَّهُمَّ لَكَ أَسْلَمْتُ، وَبِكَ آمَنْتُ، وَعَلَيْكَ تَوَكَّلْتُ، وَإِلَيْكَ أَنَبْتُ، وَبِكَ خَاصَمْتُ، وَإِلَيْكَ حَاكَمْتُ، فَاغْفِرْ لِي مَا قَدَّمْتُ وَمَا أَخَّرْتُ، وَمَا أَسْرَرْتُ وَمَا أَعْلَنْتُ، أَنْتَ الْمُقَدِّمُ وَأَنْتَ الْمُؤَخِّرُ، لَا إِلَهَ إِلَّا أَنْتَ، وَلَا حَوْلَ وَلَا قُوَّةَ إِلَّا بِاللهِ». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا أَبَا دَاوُدَ.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳмоудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам кечаси таҳажжудга турсалар, қуйидагиларни айтар эдилар: «Аллоҳим! Сенга ҳамд бўлсин. Сен осмонлару ер ва улардаги кимсаларни қоим қилувчисан. Сенга ҳамд бўлсин. Осмонлару ернинг ва улардаги кимсаларнинг мулки Сеникидир. Сенга ҳамд бўлсин. Сен осмонлару ернинг ва улардаги кимсаларнинг нурисан. Сенга ҳамд бўлсин. Сен ҳақдирсан. Ваъданг ҳақдир. Мулоқотинг ҳақдир. Сўзинг ҳақдир. Жаннат ҳақдир. Дўзах ҳақдир. Набийлар ҳақдир. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақдир. Соат (қиёмат) ҳақдир. Аллоҳим! Сенга таслим бўлдим. Сенга иймон келтирдим. Сенга таваккул қилдим. Сенга қайтдим. Сен ила хусумат қилдим (Сен берган ҳужжатлар ила душманларинг билан тортишдим.). **Сенинг ҳукмингга ҳавола қилдим. Бас, менинг аввалу охир, сиру ошкор қилган нарсаларимни мағфират қилгин. Олдинга сурувчи ҳам Ўзингсан, охирга сурувчи ҳам Ўзингсан, Сендан ўзга ҳеч қандай илоҳ йўқ! Ва лаа ҳавла ва лаа қуввата илла биллааҳи».**

Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.

Таҳажжудга турганда Оли Имрон сурасининг охирги ўн оятини ўқийди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам кечаси турганларида Оли Имрон сурасининг **«Инна фий холқис-самовати вал арзи вахтилафиллайли ван-наҳари лааятул-лиулил албаб»** деб бошланувчи ўн оятини ўқиганлари маълум. Биз ҳам кечаси таҳажжуд намозига турганимизда ўша ояти карималарни ўқисак, у зотга эргашган бўламиз.

Таҳажжуд намозини енгилгина икки ракъат ила бошлайди.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِذَا قَامَ أَحَدُكُمْ مِنَ اللَّيْلِ فَلْيَفْتَتِحْ صَلَاتَهُ بِرَكْعَتَيْنِ خَفِيفَتَيْنِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:
«Қачон биринги кечаси (таҳажжудга) **турса, намозини енгилгина, икки ракъат билан очсин», дедилар».**

Муслим, Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилишган.

Кейин икки ракъат-икки ракъатдан қилиб таҳажжуд намозини ўқисин. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам саккиз ракъатгача ўқиганлар. Мурид ҳолига қарасин.

Кечанинг бешинчи вирди:

Кечанинг олтидан бири қолган вақт. Буни саҳар вақти ҳам дейилади. Бу истиғфор айтиладиган вақтдир.

Аллоҳ таоло Зориёт сурасида марҳамат қилади:

وَبِالْأَسْحَارِ هُمْ يَسْتَغْفِرُونَ ﴿١٨﴾

«Ва улар саҳарларда истиғфор айтар эдилар» *(18-оят).*

Саҳар чоғида туриш, истиғфор айтиб, гуноҳининг кечирилишини сўраш жуда ҳам фазилатли иш бўлиб, буни қилган кишилар хайр-барака, улуғ мартабаларга эришадилар.

Ҳадиси шарифлардан бирида Пайғамбаримиз алайҳиссалом шундай деганлар: «Албатта, Аллоҳ таоло ҳар куни кечанинг учдан бири қолганда дунё осмонига тушади ва тонг отгунча: «Тавба қилувчи борми, тавбасини қабул қиламан; истиғфор айтувчи борми, мағфират қилиб, гуноҳини кечаман; сўровчи борми, сўраганини бераман», дейди».

Шунинг учун иложи борича саҳарда туриб ибодат қилишга, истиғфор айтишга уриниш лозим.

Товус раҳматуллоҳи алайҳи бир кишини саҳар чоғи келиб сўраса, ухлаётганини айтишибди. Шунда у: «Саҳар чоғи бирор киши ухламаса керак, деб ўйлардим», деган экан.

КЕЧАСИ БЕДОР БЎЛИШ

Кечаси бедор бўлиб, уни ибодат ила ўтказишни «қиёмул лайл» дейилади. Бу иш жуда ҳам фазилатли ҳисобланади. «Қиёмул лайл» ила машғул бўлган кишиларни Аллоҳ таоло ҳам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам мадҳ қилганлар.

Аллоҳ таоло Сажда сурасида марҳамат қилади:

تَتَجَافَىٰ جُنُوبُهُمْ عَنِ ٱلْمَضَاجِعِ

«Ёнбошлари ётар жойдан йироқ бўлур» *(16-оят)*.

Тақводор мўмин бандалар тунда бедор бўлиб, иссиқ жойини тарк этиб ибодат қиладилар.

Тунлари уйғониб, намоз ўқишнинг фазилатлари жуда кўп. Бу иш олий мақомга эришган ҳар бир азиз-

нинг ишидир. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари бу амални қилганлар ва умматларини ҳам шунга тарғиб этганлар.

عَنْ أَبِي أُمَامَةَ ﷺ، عَنْ رَسُولِ اللهِ ﷺ قَالَ: «عَلَيْكُمْ بِقِيَامِ اللَّيْلِ فَإِنَّهُ دَأْبُ الصَّالِحِينَ قَبْلَكُمْ، وَهُوَ قُرْبَةٌ إِلَى رَبِّكُمْ، وَمَكْفَرَةٌ لِلسَّيِّئَاتِ، وَمَنْهَاةٌ لِلْإِثْمِ». وَفِي رِوَايَةٍ: «وَمَطْرَدَةٌ لِلدَّاءِ عَنِ الْجَسَدِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ.

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кечанинг қиёмини лозим тутинг. Чунки у сизлардан олдинги солиҳларнинг одатидир. У Роббингизга қурбатдир. У ёмонликларга каффоротдир. У гуноҳларни қайтарувчидир», дедилар».

Бошқа бир ривоятда:

«У жасаддан дардни қувувчидир», *дейилган.*

Термизий, Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилишган.

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳ: «Ибодатларнинг ичида тунги намоз каби кучлисини кўрмадим», деган.

У кишидан: «Нима учун одамларнинг ичида таҳаж-жуд ўқувчиларнинг юзлари энг чиройли бўлади?» деб сўрашганида: «Чунки улар Роҳман ила холи қолишган ва У Зот уларга Ўз нуридан кийдирган», деган экан.

БЕДОРЛИКНИ ЕНГИЛЛАШТИРУВЧИ ОМИЛЛАР

Осонлаштирувчи омиллар ишга солинмаса, «қиёмул лайл» жуда ҳам қийин ишдир. Мазкур омилларнинг зоҳирийси ва ботинийси бор.

Зоҳирий омиллар қуйидагилар:

– Кўп емаслик. Баъзи машойихлар: «Эй муридлар жамоаси! Кўп еманглар. Унда кўп ичиб, кўп ухлаб қоласизлар ва кўп ютқазасизлар», дейишган.

– Кундузи ўзини оғир ишлар билан чарчатмаслик.

– Кундузи ухлаб олинса, «қиёмул лайл» осон бўлади.

– Гуноҳлардан четда бўлиш. Суфён Саврий: «Биргина гуноҳ туфайли беш ой «қиёмул лайл»дан маҳрум бўлдим», деган.

Ботиний омиллар қуйидагилар:

– Аллоҳ таолонинг муҳаббати. Мурид «қиёмул лайл»да Робби ила муножотда бўлишига ва Унинг ҳузурида туришига иймони кучли бўлса, иш осонлашади.

Абу Сулаймон раҳматуллоҳи алайҳи дейди: «Кеча аҳли тунда кўнгилхушлик аҳлининг кўнгилхушлигидан кўра кўпроқ лаззат топадилар. Агар кеча бўлмаганида, бу дунёда қолишни истамасдим».

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ، عَنْ رَسُولِ اللهِ ﷺ قَالَ: «يَنْزِلُ اللهُ إِلَى السَّمَاءِ الدُّنْيَا كُلَّ لَيْلَةٍ حِينَ يَمْضِي ثُلُثُ اللَّيْلِ الْأَوَّلُ فَيَقُولُ: أَنَا الْمَلِكُ أَنَا الْمَلِكُ، مَنْ ذَا الَّذِي يَدْعُونِي فَأَسْتَجِيبَ لَهُ، مَنْ ذَا الَّذِي يَسْأَلُنِي فَأُعْطِيَهُ، مَنْ ذَا الَّذِي يَسْتَغْفِرُنِي فَأَغْفِرَ لَهُ، فَلَا يَزَالُ كَذَلِكَ حَتَّى يُضِيءَ الْفَجْرُ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ. وَلِمُسْلِمٍ:

«إِنَّ فِي اللَّيْلِ لَسَاعَةً لَا يُوَافِقُهَا رَجُلٌ مُسْلِمٌ يَسْأَلُ اللهَ خَيْرًا مِنْ أَمْرِ الدُّنْيَا وَالْآخِرَةِ إِلَّا أَعْطَاهُ إِيَّاهُ وَذَلِكَ كُلَّ لَيْلَةٍ».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Аллоҳ ҳар кеча туннинг аввалги учдан бири ўтганда дунё осмонига нозил бўлур ва: «Мен подшоҳман, Мен подшоҳман, Менга дуо қиладиган борми, уни қабул қилайин; Мендан сўрайдиган борми, унга берайин; Менга истиғфор айтадиган борми, уни мағфират қилайин», дейди. Токи фажр ёришгунча шундай давом этади».

Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

Муслимнинг лафзида:

«Тунда бир соат бордир. Мусулмон киши Аллоҳдан дунё ва охират ишидан яхшилик сўраган ҳолида мувофиқ келиб қолса, албатта, унга беради. Ҳар кеча шундай», *дейилган.*

– «Қиёмул лайл»нинг фазлини билиш.

– Қалби мусулмонларга нисбатан саломат ва бидъатлардан холи бўлиши ҳамда ортиқча дунёга қизиқмаслик.

«Қиёмул лайл»нинг даражалари бир нечта:

1. Кечанинг ҳаммасини бедор ўтказиш.

Буни салафлардан бир жамоаси қилганлар.

2. Кечанинг ярмини бедор ўтказиш.

Бу ҳам бир жамоа салафлардан ривоят қилинган. Бунда энг яхшиси кечанинг биринчи учдан бирида ва охирги олтидан бирида ухланади.

3. Кечанинг учдан бирини бедор ўтказиш.

Бу Довуд алайҳиссаломнинг бедорлиги бўлиб, унда кечанинг аввалги ярмида ва охирги олтидан бирида ухланади.

عَنْ عَبْدِ اللهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا، أَنَّ رَسُولَ اللهِ ﷺ قَالَ لَهُ: «أَحَبُّ الصَّلَاةِ إِلَى اللهِ صَلَاةُ دَاوُدَ عليه السلام، وَأَحَبُّ الصِّيَامِ إِلَى اللهِ صِيَامُ دَاوُدَ، وَكَانَ يَنَامُ نِصْفَ اللَّيْلِ وَيَقُومُ ثُلُثَهُ وَيَنَامُ سُدُسَهُ، وَيَصُومُ يَوْمًا وَيُفْطِرُ يَوْمًا». رَوَاهُ الثَّلَاثَةُ.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: «Аллоҳга энг маҳбуб намоз Довуд алайҳиссаломнинг намозидир. Аллоҳга энг маҳбуб рўза Довуднинг рўзасидир. У кечанинг ярмини ухлар, учдан бирини қоим бўлиб ўтказар ва олтидан бирида ухлар эди. Бир кун рўза тутиб, бир кун оғзи очиқ бўлар эди», дебдилар».

Учовлари ривоят қилишган.

Кечанинг охирида ухлаш маъқул. Унда эрталаб мудроқнинг асари юздан кетади ва юз сарғаймайди.

4. Кечанинг олти ёки бешдан бирини бедор ўтказиш.

Мазкур «қиёмул лайл» кечанинг охирги ярмида бўлгани маъқул, дейилган.

5. Ўлчовни риоя қилмасдан «қиёмул лайл» қилиш.

Бу жуда ҳам қийин услуб бўлиб, у икки услуб билан амалга ошади.

Биринчиси – кечанинг аввалида уйқуси келгунча бедор бўлиб, кейин ухлаш. Сўнг уйғонганда туриб, уйқуси келса, ухлаш. Албатта, бундай қилиш осон эмас. Аммо салафлардан баъзилари шундай қилганлар.

Заҳҳок раҳматуллоҳи алайҳи: «Кечаси узоқ ётишда Аллоҳ таолодан ҳаё қилган қавмларни кўрганман», деган.

Иккинчиси – кечасининг аввалида ухлаб олиб, қолганида бедор бўлиш.

6. Икки ёки тўрт ракъат намоз ўқигудек муддатда бедор бўлиш. Бу ҳам «қиёмул лайл» деб айтилади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِذَا أَيْقَظَ الرَّجُلُ أَهْلَهُ مِنَ اللَّيْلِ فَصَلَّيَا جَمِيعًا رَكْعَتَيْنِ كُتِبَا فِي الذَّاكِرِينَ وَالذَّاكِرَاتِ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:
«Қачон эр кечаси ўз аҳлини уйғотиб, икковлари бир бўлиб икки ракъат намоз ўқисалар, зокир ва зокиралар қаторига ёзиладилар», дедилар».
Абу Довуд ривоят қилган.

Толҳа ибн Масриф раҳматуллоҳи алайҳи аҳлини «қиёмул лайл»га амр қилар ва: «Икки ракъат намоз ўқинглар. Кечаси ўқилган намоз гуноҳларни ювади», дер эди.

Юқорида кечани тақсимлаш бўйича салафларнинг тутган йўлларидан баъзилари зикр қилинди. Мурид улардан ўзига мосини танлаб олса, яхши бўлади. Агар у учун кечанинг ўртасида туриш қийин бўлса, ҳеч бўлмаса шом билан хуфтон орасида ва саҳардаги нафл намозларни ўқисин.

Кечаси таҳорат тутиши ва намоз ўқиши қийин бўлган кишилар қиблага қараб ўтириб, Аллоҳ таолони зикр қилсинлар, қудратлари етганича дуо қилсинлар. Ўтириш ҳам қийин бўлса, ёнбошлаб олиб ўшандай қилсинлар.

Кимнинг вирди бўлса-ю, ухлаб қолиб вақтида бажара олмаса, зуҳо намозидан кейин қазосини бажарсин.

عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَنْ نَامَ عَنْ حِزْبِهِ أَوْ عَنْ شَيْءٍ مِنْهُ فَقَرَأَهُ فِيمَا بَيْنَ صَلَاةِ الْفَجْرِ وَصَلَاةِ الظُّهْرِ كُتِبَ لَهُ كَأَنَّمَا قَرَأَهُ مِنَ اللَّيْلِ». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيَّ.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким вазифасидан ёки унинг баъзисидан ухлаб қолса-ю, уни бомдод билан пешин орасида ўқиб олса, унга худди кечаси ўқигандек ёзилади», дедилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган.

«Қиёмул лайл»ни одат қилган одам уни зинҳор тарк қилмасин.

ТАФАККУР

Тафаккур нафсни поклайдиган ва ахлоқни сайқаллайдиган энг муҳим омиллардан биридир.

«Тафаккур» «фикр» сўзининг ўзагидан олинган бўлиб, бир нарса ҳақида чуқур фикр юритиш маъносини англатади.

Аллоҳнинг Китобида ўн еттита оятда тафаккур қилишга тарғиб қилинган. Улардан баъзиларини ўрганиб чиқамиз. Инсон ақлининг баркамоллигига зикрга фикрни қўшиш билан эришилишини Қуръони Карим баён қилган.

Аллоҳ таоло Оли Имрон сурасида марҳамат қилади:

إِنَّ فِي خَلْقِ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ وَٱخْتِلَٰفِ ٱلَّيْلِ وَٱلنَّهَارِ لَءَايَٰتٍ لِّأُو۟لِى ٱلْأَلْبَٰبِ ﴿١٩٠﴾ ٱلَّذِينَ يَذْكُرُونَ ٱللَّهَ قِيَٰمًا وَقُعُودًا وَعَلَىٰ جُنُوبِهِمْ وَيَتَفَكَّرُونَ فِي خَلْقِ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ

«Албатта, осмонлару ернинг яратилишида ҳамда кеча-кундузнинг алмашиб туришида ақл эгалари учун оят(белги)**лар бор. Улар Аллоҳни тик турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолларида зикр қиладилар ва осмонлару ернинг яратилиши ҳақида тафаккур қиладиларки...»** деган *(190-191-оятлар)*.

Ушбу ояти карималардан кўриниб турибдики, Аллоҳ таолонинг биру борлиги ҳамда чексиз қудрати ва бошқа комил сифатларини тўла англаб етиш учун зикр ва тафаккур лозим экан. Бири бўлиб, иккинчиси бўлмаса ҳам иш битмас экан.

Аллоҳни тик турган, ўтирган ва ёнбошлаган ҳолларда эслаш даражаси улуғ даража бўлиб, инсон ибодатнинг олий мақомига эришгандагина ушбу даражага кўтарилади.

Шундай даражада тафаккур қилган одамнинг қалби соф ҳолга келади ва дуо қилса, ижобат бўладиган мақомга етади.

Ибодат қилиб, осмонлару ернинг яратилиши ҳақида фикр юритган одам, албатта, Аллоҳ таоло бу нарсаларни бекорга яратмаганини тушуниб етади ва уни «Ўзинг поксан», деб тасбеҳ айтиб ёдга олади.

Ушбу борлиқнинг яратилишини, ундаги нарсаларнинг ҳақиқатини тушуниб етиш уларда тадбиркорлик, ҳикмат ва мақсад борлигини англаб етишга олиб боради. Бу эса бу дунёда яшаётган кишилар учун адолат ҳам зарурлигини тушуниб етишга сабаб бўлади. Демак, одамлар қилган ишларнинг ҳисоб-китоби ҳам бўлиши аниқ.

Аллоҳ таоло Юнус сурасида марҳамат қилади:

إِنَّمَا مَثَلُ ٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا كَمَآءٍ أَنزَلْنَٰهُ مِنَ ٱلسَّمَآءِ فَٱخْتَلَطَ بِهِۦ نَبَاتُ ٱلْأَرْضِ مِمَّا يَأْكُلُ ٱلنَّاسُ وَٱلْأَنْعَٰمُ حَتَّىٰٓ إِذَآ أَخَذَتِ ٱلْأَرْضُ

زُخْرُفَهَا وَازَّيَّنَتْ وَظَنَّ أَهْلُهَآ أَنَّهُمْ قَٰدِرُونَ عَلَيْهَآ
أَتَىٰهَآ أَمْرُنَا لَيْلًا أَوْ نَهَارًا فَجَعَلْنَٰهَا حَصِيدًا كَأَن لَّمْ تَغْنَ
بِٱلْأَمْسِ ۚ كَذَٰلِكَ نُفَصِّلُ ٱلْءَايَٰتِ لِقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ ﴿٢٤﴾

«Албатта, дунё ҳаётининг мисоли худди Биз осмондан туширган сувга ўхшайдир. Бас, одамлар ва чорвалар ейдиган ер набототи у билан аралашиб, ер безагини олганда ва зийнатланганда ҳамда унинг аҳли энди бунга эришдик, деб ўйлаганда, кечаси ёки кундузи унга амримиз келиб, уни худди куни кеча яшнаб турмагандек қуритиб қўямиз. Тафаккур қиладиган қавмлар учун оятларимизни ана шундай батафсил баён қилурмиз» *(24-оят)*.

Ушбу ояти каримада бу дунё ҳаёти ва унинг матоҳлари табиатда рўй бериб турадиган ҳодисаларга ўхшатилмоқда. Қуруқ ерга ёмғир ёғиб, сув тушса, одамларга ҳам, чорва ҳайвонларига ҳам озуқа бўладиган набототлар – ўсимликлар униб чиқади. Бу ўсимликлар ер юзини безайди. Ўсган сари гўзаллиги ортиб боради. Ҳосил вақти яқинлашганда эгаларининг кўзлари қувонади. Энди бир нарсали бўладиган бўлдим, деб келгуси ҳосил устида ҳар хил режалар тузади. Шунда хоҳ кечаси, хоҳ кундузи бўлсин, Аллоҳдан амр келиб, ҳалиги ўсимликлар бирдан қуриб қолади. Қуруқ хашакка айланади. Яшиллиги ҳам, гўзаллиги ҳам, мева-ҳосили ҳам йўқ.

Фикрли, фаросатли одамлар учун бу дунё ҳаёти ҳам худди шундай. Инсон туғилади, ўсади. Тинмай ҳаракат қилади. Маълум бир натижаларга ҳам эришади. Аммо Аллоҳ таоло хоҳлаган лаҳзада у эришган нарсани олиб қўйиши мумкин. Яъни бу дунё матоҳи бир лаҳзага арзимайдиган нарсадир.

Ҳадиси шарифда ривоят қилинишича, қиёмат куни бу дунёда энг улкан неъматларга эришганларни олиб келиб, дўзахга бир солиб олиб: «Ҳеч яхшилик кўрганмисан? Ҳеч бир неъматга эга бўлганмисан?» – деб сўралганда, «Йўқ», – деб жавоб берар эканлар. Бундай нарсаларни ҳар бир банда яхши тафаккур қилмоғи лозим.

«Тафаккур қиладиган қавмлар учун оятларимизни ана шундай батафсил баён қилурмиз».

Аммо тафаккур қилмаганлар, Аллоҳнинг айтганига юрмаганлар бу дунёю у дунёларини куйдирадилар.

Аллоҳ таоло Раъд сурасида марҳамат қилади:

وَهُوَ ٱلَّذِى مَدَّ ٱلْأَرْضَ وَجَعَلَ فِيهَا رَوَٰسِىَ وَأَنْهَٰرًا ۖ وَمِن كُلِّ ٱلثَّمَرَٰتِ جَعَلَ فِيهَا زَوْجَيْنِ ٱثْنَيْنِ ۖ يُغْشِى ٱلَّيْلَ ٱلنَّهَارَ ۚ إِنَّ فِى ذَٰلِكَ لَءَايَٰتٍ لِّقَوْمٍ يَتَفَكَّرُونَ ﴿٣﴾

«У ерни ёйиб, унда барқарор тоғлар ва анҳорлар қилган, барча мевалардан жуфт-жуфт қилган Зотдир. У кечани кундузга қоплайдир. Бунда, албатта, тафаккур қилувчи қавмлар учун оят(белги)**лар бордир»** *(3-оят)*.

Ҳа, У Зот кўз ўнгингизда ерни ёйиб қўйган Зотдир. Қаердан қарасангиз, қаршингизда ер ёйилиб ётибди. Буни ким қилган? Албатта, Аллоҳ таоло қилган.

«Унда барқарор тоғлар ва анҳорлар қилган».

Ердаги пурвиқор тоғларни ким барпо этган? Ердаги анҳорларни ким оқизиб қўйган? Албатта, Аллоҳ азза ва жалла.

«Барча мевалардан жуфт-жуфт қилган Зотдир.»

Агар меваларда жуфтлик – эркак ва урғочилик хусусияти бўлмаганида, мевага айланмас эди. Буни ким қилган? Албатта, Аллоҳ таоло.

«У кечани кундузга қоплайдир».

Кеча ва кундуз ҳам бир жуфтлик бўлиб, бир-бирини қоплайди. Навбат билан кеча кундузни, кундуз кечани қоплаб туради. Бу жараён асрлардан буён давом этиб келмоқда. Хўш, буни ким қилмоқда? Албатта, Аллоҳ таоло. Ушбу ҳодисаларни ҳар бир одам ўйлаб кўрмоғи лозим:

«Бунда, албатта, тафаккур қилувчи қавмлар учун оят(белги)**лар бордир».**

Тафаккур қилмаганлар эса онгсиз ҳайвонларга ўхшаб юраверадилар.

Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳадисларида ҳам тафаккур алоҳида эътибор ила тилга олинган.

عَنْ عَطَاءٍ قَالَ: دَخَلْتُ أَنَا وَعَبْدُ اللهِ بْنُ عُمَرَ وَعُبَيْدُ بْنُ عُمَيْرٍ عَلَى عَائِشَةَ فَقَالَ ابْنُ عُمَرَ: حَدِّثِينِي بِأَعْجَبِ مَا رَأَيْتِ مِنْ رَسُولِ اللهِ ﷺ. فَبَكَتْ ثُمَّ قَالَتْ: كُلُّ أَمْرِهِ كَانَ عَجَبًا، أَتَانِي فِي لَيْلَتِي حَتَّى إِذَا دَخَلَ مَعِي فِي لِحَافِي وَأَلْصَقَ جِلْدَهُ بِجِلْدِي فَقَالَ: يَا عَائِشَةُ، أَتَأْذَنِينَ فِي عِبَادَةِ رَبِّي؟ فَقُلْتُ: إِنِّي لَأُحِبُّ قُرْبَكَ وَهَوَاكَ، قَالَتْ: فَقَامَ إِلَى قِرْبَةٍ فِي الْبَيْتِ فَلَمْ يُكْثِرْ صَبَّ الْمَاءِ ثُمَّ قَامَ فَقَرَأَ الْقُرْآنَ، قَالَتْ: ثُمَّ بَكَى حَتَّى رَأَيْتُ دُمُوعَهُ بَلَّتْ حُجْزَتَهُ ثُمَّ اتَّكَأَ عَلَى جَنْبِهِ الْأَيْمَنِ ثُمَّ وَضَعَ يَدَهُ الْيُمْنَى تَحْتَ خَدِّهِ ثُمَّ بَكَى حَتَّى رَأَيْتُ دُمُوعَهُ قَدْ بَلَّتِ الْأَرْضَ، فَجَاءَهُ بِلَالٌ يُؤْذِنُهُ بِالصَّلَاةِ فَرَآهُ يَبْكِي، فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللهِ، أَتَبْكِي وَقَدْ غَفَرَ اللهُ لَكَ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِكَ وَمَا تَأَخَّرَ؟ قَالَ: أَفَلَا أَكُونُ عَبْدًا شَكُورًا؟ ثُمَّ قَالَ: وَمَالِي لَا أَبْكِي

وَقَدْ أَنْزَلَ اللهُ عَلَيَّ اللَّيْلَةَ ﴿إِنَّ فِي خَلْقِ السَّمَاوَاتِ وَالْأَرْضِ وَاخْتِلَافِ الَّيْلِ وَالنَّهَارِ لَآيَاتٍ لِأُولِي الْأَلْبَابِ﴾.

Ато раҳматуллоҳи алайҳидан ривоят қилинади:

«Мен, Абдуллоҳ ибн Умар ва Убайд ибн Умайр Оишанинг олдиларига кирдик. Ибн Умар: «Бизга Расулуллоҳ алайҳиссаломдан кўрган энг ажойиб нарсани айтиб беринг», деди.

У киши йиғладилар, сўнгра дедилар: «Ҳамма ишлари ажойиб эди. Менинг навбатим кунларидан бирида келиб, мен билан бирга ўринга кириб, баданларини баданимга теккизиб ётдилар.

Бир муддат ўтгандан сўнг: «Эй Оиша, менга изн бер, Роббимга ибодат қилай», дедилар. Мен: «Ёнимдалигингиз ва истагингизни жуда яхши кўраман», дедим.

Туриб, уйдаги сув идишга бориб, оз сув ишлатиб таҳорат қилдилар. Сўнгра туриб, қироат қилдилар, йиғладилар. Мен кўз ёшларининг ёноқларини ҳўл қилиб юборганини кўрдим.

Кейин ўнг ёнбошларига суяниб, ўнг қўлларини яноқларига қўйдилар, йиғладилар. Мен кўз ёшларининг ерни ҳўл қилиб юборганини кўрдим.

Кейин Билол келиб, у зотни намозга чақирди. У зотнинг йиғлаётганларини кўриб: «Эй Аллоҳнинг Расули, Аллоҳ сизнинг аввалгию кейинги гуноҳларингизни кечган бўлса ҳам йиғлаяпсизми?» деди.

«Шукр қилувчи банда бўлмайинми?! Мен йиғламай, ким йиғласин! Ҳолбуки, бу кеча менга «Албатта, осмонлару ернинг яратилишида ҳамда кеча-кундузнинг алмашиб туришида...» ояти нозил бўлди», дедилар».

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهَا قَالَتْ: أَوَّلُ مَا بُدِئَ بِهِ رَسُولُ اللهِ ﷺ مِنَ الْوَحْيِ الرُّؤْيَا الصَّالِحَةُ فِي النَّوْمِ، فَكَانَ لَا يَرى رُؤْيَا إِلَّا جَاءَتْ مِثْلَ فَلَقِ الصُّبْحِ، ثُمَّ حُبِّبَ إِلَيْهِ الْخَلَاءُ وَكَانَ يَخْلُو بِغَارِ حِرَاءٍ فَيَتَحَنَّثُ فِيهِ – وَهُوَ التَّعَبُّدُ اللَّيَالِيَ ذَوَاتِ الْعَدَدِ – قَبْلَ أَنْ يَنْزِعَ إِلَى أَهْلِهِ وَيَتَزَوَّدُ لِذَلِكَ، ثُمَّ يَرْجِعُ إِلَى خَدِيجَةَ فَيَتَزَوَّدُ لِمِثْلِهَا حَتَّى جَاءَهُ الْحَقُّ وَهُوَ فِي غَارِ حِرَاءٍ، فَجَاءَهُ الْمَلَكُ فَقَالَ: اقْرَأْ. «قُلْتُ: مَا أَنَا بِقَارِئٍ». قَالَ: «فَأَخَذَنِي فَغَطَّنِي حَتَّى بَلَغَ مِنِّي الْجَهْدَ ثُمَّ أَرْسَلَنِي، فَقَالَ: اقْرَأْ. قُلْتُ: مَا أَنَا بِقَارِئٍ، فَأَخَذَنِي فَغَطَّنِي الثَّانِيَةَ حَتَّى بَلَغَ مِنِّي الْجَهْدَ ثُمَّ أَرْسَلَنِي، فَقَالَ: اقْرَأْ. فَقُلْتُ: مَا أَنَا بِقَارِئٍ، فَأَخَذَنِي فَغَطَّنِي الثَّالِثَةَ ثُمَّ أَرْسَلَنِي، فَقَالَ: ﴿اقْرَأْ بِاسْمِ رَبِّكَ الَّذِي خَلَقَ ۝١ خَلَقَ الْإِنسَانَ مِنْ عَلَقٍ ۝٢ اقْرَأْ وَرَبُّكَ الْأَكْرَمُ﴾»، فَرَجَعَ بِهَا رَسُولُ اللهِ ﷺ يَرْجُفُ فُؤَادُهُ، فَدَخَلَ عَلَى خَدِيجَةَ بِنْتِ خُوَيْلِدٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهَا فَقَالَ: «زَمِّلُونِي زَمِّلُونِي». فَزَمَّلُوهُ حَتَّى ذَهَبَ عَنْهُ الرَّوْعُ، فَقَالَ لِخَدِيجَةَ وَأَخْبَرَهَا الْخَبَرَ: لَقَدْ خَشِيتُ عَلَى نَفْسِي، فَقَالَتْ خَدِيجَةُ: كَلَّا وَاللهِ مَا يُخْزِيكَ اللهُ أَبَدًا، إِنَّكَ لَتَصِلُ الرَّحِمَ، وَتَحْمِلُ الْكَلَّ، وَتَكْسِبُ الْمَعْدُومَ، وَتَقْرِي الضَّيْفَ، وَتُعِينُ عَلَى نَوَائِبِ الْحَقِّ. فَانْطَلَقَتْ بِهِ خَدِيجَةُ حَتَّى أَتَتْ بِهِ وَرَقَةَ بْنَ نَوْفَلِ بْنِ أَسَدِ بْنِ عَبْدِ الْعُزَّى ابْنَ عَمِّ خَدِيجَةَ، وَكَانَ امْرَأً قَدْ تَنَصَّرَ فِي الْجَاهِلِيَّةِ، وَكَانَ يَكْتُبُ الْكِتَابَ الْعِبْرَانِيَّ، فَيَكْتُبُ مِنَ الْإِنْجِيلِ بِالْعِبْرَانِيَّةِ مَا شَاءَ

اللهُ أَنْ يَكْتُبَ، وَكَانَ شَيْخًا كَبِيرًا قَدْ عَمِيَ، فَقَالَتْ لَهُ خَدِيجَةُ: يَا ابْنَ عَمِّ، اسْمَعْ مِنِ ابْنِ أَخِيكَ. فَقَالَ لَهُ وَرَقَةُ: يَا ابْنَ أَخِي، مَاذَا تَرَى؟ فَأَخْبَرَهُ رَسُولُ اللهِ ﷺ خَبَرَ مَا رَأَى، فَقَالَ لَهُ وَرَقَةُ: هَذَا النَّامُوسُ الَّذِي نَزَّلَ اللهُ عَلَى مُوسَى، يَا لَيْتَنِي فِيهَا جَذَعًا، لَيْتَنِي أَكُونُ حَيًّا إِذْ يُخْرِجُكَ قَوْمُكَ، فَقَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «أَوَ مُخْرِجِيَّ هُمْ؟» قَالَ: نَعَمْ، لَمْ يَأْتِ رَجُلٌ قَطُّ بِمِثْلِ مَا جِئْتَ بِهِ إِلَّا عُودِيَ، وَإِنْ يُدْرِكْنِي يَوْمُكَ أَنْصُرْكَ نَصْرًا مُؤَزَّرًا، ثُمَّ لَمْ يَنْشَبْ وَرَقَةُ أَنْ تُوُفِّيَ وَفَتَرَ الْوَحْيُ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бошланган илк ваҳий уйқудаги солиҳ туш бўлди. Ул зот қандай туш кўрсалар, албатта, худди тонг ёруғидек аниқ ўнгидан келар эди.

Сўнгра у зотга холи қолиш маҳбуб бўлиб қолди. Ҳиро ғорида холи қолиб, аҳллари олдига тушишдан олдин бир неча кеча «таҳаннус» ибодати қилар эдилар. Яъни ўз аҳлига қайтишдан олдин бир неча кечани ибодат ила ўтказар эдилар. Бунинг учун зоди роҳила олар эдилар.

Сўнгра Хадижанинг олдига қайтиб, яна ўшанчага етарли зоди роҳила олар эдилар. Ул зотга ҳақ келгунича шундай бўлди. Ҳиро ғорида эканликларида фаришта келиб: «Ўқи!» деди.

«Мен ўқувчи эмасман», дедим. У мени тутиб, ўзига тортди. Ҳаттоки менга қийинлик етказди. Сўнгра мени қўйиб юборди ва: «Ўқи!» деди.

«Мен ўқувчи эмасман», дедим.

У мени иккинчи марта тутиб, ўзига тортди. Ҳаттоки менга қийинлик етказди. Сўнгра мени қўйиб юборди ва: «Ўқи!» деди.

«Мен ўқувчи эмасман», дедим.

У мени учинчи марта тутиб, ўзига тортди. Сўнгра мени қўйиб юборди ва:

«Ўқи! Яратган Роббинг номи билан. У инсонни алақдан яратди. Ўқи! Ва Роббинг энг карамлидир!» деди».

Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша(оят)лар ила қалблари титраб-қақшаб қайтдилар ва Хадийжа бинти Хувайлид розияллоҳу анҳонинг олдига кирдилар ва: «Мени ўраб қўйинглар, мени ўраб қўйинглар!» дедилар.

Бас, у зотдан қўрқинч кетгунча ўраб қўйдилар. Кейин у зот Хадижага хабарни айта туриб: «Ўзимга бир нарса бўлмаса эди деб қўрқдим», дедилар.

Шунда Хадижа: «Ундай эмас! Аллоҳга қасамки, Аллоҳ сизни ҳеч қачон шарманда қилмайди. Албатта, сиз силаи раҳм қилурсиз, заифга ёрдам берурсиз. Йўқсилларни қўллайсиз, меҳмонга зиёфат берасиз, ҳақ йўлда бошга тушган кулфатларда ёрдам берасиз», деди.

Сўнгра Хадижа у зотни олиб, Варақа ибн Навфал ибн Асад ибн Абдулуззо(Хадижанинг амакисининг ўғли)нинг олдига борди. У жоҳилият даврида насронийликка кирган одам эди. Иброний китоб ёзар эди. Инжилдан ибронийчасига Аллоҳ ёзишини хоҳлаганини ёзар эди. У кўзи ожиз бўлиб қолган қари чол эди.

Хадижа: «Эй амакимнинг ўғли! Биродарингизнинг ўғлини бир тингланг!» деди. Варақа у зотга: «Эй биродаримнинг ўғли, нима кўрмоқдасан?» деди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари кўрган нарсанинг хабарини айтиб бердилар.

Варақа у зотга: «Бу Аллоҳ Мусога нозил қилган «Номус»дир. Эҳ! Қани энди, сени қавминг ҳайдаб чиқарганда бақувват бўлсам эди! Қани энди, тирик бўлсам эди!» деди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мени улар ҳайдаб чиқарадиларми?!» дедилар.

«Ҳа! Қайси бир киши сен келтирган нарсани келтирса, душманликка учрайди. Сенинг ўша кунингга етсам, албатта, сенга қўлимдан келган ёрдамни бераман», деди.

Кўп ўтмай Варақа вафот этди. Ваҳий узилиб қолди».

Бухорий ривоят қилган.

Мусулмон уламоларимиз ҳам тафаккур ҳақида ажойиб фикрларни билдирганлар.

Имом Ғаззолий «Иҳё»да ёзади: «Луқмон ёлғиз ўзи узоқ ўтирар эди. Хизматкори унинг олдидан ўтаётиб: «Эй Луқмон! Ёлғиз ўзинг узундан-узоқ ўтирасан. Бундан кўра одамлар билан ўтирсанг яхшимасми?» дер эди.

«Узоқ вақт ёлғиз қолиш фикрлашга қулай, узоқ фикрлаш эса жаннат йўлининг кўрсаткичидир», дерди Луқмон».

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Тафаккур ила ўқилган икки ракъат қисқа намоз тун бўйи фикрсиз бедор бўлгандан яхшидир».

Умар ибн Абдулазиз айтади: «Аллоҳ азза ва жалланинг неъматлари ҳақида фикр юритиш энг афзал ибодатдир» *(4-жуз, 224-225-бетлар).*

Ҳасан раҳматуллоҳи алайҳидан ривоят қилинади: «Бир соат тафаккур қилиш бир кечани бедор ўтказишдан яхшидир» *(242-бет).*

Имом Жалолиддин Суютий «Ад-Дуррул Мансур» тафсирларида қуйидагиларни ёзадилар:

«Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Қурайшликлар яҳудийларга бориб: «Сизларга Мусо келтирган мўъжиза нима?» дедилар.

«Асо ва назар солувчиларга оппоқ бўлиб кўринадиган қўли», дейишди.

Насороларга бориб: «Ичингизда у қандай бўлган эди?» деб сўрадилар.

«Туғма кўр ва песни тузатар ҳамда ўликни тирилтирар эди», дейишди.

Улар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб: «Роббингга дуо қил. Бизга Сафони тилла қилиб берсин», дейишди.

Бас, у зот дуо қилдилар ва **«Албатта, осмонлару ернинг яратилишида ҳамда кеча-кундузнинг алмашиб туришида ақл эгалари учун оят**(белги)**лар бор»** ояти нозил бўлди.

Бас, улар ана шу ҳақда тафаккур қилсинлар» *(2-жуз, 407-бет).*

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Барча нарсалар ҳақида тафаккур қилинг. Фақат Аллоҳнинг зоти ҳақида тафаккур қилманг» *(409-бет).*

Вакийъ ибн Жарроҳнинг «Зуҳд» китобида шундай дейилади:

«Абдуллоҳ ибн Утбадан ривоят қилинади:

«Умму Дардодан: «Абу Дардонинг афзал ибодати нима эди?» деб сўрадим.

«Тафаккур ва эътибор эди», деб жавоб берди» *(474-бет).*

Имом Жалолиддин Суютий «Ад-Дуррул Мансур» тафсирларида қуйидагиларни ёзади:

«Омир ибн Абду Қайсдан ривоят қилинади: «Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир неча саҳо-

баларидан: «Иймоннинг зиёси ёки иймоннинг нури тафаккурдир», дейишганини эшитдим» *(2-жуз, 409-бет).*

Тафаккурнинг фойдалари:

1. Тафаккур Аллоҳнинг розилиги ва муҳаббатига олиб борувчи йўлдир.

2. Тафаккур бағрикенглик ва қалб сокинлигидир.

3. Тафаккур Аллоҳ азза ва жалладан хавфда бўлиш ва қўрқиш малакасини ҳосил қилади.

4. Тафаккур ҳикмат малакасини ҳосил қилади ва қалбни тирилтиради.

5. Кўп эътибор бериш ва ваъзланиш ўтганларнинг сийратидандир.

6. Тафаккур катта ақлий қувват бўлиб, якка шахсларнинг огоҳлигига ва умматларнинг уйғонишига олиб боради.

ЎЛИМНИ ЭСЛАШ

Нафсни поклайдиган ва ахлоқни сайқаллайдиган энг муҳим омиллардан бири ўлимни эслашдир.

Одамларнинг нотўғри йўлларга киришлари ва уларда давомли бўлишларига сабаб ўлимни унутишларидир. Ўлимини ўйламаган одам ҳар қандай гуноҳни тап тортмай қилавериши ҳеч гап эмас.

Агар ҳар бир банда бир кун келиб ўлишини, тупроқ-қа қорилишини, қуртга ем бўлишини, Мункар ва Накир саволларига тутилишини, қиёматда тирилишини, жаннат ёки дўзахга киришини ўйлаб турса, ўлимни эслайдиган ва унга тайёргарлик кўрадиган бўлади.

Шунинг учун ҳам Қуръони Карим оятларида ва ҳадиси шарифларда ўлимни эслашга тарғиб кўплаб таъкидланган.

Аллоҳ таоло Жума сурасида марҳамат қилади:

قُلْ إِنَّ ٱلْمَوْتَ ٱلَّذِى تَفِرُّونَ مِنْهُ فَإِنَّهُۥ مُلَٰقِيكُمْ ثُمَّ تُرَدُّونَ إِلَىٰ عَٰلِمِ ٱلْغَيْبِ وَٱلشَّهَٰدَةِ فَيُنَبِّئُكُم بِمَا كُنتُمْ تَعْمَلُونَ ﴿٨﴾

«Аниқки, сиз қочаётган ўлим, албатта, сизга йўлиқувчидир. Сўнгра ғайб ва шаҳодатни Билувчининг ҳузурига қайтарилурсиз. Бас, У сизга қилиб юрган амалларингизнинг хабарини берадир», деб айт» *(8-оят)*.

Ҳа, ҳеч бир кимса ўлимдан қочиб қутула олмайди. Ўлим инсонни вақти-соати келганда қаердан бўлса ҳам излаб топади.

«Аниқки, сиз қочаётган ўлим, албатта, сизга йўлиқувчидир».

Ҳар бир инсон ўлганидан сўнг махфий ва ошкора нарсаларнинг барчасидан хабардор Аллоҳ таолонинг ҳузурига қайтарилади ва бу дунёда қилган ҳар бир иши учун жавоб беради.

«Сўнгра ғайб ва шаҳодатни Билувчининг ҳузурига қайтарилурсизлар».

Агар яширмоқчи бўлса, Аллоҳнинг Ўзи банда бу дунёда нималар қилганини айтиб беради.

«Бас, У сизга қилиб юрган амалларингизнинг хабарини берадир».

Аллоҳ таоло Мулк сурасида марҳамат қилади:

ٱلَّذِى خَلَقَ ٱلْمَوْتَ وَٱلْحَيَوٰةَ لِيَبْلُوَكُمْ أَيُّكُمْ أَحْسَنُ عَمَلًا ۚ وَهُوَ ٱلْعَزِيزُ ٱلْغَفُورُ ﴿٢﴾

«У ўлим ва ҳаётни сизларнинг қайсиларингиз амалда яхшироқ эканингизни синаш учун яратди. У ўта иззатлидир, ўта мағфиратлидир» *(2-оят)*.

Ўлим ва ҳаётни Аллоҳ таоло яратган. Одатда аввал ҳаёт, сўнг ўлим бошланади. Агар эътибор берсангиз, бу оятда ўлим аввал келтириляпти, бунинг ҳикмати одамларни яхши амалларга чорлашдир. Чунки ўлимни эслаган одам доимо унга тайёргарлик кўради ва ўлгандан сўнг шарманда бўлмаслик учун ўзини яхши ишларга сафарбар қилади.

Аллоҳ таоло Абаса сурасида айтади:

ثُمَّ أَمَاتَهُۥ فَأَقۡبَرَهُۥ ﴿٢١﴾

«Сўнгра уни ўлдирди ва қабрга киргизди» *(21-оят).*

Ҳа, Аллоҳ таоло ҳар бир инсонни, ким бўлишидан қатъи назар, ўлдиради ва қабрга киритади. Ўлим ҳақ. Унинг олдида ҳар қандай кимса ҳам бўйин эгади.

Ўлим Аллоҳ таолодан бўлиши ҳам ҳақ. Бутун дунё бир бўлиб қадимдан ўлмай қолиш чораларини ахтармоқда, аммо иложини топа олмаяптилар. Аллоҳ таоло хоҳлаган шахсни хоҳлаган лаҳзасида ўлдириб, қабрга киритмоқда.

Ўлим ҳақ. Шундай экан, қабрга кириш ҳақ. Беш кунлик дунёни куфр ва жаҳолатда ўтказишнинг нима кераги бор? Ёхуд инсон ўзини ўлдириб, қабрга киритадиган Зот – Аллоҳ таолога куфр келтиришининг нима кераги бор?!

Аллоҳ юборган Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни ёлғончига чиқаришнинг нима кераги бор?

Аллоҳ таоло нозил қилган Қуръонга куфр келтиришнинг нима кераги бор?!

Аллоҳ таоло Анбиё сурасида марҳамат қилади:

كُلُّ نَفۡسٖ ذَآئِقَةُ ٱلۡمَوۡتِۗ وَنَبۡلُوكُم بِٱلشَّرِّ وَٱلۡخَيۡرِ فِتۡنَةٗۖ وَإِلَيۡنَا تُرۡجَعُونَ ﴿٣٥﴾

«Ҳар бир жон ўлимни тотувчидир. Сизларни ёмонлик ва яхшилик ила имтиҳон учун синаймиз ҳамда Бизгагина қайтарилурсиз» *(35-оят).*

Бу дунёда шоҳ ҳам, гадо ҳам, Пайғамбар ҳам, уммат ҳам ўлади. Шунинг учун ҳар бир банда дунёда абадий яшайдигандек бўлиб эмас, балки бир куни бошига ўлим келишини эслаб юрсин. Ўлим шаробини албатта татиш борлигини ҳисобга олиб юрсин. Ўша муқаррар ўлим келгунича эса

«Сизларни ёмонлик ва яхшилик ила имтиҳон учун синаймиз...»

Аллоҳ таоло бандаларини гоҳида ёмонлик, гоҳида яхшилик билан синайди. Ёмонлик етганда, бандanинг қийинчиликка чидаши, сабр этиши, Аллоҳга бўлган ишончи ва Унинг раҳматидан умидворлиги қандай экани маълум бўлади. Бу синовларга кўпчилик чидайди, ундан муваффақиятли ўтиши ҳам мумкин.

«...ҳамда Бизгагина қайтарилурсиз».

Ҳеч ким Биздан ўзгага қайтарилмайди. Ўшанда Биз сизларга синов-имтиҳон натижаси хабарини берамиз.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «أَكْثِرُوا ذِكْرَ هَاذِمِ اللَّذَّاتِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Лаззатларни парчаловчи – ўлимнинг зикрини кўпроқ қилинглар», дедилар».

Термизий ва Насоий ривоят қилишган.

Ўлим туфайли инсоннинг гуноҳлар қилишига сабаб бўлувчи лаззатлари парчаланади, йўққа чиқади. Инсон ўлимни эслаганда лаззатлари парчаланади. Дунёни

эмас, охиратни ўйлаб қолади. Ёмон ишлардан қайтиб, яхши ишларни қилишга ўтади. Ўлимни ўйлаган, ўлганидан кейин бу дунёда қилган ҳар бир иши учун жавоб беришини билган инсон Аллоҳ таолонинг айтганини қилиб, қайтарганидан қайтиб яшашга ҳаракат қилади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ушбу ҳадисда сизу биз умматларига хитоб қилиб, ўлимни кўпроқ эслашга амр қилмоқдалар. Ушбу ҳадисга амал қилиб, ким бўлишимиздан қатъи назар, бир куни ўлишимизни ҳеч эсдан чиқармайлик. Бу дунёда қилган ҳар бир ишимиз учун ҳисоб-китоб қилинишимизни ҳам унутмайлик.

عَنْ شَدَّادِ بْنِ أَوْسٍ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: الْكَيِّسُ مَنْ دَانَ نَفْسَهُ وَعَمِلَ لِمَا بَعْدَ الْمَوْتِ، وَالْعَاجِزُ مَنْ أَتْبَعَ نَفْسَهُ هَوَاهَا وَتَمَنَّى عَلَى اللهِ الْأَمَانِيَّ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ.

Шаддод ибн Авс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Доно – нафсини тергаган ва ўлимдан кейинни кўзлаб амал қилган одамдир. Аҳмоқ – нафсини ҳавосига эргаштирган ва Аллоҳдан умидвор бўлган одамдир», дедилар».

Термизий, Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилишган.

Бошқача қилиб айтганда, оқил одам ўлимдан кейинни кўзлаб, ўзини ўзи тергаб, ҳавойи нафсини жиловлаб, Аллоҳ таоло кўрсатган чегарада юриб, охират учун амал қилади.

Аҳмоқ эса ўлимдан кейинни кўзламай, ҳавойи нафсига берилиб, Аллоҳ таолонинг айтганини қилмай, У Зотга тавба ҳам қилмайди. Аллоҳ таоло эса: «Тоатимга бахиллик қилганга қандай қилиб раҳматимни ҳадя қиламан?!», дейди.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ ﷺ قَالَ: دَخَلَ رَسُولُ اللهِ ﷺ مُصَلَّاهُ فَرَأَى نَاسًا كَأَنَّهُمْ يَكْتَشِرُونَ فَقَالَ: «أَمَا إِنَّكُمْ لَوْ أَكْثَرْتُمْ ذِكْرَ هَاذِمِ اللَّذَّاتِ لَشَغَلَكُمْ عَمَّا أَرَى، فَأَكْثِرُوا مِنْ ذِكْرِ هَاذِمِ اللَّذَّاتِ الْمَوْتُ، فَإِنَّهُ لَمْ يَأْتِ عَلَى الْقَبْرِ يَوْمٌ إِلَّا تَكَلَّمَ فِيهِ فَيَقُولُ: أَنَا بَيْتُ الْغُرْبَةِ، وَأَنَا بَيْتُ الْوَحْدَةِ، وَأَنَا بَيْتُ التُّرَابِ، وَأَنَا بَيْتُ الدُّودِ، فَإِذَا دُفِنَ الْعَبْدُ الْمُؤْمِنُ قَالَ لَهُ الْقَبْرُ: مَرْحَبًا وَأَهْلًا، أَمَا إِنْ كُنْتَ لَأَحَبَّ مَنْ يَمْشِي عَلَى ظَهْرِي إِلَيَّ، فَإِذْ وُلِّيتُكَ الْيَوْمَ وَصِرْتَ إِلَيَّ فَسَتَرَى صَنِيعِي بِكَ»، قَالَ: «فَيَتَّسِعُ لَهُ مَدَّ بَصَرِهِ، وَيُفْتَحُ لَهُ بَابٌ إِلَى الْجَنَّةِ، وَإِذَا دُفِنَ الْعَبْدُ الْفَاجِرُ أَوِ الْكَافِرُ قَالَ لَهُ الْقَبْرُ: لَا مَرْحَبًا وَلَا أَهْلًا، أَمَا إِنْ كُنْتَ لَأَبْغَضَ مَنْ يَمْشِي عَلَى ظَهْرِي إِلَيَّ، فَإِذْ وَلِيتُكَ الْيَوْمَ وَصِرْتَ إِلَيَّ فَسَتَرَى صَنِيعِي بِكَ»، قَالَ: «فَيَلْتَئِمُ عَلَيْهِ حَتَّى تَلْتَقِيَ عَلَيْهِ وَتَخْتَلِفَ أَضْلَاعُهُ»، قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ بِأَصَابِعِهِ فَأَدْخَلَ بَعْضَهَا فِي جَوْفِ بَعْضٍ، قَالَ: «وَيُقَيِّضُ اللهُ لَهُ سَبْعِينَ تِنِّينًا (ثُعْبَانًا) لَوْ أَنَّ وَاحِدًا مِنْهَا نَفَخَ فِي الْأَرْضِ مَا أَنْبَتَتْ شَيْئًا مَا بَقِيَتِ الدُّنْيَا، فَيَنْهَشْنَهُ وَيَخْدِشْنَهُ حَتَّى يُفْضَى بِهِ إِلَى الْحِسَابِ». قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «إِنَّمَا الْقَبْرُ رَوْضَةٌ مِنْ رِيَاضِ الْجَنَّةِ أَوْ حُفْرَةٌ مِنْ حُفَرِ النَّارِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Саъийд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам намоз жойларига кирдилар ва одамларни тишларини тиржайтириб турган ҳолларида кўрдилар-да:

«Агар сизлар лаззатларни бузувчини кўпроқ эслаганларингизда, мен сизларни кўриб турган ҳолингиздан машғул қилар эди. Бас, лаззатларни бузувчини – ўлимни кўп эслангиз. Ҳолбуки, қабр ҳар куни: «Мен ғурбат уйиман. Мен ёлғизлик уйиман. Мен тупроқ уйиман. Мен қуртлар уйиман», деб туради. Бас, қачон мўмин банда дафн қилинса, қабр унга: «Марҳабо! Хуш келдинг! Сен мен учун устимда юрганлардан кўра маҳбубсан. Зеро, бугун мен сенга валий бўлдим, сен олдимга келдинг, энди сенга нима қилишимни кўрасан», дейди. Бас, у унинг кўзи етгунча масофага кенгаяди. Унинг учун жаннатга эшик очилади. Қачон фожир ёки кофир банда дафн қилинса, қабр унга: «Сенга марҳабо йўқ! Хуш келмадинг! Сен мен учун устимда юрганлардан кўра ёмон кўрилгансан. Зеро, бугун мен сенга валий бўлдим, сен олдимга келдинг, энди сенга нима қилишимни кўрасан», дейди. Бас, у унинг устидан қисади ва унинг қовурғалари бир-бирига киришиб кетади», деб бармоқларини бир-бирига киритиб кўрсатдилар.

У зот сўзларида давом этиб: «Кейин Аллоҳ унга етмишта катта илонни унга бириктириб қўяди. Агар улардан бири ерга пуфласа, дунё тургунча у ерда бирор нарса ўсмайди. Бас, улар уни то ҳисобга олиб борилгунча чақиб ва ютиб турадилар», дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам яна: «Албатта, қабр жаннат боғларидан биридир ёки дўзах чуқурларидан биридир», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Ҳар бир банда ушбу ҳадиси шарифни яхши ўзлаштириб, ўлимни кўп ўйлаши ва унга тайёргарлик кўриши зарур. Қабрга кириши билан бандага ёруғ дунёдаги эътиқоди ва қилган амалларига яраша яхши ёки ёмон муомала қилиш бошланишини ҳеч эсдан чиқармаслик лозим. Қабр азобини ўйлаб юришнинг ўзи ақли-ҳуши жойида бўлган ҳар бир бандани тўғри йўлга солиб қўйиши турган гап.

Ўлимни эслаш ҳақида салафи солиҳларимиз ҳам жуда кўп ҳикматли гапларни айтганлар.

Умар ибн Абдулазиз уламолардан баъзисига:

«Менга ваъз қилинг», деди.

«Сен ўладиган биринчи халифа эмассан», деди.

«Яна зиёда қилинг», деди.

«Одамгача бўлган оталарингдан бирортаси ўлимни татимай қолмаган. Энди сенинг навбатинг келди», деди.

Шунда Умар ибн Абдулазиз йиғлаб юборди.

Робийъ ибн Хойсам ҳовлисига қабр қазиб қўйган эди. Унга ҳар куни бир неча бор кириб ётар ва шу тариқа ўлимни эслашни йўлга қўяр ва: «Агар ўлимни эслаш мени бир лаҳза тарк этса, қалбим бузилади», дер эди.

София розияллоҳу анҳо айтади: «Бир аёл Оиша розияллоҳу анҳога қалбининг қаттиқлигидан шикоят қилди. Оиша унга: «Ўлимни кўп зикр қилгин, қалбинг юмшоқ бўлади», деди.

Аёл шундай қилган эди, қалби юмшади ва Оиша розияллоҳу анҳонинг олдига келиб, ташаккур айтди».

Ўлимни эслашни йўлга қўйиш бўйича энг таъсирчан услуб ўзининг ўлиб кетган яқинлари, дўстлари, тенгдошлари ва танишларини эслашдир. Уларнинг қадди-қомати, ҳусни-жамоли, мол-дунёси, куч-қуввати, обрў-мансабини кўз олдига келтириб, кейин тупроққа қоришиб ётганларини эслашдир.

Беморларни кўргани бориш ва жаноза маросимларида иштирок этиш ҳам ўлимни эсга олишда муҳим восита ҳисобланади. Зотан, имом Табароний Аммор розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда Пайғамбар алайҳиссалом: «Воизликка ўлимнинг ўзи кифоя қилади», деганлар.

Шунингдек, тез-тез қабристонларни зиёрат қилиб туриш ҳам ўлимни эслатади.

عَنْ سُلَيْمَانَ بْنِ بُرَيْدَةَ، عَنْ أَبِيهِ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «قَدْ كُنْتُ نَهَيْتُكُمْ عَنْ زِيَارَةِ الْقُبُورِ فَقَدْ أُذِنَ لِمُحَمَّدٍ فِي زِيَارَةِ قَبْرِ أُمِّهِ فَزُورُوهَا فَإِنَّهَا تُذَكِّرُ الْآخِرَةَ». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيَّ وَاللَّفْظُ لِلتِّرْمِذِيِّ.

Сулаймон ибн Бурайда отаси розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизни қабрларни зиёрат қилишдан қайтарган эдим. Батаҳқиқ, Муҳаммадга онасининг қабрини зиёрат қилишга изн бўлди. Бас, у(қабр)ларни зиёрат қилинг. Албатта, улар охиратни эслатади», дедилар».

Бешовларидан фақат Бухорий ривоят қилмаган. Лафз Термизийники.

Жоҳилият даврида қабрларни улуғлаш, уларга сиғиниш авж олган эди. Аллоҳга ширк келтиришнинг кенг тарқалишига сабаб бўлган энг асосий омиллардан бири ҳам айнан қабрларга сиғиниш бўлган. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Исломнинг дастлабки даврида мусулмонларни қабрларни зиёрат қилишдан ман қилган эдилар.

Тавҳид ақийдаси кишилар онги ва қалбида мустаҳкам жойлашиб бўлганидан кейин Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қабрларни зиёрат қилишга изн бердилар. Нафақат изн бердилар, балки амр қилдилар, тарғиб этдилар.

Ушбу ҳадиси шарифда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қабрларни зиёрат қилишнинг ҳикматларидан асосийсини эслатиб ўтмоқдалар. У ҳам бўлса, охиратни эслашдир. Охиратни эслаган одам эса дунёни қўйиб, кўпроқ охират учун ҳаракат қилади.

عَنْ هَانِئٍ مَوْلَى عُثْمَانَ ﷺ قَالَ: كَانَ عُثْمَانُ إِذَا وَقَفَ عَلَى قَبْرٍ بَكَى حَتَّى يَبُلَّ لِحْيَتَهُ، فَقِيلَ لَهُ: تُذْكَرُ الْجَنَّةُ وَالنَّارُ فَلَا تَبْكِي وَتَبْكِي مِنْ هَذَا؟ فَقَالَ: إِنَّ رَسُولَ اللهِ ﷺ قَالَ: «إِنَّ الْقَبْرَ أَوَّلُ مَنْزِلٍ مِنْ مَنَازِلِ الْآخِرَةِ، فَإِنْ نَجَا مِنْهُ فَمَا بَعْدَهُ أَيْسَرُ مِنْهُ، وَإِنْ لَمْ يَنْجُ مِنْهُ فَمَا بَعْدَهُ أَشَدُّ مِنْهُ». قَالَ: وَقَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «مَا رَأَيْتُ مَنْظَرًا قَطُّ إِلَّا الْقَبْرُ أَفْظَعُ مِنْهُ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Усмон розияллоҳу анҳунинг мавлоси Ҳониъдан ривоят қилинади:

«Усмон қачон қабр устига келса, йиғлар, ҳатто соқоллари ҳўл бўлиб кетарди. Бас, унга: «Жаннат ва дўзахни зикр қилинганида йиғламайсиз-у, бунга йиғлайсизми?» дейилди.

Шунда у деди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, қабр охиратнинг манзилларидан аввалгисидир. Ундан нажот топса, ундан кейингилари ундан осондир. Агар ундан нажот топмаса, ундан кейингиси ундан кўра шиддатлидир», деганлар.

Яна Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қанча даҳшатли манзара кўрган бўлсам, қабр ҳаммасидан кўра даҳшатлироқдир», деганлар».

Термизий ривоят қилган.

Ушбу ривоятда бизга Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу қабр зиёратидан ибрат олишнинг олий намунасини ўрнак қилиб кўрсатмоқдалар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг айтган ҳадисларини қандай эслаш керак, уларни қанчалик англаш ва ҳис этиш, улардан қанчалик таъсирланиш ва уларга қанчалик амал қилиш намуналарини кўрсатмоқдалар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари гапириб юриш учун, эшитиш учун, ўқиб қўйиш ёки ёзиб қўйиш учунгина эмас, асосан уқиш, англаш, ҳис этиш, амал қилиш учун, қисқаси, яшаш учун улкан восита эканини тушунган инсонгина юқоридаги каби ҳолатни ҳис этиши мумкин.

Ҳазрати Усмон ҳар қачон қабрни кўрсалар, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан қабр тўғрисида эшитганларини эслаб, йиғлайвериб, соқоллари ҳам ҳўл бўлиб кетар экан. Пайғамбаримизнинг куёвлари, жаннатнинг башоратини олган ўн нафар одамдан бири, учинчи халифа шунчалик таъсирланар экан.

Хўш, биз-чи? Биз нима қилмоқдамиз? Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қайси ҳадисларини эслаб кўзимиздан ёш чиқади? Қай биримиз бирорта ҳадисдан таъсирланиб, кўз ёшимиз ила юзимизни ювишга яраймиз?

Ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу охиратнинг охирги манзили жаннат ёки дўзахни ўйлаб эмас, балки охиратнинг биринчи манзили бўлган қабрни ўйлаб йиғлар эканлар.

Ҳа, охиратга бориш бир неча манзиллардан иборат. Ўша манзилларнинг биринчиси ва энг аҳамиятлиси

қабр экан. Чунки қабрда иши осон кўчган киши бошқа манзилларда ҳам унча қийналмас экан. Агар, Аллоҳ кўрсатмасин, одам қабрда шиддатга учраса, бошқа манзилларда ундан ҳам қаттиқроқ шиддатга учрар экан.

Ҳа, қабр энг қўрқинчли, энг даҳшатли жой. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам кўп шиддатли жойларни, жумладан, дўзахни ҳам кўрганлар. Ул зотнинг хабар беришларича, ҳеч бир жой қабрчалик қўрқинчли ва даҳшатли эмас экан.

Буни билган, тушуниб етган инсон ҳар қанча йиғласа арзийди. Йиғлаб-йиғлаб, ибрат олиб, қабр қўрқинчи ва даҳшатидан қутулиш учун бу дунёда Аллоҳ таолонинг розилигини топишга, Унинг дини бўлмиш Исломга амал қилишга қаттиқ уринадиган бўлади.

МУРОБАТА

Руҳий тарбия машойихлари нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллаш ишида энг муҳим воситалардан бири «муробата» эканини алоҳида таъкидлайдилар. Уларнинг истилоҳида нафсни Аллоҳ таолонинг тоатида жиловлаш ва яхшиликни лозим тутиб, унда бардавом бўлишга «муробата» дейилади.

Бошқачасига айтганда, нафсни жиловлаш ва уни тергаб туришни тартибли ва давомли равишда йўлга қўйишдир. Бунга мушората, муроқаба, муҳосаба, муоқаба, мужоҳада ва муотаба мақомлари орқали эришилади. Энди мазкур олти мақом билан бирма-бир танишиб чиқайлик.

БИРИНЧИ МАҚОМ
МУШОРАТА

«Мушората» луғатда «икки тарафлама шартлашиш» маъносини англатади. Бу сўз аслида фиқҳ илмига оид

истилоҳ бўлиб, мол эгаси бўлмиш тижоратчининг ўзига шерик танлаб, унга шерикчилиги асосини баён қилувчи шартлар қўйишига айтилади. Бундай шартлашишдан асосий мақсад фойданинг саломатлигини таъминлаш бўлади.

Руҳий тарбия устозлари наздида ақл охират йўлидаги тижоратчи, унинг бу тижоратдан кўзлаган фойдаси нафсни поклашдир. Чунки нафс покланмагунича ютуққа эришиб бўлмайди. Ушбу тижоратда ақл ўзига нафсни шерик қилиб олади. Худди савдодаги тожир ўз шеригини ва хизматчисини ҳисобга тутиб, тергаб тургандек, ақл ҳам нафсни ҳисобга тутиб, тергаб туради, ўзаро шартномани бажаришни талаб қилади.

Ҳар бир мўмин банда Бомдод намозини ўқиб бўлганидан кейин, худди эрталаб сотувчисига савдо молини топшираётган тожирга ўхшаб, нафси билан мушората – шартлашишни янгилаб туриши лозим.

Банда ўз нафсига: «Эй нафс, билиб қўй, менинг умримдан бошқа савдо молим йўқ. Бугун ундан бир бўлагини савдога қўймоқдаман. Унинг фойдасидан умидворман, буни зинҳор унутмагин ва шунга қараб ҳаракат қилгин», демоғи лозим бўлади.

ИККИНЧИ МАҚОМ
МУРОҚАБА

«Муроқаба» зийраклик билан қаттиқ кузатиб боришдир. Нафси билан шартлашган банда уни муроқаба қилиб туриши керак. Нафсни зинҳор муроқабасиз, ўз ҳолига ташлаб қўйиш мумкин эмас. Нафс муроқабасиз қолиши билан йўлдан тояди ва туғёнга кетади. Муроқабани тушуниб етишда ва уни йўлга қўйишда Қуръони Карим оятлари, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадислари бош омил бўлади.

Аллоҳ таоло Нисо сурасида марҳамат қилади:

إِنَّ ٱللَّهَ كَانَ عَلَيْكُمْ رَقِيبًا ﴿١﴾

«Албатта, Аллоҳ устингиздан кузатиб турувчидир» *(1-оят).*

Инсонларни яратган, ҳар бир нарсани билувчи ва кўрувчи Зотнинг Ўзи кузатиб туриши нақадар таъсирчан, нақадар масъулиятли ҳолдир.

Аллоҳ таоло Раъд сурасида марҳамат қилади:

أَفَمَنْ هُوَ قَآئِمٌ عَلَىٰ كُلِّ نَفْسٍۭ بِمَا كَسَبَتْ

«Ҳар бир жоннинг қилган касби устида турувчи Зот ким?» деган *(33-оят).*

Яъни, ҳар бир жоннинг нима қилаётганини билиб, кўриб, кузатиб, ҳисобга олиб турувчи ким? Албатта, Аллоҳ азза ва жалла. Бу ҳақиқатни идрок қилган ҳар бир жон ўзини ўнглаб олиши керак.

عَنْ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ ﷺ، قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ عِنْدَمَا سُئِلَ عَنِ الْإِحْسَانِ: «أَنْ تَعْبُدَ اللهَ كَأَنَّكَ تَرَاهُ، فَإِنْ لَمْ تَرَاهُ فَإِنَّهُ يَرَاكَ». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан эҳсон ҳақида сўралганида: «Аллоҳга худди Уни кўриб турганингдек ибодат қилмоғингдир. Гарчи сен Уни кўрмасанг-да, У сени кўриб туради», дедилар».

Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривоят қилганлар.

Шундан келиб чиқиб, мусулмон одам ҳар лаҳзада Аллоҳ таоло уни кўриб тургандек ихлос билан яшамоғи, У Зотнинг розилигини олишга ҳаракат қилмоғи керак. Агар бу олий мақомга эришишга ожизлик қилса, ҳар лаҳзасини Аллоҳ таоло мени кўриб турибди, деган эътиқод билан ўтказиб, ўшанга яраша ҳаракатда бўлмоғи лозим. Ана ўшандагина эҳсоннинг қуйи даражасига эришади.

Ривоят қилинишича, машойихлардан бирининг ёш шогирди бор эди. Шайх уни эҳтиром қилар ва бошқалардан устун қўяр эди. Шогирдларидан бири: «Бу ёш болани шунчалик ҳам ҳурмат қиласизми, ахир биз машойихларимиз-ку?!» деди. Шайх уларни тўплаб, қўлларига биттадан қуш ва пичоқ бериб, ҳар ким уни ҳеч ким кўрмайдиган жойда сўйиб келишини буюрди.

Бир оздан кейин ҳамма ўзига берилган қушни сўйиб келди. Фақат ёш шогирдгина қўлида тирик қуш билан турарди. Шайх ундан: «Сен қушни нимага сўймадинг?» деб сўради.

«Мен ҳеч ким кўрмайдиган жойни топа олмадим. Қаерга борсам, Аллоҳнинг назар солиб турганини билдим», деди.

Шунда катта ёшли шогирдлар, бу боланинг ҳақиқатан ҳам ҳурматга сазовор эканини тан олишди.

Банда ўзининг ҳар бир ҳолатини Аллоҳ таоло кўриб турганини ҳис этиб, яхши амалларни қилса ва ўзини одоб доирасида тутса, муроқабага амал қилган бўлади. Мисол учун, ўтирганда, ухлаганда ёки қазои ҳожатга борганда ният билан исломий одобларга риоя қилса, муроқабага амал қилган бўлади.

Бандaнинг тоатда тургандаги муроқабаси ихлос қилиш, тоатни мукаммал ва гўзал тарзда адо этиш ила бўлади.

Маъсиятда тургандаги муроқабаси тавба, надомат чекиш, маъсиятдан ажраб чиқиш, уялиш ва мазкур маъсиятга қайтмасликка азму қарор қилиш ила юзага келади.

Банданинг мубоҳ нарсалардаги муроқабаси одобга риоя қилиш, неъмат берувчининг фазлини тан олиш ва неъматга шукр қилиш ила пайдо бўлади.

Киши ўзининг барча ҳолатларида ҳам сабр қилиш лозим бўлган синовдан ёки шукр қилиш лозим бўлган неъматдан холи бўлмайди. Булар ҳам муроқаба ҳисобланади. Балки банда ўзининг барча ҳолатида унга фарз қилиниб, адо этиш лозим бўлган нарсалардан, ман қилиниб, тарк этиш лозим бўлган нарсалардан, мандуб қилиниб, Аллоҳ таолонинг мағфиратига тезроқ етишга ва бошқа бандалар билан мусобақалашишга қизиқтирилган нарсалардан, мубоҳ бўлиб, банданинг жисмига ва қалбига фойдаси, тоатига ёрдами бор нарсалардан ажрамаган ҳолда бўлади.

Бу нарсаларнинг барчасининг ўз чегараси бор. Давомли муроқаба ила уларнинг риоясини қилиб туриш керак.

Аллоҳ таоло Талоқ сурасида марҳамат қилади:

وَمَن يَتَعَدَّ حُدُودَ ٱللَّهِ فَقَدْ ظَلَمَ نَفْسَهُۥ

«Ким Аллоҳнинг чегараларидан чиқса, ҳақиқатан, ўзига ўзи зулм қилибди» *(1-оят).*

Банда ушбу нарсаларда доимий равишда ўзини ўзи кузатиб туриши лозим. Агар фарзларни адо қилиб бўлса ва фазилатли ишларга қудрати етса, энг афзал амални танлаб адо этсин.

Ким имкони бўлиб туриб ортиқча фойдани ўтказиб юборса, ғурурга кетган бўлади. Фойдалар эса фазилатларни жамлаш ила кўпаяди.

УЧИНЧИ МАҚОМ
МУҲОСАБА

Муҳосаба – амалдан сўнг нафсни ҳисоб-китоб қилишдир. Нафсни тергаб туриш ўта фазилатли ишдир. Бу ишга Аллоҳ таоло амр қилган.

Аллоҳ таоло Ҳашр сурасида марҳамат қилади:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ ٱتَّقُواْ ٱللَّهَ وَلۡتَنظُرۡ نَفۡسٞ مَّا قَدَّمَتۡ لِغَدٖۖ

«Эй иймон келтирганлар! Аллоҳга тақво қилинглар! Ҳар бир жон эртанги кун учун нима тақдим қилганига назар солсин» *(18-оят)*.

«Эртанги кун»дан мурод, қиёмат. Қиёмат нисбатан жуда яқин вақт, шунинг учун ҳам у «эрта» дейилади. Демак, ҳар бир инсон қиёмат куни учун нима иш қилганини ўйлаб қўйиши керак.

Албатта, қиёмат куни мол-дунё, мансаб, насаб, ёрдўст ёрдам бера олмайди, балки иймон, Ислом ва қилинган яхши амаллар ёрдам беради. Шунинг учун ҳар бир одам қиёматга тайёргарлигини кўриб қўйиши керак.

Бунда ўтган ишларни ҳисоб-китоб қилиб туришга амр бор. Шунинг учун ҳам ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу: «Ҳисоб-китоб қилинишингиздан олдин ўзингизни ўзингиз ҳисоб-китоб қилинг. Амалларингиз тортилишидан олдин ўзингиз тортинг», деган.

Аллоҳ таоло Нур сурасида марҳамат қилади:

وَتُوبُوٓاْ إِلَى ٱللَّهِ جَمِيعًا أَيُّهَ ٱلۡمُؤۡمِنُونَ لَعَلَّكُمۡ تُفۡلِحُونَ ٣١

«Барчангиз Аллоҳга тавба қилинг, эй мўминлар! Шоядки, зафар топсангиз» *(31-оят)*.

Тавба хато ва айб саналган амални қилиб бўлгандан кейин унга афсус-надомат чекишдан бошланади.

عَنِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا: أَنَّ رَسُولَ اللهِ ﷺ قَالَ: «يَا أَيُّهَا النَّاسُ تُوبُوا إِلَى اللهِ، فَإِنِّي أَتُوبُ فِي الْيَوْمِ إِلَيْهِ مِائَةَ مَرَّةٍ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй одамлар! Аллоҳга тавба қилинглар! Мен ҳар куни Унга юз марта тавба қиламан», дедилар».

Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

عَنِ الْأَغَرِّ الْمُزَنِيِّ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِنَّهُ لَيُغَانُ عَلَى قَلْبِي، وَإِنِّي لَأَسْتَغْفِرُ اللهَ فِي الْيَوْمِ مِائَةَ مَرَّةٍ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ.

Ағарр ал-Музаний розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, қалбимни булут босади. Ва албатта, мен Аллоҳга бир кунда юз марта истиғфор айтаман», дедилар».

Муслим ва Абу Довуд ривоят қилишган.

Аллоҳ таоло Аъроф сурасида марҳамат қилади:

إِنَّ ٱلَّذِينَ ٱتَّقَوْا۟ إِذَا مَسَّهُمْ طَٰٓئِفٌ مِّنَ ٱلشَّيْطَٰنِ تَذَكَّرُوا۟ فَإِذَا هُم مُّبْصِرُونَ ﴿٢٠١﴾

«Қачон тақво қилувчиларга шайтондан бир шарпа етса, улар албатта зикр қиларлар, бас, қарабсанки, улар кўрувчи бўлиб турибдилар» *(201-оят).*

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу кеч кирса, ўз оёғига дарра билан ура туриб: «Бугун нима иш қилдинг?» дер экан.

Маймун ибн Меҳрон дейди: «Ўзини ўзи шеригидан кўра қаттиқроқ тергамаган одам тақводорлардан бўла олмайди. Ишни қилиб бўлгандан кейин шериклар бир-бирларини тергайдилар-ку!»

Абдуллоҳ ибн Саломнинг бир боғлам ўтин орқалаб кетаётганини кўрганлар: «Эй Абу Юсуф! Болаларинг ва ғуломларинг кўтарса ҳам бўларди-ку?» дедилар.

«Нафсимни текшириб кўрмоқчи бўлдим, қани, ёқтирармикан ёки йўқми» деди у.

Ҳасан Басрий: «Мўмин киши ўз нафсини Аллоҳ таоло учун тергаб туради. Бу дунёда ўзларини тергаб турган қавмларнинг у дунёда ҳисоби осон бўлади. Бу дунёда ишни ҳисоб-китобсиз қилганларнинг ҳисоби қиёмат куни машаққатли бўлади», деган.

«Ва маломатчи нафс билан қасам» оятининг тафсирида Ҳасан: «Мўминнинг фақат нафсини маломат қилиб турганини кўрасан: "Бу сўзим ила нимани ирода қилдим?», «Бу еганим ила нимани ирода қилдим?», «Бу ичганим ила нимани ирода қилдим?..» Фожир эса ўзини ўзи тергамай кетаверади», деган.

АМАЛДАН КЕЙИН ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШНИНГ МОҲИЯТИ

Куннинг аввалида банданинг нафси билан яхшилик қилишга шартлашиб оладиган вақти бўлганидек, куннинг охирида қилинган ишларни ҳисоблашиб оладиган вақти ҳам бўлиши керак. Бу худди савдогарларнинг шериклари билан ҳар йил, ой, ҳафта ёки кун охирида дунё ҳирсида қиладиган ҳисоб-китобига ўхшайди. Улар буни беш кунлик дунё учун келадиган фойдани қўлдан чи-

қариб юбормаслик учун қиладилар. Бас, шундай экан, нима учун оқил абадийлик учун бўладиган фойдани кўзлаб ўз нафсини тергамаслиги керак?!

Савдогар шериги билан ҳисоб-китоб қилганида сармоя, фойда ва зарарга назар солади. Агар фойда кўрган бўлса, шеригига раҳмат айтади. Зарар кўрса, унга тўлаб беришни ва бундан кейин бу ишга йўл қўймаслигини таъкидлайди.

Шунга ўхшаш, банданинг динидаги сармояси фарзлардир. Фойдаси эса нафллар ва фазилатлардир. Зарари эса маъсиятлардир. Ушбу тижоратнинг мавсуми кундуз кунидир.

Банда аввал нафсини фарзлар бўйича тергайди. Агар уларни яхшилаб адо этган бўлса, Аллоҳ таолога шукрлар қилади ва нафсини шунга ўхшаш ишларни кўп қилишга тарғиб қилади. Агар бирор фарзни ўтказиб юборган бўлса, қазосини бажаришга шошилади. Агар уни нуқсонли адо этган бўлса, кўпроқ нафл ибодатлари ила ўрнини тўлдиришга ҳаракат қилади. Агар маъсият қилган бўлса, нафсни жазолайди, азоблайди ва бошқа чораларни кўради. Хулласи калом, банда ўзи қиладиган каттаю кичик ҳар бир ишида нафсини тергаб туриши лозим.

ТЎРТИНЧИ МАҚОМ
МУОҚАБА

Муоқаба – нафсни камчилиги учун жазолаш.

Инсон нафсини қанчалик тергамасин, барибир баъзи маъсиятлардан ва камчиликлардан четланиб қола олмайди. Шунинг учун у нафсини ўз ҳолига ташлаб қўймаслиги лозим. Акс ҳолда нафси ўрганиб қолиб, кўз юммай гуноҳ қилишга одатланади. Бунинг оқибати эса ҳалокат билан тугаши мумкин.

Шунинг учун ҳар бир банда ўз нафсини камчилиги учун жазолаб туриши керак. Агар шубҳали бир луқмани иштаҳа билан еб қўйса, қорнини очлик билан жазоласин. Агар номаҳрамга назар солиб қўйса, назарини қарашдан ман қилиш ила жазоласин. Шу тарзда ўзининг ҳар бир аъзосини унинг шаҳватига қарши жазолайди.

Ҳар бир киши ўз фарзандлари, аҳли-аёли, ишчилари ёки қарамоғидагиларни йўл қўйган хатолари, камчилик ва нуқсонлари учун жазолашни дарҳол йўлга қўяди. Агар вақтида жазоламаса, ўзбошимча бўлиб, гапига кирмай қўйишидан қўрқади.

Бас, шундай экан, нима учун дунё ва охират бахтсизлигига олиб бориши мумкин бўлган нафсимизни жазоламаслигимиз керак?

БЕШИНЧИ МАҚОМ
МУЖОҲАДА

Бу мақомда ўз нафсини тергаган одам унинг маъсият қилганини кўрса, юқорида айтиб ўтилган азоблар билан жазолайди.

Агар дангасалик туфайли баъзи фазилатли ишларни ёки вирдларни озроқ қилган бўлса, нафсига баъзи вирдларни кўпайтириш ёки турли оғир вазифаларни юклаш билан одоб беради. Аллоҳ таолонинг розилигини кўзлаган обидлар шундай қилар эдилар.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу бир марта аср намозини жамоат билан ўқий олмай қолганида нархи икки юз минг дирҳам бўлган ерини садақа қилган.

У киши розияллоҳу анҳу қай бир намозни жамоат билан ўқий олмай қолса, ўша кечаси ухламай намоз ўқиб чиқар эди. Бир куни шом намозини кечикиб, иккита юлдуз чиққанида ўқиди ва шу камчилик учун иккита қулни озод қилди.

Нафси доимий равишда вазифаларни бажаришга чидамайдиган одамлар бу нуқсонни йўқотиш учун катта мужтаҳидларнинг ҳикояларини ўргансин, улардан ўрнак олсин. Яна солиҳ кишидан муносибини топиб, шогирд тушсин ва ўша кишидан маслаҳат ҳамда ўрнак олсин.

Абу Дардо розияллоҳу анҳу айтади: «Агар уч нарса бўлмаганида, бир кун ҳам яшашни истамасдим: кундузи Аллоҳ учун чанқаш, кечаси Аллоҳга сажда қилиш ва худди хурмонинг яхшиси танлаб олинганидек, сўзнинг яхшисини танлаб гапирадиган қавмларнинг суҳбати».

Робийъ ибн Хайсамнинг қизи: «Отажон! Нима учун одамларнинг ухлаганини кўраман-у, сизнинг ухлаганингизни кўрмайман?» деганида, у: «Қизгинам! Отанг тунгги ҳужумдан қўрқади», деб жавоб берган экан.

Обидлардан бири қуйидагиларни айтади: «Иброҳим ибн Адҳамнинг ҳузурига борсам, энди хуфтонни ўқиб бўлган экан. Мен уни кузатиб турдим. У ўзини бир ридога ўради. Кейин ёнбошлаб, кечаси билан тонг отгунча бирор марта қимирлаб ҳам қўймади. Муаззин азон айтди. У таҳорат қилмади. Бу менда шубҳа туғдирди ва унга: «Аллоҳ сенга раҳм қилсин. Кечаси билан ёнбошлаб ухлаб чиқдинг. Аммо таҳоратингни янгиламадинг?» дедим.

«Кечаси билан аҳёнда жаннат боғларини кезиб, аҳёнда дўзах водийларида юриб чиқдим. Бундай ҳолатда уйқу бўладими?» деди у.

ОЛТИНЧИ МАҚОМ
МУОТАБА

Муотаба – нафсни қўрқитиб туриш.

Нафснинг ёмонликка чорлаб, гуноҳга интилиб туриши бор ҳақиқат. Шунинг учун уни доимий равишда бундай ишлардан қўрқитиб туриш керак бўлади. Гуноҳлар бу дунё ва охиратда жуда оғир оқибатларга олиб ке-

лиши ҳақиқат эканини нафсига эслатиб, уни қўрқитиб турган банда муотабани ўрнига қўйган бўлади.

НАФС ПОКЛИГИНИНГ МОҲИЯТИ

Нафсни поклаш уни ширкдан ва ундан ажраб чиқадиган ифлосликлардан поклаш демакдир. Бу ишни ҳақиқатга чиқариш эса тавҳид ва унинг шўъбалари ила бўлади.

Нафснинг ахлоқланиши Аллоҳ таолога ва У Зотнинг гўзал исмларига нисбатан комил бандалик ила бўлади. Энг асосий омиллардан бири ишларнинг барчасида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга иқтидо қилишдир.

Бу масалани тўлиқроқ англаш учун қуйидаги ояти каримага тааммул ва тадаббур ила назар ташлайлик.

Аллоҳ таоло Нур сурасида марҳамат қилади:

وَلَوْلَا فَضْلُ ٱللَّهِ عَلَيْكُمْ وَرَحْمَتُهُۥ مَا زَكَىٰ مِنكُم مِّنْ أَحَدٍ أَبَدًا وَلَٰكِنَّ ٱللَّهَ يُزَكِّى مَن يَشَآءُ ۗ وَٱللَّهُ سَمِيعٌ عَلِيمٌ ﴿٢١﴾

«Агар сизларга Аллоҳнинг фазли ва марҳамати бўлмаганида абадул-абад ичингиздан бирор киши поклана олмас эди. Лекин Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишини поклар. Аллоҳ ўта эшитувчидир, ўта билувчидир» *(21-оят).*

Бу ояти карима Оиша онамизга қарши уюштирилган «ифк» ҳодисасидан ҳамда мўминлар ичида фаҳш ишларни тарқатишдан, шайтоннинг изидан эргашишдан ман қилувчи оятлардан кейин ва

وَلَا يَأْتَلِ أُو۟لُوا۟ ٱلْفَضْلِ مِنكُمْ وَٱلسَّعَةِ أَن يُؤْتُوٓا۟ أُو۟لِى ٱلْقُرْبَىٰ وَٱلْمَسَٰكِينَ وَٱلْمُهَٰجِرِينَ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ ۖ وَلْيَعْفُوا۟ وَلْيَصْفَحُوٓا۟ ۗ أَلَا تُحِبُّونَ أَن يَغْفِرَ ٱللَّهُ لَكُمْ ۗ وَٱللَّهُ غَفُورٌ رَّحِيمٌ ﴿٢٢﴾

«Сизлардан фазл ва бойлик эгаси бўлганлар яқин қариндошларга, мискинларга ва Аллоҳнинг йўлида муҳожир бўлганларга (нафақа) **бермасликка қасам ичмасинлар, бас, афв этсинлар, ўтиб юборсинлар. Аллоҳнинг сизларни мағфират қилишини севмайсизларми?!»** оятидан олдин нозил бўлган.

Ушбу омиллар мажмуасидан қуйидагиларни мулоҳаза қилишимиз мумкин:

1. Нафсни поклаш йўлида Аллоҳ таолонинг фазли бўлмаса, енгиб бўлмайдиган тўсиқлар бор. Шунинг учун аввало жиддий ҳаракат қилиш ва энг муҳими, бу оғир ишда фақат Аллоҳ таолога суяниб, У Зотдан ёрдам сўраб туриш лозим.

Имом Муслим ва Насоий ривоят қилишган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«اللَّهُمَّ آتِ نَفْسِي تَقْوَاهَا، وَزَكِّهَا أَنْتَ خَيْرُ مَنْ زَكَّاهَا، أَنْتَ وَلِيُّهَا وَمَوْلَاهَا».

«Аллоҳим! Нафсимга тақвосини бергин ва уни поклагин! Сен уни энг яхши покловчисан! Сен унинг валийси ва хожасисан!» деганлар.

2. Нафсни поклашда афв қилиш ва ёмонлик қилганларга кечиримли бўлиш ҳам муҳим ўрин тутади.

3. Шайтоннинг изидан эргашмаслик ҳам нафсни поклашдандир. Чунки у доимо фаҳш ва мункар ишларга чақиради.

Демак, қалбни поклаш фаҳш ва мункар ишлардан четда бўлиш ва шайтонга эргашмаслик билан ҳам ҳосил бўлади. Шайтонга эргашишнинг биринчи қадамлари ҳасад ва кибрдан иборат.

Шайтон Одамга берилган мартабага ҳасад қилиб, унга сажда қилишда кибрга кетиб, ўз осийлигини бошлаган.

4. Мўминлар ичида бузуқликлар тарқатишни хуш кўрмаслик ва қилмаслик ҳам қалбни поклаш йўлида хизмат қилади.

5. Тилни бировларнинг обрўсини тўкишдан тийиш. Одамларга озор берадиган ҳар қандай гап-сўзларда иштирок этмаслик.

ШАЙТОННИНГ ҚАЛБГА ЙЎЛ ОЛИШИНИ ТЎСИШ

Одам боласига шайтоннинг таъсири бўлиши шубҳасиз. Фақат Аллоҳ таоло сақласагина, бу нарса бўлмайди. Шайтон инсонга унинг заиф томонларидан таъсир қилиш учун ҳаракатда бўлиши ҳам аниқ.

Шунинг учун ҳам нафсни поклаш масаласида қалбга шайтон таъсир кўрсатадиган йўлларни билиш катта аҳамият касб этади.

Инсоннинг қалби худди қўрғонга ўхшайди. Шайтон ўша қўрғонга кириб, уни эгаллаб олишга ҳаракат қилади. Мазкур қўрғонни душмандан ҳимоя қилиш учун унинг эшик, дераза ва тешикларини яхши билиш лозим. Уларни яхши билмагунча қўрғонни ҳимоя қилиб бўлмайди.

Қалбни шайтоннинг васвасасидан ҳимоя қилиш вожиб. Бу иш ҳар бир мукаллаф бандага фарзи айндир. «Вожибга етиш учун керак бўладиган нарса ҳам вожибдир», деган қоида бор. Шайтондан қалбни ҳимоя қилиш унинг кириш жойларини билиш керак бўлгани учун, мазкур кириш жойларини билиш иши ҳам вожиб бўлади.

Шайтоннинг қалбга кириш йўллари банданинг сифатлари бўлиб, улар кўпчиликни ташкил қилади. Биз мазкур эшикларнинг энг катталари ҳақида сўз юритамиз.

1. Ғазаб ва шаҳват.

Ғазаб ақлнинг кишанидир. Ақлнинг аскари заиф бўлса, шайтоннинг аскари кучли бўлади. Инсон қанча

кўп ғазабланса, шайтон уни худди ёш бола тўпни ўйнагандек қилиб ўйнашга ўтади.

2. Ҳасад ва ҳирс.

Банданинг бирор нарсага ҳирс қўйиши қанчалик кучли бўлса, ўша ҳирси уни шунчалик кўр ва кар қилади.

Зотан, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Нарсага бўлган муҳаббатинг кўр ва кар қилур», деганлар.

Термизий ва Абу Довуд ривоят қилишган.

Шайтоннинг кириш жойлари қалб кўзларининг нури ила кўрилади. Агар ўша кўзларни ҳирс ва ҳасад беркитиб қолса, кўриб бўлмай қолади. Ана ўшанда шайтон фурсатни ғанимат билиб, ҳасадчи ва ҳирсли одамга шаҳватга эриштирадиган ҳар бир нарсани чиройли кўрсатиш пайидан бўлади.

3. Таомдан ортиқча тўйиш.

Бунда таом ҳалол, пок бўлиши ҳам мумкин. Чунки таом шаҳватни кучайтиради. Шаҳватлар эса шайтоннинг қуролларидир. Кўп ейишда олти ёмон хислат борлиги таъкидланади.

1) Қалбдан Аллоҳнинг хавфи кетиши.

2) Қалбдан халойиққа нисбатан раҳмнинг кетиши. Чунки у ҳаммани тўқ деб ўйлайди.

3) Тоатни оғир кўриб қолиш.

4) Ҳикматли сўзни эшитганда, таъсирланмаслик.

5) Мавъиза ва ҳикматли сўзларни гапирса, одамларга таъсир қилмаслиги.

6) Турли хасталикларнинг келиб чиқиши.

4. Кийим-кечак, асбоб-анжом ва уй-жойда зебу зийнатга ружу қўйиш.

Қачон шайтон инсон қалбида мазкур ҳолларнинг ўрчиганини кўрса, дарҳол тухум қўйиб, болалайди. Маз-

кур одамни уй-жойини зийнатлашга чақиради: «Шифтни яхшила, деворларни чиройли қил, хоналарни кенгайтир», дейди.

Шунингдек, «Кийимларингни қойилмақом қил, уловнинг ҳеч кимда йўғини топ», дейди. Қарабсизки, умрини шундай ишлар билан ўтказиб турибди. Бу ҳол давом этаверса, оқибатда банда куфрга бориши ҳам мумкин.

5. Одамлардан тамагир бўлиш.

Чунки қалбга тамагирлик ғолиб бўлса, шайтон унга тинимсиз равишда кимдан тама қилаётган бўлса, ўшанинг олдида турли риё ва ҳийла-найранглар билан жилваланишни чиройли кўрсатади.

Энг камида у ўзи тамагирлик қилаётган одамини ўринсиз мақташга ўтади. Унинг розилигини топиш учун ҳар қандай гуноҳни қилишга тайёр бўлади.

6. Шошқалоқлик ва ишларда аниқликни тарк қилиш.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ ﷺ: أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ قَالَ: «التَّأَنِّي مِنَ اللهِ، وَالْعَجَلَةُ مِنَ الشَّيْطَانِ». رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Шошмаслик Аллоҳдандир ва шошқалоқлик шайтондандир», дедилар».

Байҳақий ривоят қилган.

Аллоҳ таоло Анбиё сурасида марҳамат қилади:

خُلِقَ ٱلْإِنسَٰنُ مِنْ عَجَلٍ

«Инсон шошқалоқ ўлароқ яратилгандир» *(37-оят).*

Аллоҳ таоло Исро сурасида марҳамат қилади:

وَكَانَ ٱلْإِنسَٰنُ عَجُولًا ﴿١١﴾

«Инсон шошқалоқ бўлгандир» *(11-оят).*

Аллоҳ таоло Тоҳа сурасида марҳамат қилади:

وَلَا تَعْجَلْ بِٱلْقُرْءَانِ مِن قَبْلِ أَن يُقْضَىٰٓ إِلَيْكَ وَحْيُهُۥ

«Сенга ваҳийси битмасидан, Қуръонга ошиқма» *(114-оят).*

Чунки ҳар қандай ишга уни яхшилаб ўрганиб, билгандан кейингина киришиш лозим. Яхшилаб ўрганиш эса тааммулга ва муҳлатга муҳтождир. Бу нарса шошқалоқлик билан бўлмайди. Шошқалоқлик инсонни пала-партиш иш қилишга мажбур этади.

7. Мол-дунё муҳаббати.

Керагича мол-дунёси бор одамнинг қалби хотиржам бўлади. Аммо ортиқча моли бор одамнинг ҳоли бошқача бўлади. У борига яна қўшиш пайига тушади. Унинг асосий мақсади мингини миллионга кўпайтириш бўлиб қолади. Шу тариқа мол-дунёнинг қулига айланади.

8. Бахиллик ва камбағалликдан қўрқиш.

Мазкур сифатлар хайр-эҳсон ва нафақадан қайтаради ва тўплаб, жамлашга ружу қўйишга ундайди. Бу ишларни қилганларга эса аламли азоблар ваъда қилинган.

Суфён раҳматуллоҳи алайҳи:

«Шайтоннинг камбағалликдан қўрқитишдек кучли силоҳи йўқ. Агар банда ўшани ундан қабул қилса, ботилга ўзини уради, ҳақни ман қилади, ҳаводан гапиради ва Робби ҳақида ёмон гумонда бўлади», деган.

9. Фирқа ва тоифаларга мутаассиблик ҳамда ўзига қаршиларга ҳиқд қилиш ва паст назар билан қараш.

Бу нарса обидларни ҳам, фосиқларни ҳам баробар ҳалокатга олиб боради. Одамларни айблаш ва уларнинг камчилигини топиш ила машғул бўлиш йиртқичлик сифатларидан биридир.

Агар шайтон ундай инсонга ўша ишни ҳақ деб зийнатлаб қўйса борми, ҳамма нарсани бир четга йиғиштириб қўйиб, барча имкониятини ўша ишга сарфлайдиган бўлади. У бундан хурсанд ва масрур бўлади. Ўзи шайтонга малайлик қилаётган бўлса ҳам, дин учун хизматдаман, дея мағрур юради.

Шайтон мутаассибларнинг баъзи ҳаддан ошганларига: «Фалон нарсанинг муҳаббатида ўлган одам жаннатга киради», деган бўлса, ўшани маҳкам ушлаб олиб юраверади.

Ҳолбуки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Фотимаи Заҳрога: «Амал қил, мен сендан Аллоҳ таолодан бўладиган бирор нарсани беҳожат қила олмайман», деганлар.

10. Илмсиз кишиларни Аллоҳ таолонинг зоти ва сифати ҳақида тафаккур қилишга мажбурлаш.

Бунда улар ақллари етмайдиган нарсага уриниб, динда шакка тушадилар ва турли хаёлларга борадилар. Улар бидъатга берилиб, диндан чиқишлари ҳам мумкин.

Аслида эса ўзини энг ақлли деб юрганларнинг кўпчилиги аҳмоқнинг каттаси бўлади.

11. Мусулмонлар ҳақида ёмон гумонда бўлиш.

Аллоҳ таоло Ҳужурот сурасида марҳамат қилади:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ ٱجْتَنِبُواْ كَثِيرًا مِّنَ ٱلظَّنِّ إِنَّ بَعْضَ ٱلظَّنِّ إِثْمٌ

«Эй иймон келтирганлар! Кўп гумонлардан четда бўлинглар, чунки баъзи гумонлар гуноҳдир» *(12-оят).*

Ўйлаб кўрилса, ўзаро низолар ва келишмовчиликлар кўпинча бир-биридан ёмон гумон қилишдан келиб чиқади. Ундан четда бўлиш учун доимо кишилар ҳақида яхши гумонда бўлиш, улар ҳақида етган хабарларни яхшиликка йўйиш керак.

Бу ҳақда ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу: «Агар яхшиликка буришнинг биргина йўли бўлса ҳам, мўмин биродарингдан чиққан сўзни фақат яхшиликка бур», деган эканлар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِيَّاكُمْ وَالظَّنَّ، فَإِنَّ الظَّنَّ أَكْذَبُ الْحَدِيثِ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Зинҳор ва зинҳор бадгумон бўлманглар. Чунки бадгумонлик сўзнинг энг ёлғонидир», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

عَنْ مُعَاوِيَةَ ﷺ أَنَّهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «إِنَّكَ إِنْ تَتَبَّعْتَ عَوْرَاتِ النَّاسِ أَفْسَدْتَهُمْ».

Муовия розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар одамларнинг айбини ахтарадиган бўлсанг, уларни бузасан», дедилар».

قَالَتْ صَفِيَّةُ: كَانَ رَسُولُ اللهِ ﷺ مُعْتَكِفًا فَأَتَيْتُهُ أَزُورُهُ لَيْلًا فَحَدَّثْتُهُ، ثُمَّ قُمْتُ فَانْقَلَبْتُ، فَقَامَ مَعِي لِيَقْلِبَنِي، وَكَانَ مَسْكَنُهَا فِي دَارِ أُسَامَةَ بْنِ زَيْدٍ، فَمَرَّ رَجُلَانِ مِنَ الْأَنْصَارِ، فَلَمَّا رَأَيَا النَّبِيَّ ﷺ

أَسْرَعَا، فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «عَلَى رِسْلِكُمَا، إِنَّهَا صَفِيَّةُ بِنْتُ حُيَيٍّ». قَالَا: سُبْحَانَ اللهِ يَا رَسُولَ اللهِ، قَالَ: «إِنَّ الشَّيْطَانَ يَجْرِي مِنَ الْإِنْسَانِ مَجْرَى الدَّمِ، فَخَشِيتُ أَنْ يَقْذِفَ فِي قُلُوبِكُمَا شَيْئًا - أَوْ قَالَ: شَرًّا -». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا التِّرْمِذِيَّ.

Сафийя розияллоҳу анҳо айтди:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам эътикофда ўтирган эдилар. Кечаси у зотни зиёрат қилишга келдим ва у зот билан гаплашдим. Кейин туриб, ортимга қайтдим. У зот мени кузатиб қўйиш учун мен билан бирга турдилар. – Унинг (Сафийянинг) маскани Усома ибн Зайднинг ҳовлиси ўрнида эди. – Шу пайт ансорлардан икки киши ўтиб қолди. Улар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни кўриб, тезлаб кетишди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Шошманглар! Бу Сафийя бинт Ҳуяй», дедилар. Улар: «Субҳаналлоҳ, эй Аллоҳнинг Расули!..» дейишди. У зот: «Шайтон инсоннинг қонюрар жойида юради. Мен қалбларингизга шайтон бирор нарса [ёки ёмонлик] солиб қўйишидан қўрқдим», дедилар».

Бешовларидан фақат Термизий ривоят қилмаган.

Кишилар кўнглига ёмон гумон келтириши мумкин бўлган ишларда қанчалик эҳтиёт бўлиш лозимлигини кўрдингизми?! Ҳалиги икки киши Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қоронғида аёл киши билан турганларини кўриб, ҳар хил хаёлга боришмасин деб, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бу аёл хотинлари эканини айтиб қўйдилар.

Мўмин банда ёмон гумондан ниҳоятда эҳтиёт бўлиши лозим. Ким одамлардан ёмон гумонда бўлса, ўша

одамнинг кўнгли бузуқ бўлади. Мўмин доимо узр истайди, мунофиқ эса айб истайди. Мўмин барча халойиққа нисбатан кўнгли пок бўлади. Мунофиқ эса унинг тескариси бўлади.

Юқорида зикр қилинган сифатлар шайтон учун инсон қалбига йўл очадиган нарсалардир. Уларнинг ҳаммасини санаб ўтиш ҳам қийин. Одам боласидаги ҳар бир ёмон сифат шайтон учун қуролдир, унинг қалбига кириш эшигидир.

Бас, шундай экан, мурид шайтон кириши мумкин бўлган ўша эшикларнинг барчасини мазкур ёмон сифатлардан қалбини поклаш йўли билан беркитиши лозим. Ана ўшанда шайтон мурид қалбига кириб, қарор топа олмай қолади. Фақат баъзи кичик уринишлари қолиши мумкин. Бу кичик уринишлар эса Аллоҳ таолонинг зикри ила тўсилади.

Чунки ҳақиқий зикр фақатгина қалб тақво ила обод бўлганидан ва ёмон сифатлардан покланганидан сўнггина юзага келади. Қалбга таъсири ўтмайдиган зикр, қуруқ гап ўлароқ, шайтонни ҳам даф қилишга ярамайди.

Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло Аъроф сурасида марҳамат қилади:

إِنَّ ٱلَّذِينَ ٱتَّقَوْا۟ إِذَا مَسَّهُمْ طَٰٓئِفٌ مِّنَ ٱلشَّيْطَٰنِ تَذَكَّرُوا۟ فَإِذَا هُم مُّبْصِرُونَ ﴿٢٠١﴾

«Қачон тақво қилувчиларга шайтондан бир шарпа етса, улар албатта зикр қиларлар, бас, қарабсанки, улар кўрувчи бўлиб турибдилар» *(201-оят).*

Агар қалбда шайтонга қут бўладиган нарса бўлмаса, у зикрнинг ўзи билан ундан узоқлашади. Агар қалбда шаҳватлар жойлашган бўлса, ундан шайтонни даф қилишга зикрнинг кучи етмайди.

Ёмон сифатлар ва ҳавойи нафсдан холи бўлган тақводор қалбларга шайтон шаҳватлар туфайли эмас, зикрдан ғофил бўлгани учун хуруж қилади. Агар бундай қалбнинг эгаси зикр қилса, шайтон дарҳол чекинади.

НАФС РИЁЗАТИ ВА ХУЛҚНИ САЙҚАЛЛАШ

Руҳий тарбия илмида «риёзат» деб нафсни чиниқтириш мақсадида нафсни Аллоҳнинг тоатида чиниқтиришга айтилади.

Гўзал хулқ анбиёлар ва сиддиқларнинг сифатидир. Ёмон хулқлар заҳри қотилдир. Улар ўз эгасини шайтоннинг йўлига ва обрўни тўкадиган абадий хасталикларга бошлайди. Шунинг учун иллатни аниқлаб, уни даволаш учун енг шимариш лозим бўлади.

Тазкиятун нафс – нафсни поклаш, ўстириш, тарбиялаш, яъни нафснинг турли дард ва офатлардан поклaниши, унинг мақомотларга эришиши ва олий сифатлар ила зийнатланишидир. Нафснинг тазкияси уч омилга боғликдир:

Биринчи омил – мазкур хасталиклардан даволаниш.

Иккинчи омил – маълум мақомотларни рўёбга чиқариш.

Учинчи омил – маълум исм ва сифатлар ила хулқланиш.

«Руҳий тарбия» деб номланган ушбу китобимизнинг биринчи жузи «Покланиш» деб аталган ва нафс тарбиясининг мазкур уч омилидан биринчиси – турли нафс хасталикларидан даволанишга бағишланган.

ЯХШИ ХУЛҚ ФАЗИЛАТИ ВА ЁМОН ХУЛҚ МАЗАММАТИ ҲАҚИДА

Кўпинча хулқнинг яхшилиги халқ билан бирга зикр қилинади: «Фалончининг хулқи ҳам, халқи ҳам гўзал», дейилади. Бу унинг ичи ҳам, сирти ҳам яхши деганидир. «Хулқ»дан мурод ички сурат, «халқ»дан мурод ташқи суратдир. Зотан, инсон жасад ва нафсдан иборатдир.

Жасад тан кўзи ила, нафс қалб кўзи ила идрок қилинади. Уларнинг ҳар бирининг ўзига яраша шакл-шамойили, чиройли ва хунук сурати бор.

Қалб кўзи ила идрок қилинадиган нафс тан кўзи ила идрок қилинадиган жасаддан улуғдир. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло уни улуғлаб:

إِنِّي خَٰلِقُۢ بَشَرًا مِّن صَلْصَٰلٍ مِّنْ حَمَإٍ مَّسْنُونٍ ﴿٢٨﴾ فَإِذَا سَوَّيْتُهُۥ وَنَفَخْتُ فِيهِ مِن رُّوحِى فَقَعُوا۟ لَهُۥ سَٰجِدِينَ ﴿٢٩﴾

«Албатта, мен қуруқ лойдан, ўзгартирилган қора балчиқдан башар яратувчидирман. Бас, қачонки уни бекаму кўст қилиб бўлганимда ва ичига Ўз руҳимдан пуфлаганимда унга сажда қилган ҳолингизда йиқилинг» *(Ҳижр сураси, 28-29-оятлар).*

Бу оятда Аллоҳ таоло жасад лойга, руҳ эса Ўзига мансублигининг хабарини берди.

Хулқ нафсдаги мустаҳкам ҳайъатдан иборат бўлиб, ундан амаллар фикр ва ўйлашсиз, енгиллик ва осонлик ила содир бўлади. Агар амаллар яхши бўлса, «яхши хулқ» деб, ёмон бўлса, «ёмон хулқ» деб аталади.

Дангасалик танасига сингиб кетган ва риёзатни ёқтирмайдиган баъзи бир кишилар: «Худди ташқи суратни ўзгартириб бўлмаганидек, ахлоқларни ҳам ўзгартиришни тасаввур қилиб бўлмайди», дейдилар.

Бу мутлақо нотўғри гап. Агар ахлоқни ўзгартириб бўлмайдиган бўлса, ваъзу насиҳатлар қилишнинг маъноси бўлмас эди. Ўзимиз овлаб келган ваҳший ҳайвоннинг уй ҳайвонига айланаётганини кўриб туриб, қандай қилиб ахлоқнинг ўзгаришини инкор қиламиз?! Ит таомни емай тарк қилишни, от чиройли юришни ўрганади. Фақат баъзилари осонлик билан, бошқалари қийинчилик билан ўрганади, холос.

Баъзилар, аввал айтиб ўтилганидек, асли яратилганда бор нарсани ўзгартириб бўлмайди, деган хаёлда бўладилар. Яхши билиб олишимиз керакки, мақсад мазкур сифатларни бутунлай йўқ қилиб ташлаш эмас. Балки риёзат чекиб уринишдан мақсад, шаҳватларни ифрот (ортиқчалик) ва тафрийт(нуқсон)нинг ўртаси бўлган мўътадилликка қайтаришдир. Уларни тамоман йўқ қилиб юбориш мумкин эмас.

Зотан, асл яратишда шаҳватни фойда учун зарур бўлгани учун яратилган. Мисол учун, таом шаҳвати кесилса, инсон ҳалок бўлиши, жинсий шаҳват қирқилса, насл кесилиши турган гап. Агар ғазаб бутунлай йўқ бўлса, одам ўзини ҳалок қиладиган нарсадан ҳам ҳимояланмай қўяди.

Аллоҳ таоло Оли Имрон сурасида марҳамат қилади:

وَٱلْكَٰظِمِينَ ٱلْغَيْظَ

«...аччиғини ютадиганлар» *(134-оят).*

«Ғазабни йўқотадиганлар», деган эмас.

Шунингдек, таом шаҳватида ҳам баднафслик билан ўта чимхўрлик орасидаги мўътадиллик матлубдир.

Аллоҳ таоло Аъроф сурасида марҳамат қилади:

وَكُلُوا۟ وَٱشْرَبُوا۟ وَلَا تُسْرِفُوٓا۟

«Еб-ичинг ва исроф қилманг» *(31-оят).*

Фақат билиб қўйиш керакки, муршид шайх ўз мурида ғазаб ёки шаҳватга мойилликни кўрса, уни мўътадилликка қайтариш учун мазкур икки нарсани ёмонламоғи керак.

Нафс риёзатидан мурод мўътадиллик эканига далиллардан бири шуки, сахийлик шариатда талаб қилинган хулқ бўлиб, у ўта мумсиклик билан исрофчиликнинг ўртасидаги бир ҳолдир.

Аллоҳ таоло уни мадҳ этиб, Фурқон сурасида марҳамат қилади:

وَٱلَّذِينَ إِذَآ أَنفَقُوا۟ لَمْ يُسْرِفُوا۟ وَلَمْ يَقْتُرُوا۟ وَكَانَ بَيْنَ ذَٰلِكَ قَوَامًا ﴿٦٧﴾

«Нафақа қилганларида исроф ҳам ва хасислик ҳам қилмаслар. У иккиси ўртасида мўътадил бўлурлар» *(67-оят).*

Ушбу мўътадиллик гоҳида Аллоҳ таоло берган комил табиат ила ҳосил бўлади. Кўп болалар биров ўргатмаса ҳам ростгўй, сахий ва ҳалим бўлиши шундан. Гоҳида мазкур мўътадилликни касб қилиб топиш керак бўлади. Бунда нафсни кўзланган хулқни жалб қилувчи амалларни бажаришга мажбурлаш керак бўлади.

Бас, ким олий ҳимматлик хулқини ҳосил қилишни ирода қилса, бир нарсаларни сарфлашда олий ҳиммат-лилар қиладиган ишларга ўзини мажбурласин, токи табиати ўша хулққа мослашсин.

Шунингдек, тавозели бўлишни истаганлар ўзини тавозелиларнинг ишини қилишга мажбурласин. Бошқа гўзал ахлоқлар ҳам шунга ўхшаш. Чунки бу ишларда одатланиш ва бардавомликнинг таъсири кучли бўлади.

Аксинча, яхшиликни тарк қилиш бардавом бўлса, у ҳам салбий таъсир қилиши турган гап.

Фазилатларга сабаб бўладиган нарсаларни қилиш ҳам инсон нафсига таъсир қилиб, унинг табиатини яхшилик томон буришга омил бўлиши мумкин.

Гоҳида фазл аҳлининг суҳбатида бўлиш ила яхши хулқлар касб қилинади. Чунки инсон табиати яхшиликка ҳам, ёмонликка ҳам мойил бўлади.

АХЛОҚНИ САЙҚАЛЛАШ ЙЎЛИ

Ўтган сатрлардан ахлоқда мўътадил бўлиш нафснинг соғломлиги, мўътадилликдан оғиш эса дард ва беморлик экани аён бўлади. Бинобарин, нафсни даволаш ҳам худди баданни даволаш каби бўлади.

Бадан мукаммал равишда яратилмагани, ғизо ва тарбия ила мукаммал бўлгани каби, нафс ҳам тўлдирилишга муҳтож ҳолда яратилган. Нафс поклаш, ахлоқни сайқаллаш ҳамда уни илм билан ғизолантириш ила мукаммал бўлади.

Агар бадан соғлом бўлса, табибнинг вазифаси унинг соғлиғини сақлаш бўлади. Агар у бемор бўлса, соғлиғини тузатишга ҳаракат қилиши керак бўлади.

Шунингдек, нафсда покизалик сайқалланган бўлса, уни сақлаб, янада бақувват қилиш пайидан бўлинади. Агар баркамол бўлмаса, унга баркамолликни жалб қилиш лозим бўлади.

Баданнинг хасталигига сабаб бўлган иллатни унинг зидди ила даволанади. Иссиқлик сабабидан хаста бўлган бўлса, унга совуқлик берилади. Тескариси бўлса, аксинча даволанади.

Шунингдек, ахлоқнинг бузуқ бўлишига сабаб бўлган қалб хасталиклари ҳам ўзининг зидди ила даволанади.

Мисол учун, жоҳиллик дарди илм билан, бахиллик дарди сахийлик билан, кибр тавозе билан даволанади.

Баданларни тузатиш учун дорининг аччиғига чидаш ва иштаҳа тортиб турган нарсани тарк қилишда сабр керак бўлганидек, қалб хасталигини даволашда ҳам мужоҳаданинг аччиғига чидаш ва даволаш машаққатига сабр қилиш лозим бўлади. Унутмаслик лозимки, баданнинг хасталигидан ўлиб қутулиш мумкин, аммо қалб хасталигидан ўлиб ҳам қутулиб бўлмайди.

Муридлар нафсининг даволовчиси уларнинг ҳаммасига бир хил риёзатни белгилайвермаслиги керак. Аввало, уларнинг ахлоқларини ва хасталикларини текшириб кўрсин. Ҳамма дардни бир хил дори билан даволаб бўлмайди.

Шариатни билмайдиган жоҳилни кўрса, илм билан даволайди. Мутакаббирни кўрса, унга тавозени ҳосил қиладиган давони буюради. Аччиғи тез одамни кўрса, унга ҳилмни ўргатади ва ҳоказо.

ҚАЛБ ХАСТАЛИГИ ВА УНИНГ ТУЗАЛИШ АЛОМАТЛАРИ

Инсоннинг ҳар бир аъзоси ўзига хос вазифани амалга ошириши учун яратилган. Ўша аъзо соғ бўлса, мазкур ишни яхшилаб адо этади. Агар аъзо хасталикка учраса, ўзига хос ишни бажаришга қийналади ёки бутунлай бажара олмай қолади. Қўл хасталанса, ушлаш қийинлашади, кўз хасталанса, кўриш қийинлашади ёки кўриб бўлмай қолади.

Шунингдек, қалб хасталанса, унинг ҳам ўзига хос ишига – илм, ҳикмат, маърифат, Аллоҳ таолонинг муҳаббати, ибодати ва ундан ҳосил бўладиган лаззатланишга халал етади ёки бутунлай маҳрум бўлади.

Юқорида зикр қилинган илм, ҳикмат, маърифат, Аллоҳ таолонинг муҳаббати, ибодати ва ундан ҳосил бўладиган лаззатланишлар одамни ҳайвондан ажратиб турадиган омиллардир. Демак, инсон ҳайвондан қалби ила ажрайди. Қалбнинг иши эса илм, ҳикмат ва маърифатдир.

Дунёдаги барча нарсаларни Аллоҳ таоло яратган. Инсон дунёдаги барча нарсалар ҳақида маърифатга эга бўлса-ю, Аллоҳ таолони танимаса, ҳеч нарсани билмагандек гап. Аллоҳ таолони таниса, ҳамма нарсани таниган бўлади.

Маърифатнинг аломати муҳаббатдир. Аллоҳ таоло ҳақида маърифати бор одам У Зотга муҳаббат қўяди. Аллоҳ таолога муҳаббати бор қалб соғлом, У Зотга муҳаббати йўқ қалб хастадир.

Қалб хасталиги яширин бўлиб, уни беморнинг ўзи ҳам сезмайди. Сезганда ҳам, даволаш қийинчиликларига сабр қила олмайди. Чунки уни даволаш учун ҳавойи нафсга хилоф иш тутиш лозим. Сабр қилса ҳам, ҳозиқ табиб топиш керак бўлади. Қалб беморликларининг табиблари уламолардир.

Қалб беморлигининг даволаниб, соғайиши қандай бўлади? Бунда қайси хасталикдан даволанишига қаралади. Мисол учун, бир қалбни бахиллик хасталигидан даволаш керак. Уни мол-мулкни сарфлашни ўргатиш ила даволанади. Аммо эҳтиёт бўлинмаса, сарфлаш ҳаддидан ошиб, исроф даражасига ўтиб кетиши мумкин. Исроф ҳам дард. Демак, меъёрни билмаса, бир дарддан бошқа дардга ўтиб кетиши мумкин.

Мақсадга эришиш учун энг тўғри йўл мўътадил бўлишдир. Ана ўшанда қалб бахиллик ва исрофчилик дардларидан фориғ бўлиб, соғайган бўлади.

Икки салбий тараф ўртасидаги мўътадиллик жуда ҳам нозик нарса. Уни аниқлаб олиш анча қийин. У соч

толасидан ингичка ва қилич тиғидан ўткирдир. Ана ўша сиротул мустақиймда юрган одам бу дунёда ғам чекмаса ҳам бўлади. У охиратда албатта неъмат берилганлар билан бирга бўлади, иншааллоҳ. Мазкур истиқомат қийин бўлганидан бандага ҳар куни кўп марта «иҳдинассиротал мустақийм»ни такрорлаш амр қилинган.

Фақатгина яхши ахлоқлардан яхши амаллар содир бўлади. Ҳар бир шахс ўзининг сифатлари ва ахлоқларига диққат билан назар солсин. Нуқсонларини биринкетин тузатишга ўтсин ва бу ишнинг аччиғига азм ила сабр қилсин. Бора-бора бу иши ўзига ёқиб қолади. Бу худди кўкракдан ажратилган бола олдин ажрашга кўнмай, ажраганидан кейин кўкрак тутилса, афтини буриштириб қочганига ўхшайди.

ЎЗ АЙБИНИ БИЛИШ ЙЎЛЛАРИ

Аллоҳ таоло бандасига яхшиликни раво кўрса, уни ўз айбини ўзи кўра оладиган қилиб қўяди. Айбни кўргандан кейин уни тўғрилаш осон бўлади. Ўз айбини аниқлашнинг тўрт йўли бор:

1. Кишиларнинг айбларини яхши биладиган шайх ҳузурида таълим олиш. Мазкур шайх айбларни ва уларнинг давосини васф қилиб беради.

2. Диндор, мухлис ва садоқатли дўст топиш.

У кузатиб бориб, камчиликларини топади ва хабарини беради. Катта имомлар ва улуғлар шу ишни қилганлар.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу: «Менга айбларимни ҳадя қилган кишини Аллоҳ раҳм қилсин», дер эди.

У киши Салмон розияллоҳу анҳудан ўз айби ҳақида сўрар эди. Бир куни унинг олдига келганида:

«Мендан сенга ўзингга ёқмайдиган нима етди?» деди.

У айтишдан бош тортди. Умар қаттиқ туриб олди. Шунда:

«Менга етиб келган хабарга қараганда, бир дастурхонда икки хил хўрак ермишсан. Икки сидра кийим қилиб олиб, бирини кундузи, иккинчисини кечаси киярмишсан», деди.

«Бундан бошқа нарса етмадими?» деди.

«Йўқ», деди Салмон.

«Иккисини тўғриланди деб ҳисоблайвер», деди Умар.

Умар ибн Хаттоб Ҳузайфадан ҳам доимо: «Сен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мунофиқлар ҳақидаги сирлари соҳибисан. Менда мунофиқликнинг белгиларидан кўрасанми?» деб сўраб юрарди.

3. Ўз айбларини билиш учун душманлардан фойдаланиш.

Душманнинг кўзи энг кичик айбларни ҳам кўради. Гоҳида киши уни доим мақтаб юрадиган дўстларидан кўра тирноқ остидан кир ахтарадиган душманидан кўпроқ фойда олиши мумкин. Дўст аяши мумкин, лекин душман аямай гапиради. Шунинг учун душманнинг ҳар бир гапини ҳасадга йўявермаслик керак. Яхшилаб таҳлил қилиб, ундан ўзига фойда олиш ҳаракатида бўлиш лозим.

4. Одамларга аралашиб, улар ёмон кўрган нарсалардан ҳазар қилсин.

Мўмин мўминнинг ойнасидир. Бошқаларга қараб, ўзининг айбини топиб олиш қийин эмас.

ФАСЛ

Нафснинг шаҳватлари фақат ёмонликдан иборат эмас. Улардан фойда ҳам бор. Таом шаҳвати бўлмаса, ғизо тановул қилинмас эди. Жинсий шаҳват бўлмаса, насл қирқилар эди. Шаҳватларнинг ортиқчаси ва туғёнга кетиш қораланади.

Баъзи кишилар мана шу ўлчовни фаҳмламасдан, нафс хоҳлайдиган барча нарсани тарк қилишга ўтадилар. Бу нафснинг ҳаққини поймол қилишдан иборат бўлган зулмдир.

Нафснинг ҳам ҳаққи бор. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам «Нафсингнинг сенда ҳаққи бор», деганлар. Нафсга зулм қиладиган қавмлардан баъзиси: «Бунча йилдан бери нафсим талаб қилса ҳам, фалон нарсани тановул қилмайман», дейди. Бу ҳалолдан бурилиш ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатларига хилоф қилишдир. Ул зот иштаҳа тортадиган ширинлик, асал ва бошқа нарсаларни тановул қилар эдилар. Илми озлигидан нафси иштаҳа тортган нарсани тамомила ҳаром қилган зоҳидга эътибор берилмайди. У адолатдан кўра зулмга яқинроқдир.

Иштаҳа тортадиган нарсага етишиш қийин бўлганда, уни тарк қилинса ҳечқиси йўқ. Мисол учун, уни топиш учун макруҳ йўлга кириш зарур бўладиган ёки уни тановул қилганда бўшашиб кетиб, нафс доимий равишда тама қиладиган бўлиши хавфи бор ҳолатлар.

ҲУСНИ ХУЛҚНИНГ АЛОМАТЛАРИ

Гоҳида мурид жидду жаҳд қилиб, маъсиятларни тарк қилиб, хулқининг сайқалланганини ва энди мужоҳадага ҳожат қолмаганини гумон қилиши мумкин. Аслида эса

ундай эмас. Ҳусни хулқ – чиройли хулқ мўминлардаги бир қанча сифатларнинг мажмуасидан иборат.

Аллоҳ таолонинг Ўзи уларни мазкур сифатлар ила сифатлаган:

У Зот Анфол сурасида марҳамат қилади:

إِنَّمَا ٱلْمُؤْمِنُونَ ٱلَّذِينَ إِذَا ذُكِرَ ٱللَّهُ وَجِلَتْ قُلُوبُهُمْ وَإِذَا تُلِيَتْ
عَلَيْهِمْ ءَايَٰتُهُۥ زَادَتْهُمْ إِيمَٰنًا وَعَلَىٰ رَبِّهِمْ يَتَوَكَّلُونَ ﴿٢﴾ ٱلَّذِينَ
يُقِيمُونَ ٱلصَّلَوٰةَ وَمِمَّا رَزَقْنَٰهُمْ يُنفِقُونَ ﴿٣﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْمُؤْمِنُونَ
حَقًّا

«Албатта, Аллоҳ зикр қилинса, қалблари ларзага келадиган, уларга оятлари тиловат этилса, иймонларини зиёда қиладиган ва Роббларига таваккул қиладиганларгина мўминлардир. Улар намозни тўкис адо этадиганлар ва Биз ризқ қилиб берган нарсалардан нафақа қиладиганлардир. Ана ўшалар ҳақиқий мўминлардир» *(2–4-оятлар)*.

У Зот Тавба сурасида марҳамат қилади:

ٱلتَّٰٓئِبُونَ ٱلْعَٰبِدُونَ ٱلْحَٰمِدُونَ ٱلسَّآئِحُونَ
ٱلرَّٰكِعُونَ ٱلسَّٰجِدُونَ ٱلْءَامِرُونَ بِٱلْمَعْرُوفِ
وَٱلنَّاهُونَ عَنِ ٱلْمُنكَرِ وَٱلْحَٰفِظُونَ لِحُدُودِ ٱللَّهِ ۗ وَبَشِّرِ
ٱلْمُؤْمِنِينَ ﴿١١٢﴾

«Улар тавба қилувчилар, ибодат қилувчилар, ҳамд айтувчилар, рўза тутувчилар, рукуъ қилувчилар, сажда қилувчилар, маъруфга буюриб, мункардан қайтарувчилар, Аллоҳнинг чегарасида ту-

рувчилардир. Ва мўминларга хушхабар бер!» деган *(112-оят)*.

У зот Муъминун сурасида марҳамат қилади:

قَدْ أَفْلَحَ ٱلْمُؤْمِنُونَ ﴿١﴾ ٱلَّذِينَ هُمْ فِى صَلَاتِهِمْ خَٰشِعُونَ ﴿٢﴾
وَٱلَّذِينَ هُمْ عَنِ ٱللَّغْوِ مُعْرِضُونَ ﴿٣﴾ وَٱلَّذِينَ هُمْ لِلزَّكَوٰةِ
فَٰعِلُونَ ﴿٤﴾ وَٱلَّذِينَ هُمْ لِفُرُوجِهِمْ حَٰفِظُونَ ﴿٥﴾ إِلَّا عَلَىٰٓ
أَزْوَٰجِهِمْ أَوْ مَا مَلَكَتْ أَيْمَٰنُهُمْ فَإِنَّهُمْ غَيْرُ مَلُومِينَ ﴿٦﴾ فَمَنِ
ٱبْتَغَىٰ وَرَآءَ ذَٰلِكَ فَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْعَادُونَ ﴿٧﴾ وَٱلَّذِينَ هُمْ لِأَمَٰنَٰتِهِمْ
وَعَهْدِهِمْ رَٰعُونَ ﴿٨﴾ وَٱلَّذِينَ هُمْ عَلَىٰ صَلَوَٰتِهِمْ يُحَافِظُونَ ﴿٩﴾
أُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْوَٰرِثُونَ ﴿١٠﴾

«Батаҳқиқ, мўминлар зафар топдилар. Улар намозларида хушуъ қилувчилардир. Улар беҳуда нарсалардан юз ўгирувчилардир. Улар закотни адо қилувчилардир. Улар фаржларини сақловчилардир. Ўз жуфти ҳалоллари ва қўлларида мулк бўлганлар бундан мустасно. Албатта, улар маломат қилинувчи эмаслар. Ким ана шундан бошқани талаб қилса, бас, ана ўшалар тажовузкорлардир. Улар омонатларига ва аҳдларига риоя қилувчилардир. Улар намозларини муҳофаза қилувчилардир. Ана ўшалар ворис бўлувчилардир» *(1–10-оятлар)*.

У зот Фурқон сурасида марҳамат қилади:

وَعِبَادُ ٱلرَّحْمَٰنِ ٱلَّذِينَ يَمْشُونَ عَلَى ٱلْأَرْضِ هَوْنًا وَإِذَا
خَاطَبَهُمُ ٱلْجَٰهِلُونَ قَالُوا۟ سَلَٰمًا ﴿٦٣﴾ وَٱلَّذِينَ يَبِيتُونَ

لِرَبِّهِمْ سُجَّدًا وَقِيَامًا ﴿٦٤﴾ وَالَّذِينَ يَقُولُونَ رَبَّنَا اصْرِفْ عَنَّا
عَذَابَ جَهَنَّمَ إِنَّ عَذَابَهَا كَانَ غَرَامًا ﴿٦٥﴾ إِنَّهَا سَاءَتْ
مُسْتَقَرًّا وَمُقَامًا ﴿٦٦﴾ وَالَّذِينَ إِذَا أَنْفَقُوا لَمْ يُسْرِفُوا وَلَمْ يَقْتُرُوا
وَكَانَ بَيْنَ ذَٰلِكَ قَوَامًا ﴿٦٧﴾ وَالَّذِينَ لَا يَدْعُونَ مَعَ اللَّهِ
إِلَٰهًا آخَرَ وَلَا يَقْتُلُونَ النَّفْسَ الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ وَلَا
يَزْنُونَ ۚ وَمَن يَفْعَلْ ذَٰلِكَ يَلْقَ أَثَامًا ﴿٦٨﴾ يُضَاعَفْ لَهُ الْعَذَابُ
يَوْمَ الْقِيَامَةِ وَيَخْلُدْ فِيهِ مُهَانًا ﴿٦٩﴾ إِلَّا مَن تَابَ وَآمَنَ وَعَمِلَ
عَمَلًا صَالِحًا فَأُولَٰئِكَ يُبَدِّلُ اللَّهُ سَيِّئَاتِهِمْ حَسَنَاتٍ ۗ وَكَانَ اللَّهُ
غَفُورًا رَّحِيمًا ﴿٧٠﴾ وَمَن تَابَ وَعَمِلَ صَالِحًا فَإِنَّهُ يَتُوبُ إِلَى اللَّهِ
مَتَابًا ﴿٧١﴾ وَالَّذِينَ لَا يَشْهَدُونَ الزُّورَ وَإِذَا مَرُّوا بِاللَّغْوِ مَرُّوا
كِرَامًا ﴿٧٢﴾ وَالَّذِينَ إِذَا ذُكِّرُوا بِآيَاتِ رَبِّهِمْ لَمْ يَخِرُّوا
عَلَيْهَا صُمًّا وَعُمْيَانًا ﴿٧٣﴾ وَالَّذِينَ يَقُولُونَ رَبَّنَا هَبْ لَنَا مِنْ
أَزْوَاجِنَا وَذُرِّيَّاتِنَا قُرَّةَ أَعْيُنٍ وَاجْعَلْنَا لِلْمُتَّقِينَ إِمَامًا
﴿٧٤﴾ أُولَٰئِكَ يُجْزَوْنَ الْغُرْفَةَ بِمَا صَبَرُوا وَيُلَقَّوْنَ فِيهَا
تَحِيَّةً وَسَلَامًا ﴿٧٥﴾ خَالِدِينَ فِيهَا ۚ حَسُنَتْ مُسْتَقَرًّا وَمُقَامًا
﴿٧٦﴾ قُلْ مَا يَعْبَأُ بِكُمْ رَبِّي لَوْلَا دُعَاؤُكُمْ ۖ فَقَدْ كَذَّبْتُمْ فَسَوْفَ
يَكُونُ لِزَامًا ﴿٧٧﴾

«Роҳманнинг бандалари ер юзида тавозе ила юрадиган ва жоҳиллар хитоб қилганларида, «Салом», дейдиганлардир. Улар тунларни Роббларига сажда

қилиб, бедор ўтказадиганлардир. Улар: «Роббимиз, Ўзинг биздан жаҳаннам азобини бургин, албатта, жаҳаннам азоби доимийдир. Албатта, у нақадар ёмон қароргоҳ ва турар жойдир», дейдиганлардир.

Нафақа қилганларида исроф ҳам ва хасислик ҳам қилмаслар. У иккиси ўртасида мўътадил бўлурлар. Улар Аллоҳ билан бирга бирор илоҳга илтижо қилмаслар. Аллоҳ (ўлдиришни) **ҳаром қилган жонни ноҳақдан ўлдирмаслар. Зино қилмаслар. Ким ана шуни қилса, уқубатга дучор бўлур. Қиёмат куни унинг азоби бир неча баробар кўпайтирилур ва у(азоб)да хор бўлиб, мангу қолур.**

Магар ким тавба қилса, иймон келтириб, солиҳ амал қилса, бас, Аллоҳ ана ўшаларнинг ёмонликларини яхшиликларга алмаштирур. Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта раҳмлидир. Ким тавба қилиб, солиҳ амал қилса, у албатта, Аллоҳга (ҳақиқий) **қайтиш ила қайтадир.**

Улар ёлғон гувоҳлик бермайдиганлардир ва беҳуда нарсалар олдидан ўтсалар, ҳурматларини сақлаган ҳолда ўтарлар. Уларга Роббларининг оятлари эслатилганда, у(оят)ларга гунг ва кўрлардек ташланмаслар.

Улар «Роббимиз, Ўзинг бизга жуфти ҳалолларимиздан ва зурриётларимиздан кўз қувончи ҳадя эт ҳамда бизларни тақводорларга пешво қил», дейдиганлардир. Ана ўшалар сабр қилганлари учун «болохоналар» ила мукофотланурлар ва унда табрик ва салом билан қаршиланурлар. Унда мангу қолувчидирлар. У нақадар гўзал қароргоҳ ва турар жойдир.

Сен: «Агар илтижоларингиз бўлмаса, Роббим сизларга ҳеч қиймат бермас. Бас, батаҳқиқ, ёлғонга чиқардингиз. Энди сизларга (азоб) **лозим бўлур», деб айт»** *(63–77-оятлар).*

Кимга ўзининг ҳоли ноаниқ бўлиб қолса, ушбу оятларга солиштириб кўрсин. Мазкур сифатларнинг ҳаммаси борлиги ҳусни хулқнинг аломатидир. Агар мазкур сифатларнинг баъзиси бўлиб, баъзиси бўлмаса, борини сақлаб, йўғини пайдо қилиш ҳаракатида бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мўминларни бир қанча сифатлар билан сифатлаганлар. Улардаги ҳусни хулқни баён қилиб берганлар.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّى يُحِبَّ لِأَخِيهِ مَا يُحِبُّ لِنَفْسِهِ». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا أَبَا دَاوُدَ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизлардан бирортангиз то ўзи учун яхши кўрган нарсани биродари учун ҳам раво кўрмагунча мўмин бўла олмайди», дедилар».

Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيُكْرِمْ ضَيْفَهُ، وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيَصِلْ رَحِمَهُ – وَفِي رِوَايَةٍ: فَلْيُكْرِمْ جَارَهُ – وَمَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيَقُلْ خَيْرًا أَوْ لِيَصْمُتْ». رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, меҳмонини икром қилсин. Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, силаи раҳм қилсин – *бошқа бир ривоятда:* **«Қўшнисини икром қилсин»**, *дейил-*

ган – **Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, яхши гап айтсин ёки жим турсин», дедилар.**

Тўртовлари ривоят қилишган.

عَنْ عَبْدِ اللهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «خِيَارُكُمْ أَحَاسِنُكُمْ أَخْلَاقًا». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَمُسْلِمٌ وَالْبُخَارِيُّ وَلَفْظُهُ: «إِنَّ مِنْ أَخْيَرِكُمْ أَحْسَنَكُمْ خُلُقًا».

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизларнинг яхшингиз ҳусни хулқлигингиздир», дедилар».

Термизий, Муслим ва Бухорий ривоят қилишган.

Бухорийнинг лафзида:

«Албатта, сизнинг энг яхшингиз ҳусни хулқлигингиздир», *дейилган.*

Ўзига етган озорларга сабр қилиш ҳам ҳусни хулқдандир.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ قَالَ: حَدَّثَنَا رَسُولُ اللهِ ﷺ يَوْمًا ثُمَّ قَامَ، فَقُمْنَا فَنَظَرْنَا إِلَى أَعْرَابِيٍّ قَدْ أَدْرَكَهُ فَجَبَذَهُ بِرِدَائِهِ فَحَمَّرَ رَقَبَتَهُ، وَكَانَ رِدَاءً خَشِنًا، فَالْتَفَتَ النَّبِيُّ ﷺ، فَقَالَ لَهُ الْأَعْرَابِيُّ: احْمِلْ لِي عَلَى بَعِيرَيَّ هَذَيْنِ، فَإِنَّكَ لَا تَحْمِلُ لِي مِنْ مَالِكَ وَلَا مِنْ مَالِ أَبِيكَ. فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «لَا وَأَسْتَغْفِرُ اللهَ، لَا وَأَسْتَغْفِرُ اللهَ، لَا وَأَسْتَغْفِرُ اللهَ، لَا أَحْمِلُ لَكَ حَتَّى تُقِيدَنِي مِنْ جَبْذَتِكَ الَّتِي جَبَذْتَنِي». فَكُلُّ ذَلِكَ يَقُولُ لَهُ الْأَعْرَابِيُّ: وَاللهِ لَا أُقِيدُكَهَا. فَلَمَّا سَمِعْنَا قَوْلَ الْأَعْرَابِيِّ أَقْبَلْنَا

إِلَيْهِ سِرَاعًا، فَالْتَفَتَ إِلَيْنَا رَسُولُ اللهِ ﷺ فَقَالَ: «عَزَمْتُ عَلَى مَنْ سَمِعَ كَلَامِي أَلَّا يَبْرَحَ مَقَامَهُ حَتَّى آذَنَ لَه». ثُمَّ دَعَا رَجُلًا فَقَالَ لَهُ: «احْمِلْ لَهُ عَلَى بَعِيْرَيْهِ هَذَيْنِ، عَلَى بَعِيرٍ شَعِيرًا، وَعَلَى الْآخَرِ تَمْرًا»، ثُمَّ الْتَفَتَ إِلَيْنَا ثُمَّ قَالَ: «انْصَرِفُوا عَلَى بَرَكَةِ اللهِ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга ҳадис айтдилар ва сўнгра ўринларидан турдилар. Биз ҳам турдик. Шу пайт у зотга яқинлашиб келган аъробийга кўзимиз тушди. Аъробий у зотнинг ридоларидан ушлаб тортган эди, у зотнинг бўйинлари қизариб кетди. Ридо дағал эди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бурилиб қарадилар. Аъробий у зотга:

«Менинг мана бу икки туямга юк юклаб бер! Менга ўз молингдан ёки отангнинг молидан юклаб бермайсан-ку!» деди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Йўқ, астағфируллоҳ! Йўқ, астағфируллоҳ! Йўқ, астағфируллоҳ! Шу тортганинг учун менинг ўчимни бермагунингча сенга юклаб бермайман», дедилар.

Ҳар шундай деганларида аъробий у зотга: «Аллоҳга қасамки, сенга ўч олдирмайман!» дер эди.

Аъробийнинг гапини эшитиб, у томон тезлаб бордик. Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга бурилиб қарадилар ва:

«Таъкидли амр қиламанки, менинг каломимни эшитган ҳар бир киши мен унга изн бермагунимча ўрнидан қимирламасин! – дедилар. Сўнгра бир одамни чақириб, унга: – Унинг мана бу икки туяси-

га юк юклаб бер. Бир туяга арпа, бошқасига хурмо, – дедилар. Кейин бизга бурилиб қараб: – Аллоҳнинг баракоти ила қайтинглар», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Ким ўзида юқорида зикр қилинган сифатларни топмаса, уларни топишга жиддийлик ила ҳаракат қилмоғи лозим бўлади.

БОЛА ТАРБИЯСИНИНГ БОШЛАНИШИ

Бола ота-онаси ҳузуридаги омонат бўлиб, унинг қалби покиза гавҳардир. У ҳар қандай нақшни қабул қилаверади. Агар яхшиликка ўргатилса, ўшандай ўсади. Унинг савобига ота-онаси ва мураббийси шерик бўладилар. Агар ёмонликка ўргатилса, ўшандай ўсади. Унинг гуноҳи валийсига бўлади. Валий уни сақлаши, таълим-тарбия бермоғи лозим. Унга яхши ахлоқларни ўргатсин. Уни ёмон болалардан сақласин. Неъматларга қизиқишга одатлантирмасин. Уни зебу зийнатга ружу қўйишга қизиқтирмасин. Токи, катта бўлганда зебу зийнат ортидан юриб, умрини зое қилмасин.

Ота-она болани кичиклигидан, умрининг аввалги кунларидан эҳтиёткорлик билан кузатиб бориши керак. Уни фақатгина диндор ва ҳалол ейдиган аёлга эмиздирсин. Ҳаромдан ҳосил бўлган сутда барака бўлмайди.

Болада пайдо бўладиган сифатларнинг аввалгиси таомга ўчлик бўлади. Шунинг учун ота-она унга овқатланиш одобларини ўргатсин. Баъзи вақтларда фақат нон ейишга одатлантирсин. Токи, нонга бошқа нарсани қўшиб ейиш лозим, деган хаёлга бормасин.

Ота-она боласига кўп овқат ейишнинг ёмонлигини сингдиради. Кўп таом ейиш ҳайвонлар иши эканини тушунтиради.

Ўғил болаларга оқ рангли кийимлар кийиш яхши экани, рангдор ва ипак кийимлар аёлларга хослиги тушунтирилади. Болани сернеъмат ҳаёт кечиришга одатланган болаларга қўшмаслик керак бўлади.

Вақти келганда мактабга бериб, Қуръон, ҳадис ва яхшиларнинг қиссаларини таълим бериш бошланади. Шу тариқа унинг қалбига аҳли солиҳларнинг муҳаббати солинади. Ишқнинг зикри бор шеърларни ёдлашига йўл қўйилмайди.

Боладан яхши хулқ ва мақтовга сазовор иш содир бўлса, уни тақдирлаш ва хурсанд бўладиган нарса ила мукофотлаш ҳамда одамлар ҳузурида мақташ лозим.

Баъзи ҳолатларда мазкур ишларга хилоф нарсани содир қилса, ўзини билмаганга солиб, унинг айбини ошкор қилмаслик керак. Агар ўша номаъқул нарсани яна қайтадан қилса, ҳеч кимга билдирмай жазолаш ва одамлар билиб қолса, уят қилишларини уқтирган яхши. Аммо жазо кўпайтириб юборилмасин. Чунки бу нарса боланинг бетини қотириб қўяди. Кейин уялмай ҳар нарсани қилишга одатланиб қолади. Ота боласи ҳузурида ўз ҳайбатини сақлаб туриши керак. Она боласини отаси ила огоҳлантириб турсин...

Кундузи ва бевақт ухлашга болани одатлантирмаслик керак. Бунда у дангасаликка ўрганиб қолади. Кечаси ухлашни ман қилинмайди. Аммо ётар жойи юмшоқ қилинмайди.

Бола ётоқ, кийим ва таомда дағалликка одатлансин.

Бола дангаса бўлиб қолмаслиги учун пиёда юришга, кўп ҳаракат қилишга ва бадантарбияга одатлансин.

Бола ота-онасининг бойлиги, таоми ва кийими ила тенгдошлари олдида фахрланишга одатланмасин.

Бола ўзи билан бирга яшайдиганларга нисбатан тавозели бўлишга ва уларни ҳурматлашга одатланиши лозим.

Боланинг ўзига ўхшаган болаларнинг нарсасини тортиб олишига йўл қўйилмайди. Унга бировнинг нарсасини олиш пасткашлик экани уқдирилади.

Болага тилла ва кумушга муҳаббат қўйиш ёмонлигини тушунтириш лозим.

Болага ўтирган жойида туфламаслик, бурун тозаламаслик, бировнинг олдида эснамаслик, бир оёғининг устига иккинчисини қўймаслик ва кўп гапирмаслик кабилар таълим берилади.

Болага камгап бўлиш, бошқаларнинг гапини диққат билан тинглаш, ўзидан катталарни ҳурмат қилиш, улар келганда ўрнидан туриб кутиб олиш ва одоб билан ўтириш каби нарсалар ўргатилади.

Болани уят сўзларни гапиришдан ва уят сўзларни гапирадиганларга қўшилишдан ман қилинади. Зотан, болани муҳофаза қилиш уни ёмон улфатлардан сақлашдан иборатдир.

Мактабдан қайтиб келганидан кейин болага чиройли ўйинлар ўйнашга шароит яратиб бериш керак. Бу ила у ўқишдаги чарчоғини ёзади.

Бола ота-онасига ва устозига итоат қилишга одатланиши жуда ҳам зарур.

Бола етти ёшга етганида намоз ўқишга буюрилади. Ўрганиши учун таҳоратсиз юрмасликка одатлантирилади. Уни ёлғон ва хиёнатга яқин келмасликка одатлантирилади. Ўсмирлик чоғи яқинлашганида ундан ўша пайтда керакли бўладиган нарсалар талаб қилинади.

Ҳар бир мураббий билиб олиши лозим нарсалардан бири боланинг ёшлигидан солиҳ бўлиб ўсишига аҳамият бериш кераклигидир. Агар бу иш амалга ошса, яхшилик боланинг қалбида собит бўлиб қолади.

Бунда ўтган салафи солиҳларимиздан ўрнак бўладиган тажрибалар кўп қолган.

Саҳл ибн Абдуллоҳ қуйидагиларни айтади: «Чамаси уч ёшли бола эдим. Кечаси уйғониб, тоғам Муҳаммад ибн Сиворнинг намоз ўқишига назар солиб турар эдим. Бир куни тоғам менга: «Сени яратган Аллоҳни зикр қиласанми?» деди.

«Уни қандай зикр қиламан?» дедим.

«Тилингни қимирлатмасдан, қалбингда уч марта «Аллоҳ мен билан, Аллоҳ менга назар солиб турибди, Аллоҳ менинг гувоҳим», дегин», деди.

Мен у сўзларни бир неча кеча айтдим ва тоғамга хабарини бердим. У менга:

«Энди уларни ҳар кеча ўн бир мартадан айт», деди.

Мен уни ҳам қилдим. Бир муддатдан сўнг қалбимда унинг ҳаловатини сездим. Бир муддат ўтгач, тоғам менга:

«Мен сенга ўргатган нарсани ёдлаб олгин-да, то қабрга киргунингча уни давом эттир», деди.

Мен у ишни йиллар давомида узлуксиз қилиб юрдим. Уларнинг ҳаловатини ичимда топдим.

Сўнгра тоғам менга: «Эй Саҳл! Аллоҳ у билан бирга бўлган, унга назар солиб турган ва унинг устидан гувоҳ бўлган одам У Зотга осий бўладими? Маъсиятдан ҳазир бўл!» деди.

Кейин мактабга бориб, олти-етти ёшимда Қуръонни ёд олдим. Сўнг нафл рўзани кўп тутадиган бўлдим. Ейдиган таомим арпа нони бўлди. Ундан кейин кечаларни бедор бўлиб, ибодат-ла ўтказадиган бўлдим».

Саҳл ибн Абдуллоҳдан келтирилган бу қисса боланинг тарбиясига, хусусан, руҳий тарбиясига кичиклигидан аҳамият бериш унинг яхши одам бўлиб етишишида қанчалар муҳим эканини яққол кўрсатиб турибди.

ҚОРИН ВА ФАРЖ ШАҲВАТИНИ СИНДИРИШ

Инсоннинг йўлдан озишига, гуноҳларга гирифтор бўлишига кўпроқ қорин ва фарж шаҳвати кўйига тушиш сабаб бўлади. Бу икки шаҳват унга берилганларни доимо ҳалокатга олиб борган.

Шунинг учун ҳам турли дин, фалсафа, тузум ва мафкураларда ушбу икки шаҳватнинг ёмонлигидан одамларни ҳимоя қилиш борасида уринишлар бўлган. Агар ўша ғайри исломий уринишларга назар солсак, натижалари кўнгилдагидек бўлмаганини кўрамиз. Баъзилари нуқсонга йўл қўйган, баъзилари ҳаддидан ошиб кетган.

Исломда эса бу масала илоҳий таълимот асосида мўътадиллик ила йўлга қўйилган. Мусулмон уламолар Қуръони Карим оятлари ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг суннатлари асосида қорин ва фарж шаҳвати ёмонлигидан одамларни ҳимоя қилишнинг энг фойдали услубларига далолат қилганлар. Бу ишда руҳий тарбия устозлари пешқадам бўлганлар.

Қорин шаҳвати ҳалокатга элтувчи нарсаларнинг энг катталаридан бири ҳисобланади. Одам ота ва момо Ҳаввонинг жаннатдан чиқарилишларига ҳам айнан қорин шаҳвати сабаб бўлган. Қорин шаҳвати туфайли молга ўч бўлиш, фарж шаҳвати ва бошқа кўплаб бало-офатлар келиб чиқишини кўпчилик яхши билади.

Қорин шаҳватига берилишнинг ҳалокатли оқибатлари ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг бир қатор ҳадиси шарифларида огоҳлантирганлар.

عَنِ الْمِقْدَامِ بْنِ مَعْدِيكَرِبَ ﷺ، قَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «مَا مَلَأَ آدَمِيٌّ وِعَاءً شَرًّا مِنْ بَطْنِهِ، بِحَسْبِ ابْنِ آدَمَ أُكُلَاتٌ يُقِمْنَ صُلْبَهُ،

فَإِنْ كَانَ لَا مَحَالَةَ فَثُلُثٌ لِطَعَامِهِ وَثُلُثٌ لِشَرَابِهِ وَثُلُثٌ لِنَفَسِهِ». رَوَاهُ أَحْمَدُ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Миқдом ибн Маъдийкариб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Одам боласи тўлдирадиган идишларнинг энг ёмони қориндир. Одам боласига қаддини турғизадиган емаклар етади. Агар жуда лозим бўлса, таоми учун учдан бир, шароби учун учдан бир ва ҳавоси учун учдан бир», дедилар».

Аҳмад ва Термизий ривоят қилишган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ: أَنَّ رَجُلًا كَانَ يَأْكُلُ أَكْلًا كَثِيرًا فَأَسْلَمَ، فَكَانَ يَأْكُلُ أَكْلًا قَلِيلًا، فَذُكِرَ ذَلِكَ لِلنَّبِيِّ ﷺ فَقَالَ: «إِنَّ الْمُؤْمِنَ يَأْكُلُ فِي مِعًى وَاحِدٍ، وَالْكَافِرَ يَأْكُلُ فِي سَبْعَةِ أَمْعَاءٍ». رَوَاهُ الشَّيْخَانِ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши жуда кўп таом ер эди. Бас, мусулмон бўлди ва оз таом ейдиган бўлиб қолди. Бу Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга зикр қилинди. Шунда у зот:

«Албатта, мўмин бир ошқозон ила ейди. Кофир эса етти ошқозон ила ейди», дедилар».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилишган.

Уқба Росибийдан қуйидагилар ривоят қилинади:

«Ҳасаннинг олдига кирсам, овқатланаётган экан. У менга:

«Кел!» деди.

«Ҳеч нарса ея олмайдиган бўлиб тўйиб олганман», дедим.

«Субҳаналлоҳ! Мусулмон одам ҳам ҳеч нарса ея олмайдиган бўлиб тўядими?!» деди».

Баъзи бир зоҳидлар оз таом ейиш ва очликка чидашда муболаға даражасига ўтиб кетганлар. Бу эса нотўғри ва мўътадилликдан оғиш даражасига етган ишдир. Таомланишдаги мўътадиллик бир оз иштаҳа қолганда ейишдан тўхташдир. Бунда энг гўзал ҳолат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Таоми учун учдан бир, шароби учун учдан бир ва ҳавоси учун учдан бир», деганларидир.

Мўътадил овқатланиш ила бадан соғ бўлади ва беморликнинг олди олинади. Сурункали кам овқат ейиш қувватни олади. Баъзи қавмлар таомини камайтираверириб, фарз амалларда ҳам нуқсонга йўл қўядиган бўлиб қолганлар. Ўзларича, жоҳилликлари туфайли буни фазилат деб ўйлаганлар. Аслида ундай эмас. Улуғларимиздан ким очликни мадҳ қилган бўлса, албатта, ўртача бўлишни кўзда тутган.

Ўта тўйиб юришга одатланиб қолган кишиларнинг қорин шаҳватини синдириш бўйича риёзатлари қуйидагича бўлади: у одам вақт ўтиши билан оз-оздан таомини камайтириб боради. Аввал айтиб ўтилган мўътадиллик ҳолатига етганда тўхтайди.

Зотан, ишларнинг яхшиси ўртачасидир. Бинобарин, ибодатдан ман қилмайдиган ва қувватнинг боқий қолишига сабаб бўладиган даражада таом емоқ энг тўғри йўлдир.

Овқатланувчи очликни ҳам, тўйганликни ҳам сезмайдиган бўлсин. Ана ўшанда бадан соғ, ҳиммат жам ва фикр соф бўлади. Кўп овқатланиш уйқуни кўпайтиради, зеҳнни паст қилади ҳамда бошқа хасталикларга сабаб бўлади.

Шаҳватлардан баъзисини тарк қилаётган шахс риёкорликдан ҳазир бўлсин. Ўтган азизлардан баъзилари иштаҳаси тортган нарсани сотиб олиб, уйига илиб қўяр, ўзи унга тегмас ва шу иши ила зоҳидлигини беркитар эди. Мана шуни зоҳидлик дейдилар. Ўзи ичида зоҳидлик қилади. Аммо сиртда аксини кўрсатади. Бу сиддиқларнинг ишидир. Чунки у ўз нафсига сабр аччиғини икки марта ичиради. Иккинчиси аччиқроқ бўлади.

Энди фарж шаҳвати ҳақида бир-икки оғиз сўз юритайлик. Аллоҳ таоло одам зотини жинсий шаҳватли қилиб яратган. Албатта, бу беҳикмат эмас. Уламоларимизнинг таъкидлашларича, жинсий шаҳватнинг иккита катта ҳикмати бор: биринчиси – инсон наслининг бардавом бўлиши учун хизмат қилиши. Иккинчиси – охират лаззатларини қиёслаш учун хизмат қилиши. Бир нарсани татиб, тушунмагунча унга қизиқиш бўлмайди. Бинобарин, шаҳватнинг мазасини тушунган инсон билсинки, охиратдаги шаҳватлар бундан ҳам афзал ва беқиёсдир. Унга етишиш учун эса бу дунёда шаҳватни фақат ҳалол йўл билан қондириш зарур.

Аммо бу шаҳватни жиловлаб, мўътадил даражада тутилмаса, кўпгина бало-офатлар келиб чиқади.

Шунинг учун ҳам Исломда зино қаттиқ қораланган ва унга олиб борувчи йўллар ҳам маҳкам тўсилган.

وَقَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «لَا يَخْلُوَنَّ رَجُلٌ بِامْرَأَةٍ إِلَّا كَانَ ثَالِثَهُمَا الشَّيْطَانُ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Бир эркак зинҳор бир аёл билан холи қолмасин! Агар шундай бўлса, учинчилари шайтон бўлур», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

وَلِلشَّيْخَيْنِ وَالتِّرْمِذِيِّ: «مَا تَرَكْتُ بَعْدِي فِتْنَةً أَضَرَّ عَلَى الرِّجَالِ مِنَ النِّسَاءِ».

Икки шайх ва Термизийнинг ривоятида:

«Ўзимдан кейин эркакларга аёллардан кўра зарарлироқ фитнани қолдирмадим», дейилган».

عَنْ سَهْلٍ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَنْ يَضْمَنُ لِي مَا بَيْنَ رِجْلَيْهِ وَمَا بَيْنَ لَحْيَيْهِ ضَمِنْتُ لَهُ بِالْجَنَّةِ». رَوَاه الْبُخَارِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Саҳл розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким менга икки оёғи орасидаги нарсанинг ва икки жағи орасидаги нарсанинг кафолатини берса, мен унга жаннатнинг кафолатини бераман», дедилар».

Бухорий ва Термизий ривоят қилишган.

Ҳадиси шарифдаги икки оёқнинг орасидаги нарсадан мурод – жинсий аъзо, икки жағ орасидаги нарсадан мурод – тил.

Демак, ким зинодан ва тили билан куфр-ширк сўзларни айтишдан сақланса, жаннатий бўлиши муҳаққақдир.

Солиҳлардан баъзилари: «Агар бир киши менга байтулмолни омонат тарзда берса, унинг омонатига хиёнат қилмасликка кўзим етади. Аммо биров менга бир қора аёлни омонат қолдириб, бир соат у билан холи қоладиган бўлсам, ўзимга ўзимнинг кўзим етмайди», деганларида шаҳватни енгишнинг қийинлигини назарда тутганлар.

Фарж шаҳватини синдиришнинг ҳам ўзига яраша чоралари бор.

عَنْ عَبْدِ اللهِ ﷺ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللهِ ﷺ يَقُولُ: «يَا

مَعْشَرَ الشَّبَابِ، مَنِ اسْتَطَاعَ الْبَاءَةَ فَلْيَتَزَوَّجْ، فَإِنَّهُ أَغَضُّ لِلْبَصَرِ، وَأَحْصَنُ لِلْفَرْجِ، وَمَنْ لَمْ يَسْتَطِعْ فَعَلَيْهِ بِالصَّوْمِ، فَإِنَّهُ لَهُ وِجَاءٌ». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Эй ёшлар жамоаси, ким никоҳга қодир бўлса, уйлансин. Албатта, у кўзни тўсувчи ва фаржни сақловчидир. Ким қодир бўлмаса, рўзани лозим тутсин, бу унинг учун бичилишдир», деганларини эшитдим».

Бешовлари ривоят қилишган.

Агар никоҳга қудрати етмаган ёшлар бўлса, рўза тутишлари керак. Шу йўл билан улар шаҳват қўзишини босадилар. Чунки рўза туфайли кишининг шаҳвати пасайиб, худди бичилган кишига ўхшаб, бошқа жинсга шаҳват билан қарамайдиган, фаржини зинога ишлатиш хавфи туғилмайдиган ҳолга келади.

Оддий ҳолатларда эса бу икки хавфнинг олдини никоҳ олади. Никоҳдаги шахс ўз шаҳватини ҳалол йўл билан қондиргани учун, кўзи номаҳрамларга қарашдан тийилган, фаржи ҳаромга юришдан сақланган бўлади.

عَنْ جَرِيرٍ ﷺ قَالَ: سَأَلْتُ رَسُولَ اللهِ ﷺ عَنْ نَظْرَةِ الْفَجْأَةِ فَقَالَ: «اصْرِفْ بَصَرَكَ». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا الْبُخَارِيَّ.

Жарир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан тўсатдан назар тушиб қолиши ҳақида сўрадим. Бас, у зот: «Кўзингни бошқа томонга бур», дедилар».

Бешовларидан Бухорий ривоят қилмаган.

Номаҳрамга қасддан, шаҳват назари билан кўз тикиш ҳаром. Бироқ бехосдан назар тушиб қолиши гуноҳ ҳисобланмайди. Аммо ушбу ҳадиси шарифда баён қилинганидек, дарҳол кўзни бошқа томонга буриб олиш шарти билан. Мўмин-мусулмон кишилар бу ҳукмни ҳеч қачон унутмасликлари лозим.

عَنْ عَلِيٍّ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «يَا عَلِيُّ، لَا تُتْبِعِ النَّظْرَةَ النَّظْرَةَ، فَإِنَّ لَكَ الْأُولَى وَلَيْسَتْ لَكَ الْآخِرَةُ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Али розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй Али! Назарга назарни эргаштирма. Албатта, биринчиси сен учун зарарсиз бўлса ҳам, бошқаси ундай эмас», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

Биринчи назар номаҳрамга тўсатдан тушгани учун зарарсиз ҳисобланади, гуноҳ бўлмайди. Аммо ундан кейин яна қайта назар солишни тасодиф деб бўлмайди, буниси қасддан бўлган бўлади ва гуноҳ ҳисобланади.

Ушбу таълимотлар ҳам Ислом жамиятини пок сақлаш, йигит-қиз ва эркак-аёлларни турли ношаръий ишлардан, улардан келиб чиқадиган нохуш оқибатлардан сақлаш учун келган.

Ислом шариати ҳукми бўйича эркак кишининг аёлларнинг йўлини тўсиши, тегажоғлик қилиши, гап отиши у ёқда турсин, пинҳона назар солиши ҳам ҳаром ҳисобланади. Бу ҳам хиёнат саналади.

Уйланмоқчи бўлса, шариат кўрсатмаси бўйича назар солсин. Шунда гуноҳ ҳам бўлмайди, биров маломат ҳам қилмайди. Ўз хотинига хоҳлаганича назар солсин,

ундан лаззат олсин, савоб бўлади. Аммо бировнинг хотинига ёки бировнинг хотини бўладиган шахсга шаҳват назари билан қарамасин. Агар зино содир бўлмаган чоғида ҳам, кўз зиноси бўлади. Хиёнат содир бўлади. Шунинг учун Аллоҳдан ва қиёмат кунидан умиди бор эркаклар номаҳрам назарлардан ўзларини сақласинлар, аёл-қизлар эса ўзларини кўз-кўз қилмасинлар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِنَّ اللهَ كَتَبَ عَلَى ابْنِ آدَمَ حَظَّهُ مِنَ الزِّنَا أَدْرَكَ ذَلِكَ لَا مَحَالَةَ، فَزِنَا الْعَيْنَيْنِ النَّظَرُ، وَزِنَا اللِّسَانِ الْمَنْطِقُ».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, Аллоҳ Одам боласига унинг зинодан бўлган насибасини ёзгандир. Уни олмаслиги амри маҳолдир. Бас, икки кўзнинг зиноси назардир. Тилнинг зиноси нутқдир», дедилар».

وَزَادَ فِي رِوَايَةٍ: «وَزِنَا الْيَدَيْنِ الْبَطْشُ، وَزِنَا الرِّجْلَيْنِ الْمَشْيُ، وَزِنَا الْأُذُنِ الْاِسْتِمَاعُ، وَزِنَا الْفَمِ الْقُبَلُ، وَالنَّفْسُ تَمَنَّى وَتَشْتَهِي وَالْفَرْجُ يُصَدِّقُ ذَلِكَ وَيُكَذِّبُهُ».

Бошқа бир ривоятда:

«Икки қўлнинг зиноси ушлаш, икки оёқнинг зиноси юриб бориш, қулоқнинг зиноси эшитиш, оғизнинг зиноси ўпишдир. Нафс уни орзу ва иштаҳа қилур. Фарж эса уни тасдиқлар ёки ёлғонга чиқарур», дея зиёда қилинган».

Абу Довуд ва икки шайх ривоят қилишган.

Ислом жамияти том маънодаги пок жамиятдир. Ҳамма томон, ҳамма нарса пок бўлиши керак. Унда зино ҳаром. Шунингдек, зинога сабаб бўладиган нарсалар ҳам ҳаромдир. Бир нарсага сабаб бўладиган нарсаларни ҳаром қилмай туриб, унинг ўзини ҳаром қилиш мантиққа ҳам тўғри келмайди. Шунинг учун зино ҳам, унга сабаб бўладиган ҳамма нарсалар ҳам ҳаром қилинган.

Бу ишлар қаторига ушбу ҳадиси шарифда зикр этилган шаҳвоний қараш, гап-сўз, тинглов, юриб бориш ва ушлаш ҳам, бу ҳадисда зикр қилинмаган – кейин пайдо бўлган турли фаҳш суратлар, фильмлар, ёзувлар, китоблар ва бошқа нарсалар ҳам киради.

Ислом жамиятида ҳар қандай разилликларга ўрин йўқ. Мусулмон одам бундай нарсаларнинг яқинига ҳам йўламаслиги керак.

ТИЛ ОФАТЛАРИ

Тилдан келадиган офатлар кўп ва турли-туман бўлиб, улар қалбни сархуш қилади. Одам табиатида ҳам уларга мойиллик бор. Мазкур офатлардан қутулишнинг энг осон йўли жим туриш орқали бўлади. Бу жуда катта фазилатдир. Жим туриш ҳимматни жамлайди ва фикрни софлайди.

Бу ҳақда бир қанча ҳадислар келган.

عَنْ سَهْلٍ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَنْ يَضْمَنُ لِي مَا بَيْنَ رِجْلَيْهِ وَمَا بَيْنَ لَحْيَيْهِ ضَمِنْتُ لَهُ بِالْجَنَّةِ». رَوَاهُمَا الْبُخَارِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Саҳл розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким менга икки оёғи орасидаги нарсанинг ва икки жағи

орасидаги нарсанинг кафолатини берса, мен унга жаннатнинг кафолатини бераман», дедилар».

Икковини Бухорий ва Термизий ривоят қилишган.

عَنْ مُعَاذِ بْنِ جَبَلٍ ﷺ قَالَ: كُنْتُ مَعَ النَّبِيِّ فِي سَفَرٍ فَأَصْبَحْتُ يَوْمًا قَرِيبًا مِنْهُ وَنَحْنُ نَسِيرُ، فَقُلْتُ: يَا رَسُولَ اللهِ، أَخْبِرْنِي بِعَمَلٍ يُدْخِلُنِي الْجَنَّةَ وَيُبَاعِدُنِي عَنِ النَّارِ، قَالَ: «لَقَدْ سَأَلْتَنِي عَنْ عَظِيمٍ وَإِنَّهُ لَيَسِيرٌ عَلَى مَنْ يَسَّرَهُ اللهُ عَلَيْهِ: تَعْبُدُ اللهَ وَلَا تُشْرِكُ بِهِ شَيْئًا، وَتُقِيمُ الصَّلَاةَ، وَتُؤْتِي الزَّكَاةَ، وَتَصُومُ رَمَضَانَ، وَتَحُجُّ الْبَيْتَ»، ثُمَّ قَالَ: «أَلَا أَدُلُّكَ عَلَى أَبْوَابِ الْخَيْرِ: الصَّوْمُ جُنَّةٌ، وَالصَّدَقَةُ تُطْفِئُ الْخَطِيئَةَ كَمَا يُطْفِئُ الْمَاءُ النَّارَ، وَصَلَاةُ الرَّجُلِ مِنْ جَوْفِ اللَّيْلِ». قَالَ: ثُمَّ تَلَا ﴿تَتَجَافَىٰ جُنُوبُهُمْ عَنِ الْمَضَاجِعِ يَدْعُونَ رَبَّهُمْ﴾ حَتَّى بَلَغَ ﴿يَعْمَلُونَ﴾، ثُمَّ قَالَ: «أَلَا أُخْبِرُكَ بِرَأْسِ الْأَمْرِ كُلِّهِ وَعَمُودِهِ وَذِرْوَةِ سَنَامِهِ؟» قُلْتُ: بَلَى يَا رَسُولَ اللهِ، قَالَ: «رَأْسُ الْأَمْرِ الْإِسْلَامُ، وَعَمُودُهُ الصَّلَاةُ، وَذِرْوَةُ سَنَامِهِ الْجِهَادُ». ثُمَّ قَالَ: «أَلَا أُخْبِرُكَ بِمِلَاكِ ذَلِكَ كُلِّهِ؟» قُلْتُ: بَلَى يَا رَسُولَ اللهِ، قَالَ: فَأَخَذَ بِلِسَانِهِ قَالَ: «كُفَّ عَلَيْكَ هَذَا». فَقُلْتُ: يَا نَبِيَّ اللهِ، وَإِنَّا لَمُؤَاخَذُونَ بِمَا نَتَكَلَّمُ بِهِ؟ فَقَالَ: «ثَكِلَتْكَ أُمُّكَ يَا مُعَاذُ، وَهَلْ يَكُبُّ النَّاسَ فِي النَّارِ عَلَى وُجُوهِهِمْ أَوْ عَلَى مَنَاخِرِهِمْ إِلَّا حَصَائِدُ أَلْسِنَتِهِمْ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Имом Термизий Муъоз ибн Жабал розияллоҳу анҳудан ривоят қилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан сафарга чиққан эдим. Бир куни юриб бораётганимизда у зотга яқинлашиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, менга мени жаннатга киритадиган ва дўзахдан узоқлаштирадиган амалнинг хабарини беринг», дедим.

«Батаҳқиқ, буюк нарсани сўрадинг. Зотан, у Аллоҳ муяссар қилган кимса учун жуда ҳам осондир. Аллоҳга ибодат қиласан. Унга ҳеч нарсани ширк келтирмайсан. Ҳамда намозни қоим қиласан. Закотни адо қиласан, Рамазон(рўзаси)ни тутасан, Байтни ҳаж қиласан, – дедилар. Сўнгра: – Сени яхшилик эшикларига далолат қилиб қўяймми: рўза сақловчидир. Садақа худди сув оловни ўчиргандек хатоларни ўчиради. Кишининг тун ичида ўқиган намози солиҳларнинг шиоридир», деб «Ёнбошлари ётар жойдан йироқ бўлур», оятини тиловат қилдилар.

Сўнгра эса: «Сенга ишнинг боши, умуртқа поғонаси ва ўркачининг чўққиси ҳақида хабар берайми?» дедилар.

«Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули», дедим.

«Ишнинг боши Исломдир. Унинг умуртқа поғонаси намоздир. Унинг ўркачининг чўққиси эса жиҳоддир, – дедилар. Сўнгра дедилар: – Сенга ўшаларнинг ҳаммасига молик бўлган нарсанинг хабарини берайми?»

«Ҳа, эй Аллоҳнинг Расули», дедим. Бас, у зот тилларини ушлаб:

«Мана буни тийгин!» дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Набийси, биз гапирган нарсамиз учун ҳам (иқобга) олинамизми?» дедим мен.

«Онанг азангни тутсин, эй Муъоз. Одамларни тилларининг маҳсули дўзахга юзтубан (ёки тумшуқлари ила) туширмаса, нима туширар эди!» дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу: «Тилдан кўра қамоқда туришга ҳожатлироқ нарса йўқ», деган.

Абу Дардо розияллоҳу анҳу айтади: «Кам сўзла, кўп тингла. Оз гапириб, кўп эшитишинг учун сенга битта оғиз, иккита қулоқ берилган».

Мухаллад ибн Ҳусайн: «Эллик йилдан бери узр айтишга сабаб бўладиган бирор оғиз сўз айтмадим», деган экан.

КАЛОМНИНГ ОФАТЛАРИ

Биринчи офат – кераксиз сўз.

Вақтнинг қадрига етган одам уни фойдасиз нарсага сарфламайди. Чунки Аллоҳ таолонинг зикрини қўйиб, кераксиз гап-сўзлар билан машғул бўлган одам гавҳарни қўйиб, тезакни олган билан баробардир. Бу эса умрни бекор ўтказишдир.

عَنْ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ ﷺ: أَنَّ رَسُولَ اللهِ ﷺ قَالَ: «مِنْ حُسْنِ إِسْلَامِ الْمَرْءِ تَرْكُهُ مَا لَا يَعْنِيهِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ўзига кераксиз нарсани тарк қилиш киши Исломининг гўзаллигидандир», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَنْ كَانَ يُؤْمِنُ بِاللهِ وَالْيَوْمِ الْآخِرِ فَلْيَقُلْ خَيْرًا أَوْ لِيَصْمُتْ». رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирган бўлса, яхши гап айтсин ёки жим турсин», дедилар».

Тўртовлари ривоят қилишган.

وَعَنِ ابْنِ عَمْرٍو: مَنْ صَمَتَ نَجَا. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Ибн Амрдан ривоят қилинади:

«Ким сукут сақласа, нажот топибди».

Аҳмад ва Термизий ривоят қилишган.

وَعَنْ أَبِي سَعِيدٍ قَالَ: إِذَا أَصْبَحَ ابْنُ آدَمَ قَالَتِ الْأَعْضَاءُ كُلُّهَا لِلِّسَانِ: اتَّقِ اللهَ فِينَا، فَإِنَّمَا نَحْنُ بِكَ، فَإِنِ اسْتَقَمْتَ اسْتَقَمْنَا، وَإِنِ اعْوَجَجْتَ اعْوَجَجْنَا. رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Саъиддан ривоят қилинади:

«Одам боласи тонг оттирса, унинг аъзоларининг барчаси тилга: «Бизнинг ҳаққимизда Аллоҳдан қўрқ! Биз сенга боғлиқмиз. Тўғри бўлсанг, тўғримиз. Эгри бўлсанг, эгримиз, дейдилар».

Термизий ривоят қилган.

قَالَ أَبُو هُرَيْرَةَ: لَا خَيْرَ فِي فُضُولِ الْكَلَامِ.

Абу Ҳурайра айтади:

«Гапнинг ортиқчасида яхшилик йўқ».

وَقَالَ عُمَرُ بْنُ الْخَطَّابِ: مَنْ كَثُرَ كَلَامُهُ كَثُرَ سَقْطُهُ.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу айтади:

«Кимнинг гапи кўпайса, хатоси ҳам кўпаяди».

Ҳакимлардан биридан: «Сени бунчалик ҳикматга нима етказди?» деб сўралганда, «Билган нарсамни сў-

рамайман, кераксиз нарсани гапирмайман», деб жавоб берган экан.

Иккинчи офат – ботил сўзга киришиш.

Ботил сўз ичкиликбозлик мажлислари ва фосиқларнинг қилмишларига ўхшаш нарсалар ҳақидаги гаплардир.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِنَّ الْعَبْدَ لَيَتَكَلَّمُ بِالْكَلِمَةِ مَا يَتَبَيَّنُ فِيهَا يَزِلُّ بِهَا فِي النَّارِ أَبْعَدَ مِمَّا بَيْنَ الْمَشْرِقِ وَالْمَغْرِبِ». رَوَاهُ أَحْمَدُ وَالْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Банда билиб-билмай бир сўзни айтади ва шу туфайли дўзахнинг мағриб билан машриқ орасидан ҳам чуқур жойига тушади», дедилар».

Аҳмад, Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Жанжал ва тортишувлар ҳам ботил гапга яқин нарсалардир. Уларда бировнинг хатосини исбот қилиш учун низолашилади. Бунга бировдан устун келиш истаги сабаб бўлади.

Агар масала динга тегишли бўлса, мункар нарсани инкор қилиш ва тўғрисини баён қилиб бериш зарур. Аммо гап дунё тўғрисида бўлса, талашиб-тортишиб ўтиришнинг кераги йўқ. Бу офатнинг давоси ўз фазлини изҳор қилишга сабаб бўлган кибрни синдиришдан иборат.

Жанжал ва тортишувлардан каттароқ офат хусумат қилишдир. Айниқса, ботил йўл билан ва илмсиз равишда хусумат қилиш жуда ҳам ёмон иш. Чунки у қалбларни ҳасадга тўлдиради, ғазабни қўзитади ва бировларнинг обрўсини тўкишгача олиб боради. Шунинг учун ҳақ эгаси ҳам хусуматлашишдан иложи борича ўзини олиб қочгани афзал.

عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «كَفَى بِكَ إِثْمًا أَلَّا تَزَالَ مُخَاصِمًا». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сенинг хусуматчи бўлиб туришинг гуноҳкорлик учун етарлидир», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «أَبْغَضُ الرِّجَالِ إِلَى اللهِ الْأَلَدُّ الْخَصِمُ». رَوَاهُ الشَّيْخَانِ وَالنَّسَائِيُّ.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Аллоҳ учун одамларнинг энг ёмон кўрилгани ашаддий хусуматчидир», дедилар».

Икки шайх ва Насоий ривоят қилишган.

«Ашаддий хусуматчи» сулҳни қабул қилмайдиган, жанжални пулга сотиб оладиган шахсдир.

Учинчи офат – гапда чуқур кетиш.

Бу нарса оғизни тўлдириб, қофиясини келтирган ҳолда гапириш ила бўлади.

عَنْ جَابِرٍ رضي الله عنه: أَنَّ رَسُولَ اللهِ ﷺ قَالَ: «إِنَّ أَبْغَضَكُمْ إِلَيَّ وَأَبْعَدَكُمْ مِنِّي يَوْمَ الْقِيَامَةِ الثَّرْثَارُونَ، وَالْمُتَشَدِّقُونَ، وَالْمُتَفَيْهِقُونَ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, менга энг ёмон кўринадиганингиз ва қиёмат куни мендан энг узоқ бўладиганингиз кўп гапирадиганингиз, оғзини тўлдириб гапирадиганингиз ва мутакаббирлик учун гапирадиганингиз», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Албатта, маърузачиларнинг қофиясини келиштириб, гўзал гапиришлари бу жумлага кирмайди. Чунки улар диний таълимотларни кишиларга етказиши учун одамларга таъсир қиладиган чораларни кўришлари зарур.

Тўртинчи офат – фаҳш, сўкиш ва ачитиб гапириш.

«Фаҳш» сўзи қабиҳ, уят, шармсизлик маъноларини англатади.

Уламолар фаҳшни қуйидагича таърифлайдилар:

Журжоний: «Фаҳш соғлом табиат нафрат қиладиган ва мустақийм ақл нуқсон санайдиган нарсадир», деган.

Роғиб: «Фаҳш – қабиҳлиги катта бўлган гаплар ва ишлардир», деган.

Аллоҳ таоло Аъроф сурасида марҳамат қилади:

قُلْ إِنَّمَا حَرَّمَ رَبِّيَ ٱلْفَوَٰحِشَ مَا ظَهَرَ مِنْهَا وَمَا بَطَنَ وَٱلْإِثْمَ وَٱلْبَغْىَ
بِغَيْرِ ٱلْحَقِّ وَأَن تُشْرِكُوا۟ بِٱللَّهِ مَا لَمْ يُنَزِّلْ بِهِۦ سُلْطَٰنًا وَأَن تَقُولُوا۟ عَلَى ٱللَّهِ
مَا لَا تَعْلَمُونَ ﴿٣٣﴾

«Сен: «Роббим ошкора ва яширин фаҳш ишларни, гуноҳни, ноҳақ тажовузкорликни ва Аллоҳга Ўзи ҳеч қандай ҳужжат туширмаган нарсаларни шерик қилиб олишингизни ҳамда Аллоҳга нисбатан ўзингиз билмайдиган нарсани гапиришингизни ҳаром қилган, холос», деб айт» *(33-оят).*

Аввал айтилганидек, фаҳш иш улкан қабиҳликдир. Бундай ишлар хоҳ ошкора, хоҳ яширин бўлсин, барча-барчасини Аллоҳ ҳаром қилган.

Аллоҳ таоло мўмин бандаларни васф қилганида уларнинг фаҳшдан четда бўлишларини таъкидлаган.

Аллоҳ таоло Шууро сурасида марҳамат қилади:

وَٱلَّذِينَ يَجْتَنِبُونَ كَبَٰٓئِرَ ٱلْإِثْمِ وَٱلْفَوَٰحِشَ وَإِذَا مَا غَضِبُوا۟ هُمْ يَغْفِرُونَ ﴿٣٧﴾

«Катта гуноҳлар ва фаҳш ишлардан четда бўладиган ва ғазабланган вақтда кечириб юборадиганлар учундир» *(37-оят)*.

Уламоларимиз: «Фаҳш ишлар, деганда шаҳватга тааллуқли гуноҳлар кўзда тутилади», дейдилар. Фаҳш ишлар ичида катта гуноҳлар қаторига кирадиган зинокорлик ва баччабозлик кабилари ҳам бор, катта гуноҳлар сирасига кирмайдиганлари ҳам бор.

Инсон икки дунёда ҳам олий мақомга эришмоқчи бўлса, улкан гуноҳлар, фаҳш иш ва сўзлардан четда бўлмоғи лозим. Бунга эса фақат иймон билан эришилади. Қалби соф иймонга тўла кишигина катта гуноҳларни ва бузуқ ишларни қилмайди. Улардан четда бўлган соф иймонли бандаларгина Аллоҳ таоло ҳузуридаги яхши ва боқий нарсаларга соҳиб бўладилар.

Бу қабилдаги гапларни гапиришни шариат ман қилган. Улар чиркинликлар манбаси ва ёмонликлар уясидир.

وَقَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «إِنَّ اللهَ لَا يُحِبُّ الْفُحْشَ وَلَا التَّفَحُّشَ».

رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ بِإِسْنَادٍ حَسَنٍ.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, Аллоҳ уятсиз бўлмоқни ва уятсиз гапларнинг гапирилишини хуш кўрмайди», дедилар».

Абу Довуд яхши иснод ила ривоят қилган.

عَنْ عَبْدِ اللهِ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «لَيْسَ الْمَرْءُ الْمُؤْمِنُ بِالطَّعَّانِ وَلَا بِاللَّعَّانِ وَلَا بِالْفَاحِشِ وَلَا بِالْبَذِيِّ».

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мўмин киши таъначи, лаънатчи, фоҳиша ва базий (сўконғич, аччиқ сўзли) **бўлмайди», дедилар».**

Фаҳш ва уятсизлик кўп ҳолларда уят гапларни очиқ-ойдин айтиш билан бўлади. Одатда бу нарсалар жинсий алоқага оид гапларни бешармлик ила гапириш орқали юзага чиқади. Аҳли солиҳлар ундай ибораларни ишлатмайдилар.

Сўкиш ва ачитиб гапиришни араб тилида «базоъа» дейилади. Бу сўз луғатда тилда мавжуд бўлган, рост бўлса ҳам, аччиқ ва уятсиз гапни англатади.

Уламолар уни қуйидагича таърифлайдилар:

Ғаззолий: «У қабиҳ саналган нарсани очиқ-ойдин сўзлар билан ифодалашдир», деган.

Муновий: «У калом рост бўлса ҳам, нутқдаги фаҳш ва қабиҳликдир», деган.

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Набий соллаллоҳу алайҳи вассаллам: «Мусулмонни сўкиш фосиқлик, у билан урушиш куфрдир», дедилар».

Маълумки, фосиқлик катта гуноҳ ҳисобланади. Шариат кўрсатган чегарадан чиқиб, гуноҳ ишларни қилувчилар фосиқ ҳисобланади. Фисқ диндан чиқишнинг бошланиши бўлиб, тавба қилмасдан, ўша гуноҳни давом эттирганлар диндан чиқади. Шунинг учун ҳам ҳа-

диси шарифда сўкиш фисқ, уруш эса куфр дейилмоқда. Чунки фисқ куфрга олиб борганидек, сўкиш ҳам урушга олиб боради.

Одатда одамлар сўкишга унчалик эътибор бермайдилар. «Сўкса сўкилиб қолармиди», деб кетаверадилар. «Фалончи бўлганидан кейин сўкади-да», деган ноўрин мулоҳазаларни ҳам айтадилар. Аслида эса сўкиш гуноҳ ва қабиҳ иш бўлиши билан бирга, ўзидан кўра каттароқ гуноҳ ва ҳалокатларга элтувчи йўл ҳам ҳисобланади.

عَنْ عَبْدِ اللهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «سِبَابُ الْمُسْلِمِ كَالْمُشْرِفِ عَلَى الْهَلَكَةِ». رَوَاهُ الْبَزَّارُ.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мусулмонни сўкиш (сўккан одамнинг) **ҳалокат жари ёқасига келганини англатади», дедилар».**

Баззор ривоят қилган.

Жарнинг ёқасига келгандан сўнг унга тушиб кетиш ҳеч нарса бўлмай қолади. Демак, сўкишга эътибор бермай, «Сўкса нима бўпти», дейиш мутлақо нотўғри ишдир.

Хусусан, сўкишни кўп ишлатадиган одамлар катта гуноҳларга сабаб бўладилар. Улар олий илм даргоҳларини битирган, катта мансабларни эгаллаган, яхши кийиниб, яхши яшаётган бўлишлари ҳам мумкин.

Модомики, ичларида яхшиликка амал қилдирувчи куч йўқ экан, ўзларининг сўзларини тузатолмас эканлар, ким бўлишларидан қатъи назар, фосиқ бўладилар, маданиятсиз, тубан инсон ҳисобланадилар.

Ўзаро муомалада биринчи бўлиб сўккан одам катта маънавий жиноят қилган бўлади. Орадаги ҳурмат ва из-

зат, ўзаро тушуниш пардасини йиртган, ёмонликка йўл очган бўлади.

Бешинчи офат – мазаҳ.

«Мазаҳ» арабча сўз бўлиб, аслида ҳазил-мутойибани англатади. Бинобарин, ҳазил-мутойиба учун рост гапларни гапириб, озроқ мазаҳ қилиш жоиз.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам ҳақ гаплардан четламаган ҳолларида ҳазил қилар эдилар. Ул зотнинг бир кишига: «Эй икки қулоқли», бошқа бировга: «Сени туянинг боласига миндирамиз», деганлари ривоят қилинган.

Қари кампирга: «Кампирлар жаннатга кирмайдилар», деганлар ва сўнгра Воқиъа сурасидаги **«Албатта, Биз у(ҳур)ларни дафъатан, махсус яратдик. Бас, уларни бокиралар қилиб қўдик»,** оятларини ўқиганлар.

Бошқа бир кампирга: «Кўзида оқи бор эрингми?» деганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳазил-мутойибаларида уч нарса мужассам бўлган:

1. Ҳақ бўлган.
2. Аёллар, болалар ва заиф кишилар билан бўлган.
3. Нодир бўлган.

Бу ҳолатлар доимий равишда мазах қилиб юришга далил эмас. Нодир нарсанинг ҳукми доимий нарсанинг ҳукмига ўхшамайди. Мисол учун, бир одам ҳабашларнинг уйинини кечаю кундуз томоша қилиб, «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам уларни томоша қилганлар», дея ҳужжат келтириши нотўғри бўлади.

Ҳазил-мутойибада ҳаддан ошиш ва бардавом бўлиш ман қилинган. Чунки бу иш одамнинг виқорига футур етказади. Турли гина ва кўнгил қолиши ҳолатларини келтириб чиқаради.

عَنْ أَبِي لَيْلَى الْأَنْصَارِيِّ قَالَ: خَرَجَ رَسُولُ اللهِ ﷺ فِي بَعْضِ غَزَوَاتِهِ، فَأَخَذَ بَعْضُ أَصْحَابِهِ كِنَانَةَ رَجُلٍ فَغَيَّبُوهَا لِيَمْزَحُوا مَعَهُ، فَطَلَبَهَا الرَّجُلُ فَفَقَدَهَا فَرَاعَهُ ذَلِكَ، فَجَعَلُوا يَضْحَكُونَ مِنْهُ، فَخَرَجَ النَّبِيُّ ﷺ فَقَالَ: «مَا أَضْحَكَكُمْ؟» قَالُوا: لَا وَاللهِ إِلَّا أَنَّا أَخَذْنَا كِنَانَةَ فُلَانٍ لِنَمْزَحَ مَعَهُ فَرَاعَهُ ذَلِكَ، فَذَلِكَ الَّذِي أَضْحَكَنَا، فَقَالَ: «لَا يَحِلُّ لِمُسْلِمٍ أَنْ يُرَوِّعَ مُسْلِمًا».

Абу Лайло Ансорийдан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам баъзи ғазотларига чиқдилар. Ул зотнинг саҳобаларидан бирлари бир кишининг ўқдонини олиб, ҳазил учун беркитиб қўйди. Эгаси уни излаб тополмасдан хавфга тушди. Ундан кула бошладилар. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам чиқиб:

«Нимага куляпсизлар?» дедилар.

«Йўқ. Аллоҳга қасам. Фақат Фалончининг ўқдонини ҳазиллашиб беркитиб қўйган эдик, у қўрқиб кетди. Мана шунга куляпмиз», дейишди.

«Мусулмонга мусулмонни қўрқитиш ҳалол эмас», дедилар.

Умар ибн Абдулазиз: «Мазаҳдан сақланинг. У кек пайдо қилувчи аҳмоқликдир», деган.

Ҳакимлардан бири шундай дейди: «Мазаҳ сўкиш-у, аммо эгаси кулдиради, холос».

Иброҳим Нахаъий: «Мазаҳ тентаклик ва кибрдир», деган.

«Мунсурул ҳикам»да: «Мазаҳ худди олов ўтинни егандек, ҳайбатни ейди», дейилган.

Ҳакимлардан баъзиси: «Кимнинг мазаҳи кўпайса, ҳайбати йўқолади», деган.

Олтинчи офат – масхара ва истеҳзо.

«Масхара» сўзи луғатда «бировни ҳақир – паст санаш» ва «хор билиш» маъноларини англатади.

Уламолар масхарани қуйидагича таърифлайдилар:

Муновий: «Масхара маънавий жиҳатдан ақлни паст санаш ва ҳиссий жиҳатдан ишни хор санашдир», деган.

Ибн Камол: «Масхара – масхара қилинганнинг наздида арзийдиган ва масхара қилувчининг наздида арзимайдиган нарсадир», деган.

Масхара қилиш – пастга уриш, хорлаш йўли ила бировнинг айбини кулгига олишдир. Гоҳида гап ва амалга тақлид қилиш билан, имо-ишора ёки лақаб қўйиш билан ҳам масхара бўлиши мумкин. Масхара ва истеҳзо қилиш динсиз, мунофиқ ва кофирларга хос сифатдир.

Аллоҳ таоло Анбиё сурасида марҳамат қилади:

وَلَقَدِ ٱسْتُهْزِئَ بِرُسُلٍ مِّن قَبْلِكَ فَحَاقَ بِٱلَّذِينَ سَخِرُوا۟ مِنْهُم مَّا كَانُوا۟ بِهِۦ يَسْتَهْزِءُونَ ﴿٤١﴾

«Батаҳқиқ, сендан олдинги расуллар ҳам истеҳзо қилинганлар. Бас, уларни масхара қилганларни ўзлари истеҳзо қилиб юрган нарса ўраб олди» *(41-оят).*

Пайғамбарларни истеҳзо қилган кофирларга азоб тушди. Улар бу дунёнинг ўзидаёқ азобга дучор бўлдилар. Сени масхара қилаётганлар ҳам, вақт ғаниматлигида эсларини йиғиб, тавба қилмасалар, аввал бу дунёда, кейин у дунёда азобга учрайдилар. Чунки уларни Аллоҳ таолонинг азобидан сақлайдиган ҳеч бир куч йўқ.

Аллоҳ таоло Тавба сурасида марҳамат қилади:

ٱلَّذِينَ يَلۡمِزُونَ ٱلۡمُطَّوِّعِينَ مِنَ ٱلۡمُؤۡمِنِينَ
فِي ٱلصَّدَقَٰتِ وَٱلَّذِينَ لَا يَجِدُونَ إِلَّا جُهۡدَهُمۡ فَيَسۡخَرُونَ
مِنۡهُمۡ سَخِرَ ٱللَّهُ مِنۡهُمۡ وَلَهُمۡ عَذَابٌ أَلِيمٌ ﴿٧٩﴾

«Мўминлардан кўнгилли бўлиб садақа қилувчиларни ва ўз кучлари етгандан бошқани топа олмайдиганларни айблайдиганларни Аллоҳ масхара қиладир ва уларга аламли азоб бўлажак» *(79-оят).*

Қуръони Каримда мўмин-мусулмонлар бировни масхара ва истеҳзо қилишдан қайтарилган.

Аллоҳ таоло Ҳужурот сурасида марҳамат қилади:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ لَا يَسۡخَرۡ قَوۡمٞ مِّن قَوۡمٍ عَسَىٰٓ أَن يَكُونُواْ خَيۡرٗا
مِّنۡهُمۡ وَلَا نِسَآءٞ مِّن نِّسَآءٍ عَسَىٰٓ أَن يَكُنَّ خَيۡرٗا مِّنۡهُنَّۖ

«Эй иймон келтирганлар! Бир қавм бошқасини масхара қилмасин, эҳтимол, улар булардан яхшироқдир. Ва аёллар ҳам бошқа аёлларни (масхара қилмасинлар), **эҳтимол, улар булардан яхшироқдир»** *(11-оят).*

Албатта, ўзгаларни масхара қилиш ёмон одат бўлиб, жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро алоқаларнинг бузилишига сабаб бўлади.

Бир одам иккинчисини масхара қилса, камситса, устидан кулса, албатта, масхара қилинган одамнинг аччиғи чиқади, у ҳам масхара қилувчига ўзига яраша жавоб беришга уринади. Орада низо-жанжал чиқади, ижтимоий алоқалар бузилади ва жамият заифлашади. Ислом эса доимо мусулмонлар жамиятининг мустаҳкам бўлиши учун қайғуради.

عَنْ الْحَسَنِ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «إِنَّ الْمُسْتَهْزِئِينَ

بِالنَّاسِ يُفْتَحُ لِأَحَدِهِمْ فِي الْآخِرَةِ بَابٌ مِنْ الْجَنَّةِ فَيُقَالُ لَهُمْ: هَلُمَّ، فَيَجِيءُ بِكَرْبِهِ وَغَمِّهِ، فَإِذَا جَاءَ أُغْلِقَ دُونَهُ، فَمَا يَزَالُ كَذَلِكَ حَتَّى إِنَّ أَحَدَهُمْ لَيُفْتَحُ لَهُ الْبَابُ مِنْ أَبْوَابِ الْجَنَّةِ فَيُقَالُ لَهُ: هَلُمَّ، فَمَا يَأْتِيهِ مِنَ الْإِيَاسِ». رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ.

Ҳасандан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Одамларни масхара қилувчиларнинг бири учун жаннатдан бир эшик очилади. Бас, унга: «Бу ёққа кел», дейилади. У ғам-ғуссаси ила келганида эшик ёпилади. Бу ҳол улардан бирига жаннатдан эшик очилиб, «Бу ёққа кел», дейилганда ноумидликдан келмайдиган бўлгунича давом этади», дедилар».

Байҳақий ривоят қилган.

Масхаранинг зарарлари:

1. Масхара Аллоҳ таолонинг амрига очиқ хилофдир.
2. Масхара Аллоҳ таолонинг азобига сабаб бўлади.
3. Масхара инсон ҳуқуқини очиқ-ойдин бузишдир.
4. Масхара қалбни ўлдиради ва ғафлатга сабаб бўлади.
5. Масхара кофир ва мунофиқларнинг сиймосидир.
6. Масхара шариат ҳаром қилган ишдир.
7. Масхара Аллоҳ таолонинг зикрини эсдан чиқаради.

Еттинчи офат – ёлғон.

Ёлғон араб тилида «кизб» дейилади ва луғатда ростнинг тескарисини англатади.

Уламолар ёлғонни қуйидагича таърифлайдилар:

Журжоний: «Ёлғон хабар унинг воқеликка тўғри келмаслигидир», деган.

Ибн Ҳажар: «Ёлғон бир нарса ҳақида қасддан бўлсин, ноқасддан бўлсин, унга хилоф нарсани гапиришдир», деган.

Ёлғон сўзда бўлиши билан бирга, амалда ҳам бўлади. Бунда ёлғончи бўлмаган нарсани бўлган қилиб кўрсатиш учун ҳийла ишлатади. Ёки бунинг акси бўлиб, бўлган нарсани бўлмаган қилиб кўрсатишга уринади.

Қуръони Каримнинг Юсуф сурасида бунга далил бор:

وَجَآءُوٓ أَبَاهُمۡ عِشَآءٗ يَبۡكُونَ ﴿١٦﴾ قَالُواْ يَٰٓأَبَانَآ إِنَّا ذَهَبۡنَا
نَسۡتَبِقُ وَتَرَكۡنَا يُوسُفَ عِندَ مَتَٰعِنَا فَأَكَلَهُ ٱلذِّئۡبُۖ وَمَآ أَنتَ
بِمُؤۡمِنٖ لَّنَا وَلَوۡ كُنَّا صَٰدِقِينَ ﴿١٧﴾ وَجَآءُو عَلَىٰ قَمِيصِهِۦ بِدَمٖ
كَذِبٖۚ

«Кечқурун йиғлаган ҳолларида оталарига келиб: «Эй отамиз, биз Юсуфни матоҳларимиз олдида қолдириб, ўзимиз қувлашиб кетсак, уни бўри еб қўйибди. Агар ростгўй бўлсак ҳам, сен бизга ишонмассан», дедилар. Ва унинг ёлғон қонга бўялган кўйлагини келтирдилар» *(16-18-оятлар).*

Ўғиллар оталарини ишонтириш мақсадида ашёвий далил деб, Юсуфнинг кўйлагини ёлғондан қонга бўяб олиб келишди.

Улар ҳам сўз ила, ҳам амал ила ёлғон тўқишди.

ЁЛҒОННИНГ САБАБЛАРИ

Кишининг ёлғон ишлатишига бир неча сабаблар бор:

1. Фойда жалб қилиш. Ёлғончи ўзига фойда етишини кўзлаб, одамларни алдаб, ўз манфаати учун ёлғон гапиради.

2. Зарарни қайтариш. Ёлғончи ўзига етиши мумкин бўлган зарарни қайтариш мақсадида ҳам ёлғон тўқийди.

У ўзича шу тўғри йўл, деб ўйлайди. Аммо икки ҳолатда ҳам ўзига бу дунё ва охират зарарини жалб қилаётганини ўйламайди.

3. Сўзини чиройли ва гапни гўзал чиқармоқчи бўлиш. Бунда ёлғончи тўғри сўз ва рост гап ила одамларга ёқиш, уларнинг эътиборини тортиш имкони йўқ бўлганидан, уларга ёқадиган гап-сўз излаб, ёлғон тўқийди.

Ёлғон гапириш одатига айланиб қолгани ва нафси шу нарсани истайдиган бўлиб қолгани сабабли бу ишни қиладиганлар ҳам бор.

4. Душмандан ўч олиш мақсади. Бунда ёлғончи душманини шарманда қилиш ва ундан ўч олиб, кўнгли тўлиши учун ёлғон тўқийди.

5. Ўз обрўсини орттириш мақсади.

Бунда ёлғончи ўзини аҳли фазл, олим, уддабурон қилиб кўрсатиб, мақтаниш учун ёлғон тўқийди.

ЁЛҒОННИНГ ТУРЛАРИ

Асли йўқ нарсани тўқиш.

Бор нарсага маънони ўзгартириб юборадиган даражада қўшимча қўшиш.

Бор нарсага маънони ўзгартириб юборадиган даражада нуқсон етказиш.

Бор нарсани гапираётганда маънони ўзгартириб юборадиган даражада ибораларни ўзгартириш.

ЁЛҒОННИНГ ҲУКМИ

Имом Ибн Ҳажар ва имом Заҳабий: «Узрсиз ёлғон гуноҳи кабирадир», деганлар.

Аллоҳ таолога ва Расулуллоҳ алайҳиссаломга қасддан ёлғон тўқиш куфрдир.

Қуръони Каримда ёлғон ҳақида бир юз олтмиш еттита оят бор.

Аллоҳ таоло Наҳл сурасида марҳамат қилади:

إِنَّمَا يَفْتَرِي ٱلْكَذِبَ ٱلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِـَٔايَٰتِ ٱللَّهِ ۖ وَأُو۟لَٰٓئِكَ هُمُ ٱلْكَٰذِبُونَ ﴿١٠٥﴾

«Ёлғонни фақат Аллоҳнинг оятларига иймон келтирмайдиганларгина тўқирлар. Ана ўшалар – ўзлари ёлғончилардир» *(105-оят)*.

Аслида ёлғонни фақат иймонсиз кофирларгина тўқийдилар. Чунки кофирларда савоб, гуноҳ деган тушунча йўқ. Ёлғон гапирса, гуноҳ бўлиши, у дунёда азобланиши ҳақида эътиқоди бўлмагани учун ўйламасдан ёлғон тўқийверадилар.

Мўминлар эса ёлғонни катта гуноҳ деб биладилар. Ёлғон гапириш туфайли охиратда азобга дучор бўлишларидан қўрқадилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رضي الله عنه: أَنَّ رَسُولَ اللهِ ﷺ قَالَ: «آيَةُ الْمُنَافِقِ ثَلَاثٌ: إِذَا حَدَّثَ كَذَبَ، وَإِذَا وَعَدَ أَخْلَفَ، وَإِذَا اؤْتُمِنَ خَانَ». رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мунофиқнинг белгиси учта: агар сўзласа, ёлғон сўзлайди, ваъда берса, бажармайди ва унга омонат топширилса, хиёнат қилади», дедилар».

Тўртовлари ривоят қилишган.

عَنْ صَفْوَانَ بْنِ سُلَيْمٍ ﷺ أَنَّهُ قَالَ: قِيلَ لِرَسُولِ اللهِ ﷺ: أَيَكُونُ الْمُؤْمِنُ جَبَانًا؟ فَقَالَ: «نَعَمْ». فَقِيلَ لَهُ: أَيَكُونُ الْمُؤْمِنُ بَخِيلًا؟ فَقَالَ: «نَعَمْ». فَقِيلَ لَهُ: أَيَكُونُ الْمُؤْمِنُ كَذَّابًا؟ فَقَالَ: «لَا». رَوَاهُ مَالِكٌ.

Имом Молик ривоят қилган ҳадиси шарифда Сафвон ибн Сулайм розияллоҳу анҳу айтадилар:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан «Мўмин қўрқоқ бўладими?» деб сўралди. «Ҳа», дедилар.

«Мўмин бахил бўладими?» деб сўралди. «Ҳа», дедилар.

«Мўмин ёлғончи бўладими?» деб сўралди. «Йўқ», дедилар».

عَنْ قَيْسِ بْنِ أَبِي حَازِمٍ قَالَ: سَمِعْتُ أَبَا بَكْرٍ ﷺ يَقُولُ: إِيَّاكُمْ وَالْكَذِبَ، فَإِنَّ الْكَذِبَ مُجَانِبٌ لِلْإِيمَانِ. رَوَاهُ الْبَيْهَقِيُّ.

Қайс ибн Абу Ҳозимдан ривоят қилинади:

«Абу Бакр розияллоҳу анҳунинг «Ёлғондан ҳазир бўлинглар! Албатта, ёлғон иймондан четлатувчидир», деганини эшитдим».

Байҳақий ривоят қилган.

Ёлғон ҳақидаги гаплардан намуналар:

– Умар ибн Хаттоб: «Мени рост пастлатгани (аслида унинг пастлатиши нодир) ёлғон кўтарганидан (аслида унинг кўтариши нодир) яхшироқдир», деган.

– Арваа исмли аёл Саъид ибн Зайд ибн Амр ибн Нуфайл билан ҳовли талашиб, хусумат қилди. Шунда у (Саъид ибн Зайд): «Бу аёлни ўз ҳолига қўйинглар. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Ким бир қарич ерни ноҳақ олса, қиёмат куни етти қават ер унга тавқи лаънат бўлади», деганларини эшитганман. Аллоҳим! Агар бу аёл ёлғончи бўлса, кўзини кўр қилгин ва қабрини ҳовлисида қилгин», деди.

Мен ўша аёлнинг кўр бўлиб, деворларни пайпаслаб юрганини кўрдим. У: «Менга Саъид ибн Зайднинг дуоси тегди», дер эди. Бир куни ҳовлисида кетаётиб, қудуққа тушиб кетди ва ўша қудуқ унга қабр бўлди».

Ёлғоннинг зарарлари:

1. Ёлғон ўз эгасини парчалайди.
2. Ёлғон ўз эгасини дўзахга олиб боради.
3. Ёлғон узоқни яқин, яқинни узоқ қиладиган саробдир.
4. Ёлғон мурувват, жамол ва чиройни кетказади.
5. Ёлғон ақл ўғрисидир.
6. Ёлғончи хору зор бўлади.
7. Ёлғон дину дунёни бузади.
8. Ёлғон пасткашлик аломатидир.

Исломда ёлғон ҳаром ва катта гуноҳ ҳисобланса ҳам, ундан каттароқ зарарни қайтариш учун уч ҳолатда истисно тариқасида ёлғон ишлатишга рухсат берилган.

1. Одамлар орасини ислоҳ қилиш.

Мусулмонларнинг бир-бирлари билан урушиб юришлари жуда ҳам ёмон иш. Бу ёмон иш оқибатида инсонларнинг ва жамиятларнинг ораси бузилади.

Кишиларнинг бир-бирлари билан хусуматлашишлари, урушишлари барча бало-офатларнинг бошидир.

Шунинг учун бу ҳолат пайдо бўлиши билан қандай қилиб бўлса ҳам уни бартараф қилишга ўтиш зарур. Бу йўлда ҳатто ёлғон гапирилишига ҳам рухсат берилади.

Одамларнинг орасини ислоҳ қилиш учун ёлғон гапирган одам фақатгина яхшилик учун ёлғон гапиради.

2. Урушда ғалаба қилиш учун.

Душман билан бўлаётган қуролли қарама-қаршилик ҳаёт-мамот жанги бўлади. Бу жангда душман қўлидан келган барча ишларни, жумладан, ёлғонни ҳам ишга солади. Агар аскар енгилса, барча уммат ва миллат душман асорати остида қолади.

Шунинг учун ҳам кўпчилик манфаати йўлида душманни доғда қолдириш учун ёлғон гапиришга рухсат берилган.

3. Оиланинг аҳиллигини сақлаб қолиш учун.

Ҳар бир жамиятда оиланинг аҳиллиги алоҳида аҳамият касб этади. Аҳил оилада ўсган болалар салоҳиятли фуқаро бўлиб ўсадилар. Ота-онанинг жанжаллари садоси остида ўсган болалар эса салоҳиятли фуқаро бўлишлари қийин.

Шунинг учун ҳам эр-хотин орасидаги ўзаро аҳиллик жуда ҳам муҳимдир. Ана ўша аҳилликни сақлаб қолиш мақсадида эр-хотинга бир-бирларига яхшилик маъносида ёлғон гап айтишларига рухсат берилган.

Ушбу истисно тариқасида рухсат берилган уч ҳолатдан бошқа ҳолларда ёлғон гапириш мутлақо мумкин эмас.

عَنْ أُمِّ كُلْثُومٍ بِنْتِ عُقْبَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهَا، وَكَانَتْ مِنَ الْمُهَاجِرَاتِ الْأُوَلِ اللَّاتِي بَايَعْنَ النَّبِيَّ ﷺ، أَنَّهَا سَمِعَتْ رَسُولَ

اللهِ ﷺ وَهُوَ يَقُولُ: «لَيْسَ الْكَذَّابُ الَّذِي يُصْلِحُ بَيْنَ النَّاسِ وَيَقُولُ خَيْرًا وَيَنْمِي خَيْرًا». قَالَتْ: وَلَمْ أَسْمَعْ يُرَخَّصُ فِي شَيْءٍ مِمَّا يَقُولُ النَّاسُ كَذِبٌ إِلَّا فِي ثَلَاثٍ: الْحَرْبُ، وَالْإِصْلَاحُ بَيْنَ النَّاسِ، وَحَدِيثُ الرَّجُلِ امْرَأَتَهُ وَحَدِيثُ الْمَرْأَةِ زَوْجَهَا. رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ. وَلَفْظُ أَبِي دَاوُدَ: مَا سَمِعْتُ رَسُولَ اللهِ ﷺ يُرَخِّصُ فِي شَيْءٍ مِنَ الْكَذِبِ إِلَّا فِي ثَلَاثٍ: كَانَ يَقُولُ: «لَا أَعُدُّهُ كَاذِبًا»، الرَّجُلُ يُصْلِحُ بَيْنَ النَّاسِ يَقُولُ الْقَوْلَ وَلَا يُرِيدُ بِهِ إِلَّا الْإِصْلَاحَ، وَالرَّجُلُ يَقُولُ فِي الْحَرْبِ، وَالرَّجُلُ يُحَدِّثُ امْرَأَتَهُ وَالْمَرْأَةُ تُحَدِّثُ زَوْجَهَا.

Умму Кулсум бинти Уқба розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади. Бу аёл Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга байъат қилган биринчи муҳожиралардан бўлган эди:

«У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Одамлар орасини ислоҳ қилган каззоб эмас, хайрни айтади ва хайрни етказади», деганларини эшитган экан.

У киши айтади:

«Мен у зотнинг одамлар «ёлғон» дейдиган нарсадан бирор нарсага рухсат берганларини эшитмаганман. Илло, уч нарсада: урушда, одамлар орасини ислоҳ қилишда ва эрнинг ўз хотинига ва хотиннинг ўз эрига гапиришида рухсат берганлар».

Тўртовлари ривоят қилишган.

Абу Довуднинг лафзида:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёлғондан бирор нарсага рухсат берганларини эшитмаганман. Илло уч тоифани «Ёлғончи ҳисобламай-

ман» дер эдилар: одамлар орасини ислоҳ қилган одамни. У бир гапни айтса, унда ислоҳдан бошқани ирода қилмайди; урушда (ҳийла билан) **сўзлаган кишини;** (меҳр-муҳаббатни кучайтириш учун) **ўз хотинига сўз айтган эрни ҳамда ўз эрига сўз айтган хотинни»,** *дейилган.*

Гапни буриб гапириш, яъни киши оғир ҳолга тушиб қолганида сиртидан бошқа, ичидан бошқа маъно берадиган гапни айтиб, очиқ-ойдин ёлғон гапирмай, қутулиб кетишга рухсат бор.

عَنْ عِمْرَانَ بْنِ حُصَيْنٍ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِنَّ فِي الْمَعَارِيضِ لَمَنْدُوحَةً عَنِ الكَذِبِ». رَوَاهُ ابْنُ عَدِيٍّ وَالبَيْهَقِيُّ.

Имрон ибн Ҳусойн розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, гапни буриб гапиришда ёлғондан қочиш имкони бордир», дедилар».

Ибн Адий ва Байҳақий ривоят қилишган.

Ислом оламида Қуръони Каримни махлуқ дейиш фитнаси чиққанида, халифа ҳаммани бу гапни айтишга мажбур қилишга ўтган.

Навбат имом Шофеъийга келганда у киши: «Албатта, мана булар махлуқдирлар», деб тўрт бармоқларини кўрсатганлар.

Тафтишчилар ўзларича, тўрт илоҳий китобни: Забур, Таврот, Инжил ва Қуръонни махлуқ деб айтди, деб тушунганлар. Имом Шофеъий бўлсалар тўрт бармоқни ирода қилганлар.

Ўзининг золимлиги билан донг таратган Ҳажжож саҳобаларнинг бирларидан: «Мен ҳақимда нима дейсан?» деб сўраган. Шунда у киши: «Сен қоситсан», деган.

Араб тилида «қосит» сўзининг икки қарама-қарши маъноси бор. Бу сўз ҳам одил, ҳам жабр қилувчи маъноларини билдиради.

Мазкур саҳобий розияллоҳу анҳу Ҳажжожга: «Сен қоситсан», деганида ўша ерда турганлар унга: «Сени мадҳ этди», дейишган. Аммо Ҳажжожнинг ўзи: «Йўқ, у мени жабр қилувчи демоқда», деган.

Саккизинчи офат – ғийбат.

«Ғийбат»нинг луғатдаги маъноси бир нарсанинг кўздан тўсилишидир.

Уламолар ғийбатни қуйидагича таърифлайдилар:

Журжоний айтади: «Ғийбат инсоннинг бор айбларини унинг йўқлигида зикр қилишдир».

Муновий уни «Ғойибнинг айбини зикр қилиш», деган.

Ғийбатнинг энг мукаммал таърифи қуйидаги ҳадиси шарифда келгандир:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ أَنَّهُ قِيلَ: يَا رَسُولَ اللهِ مَا الْغِيْبَةُ؟ قَالَ: «ذِكْرُكَ أَخَاكَ بِمَا يَكْرَهُ». قِيلَ: أَفَرَأَيْتَ إِنْ كَانَ فِي أَخِي مَا أَقُولُ؟ قَالَ: «فَإِنْ كَانَ فِيهِ مَا تَقُولُ فَقَدِ اغْتَبْتَهُ، وَإِنْ لَمْ يَكُنْ فِيهِ مَا تَقُولُ فَقَدْ بَهَتَّهُ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

Имом Абу Довуд Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар айтилади:

«Эй Аллоҳнинг Расули, ғийбат нима?» деб сўрашди. «Биродарингни ўзига ёқмаган нарса билан эслашинг», дедилар. Шунда: «Биродаримда мен айтган нарса бўлса-чи, бунга нима дейсиз?» дейишди. «Агар айтганинг унда бўлса, ғийбат қилган бўласан, аммо айтганинг унда бўлмаса, бўҳтон қилган бўласан», деб жавоб қилдилар.

Ғийбатнинг ҳаром, гуноҳи кабиралардан эканини ҳамма уламолар бир овоздан таъкидлаганлар.

Ғийбат нақадар қабиҳ ва нақадар ёмон иш экани Ҳужурот сурасида баён қилинади:

وَلَا يَغْتَب بَّعْضُكُم بَعْضًا ۚ أَيُحِبُّ أَحَدُكُمْ أَن يَأْكُلَ لَحْمَ
أَخِيهِ مَيْتًا فَكَرِهْتُمُوهُ ۚ وَاتَّقُوا اللَّهَ ۚ إِنَّ اللَّهَ تَوَّابٌ رَّحِيمٌ ﴿١٢﴾

«Баъзиларингиз баъзиларингизни ғийбат қилмасин. Бирортангиз ўзининг ўлган биродарининг гўштини ейишни яхши кўрурми? Ҳа, ёмон кўрасизлар. Аллоҳдан қўрқинглар! Албатта, Аллоҳ тавбани кўплаб қабул қилувчидир, ўта раҳмлидир» *(12-оят).*

عَنْ أَبِي بَرْزَةَ الْأَسْلَمِيِّ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «يَا مَعْشَرُ مَنْ آمَنَ بِلِسَانِهِ وَلَمْ يَدْخُلِ الْإِيمَانُ قَلْبَهُ لَا تَغْتَابُوا الْمُسْلِمِينَ، وَلَا تَتَّبِعُوا عَوْرَاتِهِمْ، فَإِنَّهُ مَنْ اتَّبَعَ عَوْرَاتِهِمْ يَتَّبِعِ اللهُ عَوْرَتَهُ، وَمَنْ يَتَّبِعِ اللهُ عَوْرَتَهُ يَفْضَحْهُ فِي بَيْتِهِ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

Абу Барза Асламийдан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Эй тили билан иймон келтириб, дилида иймон келтирмаганлар, мусулмонларни ғийбат қилманг ва уларнинг камчиликларини қидирманг. Кимки уларнинг камчилигини қидирса, Аллоҳ таоло ўша одамнинг камчилигини қидиради. Аллоҳ кимнинг камчилигини қидирса, уни уйида шарманда қилади», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Охиратда ҳам ғийбатчилар жазосиз қолмайдилар.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ ﷺ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «لَمَّا عُرِجَ بِي مَرَرْتُ بِقَوْمٍ لَهُمْ أَظْفَارٌ مِنْ نُحَاسٍ يَخْمِشُونَ وُجُوهَهُمْ وَصُدُورَهُمْ، فَقُلْتُ: مَنْ هَؤُلَاءِ يَا جِبْرِيلُ؟ قَالَ: هَؤُلَاءِ الَّذِينَ يَأْكُلُونَ لُحُومَ النَّاسِ وَيَقَعُونَ فِي أَعْرَاضِهِمْ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мерожга чиққанимда мисдан бўлган тирноқлар билан юзларию кўксиларини тирнаётган бир қавмнинг олдидан ўтдим. Мен:

«Эй Жаброил, улар ким?» деб сўрадим.

«Булар у дунёда одамларнинг гўштини еб, обрўларини тўкканлар», деб жавоб берди».

Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилишган.

Мўмин-мусулмонлар ғийбатдан четланибгина қолмасдан, бошқа ғийбатчиларнинг оғзига уриб, ғийбатга йўл қўймасликка ҳаракат қилишлари ҳам матлубдир.

عَنْ سَهْلِ بْنِ مُعَاذِ بْنِ أَنَسٍ الْجُهَنِيِّ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: مَنْ حَمَى مُؤْمِنًا مِنْ مُنَافِقٍ يَعِيبُهُ بَعَثَ اللهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى مَلَكًا يَحْمِي لَحْمَهُ يَوْمَ القِيَامَةِ مِنْ نَارِ جَهَنَّمَ، وَمَنْ بَغَى مُؤْمِنًا بِشَيْءٍ يُرِيدُ بِهِ شَيْنَهُ حَبَسَهُ اللهُ تَعَالَى عَلَى جِسْرِ جَهَنَّمَ حَتَّى يَخْرُجَ مِمَّا قَالَ». رَوَاهُ أَحْمَدُ.

Саҳл ибн Муъоз ибн Анас Жуҳанийдан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кимки бир мўминни ғийбатчи мунофиқдан ҳимоя қилса, қиёмат куни Аллоҳ таоло унинг гўштини дўзах ўтидан ҳимоя қилувчи фаришта юборади. Кимки бир мўминни сўкмоқчи бўлиб, уни ғийбат қилса, Аллоҳ таоло уни гапидан қайтмагунича жаҳаннам кўприги устида ушлаб туради», дедилар».

Аҳмад ривоят қилган.

Ғийбатчига қулоқ солган киши унинг шериги ҳисобланади. Фақат унинг гапини тили билан инкор қилсагина, гуноҳидан қутулади. Агар очиқ инкор қилишдан қўрқса, қалби ила инкор қилсин ва гапни бошқа тарафга буришга ёки туриб кетишга ҳаракат қилсин.

ҒИЙБАТНИНГ САБАБЛАРИ ВА УНИ ДАВОЛАШ

Ғийбатнинг сабаблари жуда кўп, улардан баъзисини эсга оламиз:

1. Аччиғини тўкиб солиш.

Бир одам бошқасининг аччиғини чиқарган бўлса, аччиғи чиққан уни ғийбат қилиш ила ундан ўч олишга ҳаракат қилади.

2. Тенгдошлар ва ҳамсуҳбатларга шерик бўлиш, уларнинг гапини қўллаб-қувватлаш.

Таниш-билиш ёки улфатлар бировнинг ғийбатини қилаётган бўлса, ёқиш ва яхши кўриниш ниятида уларга қўшилади. Буни ўзича одамгарчилик деб ўйлайди. Аслида гуноҳга шерик бўлган бўлади.

3. Ўз обрўсини кўтариш учун бировни айблаш.

Мисол учун, «Фалончи жоҳил, фаҳми йўқ», деб, ўзини илмли ва ўткир фаҳмли қилиб кўрсатишга уринади.

4. Ҳасад.

Одамлар бир кишини мақтаётганлари учун ҳасад қилади ва уни ғийбат қилиб, обрўсини тўкиш пайидан бўлади.

5. Ўйин-кулги ва ҳазил.

Одамларни кулдириш ва даврани қизитиш мақсадида бошқаларнинг камчилиги ва айбини айтиб, ғийбат қилинади. Баъзилар бу ишни ўзига касб қилиб олган ҳам бўлади.

ҒИЙБАТНИНГ ДАВОСИ

Аввало ғийбатчи қиладиган ғийбати туфайли Аллоҳ таолонинг ғазабига дучор бўлишини билиб қўйиши керак.

Шунингдек, унинг савоблари ғийбат қилинган одамга олиб берилишини, агар савоби бўлмаса, нариги одамнинг гуноҳлари унга олиб берилишини ҳам билиб қўйсин.

Ғийбат пайти бўлиб қолса, ўзининг айбларини ўйласин ва уларни тузатишга киришсин. Ўзининг айблари бўла туриб, бошқаларни айблашдан уялсин. Агар ўзини айблардан холи билса, ўшанга шукр қилиш ила машғул бўлсин. Ўзини ўзи энг ёмон айб – ғийбатчилик ила ифлосламасин. Ўзини биров ғийбат қилишини истамаганидек, ўзи ҳам ўзгаларни ғийбат қилишни истамасин.

Ғийбатга боис бўлган сабабга назар солсин ва ўша сабабни йўқ қилишга ҳаракат қилсин. Дарднинг давоси ўни келтириб чиқарган сабабни йўқ қилиш ила бўлади.

ҚАЛБ ҒИЙБАТИ

Гоҳида ғийбат қалб билан ҳам содир этилади. Бу мусулмонлар ҳақида ёмон гумон қилиш ила бўлади.

Аллоҳ таоло Ҳужурот сурасида марҳамат қилади:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ ٱجْتَنِبُواْ كَثِيرًا مِّنَ ٱلظَّنِّ إِنَّ بَعْضَ ٱلظَّنِّ إِثْمٌ وَلَا تَجَسَّسُواْ

«Эй иймон келтирганлар! Кўп гумонлардан четда бўлинглар, чунки баъзи гумонлар гуноҳдир. Жосуслик қилманглар» *(12-оят).*

Гуноҳга олиб борувчи иллатлардан бири бадгумонликдир. Бадгумонлик кишилар ҳақида бўлар-бўлмасга ёмон шубҳалар қилиш, уларга нисбатан туҳмат ва ҳадик маъносида фикр юритишдир. Одатда бундай гумонларнинг кўпи асоссиз, беҳуда бўлади. Шу боисдан ҳам **«Кўп гумонлардан четда бўлинглар»**, дейилмоқда.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ: أَنَّ رَسُولَ اللهِ ﷺ قَالَ: إِيَّاكُمْ وَالظَّنَّ، فَإِنَّ الظَّنَّ أَكْذَبُ الْحَدِيثِ، وَلَا تَحَسَّسُوا وَلَا تَجَسَّسُوا، وَلَا تَنَافَسُوا، وَلَا تَحَاسَدُوا، وَلَا تَبَاغَضُوا، وَلَا تَدَابَرُوا، وَكُونُوا عِبَادَ اللهِ إِخْوَانًا». رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бадгумонликдан сақланинг. Албатта, бадгумонлик энг ёмон ёлғончиликдир. Пойлаш ва жосуслик билан шуғулланманг. Ўзаро рақиб бўлманг ва ўзаро ҳасад қилманг. Бир-бирингизни ёмон кўрманг ва бир-бирингизга қарши тадбир қилманг. Аллоҳнинг бандалари, биродар бўлинглар», дедилар».

Тўртовлари ривоят қилишган.

Ўтган уламолардан Зажжож раҳматуллоҳи алайҳи айтади: «Бадгумонлик яхши кишилар ҳақида ёмон гумон қилишдир. Аммо аҳли фисқ бўлса, ундан нима фосиқлик зоҳир бўлган бўлса, шуни гумон қилишга ҳаққимиз бор».

Ўйлаб кўрилса, ўзаро низолар ва келишмовчиликлар кўп ҳолларда бир-биридан ёмон гумонда бўлишдан ҳам келиб чиқади. Ёмон гумондан четда бўлиш учун доимо

кишилар ҳақида яхши гумонда бўлиш, улар ҳақида етган хабарларни яхшиликка йўйиш керак.

Бу ҳақда ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу: «Агар яхшиликка буришнинг бирорта йўли бўлса ҳам, мўмин биродарингдан чиққан сўз ҳақида фақат яхши гумон қил», деган эканлар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِيَّاكُمْ وَالظَّنَّ، فَإِنَّ الظَّنَّ أَكْذَبُ الْحَدِيثِ...» رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:
«Зинҳор ва зинҳор бадгумон бўлманглар. Чунки бадгумонлик сўзнинг энг ёлғонидир», дедилар».
Бухорий ривоят қилган.

عَنْ مُعَاوِيَةَ ﷺ أَنَّهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «إِنَّكَ إِنْ تَتَبَّعْتَ عَوْرَاتِ النَّاسِ أَفْسَدْتَهُمْ».

Муовия розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:
«Агар одамларнинг айбини ахтарадиган бўлсанг, уларни бузасан», дедилар».

Ғийбатнинг зарарлари:

1. Ғийбатчи дўзахда сассиқ ва ифлос нарсаларни еб, азобланади.
2. Ғийбатчи қабрида Аллоҳ таолонинг азобига дучор бўлади.
3. Ғийбатчидан иймон нури ва Ислом асари кетади.
4. Ғийбат қилинган шахс кечирмагунича ғийбатчининг гуноҳи кечирилмайди.

5. Ғийбат бардавом ёмонликдир.

6. Ғийбат озор, зарар, хусумат ва нафрат сабабчисидир.

7. Ғийбатчи пасткаш шахсдир.

8. Ғийбат одамлар орасидаги муҳаббат ришталарини узувчи омилдир.

Ғийбатга рухсатли узрлар:

1. Зулм кўриш.

Зулмга учраган киши то ҳаққини олгунича золимнинг зулми ҳақида гапириш ва шикоят қилишга ҳақли.

Имом Бухорий ва Муслим ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, ҳақ эгасининг гапи бор», деганлар.

2. Мункарни ўзгартириш ва гуноҳкорни тўғри йўлга солиш.

Хусусан, раҳбарларга гуноҳ иш қилаётганлар ҳақида хабар етказиш ғийбатга кирмайди. Абу Бакр ва Умар розияллоҳу анҳумо ўзларига бу каби хабарлар келганда ғийбат ҳисобламаганлар.

3. Фатво сўрашда.

Бир киши муфтийнинг ҳузурига келиб: «Фалончи менга зулм қилди ёки ҳақимни бермаяпти, уни қандай қилиб олсам бўлади?» деса, ғийбат бўлмайди. Айбдорнинг номини ҳам айтиши мумкин. Аммо «Фалон ишни қилган одамнинг ҳукми нима бўлади?» қабилида ишора билан гапирилса, яна ҳам яхши бўлади.

Абу Суфён ибн Ҳарбнинг хотини Ҳинд бинти Утба эридан шикоят қилиб, уни «бахил» деб атаганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам инкор қилмаганлар.

4. Мусулмонларни ёмонликдан огоҳлантириш учун.

Мусулмонларга зарар келтириши мумкин бўлган фосиқ кишилардан одамларни огоҳлантириш учун ундаги бор гапни айтиб қўйиш мумкин.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهَا قَالَتْ: اسْتَأْذَنَ رَجُلٌ عَلَى رَسُولِ اللهِ ﷺ فَقَالَ: «ائْذَنُوا لَهُ، بِئْسَ أَخُو الْعَشِيرَةِ أَوِ ابْنُ الْعَشِيرَةِ»، فَلَمَّا دَخَلَ أَلَانَ لَهُ الْكَلَامَ، قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللهِ، قُلْتَ الَّذِي قُلْتَ ثُمَّ أَلَنْتَ لَهُ الْكَلَامَ، قَالَ: «أَيْ عَائِشَةُ، إِنَّ شَرَّ النَّاسِ مَنْ تَرَكَهُ النَّاسُ أَوْ وَدَعَهُ النَّاسُ اتِّقَاءَ فُحْشِهِ». رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига киришга изн сўради. Бас, у зот:

«Унга изн беринглар. У ўз уруғининг қандай ҳам ёмон биродари ёки уруғининг қандай ҳам ёмон ўғли», дедилар.

У кирганида эса унга мулойим гап айтдилар. Мен:

«Эй Аллоҳнинг Расули, айтган гапингизни айтдингиз-у, кейин унга мулойим гапирдингиз?» дедим.

«Эй Оиша! Одамларнинг ёмони одамлар унинг фаҳшидан қўрқиб, тарк қилганларидир», дедилар».

Тўртовлари ривоят қилишган.

Уламоларимизнинг таъкидлашларича, ушбу ҳадиси шарифда номи зикр қилинмасдан, у ҳақда сўз кетаётган одамнинг исми Махрама ибн Навфал бўлган. Мазкур шахс мунофиқ ва фосиқ одамлардан бўлган. Шунинг учун ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам у ҳақда ўзига эшиттирмасдан, мазаммат сўзини айтганлар. Ул зот бу билан унинг ёмонлигини бошқаларга билдириб, уларнинг ундан эҳтиёт бўлишлари чорасини кўрганлар.

5. Никоҳ ва омонат қўйиш масаласида биров ҳақида маслаҳат сўралган одам маслаҳат сўровчига борини айтса, гуноҳ бўлмайди.

6. Айби лақабига айланиб қолган кишининг лақабини айтиш ҳам жоиз. Мисол учун, ўтган машҳур кишилар ичида Аъмаш шилпиқ ва Аъраж чўлоқ лақабли зотлар бўлишган.

7. Очиқ-ойдин фосиқлик қилган кишининг зикри.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللهِ ﷺ يَقُولُ: «كُلُّ أُمَّتِي مُعَافًى إِلَّا الْمُجَاهِرِينَ، وَإِنَّ مِنَ الْمُجَاهَرَةِ أَنْ يَعْمَلَ الرَّجُلُ بِاللَّيْلِ عَمَلًا ثُمَّ يُصْبِحُ وَقَدْ سَتَرَهُ اللهُ عَلَيْهِ فَيَقُولَ: يَا فُلَانُ، عَمِلْتُ الْبَارِحَةَ كَذَا وَكَذَا، وَقَدْ بَاتَ يَسْتُرُهُ رَبُّهُ وَيُصْبِحُ يَكْشِفُ سِتْرَ اللهِ عَنْهُ». رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мужоҳирдан бошқа умматимнинг ҳаммаси афв қилингандир. «Мужоҳара» кишининг кечаси бир ишни қилиб, тонг отганида, Аллоҳ уни сатр қилган бўлса ҳам, «Эй Фалончи, кечаси ундоқ қилдим, бундоқ қилдим», демоғидир. Батаҳқиқ, у Аллоҳ уни сатр қилган ҳолида ётган эди. Тонг отганида у ўзидан Аллоҳнинг сатрини очади», дедилар».

Икки шайх ривоят қилишган.

«Мужоҳир» «жаҳр» сўзидан олинган бўлиб, «ошкора қилувчи» деган маънони билдиради.

Шаръий истилоҳда эса гуноҳни ошкора ва уялмасдан қилувчи одамга айтилади. Ушбу ҳадиси шарифдаги таърифга қараганда, ўзи қилган гуноҳни одамларга мақтаниб юрган одам мужоҳир ҳисобланади.

Демак, гуноҳни ошкора қилган, ўзидан содир бўлган гуноҳларини гапириб юрадиган мужоҳирларнинг гуноҳи афв бўлмас экан. Ана шундай мужоҳирларнинг айбини гапириш ғийбат ҳисобланмайди.

ҒИЙБАТНИНГ КАФФОРОТИ

Ғийбатчи бир йўла икки ҳаққа нисбатан жиноят қилади:

1. Аллоҳ таолонинг ҳаққига жиноят қилган бўлади. Чунки у Аллоҳ таоло қайтарган ишни қилди. Бунинг каффороти тавба қилиш билан бўлади.

2. Бандanинг ҳаққига жиноят қилган бўлади.

Агар ғийбат бандanинг ўзига етган бўлса, ғийбатчи унинг олдига бориб, кечирим сўраши ва надоматини билдириши лозим бўлади.

Уламолар: «Унинг тавбаси тўлиқ бўлиши учун қаерда, қайси мажлисда ғийбат қилган бўлса, ўша ерда, ўша мажлисда ғийбат қилинган киши ҳақида яхши гапларни гапириши керак», деганлар.

Агар гап ғийбат қилинган одамга етмаган бўлса, тавба қилган ғийбатчи унинг ҳаққига истиғфор айтади.

- **Тўққизинчи офат – чақимчилик.**

Чақимчилик араб тилида «намийма» дейилиб, луғатда бир нарсани зоҳир қилишни билдиради.

Уламолар чақимчиликни қуйидагича таърифлаганлар:

Имом Нававий: «Чақимчилик бузғунчилик йўли билан одамларнинг гапини бир-бирига етказишдир», деган.

Чақимчилик Қуръони Каримда ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларида қораланган ёмон хислатлардан биридир.

Аллоҳ таоло:

وَلَا تُطِعْ كُلَّ حَلَّافٍ مَّهِينٍ ﴿١٠﴾ هَمَّازٍ مَّشَّآءٍۭ بِنَمِيمٍ ﴿١١﴾ مَّنَّاعٍ لِّلْخَيْرِ مُعْتَدٍ أَثِيمٍ ﴿١٢﴾

«Итоат қилма ҳар бир қасамхўр, ҳақирга,.. айбловчи, чақимчилик қилиб юрувчига,.. яхшиликни ман қилувчи, тажовузкор, сергуноҳга» *(«Қалам» сураси, 10-12-оятлар).*

عَنْ هَمَّامٍ ﷺ قَالَ: كُنَّا مَعَ حُذَيْفَةَ، فَقِيلَ لَهُ: إِنَّ رَجُلًا يَرْفَعُ الْحَدِيثَ إِلَى عُثْمَانَ ﷺ، فَقَالَ لَهُ حُذَيْفَةُ ﷺ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللهِ ﷺ يَقُولُ: «لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ قَتَّاتٌ».

Ҳаммам розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Ҳузайфа билан бирга эдик. Бас, унга: «Бир киши гапни Усмон розияллоҳу анҳуга олиб бориб туради», дейилди.

Шунда Ҳузайфа розияллоҳу анҳу унга: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Чақимчи жаннатга кирмайди», деганларини эшитганман», деди».

Бу ҳадиси шарифда чақимчилик нақадар оғир гуноҳ экани баён қилинмоқда. Уламоларимиз: «Чақимчиликни ҳалол санаган одам жаннатга кирмайди», деганлар.

عَنْ عَبْدِ اللهِ ﷺ قَالَ: إِنَّ مُحَمَّدًا ﷺ قَالَ: «أَلَا أُنَبِّئُكُمْ مَا الْعَضْهُ؟ هِيَ النَّمِيمَةُ الْقَالَةُ بَيْنَ النَّاسِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Парчалаш нималигини сизга айтиб берайми? Одамлар орасида «деди-деди»лаб чақимчилик қилишдир», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

Ҳа, чақимчилик сўйилган ҳайвоннинг аъзолари парчалаб бўлингани каби, жамият аъзоларини парчалаб, бир-биридан ажратиб ташлайди. Чақимчилик тарқалган жамиятда бирлик, ҳамкорлик қолмайди. Бу эса ҳар қандай жамият учун ўта хатарлидир.

Ҳасан Басрий: «Ким сенга чақимчилик қилса, сенинг ҳақингда ҳам чақимчилик қилади», деган.

Имом Заҳабий: «Чақимчилик гуноҳи кабирадир», деган.

Унинг ҳаромлигига мусулмонлар ижмоъ қилишган.

Чақимчилик қилишнинг сабаблари:

1. Гапи нақл қилинаётган шахсга ёмонлик етказиш нияти.
2. Гап айтилаётган одамга яхши кўриниш.
3. Ўзини ўзи хурсанд қилиш ва бошқалар.

Чақимчиликнинг зарарлари:

1. Чақимчилик дўзахга олиб борувчи йўлдир.
2. Чақимчилик улфатлар орасида адоват оловини ёқади.
3. Чақимчилик озор, зарар, алам, хусумат ва нафратдир.
4. Чақимчиликнинг охири войдир.
5. Чақимчилик яхшиликларни кетказади.
6. Чақимчилик пасткашлик, қўрқоқлик, заифлик, макр, ялтоқлик ва мунофиқликдир.

ЧАҚИМЧИЛИКНИ ДАВОЛАШ

Аввало чақимчи қиладиган чақимчилиги туфайли Аллоҳ таолонинг ғазабига дучор бўлишини билиб қўйиши керак. Шунингдек, унинг савоблари чақимчилик қилинган одамга олиб берилишини, агар савоби бўлмаса, нариги одамнинг гуноҳлари унга олиб берилишини ҳам билиб қўйсин.

Чақимчилик пайти бўлиб қолса, ўзининг айбларини ўйласин ва уларни тузатишга киришсин. Агар ўзини айблардан холи деб билса, шукр қилиш ила машғул бўлсин. Ўзини ўзи энг ёмон айблардан бири – чақимчилик ила булғамасин. Ўзининг айблари бўла туриб, бошқаларни айблашдан уялсин. Ўзи ҳақида бировнинг чақимчилик қилишини истамаганидек, ўзи ҳам ўзгалар ҳақида чақимчилик қилишни истамасин.

Чақимчиликка боис бўлган сабабга назар солсин ва ўша сабабни йўқ қилиш пайидан бўлсин. Дарднинг давоси уни келтириб чиқарган сабабни йўқ қилиш ила бўлади.

Чақимчи билан қандай муомалада бўлинади?

Бу ҳақда имом Заҳабий айтади: «Кимга чақимчилик етиб келса ва унга: «Сен ҳақингда Фалончи ундай деди, бундай деди», дейилса, қуйидаги олти тавсияни амалга оширсин:

1. Чақимчига ишонмасин. Чунки у чақимчилиги сабабли фосиқ бўлди. Шариатда фосиқнинг гапи рад қилинади.

2. Уни бу ишдан қайтарсин. Унга насиҳат қилсин ва чақимчилигини қораласин.

3. Аллоҳ таоло учун уни ёмон кўрсин. Чунки Аллоҳ таоло чақимчини ёмон кўради. Аллоҳ таоло учун ёмон кўриш вожибдир.

4. Чақимчилик қилинаётган одам ҳақида ёмон гумонга бормасин. Чунки Аллоҳ таоло Ҳужурот сурасида марҳамат қилади:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ ٱجْتَنِبُواْ كَثِيرًا مِّنَ ٱلظَّنِّ إِنَّ بَعْضَ ٱلظَّنِّ إِثْمٌ

«Эй иймон келтирганлар! Кўп гумонлардан четда бўлинглар, чунки баъзи гумонлар гуноҳдир» *(12-оят).*

5. Чақимчилик уни қарши тараф зиддига жосуслик қилишга олиб бормасин.

6. Чақимчининг гапини бошқаларга айтиб, ўзи чақимчилик қилиб юрмасин.

Ўнинчи офат – иккиюзламачининг гапи.

Бундай одам арабларда «икки тилли» ҳам дейилади. Бу сифатга эга бўлган одам икки душман тараф орасида гап ташиб юради ва икки тарафга ҳам ёқадиган гапни гапиради. Қайси тарафнинг қаршисида турса, ўшани мақтаб, бошқа тарафни ёмонлайди.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ أَنَّهُ سَمِعَ رَسُولَ اللهِ ﷺ يَقُولُ: «إِنَّ شَرَّ النَّاسِ ذُو الْوَجْهَيْنِ الَّذِي يَأْتِي هَؤُلَاءِ بِوَجْهٍ وَهَؤُلَاءِ بِوَجْهٍ». رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«У киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Албатта, одамларнинг ёмони иккиюзламачи кишидир. Анавиларга бир юз билан келади ва манавиларга бир юз билан келади», деганларини эшитган экан».

Тўртовлари ривоят қилишган.

عَنْ عَمَّارٍ ﷺ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «مَنْ كَانَ لَهُ وَجْهَانِ فِي الدُّنْيَا كَانَ لَهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ لِسَانَانِ مِنْ نَارٍ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

Аммор розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кимнинг бу дунёда икки юзи бўлса, қиёмат куни унинг оловдан бўлган икки тили бўлади», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Иккиюзламачилик чақимчиликдан ҳам ёмондир. Чунки чақимчи бир тарафнинг гапини бошқасига ташийди. Иккиюзламачи эса икки тарафнинг гапини ташийди.

Икки душман тарафнинг олдига кириб, уларни яраштириш учун иккисига ҳам хушомад қилиб, тўғри гапни гапирган одам иккиюзламачи бўлмайди.

Бировнинг ёмонлигидан қўрққани учун сиртдан бошқача кўриниш ҳам иккиюзламачилик бўлмайди. Балки узрли ҳолат бўлади.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهَا قَالَتْ: اسْتَأْذَنَ رَجُلٌ عَلَى رَسُولِ اللهِ ﷺ فَقَالَ: «ائْذَنُوا لَهُ، بِئْسَ أَخُو الْعَشِيرَةِ أَوِ ابْنُ الْعَشِيرَةِ»، فَلَمَّا دَخَلَ أَلَانَ لَهُ الْكَلَامَ، قُلْتُ: يَا رَسُولَ اللهِ، قُلْتَ الَّذِي قُلْتَ ثُمَّ أَلَنْتَ لَهُ الْكَلَامَ؟ قَالَ: «أَيْ عَائِشَةُ، إِنَّ شَرَّ النَّاسِ مَنْ تَرَكَهُ النَّاسُ أَوْ وَدَعَهُ النَّاسُ اتِّقَاءَ فُحْشِهِ». رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:

«Бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига киришга изн сўради. Бас, у зот:

«Унга изн беринглар. У ўз уруғининг қандай ҳам ёмон биродари ёки уруғининг қандай ҳам ёмон ўғли», дедилар.

У кирганида эса унга мулойим гап айтдилар. Мен: «Эй Аллоҳнинг Расули, айтган гапингизни айтдингиз-у, кейин унга мулойим гапирдингиз?» дедим. «Эй Оиша! Одамларнинг ёмони одамлар унинг фаҳшидан қўрқиб, тарк қилганларидир», дедилар».

Тўртовлари ривоят қилишган.

Абу Дардо розияллоҳу анҳу: «Бир қавмларнинг юзларига табассум ила боқамиз, аммо қалбларимиз уларни лаънатлайди», деган.

Ўн биринчи офат – маддоҳлик.

Маддоҳлик баъзи жойларда ман қилинган. Мадҳнинг ўзида олтита офат бор бўлиб, уларнинг тўрттаси мадҳ қилувчида, иккитаси мадҳ қилинувчидадир.

Мадҳ қилувчидаги офатлар қуйидагилар:

1. Мадҳда ҳаддан ошиб, ёлғон қўшиб юбориш.

2. Мадҳга риёкорликни аралаштириш. Мисол учун, мақтаётганда уни яхши кўришини айтади, аслида яхши кўрмайди. Ёки гапираётган гапи ўз эътиқодига тўғри келмайди. Шунинг ўзи риёкорликдир.

3. Маддоҳ гоҳида рўёбга чиқиши мумкин бўлмаган нарсани ёки моҳиятини англаш қийин бўлган нарсани гапиради. Мисол учун, «Бу киши ўта тақводор, парҳезкор ва зоҳиддир», дейди.

عَنْ أَبِي مُوسَى ﷺ قَالَ: سَمِعَ النَّبِيُّ ﷺ رَجُلًا يُثْنِي عَلَى رَجُلٍ وَيُطْرِيهِ فِي الْمِدْحَةِ فَقَالَ: «أَهْلَكْتُمْ أَوْ قَطَعْتُمْ ظَهْرَ الرَّجُلِ». رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир кишининг бошқа бировни мақтаб маддоҳлик қилаётганини эшитиб қолдилар ва: «Ўша одамни ҳалок

қилдиларингиз ёки белини синдирдиларингиз», дедилар».

Икки шайх ривоят қилишган.

Ортиқча ва ноўрин мақтов маддоҳлик бўлади. Бу иш мақталган кишининг ўзидан кетишига ва ҳовлиқиб, бузилишига олиб боради. Ана шу тариқа у одам ҳалокатга учрайди ва одамгарчиликдан чиқади. Шунинг учун ҳам маддоҳлик қилишда эҳтиёт бўлиш лозим.

عَنْ أَبِي بَكْرَةَ ﷺ ذُكِرَ رَجُلٌ عِنْدَ النَّبِيِّ ﷺ فَأَثْنَى عَلَيْهِ رَجُلٌ خَيْرًا، فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «وَيْحَكَ قَطَعْتَ عُنُقَ صَاحِبِكَ - يَقُولُهُ مِرَارًا - إِنْ كَانَ أَحَدُكُمْ مَادِحًا لَا مَحَالَةَ فَلْيَقُلْ: أَحْسِبُ كَذَا وَكَذَا، إِنْ كَانَ يُرَى أَنَّهُ كَذَلِكَ وَحَسِيبُهُ اللهُ، وَلَا يُزَكِّي عَلَى اللهِ أَحَدًا». رَوَاهُ الثَّلَاثَةُ.

Абу Бакра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида бир киши зикр қилинди. Бир одам унга яхши мақтов айтди.

Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам бир неча марта: «Шўринг қурсин! Соҳибингнинг бўйнини кесдинг! Агар бирингиз ноилож мадҳ айтадиган бўлсангиз, «Менимча, ундоқ, менимча, бундоқ», десин. Агар ана шундайлиги кўрилган бўлса, Аллоҳ унга етарлидир. Аллоҳга бировни поклаб кўрсатмасин», дедилар».

Учовлари ривоят қилишган.

Бу ерда бировни юзига мақташ ҳақида, шу билан бирга, мақтовдан сўнг ўзидан кетиб, адашув йўлига кириши эҳтимоли бор кишилар ҳақида сўз кетмоқда. Ўринли ва

адолатли мақтов жоиз. Баъзи жойларда эса кишиларни яхшиликка тарғиб қилиш учун ҳатто зарур ҳам.

4. Маддоҳ золим ёки фосиқ одамни мақтаб, хурсанд қилади.

Мақталган шахсдаги офатлар:

1. Мақтов мақталган одамда кибр ва ўзини устун кўришига сабаб бўлиши мумкин.

2. Мақталган одам мақтовга учиб, ўзидан рози бўлиб, ҳимматини йўқотиши мумкин.

Мазкур олти офатдан холи бўлса, мадҳ жоиздир.

وَجَاءَ وَفْدُ بَنِي عَامِرٍ إِلَى رَسُولِ اللهِ ﷺ فَقَالُوا: أَنْتَ سَيِّدُنَا. فَقَالَ: «السَّيِّدُ اللهُ». قَالُوا: وَأَفْضَلُنَا فَضْلًا، وَأَعْظَمُنَا طَوْلًا. فَقَالَ: «قُولُوا بِقَوْلِكُمْ أَوْ بَعْضِ قَوْلِكُمْ، وَلَا يَسْتَجْرِيَنَّكُمُ الشَّيْطَانُ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالْإِمَامُ أَحْمَدُ.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига Бану Омирнинг элчилари келишди. Бас, улар:

«Сиз саййидимизсиз», дейишди.

«Саййид Аллоҳдир», дедилар у зот.

«Фазлда афзалимизсиз, ато(мол бериш)**да каттамизсиз», дейишди.**

«Бу гапингизни ёки бу гапингизнинг баъзисини айтаверинг. Фақат шайтон сизларни тезлатиб юбормасин», дедилар».

Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилишган.

Меъёрида ва ҳаддан ошмасдан мақтов сўзларини айтиш мумкинлиги шу ҳадиси шарифдан олинади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг саҳобаларини мадҳ қилганлари ҳақида кўплаб ҳадислар келган.

Суфён ибн Уяйна дейди: «Ўзини билган одамни мадҳ қилиш зарар қилмайди».

وَجَاءَ رَجُلٌ فَأَثْنَى عَلَى عُثْمَانَ ﷺ فِي وَجْهِهِ، فَأَخَذَ الْمِقْدَادُ ابْنُ الْأَسْوَدِ تُرَابًا فَحَثَا فِي وَجْهِهِ وَقَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «إِذَا لَقِيتُمُ الْمَدَّاحِينَ فَاحْثُوا فِي وُجُوهِهِمُ التُّرَابَ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَمُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ.

«Бир киши келиб, Усмон розияллоҳу анҳуни юзларига мақтади. Миқдод ибн Асвад тупроқ олиб, унинг юзига сочди ва: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Қачон маддоҳларни кўрсангиз, уларнинг юзига тупроқ сочинг», деган эдилар», деди».

Абу Довуд, Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

Бундан маддоҳларни маддоҳликдан қайтариб туриш ҳам зурурлиги келиб чиқади. Бўлмаса, улар ўз маддоҳликларида ҳаддан ошиб, бир-бирлари билан мусобақалашиб бораверадилар.

Бир киши ҳазрати Али розияллоҳу анҳунинг юзларига қараб туриб, маддоҳлик қилди. Али розияллоҳу анҳу аввал шу одам ўзларини ёмонлаб юрганини билар эдилар ва унга: «Мен сен айтганчалик эмасман. Аммо ичингда сақлаб турганингдан устунман», деди.

Ўн иккинчи офат – гапни диққат билан гапирмаслик.

Аллоҳ таолога, эътиқодга, диний таълимотларга тегишли сўз ва гапларни эътиборсизлик қилиб, бузиб гапириш ҳам катта офатдир. Бунда куфр, ширк ва гуноҳ бўладиган гаплар айтилиб қолиши бор.

عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا: أَنَّ رَجُلًا أَتَى النَّبِيَّ ﷺ

فَكَلَّمَهُ فِي بَعْضِ الْأَمْرِ فَقَالَ: مَا شَاءَ اللهُ وَشِئْتَ. فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «أَجَعَلْتَنِي لِلَّهِ عَدْلًا؟! قُلْ: مَا شَاءَ اللهُ وَحْدَهُ». رَوَاهُ النَّسَائِيُّ.

Имом Насоий Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар зикр қилинган:

«Бир одам келиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга баъзи нарсаларни гапира бошлади ва: «Аллоҳ ва сиз истасангиз», деди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сен мени Аллоҳга тенг қиляпсанми?! Аллоҳнинг ёлғиз Ўзи истаса, дегин», дедилар».

Имом Абу Довуд ва имом Насоий Ҳузайфа розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар айтилади:

قَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «لَا تَقُولُوا مَا شَاءَ اللهُ وَشِئْتَ، وَلَكِنْ قُولُوا مَا شَاءَ اللهُ ثُمَّ شِئْتَ».

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ ва сиз истасангиз», деманг, «Аллоҳ, сўнгра сиз истасангиз», денглар», дедилар».

Чунки «ва» сўзи баробарлик маъносини билдиради.

عَنْ عَدِيِّ بْنِ حَاتِمٍ قَالَ: خَطَبَ رَجُلٌ عِنْدَ رَسُولِ اللهِ ﷺ فَقَالَ: وَمَنْ يُطِعِ اللهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ رَشَدَ وَمَنْ يَعْصِهِمَا فَقَدْ غَوَى. فَقَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «اسْكُتْ، فَبِئْسَ الْخَطِيبُ أَنْتَ». ثُمَّ قَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «مَنْ يُطِعِ اللهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ رَشَدَ وَمَنْ يَعْصِ اللهَ وَرَسُولَهُ فَقَدْ غَوَى، وَلَا تَقُلْ وَمَنْ يَعْصِهِمَا». رَوَاهُ الشَّافِعِيُّ.

Адий ибн Ҳотим розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир одам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида хутба қилиб:

«Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилса, батаҳқиқ, тўғри йўлни топибди. Ким икковларига осий бўлса, батаҳқиқ, адашибди», деди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Жим бўл! Қандай ёмон хатиб экансан!» дедилар. Сўнгра Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига итоат қилса, батаҳқиқ, тўғри йўлни топибди. Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига осий бўлса, батаҳқиқ, адашибди. «Ким икковларига осий бўлса», демагин», дедилар.

Шофеъий ривоят қилган.

Ибн Аббос розияллоҳу анҳу айтади: «Биринги ўз ити ила ҳам ширк келтириб қўйиши мумкин. «Агар ўша ит бўлмаса, уйимизни ўғри уриб кетарди», дейди».

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ أَنَّهُ قَالَ: «وَلَا يَقُلْ أَحَدُكُمْ عَبْدِي أَمَتِي وَلْيَقُلْ فَتَايَ وَفَتَاتِي وَغُلَامِي». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизлардан бирортангиз «қулим, чўрим», демасин. Лекин «ўғлим, қизим, ғуломим» десин», дедилар».

Бухорий ривоят қилган.

Иброҳим Нахаъий айтади: «Қачон бир одам бошқасига: «Эй эшак!», «Эй чўчқа!» деса, қиёмат куни унга: «Сен буни эшак қилиб яратганимни кўрганмидинг?! Сен буни чўчқа қилиб яратганимни кўрганмидинг?!» дейилади.

Ўн учинчи офат – илмсиз кишининг илмий гапларга аралашиши ва ноўрин саволлар бериши.

Ҳар ким ўзини кўрсатгиси келади. Илмсиз киши ҳам ўзини илмли қилиб кўрсатиш ила ҳузурланади. Диний илмга оид гапларни гапириб турганда шайтон унинг хаёлига олим ва фозил бўлиб қолгани ҳақидаги даъвони солади. У бунга алданиб, шайтоннинг изидан бориб, куфр гапларни гапириб юборганини ўзи ҳам билмай қолади.

Қийин ва ўзининг даражасидан юқори масалаларни сўраш ҳам офат ҳисобланади.

Имом Термизий Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳудан ривоят қилган ҳадисда қуйидагилар айтилади:

«Одамлардан йўлга қодир бўлганларига Аллоҳ учун Байтуллоҳни ҳаж қилмоқ бурчдир» ояти нозил бўлганида, одамлар:

«Эй Аллоҳнинг Расули, ҳар йилими?» деб сўрашди. Ул зот индамадилар. Улар яна:

«Ҳар йилими?» дейишди. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Йўқ. Агар «Ҳа», десам, фарз бўлиб қоларди», дедилар. Шунда Аллоҳ таоло қуйидаги оятни нозил қилди:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ لَا تَسْـَٔلُوا۟ عَنْ أَشْيَآءَ إِن تُبْدَ لَكُمْ تَسُؤْكُمْ وَإِن تَسْـَٔلُوا۟ عَنْهَا حِينَ يُنَزَّلُ ٱلْقُرْءَانُ تُبْدَ لَكُمْ عَفَا ٱللَّهُ عَنْهَا وَٱللَّهُ غَفُورٌ حَلِيمٌ ﴿١٠١﴾

«Эй иймон келтирганлар! Ҳар хил нарсаларни сўрайверманглар. Агар сизга изҳор қилинса, ўзингизга ёмон бўладир. Агар улар ҳақида Қуръон нозил қилиниб турган чоғда сўрасангиз, сизга изҳор қилинадир. Аллоҳ уларни афв қилди. Аллоҳ ўта мағфиратлидир, ўта ҳилмлидир» *(«Моида» сураси, 101-оят).*

Бу ояти карименинг нозил бўлиш сабаби ҳақида кўплаб ривоятлар бор. Улардан бирини юқорида зикр қилдик.

Аслида бу оят ўша пайтда кенг ёйилган бир одатни муолажа этиш учун нозил қилингандир.

Эндигина жоҳилият замонидан чиқа бошлаган одамларнинг табиати ҳам ҳар хил бўлган. Улар орасида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга бўлар-бўлмас саволлар билан мурожаат қилувчилари ҳам мавжуд экан.

Баъзилари ўзини кўрсатиш учун, баъзилари фитна қўзиш учун ва яна бошқалари фаросати етмаганидан ҳам савол бераверар экан. Ўша пайтдаги воқеликни тасвирловчи ривоятларда бу ҳол яққол кўзга ташланиб туради.

Имом ибн Жарир Тобарий Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан қилган ривоятда қуйидагилар зикр қилинади:

«Бир куни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ғазабланиб, юзлари қизариб, минбарга чиқиб ўтирдилар.

Шунда бир одам туриб, қаршиларига борди-да:

«Менинг жойим қаерда?» деб сўради.

«Дўзахда!» дедилар. Бошқа бири туриб:

«Менинг отам ким?» деди.

«Отанг Ҳузайфа!» дедилар.

Шунда Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу ўрнидан туриб:

«Аллоҳни Робб деб, Исломни дин, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни Пайғамбар ва Қуръонни имом деб рози бўлдик. Эй Аллоҳнинг Расули, албатта, биз жоҳилиятдан ва ширкдан яқиндагина чиққан одамлармиз. Оталаримизнинг кимлигини Аллоҳнинг Ўзи билади», деди.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ғазабдан тушдилар. Кейин «Эй иймон келтирганлар, ҳар хил нарсаларни сўрайверманглар» ояти нозил бўлди».

Бундан бошқа ривоятлар ҳам бор. Аммо мазкурлари кифоя қилар, деган фикрдамиз.

Ушбу оятдан Қуръони Карим ақийда, шариат масалаларини баён қилиш билан бирга мусулмонларнинг

кундалик ҳаётларига аралашиб, уларнинг қўлидан етаклаб, тарбиялаб ҳам боргани, ҳатто савол бериш одобигача ўргатгани маълум бўлади.

Аслида сўраб ўрганиш, маърифат ҳосил қилиш яхши нарса. Аммо ҳамма нарсанинг меъёри ва чегараси бўлганидек, саволнинг ҳам чегараси ва услуби бор.

Ислом воқелик дини бўлганидан маърифат учун бериладиган саволлар ҳам воқеликдан келиб чиқиши, кишиларга манфаат жалб этиши лозим. Инсоннинг илмини оширмайдиган, маърифатига хизмат қилмайдиган, воқеликда бўлмайдиган икир-чикирларни сўрайверишдан нима фойда? Айниқса Қуръон нозил бўлиб турган пайтда. Чунки шариатнинг янгидан-янги ҳукмлари жорий этилиб турган пайтда ҳар хил саволлар берилаверса, қўшимча ҳукмлар тушиб, кўпчиликка жабр бўлиб қолиш эҳтимоли бордир.

«Ҳаж ҳар йили фарзми?» деб қайта-қайта сўраган одамга Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Агар «Ҳа», десам, фарз бўлиб қоларди», деб жавоб қилганларидан ҳам шу маъно келиб чиқади.

Ўша бир кишининг саволи сабаб бўлиб ҳаж ибодати ҳар йили фарз бўлиб қолганда мусулмонларга қанчалик қийин бўлишини тасаввур ҳам қилиб бўлмайди.

Бўлар-бўлмас нарсаларни сўрайвериш ҳар хил қийинчилик ва ноқулайликларга сабаб бўлиши мумкинлигидан ҳам бундан қайтарилмоқда.

Бошқа ривоятларда зикр қилинишича, юқоридаги ривоятда: «Отам ким?» деб сўраган одам Абдуллоҳ ибн Ҳузайфа розияллоҳу анҳу бўлган. У киши қадимдан мусулмон эди. Ҳабашистонга ҳижрат қилган, Бадр ғазотида қатнашган, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг элчилари сифатида у зотнинг мактубларини Форс подшоҳи Кисрога олиб борган эътиборли шахс эди.

Аммо у киши дабдурустдан «Отам ким?» деб ноқулай савол берди. Саволининг ноқулайлигини айниқса онасидан дакки эшитганида яна ҳам яхшироқ ҳис этди.

Онаси у кишига: «Сендан кўра оқроқ болани кўрмадим. Онанг жоҳилият аёллари қилган ишларни қилиб қўйган бўлганида, уни одамлар орасида шарманда қилган бўлар эдинг!» деган экан.

Шунда Абдуллоҳ ибн Ҳузайфа: «Аллоҳга қасамки, Расулуллоҳ мени «Бир қора қул насабидансан», деганларида, шундай бўлар эди», деди.

Яъни Абдуллоҳнинг отаси Ҳузайфа экани маълум ва машҳур бўлишига қарамай, худди онам хиёнат қилиб биров билан зино қилмаганмикан, дегандек шубҳага бориб савол берган.

Мусулмонларни шунга ўхшаш ноқулайликлардан сақлаш мақсадида уларга хитоб қилиниб:

«Эй иймон келтирганлар! Ҳар хил нарсаларни сўрайверманглар. Агар сизга изҳор қилинса, ўзингизга ёмон бўлади», дейилмоқда.

Яъни сизга керакли қисми айтиб қўйилган. Агар сўраган нарсангиз юзага чиқса, ўзингизга ёмон бўлади. Тоқатингиздан ташқари таклиф бўлиши ёки бошқа бир оғирроқ ҳукм келиши ҳам мумкин.

Имом Бухорийнинг «Саҳиҳ»ларида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Албатта, Аллоҳ таоло сизларга фарзларни буюрди, уларни зое қилманг; чегаралар қўйди, ундан тажовуз қилманг; бир қанча нарсаларни ҳаром қилди, уларни поймол қилманг; сизларга раҳм этиб, эсидан чиқиб эмас, бир қанча нарсаларни зикр қилмади, улар ҳақида сўраманг», деганлари ривоят қилинган.

Имом Муслим Омир ибн Саъддан, у эса ўз отасидан қилган ривоятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким мусулмонларга ҳаром қилинмаган бир нар-

са ҳақида сўраса-ю, унинг саволи сабабидан ўша нарса мусулмонларга ҳаром қилинса, ўша одам мусулмонлар ҳаққида энг катта гуноҳ қилган бўлади», дейдилар.

Бу ҳолат Қуръони Карим нозил бўлиб турган пайтда айниқса хавфли эди. Ҳар бир лаҳзада янги оят тушиб, қўшимча савол туфайли мусулмонларга таклиф кучайиши эҳтимоли бор эди.

Аввалги авлод мусулмонлари бу ҳақиқатни яхши тушуниб етганларидан, ўзларини эҳтиёт қилишарди.

Имом Доримий ҳазрати Абдуллоҳ ибн Аббос розиялоҳу анҳудан қилган ривоятда шундай дейилади: «Расулуллоҳнинг саҳобаларидан кўра яхшироқ қавмни кўрмадим. Улар у зот вафот этгунларига қадар ўн учта савол сўрашган, холос. Бу саволларнинг ҳаммаси Қуръонда зикр қилинган: «Сендан ҳаром ойда уруш қилиш ҳақида сўрарлар», «Сендан ҳайз ҳақида сўрарлар», каби.

Улар фақат ўзларига манфаатли нарсаларнигина сўрашар эди».

Имом Молик: «Мен бу юртнинг (яъни Мадинаи Мунаввaранинг) Китоб ва Суннатдан бошқа нарсага амал қилмаслигини кўрдим. Агар бир янги масала пайдо бўлса, амир уламоларни тўпларди. Уламолар нимага иттифоқ қилсалар, амалга оширардилар. Сизлар эса саволларни кўпайтираверасизлар, Расулуллоҳ бу ишни хуш кўрмаганлар», деган экан.

Ҳа, афсуски, бир замонлар келиб, мусулмонлар Исломнинг бошқа таълимотлари қатори, бу таълимотини ҳам унутиб, бўлар-бўлмас масалаларни хаёлан тўқиб чиқаришга, уни ҳал қилишга ортиқча вақт, ақл-заковат ва куч-қувват сарфлашга ўтиб кетдилар. Бу ҳақда кўп гаплар бўлиб ўтган.

Аммо ҳаммаси бефойда нарсалар экани кишини афсуслантиради. Баъзи фиқҳ китобларида ҳам мана шу қабилдаги масалаларни ўқиб ҳайрон қоласан.

Мисол учун, қуйидагича савол берилади: «Ҳомиладор аёлни тўлғоқ тутиб, боланинг боши чиққанда намоз вақти кириб қолса, қандай қилиб намоз ўқийди?»

Жавоб тайёр: «Боланинг бошидан каттароқ қилиб ердан чуқур ковлайди. Саждага борганда, ўтирганда, боланинг боши ўша чуқурга тушиб туради, ҳеч қаерга тегмайди. Зарар тортмайди».

Лекин «Воқеликда шу иш бўлиши мумкинми?» деган фикр савол берган тарафнинг ҳам, жавоб берганларнинг ҳам хаёлига келмаган.

Бунга ўхшаш саволлар ва уларга жавоб ахтаришлар, жавоб бир хил бўлмай қолса, орада жанжал чиқаришлар керагидан ортиқ кўрилган.

Бундай ҳол фақат фиқҳда эмас, илми калом, фалсафа ва бошқа соҳаларда ҳам авж олган. Оқибат ҳаммага маълум. Аслида бу ишлар ислом руҳига тўғри келмайди.

Воқеликда бўлмаган нарсани савол қилиб сўраш аввалги мусулмонларнинг одатида йўқ эди.

Имом Доримий ўзларининг «Сунан» номли китобларида ривоят қилишларича, ҳазрати Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу бўлмаган нарсани сўраган одамни лаънатлар экан.

Зуҳрий розияллоҳу анҳудан қилинган ривоятга қараганда, улуғ саҳобалардан Зайд ибн Собит ал-Ансорий розияллоҳу анҳу бирор иш ҳақида масала сўралса, «Бу содир бўлдими?» деб сўрар экан. Агар «Ҳа, содир бўлди», дейилса, у иш ҳақида билганларини айтар экан. Агар «Ҳали содир бўлгани йўқ», дейилса, «Содир бўлгунча қўйиб туринглар», дер экан.

Ушбу оятнинг нозил бўлишига бир қанча сабаблар бўлиб, уларнинг ҳар бирида етарлича ваъз-насиҳатлар борлигини аввалда кўрдик.

Шунга ҳам қарамасдан, Аллоҳ таоло кўп ноўрин савол яхшиликка олиб бормаслигини ўтганларнинг мисо-

лида ҳам ўрнак қилиб кўрсатишни ирода қилди ва қуйидаги оятни нозил қилди:

قَدْ سَأَلَهَا قَوْمٌ مِّن قَبْلِكُمْ ثُمَّ أَصْبَحُوا بِهَا كَافِرِينَ ﴿١٠٢﴾

«Сиздан олдин ҳам бир қавм уларни сўраган, сўнгра эса уларга кофир бўлиб қолган эди» *(«Моида» сураси, 102-оят).*

Бунга энг ёрқин мисол Бану Исроилдир. Бақара сурасининг тафсирида уларнинг қурбонликка амр этилган сигирнинг сифатлари ҳақида бирин-кетин ноўрин саволлар бериб, ўзларига ўзлари қийин қилиб олганлари, кейин кофир бўлганлари ҳақида батафсил сўз юритилади.

Имом Бухорий ривоят қилган ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сизларга айтмай тинч қўйсам, мени ҳам тинч қўйинглар. Шубҳасиз, сизлардан олдингиларни ҳалок қилган нарса – саволларнинг кўплиги ва пайғамбарларига хилофлари бўлган», деганлар.

Беҳуда саволларни беравермаслик ҳақида бир қанча ҳадиси шарифлар ҳам бор.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَا نَهَيْتُكُمْ عَنْهُ فَاجْتَنِبُوهُ، وَمَا أَمَرْتُكُمْ بِهِ فَافْعَلُوا مِنْهُ مَا اسْتَطَعْتُمْ، فَإِنَّمَا أَهْلَكَ الَّذِينَ مِنْ قَبْلِكُمْ كَثْرَةُ مَسَائِلِهِمْ وَاخْتِلَافُهُمْ عَلَى أَنْبِيَائِهِمْ».

رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизларни нимадан қайтарган бўлсам, ундан четда бўлинглар. Сизларга нимани амр қилган бўлсам, ундан қудратингиз етганини қилинг.

Албатта, сизлардан олдингиларни саволларининг кўплиги ва пайғамбарларига хилоф қилишлари ҳалок қилган», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

عَنِ الْمُغِيرَةِ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِنَّ اللهَ حَرَّمَ عَلَيْكُمْ عُقُوقَ الْأُمَّهَاتِ، وَوَأْدَ الْبَنَاتِ، وَمَنَعَ وَهَاتِ، وَكَرِهَ لَكُمْ قِيلَ وَقَالَ، وَكَثْرَةَ السُّؤَالِ، وَإِضَاعَةَ الْمَالِ». رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

Муғийра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, Аллоҳ сизларга оналарга оқ бўлишни, қизларни тирик кўмишни, (ҳуқуқларни) **ман қилишни, «Бер-бер», дейишни ҳаром қилди. Ва яна сизларга қийлу қолни, кўп саволни ва молни зое қилишни ёмон кўрди», дедилар».**

Икки шайх ривоят қилишган.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: قَالَ اللهُ عَزَّ وَجَلَّ: «إِنَّ أُمَّتَكَ لَا يَزَالُونَ يَقُولُونَ: مَا كَذَا مَا كَذَا؟ حَتَّى يَقُولُوا: هَذَا اللهُ خَلَقَ الْخَلْقَ، فَمَنْ خَلَقَ اللهَ؟» رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам айтадилар: «Аллоҳ азза ва жала: «Албатта, умматинг «Бу нима, бу нима?» дейишда давом эта бориб, ҳаттоки «Аллоҳ халойиқни халқ қилди. Бас, Аллоҳни ким халқ қилди?» ҳам дейдилар», дейди».

Икки шайх ривоят қилишган.

Олим бўлмаган кишиларнинг илмнинг нозик тарафларидан сўрашлари ва сўз юритишлари катта офатдир.

Айниқса эътиқод масалаларининг нозик жойларидан сўз юритиш улар учун кони зарар бўлиб, заррача фойдаси йўқдир.

Бизнинг замонимиздаги энг катта офатлардан бири шу иш бўлиб қолди. Ўзи бирор соат низомли таълим олмаган кишилар мусулмонларнинг тўртдан учини кофирга чиқариб, фатво беришга журъат этмоқдалар, турли ихтилофларни урчитмоқдалар. Уларнинг шундан бошқа ишлари ҳам, ташвишлари ҳам йўқ.

Кези келганда, мисол тариқасида, ибрат учун бир ачинарли ҳодисани эслаб ўтмай иложи йўқ. Олимлардан бири билан кимлиги номаълум бўлган шахс бир масалада тортишиб қолибди. Ҳалиги киши ўзининг гапини тўғри, олимнинг гапини нотўғри деб туриб олибди. Охири ўзининг гапи китобда борлигини даъво қилибди. Бориб, китобини олиб келиб, ўша гап ёзилган жойини қўли билан кўрсатибди ҳам.

Олим китобни ўқиб қараса, ҳалиги одам айтган гапнинг кетидан «Бу гап нотўғри, тўғриси қуйидагича», деб олимнинг айтгани ёзилган экан.

Олим киши: «Мана, пастдаги сатрга қаранг, менинг гапим тўғри экан-ку!» деса, ҳалиги шахс: «Мен ўқишни билмайман», дер эмиш.

Билмаган нарсасини гапиришнинг ўзи залолат, адашув, улкан гуноҳ. Шариат ҳукмини билмай туриб, бошқа бир кишига нотўғри нарсани «Шариат ҳукми мана шу», деб айтиш эса ундан-да катта, тенги йўқ залолатдир. Чунки шариатдан бошқа ишларда билмасдан гапириб йўл қўйилган хато туфайли фақат бу дунёнинг баъзи бир ишларига зарар етиши мумкин. Аммо шариат бўйича жоҳиллик билан гапиришда эса ҳам бу дунё, ҳам охират куяди. Чунки шариат масаласи ҳалол-ҳаром, савоб-гуноҳ, жаннат-дўзах орасида айланадиган

масаладир. Бу ишда билмасдан фатво бериш фатво берувчининг ўзини ҳам залолатга кетказади.

Шу билан бирга, илмсиз равишда фатво берган ўша одам ўзгаларни ҳам залолатга кетказади. Унинг хато фатвоси ҳамма ёқни бузади. Одамлар «Фалончи айтди», деб у айтган гапларни бир-бирларига етказадилар, ўзаро тарқатадилар. Натижада залолат кенг ёйилади.

Бирор нарса сўралганда «Бу масалани мен билмайман», дейиш билмасдан, тахмин билан жавоб беришдан кўра миллион марта афзалдир. Шаръий масалаларда фатво бериш, турли саволларга жавоб қайтариш учун диний мансаб, бир оз нарсани билиш ёки чиройли салла-чопон восита бўла олмайди.

Бундай мақомга етишни истаган киши махсус илмларни ўқиши, ўша илмнинг устозларидан ижозат олиши лозим. Шу билан бирга, ўқиб, ижозат олган ўша киши тақво, ростгўйлик, илмига амал қилиш каби маълум шахсий сифатларга ҳам эга бўлиши керак.

Мусулмонлар ана шундай кишиларни олим сифатида ҳурмат қилиб, эъзозлашлари, улардан фатво сўраб, турли ишларда иршодлар олишлари лозим.

Беш-олти сурани чала ёд олиб, икки-учта ҳадиснинг маъносини бировдан ўрганиб олган, ўзини аллома қилиб кўрсатишга уринаётганлардан эҳтиёт бўлиш керак.

Шунингдек, араб тилини билиш ёки баъзи араб юртларига бориб келиш ҳам кишига шаръий масалада фатво айтиш ҳуқуқини бермайди. Инсоннинг араб бўлиши, арабча кийиниши, муқаддас жойларда истиқомат қилиши олим бўлиши дегани эмас. Мазкур васфга эга бўлганлар ичида дунёнинг энг жоҳил одами унвонига даъвогарлар ҳам кўп.

Шунингдек, кимнинг китобини ва қайси йўналишдаги китобни ўқишни ажрата билишда ҳам гап кўп.

Қўлга тушган ҳар бир китобни «ҳақиқат шунда экан», деб ўқиб кетавериш ҳам яхшиликка олиб бормайди.

Бу масалада ҳам ҳушёр бўлиш керак. Чунки айрим ғаламис тоифалар мусулмонлар орасини бузиш, динга зарба бериш мақсадида мусулмонларнинг диёрларида кўплаб зарарли, ишончсиз, бетайин китобларни ҳам тарқатишга уринмоқдалар.

Шариат илмларидан тўлиқ хабардор бўлмаган киши бошлиқлик ўрнига интилмаслиги ва билмасдан фатво бермаслиги лозим.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَنْ أُفْتِيَ بِغَيْرِ عِلْمٍ كَانَ إِثْمُهُ عَلَى مَنْ أَفْتَاهُ، وَمَنْ أَشَارَ عَلَى أَخِيهِ بِأَمْرٍ يَعْلَمُ أَنَّ الرُّشْدَ فِي غَيْرِهِ فَقَدْ خَانَهُ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَابْنُ مَاجَهْ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кимга илмсиз равишда фатво берилса, бунинг гуноҳи унга фатво берган кимсага бўлади. Кимки ўз биродарига тўғрилик бошқа тарафда эканини билиб туриб бошқа бир ишни кўрсатса, батаҳқиқ, унга хиёнат қилган бўлади», дедилар».

Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларининг ушбу ҳадиси шарифларида икки муҳим масалани баён қилмоқдалар.

Биринчиси – илмсиз кишининг фатво бериши мумкин эмаслиги.

Иккинчиси – билиб туриб бировга нотўғри йўл кўрсатиш хиёнат экани.

Бир мусулмон одам қилмоқчи бўлган ишининг Аллоҳнинг амрига мувофиқ бўлишини, Ислом шариатига

мос бўлишини хоҳлади, дейлик. Аммо уни қандай қилса тўғри бўлишини билмади. Бориб, бир кишидан ўша ишнинг ҳукмини сўрайди. Чунки ўша одам бу ҳукмни билса керак, деб ўйлайди.

Аслида ўша фатво сўралган одам фатво беришга қодир бўлмаса, мазкур ишнинг ҳукмини аниқ ва ишончли равишда билмаса, «Билмайман», деб айтиши керак.

Аммо билмаса-ю, ўзича тахмин билан нотўғри жавоб берса ва сўраган одам соф ният билан Аллоҳнинг динининг ҳукми шу экан, деб ҳалиги нотўғри ишни қилса, нима бўлади?

«Кимга илмсиз равишда фатво берилса, бунинг гуноҳи унга фатво берган кимсага бўлади».

Чунки нотўғри ишнинг содир бўлишига илмсиз равишда фатво берган киши сабаб бўлди. Агар у нотўғри фатво бермаганида, ҳалиги одам биладиган бошқа одамдан сўраб, ишини тўғри ҳолда амалга оширган бўлар эди.

Нотўғри фатвога ишониб, нотўғри ишни савоб ниятида қилган кишига эса гуноҳ бўлмайди. Аммо у киши фатвонинг нотўғри эканини билиши билан ўша ишни тўхтатиши, иккинчи бор ҳалиги жоҳил одамдан фатво сўрамаслиги лозим. Ўзи учун ишончли, тақводор, инсофли ва билимдон устоз топиб олиши керак.

Яна бошқа бир киши келиб, «Фалон нарсани амалга оширишим учун қайси йўлни тутишим керак?» деб бировдан маслаҳат сўради. Сўралган одам ўша нарсани амалга ошириш учун қайси йўлни тутса яхши бўлишини билади.

Аммо унга ишониб, йўл сўраган одамга била туриб, бошқа нотўғри йўлни кўрсатди. Бундай алдамчи одамни ким деб баҳолаш мумкин? Ушбу ҳадиси шарифда бундай одам қуйидагича баҳоланмоқда:

«Кимки ўз биродарига тўғрилик бошқа тарафда эканини билиб туриб бошқа бир ишни кўрсатса, батаҳқиқ, унга хиёнат қилган бўлади».

Бу жойда «ўз биродарига» деган иборага эътибор берайлик. Бундан ўртада биродарлик алоқаси бор одамга нисбатан мазкур ишни қилиб бўлмаса-да, биродар бўлмаган кишиларга нисбатан қилаверса бўлар экан, деган тушунча келиб чиқмайди. Ислом муомала бобида барча инсонларни бир-бирларига биродар деб билади.

Ислом ҳукми бўйича, ҳатто ғайридинларга ҳам ёлғон гапириб, уларни алдаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам ушбу ҳадиси шарифда барча одамларнинг биродарлиги кўзда тутилмоқда.

Одатда ишончга, омонатга хиёнат қилган одам «хоин» дейилади. Бир одамнинг иккинчисига ишониб, «Бу ишни қандай қилай?» деб сўраши омонатдир. Сўралган одам ишончни оқлаб, тўғри жавоб берса, омонатга хиёнат қилмаган бўлади. Агар билиб туриб бошқа нарсани айтса, хиёнат қилган бўлади.

Демак, биров қайси бир нарсани сўраса ҳам, билиб, аниқ жавоб бериш керак. Билмай туриб жавоб бериш ҳам, билиб туриб, нотўғри жавоб бериш ҳам гуноҳ бўлади.

Ушбу ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1. Бир масалани аниқ билмай туриб фатво бериш мумкин эмас.

2. Бир масалани билмай туриб фатво берган одам гуноҳкор бўлади.

3. Фатвонинг нотўғрилигини билмай, унга ихлос билан амал қилган одам гуноҳкор бўлмайди.

4. Сўралган масалани билган одам тўғри жавоб бериши зарур.

5. Тўғри йўлни билиб туриб, бошқа йўлни кўрсатган одам хоин ва гуноҳкор саналади.

Энди ушбу ҳадиси шарифнинг ҳукмини бугунги ҳаётимизга солиштириб кўрайлик. Билимсиз равишда фатво бераётганлар қанчалар кўп. «Намоз ўқимаса ҳам

бўлаверар экан», «Ароқни ичиш эмас, маст бўлиб кўчада тўполон қилиш ҳаром экан», «У экан, бу экан», деган гапларни айтадиганлар ҳар қадамда учраб туради.

Баъзи бир чаласаводлар эса икки-уч оғиз нарсани ёдлаб олиб, мусулмонларнинг ярмидан кўпини кофир ёки мушрикка, дунёдаги аксар нарсаларни ҳаромга чиқариб юборадилар.

Билиб туриб, тўғрисини айтмайдиганлар ҳам оз эмас. Дунёнинг мансабини ўйлаб, бойларга ва зўравонларга яхши кўринаман деб, шариатнинг ҳукмини эмас, ўшаларнинг хоҳишини айтаётганлар ҳам ҳаммага маълум.

Бу икки ҳолат ҳам ўз эгалари ва мусулмонлар бошига кўпгина бало-офатлар ёғдириши турган гап. Бундай бало-офатлардан қутулиш учун ҳар ким ўз чегарасини билиши керак.

Билмаган, лаёқатсиз кишилар инсоф қилиб диний ишларга аралашмаслиги, фатво беришга ўтмаслиги фарз. Ким фатво бермоқчи бўлса, хато гапни айтса, гуноҳи ўзининг бўйнига бўлишини ўйлаб қўймоғи лозим.

Билган кишилар эса Ислом таълимотларини, шариат ҳукмини, билган нарсасини тўғрилигича етказишлари лозим. Агар тўғрисини айтиш жонига таҳдид соладиган бўлса, унда жим турсин. Лекин ёлғон гапириб, тўғри нарсани била туриб тескарисини айтмасин.

Билмаган одамнинг бир оғиз сўзи қанчадан-қанча одамларнинг залолатга кетишига, гуноҳга ботишига сабаб бўлади. Беш кунлик дунёнинг матоҳини деб, ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам охиратини куйдирмасин.

عَنْ عَوْفِ بْنِ مَالِكٍ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «لَا يَقُصُّ عَلَى النَّاسِ إِلَّا أَمِيرٌ أَوْ مَأْمُورٌ أَوْ مُخْتَالٌ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ.

Авф ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:
«Одамларга фақат амир ёки маъмур, ёки риёкор томонидангина гапирилади», дедилар».
Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилишган.

Ҳақиқий исломий жамиятда мусулмонларга ичларида Исломни яхши билган, тақводор, илмли, ақл-фаросатли ва бир қанча етук сифатларга эга бўлган чин мусулмон киши амир бўлади.

Биринчи навбатда мусулмонларга амри маъруф, наҳйи мункар, ваъз-насиҳат қилиш ҳуқуқига ана ўша амир ҳақлидир.

Иккинчи ўринда эса масъул киши тарафидан шу ишга амр қилинган шахс ҳақлидир. Бундай шахслар шаръий илмларни тўлиқ ўрганиб, расмий ижозат – шаҳодатнома ёки маълум ва машҳур уламоларнинг рухсатини олган киши бўлади.

Ана шундай кишиларгина мусулмонларга ваъз-насиҳат, иршод, амри маъруф ва нахйи мункар қилишлари мумкин.

Агар бу ишни мазкур сифатларга эга бўлмаган кишилар қилсалар, риёкорлик учун қилган бўладилар. Ўзларини билимдон қилиб кўрсатиш учун риёкорлик қилаётган бўладилар.

Ушбу риёкорлик йўли билан мусулмонлар ичида обрў қозонмоқчи, уларнинг ишончига, ҳурматига сазовор бўлмоқчи бўладилар. Аслида эса алдамчилик қиладилар. Мусулмонликни қуруқ гап билан эмас, чин ихлос билан, Исломга амал қилиш билан тарғиб этиш лозим.

Афсуски, ичимизда шу қабилдаги риёкорлар жуда ҳам кўп. Оққўнгил мусулмонлар ҳақиқий олим ким, риёкор, қаллоб ким, буни яхши билиб олишлари керак.

Бунинг учун Исломни ўрганиш, ҳақ-ноҳақ гапларни фарқлай билиш, гапираётганларнинг Исломга амал қи-

лишига қараш керак. Ҳақиқий уламоларга қулоқ осиб, риёкорлардан сақланиш лозим.

Ноўрин саволлар сўраш ҳам тил офатларидан биридир. Бу борада ҳам асл қоидаларни билиб олиб, уларга амал қилиш лозим.

ФАТВО СЎРАШ ОДОБЛАРИ

Фатво берувчи олим савол сўраган кишига нисбатан муршид ва устоз мақомида бўлади. Шунинг учун фатво сўровчи у билан бўладиган муомаласида одобли бўлмоғи, уни илми учун улуғламоғи ва эҳтиром қилмоғи лозим.

Ғам-ғуссада бўлган, аччиқланиб ёки қалби машғул бўлиб турган олимдан фатво сўраш одобдан эмас.

Олимдан савол сўраган пайтда унинг далилини сўралмайди. Жуда сўраш лозим бўлса, бошқа мажлисда ёки фатвони қабул қилиб олгандан бир оз ўтиб сўраса, жоиз.

Фатво сўровчи учун қуйидагилар макруҳдир:

1. Кўп савол сўраш.
2. Динда фойдаси йўқ нарсаларни сўраш.
3. Воқеликда йўқ нарсани сўраш.
4. Қийин масалаларни сўраш.
5. Таъаббудий масалаларнинг ҳикматини сўраш. («Бомдод намози нима учун икки ракъат?», «Нимага икки марта сажда қилинади?» кабилар.)
6. Саволда ҳаддан ташқари чуқур кетиш.
7. Бошқалардан устун келиш учун сўраш.
8. Бир олимдан сўрагандан кейин бошқасидан яна ўша саволни сўраш.
9. Енгил фатво берадиган одамни излаб топиб сўраш.

Агар илмда ва адолатда бир хил олимлар бир нечта бўлсалар, сўровчи ўзи хоҳлаганига мурожаат қилиши мумкин. Аммо баъзи уламолар: «Уларнинг энг афзалидан сўраган маъқул», деганлар.

НАФСНИ ХАСТАЛИКЛАРДАН ПОКЛАШ

Нафс ва қалб хасталиклари икки турга тақсимланади.

Биринчиси – қалб мақомотларига зид бўлган куфр, ширк, нифоқ, риё ва бидъат каби хасталиклар.

Иккинчиси – Аллоҳнинг гўзал исмлари ила хулқланишга ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашишга зид бўладиган ноўрин ғазабга ўхшаш хасталиклар.

Мазкур икки турдаги хасталиклардан мусулмон инсон ҳазир бўлмоғи лозим. Шунинг учун бу хасталикларни билиш ва улардан қутулиш учун ҳаракат қилиш ҳар бир мусулмонга фарзи айн эканини уламоларимиз таъкидлашган.

КУФР

Ҳар бир банда эҳтиёт бўлиши лозим бўлган қалб хасталикларининг энг хавфлиси куфрдир. Аслида куфр қалб учун хасталик эмас, ўлимдир. Аммо бу нарсани англаб етмагунча қалб поклиги ҳақида сўз юритишнинг ўзи қийин иш.

«Куфр» сўзи араб тилида «бир нарсани беркитиш ва тўсиш» маъносида ишлатилади. Араб тилида уруғни тупроқ билан беркитгани учун деҳқон ҳам «кофир» деб аталиши мумкин. Аммо бу ўринда «кофир» сўзининг шаръий маъноси эмас, фақат луғавий маъноси қўлланган бўлади.

Куфр икки хил маънода ишлатилади.

Биринчиси – иймоннинг зидди. Мисол учун, Аллоҳга иймон келтирди ва бут-санамларга куфр келтирди.

Иккинчиси – шукрнинг зидди. Мисол учун, «Фалончи куфрони неъмат қилди». Яъни ўзига берилган неъматга шукр келтирмади.

Иймоннинг зидди бўлган куфр жаҳаннамга олиб борувчи гуноҳдир. Шукрнинг зидди бўлган куфрни Ибн Ҳажар катта гуноҳлардан санаган.

Иймоннинг зидди бўлган куфрга мубтало бўлганлар бу дунёда аҳли китоблар, сохта динга эргашувчилар, динсизлар, муртадлар ва бошқалар бўлиши мумкин.

Иймоннинг зидди бўлган куфр асосий ҳисобланади ва унинг таърифларидан бири қуйидагича:

«Куфр Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам келтирган нарсани ёки Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам келтирган нарсадан динда билиш зарур бўлганларининг баъзисини қасддан инкор қилишдир. Мана шу Аҳли сунна вал жамоа бардавом бўлган ҳақдир. Ундан бошқаси ботилдир».

Куфрнинг хатарини англаб етиш учун Қуръони Каримда унинг ёмонлиги 31дан кўп оятда зикр қилинганини эслаб ўтишнинг ўзи кифоя қилса керак.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

وَٱلَّذِينَ كَفَرُواْ وَكَذَّبُواْ بِـَٔايَٰتِنَآ أُوْلَٰٓئِكَ أَصْحَٰبُ ٱلنَّارِ ۖ هُمْ فِيهَا خَٰلِدُونَ ﴿٣٩﴾

«Ва куфр келтирган ҳамда оятларимизни ёлғонга чиқарганлар эса – ўшалар олов соҳибларидир, улар унда мангу қолувчидирлар» *(39-оят).*

Яна Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

إِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُواْ وَمَاتُواْ وَهُمْ كُفَّارٌ أُوْلَٰٓئِكَ عَلَيْهِمْ لَعْنَةُ ٱللَّهِ وَٱلْمَلَٰٓئِكَةِ وَٱلنَّاسِ أَجْمَعِينَ ﴿١٦١﴾ خَٰلِدِينَ فِيهَا ۖ لَا يُخَفَّفُ عَنْهُمُ ٱلْعَذَابُ وَلَا هُمْ يُنظَرُونَ ﴿١٦٢﴾

«Албатта, куфр келтириб, кофир ҳолида ўлганларга – ана ўшаларга Аллоҳнинг, фаришталарнинг ва одамларнинг – барчанинг лаънати бўлгай. Унда мангу қолувчидирлар. Улардан азоб енгиллатилмас ва уларга муҳлат ҳам берилмас» *(161-162-оятлар).*

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам куфрни қаттиқ қоралаганлар.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ ﷺ: أَنَّ نَبِيَّ اللهِ ﷺ كَانَ يَقُولُ: «يُجَاءُ بِالْكَافِرِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ فَيُقَالُ لَهُ: أَرَأَيْتَ لَوْ كَانَ لَكَ مِلْءُ الْأَرْضِ ذَهَباً أَكُنْتَ تَفْتَدِي بِهِ؟ فَيَقُولُ: نَعَمْ، فَيُقَالُ لَهُ: قَدْ كُنْتَ سُئِلْتَ مَا هُوَ أَيْسَرُ مِنْ ذَلِكَ». رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набийюллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Қиёмат куни кофир келтирилиб, унга: «Айт-чи, агар сенинг ер тўла олтининг бўлса, ўзингни қутқариб олиш учун уни берармидинг?» дейилади. «Ҳа», дейди. «Батаҳқиқ, сендан бундан осон нарса сўралган эди», дейилади».

Икки шайх ривоят қилишган.

КУФРНИНГ ТУРЛАРИ

Куфр тўрт хил бўлади:

1. Инкор куфри.

Бу хилдаги куфр эгаси ҳам қалби, ҳам тили билан куфр келтирган бўлади ва тавҳиддан ҳеч нарсани билмайди.

Бундай кишилар ҳақида Қуръони Каримнинг Бақара сурасида марҳамат қилади:

إِنَّ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ سَوَآءٌ عَلَيْهِمْ ءَأَنذَرْتَهُمْ أَمْ لَمْ تُنذِرْهُمْ لَا يُؤْمِنُونَ ﴿٦﴾

«Албатта, куфр келтирганлар, уларни огоҳлантирсанг ҳам ёки огоҳлантирмасанг ҳам, уларга барибир, иймон келтирмаслар», дейилган *(6-оят)*.

Яъни қўрқитсанг ҳам, қўрқитмасанг ҳам, кофирларга фойдаси йўқ, улар барибир иймон келтирмайдилар. Булар Аллоҳнинг тавҳидини инкор қилганлардир.

2. Жуҳуд (билиб туриб инкор қилиш) куфри.

Бу хилдаги куфрда қалби ила идрок қилса ҳам, тили билан иқрор бўлиб тан олмайди. Бундай куфрнинг мисоли шайтон ва Умайя ибн Солтга ўхшаганларнинг куфридир.

Бундай кишилар ҳақида Қуръони Каримнинг Бақара сурасида марҳамат қилади:

فَلَمَّا جَآءَهُم مَّا عَرَفُوا۟ كَفَرُوا۟ بِهِۦ

«Бас, уларга ўзлари билган нарса келганда, унга куфр келтирдилар», дейилган *(89-оят)*.

3. Саркашлик куфри.

Бу хилдаги куфрда қалби ила идрок қилади, тили билан иқрор бўлади ва қабул қилишдан бош тортади.

Бундай куфрга Расули Акрам алайҳиссаломнинг амакилари Абу Толибнинг куфри мисол бўлади. У бошқаларнинг маломатидан қўрқиб, мусулмонликни қабул қилмаган.

4. Нифоқ куфри.

Бу куфр эгасининг дилида иймони йўқ бўлса-да, тилида иймонни даъво қилади.

Куфрнинг зарарлари:

1. Куфр соҳиби дўзахда абадий қолади.

2. Куфр бу дунёда хорлик, охиратда зорлик келтиради.

3. Куфр эгасини ҳалокатга етаклайди.

4. Куфрдан кейин гуноҳ қолмайди.

Банда учун куфрдан хатарлироқ нарса йўқ. Шунинг учун у куфрнинг ўзи у ёқда турсин, куфрга оид нарсалардан ҳам эҳтиёт бўлиши лозим.

Куфр ва унга олиб борувчи нарсалар мўмин киши учун яқинлашганда куйдирадиган олов каби қўрқинчли ва ёқимсиз нарса бўлиши керак.

Мўмин киши куфрга тегишли ҳар бир катта-кичик нарсадан худди ёниб турган даҳшатли оловдан қўрққандек қўрқиши, унга тушишдан сақлангандек сақланиши лозим.

МУНОФИҚЛИК

Ҳар бир банда эҳтиёт бўлиши лозим бўлган қалб хасталикларидан яна бири мунофиқликдир.

Араб тилида мунофиқликни англатувчи сўзларнинг ўзаги бўлмиш «нифоқ» сўзи ичи бўш, ташқи кўриниши ўзгача нарсага ишлатилади. Мисол учун, юмронқозиқ ёки тулкининг уясига ҳам «нифоқ» сўзи ишлатилади. Чунки улар устидан оддий ерга ўхшайди, бир тарафдан кирса, иккинчи тарафдан чиқиб кетаверади. Ҳозирги кунда ажнабий тилларда «тоннель» деб номланаётган иншоотлар ҳам араб тилида «нафақ» дейилади.

Агар бу маънони диний-ақийдавий истилоҳда ишлатмоқчи бўлсак, сиртдан мусулмонликни эълон қилиб, ичидан унга лойиқ бўлмасликка «мунофиқлик» деб айтилади.

Одамлар кўз ўнгида Ислом динига мансублигини эълон қилиб, ҳатто баъзи амалларни ҳам қилиб юрадиган, аслида эътиқоди бузуқ бўлган кишилар «мунофиқ» дейилади.

Журжоний «Таърифот»да нифоқни «Нифоқ тил билан иймонни изҳор қилиб, дилдаги куфрни беркитишдир», деб таъриф қилган.

Бу «катта нифоқ» деб аталади.

Жуда кўп ҳадиси шарифларда мунофиқларнинг аломатлари ҳақида сўз юритилган.

عَنْ عَبْدِ اللهِ بْنِ عَمْرٍو قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «ثَلَاثٌ إِذَا كُنَّ فِي الرَّجُلِ فَهُوَ الْمُنَافِقُ الْخَالِصُ: إِنْ حَدَّثَ كَذَبَ، وَإِنْ وَعَدَ أَخْلَفَ، وَإِنْ اؤْتُمِنَ خَانَ، وَمَنْ كَانَتْ فِيهِ خَصْلَةٌ مِنْهُنَّ لَمْ يَزَلْ يَعْنِي فِيهِ خَصْلَةٌ مِنَ النِّفَاقِ حَتَّى يَدَعَهَا». رَوَاهُ أَحْمَدُ.

Абдуллоҳ ибн Амрдан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Уч нарса қай кишида бўлса, холис мунофиқ бўлур: гапирса, ёлғон гапиради, ваъда берса, хилоф қилади, омонат ишонилса, хиёнат қилади. Кимда шу хислатлардан биттаси бўлса, уни тарк қилгунича нифоқдан битта хислати бўлади».

Аҳмад ривоят қилган.

Бундай нифоқ амалий – «кичик нифоқ» деб аталади.

Аллоҳ таоло Нисо сурасида марҳамат қилади:

إِنَّ ٱلْمُنَٰفِقِينَ فِى ٱلدَّرْكِ ٱلْأَسْفَلِ مِنَ ٱلنَّارِ وَلَن تَجِدَ لَهُمْ نَصِيرًا ﴿١٤٥﴾

«Албатта, мунофиқлар оловнинг энг остки қаватидадирлар ва ҳаргиз уларга ёрдамчи топа олмассан» *(145-оят)*.

Аллоҳ таоло Тавба сурасида марҳамат қилади:

وَعَدَ ٱللَّهُ ٱلْمُنَٰفِقِينَ وَٱلْمُنَٰفِقَٰتِ وَٱلْكُفَّارَ نَارَ
جَهَنَّمَ خَٰلِدِينَ فِيهَا ۚ هِىَ حَسْبُهُمْ ۚ وَلَعَنَهُمُ ٱللَّهُ ۖ وَلَهُمْ عَذَابٌ
مُّقِيمٌ ﴿٦٨﴾

«Аллоҳ мунофиқларга, мунофиқаларга ва кофирларга жаҳаннам оташини унда мангу қолувчилар қилиб ваъда қилди. Ўша улар учун етарлидир. Ҳамда Аллоҳ уларни лаънатлади. Уларга доимий азоб бордир» *(68-оят)*.

Имом Бухорий қилган ривоятда Ҳузайфа ибн Ямон розияллоҳу анҳу: «Бугунги мунофиқлар Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларидагидан ёмондир. Чунки улар мунофиқликни махфий қилардилар, булар эса ошкора қилмоқдалар», деган эканлар.

Мунофиқликнинг зарарларидан:

1. Аллоҳ таоло мунофиқнинг амалини қабул қилмайди.

2. Мунофиқнинг қалбида марази бўлади. У мусулмонларга етган мусибатдан масрур ва нусратдан маҳзун бўлади.

3. Мунофиқ бахил бўлади. Молни фақат риё учун сарфлайди.

4. Мунофиқнинг эътиқоди, илми ва амали залолатдадир.

5. Мунофиқ риёкордир.

Мунофиқлар кофирлардан ҳам хатарлидир. Кофирлар билан бўладиган алоқа ва муомалаларда биз уларнинг кимлигини эътиборга олиб, ўзларига яраша иш тутамиз. Мунофиқлар эса сиртдан мусулмон бўлиб кўринадилар. Одамнинг ичидагини билиб бўлмайди, натижада уларга ҳам мусулмонча муомала қилишга мажбур бўлинади. Бу билан мунофиқлар орқали динга катта зарарлар етказишга имкон яратилади.

Айнан мана шу ҳолат уларга қиёмат куни кофирлардан кўра кўпроқ ва аламлироқ азоб берилишига сабаб бўлади. Аллоҳ таоло мунофиқлар жаҳаннамнинг энг қаъридан жой олишларини таъкидлаб айтган.

Мунофиқлик турли ахлоқий разилатларнинг уясидир. Риёкорлик, алдамчилик, хиёнат, ёлғончилик, иккиюзламачилик, ваъдага хилоф қилиш кабилар шулар жумласидан. Мунофиқлик ҳар бир умматнинг жисмини титиб юборадиган ижтимоий касалликдир.

Мўмин банда нифоқ ва унга олиб борувчи нарсалардан куйдирадиган оловдан қўрққандек қўрқиши керак. Мўмин киши нифоққа тегишли ҳар бир катта-кичик нарсадан худди ёниб турган даҳшатли оловдан қўрққандек қўрқиши, унга тушишдан сақланганидек сақланиши лозим.

Инсон тез-тез Аллоҳнинг зикрини қилиб турса, қалби юмшайди, мулойим бўлади, ҳис қилиш малакаси ошади. Агар Аллоҳ тез-тез эслаб турилмаса, Қуръон ва шариатдан, дин таълимотларидан узоқлашилса, инсон қалбини моғор босади, бағри тошга айланади. Унга Аллоҳнинг зикри ҳам, диний таълимотлар ҳам таъсир қилмайдиган бўлиб қолади.

Мўмин банда нифоқ ва унинг аломатларини яхши таниб олиб, улардан доимо четда бўлиш чораларини кўриши лозим. Жумладан, Аллоҳнинг зикридан, Қуръон ва шариатдан, дин таълимотларидан узоқлашмаслиги керак.

ШИРК

Ҳар бир мўмин-мусулмон банда эҳтиёт бўлиши лозим бўлган қалб хасталикларининг яна бири ва энг хавфлиси ширкдир.

«Ширк» сўзи луғатда тенгдошлик ёки ёлғизликнинг хилофини билдиради.

«Ширкнинг моҳияти Аллоҳ Ўзининг олий зотига хос қилган сифат ва амалларни махлуқни рози қилиш учун унга нисбат беришдир. Мисол учун, ўша махлуққа сажда қилиш, унга атаб жонлиқ сўйиш, назр қилиш, қийинчиликка учраганда ёрдам сўраш ва уни ҳар жойда ҳозиру нозир деб эътиқод қилиш ҳамда тасарруф қудрати бор деб ўйлашдир. Буларнинг ҳаммаси ширкдир» *(Абул Ҳасан Али ан-Надавий. ал-Ақийда ал-Исломия ас-Сунния», 85-бет).*

Имом Валиюллоҳ Деҳлавий наздида ширкнинг моҳияти инсонга Аллоҳ таоло ато қилган кароматларни ўша инсоннинг ўзидан деб билишдир. Яъни ширк Аллоҳ таолога хос бўлган сифатларни Ундан ўзгага собит қилишдир.

Масалан, оламда «Бўл!» дейиш билан бўладиган ирода ила тасарруф қилиш, ҳис қилиш аъзолари билан касб қилинмаган зотий илмга эга бўлиш, ақл, ваҳий, илҳом ва шунга ўхшашларни Аллоҳдан бошқада ҳам бор дейиш ширкдир.

Ёки беморга шифо бериш, бировни лаънатлаш, норози қилган одамнинг бемор, фақир, бадбахт бўлиб қолиши, бировга раҳматини кўрсатса, ўша раҳмат туфайли ҳалиги одам бой, соғлом, бахтиёр бўлиб қолиши мумкин деб эътиқод қилишдир.

ШИРКНИНГ ШАРЪИЙ ТУШУНЧАСИ

Билингки, ширкнинг юқоридаги уч таърифи унинг ҳақиқий шаръий баёни эмас. Балки улар ширкка келтирилган мисоллардир. Чунки ширк фақат Аллоҳ таолога хос бўлган сифатларда, исмларда, ишларда, ҳукмларда бўлмайди, балки Аллоҳ таолонинг зотида ҳам бўлади.

Ширкнинг шаръий тушунчаси – махлуқни Роббил оламинга беш ишдан бирида тенглаштиришдир. Яъни Аллоҳнинг зотида, сифатларида, исмларида, ишларида ва ҳукмларида шериги бор деб эътиқод қилишдир.

Аллоҳ таборака ва таоло Шуаро сурасида мушрикларнинг қиёмат куни қиладиган эътирофлари ҳақида ҳикоя қилиб, шундай дейди:

تَٱللَّهِ إِن كُنَّا لَفِى ضَلَٰلٍ مُّبِينٍ ﴿٩٧﴾ إِذْ نُسَوِّيكُم بِرَبِّ ٱلْعَٰلَمِينَ ﴿٩٨﴾

«Аллоҳга қасамки, албатта, биз очиқ-ойдин адашувда эканмиз. Чунки сизларни оламлар Роббига тенглаштирар эдик» *(97-98-оятлар).*

Демак, мазкур беш ишдан қай бирида бўлса ҳам, бошқани Роббил оламинга тенглаштириш ширк ҳисобланади. *(Муфтий Аъзамнинг «Маорифул Қуръон» китобидан.)*

ШИРКНИНГ ТАНИЛГАН ТУРЛАРИ

1. Ибодатда ширк келтириш.

Қуръони Каримда:

فَمَن كَانَ يَرْجُوا۟ لِقَآءَ رَبِّهِۦ فَلْيَعْمَلْ عَمَلًا صَٰلِحًا وَلَا يُشْرِكْ بِعِبَادَةِ رَبِّهِۦٓ أَحَدًۢا ﴿١١٠﴾

«Бас, ким Роббига рўбарў келишни умид қилса, солиҳ амал қилсин ва Роббининг ибодатига ҳеч кимни шерик қилмасин», дейилган *(Каҳф сураси, 110-оят).*

Оятнинг далолат қилишича, ширк келтириш барча солиҳ амалларда, жумладан, сажда, тавоф, назр, рўза, ҳаж, нафақа, садақа каби барча жисмоний, молиявий ва каломий ибодатларда бўлади.

Ибодатда ширк келтиришдан қайтариш жамики анбиёлар даъватининг асоси ва самовий шариатларнинг мағизидир. Ҳар бир набий ва ҳар бир расул ўз қавмига:

يَٰقَوْمِ ٱعْبُدُوا۟ ٱللَّهَ مَا لَكُم مِّنْ إِلَٰهٍ غَيْرُهُۥٓ

«Эй қавмим, Аллоҳга ибодат қилинглар. Сизлар учун Ундан ўзга илоҳ йўқ», дегандир *(Аъроф сураси, 59-оят)*

2. Дуода ширк келтириш.

Қуръони Каримда шундай дейилган:

قُلْ إِنَّمَآ أَدْعُوا۟ رَبِّى وَلَآ أُشْرِكُ بِهِۦٓ أَحَدًا ﴿٢٠﴾

«Сен: «Албатта, мен фақат ўз Роббимга илтижо қилурман ва Унга ҳеч кимни ширк келтирмасман», деб айт» *(Жин сураси, 20-оят).*

وَأَنَّ ٱلْمَسَٰجِدَ لِلَّهِ فَلَا تَدْعُوا۟ مَعَ ٱللَّهِ أَحَدًا ﴿١٨﴾

«Албатта, масжидлар Аллоҳникидир. Бас, Аллоҳ билан бирга ҳеч кимга дуо қилманг» *(«Жин» сураси, 18-оят).*

رَبُّنَا رَبُّ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ لَن نَّدْعُوَا۟ مِن دُونِهِۦٓ إِلَٰهًا لَّقَدْ قُلْنَآ إِذًا شَطَطًا ﴿١٤﴾

«Роббимиз осмонлару ернинг Роббидир. Ундан ўзгани ҳаргиз илоҳ дея дуо қилмасмиз. Агар шундай қилсак, ноҳақ сўзни айтган бўлурмиз» *(Каҳф сураси, 14-оят).*

بَلْ إِيَّاهُ تَدْعُونَ فَيَكْشِفُ مَا تَدْعُونَ إِلَيْهِ

«Йўқ! Фақат Унгагина илтижо қилурсиз. У эса хоҳласа, сиз дуо қилган нарсага кушойиш берур» *(Анъом сураси, 41-оят).*

Имом Валиюллоҳ Деҳлавий айтади: «Дуодан мурод тафсирчилар айтганларидек, ибодат эмас, балки ёрдам сўрашдир. Чунки Аллоҳ Қуръони Каримда: «Йўқ! Фақат Унгагина илтижо қилурсиз. У эса хоҳласа, сиз дуо қилган нарсага кушойиш берур», демоқда. *(«Ҳужжатуллоҳил Болиға», 1-129).*

Бандaнинг тоқатидан ташқари нарсаларда, оддий сабаблардан устун нарсаларда Аллоҳдан бошқадан нусрат ва ёрдам сўраб дуо қилиши ширк бўлиб, бу иш инсонни тавҳид соҳасидан чиқариб, куфр доирасига киритади.

3. Роббликда ширк келтириш.

Қуръони Каримда:

وَلَن نُّشْرِكَ بِرَبِّنَا أَحَدًا ﴿٢﴾

«...ва ўз Роббимизга ҳеч кимни ширк келтирмасмиз», дейилган *(Жин сураси, 2-оят).*

Аллоҳ таолонинг хотини ёки боласи бор деганлар Роббил оламинга ширк келтирганлардир. Шунингдек, «Аллоҳдан бошқа биров бандалар қудратида бўлмаган нарсани беради», деб эътиқод қилиш ҳам роббликда ширк келтириш ҳисобланади.

Аллоҳ таолонинг рубубиятида ширк келтириш ибодат ва улуҳиятда ҳам ширк келтиришга олиб боради.

4. Ҳукмда ширк келтириш.

Қуръони Каримда:

مَا لَهُم مِّن دُونِهِۦ مِن وَلِيٍّ وَلَا يُشْرِكُ فِي حُكْمِهِۦٓ أَحَدًا ﴿٢٦﴾

«Уларга Ундан ўзга валий йўқдир. Ва У Ўз ҳукмида ҳеч кимни шерик қилмас», дейилган *(Каҳф сураси, 26-оят)*.

Яъни оятда сўз юритилаётган Каҳф (ғор) эгалари учун ҳам, улардан бошқалар учун ҳам Аллоҳдан ўзга ёрдам берадиган валий (дўст) йўқ ва улар ҳақида хоҳлаган ҳукмини қиладиган ҳоким ҳам йўқ.

Бас, Аллоҳ таоло уларга ишларида тўғриликни муҳайё қилиб қўйди. Уларга Ўз ҳузуридан раҳматни берди ва қулоқларини бир неча йилгача эшитмайдиган қилиб қўйди. Аллоҳ уларнинг қалбини маҳкам боғлаб, ҳидоятларини зиёда қилди ва Ўз раҳматини сочиб қўйди. Уларга ишларида юмшоқликни муҳайё қилди. Уларга уйқуларида ҳам манфаат оладиган нарсани тайёрлаб берди.

Аллоҳ таоло уларни ўнгга, чапга ағдариб турар эди. Уларга қуёшни хизматкор қилиб қўйди. Қуёш ғорнинг ўнг ва чап томонидан айланиб ўтар эди.

Сўнгра Аллоҳ таоло уларни уйқуларидан уйғотди. Аллоҳнинг ваъдаси ҳақ эканини ва қиёмат соати келишида шубҳа йўқлигини билдириш учун одамларни уларнинг ҳолидан хабардор қилди.

Улар Аллоҳ таолонинг ҳукмларига ва уларга берган ёрдамига ҳеч кимни шерик қилмадилар.

Албатта, Аллоҳ таоло Ўз ҳукмларида ҳеч кимни шерик қилмайди:

إِنِ ٱلْحُكْمُ إِلَّا لِلَّهِ ۚ أَمَرَ أَلَّا تَعْبُدُوٓا۟ إِلَّآ إِيَّاهُ

«Ҳукм фақат Аллоҳнинг Ўзига хосдир, У фақат Ўзигагина ибодат қилишингизни амр этди» *(Юсуф сураси, 40-оят).*

Демак, ҳукмдорлик ҳам, ибодат ҳам холис Аллоҳнинг Ўзига бўлиши, бошқага ибодат қилинмаслиги тўғри дин саналади.

5. Мулк ва султондаги ширк келтириш.

Қуръони Каримда:

وَقُلِ ٱلْحَمْدُ لِلَّهِ ٱلَّذِى لَمْ يَتَّخِذْ وَلَدًا وَلَمْ يَكُن لَّهُۥ شَرِيكٌ فِى ٱلْمُلْكِ وَلَمْ يَكُن لَّهُۥ وَلِىٌّ مِّنَ ٱلذُّلِّ

«Сен: «Фарзанд тутмаган, мулкда шериги бўлмаган ва хорликдан қутқарувчи дўстга зор бўлмаган Аллоҳга ҳамд бўлсин», дегин», дейилган *(Исро сураси, 111-оят).*

Бу оятда Аллоҳ таоло Ўз Пайғамбарига бирон бир махлуқотга ўхшамаган ва султонлигида ҳеч бир шериги бўлмаган Аллоҳга ҳамд айтишни амр қилмоқда. У борликдаги нарсаларнинг молики – эгасидир. Чунки мулк Унинг қўлидадир. У Зот ҳар бир нарсага қодирдир. Барча нарсаларнинг эгалиги Унинг қўлидадир. Осмонлару ернинг мулки ҳам Унга хосдир.

قُلِ ٱدْعُوا۟ ٱلَّذِينَ زَعَمْتُم مِّن دُونِ ٱللَّهِ لَا يَمْلِكُونَ مِثْقَالَ ذَرَّةٍ فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَلَا فِى ٱلْأَرْضِ وَمَا لَهُمْ فِيهِمَا مِن شِرْكٍ وَمَا لَهُۥ مِنْهُم مِّن ظَهِيرٍ ﴿٢٢﴾

«Сен: «Аллоҳдан ўзга гумон қилганларингизга дуо қилаверинглар!» деб айт. Улар осмонлару ерда зарра вазнидаги нарсага ҳам молик эмаслар. Уларга бу(ик-

ки)**ларида шериклик ҳам йўқ. Ва У Зотга улардан бирорта ёрдамчи ҳам йўқ»** *(Сабаъ сураси, 22-оят).*

Яъни «Сиз валийлар – дўсту ёрдамчилар деб гумон қилиб, Аллоҳга шерик қилаётган, ҳожатингиз тушганда илтижо қилаётган «худо»ларингизнинг зарра миқдорича ҳам мустақил эгалиги йўқдир. Улар бу нарсаларда шерик ҳам эмаслар. Аллоҳга бирор нарсада ёрдам ҳам бера олмайдилар. Нима учун уларга илтижо қиласизлар ва нима учун уларга ибодат қиласизлар?!»

ذَٰلِكُمُ ٱللَّهُ رَبُّكُمْ لَهُ ٱلْمُلْكُ ۚ وَٱلَّذِينَ تَدْعُونَ مِن
دُونِهِۦ مَا يَمْلِكُونَ مِن قِطْمِيرٍ ﴿١٣﴾

«Ана ўша Роббингиз Аллоҳдир. Подшоҳлик Уникидир. Ундан ўзга илтижо қилаётганларингиз эса данак пўстлоғига ҳам молик эмаслар» *(Фотир сураси, 13-оят).*

Бундан олдинги оятда Аллоҳ таоло кеча-кундузнинг низоми, қуёш ва ойнинг низоми ҳамда уларнинг жараёни Ўз қўлида эканини исбот қилган.

Ушбу оятда эса бутун мулк Ўзигагина тегишли эканини таъкидламоқда: «Ана ўша Роббингиз Аллоҳдир. Подшоҳлик Уникидир».

Агар мулк Унинг махлуқларидан бирортасида бўлганида, кечаю кундузнинг низоми ҳозирги ҳолидан бошқача бўлар эди. Қуёш ва ойнинг ҳаракати ҳам, уларнинг чиқиши ва ботиши ҳам биз кўриб турганимиздан ўзгача бўларди.

Аллоҳ таоло Каҳф сурасининг сўнгги оятида шундай марҳамат қилади:

قُلْ إِنَّمَآ أَنَا۠ بَشَرٌ مِّثْلُكُمْ يُوحَىٰٓ إِلَىَّ أَنَّمَآ إِلَٰهُكُمْ إِلَٰهٌ وَٰحِدٌ ۖ فَمَن كَانَ
يَرْجُوا۟ لِقَآءَ رَبِّهِۦ فَلْيَعْمَلْ عَمَلًا صَٰلِحًا وَلَا يُشْرِكْ بِعِبَادَةِ رَبِّهِۦٓ أَحَدًۢا ﴿١١٠﴾

«Мен ҳам сизларга ўхшаган башарман, холос. Менга, шубҳасиз, илоҳингиз битта илоҳ экани ваҳий қилинур. Бас, ким Роббига рўбарў келишни умид қилса, солиҳ амал қилсин ва Роббининг ибодатига ҳеч кимни шерик қилмасин», дегин» *(110-оят).*

Қуръон услубининг гўзаллиги ва унинг баёнининг мўъжизакорлигини қаранг! Аввало, мулкда шерикликнинг йўқлиги Бану Исроил, яъни Исро сурасининг 111-оятида зикр қилиниб, сўнг ҳукмда ширк келтириш Каҳф сурасининг 26-оятида нафий (манфий) этилди ва ниҳоят, Каҳф сурасининг охирида эса ибодатда шерикликнинг йўқлиги зикр этилмоқда.

Чунки ибодат ва бўйин эгиш ҳукмдан кейин бўлади. Ҳукм эса ҳоким мулкка ва ҳукмга эга бўлганидан кейингина ижро этилади. Бунга тасарруфдаги ширк ҳам киради. Чунки тасарруф ҳам мулкдан кейин имкони бўладиган нарсадир.

6. Халқ(яратиш)даги ширк келтириш.

Қуръони Каримда шундай дейилган:

قُلْ أَرَءَيْتُمْ شُرَكَآءَكُمُ ٱلَّذِينَ تَدْعُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ أَرُونِى مَاذَا خَلَقُوا۟
مِنَ ٱلْأَرْضِ أَمْ لَهُمْ شِرْكٌ فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ

«Сен: «Менга Аллоҳдан бошқа илтижо қилаётган шерикларингизнинг хабарини беринг-чи?! Менга кўрсатинглар-чи, улар ерда нимани яратдилар?! Ёки уларнинг осмонларда иштироклари борми?!» деб айт» *(Фотир сураси, 40-оят).*

قُلْ أَرَءَيْتُم مَّا تَدْعُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ أَرُونِى مَاذَا خَلَقُوا۟ مِنَ ٱلْأَرْضِ أَمْ
لَهُمْ شِرْكٌ فِى ٱلسَّمَٰوَٰتِ

«Сен: «Аллоҳдан ўзга сиғинаётган нарсаларингизнинг хабарини беринг-чи, менга кўрсатинг-чи, улар ердан нимани яратдилар? Ёки осмонларда иштироклари борми?» деб айтгин» *(Аҳқоф сураси, 4-оят).*

Бу икки оятда мушрикларга қўрқитиш ва дўқ уриш йўли билан: «Аллоҳдан бошқа дуо ила илтижо қилаётган олиҳаларингизда халқ қилувчилик – яратувчилик сифати топиладими? Ёки осмонларни яратишда уларнинг Аллоҳ билан бирга шериклик қилганлари борми?» Яъни «Ўзлари мустақил равишда ёки Аллоҳ билан шерикликда бирор нарса яратганларми? Йўқ, алабатта, йўқ!» дейилмоқда.

Аллоҳ таоло айтади:

إِنَّ ٱلَّذِينَ تَدْعُونَ مِن دُونِ ٱللَّهِ لَن يَخْلُقُوا۟ ذُبَابًا وَلَوِ ٱجْتَمَعُوا۟ لَهُۥ

«Албатта, Аллоҳни қўйиб, топинаётган нарсаларингиз, агар барчалари бирлашсалар ҳам, битта пашша ярата олмаслар» *(Ҳаж сураси, 73-оят).*

أَمْ جَعَلُوا۟ لِلَّهِ شُرَكَآءَ خَلَقُوا۟ كَخَلْقِهِۦ فَتَشَٰبَهَ ٱلْخَلْقُ عَلَيْهِمْ ۚ قُلِ ٱللَّهُ خَٰلِقُ كُلِّ شَىْءٍ وَهُوَ ٱلْوَٰحِدُ ٱلْقَهَّٰرُ ﴿١٦﴾

«Ёки улар Аллоҳга У яратган махлуқотларга ўхшаш махлуқотларни яратганларни шерик қилиб олдилар-у, уларга яратилган махлуқотларга ўхшаш кўринмоқдами? «Барча нарсанинг яратувчиси Аллоҳдир. Ва У ягонадир, Қаҳҳордир», дегин» *(Раъд сураси, 16-оят).*

7. Итоатда ширк келтириш.

Қуръони Каримда:

وَإِنْ أَطَعْتُمُوهُمْ إِنَّكُمْ لَمُشْرِكُونَ ﴿١٢١﴾

«Агар уларга итоат қилсангиз, албатта, сизлар ҳам мушриклар бўлурсизлар», дейилган *(Анъом сураси, 121-оят)*.

Бас, Аллоҳ таолонинг итоатига муқобил равишда Аллоҳдан ўзгага итоат қилиш ширкдир. Шунинг учун ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Холиққа маъсият қилишда махлуққа итоат йўқ», деганлар.

8. Ташриъдаги ширк келтириш.

Қуръони Каримда:

أَمْ لَهُمْ شُرَكَٰٓؤُا۟ شَرَعُوا۟ لَهُم مِّنَ ٱلدِّينِ مَا لَمْ يَأْذَنۢ بِهِ ٱللَّهُ ۚ

«Ёки уларнинг диндан Аллоҳ изн бермаган нарсаларни шариат қилиб берган шериклари борми?!» дейилган *(Шууро сураси, 21-оят)*.

Бас, савоб умидида ёки гуноҳ қўрқинчида адо этмоқ ёки тарк этмоқ учун ҳар бир янги чиқарилган, ихтиро қилинган иш, унга Қуръон ва Суннатдан далил бўлмаса, бу ташриъ – қонунчилик бобида ширк келтириш бўлади.

ШИРК ОҚИБАТИНИНГ ОҒИРЛИГИ

Ширкнинг оқибати нақадар оғирлигини англаб етиш учун ушбу оятларни эслашнинг ўзи кифоя:

إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَن يُشْرَكَ بِهِۦ وَيَغْفِرُ مَا دُونَ ذَٰلِكَ لِمَن يَشَآءُ ۚ

1. **«Албатта, Аллоҳ Ўзига ширк келтирилишини кечирмас. Ундан бошқани Ўзи хоҳлаган кишидан кечирадир»** *(Нисо сураси, 48-оят)*.

إِنَّهُۥ مَن يُشْرِكْ بِٱللَّهِ فَقَدْ حَرَّمَ ٱللَّهُ عَلَيْهِ ٱلْجَنَّةَ وَمَأْوَىٰهُ ٱلنَّارُ ۖ وَمَا لِلظَّٰلِمِينَ مِنْ أَنصَارٍ ﴿٧٢﴾

2. **«Ким Аллоҳга ширк келтирса, албатта, Аллоҳ унга жаннатни ҳаром қилур ва унинг жойи оловдир. Ва золимларга ҳеч қандай нусрат берувчилар йўқдир»** *(Моида сураси, 72-оят).*

يَٰبُنَيَّ لَا تُشۡرِكۡ بِٱللَّهِۖ إِنَّ ٱلشِّرۡكَ لَظُلۡمٌ عَظِيمٞ ﴿١٣﴾

3. «Аллоҳ солиҳ банда Луқмон тилидан: **«Эй ўғилчам, Аллоҳга ширк келтирма. Албатта, ширк катта зулмдир»**, деб марҳамат қилган *(Луқмон сураси, 13-оят).*

إِنَّمَا ٱلۡمُشۡرِكُونَ نَجَسٞ فَلَا يَقۡرَبُواْ ٱلۡمَسۡجِدَ ٱلۡحَرَامَ بَعۡدَ عَامِهِمۡ هَٰذَا

4. **«Албатта, мушриклар нажасдирлар. Бас, ушбу йилларидан кейин Масжидул Ҳаромга яқин келмасинлар»** *(Тавба сураси, 28-оят).*

Шунга биноан, мушрик оламдаги энг разил одамдир.

لَئِنۡ أَشۡرَكۡتَ لَيَحۡبَطَنَّ عَمَلُكَ وَلَتَكُونَنَّ مِنَ ٱلۡخَٰسِرِينَ ﴿٦٥﴾

5. **«Агар ширк келтирсанг, албатта, амалинг беҳуда кетур ва албатта, зиён кўрувчилардан бўлурсан»** *(Зумар сураси, 65-оят).*

Шунга биноан, ширк ҳеч кимдан кечирилмас гуноҳдир.

КУФР ВА ШИРК ЎРТАСИДАГИ ФАРҚ

Биринчидан, кофирлик диндаги зарурий нарсалардан бирини инкор қилиш билан бўлади. Бошқача қилиб айтганда, иймон келтириш вожиб бўлган ҳар бир нарсани инкор қилиш билан бўлади.

Мушрик диндаги зарурий нарсалардан бирортасини инкор қилмаслиги мумкин. Лекин Аллоҳ таолога хос сифатлардан бирида, Унинг ҳукмларида, исмларида ёки ишларида ширк келтириши мумкин.

Иккинчидан, куфр ўзининг барча турлари билан иймонга зид бўлиб, у билан жам бўла олмайди. Ширк эса гоҳида иймон билан жам бўлиши мумкин. Ёки бошқача қилиб айтадиган бўлсак, ҳар бир ширк ҳам куфр эмас. Бунга кичик ширк ва махфий ширк мисолдир.

Имом Аҳмад ўзининг Муснад номли китобида қуйидаги ҳадисни ривоят қилган:

قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «إِنَّ أَخْوَفَ مَا أَخَافُ عَلَيْكُمْ الشِّرْكُ الْأَصْغَرُ». قَالُوا: يَا رَسُولَ اللهِ، وَمَا الشِّرْكُ الْأَصْغَرُ؟ قَالَ: «الرِّيَاءُ».

قَالَ رَجُلٌ لِلنَّبِيِّ ﷺ: مَا شَاءَ اللهُ وَشِئْتَ. فَقَالَ لَهُ النَّبِيُّ ﷺ: «أَجَعَلْتَنِي وَاللهَ عَدْلًا؟! بَلْ مَا شَاءَ اللهُ وَحْدَهُ». رَوَاهُ أَحْمَدُ.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Менинг сиз учун энг хавф қилган нарсам кичик ширкдир», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, кичик ширк нима?» дейишди.

«У риёдир», дедилар у зот».

Бир одам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламга «Аллоҳ хоҳласа ва сиз хоҳласангиз», деганида, у зот алайҳиссалом: «Нима, мени Аллоҳга тенг қилдингми?! «Аллоҳнинг ёлғиз Ўзи хоҳласа», дегин», деганлар».

Имом Аҳмад ривоят қилган.

قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «مَنْ حَلَفَ بِغَيْرِ اللهِ فَقَدْ أَشْرَكَ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким Аллоҳдан бошқа ила қасам ичса, батаҳқиқ, ширк келтирибди», деганлар».

Абу Довуд, Термизий ва Аҳмад ривоят қилишган.

قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «أَيُّهَا النَّاسُ اتَّقُوا هَذَا الشِّرْكَ فَإِنَّهُ أَخْفَى مِنْ دَبِيبِ النَّمْلِ». ...وَكَيْفَ نَتَّقِيهِ وَهُوَ أَخْفَى مِنْ دَبِيبِ النَّمْلِ يَا رَسُولَ اللهِ؟ قَالَ: «قُولُوا: اللَّهُمَّ إِنَّا نَعُوذُ بِكَ مِنْ أَنْ نُشْرِكَ بِكَ شَيْئًا نَعْلَمُهُ وَنَسْتَغْفِرُكَ لِمَا لَا نَعْلَمُ». رَوَاهُ أَحْمَدُ.

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй одамлар, ушбу ширкдан сақланинглар, чунки у чумолининг ўрмалашидан ҳам махфийроқдир», деганларида, у зотга:

«Эй Аллоҳнинг Расули, агар у чумолининг ўрмалашидан ҳам махфийроқ бўлса, қандай қилиб ундан сақланамиз?» дейилди. Шунда у зот:

«Аллоҳим, биз Сенинг Ўзингдан билган нарсамизни Сенга ширк келтиришимиздан паноҳ сўраймиз, билмаганимизга истиғфор айтамиз», денглар», деб жавоб берганлар».

Имом Аҳмад ривоят қилган.

Ушбу зикр қилинган нарсаларни қилувчи муртад ёки кофир бўлгани ҳақида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламдан ҳукм чиқмади. Шунингдек, шаҳодат калимасини қайтариш ёки иймонини янгилаш ҳақида амр ҳам бўлмади.

Шунга ўхшаш, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Аллоҳдан ўзга билан қасам ичган одамнинг муртад ёки иймондан чиқувчи мушрик бўлгани ҳақида ҳукм қилмаганлар.

Ҳаттоки, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзларидан Исломнинг арконлари ҳақида сўраган аъробий ҳақида: «Отасига қасамки, агар рост гапирган бўлса, нажот топди», деганлар. *(Бухорий.)*

Яъни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша аъробийнинг отаси билан қасам ичганлар. Агар бу ширк бўлганида, ҳеч қачон бу хилда қасам ичмас эдилар.

Шунингдек, у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам кўпгина саҳобаларнинг исмларини ўзгартирганлар. Лекин ўша исм эгаларининг ширки ёки куфри ҳақида ҳукм чиқармаганлар. Балки ширк гумони бўлгани учун ўша исмларга ўхшаш исмларни ман қилганлар.

Ушбуларнинг барчаси ширкнинг баъзи турлари катта гуноҳ бўлса ҳам, куфр эмаслигига далилдир.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бу ишлар ҳақида шиддатли гапларни айтганлари эса ширк ва жоҳилиятга сабаб бўладиган йўлларни тўсиш, Ислом ва тавҳиднинг таъсирини кўтариш учун бўлган. *(Жазоирий, «Ақийдатул мўмин» 105-106-бетлар.)*

ФОСИҚЛИК

Ҳар бир мўмин-мусулмон банда эҳтиёт бўлиши лозим бўлган қалб хасталикларидан яна бири фосиқликдир.

«Фиск» сўзи луғатда қобиқни тешиб чиқиш маъносини англатади.

Шаръий истилоҳда эса Аллоҳ таолонинг тоатидан чиқиб, маъсиятларни яширмай, уялмасдан, очиқ-ойдин қиладиган одамга «фосиқ» дейилади.

Одатда «фосиқ» деб гуноҳ ишларни қилган мусулмонларга айтилади. «Фиск» сўзи уламолар истилоҳида гуноҳи кабира қилиб ёки кичик гуноҳларда бардавом бўлиб, Аллоҳнинг наҳйи қилган нарсаларидан чиқишни англатади.

Қуръони Каримда эса мавзуга қараб, кофир ва мунофиқлар ҳам баъзан «фосиқ» дейилади.

Аллоҳ таоло Сажда сурасида марҳамат қилади:

أَفَمَن كَانَ مُؤْمِنًا كَمَن كَانَ فَاسِقًا ۚ لَّا يَسْتَوُۥنَ ﴿١٨﴾ أَمَّا
ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ وَعَمِلُوا۟ ٱلصَّٰلِحَٰتِ فَلَهُمْ جَنَّٰتُ ٱلْمَأْوَىٰ نُزُلًۢا بِمَا
كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿١٩﴾ وَأَمَّا ٱلَّذِينَ فَسَقُوا۟ فَمَأْوَىٰهُمُ ٱلنَّارُ ۖ كُلَّمَآ أَرَادُوٓا۟ أَن
يَخْرُجُوا۟ مِنْهَآ أُعِيدُوا۟ فِيهَا وَقِيلَ لَهُمْ ذُوقُوا۟ عَذَابَ ٱلنَّارِ ٱلَّذِى كُنتُم
بِهِۦ تُكَذِّبُونَ ﴿٢٠﴾

«Ахир, мўмин бўлган одам фосиқ бўлган одам каби бўлурми?! Тенг бўлмаслар. Аммо иймон келтириб, солиҳ амалларни қилганларга, албатта, уларга қилиб ўтган амаллари учун зиёфат ўлароқ, жаннатул маъво бор. Аммо фосиқлик қилганлар эса, бас, уларнинг жойлари оловдир. Ҳар сафар ундан

чиқмоқни ирода қилсалар, унга қайтарилурлар ва уларга: «Ўзингиз ёлғонга чиқарган оловнинг азобини тотинг», дейилур» *(18–20-оятлар).*

Ушбу ояти карималарда фосиқлик мўминликка муқобил равишда зикр қилинмоқда. Демак, бу ўринда у кофирликни англатади.

Мунофиқнинг ҳам фосиқ дейилишига қуйидаги оят далилдир:

إِنَّ ٱلْمُنَٰفِقِينَ هُمُ ٱلْفَٰسِقُونَ ﴿٦٧﴾

«Албатта, мунофиқлар – улар фосиқлардир» *(Тавба сураси, 67-оят).*

Кофирликка етиб бормайдиган, гуноҳ маъносидаги фосиқликка Бақара сурасидаги қуйидаги оят далил бўлади:

وَأَشْهِدُوٓا۟ إِذَا تَبَايَعْتُمْ ۚ وَلَا يُضَآرَّ كَاتِبٌ وَلَا شَهِيدٌ ۚ وَإِن تَفْعَلُوا۟ فَإِنَّهُۥ فُسُوقٌۢ بِكُمْ ۗ وَٱتَّقُوا۟ ٱللَّهَ ۖ وَيُعَلِّمُكُمُ ٱللَّهُ ۗ وَٱللَّهُ بِكُلِّ شَىْءٍ عَلِيمٌ ﴿٢٨٢﴾

«Олди-сотди қилганингизда гувоҳ келтиринг ва ёзувчи ҳам, гувоҳ ҳам зарар тортмасин. Агар (аксини) **қилсангиз, албатта, бу фосиқлигингиздир. Аллоҳга тақво қилинг. Ва Аллоҳ сизга илм беради. Аллоҳ ҳар бир нарсани ўта билувчидир»** *(282-оят).*

عَنْ عَبْدِ اللهِ بْنِ مَسْعُودٍ ﷺ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «سِبَابُ الْمُسْلِمِ فُسُوقٌ وَقِتَالُهُ كُفْرٌ». رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Мусулмонни сўкиш фосиқлик ва у билан уруш қилиш кофирликдир», дедилар».

Икки шайх ривоят қилишган.

Ўтган уламолардан Зажжож раҳматуллоҳи алайҳи: «Бадгумонлик яхши кишилар ҳақида ёмон гумон қилишдир. Аммо фисқ аҳли бўлса, ундан нима фосиқлик зоҳир бўлган бўлса, шуни гумон қилишга ҳаққимиз бор», деган.

Маълумки, фосиқлик катта гуноҳ ҳисобланади. Шариат кўрсатган чегарадан чиқиб, гуноҳ ишларни қилувчилар фосиқ ҳисобланади. Фисқ диндан чиқишнинг бошланиши бўлиб, тавба қилмасдан, ўша гуноҳни давом эттирганлар диндан чиқади.

Шунинг учун ҳам ҳадиси шарифда: **«Мусулмонни сўкиш фосиқлик ва у билан уруш қилиш кофирликдир»,** дейилмоқда. Чунки фисқ куфрга олиб борганидек, сўкиш ҳам урушга олиб боради.

ФОСИҚЛИККА ОИД ҲУКМЛАР

1. Фосиқлик ҳаром. Ундан наҳйи қилинган, яъни у Ислом динида буткул тақиқланган. Фосиқ шахс гуноҳкор бўлади, фисқига қараб жазога тортилади ва таъзир берилади.

2. Ҳанбалий мазҳаби бўйича, фосиқ имом бўлиб намозга ўтиши мумкин эмас.

3. Фосиқ ҳадис ривоят қилиш ҳаққига эга эмас.

4. Фосиқнинг гувоҳлиги қабул қилинмайди.

5. Фосиқнинг фатвоси қабул қилинмайди.

6. Фосиқ кимса болани ўз қарамоғига олиши мумкин эмас.

7. Фосиқ кимса шофеъий ва ҳанбалий мазҳаблари бўйича, никоҳда валий бўла олмайди.

8. Фосиқни фисқи учун ўзига яқин олиб бўлмайди.

9. Фосиқни ғийбат қилиш жоиздир.

10. Фосиқнинг тавбаси, агар барча шартларни юзага чиқарса, қабул бўлади.

Фосиқликнинг зарарлари:

1. Фосиқлик Аллоҳ таолонинг, Унинг Расулининг ва мўминларнинг ғазабини жалб қиладиган нарсадир.

2. Гоҳида фосиқлик мусулмончиликдан чиқариши ҳам мумкин.

3. Фосиқ жамиятга зарарли инсондир.

4. Фосиқлик мунофиқликка, у эса дўзахга олиб боради.

5. Фосиқлик тарқалган жамият парчаланади.

Мўмин банда фосиқликнинг ҳар бир кўринишидан ўзини олиб қочиши, бу нарсанинг зарарларини ҳеч қачон эсидан чиқармаслиги керак. Мабодо билиб-билмай баъзи фисқ ишларни содир этган бўлса, дарҳол тавбага шошилиши лозим.

ОСИЙЛИК

Банда эҳтиёт бўлиши лозим бўлган қалб хасталикларининг яна бири осийликдир.

«Осийлик», «исён», «маъсият» сўзлари бир ўзакдан бўлиб, луғатда «тоатдан чиқиш» деган маънони билдиради.

Уламолар истилоҳида «осийлик» Аллоҳ таолонинг буйруқларига бўйсунишни тарк қилишдир.

Бошқа бир таърифда айтилишича, осийлик амрларни тарк этишдир. Аллоҳ таолонинг Китобида ва Расулининг тилидан фарз ва вожиб қилинган нарсаларни тарк қилиш ва Аллоҳ таоло амр қилган ва Расулуллоҳ

соллаллоҳу алайҳи васаллам етказган зоҳир ва ботин амалларни содир этмасликдир.

Осийлар икки хил бўлади:

1. Маъсиятни қилиш билан бирга, тоатдан ҳам бош тортади. Бу энг ёмони ҳисобланади.

2. Маъсиятни қилиш билан бирга, тоатларни ҳам адо этади. Бундай банда маъсиятига яраша жазо олади.

Маъсиятнинг катта ёки кичиклигига қараб унинг ҳукми ҳам ўзгаради. Аммо кичик гуноҳни давомли қилиш катта гуноҳни келтириб чиқаради. Ким катта гуноҳ қилса, фосиқ бўлади ва гувоҳлиги ўтмайди.

Аллоҳ таоло маъсиятни қаттиқ қоралаган ва унинг оқибатидан ҳазир бўлишга чақирган. У Зот Нисо сурасида марҳамат қилади:

وَمَن يَعْصِ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ وَيَتَعَدَّ حُدُودَهُۥ يُدْخِلْهُ نَارًا خَٰلِدًا فِيهَا وَلَهُۥ عَذَابٌ مُّهِينٌ ﴿١٤﴾

«Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига осийлик қилса ва Унинг чегараларини бузса, У Зот уни мангу қолувчи бўлган ҳолида оловга киритадир. Ва унга хорловчи азоб бордир» *(14-оят)*.

Демак, бу дунёда фақат Аллоҳга ва Унинг Расулигагина итоат қилиб яшаш лозим. Бу итоат шариатга амал қилиш билан бўлади. Аллоҳга бўйсуниб, У кўрсатган дастурга амал қилиб яшаш иймонда, Исломда яшаш демакдир.

Демак, охиратда ҳар кимга бу дунёдаги амалига қараб муомала қилинади. Бу дунёда Аллоҳ таолога ва Унинг Расулига итоат этмай, осийлик қилиб, Аллоҳ таолонинг чегарасидан чиққанлар у дунёда абадий дўзахга киритилади. У ерда албатта, хорловчи азоблар ҳам бўлади.

Аллоҳ таоло Аҳзоб сурасида марҳамат қилади:

وَمَا كَانَ لِمُؤْمِنٍ وَلَا مُؤْمِنَةٍ إِذَا قَضَى ٱللَّهُ وَرَسُولُهُۥٓ أَمْرًا أَن يَكُونَ لَهُمُ ٱلْخِيَرَةُ مِنْ أَمْرِهِمْ ۗ وَمَن يَعْصِ ٱللَّهَ وَرَسُولَهُۥ فَقَدْ ضَلَّ ضَلَٰلًا مُّبِينًا ﴿٣٦﴾

«Ҳеч бир мўмин ва мўмина учун Аллоҳ ва Унинг Расули бир ишга ҳукм қилганида, ўз ишларини ўзларича ихтиёр қилмоқ йўқ. Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига осий бўлса, бас, батаҳқиқ, очиқ адашишла адашибди» *(36-оят)*.

Барча мўмин-мусулмонлар учун Аллоҳ таолонинг амри, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳукмлари ҳамма нарсадан устун туради.

Аллоҳ таолонинг кўрсатмаси, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг айтганлари турганда, мўмин киши хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл ўзича бир иш қила олмайди. Бу мумкин ҳам эмас.

Ким Аллоҳнинг ва Унинг Расулининг ҳукмини қўйиб, ўзича иш тутса, Аллоҳ таборака ва таолога ва Унинг Расули соллаллоҳу алайҳи васалламга осий бўлади.

«Ким Аллоҳга ва Унинг Расулига осий бўлса, бас, батаҳқиқ, очиқ адашиш-ла адашибди».

Очиқ адашганларнинг ҳоли нима бўлиши ҳаммага маълум.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам маъсиятдан сақланишни сўраб дуо қилганлар ва осий бўлмасликка ҳаракат қилганларнинг гўзал оқибатга эришишлари хабарини берганлар.

عَنِ ابْنَ عُمَرَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا قَالَ: قَلَّمَا كَانَ رَسُولُ اللهِ ﷺ

يَقُومُ مِنْ مَجْلِسٍ حَتَّى يَدْعُوَ بِهَؤُلَاءِ الدَّعَوَاتِ لِأَصْحَابِهِ: «اللَّهُمَّ اقْسِمْ لَنَا مِنْ خَشْيَتِكَ مَا يَحُولُ بَيْنَنَا وَبَيْنَ مَعَاصِيكَ، وَمِنْ طَاعَتِكَ مَا تُبَلِّغُنَا بِهِ جَنَّتَكَ، وَمِنَ الْيَقِينِ مَا تُهَوِّنُ بِهِ عَلَيْنَا مُصِيبَاتِ الدُّنْيَا، وَمَتِّعْنَا بِأَسْمَاعِنَا وَأَبْصَارِنَا وَقُوَّتِنَا مَا أَحْيَيْتَنَا، وَاجْعَلْهُ الْوَارِثَ مِنَّا، وَاجْعَلْ ثَأْرَنَا عَلَى مَنْ ظَلَمَنَا، وَانْصُرْنَا عَلَى مَنْ عَادَانَا، وَلَا تَجْعَلْ مُصِيبَتَنَا فِي دِينِنَا، وَلَا تَجْعَلِ الدُّنْيَا أَكْبَرَ هَمِّنَا وَلَا مَبْلَغَ عِلْمِنَا، وَلَا تُسَلِّطْ عَلَيْنَا مَنْ لَا يَرْحَمُنَا». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам камдан-кам ҳолларда бирор мажлисдан саҳобаларига ушбу дуоларни қилмасдан турар эдилар:

«Аллоҳим! Бизга бизни Сенга маъсият қилишдан тўсадиган қўрқув; бизни жаннатингга етказадиган тоат; бизга дунё мусибатларини енгил қиладиган қаттиқ ишонч насиб қилгин.

То тирик эканмиз, бизни қулоқларимиз, қўлларимиз ва қувватимиз ила ҳузурлантиргин ва буни биздан (кейингиларга ҳам) **мерос қолувчи қилгин. Бизнинг ўчимизни бизга зулм қилганларга хослагин.**

Бизга душманларимиз устидан нусрат бергин. Мусибатимизни динимизда қилмагин. Дунёни бош қайғумиз, илмимизнинг етган жойи қилмагин. Устимиздан бизга раҳм қилмайдиганни султон қилмагин».

Термизий ривоят қилган.

عَنِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا قَالَ: سَمِعْتُ النَّبِيَّ ﷺ يَقُولُ

حَدِيثًا أَكْثَرَ مِنْ سَبْعِ مَرَّاتٍ، وَلَكِنِّي سَمِعْتُهُ يَقُولُ: «كَانَ الْكِفْلُ مِنْ بَنِي إِسْرَائِيلَ لَا يَتَوَرَّعُ مِنْ ذَنْبٍ عَمِلَهُ، فَأَتَتْهُ امْرَأَةٌ فَأَعْطَاهَا سِتِّينَ دِينَارًا عَلَى أَنْ يَطَأَهَا، فَلَمَّا قَعَدَ مِنْهَا مَقْعَدَ الرَّجُلِ مِنِ امْرَأَتِهِ أَرْعَدَتْ وَبَكَتْ، فَقَالَ: مَا يُبْكِيكِ، أَأَكْرَهْتُكِ؟ قَالَتْ: لَا، وَلَكِنَّهُ عَمَلٌ مَا عَمِلْتُهُ قَطُّ، وَمَا حَمَلَنِي عَلَيْهِ إِلَّا الْحَاجَةُ. فَقَالَ: تَفْعَلِينَ أَنْتِ هَذَا وَمَا فَعَلْتِهِ؟ اذْهَبِي فَهِيَ لَكِ، وَقَالَ: لَا وَاللهِ لَا أَعْصِي اللهَ بَعْدَهَا أَبَدًا. فَمَاتَ مِنْ لَيْلَتِهِ فَأَصْبَحَ مَكْتُوبًا عَلَى بَابِهِ: إِنَّ اللهَ قَدْ غَفَرَ لِلْكِفْلِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бир ҳадисни етти мартадан кўп айтганларини эшитдим. Мен у зотнинг «Кифл Бану Исроилдан эди. У гуноҳдан сақланмас эди. Унинг олдига бир аёл келди. У унга устига чиқиш шарти ила олтмиш динор берди. У эр хотинига қандоқ ўтирадиган бўлса, унга ўшандоқ ҳолда ўтирган чоғида аёл йиғлай бошлади. Шунда у: «Нимага йиғлаяпсан? Мен сени мажбур қилдимми?» деди. «Йўқ. Аммо мен бу ишни ҳеч қилмаган эдим. Фақат муҳтожлик мени бунга мажбур қилди», деди. «Сен аввал қилмаган ишингни қиляпсанми? Бор, кетавер! Пуллар ҳам ўзингга», деди. Сўнгра «Йўқ. Аллоҳга қасамки, бундан кейин Аллоҳга асло осий бўлмайман», деди.

У ўша кечаси ўлди. Бас, унинг эшигига «Албатта, Аллоҳ Кифлни мағфират қилди», деб ёзилиб қолди», деганларини эшитдим».

Термизий ривоят қилган.

Осийликнинг зарарлари:

1. Осийлик Одам ва Ҳаввони жаннатдан чиқарди.

2. Осийлик иблисни Аллоҳ таолонинг лаънатига учратди.

3. Осийлик Нуҳ қавмини тўфонга гирифтор қилди.

4. Осийлик Од қавмини томири чириган дарахтдек қулатди.

5. Осийлик Самуд қавмининг даҳшатли овоз ила ҳалок бўлишига сабаб бўлди.

6. Осийлик Лут қавмини чаппа айлантирилган ер остида ҳалок қилди.

7. Осийлик Шуъайб қавмини булутдан ёққан азоб ила ҳалок қилди.

8. Осийлик Фиръавн ва унинг қавмини денгизга ғарқ қилди.

9. Осийлик Қорун ва унинг молу мулкини ерга ютгирди.

Маъсиятлар банда қалбининг моғор босишига, ғофил бўлишига ва муҳрланишига сабаб бўлади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللهِ ﷺ يَقُولُ عَلَى أَعْوَادِ مِنْبَرِهِ: «لَيَنْتَهِيَنَّ أَقْوَامٌ عَنْ وَدْعِهِمُ الْجُمُعَاتِ أَوْ لَيَخْتِمَنَّ اللهُ عَلَى قُلُوبِهِمْ ثُمَّ لَيَكُونُنَّ مِنَ الْغَافِلِينَ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالنَّسَائِيُّ وَأَحْمَدُ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг минбарлари устида туриб: «Ёки қавмлар жумаларни тарк қилишдан тўхтарлар. Ёки Аллоҳ уларнинг қалбларига муҳр босур ва сўнгра ғофиллардан бўлурлар», деганларини эшитдим».

Муслим, Насоий ва Аҳмад ривоят қилишган.

Гуноҳлардан сақланиш қалбнинг поклигини сақлаш учун хизмат қилади. Шунинг учун гуноҳларни озайтириш керак. Бу иш икки дунё учун ҳам фойдалидир.

Вакийъ ибн Жарроҳ келтирган ривоятда Оиша розияллоҳу анҳо айтади: «Гуноҳларни озайтиринглар! Албатта, сизлар Аллоҳ таолога гуноҳ озлигидан афзал нарса ила йўлиқа олмайсизлар».

Банда зоҳирий ва ботиний, катта ва кичик маъсиятлардан ҳазир бўлиши лозим. Кўпинча бир маъсият бошқа маъсиятга тортиши ҳам мумкин. Хусусан, қалб ва тил маъсиятлари каби ҳис қилиш қийин бўлган маъсиятлардан эҳтиёт бўлиш керак.

БИДЪАТ

Эҳтиёт бўлиш лозим бўлган қалб хасталикларининг яна бири бидъат ҳисобланади.

«Бидъат» сўзи луғатда «бир нарсани янгитдан пайдо қилиш» деган маънони англатади.

«Бидъат»нинг шаръий истилоҳи – таърифига келадиган бўлсак, уламолар бу масалада бир хил фикрга иттифоқ қилмаганлар. Мазкур таърифларнинг ҳаммасини жамлаб, таҳлил қилган мутахассислар уларни икки асосий йўналишга тақсимлайдилар.

Биринчи йўналишдаги уламоларга имом Шофеъий ва у кишининг мазҳабидаги уламолардан Изз ибн Абдуссалом, Нававий, Абу Шома, моликийлардан Қурофий ва Зарқоний, ҳанафийлардан Ибн Обидийн, ҳанбалийлардан Ибн Жавзий ва зоҳирийлардан Ибн Ҳазм киради.

Бу йўналишдаги уламолар бидъатни, ибодатларда бўлсин, одатларда бўлсин, яхши бўлсин, ёмон бўлсин, Қуръон ва Суннатда йўқ ва янги пайдо бўлган нарса, деб таърифлайдилар.

Бу йўналишдаги таърифларнинг маъносини ўзида тўла акс эттирган таъриф Изз ибн Абдуссаломнинг таърифи бўлиб, унда: «Бидъат Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида бўлмаган нарсадир», дейилган.

Биринчи йўналишдаги бидъат уламолар таърифида бир неча турларга тақсимланади:

1. Вожиб бидъат. Наҳв илмини ўрганиш бидъатнинг шу турига киради. Чунки бу илмни билмай туриб, Қуръон ва Суннатни билиб бўлмайди. Бу икки манбани ўрганиш вожиб. Вожибни бажаришга хизмат қиладиган нарса ҳам вожиб бўлади. Демак, Қуръон ва Суннатни ўрганиш учун наҳвни ўрганиш вожиб.

Бу нарса Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида бўлмаган. Ҳазрати Али розияллоҳу анҳунинг даврларида наҳв илмини ўрганиш борасида биринчи қадам қўйилди.

2. Ҳаром бидъат. Қадария, Жабрия, Муржиъа ва Хавориж мазҳаблари. Булар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг даврларида бўлмаган.

Уларнинг ҳаммаси кейин чиққан ва Исломга қарши ақийда ва фикрларни ўзларига шиор қилиб олган. Бу мазҳабларга юрганлар диндан чиққан ҳисобланади.

3. Мандуб бидъат. Мадрасалар ташкил қилиш ва таровеҳ намозига ўхшаш нарсалар. Булар ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вақтларида бўлмаган, кейин йўлга қўйилган ва фойдали бўлгани учун «мандуб» деб баҳоланган бидъатлардир.

4. Макруҳ бидъат. Масжидларни нақши нигор билан безашга ўхшаш нарсалар.

5. Мубоҳ бидъат. Намоздан кейин қўл бериб кўришиш ва ейиш, ичиш, кийишда лаззат ва чиройни ихтиёр қилиш кабилар.

Биринчи йўналиш тарафдорлари бидъатнинг мазкур беш қисмга тақсимланишига далиллар ҳам келтирганлар:

عَنْ جَرِيرِ بْنِ عَبْدِ اللهِ ﷺ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «مَنْ سَنَّ فِي الْإِسْلَامِ سُنَّةً حَسَنَةً فَعُمِلَ بِهَا بَعْدَهُ كُتِبَ لَهُ مِثْلُ أَجْرِ مَنْ عَمِلَ بِهَا وَلَا يَنْقُصُ مِنْ أُجُورِهِمْ شَيْءٌ، وَمَنْ سَنَّ فِي الْإِسْلَامِ سُنَّةً سَيِّئَةً فَعُمِلَ بِهَا بَعْدَهُ كُتِبَ عَلَيْهِ مِثْلُ وِزْرِ مَنْ عَمِلَ بِهَا وَلَا يَنْقُصُ مِنْ أَوْزَارِهِمْ شَيْءٌ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

1. Жарир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким Исломда гўзал суннат пайдо қилса ва ундан кейин ўша суннатга амал қилинса, унга ўшанга амал қилганлар ажрига ўхшаш ажр, уларнинг ажридан бирор нарса ноқис қилинмаган ҳолда ёзилиб туради.

Ким Исломда бир ёмон суннат пайдо қилса ва ундан кейин ўша суннатга амал қилинса, унга ўша амал қилганлар гуноҳига ўхшаш гунох, уларнинг гуноҳларидан бирор нарса ноқис қилинмаган ҳолда ёзилиб туради», дедилар».

Муслим ривоят қилган.

عَنْ عَبْدِ الرَّحْمَنِ بْنِ الْقَارِيِّ ﷺ أَنَّهُ قَالَ: خَرَجْتُ مَعَ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ فِي رَمَضَانَ إِلَى الْمَسْجِدِ فَإِذَا النَّاسُ أَوْزَاعٌ مُتَفَرِّقُونَ يُصَلِّي الرَّجُلُ لِنَفْسِهِ وَيُصَلِّي الرَّجُلُ فَيُصَلِّي بِصَلَاتِهِ الرَّهْطُ، فَقَالَ عُمَرُ: وَاللهِ إِنِّي لَأَرَانِي لَوْ جَمَعْتُ هَؤُلَاءِ عَلَى قَارِئٍ وَاحِدٍ لَكَانَ أَمْثَلَ. فَجَمَعَهُمْ عَلَى أُبَيِّ بْنِ كَعْبٍ، قَالَ: ثُمَّ خَرَجْتُ مَعَهُ لَيْلَةً

أُخْرَى وَالنَّاسُ يُصَلُّونَ بِصَلَاةِ قَارِئِهِمْ فَقَالَ عُمَرُ: نِعْمَتِ الْبِدْعَةُ هَذِهِ وَالَّتِي تَنَامُونَ عَنْهَا أَفْضَلُ مِنَ الَّتِي تَقُومُونَ، يَعْنِي آخِرَ اللَّيْلِ، وَكَانَ النَّاسُ يَقُومُونَ أَوَّلَهُ. رَوَاهُ مَالِكٌ.

2. Абдурроҳман ибн ал-Қорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу билан Рамазон кечаларининг бирида масжидга чиқдим. Қарасак, одамлар гуруҳ-гуруҳ билан тарқоқ ҳолларида: кимдир ўзи намоз ўқимоқда, кимдир намоз ўқиса, бир неча киши унга иқтидо қилмоқда. Шунда Умар:

«Аллоҳга қасам, менимча, анавиларни бир қори(орти)га жамласам яхши бўлади», деди.

Сўнгра уларни Убай ибн Каъбнинг ортидан жамлади. Кейин, бошқа бир кечада мен яна у билан чиққанимда одамлар қориларга иқтидо қилиб намоз ўқишар эди.

«Бу қандай ҳам яхши бидъат. Қоим бўлган пайтларидан кўра ухлаб ётган пайтлари(да ибодат қилишлари) **афзал», деди ҳазрати Умар.**

Кечанинг охирида, демоқчи. Одамлар кечанинг аввалида қоим бўлишар эди».

Молик ривоят қилган.

عَنْ مُجَاهِدٍ قَالَ: دَخَلْتُ أَنَا وَعُرْوَةُ بْنُ الزُّبَيْرِ الْمَسْجِدَ فَإِذَا عَبْدُ اللهِ بْنُ عُمَرَ جَالِسٌ إِلَى حُجْرَةِ عَائِشَةَ وَالنَّاسُ يُصَلُّونَ الضُّحَى فِي الْمَسْجِدِ، فَسَأَلْنَاهُ عَنْ صَلَاتِهِمْ، فَقَالَ: بِدْعَةٌ. رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَحْمَدُ.

3. Мужоҳиддан ривоят қилинади:

«Урва ибн Зубайр билан бирга масжидга кирдик. Қарасак, Абдуллоҳ ибн Умар Оиша розияллоҳу анҳонинг ҳужраси олдида ўтирган экан. Одамлар бўлса жамоат бўлиб зуҳо намози ўқимоқдалар. Биз уларнинг намози ҳақида сўраган эдик, «Бидъат», деди».

Муслим ва Аҳмад ривоят қилишган.

Кўпчилик мазкур таърифга биноан, бидъатни иккига тақсимлаб қўя қоладилар ва «Бидъат икки хил: яхши ва ёмон бидъат», дейдилар.

Иккинчи йўналишдаги уламолар – имом Молик, Шотибий, Туртиший, ҳанафийлардан имом Шумунний ва Айний, шофеъийлардан Байҳақий, Ибн Ҳажар Асқалоний ва Ибн Ҳажар Ҳайсамий, ҳанбалийлардан Ибн Ражаб ва Ибн Таймияларнинг фикрича, бидъатнинг барчаси – ибодатдагиси ҳам, одатдагиси ҳам залолатдир.

Иккинчи йўналишдаги таърифларнинг энг машҳури ва жамловчиси имом Шотибийнинг таърифи ҳисобланади. У киши бидъатни икки хил таъриф қилган:

1. Бидъат динда янги ихтиро қилинган йўл бўлиб, у ила шариатга ўхшатиш киритилади. Унга юриш ила Аллоҳга ибодат қилишда муболаға қасд қилинади.

Бу таърифда дин жавҳарига янги ўзгариш киритиш ҳақида, ибодатларда шариат кўрсатган йўлга ўхшаш йўл пайдо қилиш ҳақида сўз бораётгани очиқ-ойдин кўриниб турибди.

2. Бидъат динда янги ихтиро қилинган йўл бўлиб, у ила шариатга ўхшатиш киритилади. Унга юришдан шариат йўлига юриш қасд қилинади.

Имом Шотибийнинг иккинчи таърифи биринчисидан кенг бўлиб, унда ибодат ва одатлардаги янги ихтиро қилинган нарсалар бидъат экани таъкидланган.

Имом Шотибий бидъат масаласини энг кўп баҳс қилган олимлардан ва бидъатга қарши турувчилардан биридир.

Ҳақли равишда «Нима учун имом Шотибий бидъатни икки хил таъриф қилган?» деган савол пайдо бўлади. Бу саволга уламоларимиз: «Имом Шотибий бунда бошқаларнинг бидъат маъносини кенг ёки тор олганига эътибор берган», деб жавоб берганлар.

Имом Шотибийнинг биринчи таърифида «Бидъат фақат ибодатларда бўлади», деганларнинг фикри, иккинчи таърифида эса «Бидъат ибодатларда ҳам, одатларда ҳам бўлади», деганларнинг фикри ўз ифодасини топган.

Имом Шотибийнинг ўзи эса бидъат фақат ақийда ва ибодатларга хос бўлишига мойил бўлган.

Ҳар икки таърифдаги бизга керак бўлган асосий маъно «Бидъат динда янги ихтиро қилинган йўл» деган жумладир.

Демак, мусулмонлар ичида янги пайдо бўлган нарса бидъат бўлиши учун у диннинг асосига оид бўлиши шарт экан. Унга ҳам шариатнинг асосий ибодатлари мақоми берилар экан.

Қуйидаги ҳадисларда худди шу маъно кўзда тутилган.

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللهُ عَنْهَا قَالَتْ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «مَنْ أَحْدَثَ فِي أَمْرِنَا هَذَا مَا لَيْسَ مِنْهُ فَهُوَ رَدٌّ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ.

1. Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким бизнинг бу ишимизда ундан бўлмаган нарсани янгитдан пайдо қилса, у мардуддир», дедилар».
Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам «ишимиз», деганда, динимизни назарда тутганлар.

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللهِ ﷺ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «فَإِنَّ خَيْرَ الْحَدِيثِ كِتَابُ اللهِ، وَخَيْرَ الْهَدْيِ هَدْيُ مُحَمَّدٍ، وَشَرَّ الْأُمُورِ مُحْدَثَاتُهَا، وَكُلُّ بِدْعَةٍ ضَلَالَةٌ، وَكُلُّ ضَلَالَةٍ فِي النَّارِ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَالنَّسَائِيُّ.

2. Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Албатта, энг содиқ калом Аллоҳнинг Китобидир, энг яхши ҳидоят Муҳаммаднинг ҳидоятидир. Ишларнинг энг ёмони янги пайдо бўлганларидир. Ҳар бир бидъат залолатдир. Барча залолат дўзахдадир», дедилар».

Бухорий, Муслим ва Насоий ривоят қилишган.

Ҳадисда «Ҳар бир янги чиққан иш бидъатдир. Ҳар бир бидъат залолатдир. Барча залолат дўзахдадир», дейилмоқда. Агар диннинг асосига дахлдор бўлмаган нарсалар ҳам бидъат бўлганида, ҳолимиз не кечар эди? Бинобарин, мусулмонлар ҳаётида янги пайдо бўлган ва диннинг асосига дахлдор бўлмаган нарсалар бидъат бўлмайди.

Пайғамбаримизнинг ҳаётлик даврларида Қуръони Карим китоб шаклига келтирилмаган, мадрасалар қурилмаган, турли илмлар шаклланмаган, китоблар ёзилмаган эди. Буларнинг барчаси кейин пайдо бўлди ва барча мусулмонлар, жумладан, бидъат маъносини тор олган уламолар ҳам бу ишларни катта қувонч билан маъқулладилар.

Биз бу мақомда «бидъати саййиъа» – «ёмон бидъат» ҳақида сўз юритамиз. Айнан шу турдаги бидъат банда

нафсининг кирланишига ва ахлоқининг бузилишига сабаб бўлади.

Аллоҳ таоло бидъатни қоралаб, Ҳадид сурасида марҳамат қилади:

ثُمَّ قَفَّيْنَا عَلَىٰٓ ءَاثَٰرِهِم بِرُسُلِنَا وَقَفَّيْنَا بِعِيسَى ٱبْنِ مَرْيَمَ
وَءَاتَيْنَٰهُ ٱلْإِنجِيلَ وَجَعَلْنَا فِى قُلُوبِ ٱلَّذِينَ ٱتَّبَعُوهُ رَأْفَةً
وَرَحْمَةً وَرَهْبَانِيَّةً ٱبْتَدَعُوهَا مَا كَتَبْنَٰهَا عَلَيْهِمْ إِلَّا ٱبْتِغَآءَ رِضْوَٰنِ
ٱللَّهِ فَمَا رَعَوْهَا حَقَّ رِعَايَتِهَا ۖ فَـَٔاتَيْنَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُوا۟ مِنْهُمْ أَجْرَهُمْ
وَكَثِيرٌ مِّنْهُمْ فَٰسِقُونَ ﴿٢٧﴾

«Сўнгра уларнинг ортидан расулларимизни кетма-кет юбордик ва Ийсо ибн Марямни ҳам ортларидан юбордик ҳамда унга Инжилни бердик. Унга эргашганларнинг қалбларига шафқат ва раҳмдилликни солдик. Роҳибликни эса ўзлари чиқариб олдилар – буни уларга фарз қилмаган эдик – фақат ўзлари Аллоҳнинг розилигини истаб қилдилар, лекин ҳақиқий риоясини қила олмадилар. Бас, улардан иймон келтирганларига ажрларини бердик, лекин уларнинг кўплари фосиқлардир» *(27-оят)*.

Аллоҳ таоло Ийсо алайҳиссаломга эргашганларнинг, у зотнинг даъватларини қабул қилганларнинг қалбларига меҳрибонлик ва раҳмдилликни солиб, уларни қўпол лик ва раҳмсизликдан сақлади. Ийсо алайҳиссаломнинг бузилмаган, тўғри олиб борган даъватларига ихлос билан эргашганларда ушбу сифатлар мужассам бўлган.

Аммо Ийсо алайҳиссаломдан кейин кўп ўтмай, у зотнинг таълимотлари бутунлай бузилиб кетди. Бинобарин, мазкур икки сифат ҳам бузилиб, Ийсо алайҳис-

саломга эргашганликни даъво қиладиганлар ичидан сон-саноқсиз бидъатчилар чиқди.

«Роҳибликни эса ўзлари чиқариб олдилар – буни уларга фарз қилмаган эдик – фақат ўзлари Аллоҳнинг розилигини истаб қилдилар, лекин ҳақиқий риоясини қила олмадилар».

Роҳиблик таркидунёчиликдан иборат бўлиб, русларда «монахлик» дейилади. Монахликни ихтиёр қилган эркак эркаклар монастирида, аёл аёллар монастирида оила қурмай, дунёни тарк этиб ҳаёт кечирадилар.

Қуръони Карим ушбу оятда Аллоҳ Ийсо алайҳиссаломга эргашувчиларга бундай роҳибликни буюрмаганини, балки улар ўзлари бидъат сифатида кейинчалик ўйлаб топиб, одат қилишганини эслатмоқда.

Уларнинг бидъат равишда ихтиро қилган таркидунёчиликлари кўпроқ қўшимча ибодат қилиш, дунёга қизиқмаслик, жамоатдан четда бўлиш, эътиборсиз кийимлар кийиш, фақат ўсимликлар билан овқатланиш ва оила қурмасликдан иборат эди. Улар ушбу ишларнинг барчасида хатоликка йўл қўйдилар.

Бидъатлар асл жиҳатидан икки хил бўлади:

1. Эътиқодий;

2. Амалий.

Эътиқодий бидъатлар ақийдага, амалий бидъатлар шариатга оиддир.

Бидъатларнинг энг хатарлиси эътиқодда бўлганидир. Улар жуда кўп бўлиб, асосан аҳли сунна вал жамоадан ажраб чиққан турли тоифалар ўша бидъатлар туфайли йўлдан озганлар.

Қуръони Карим ва Суннати мутоҳҳарадан хабардор ҳамда аҳли сунна вал жамоа муҳитида яшаб юрган киши учун бидъатларни билиб олиш қийин эмас.

Дастлаб пайдо бўлган эътиқодий бидъатчи фирқалар тўрттадир.

1. Хаворижлар. Бу фирқа жоҳил парҳезкорлик, динда ҳаддан ошиш, эсипастлик, ҳақ аҳлига қарши ботил ила чиқиш, умумий ва бир-бирига ўхшаш матнларни маҳкам тутишга асосланган бўлиб, мусулмонларнинг бошига кўплаб бало-офатлар ёғилишига сабаб бўлган.

2. Муржиъалар. Бу фирқа хаворижларга қарши ҳаракат сифатида пайдо бўлган. Улар: «Иймон ила маъсият зарар қилмайди», деган фикрни ўзларига шиор қилиб олганлар.

3. Шийъалар. Бу фирқа Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аҳли байтлари хусусида ғулувга кетишга асосланган эди.

4. Мўътазилийлар. Бу фирқа шаръий матнларни таъвил қилишда ҳаддан ташқари кенг йўл тутган ва гумонли қоидаларни ишга солиш ила танилган эди.

Ҳозирги кунимизда ҳам ушбу тўрт тоифанинг фикрларидан баъзилари тез-тез тарқалиб, одамларни ташвишга солиб тургани сир эмас. Буларнинг таъсиридан чуқур илм ва илмда пешқадам уламолар йўлини маҳкам тутиш билангина соғ қолиш мумкин.

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу олим зот сифатида ўзлари билмаган нарсани гапиришдан қаттиқ қўрқар эди. У киши илмни даъво қилиб, одамлар ичида турли масалаларни ўринсиз қўзғайдиганларга қарши эди. Уларни доимо таъқиб қилар, эътиқодий бидъатни қўзитмоқчи бўлганларни қаттиқ жазолар эди.

Имом Доримий ва бошқалар Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг мавлосидан қуйидагиларни ривоят қиладилар:

«Субайғ Ироқий мусулмон аскарлар ичида Қуръондаги турли нарсалардан сўрай бошлади. У Мисрга келганида Амр ибн Осс уни Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳуга юборди.

Чопар мактубни олиб кирганида Умар уни ўқиб бўлиб:

«Бу одам қани?» деди.

«Юклар билан», деди у.

«Тез топ! Агар кетиб қолган бўлса, сенга аламли уқубат етади!»деди.

Уни олиб келди. Умар унга:

«Нималар ҳақида сўрайсан?» деди. У айтиб берди. Умар менга хурмо шохи сўраб одам юборди. Уни ўша билан уриб, орқасини яра қилди.

Кейин уни шу ҳолда қўйиб, тузалганидан кейин яна урди. Сўнгра уни тек қўйиб, тузалганидан кейин яна урди. Кейин уни яна уриш учун олдириб келди. Шунда у:

«Эй мўминларнинг амири, агар мени ўлдирмоқчи бўлсангиз, чиройли қилиб ўлдиринг. Агар даволамоқчи бўлсангиз, Аллоҳга қасамки, тузалдим», деди.

У киши унга ўз юртига кетишга изн берди ва Абу Мусо Ашъарий розияллоҳу анҳуга «Мусулмонлардан ҳеч ким у билан ўтирмасин», деб мактуб ёзди.

Бу иш ҳалиги одамга жуда ҳам оғир бўлди. Абу Мусо Умарга «Унинг ҳоли яхши бўлди», деб ёзди. У ҳам ўз навбатида, «Одамларга у билан ўтиришга изн беравер», деб ёзди».

Бу одам Бану Тамимлик Субайғ ибн Асал бўлиб, Қуръондаги баъзи оятлардан ихтилофли масала чиқаришга уринар эди.

Ҳазрати Умар кўрган чорадан кейин у юз кишининг олдига келса ҳам, ҳаммаси тарқалиб кетар эди. Аввалларида у ўз қавмида саййид эди. Бундан кейин ҳақир бўлди.

Амалий бидъатларга келадиган бўлсак, хулоса тарзида қуйидагиларни айтишимиз мумкин. Мужтаҳид уламолар бидъатлигига иттифоқ қилган нарсалардан жуда эҳтиёт бўлиш ва яқинига йўламаслик керак.

Мужтаҳид уламоларнинг ўзлари бидъат ёки бидъат эмаслигида ихтилоф қилган нарсаларда кенгчилик бор.

БИДЪАТНИНГ ҲУКМИ

1. Ақийдадаги бидъат динда маълум бўлган очиқ-ойдин эътиқодга хилоф бўлса, ҳаром бўлади ҳамда куфрга олиб боради.

Агар ақийдадаги бидъат юқоридаги зикр қилинган нарсадан паст ҳамда аҳли сунна вал жамоа ақийдавий мазҳабига хилоф бўлса, фисқ бўлади.

2. Ибодатдаги бидъат гоҳида ҳаром, гоҳида макруҳ бўлиши мумкин.

Ҳаромига таркидунёчилик, офтобда туриб рўза тутиш ва аёлларга яқинлашмаслик учун ўзини бичиш каби бидъатлар мисол бўлади.

Ибодатдаги макруҳ бидъатга жума хутбасида султонларни зикр қилиш ва масжидларни ортиқча безаш мисол бўлади.

3. Одатлардаги бидъат макруҳ ёки мубоҳ бўлиши мумкин: еб-ичишда исроф қилиш – макруҳ, ейиш ва ичишда лаззатни исташ – мубоҳ.

Бидъатнинг келиб чиқиш сабаблари:

1. Қуръон ва Суннат таълимотларини билмаслик.
2. Шариатнинг нуқсонсиз ва мукаммал эканини тушуниб етмаслик.
3. Қуръони Карим оятлари ва ҳадиси шарифларда бир-бирига зидлик йўқлигини тушуниб етмаслик.
4. Суннатнинг аслини ва унинг саҳиҳини билмаслик.
5. Ақлга ҳаддан ташқари ишониб кетиш.
6. Муташобиҳ – бир-бирига ўхшаш ва оддий одам тушуниши қийин бўлган матнларга эргашиб кетиш.
7. Ҳавойи нафсга эргашиш.
8. Урф-одатларни маҳкам ушлаб олиш.

9. Ота-боболарининг қилган ишини диндан деб билиш.

10. Баъзи тақлидчилар мазҳабига маҳкам ёпишиб олиш.

11. Бузуқ тасаввуфга эргашиш.

12. Тушга амал қилиш.

БИДЪАТГА ҚАРШИ ҚИЛИНИШИ КЕРАК БЎЛГАН ИШЛАР

1. Қуръони Каримни атрофлича, яхши ва пухта ўрганиб, унга амал қилиш.

2. Суннати мутоҳҳарани атрофлича, яхши ва пухта ўрганиб, унга амал қилиш.

3. Ижтиҳодга салоҳияти йўқ кишиларнинг гапини қабул қилмаслик.

4. Қандайдир гап ёки фикрга нисбатан таассубни тарк қилиш.

5. Авомларнинг диндан гап юритишини ман қилиш.

6. Аҳли сунна вал жамоа ақийдавий мазҳаби ҳамда мўътабар фиққий мазҳабларга хилоф бўлган тоифа, фирқа ва гуруҳларни жиловлаш.

7. Мусулмонларнинг раҳбарлари бузуқ йўлдаги фирқаларнинг одамларига насиҳат қилиб, уларни тўғри йўлга бошлашлари зарур.

Бидъатнинг зарарлари:

1. Амалларнинг ҳабата бўлиши.

2. Шайтоннинг бидъатчига яқин бўлиши.

3. Ҳақ билан ботилнинг аралашиб кетиши.

4. Исломни яхши билмаганлар нафратининг қўзиши.

Албатта, маъсият билан бидъатнинг орасида фарқ бор. Осий маъсиятни, гуноҳ эканини билиб, хижолат бўлган ҳолда амалга оширади. Савобдан маҳрумлигини ва жазога гирифтор бўлишини ҳам билади.

Аммо бидъатчи ўзини ҳақ йўлда деб ҳисоблайди. Ўзгаларни унга эргашмаганликда айблайди. Бидъати учун савоб олишига қаттиқ ишонади.

Ҳар бир банда бошқа салбий нарсалар каби, бидъатдан ҳам узоқда бўлиши лозим.

РИЁ

Ҳар бир мўмин-мусулмон банда эҳтиёт бўлиши лозим бўлган қалб хасталикларининг яна бири риёдир.

«Риё» сўзи кўз билан кўриш, назар солиш ва «одамлар кўрсин» маъноларини англатади. Риё учун охирги маъно кўпроқ хосдир.

Ибн Ҳажар Асқалоний риёни қуйидагича таърифлайди: «Риё одамлар кўриб, эгасини мақташлари учун ибодатни изҳор қилишдир».

Таҳонавий риёни қуйидагича таърифлайди: «Риё яхшиликни бошқалар кўришлари учун қилишдир. Унда холис ният ва ихлос бўлмайди».

Башарият мубтало бўладиган маънавий хасталиклар ичида энг ёмони ширкдир. Чунки ширк туфайли робблик ҳаққи Эгасидан бошқага нисбат берилади. Бандалик унга лойиқ бўлмаган зотга изҳор қилинади. Шу билан бирга, ширк башар қалбини парчаловчи омилдир. Чунки у туфайли инсон қалби бир неча тарафга сиғинишга мажбур бўлади. Унинг тошга, ҳайкалга, дарахтга, ҳайвонга ва бошқа нарсаларга ибодат қилаётганининг гувоҳи бўласиз.

Тавҳид ақийдасини лозим тутган мусулмон инсон мазкур нарсаларнинг барчасидан халос бўлган ҳур инсондир. Аммо унинг махфий ширк хасталигига чалиниш хавфи бор.

Бу хасталикнинг номи риёдир. Қуръони Каримда ўз амали ила холис Аллоҳ таолонинг розилигини истама-

ган риёкор ҳалокатга учрашини баён қилувчи очиқ-ойдин далиллар келган.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ لَا تُبۡطِلُواْ صَدَقَٰتِكُم بِٱلۡمَنِّ وَٱلۡأَذَىٰ كَٱلَّذِي يُنفِقُ مَالَهُۥ رِئَآءَ ٱلنَّاسِ وَلَا يُؤۡمِنُ بِٱللَّهِ وَٱلۡيَوۡمِ ٱلۡأٓخِرِۖ فَمَثَلُهُۥ كَمَثَلِ صَفۡوَانٍ عَلَيۡهِ تُرَابٞ فَأَصَابَهُۥ وَابِلٞ فَتَرَكَهُۥ صَلۡدٗاۖ لَّا يَقۡدِرُونَ عَلَىٰ شَيۡءٖ مِّمَّا كَسَبُواْۗ وَٱللَّهُ لَا يَهۡدِي ٱلۡقَوۡمَ ٱلۡكَٰفِرِينَ ﴿٢٦٤﴾

«Эй иймон келтирганлар! Садақаларингизни миннат ва озор бериш билан, Аллоҳга ва охират кунига иймон келтирмаса ҳам, молини одамлар кўриши учун нафақа қилганга ўхшаб, ботил қилманг. У мисоли устини тупроқ босган, сўнгра кучли ёмғир ёғиб, уни сип-силлиқ қилиб қўйган ясси тошга ўхшайдир. Касб қилган нарсаларидан бирор нарсага қодир бўлмаслар. Ва Аллоҳ кофир қавмларни ҳидоят қилмас» *(264-оят)*.

Аллоҳ таоло Нисо сурасида марҳамат қилади:

وَٱلَّذِينَ يُنفِقُونَ أَمۡوَٰلَهُمۡ رِئَآءَ ٱلنَّاسِ وَلَا يُؤۡمِنُونَ بِٱللَّهِ وَلَا بِٱلۡيَوۡمِ ٱلۡأٓخِرِۗ وَمَن يَكُنِ ٱلشَّيۡطَٰنُ لَهُۥ قَرِينٗا فَسَآءَ قَرِينٗا ﴿٣٨﴾

«Улар молларини одамлар кўриши учун нафақа қиладилар ва Аллоҳга ҳам, охират кунига ҳам иймон келтирмаслар. Кимнинг яқини шайтон бўлса, у қандай ҳам ёмон яқин!» деган *(38-оят)*.

Бу оятда Аллоҳ таоло хуш кўрмайдиган мутакаббир ва фахрланувчи кимсаларнинг баъзи сифатлари зикр қилинмоқда. Улар аслида бахил бўлиб, молни яхшиликка сарфлашдан қочадилар. Аммо борди-ю сарфласалар ҳам, ояти каримада келганидек, кишилар кўришлари учун, риёкорлик учун сарфлайдилар.

«Улар молларини одамлар кўриши учун нафақа қиладилар».

Демак, бахил бўлиш ҳам Аллоҳ таолога ёқмайди. Риёкорона нафақа бериш ҳам Аллоҳ таолога ёқмайди. Чунки риёкорнинг мол сарфлашдан кўзлаган мақсади одамлар кўрсин ва эшитсин, гап қилсин, мақтасин, дейишдир. Аллоҳ учун, Унинг розилиги учун эмас.

Аллоҳ таоло Нисо сурасида марҳамат қилади:

إِنَّ ٱلْمُنَٰفِقِينَ يُخَٰدِعُونَ ٱللَّهَ وَهُوَ خَٰدِعُهُمْ وَإِذَا قَامُوٓا۟ إِلَى ٱلصَّلَوٰةِ قَامُوا۟ كُسَالَىٰ يُرَآءُونَ ٱلنَّاسَ وَلَا يَذْكُرُونَ ٱللَّهَ إِلَّا قَلِيلًا ﴿١٤٢﴾

«Албатта, мунофиқлар Аллоҳни алдамоқчи бўлурлар. Ҳолбуки, Аллоҳ уларни «алдовчи»дир. Улар агар намозга турсалар, дангасалик билан, одамлар кўриши учун турурлар ва Аллоҳни камдан-кам зикр қилурлар» *(142-оят).*

Аллоҳ таоло Моъун сурасида марҳамат қилади:

فَوَيْلٌ لِّلْمُصَلِّينَ ﴿٤﴾ ٱلَّذِينَ هُمْ عَن صَلَاتِهِمْ سَاهُونَ ﴿٥﴾ ٱلَّذِينَ هُمْ يُرَآءُونَ ﴿٦﴾

«Бир «намозхонлар»га вайл бўлсинки, улар намозларини унутувчилардир. Улар риё қиладиганлардир» *(4–6-оятлар).*

Намоз ўқиса-ю, намознинг ҳақиқатини унутса, ёмонлик, иғво, бўҳтон, ёлғончилик, бузғунчилик ва бошқа разолатлардан қайтмаса, ундай киши риёкор, мунофиқ бўлади. Одамларнинг кўзини бўяш, улар ҳузурида обрў топиш, ўзини диндор қилиб кўрсатиш учун намоз ўқиган бўлади.

Аллоҳ таоло Каҳф сурасида марҳамат қилади:

فَمَن كَانَ يَرْجُوا۟ لِقَآءَ رَبِّهِۦ فَلْيَعْمَلْ عَمَلًا صَٰلِحًا وَلَا يُشْرِكْ بِعِبَادَةِ رَبِّهِۦٓ أَحَدًۢا ﴿١١٠﴾

«Бас, ким Роббига рўбарў келишни умид қилса, солиҳ амал қилсин ва Роббининг ибодатига ҳеч кимни шерик қилмасин» *(110-оят)*.

Риё ҳақида айтилган ҳадислардан намуналар:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «قَالَ اللهُ تَبَارَكَ وَتَعَالَى: أَنَا أَغْنَى الشُّرَكَاءِ عَنِ الشِّرْكِ، مَنْ عَمِلَ عَمَلًا أَشْرَكَ فِيهِ مَعِي غَيْرِي تَرَكْتُهُ وَشِرْكَهُ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Аллоҳ таборака ва таоло: «Мен шерикка энг беҳожат Зотман. Ким бир амал қилса-ю, унда Мен билан Мендан бошқани шерик этса, уни ҳам, шерик қилишини ҳам тарк этурман», деди».

Муслим ривоят қилган.

Бу ерда амалда риёкорлик қилиш ширкка тенглаштирилмоқда. Шунинг ўзидан риёкорлик қанчалар ёмон нарса эканини билиб олсак бўлади.

وَعَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «تَعَوَّذُوا بِاللهِ مِنْ جُبِّ الْحَزَنِ». قَالُوا: يَا رَسُولَ اللهِ، وَمَا جُبُّ الْحَزَنِ؟ قَالَ: «وَادٍ فِي جَهَنَّمَ تَتَعَوَّذُ مِنْهُ جَهَنَّمُ كُلَّ يَوْمٍ مِائَةَ مَرَّةٍ». قُلْنَا: يَا رَسُولَ اللهِ، وَمَنْ يَدْخُلُهُ؟ قَالَ: «الْقُرَّاءُ الْمُرَاءُونَ بِأَعْمَالِهِمْ».

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳдан Жуббул ҳазандан сақлашини сўранглар», дедилар.

«Эй Аллоҳнинг Расули, Жуббул ҳазан нимадир?» дейишди.

«Жуббул ҳазан жаҳаннамдаги бир водий бўлиб, ундан жаҳаннам (қўриқчилари) **ҳам ҳар куни юз марта паноҳ сўрайдилар», дедилар.**

«Эй Аллоҳнинг Расули, унга кимлар киради-лар?» дейишди.

«Амаллари ила риё қилувчи қорилар», дедилар».

Қуръонни Аллоҳ таоло учун эмас, одамлар мақтови учун, «Фалончи яхши қори, Қуръонни яхши ўқийди, ундай қилади, бундай қилади», дейишлари учун ўқийдиган қорилар. Қаранг, Аллоҳнинг каломини ўқиш ҳам ният ва ихлос билан бўлмаса, риёкорлик учун бўлса, қанчалик оғир оқибатларга олиб келиши мумкин экан.

عَنْ أَبِي سَعْدِ بْنِ أَبِي فَضَالَةَ الْأَنْصَارِيِّ رضي الله عنه، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِذَا جَمَعَ اللهُ النَّاسَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ لِيَوْمٍ لَا رَيْبَ فِيهِ نَادَى مُنَادٍ: مَنْ كَانَ أَشْرَكَ فِي عَمَلٍ عَمِلَهُ لِلَّهِ أَحَدًا فَلْيَطْلُبْ ثَوَابَهُ مِنْ عِنْدِ غَيْرِ اللهِ، فَإِنَّ اللهَ أَغْنَى الشُّرَكَاءِ عَنِ الشِّرْكِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Саъид ибн Абу Фазола Ансорий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Қачонки Аллоҳ қиёмат кунида – бўлишига шубҳа йўқ кунда одамларни жамласа, бир нидо қилувчи: «Ким Аллоҳ учун қилган амалида бошқа бировни шерик келтирган бўлса, савобини Аллоҳдан бошқанинг ҳузуридан талаб қилсин, Аллоҳ шериклардан энг беҳожат Зотдир», деб нидо қилади».

Термизий ривоят қилган.

Риёнинг зарарлари:

1. Риё амалнинг савобини зое қилади.
2. Риё Аллоҳ таолонинг ёмон кўришига сабабдир.
3. Риёкор Аллоҳ таолонинг лаънатига сазовордир.
4. Риё ҳалокатга олиб борувчи гуноҳи кабирадир.
5. Риё риёкорнинг ғоятда жоҳил эканига далил бўлади.
6. Риё фақирликни жалб қилади.
7. Риё ўз соҳибини фитналарга гирифтор қилади.
8. Риё эгасини қиёмат куни халойиқнинг олдида шарманда қилади ва ҳоказо.

РИЁНИНГ ТУРЛАРИ

Риёнинг бир неча тури бор.

Биринчи тури: Бадан ила риё қилиш. Бунда озғинлик ва сарғайишни зоҳир қилинади. Бу билан қаттиқ ижтиҳод қилаётгани, дин учун маҳзунлик ва охират хавфи кучли эканини одамларга кўз-кўз қилишга ҳаракат қилинади. Чунки аҳли дунёнинг риёси семизлик, рангнинг тозалиги, қоматнинг мўътадиллиги, юзнинг гўзаллиги, баданнинг поклиги ва аъзоларнинг қуввати ила бўлади.

Иккинчи тури: Ташқи кўриниш ва кийим ила бўлади. Бунда сочни тўзиган ҳолда тутиш, юзда сажда асарини

қолдириш, қўпол кийим кийиш, енгни калта қилиш, кийимни покламаслик, уни йиртиқ ҳолида қўйиш кабилар суннатга эргашиш даъвоси ила қилинади.

Аҳли дунёнинг бу борадаги риёси нафис кийимлар, қимматбаҳо маркаблар, кийим ва маскандаги турли кенгликлар ва чиройли кўринишлар ила бўлади.

Учинчи тури: Гап-сўз ила бўладиган риё. Бу турдаги риё дин аҳлида ваъз ва иршод, ҳикматни нутқ қилиш, илмнинг кўплигини билдириш учун хабарлар ва асарларни ёд олиш билан бўлади.

Шунингдек, одамлар жамланган ерда лабини қимирлатиб, зикр қилиб туриш, уларнинг олдида безарурат амри маъруф ва наҳйи мункар қилиш билан бўлади.

Аҳли дунёнинг бу турдаги риёси эса шеърлар ва масалларни ёд олиш, ибораларни алоҳида оҳанг билан гапириш ва кўпчилик билмайдиган сўзларни ишлатиш билан бўлади.

Тўртинчи тури: Амал билан бўладиган риё.

Бу риё намозхоннинг рукуъ ва саждани узун қилиши каби ишлар билан бўлади.

Аҳли дунё эса манманлик ва гердайиш каби бойлик ва обрўни кўз-кўз қилувчи нарсалар ила риёкорлик қиладилар.

Бешинчи тури: Дўстлар ва зиёратчилар билан мақтаниш.

Бунда риёкор машҳур олимни уйига «Фалончинникига машҳур олим келибди», дейилиши учун таклиф қилади. Ёки «Мен Фалончининг мажлисида иштирок этаман», дея доимо мақтаниб юриш билан бўлади.

Риёнинг даражалари:

1-даража: Бу даража энг ёмони ҳисобланади. Унда риёкор савобни мутлақо ирода қилмайди. Мисол учун, одамлар кўришлари учун намоз ўқийди. Аммо ўзи ёл-

ғиз бўлса, ўқимайди. Баъзида риё уни таҳоратсиз намоз ўқишга ҳам олиб боради.

2-*даража:* Савоб умиди «Одамлар амалимни кўрсин», деган умиддан кўра озроқ. Бу даражадаги риёнинг гуноҳи олдингисиникидан озроқ бўлади.

3-*даража:* Савоб ва риё мақсади тенг бўлади. Агар улардан биригина бўлса, амални қилмай қўяверади. Аммо икки мақсад жам бўлганда амални қилишга рағбат қўзғалади. Бу ҳам гуноҳ ҳисобланади.

4-*даража:* Одамларнинг билиши амалини яхшилаб қилишига сабаб бўлади. Агар одамлар билмаса ҳам, амални қилаверади. Бу даражадаги риёда савобнинг асли ботил бўлмайди. Аммо савоб нуқсонга учрайди. Бундай ишнинг соҳиби риёси миқдорича иқобга ва савоб умиди миқдорича савобга сазовор бўлади.

РИЁНИНГ ҲУКМИ

«Риё ҳаромми, макруҳми ёки мубоҳми?» деган саволга бир оғиз сўз билан жавоб бериб бўлмайди. Бунинг тафсилоти бор.

1. Риё ибодатларда бўлса, ҳаромдир. Намози, садақаси, ҳажи ила риёкорлик қиладиган банда осийдир. Чунки у ўз риёси ила Аллоҳдан ўзгани қасд қилади. Ҳолбуки, ибодатга сазовор ягона зот Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзидир.

2. Риё ибодатдан бошқа нарсада, масалан, мол талаби каби нарсада бўлса, ҳаром бўлмайди. Чунки бу иш одамлар қалбидан жой олмоқни исташдан иборатдир. Мол касб қилишда баъзи бир ман қилинган сабаблар аралашгани каби обрў талабида ҳам шу нарса бўлади. Инсон ўзи муҳтож бўлган молни талаб қилиши мақтовга сазовор бўлганидек обрў талабида ҳам шундай бўлади.

Юсуф алайҳиссалом ҳам подшоҳ ҳузуридаги амални ўзлари талаб қилганлар. Обрў кўп бўлса ҳам, уни ҳаром дея олмаймиз. Бунда обрў ўз эгасини ножоиз нарсага бошламаслиги шарт қилинади.

Аммо талабига ҳирс қўйилмаган ва завол бўлганда ғам-ғуссага ботилмайдиган обрў қанча баланд бўлса ҳам зарар қилмайди.

Зотан, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ва у зотдан кейинги уламоларнинг обрўларидан кенгроқ обрўнинг ўзи йўқ. Аммо бор ҳимматни обрў кетидан қувишга сарфлаш динда нуқсондир.

3. Яхши кийиниш ҳам одамлар ҳузурида гўзал кўриниш учун бўлади. Шунингдек, чиройли кўриниш учун қилинадиган бошқа ҳаракатларнинг барчаси ҳам ман қилинган дея олмаймиз. Бунда мақсадлар турлича бўлади.

Кимдир ўзига паст назар билан қаралишини истамайди. Кимдир ўзига берилган неъматни изҳор қилиш ниятида бўлади.

عَنْ عَبْدِ اللهِ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ مَنْ كَانَ فِي قَلْبِهِ مِثْقَالُ ذَرَّةٍ مِنْ كِبْرٍ». قَالَ رَجُلٌ: إِنَّ الرَّجُلَ يُحِبُّ أَنْ يَكُونَ ثَوْبُهُ حَسَنًا وَنَعْلُهُ حَسَنًا. قَالَ: «إِنَّ اللهَ جَمِيلٌ يُحِبُّ الْجَمَالَ، الْكِبْرُ بَطَرُ الْحَقِّ وَغَمْطُ النَّاسِ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қалбида зарра оғирлигида кибри бор киши жаннатга кирмайди», дедилар».

«Эй Аллоҳнинг Расули, киши кийими гўзал бўлишини, пойабзали гўзал бўлишини ёқтиради-ку?» деди бир одам.

«Албатта, Аллоҳ гўзалдир ва гўзалликни севади. Кибр ҳақни инкор қилиш ва одамларни ҳақир санашдир», дедилар».

Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

МАХФИЙ РИЁ ҲАҚИДА

Риё ошкора ва махфий бўлиши мумкин.

Ошкора риё амалга чорловчи омил бўлиб, одамлар кўриши учунгина қилинади.

Ундан кейинги ўринда турадиган риё ўзи амалга сабаб бўлмаса ҳам, Аллоҳ учун қилинадиган амални енгиллатади.

Мисол учун, бир одам ҳар кеча таҳажжуд ўқир ва бу унга оғир келар эди. Уйига меҳмон келган куни бу иш унга жуда ҳам енгил бўлиб қолади.

Ундан ҳам махфийроқ риё амалга ҳам, унинг енгиллашишига ҳам таъсир қилмайди. Лекин барибир қалбдан жой олган бўлади. Бу турдаги риё амалга сабаб бўлмагани учун уни баъзи аломатларидангина билиб олиш мумкин. Унинг энг машҳур аломати одамлар унинг тоатидан хабардор бўлса, хурсанд бўлишидир.

Кўпгина бандалар ихлос билан амал қилади. Риёни қасд қилмайди, балки ёмон кўради. Амал ўшанга биноан бўлади.

Шу билан бирга, одамлар амалидан хабардор бўлсалар, масрур бўлади ва ҳузур топади. Бу нарса қалбида ибодат машаққатини енгиллаштиради. Мана шу сурур ундаги махфий риёнинг далилидир.

АМАЛНИ ЗОЕ ҚИЛАДИГАН ВА ҚИЛМАЙДИГАН РИЁ

Риё ибодатдан фориғ бўлгандан кейин ёки олдин содир бўлиши эҳтимоли бор.

Агар ибодатдан фориғ бўлганидан кейин, ўзи ҳаракат қилмаса ҳам, бандада сурур пайдо бўлса, амали ҳабата бўлмайди.

Чунки мазкур амал ихлос асосида адо этилди, сурур эса ундан кейин келди. Хусусан, банда унинг келиши учун ҳаракат ҳам қилмади, гапирмади ҳам.

Аммо амал тугагач, у ҳақида гапирган бўлса, бу хавфли. Бундай ҳолда амални қилаётган пайтида қалбида кўпинча риё бор бўлади.

Агар риё бўлмаса ҳам, гапиргани учун савоби озаяди. Зотан, махфий ва ошкора амал орасида етмиш даража бор.

Агар риё ибодатдан фориғ бўлмай туриб содир бўлса, ҳукми бошқача. Мисол учун, биров ихлос билан намоз бошлади. Кейин қалбида сурур пайдо бўлди. Бошқа нарса аралашмади. Бунда сурурнинг амалга таъсири йўқ бўлади.

Аммо ўша сурур намозни одамлар кўришлари учун чўзиб юборишга олиб борса, амали ҳабата бўлади.

Агар риё билан ибодат бир вақтда содир этилса, ибодат қабул бўлмайди. Мисол учун, риё учун намоз ўқишни бошлаш каби.

РИЁНИНГ ДАВОСИ

Аввалги сатрларда риёнинг ҳалокатли зарарлари ҳақида кўп нарсалар зикр қилинди. Энди ундан қутулиш йўллари ҳақида ҳам тўхталиб ўтайлик.

Риёнинг муолажаси икки турли бўлади.

Биринчиси – унинг асл томирларини қўпориб ташлаш.

Иккинчиси – содир бўлиб турган риёни даф қилиш.

Сўзни биринчисидан бошлайлик. Риёнинг асли обрў ва мартаба муҳаббатидир. Бу нарсанинг тафсилоти уч нарсага бориб тақалади.

1. Мақтов лаззати муҳаббати.
2. Танқид аламидан қочиш.
3. Одамлар қўлидаги нарсага тамагирлик қилиш.

Бунга имом Бухорий ва имом Муслимнинг «Саҳиҳ»-ларида келган бир ҳадис далилдир.

عَنْ أَبِي مُوسَى ﷺ قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ فَقَالَ: الرَّجُلُ يُقَاتِلُ حَمِيَّةً، وَيُقَاتِلُ شَجَاعَةً، وَيُقَاتِلُ رِيَاءً، فَأَيُّ ذَلِكَ فِي سَبِيلِ اللهِ؟ قَالَ: «مَنْ قَاتَلَ لِتَكُونَ كَلِمَةُ اللهِ هِيَ الْعُلْيَا فَهُوَ فِي سَبِيلِ اللهِ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ.

Абу Мусо розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир одам келиб, Набий алайҳиссаломдан:

«Бир одам тарафкашлик учун урушади, ёки шижоати учун урушади, ёки риё учун урушади. Бунинг қайси бири Аллоҳ йўлида бўлади?» деди. У зоти бобаракот: «Ким Аллоҳнинг сўзи олий бўлиши учун урушга кирса, Аллоҳнинг йўлида урушган бўлади», дедилар».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

«Тарафкашлик учун» дегани – танқиддан қўрқиб дегани.

«Шижоати учун» дегани зикр қилиниши ва мақталиши деганидир.

«Риё учун» дегани унинг кимлигини кўриб қўйишлари учун дегани. Мана шу обрў ва мартаба муҳаббати учун амал қилишдир.

Гоҳида инсон мақтовни истамаслиги мумкин. Аммо қораланишдан қўрқади. Бунга шижоатлилар ичига тушиб қолган қўрқоқ мисол бўлади. У қораланмаслик учун қочмай, собит туриши мумкин.

Шунингдек, илмсизликда айбланишидан қўрққан одам билмай туриб фатво бериб юбориши мумкин. Риёкорлик шу каби ҳолатларда ҳам содир бўлади.

Риёнинг асл томирларини қўпориб ташлашнинг йўли қандай бўлади?! Маълумки, инсон ўзи учун ҳозир ёки келажакда фойдали бўлган нарсаларга рағбат қилади. Агар у бир нарсанинг ҳозирда ҳузурбахш бўлса ҳам, кейин зарарли эканини билса, ундан рағбатини кесиши турган гап. Мисол учун, асалга заҳар қўшилганини билган одам ўйлаб ўтирмай, асалнинг лаззатидан воз кечади.

Риё ҳам худди шунга ўхшашдир. Агар инсон риёнинг бу дунё ва охиратдаги зарарларини англаб етса, уни тарк қилиши турган гап.

Инсон ўзига ўхшаган одамларнинг мақтови дея риё қилаётганида Роббининг мақтовидан маҳрум бўлишини ва азобига қолишини ўйласин.

Инсон ўзига ўхшаган одамларнинг қоралашидан қўрқиб риё қилаётганида Роббининг қораловидан ва азобидан қўрқсин.

Инсон ўзига ўхшаган одамларнинг қўлидаги нарсага тамагир бўлиб риёкорлик қилаётганида Аллоҳ таолонинг ёлғиз Ўзигина ризқ берувчи Зот эканини ўйласин. Ундан ўзга ризқ берувчи йўқ.

Бандадан тамагир бўлган одам муродига етганда ҳам, хору зор бўлиши турган гап. Бас, шундай экан, қандай қилиб Аллоҳ таолонинг ҳузуридаги нарсани қўйиб, бандадаги нарсага тамагир бўлади?!

Бу борадаги фойдали даволардан бири нафсни ибодатни махфий қилишга ўргатишдир. Зотан, риёнинг давоси учун амалларни махфий қилишдан афзал чора йўқ.

Бу ишни амалга ошириш аввалига жуда ҳам қийин бўлади. Аммо бир муддат қийналиб бўлса ҳам, сабр қилиб борса, кейин иш осонлашиб кетади, Аллоҳ таоло унга мадад беради. Бандадан ҳаракат, Аллоҳдан баракот.

Иккинчиси – содир бўлиб турган риёни даф қилиш.

Ибодат пайтида пайдо бўладиган риёни даф қилишни ҳам ўрганиш лозим. Шайтон ибодат пайтида бандани тек қўймайди. У лаънати риё хотираларини эсга солиб туради. Шунинг учун банда нафсига қарши жиҳод қилиб туриши керак. Қаноат ва ўзини одамлар назаридан тушириш ила қалбидаги риё ўсадиган жойларни қўпориб ташламоғи лозим. Одамларнинг мақтовига ҳам, қораловига ҳам эътибор бермасин. «Одамлар билди нима-ю, билмади нима, Аллоҳ таолонинг Ўзи билса бўлди», десин.

Мақтов офатига рағбати қўзиб қолса, нафсига риё офатини ва Аллоҳ таолонинг ғазабига учрашини эслатсин.

ТОАТНИ ОШКОРА ҚИЛИШГА РУХСАТ

Тоатни махфий қилишда ихлос ва риёдан сақланиш фойдаси бор. Тоатни ошкора қилишда эса бировларнинг эргашиши ва одамларга яхшиликни тарғиб қилиш фойдаси бор.

Ҳажга ўхшаш ибодатларни эса махфий қилишнинг умуман иложи йўқ. Бас, шундай экан, амални ошкора қилган одам қалбини кузатиб бориши лозим. Токи унда махфий риёнинг муҳаббати пайдо бўлиб қолмасин. Доимо одамлар эргашишини ният қилиб турсин.

Бас, кимнинг иродаси кучли бўлиб, ихлоси нафсига эгалик қилолса, унинг наздида одамларнинг мақтови

ва қоралови ҳеч нарса бўлмай қолса, амалини ошкора қилавериши мумкин. Чунки яхшиликка тарғиб қилиш яхшиликдир.

Салафи солиҳларнинг бир жамоалари одамлар ўрнак олиши учун ўзларининг аҳволи шарифларидан баъзиларини ошкора қилар эдилар. Улардан бирлари жон таслим қилиш пайти келганда: «Менга йиғламанглар! Мен мусулмон бўлганимдан буён бирор оғиз хато гап гапирганим йўқ», деган.

Абу Бакр ибн Айёш раҳимаҳуллоҳу ўғлига: «Бу ҳужрада Аллоҳ таолога маъсият қилишдан ҳазир бўл! Мен унда ўн икки минг марта хатм қилганман», деган.

ГУНОҲНИ БЕРКИТИШГА РУХСАТ

Баъзи кишилар гуноҳни беркитишни риё деб ўйлайдилар. Аслида эса ундай эмас. Риё қилмайдиган содиқ банда ўзидан маъсият содир бўлганда уни беркитса, жоиз. Чунки Аллоҳ таоло гуноҳларнинг ошкора қилинишини ёқтирмайди ва беркитилишини яхши кўради.

عَنْ عَبْدِ اللهِ بْنِ مَسْعُودٍ ﷺ قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللهِ، إِنِّي عَالَجْتُ امْرَأَةً فِي أَقْصَى الْمَدِينَةِ، وَإِنِّي أَصَبْتُ مِنْهَا مَا دُونَ أَنْ أَمَسَّهَا، فَأَنَا هَذَا فَاقْضِ فِيَّ مَا شِئْتَ. فَقَالَ لَهُ عُمَرُ: لَقَدْ سَتَرَكَ اللهُ لَوْ سَتَرْتَ نَفْسَكَ. قَالَ: فَلَمْ يَرُدَّ النَّبِيُّ ﷺ شَيْئًا، فَقَامَ الرَّجُلُ فَانْطَلَقَ، فَأَتْبَعَهُ النَّبِيُّ ﷺ رَجُلًا دَعَاهُ وَتَلَا عَلَيْهِ هَذِهِ الْآيَةَ: ﴿ وَأَقِمِ ٱلصَّلَوٰةَ طَرَفَيِ ٱلنَّهَارِ وَزُلَفًا مِّنَ ٱلَّيۡلِۚ إِنَّ ٱلۡحَسَنَٰتِ يُذۡهِبۡنَ ٱلسَّيِّـَٔاتِۚ ذَٰلِكَ ذِكۡرَىٰ لِلذَّٰكِرِينَ ﴾.

فَقَالَ رَجُلٌ مِنَ الْقَوْمِ: يَا نَبِيَّ اللهِ، هذَا لَهُ خَاصَّةً؟ قَالَ: «بَلْ لِلنَّاسِ كَافَّةً». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَالنَّسَائِيُّ.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир одам Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мен шаҳарнинг четида бир аёл билан бирга бўлдим, у билан жинсий алоқа қилмадим-у, бошқасини қилдим. Мана, мен турибман, нима қилсангиз, майли», деди. Умар розияллоҳу анҳу унга:

«Аллоҳ сени беркитибди, сен ҳам ўзингни беркитганингда эди...» деди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам у одамга ҳеч нарса демадилар. У ўрнидан туриб, жўнаб кетди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам унинг ортидан бир кишини юбордилар. У бориб, ҳалиги одамни чақирди-да, унга:

«Наҳорнинг икки тарафида ва кечанинг бир бўлагида намозни тўкис адо қил! Албатта, яхшиликлар ёмонликларни кетказади. Бу эса эсловчиларга эслатмадир», оятини ўқиб берди.

У ердаги одамлардан бири:

«Эй Аллоҳнинг Набийси, бу унинг ўзига хосми?» деди. У зот:

«Йўқ! Барча одамларга», дедилар».

Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий ва Насоий ривоят қилишган.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ ﷺ قَالَ: كُنْتُ عِنْدَ النَّبِيِّ ﷺ فَجَاءَهُ رَجُلٌ

فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللهِ، إِنِّي أَصَبْتُ حَدًّا فَأَقِمْهُ عَلَيَّ. قَالَ: وَلَمْ يَسْأَلْهُ عَنْهُ، قَالَ: وَحَضَرَتِ الصَّلَاةُ فَصَلَّى مَعَ النَّبِيِّ ﷺ، فَلَمَّا قَضَى النَّبِيُّ ﷺ الصَّلَاةَ قَامَ إِلَيْهِ الرَّجُلُ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللهِ، إِنِّي أَصَبْتُ حَدًّا فَأَقِمْ فِيَّ كِتَابَ اللهِ. قَالَ: «أَلَيْسَ قَدْ صَلَّيْتَ مَعَنَا؟» قَالَ: نَعَمْ. قَالَ: «فَإِنَّ اللهَ قَدْ غَفَرَ لَكَ ذَنْبَكَ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида эдим, бир киши келиб: «Эй Аллоҳнинг Расули, мен ҳаддга (зино жазосига) **лойиқ иш қилдим. Уни менга жорий қилинг», деди.**

Ул зот ундан у нима эканини сўрамадилар. Намоз вақти бўлди. Ҳалиги одам Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга намоз ўқиди. Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам намозни ўқиб бўлганларидан сўнг, ҳалиги одам ўрнидан туриб:

«Эй Аллоҳнинг Расули, мен ҳаддга лойиқ иш қилдим, менга Аллоҳнинг ҳукмини жорий этинг», деди. Ул зот:

«Биз билан намоз ўқидингми?» дедилар. У:

«Ҳа», деди.

«Батаҳқиқ, Аллоҳ сенинг гуноҳингни мағфират қилди», дедилар у зот».

Бухорий ривоят қилган.

Ҳа, банда гуноҳ қилган бўлса ҳам, қалбида Аллоҳ таоло муҳаббат қилган нарсаларга муҳаббат бўлиши мумкин.

Риёдан қўрқиб тоатни тарк қилишда ҳам ҳолатга қаралади. Агар амалнинг сабаби дунё бўлса, уни тарк қи-

лиш лозим. Чунки бундай амал тоат эмас, маъсиятдир. Агар амалнинг боиси дин ва холис Аллоҳ таолонинг розилиги бўлса, уни тарк қилиш лозим эмас. Чунки бундай ибодат риёга кирмайди.

Шунингдек, риё дейилишидан қўрқиб, амални тарк қилиш дуруст эмас. Чунки бу шайтоннинг ҳийлаларидандир.

ОДАМЛАР КЎРСА, ҚИЛИНАДИГАН ВА ҚИЛИНМАЙДИГАН ИШЛАР

Баъзида киши таҳажжуд намози ўқийдиган одамлар билан бирга тунаб қолиши мумкин. Улар кечанинг кўп қисмини намоз ўқиш билан ўтказишар экан. У эса маълум соатдагина қоим бўлишни одат қилган эди. Энди кўпчиликка қўшилиб, уларнинг қилганини қилди. Улар рўза тутса, бирга рўза ҳам тутди. Агар улар бўлмаганида, тутмас эди.

Баъзи одамлар мазкур кишини риёкор деб ўйлаши мумкин. Аммо бу мутлақо нотўғри. Бунинг тафсилоти бор.

Тафсилоти эса қуйидагича: ҳар бир мўмин Аллоҳ таолонинг ибодатига рағбат қилади. Аммо баъзи тўсиқлар бўлади. Гоҳида ғафлат босиши ҳам мумкин. Кўпинча бошқаларни кўриш ғафлатнинг кетишига ва тўсиқларнинг очилишига сабаб бўлади. Инсон ўз уйида оила аъзолари ила ҳузурланиши ва юмшоқ жойларда ётиши мумкин. У бегона жойда ётиб қолса, мазкур тўсиқлар йўқ бўлади ва яхшилик қилишга сабаб пайдо бўлади. Ўшалардан бири – обидларни кўришдир.

Ўз уйида таомлар кўплиги учун рўза тутиши қийин бўлиши мумкин. Бундай пайтларда шайтон уни тоатдан тўсиш учун ҳаракатга тушади. У бандага: «Агар одат-

дагидан бошқача йўл тутсанг, риёкор бўласан», дейди. Банда унинг васвасасига эътибор бермаслиги керак.

Банда риё офатларини яхшилаб ўрганиб олиб, ниятни тўғрилаши лозим. Зотан, риё чумолининг ўрмалашидан ҳам махфийроқдир.

Барча тоатларини Аллоҳ таоло билиб туриши ҳақида қалбида қаноат ҳосил қилиши лозим. Бундай қаноат Аллоҳ таолодан қўрқадиган ва Ундан умидвор бандадагина бўлади. У ихлосдан ноумид бўлмаслиги керак.

Иброҳим ибн Адҳамдан ривоят қилинади:

«Мен маърифатни Самъон исмли роҳибдан ўрганганман. Мен унинг хилватхонасига кириб:

«Сен неча йилдан бери бу хилватхонадасан?» дедим.

«Етмиш йилдан бери», деди.

«Таоминг нимадан иборат?» дедим.

«Ҳар кеча бир дона нўхат», деди.

«Ушбу нўхат донаси сенга кифоя қилиши учун қалбингда нима қўзғалади?» дедим.

«Рўпарангдагиларни кўряпсанми?» деди у.

«Ҳа», дедим.

«Улар ҳар йили ҳузуримга бир кунга келадилар. Хилватхонамни зийнатлайдилар ва унинг атрофида айланиб, мени улуғлайдилар. Қачон нафсим ибодатни оғир санаб қолса, унга ўша соат иззатини эслатаман. Мен бир соат иззати учун бир йиллик машаққатни кўтараман. Бас, эй ҳанифий! Абадий иззат учун бир соат машаққатни кўтар», деди.

Қалбимда маърифат виқори пайдо бўлди.

«Яна зиёда истайсанми?» деди.

«Ҳа», дедим.

«Хилватхонадан туш», деди.

Тушган эдим, ичига йигирмата нўхат донаси солинган қаҳва идишини берди ва:

«Монастирга кир. Улар мен сенга берган нарсани кўрдилар», деди.

У ерга киришим билан насоролар мени ўраб олдилар ва:

«Эй ҳанифий! Роҳиб сенга нима берди?» дейишди.

«Ўз таомидан бир оз нарсани», дедим.

«Сен уни нима қиласан? Биз унга ҳақлимиз. Уни бизга сот», дейишди.

«Йигирма динор», дедим.

Улар менга йигирма динор бердилар. Роҳибнинг олдига қайтиб бордим.

«Хато қилдинг. Агар йигирма минг баҳо қўйганингда ҳам берар эдилар. Бу У Зотга ибодат қилмайдиганнинг иззати. Ибодат қиладиганнинг иззати қандай бўлишини ўзинг билиб олавер. Эй ҳанифий, Роббинг ибодатига юзлан!» деди».

ШУҲРАТ ВА РИЁСАТ МУҲАББАТИ

Одам боласи шуҳрат ва риёсат кетидан қувадиган бўлса, хатолари кўпайиши ва ношаръий ишларни қилиш эҳтимоли кучаяди. Шуҳратпарастлик ва мансабпарастлик ўз эгасини кўпгина яхшиликлардан тўсади. Бу иккиси ҳам қалб хасталикларидан ҳисобланиб, гоҳида уларга берилиб кетиш одамни кўпгина ёмонликларга ва хусуматларга бошлайди.

Ёруғ дунё охират экинзоридир. Бу дунёдаги барча нарсадан охират учун зоду роҳила олиш мумкин.

Зарур озиқ-овқат ва кийим-кечак сотиб олиш учун керакли мол лозим бўлгани каби, одамлар билан бирга яшаш учун керакли обрў ҳам лозим бўлади.

Инсон ўзига керакли озиқ-овқатни тарк қилиши мумкин эмас. Шунинг учун ўша таомга ва уни сотиб оладиган молга муҳаббат қўйиши ҳам табиий нарса. Шунинг-

дек, инсонга бу дунёда яшаши учун бошқалар билан алоқа қилиш ҳожати тушади. Унинг ёрдам берадиган дўстга, илм берадиган устозга, хизматини қиладиган устага ва бошқаларга ҳожати тушиб туради. Ана ўшаларнинг олдида ҳурмат-эътиборга сазовор бўлиш учун ҳаракат қилишнинг ҳеч айби йўқ. Чунки обрў-эътибор мақсадга эришиш воситаларидан биридир. Бас, шундай экан, ўзи учун керак бўлган нарсага хизмат қиладиган мол ва обрў-эътибор қораланиши мумкин эмас.

Қуръони Каримда Юсуф алайҳиссаломнинг тилидан:

قَالَ اجْعَلْنِي عَلَىٰ خَزَائِنِ الْأَرْضِ ۖ إِنِّي حَفِيظٌ عَلِيمٌ ﴿٥٥﴾

«Мени ернинг хазиналари устига қўй. Албатта, мен муҳофаза қилувчи ва ўта билувчиман», дейилган *(Юсуф сураси, 55-оят)*.

Аммо бу икки нарсага, айни мол ёки обрў бўлгани учун бандanинг зарурати ва ҳожатидан зиёда тарзда ружу қўйиши қораланади.

Аммо мол ва шуҳрат эгалари бу нарсаларни маъсият учун ишлатмасалар, уларни фосиқ ёки осий дейишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

ШУҲРАТПАРАСТЛИКНИНГ ДАВОСИ

Шуҳратпарастлик дардига мубтало бўлган шахс одамларга ёқишдан бошқа нарсани ўйламай қўяди. У нима қилиб бўлса ҳам, кўпчиликка ёқиш учун уларга хушомад қилиш йўлига ўтади. Гап-сўзини, хатти-ҳаракатини ва бор-будини уларнинг олдида ўзини улуғлашга қаратиш пайидан бўлади. Мана шунинг ўзи мунофиқликнинг уруғи ва фасоднинг бошланиши бўлади. Бу эса ўз навбатида, ибодатларга беписандлик билан қарашга ва уларни риё учун бажаришга олиб боради.

عَنْ كَعْبِ بْنِ مَالِكٍ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَا ذِئْبَانِ جَائِعَانِ أُرْسِلَا فِي غَنَمٍ بِأَفْسَدَ لَهَا مِنْ حِرْصِ الْمَرْءِ عَلَى الْمَالِ وَالشَّرَفِ لِدِينِهِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَالْإِمَامُ أَحْمَدُ.

Каъб ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кишининг мол-мулк ва шарафга бўлган ҳирси унинг дини учун қўйлар орасига қўйиб юборилган икки оч бўридан ҳам қўрқинчлидир», дедилар».

Термизий ва Аҳмад ривоят қилишган.

Мол-дунё ва шуҳратга бўлган ҳирс ўз эгасини барча ёмонликлардан қайтмайдиган қилиб қўяди. Оқибатда у ўша икки нарса ортидан тушиб, динини барбод қилади. Шунинг учун динимни бўрилар еб кетмасин, деган банда дунёга ва шуҳратпарастликка ҳирс қўймаслиги лозим.

Бас, шуҳратпарастлик дардини даволаш вожибдир. Бу даво илм ва амал билан бўлади.

Илм билан даволаш қуйидагича: Шуҳратпараст аввало нима учун шуҳратга муҳаббат қўйганини яхшилаб ўйласин. Албатта, одамларнинг ўзларига ва қалбларига эга бўлиш учун бу нарса қачонгача давом этиши мумкин? Мабодо ҳеч офат етмай, тўлалигича давом этганда ҳам, ўлимигача давом этади, холос. Шундай экан, у нарсага бунчалик ўч қўймаса?!

Кейин шуҳрат эгаларига бир назар солсин. Уларни турли-туман хавфу хатарлар ўраб турмайдими? Обрў ва мансаб эгаларига барча ҳасадгўйлар ҳасад қилмайдими? Уларга зарар етказиш учун пойлаб турмайдими? Бунинг устига, шуҳратпарастларнинг ўзлари шуҳрат супасидан тушиб қолишдан доимо қўрқиб турмайдиларми?

Қалблар қайнаб турган қозон кабидир. Шуҳратпараст қай бир қалбнинг риоясини қилиб улгуради? Ундан кўра шуҳратпарастликнинг ўзини тарк қилиб қўйгани яхши эмасми? Ана шунда у кўпгина балолардан халос бўлади. Аммо ҳеч нарсани йўқотмайди.

Шуҳратпарастликни амал билан даволаш:

Бу муолажа одамларнинг қалбидан шуҳратпарастликни тушурадиган ишларни амалга ошириш билан бўлади.

Подшоҳлардан бири машҳур зоҳидни зиёрат қилиш учун йўлга отланибди. Подшоҳнинг ўз манзилига яқинлашиб келаётганини билган зоҳид кўп таомларни олдига қўйиб, оғзини тўлдириб, шоша-пиша ейишга тушибди. Буни кўрган подшоҳнинг ҳафсаласи пир бўлиб, ортига қайтибди.

ОДАМЛАРНИНГ МАҚТОВИ ВА ТАНҚИДИ

Кўпчилик одамларнинг мақтовини яхши кўриб, танқидини ёмон кўргани сабабли ҳалокатга учрайди. Уларнинг барча ҳаракатлари одамларнинг розилигини топишга, мақтовига эришиб, танқидидан қутулишга қаратилган бўлади. Албатта, бу оғир дард бўлиб, уни даволаш зарур.

Одамларнинг мақтовига ўч бўлиш хасталигидан қутулиш қуйидагича бўлади. Аввало, одамлар сизни қайси сифат ила мақташаётганига назар солинг.

Агар ўша сифат ҳақиқатан ҳам сизда бор бўлса, икки хил бўлади:

Биринчиси – илм ва тақво каби хурсанд бўлишга арзийдиган сифат. Бундай ҳолатда мақталган одам оқибатдан ҳазир бўлиши керак. Ўша қўрқинч уни мақтовдан маст бўлишдан сақлайди. Агар оқибати яхши бўлиши хурсандчилик сабаби бўлса, Аллоҳ таоло берган фазлдан хурсанд бўлиш керак. Одамларнинг мақтовидан эмас.

Иккинчиси – мансаб ва молга ўхшаш хурсанд бўлишга арзимайдиган сифат. Бу нарсалардан хурсанд бўлиш худди тезда қуриб, хашакка айланадиган кўкатдан хурсанд бўлишга ўхшайди. Бундан эса фақат эсипастларгина хурсанд бўлади.

Агар сиз мақталган сифат сизда бўлмаса ҳам, мақтовдан маст бўладиган бўлсангиз, бу эсипастликдан бошқа нарса эмас.

Танқидни ёқтирмаслик ҳам оғир дард ҳисобланади. Уни ҳам эринмасдан, зудлик билан даволаш лозим. Бу борадаги гапнинг қисқаси қуйидагича: Агар сизни танқид қилган кишининг гапи тўғри бўлиб, насиҳатни ирода қилган бўлса, ғазабланмасдан унинг гапини яхши қабул қилиш керак. Чунки у сизга айбларингизни ҳадя қилмоқда.

Агар танқидчи насиҳатни ирода қилмаган бўлса, у ўз динига нисбатан жиноят қилибди, сиз эса унинг гапидан фойда олибсиз. Чунки у сизга билмаган нарсангизни билдирибди ва унутган нарсангизни эсингизга солибди.

Агар танқидчи сизда йўқ нарсаларни айтиб бўҳтон қилган бўлса, сизга қуйидаги уч нарсадан бири бўлади:

1. Агар сиз мазкур айбдан холи бўлсангиз ҳам, унга ўхшаш бошқа айблардан холи эмассиз. Аллоҳ таоло ошкор қилмай турган айбларингиз кўп. Аллоҳ таоло танқидчига сизнинг ўша айбларингизни билдирмаганига шукр қилинг.

2. Танқидчининг туҳмати сизнинг гуноҳларингизга каффорот бўлади.

3. Бўҳтончи ўз динига нисбатан жиноят қилди. Ўзига қарши Аллоҳ таолонинг ғазабини қўзитди. Сиз Аллоҳ таолодан уни афв қилишини сўранг. Бир киши Иброҳим Адҳамни уриб бошини ёрганда, унинг ҳаққига дуо қилиб, шундай деган экан: «Бунинг сабабидан ажр олдим. Менинг сабабимдан азобга қолмасин».

ҲАСАД

Қалб хасталикларининг яна бири ҳасаддир.

«Ҳасад» сўзи луғатда арчиш ва шилиш деган маъноларни билдиради. Чунки ҳасад қалбни арчади ва шилади.

Уламолар: «Ҳасад – бировга етган неъматга рашк билан қараш ва ўша неъматнинг ўз соҳибидан кетиб, ҳасадчига (яъни ўзига) етиб келишини қаттиқ хоҳлашдир», дейдилар.

Ҳаётнинг энг майда икир-чикирларидан тортиб, энг баланд чўққиларигача, ҳар нарсада ҳасад бордир.

Агар инсон бошқа бир кишига етган неъматдан севиниб, ўша неъматнинг ўз эгасида барқарор бўлишини хоҳлагани ҳолда ўзига ҳам шундай неъмат берилишини тиласа, ҳасад эмас, ҳавас қилган бўлади.

Ҳасад катта гуноҳдир. Ҳавас эса гуноҳ саналмайди. Чунки ҳасадчи бировга ёмонликни раво кўради, ҳавасчи эса бировга етган яхшиликдан хурсанд бўлади ва ўзига ҳам шу каби неъматнинг берилишини орзу қилади.

Аллоҳ таоло бир қанча оятларда ҳасадни қоралаган ва ҳасадчининг ҳасадидан паноҳ сўрашга чақирган.

У Зот Нисо сурасида марҳамат қилади:

أَمْ يَحْسُدُونَ ٱلنَّاسَ عَلَىٰ مَآ ءَاتَىٰهُمُ ٱللَّهُ مِن فَضْلِهِۦ

«Ёки Аллоҳ одамларга Ўз фазлидан берган нарсаларга ҳасад қилмоқдаларми?» деган *(54-оят)*.

Аллоҳ таоло Фалақ сурасида марҳамат қилади:

قُلْ أَعُوذُ بِرَبِّ ٱلْفَلَقِ ﴿١﴾ مِن شَرِّ مَا خَلَقَ ﴿٢﴾ وَمِن شَرِّ
غَاسِقٍ إِذَا وَقَبَ ﴿٣﴾ وَمِن شَرِّ ٱلنَّفَّٰثَٰتِ فِى ٱلْعُقَدِ
﴿٤﴾ وَمِن شَرِّ حَاسِدٍ إِذَا حَسَدَ ﴿٥﴾

«Айт: «Тонг Роббидан паноҳ сўрайман... У яратган нарсалар ёмонлигидан... ва кириб келган қоронғу кечанинг ёмонлигидан... ва тугунларга дам солувчилар ёмонлигидан... ва ҳасад қилган ҳасадчининг ёмонлигидан (паноҳ сўрайман)» *(1–5-оятлар).*

Исломда бошқа маънавий жиноятлар қатори, ҳасад ҳам қаттиқ қораланади ва катта гуноҳ ҳисобланади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ: أَنَّ رَسُولَ اللهِ ﷺ قَالَ: «لَا يَجْتَمِعُ فِي جَوْفِ عَبْدٍ مُؤْمِنٍ غُبَارٌ فِي سَبِيلِ اللهِ وَفَيْحُ جَهَنَّمَ، وَلَا يَجْتَمِعُ فِي جَوْفِ عَبْدٍ الْإِيمَانُ وَالْحَسَدُ». رَوَاهُ ابْنُ حِبَّانَ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мўмин банданинг ичида Аллоҳнинг йўлидаги (амалда ютилган) **чанг ва жаҳаннамнинг олови жам бўлмайди. Бир банданинг ичида иймон билан ҳасад жам бўлмайди», дедилар».**

Ибн Ҳиббон ривоят қилган.

Ушбу ҳадиси шарифда бир банданинг қалбида икки турли нарса жам бўлмаслигининг хабари берилмоқда.

Биринчиси – Аллоҳнинг йўлида иш қилиб, шу аснода чанг ютган одамнинг ичига жаҳаннамнинг олови кирмаслиги, яъни ўша одам жаҳаннамдан озод бўлиб, жаннат аҳлидан бўлишидир.

Иккинчиси – бир банданинг ичида иймон билан ҳасаднинг жам бўлмаслиги.

Демак, иймон билан ҳасад худди олов билан сувдек бир-бирига тамоман зид нарсалар экан. Бири бор жойда иккинчиси бўлмас экан. Бошимизга етган ва етаётган бало-офатлар бекорга эмаслигини шундан тушуниб олсак ҳам бўлади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ: أَنَّ النَّبِيَّ ﷺ قَالَ: إِيَّاكُمْ وَالْحَسَدَ، فَإِنَّ الْحَسَدَ يَأْكُلُ الْحَسَنَاتِ كَمَا تَأْكُلُ النَّارُ الْحَطَبَ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ҳасаддан сақланинг! Чунки ҳасад яхшиликларни худди олов ўтинни егандек, еб юборади», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Ҳасадчи инсоннинг қилган савоб ишлари бўлса, йўқ бўлиб кетиши ҳамда умуман, ҳасад бор жойда яхшилик қолмаслигини ушбу ҳадисдан тушуниб оламиз.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳасадни худди зарарли оловга ўхшатмоқдалар. Ёнғин чиққан ерда олов ҳамма нарсани еб битирганидек, ҳасад ҳам аввало ҳасадчининг ичини куйдиради. Кейин аста аланга олиб, йўлида нима яхшилик бўлса, ҳаммасини куйдириб битиради.

Шунинг учун ҳам ҳасадчи шахсга эътибор билан назар солсангиз, унда ҳеч бир яхшилик аломатларини тополмайсиз. Ҳасад тарқалган жамиятда ҳам худди шу манзаранинг ўзини кўрасиз. Ҳасадчилар жамиятида яхшиликдан асар ҳам қолмайди.

عَنْ ضَمْرَةَ بْنِ ثَعْلَبَةَ ﷺ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «لَا يَزَالُ النَّاسُ بِخَيْرٍ مَا لَمْ يَتَحَاسَدُوا». رَوَاهُ الطَّبَرَانِيُّ.

Зомра ибн Саълаба розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Модомики ҳасад қилишмаса, одамлар яхшиликда бардавом бўладилар», дедилар».

Табароний ривоят қилган.

Демак, ҳасад қилишса, ораларидан яхшилик кўтарилар экан. Одамлари орасидан яхшилик кўтарилган жамиятнинг ҳалокатга дучор бўлиши шубҳасиздир.

Ҳасаднинг инсонлар ва жамият учун нақадар даҳшатли хатар эканини муҳаддисларимиз ривоят қилган қуйидаги ҳадисдан билиб олишимиз мумкин.

عَنْ كَعْبِ بْنِ مَالِكٍ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَا ذِئْبَانِ جَائِعَانِ أُرْسِلَا فِي غَنَمٍ بِأَفْسَدَ لَهَا مِنْ حِرْصِ الْمَرْءِ عَلَى الْمَالِ وَالشَّرَفِ لِدِينِهِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَالْإِمَامُ أَحْمَدُ.

Каъб ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Кишининг мол-мулк ва шарафга бўлган ҳирси унинг дини учун қўйлар орасига қўйиб юборилган икки оч бўридан ҳам кўркинчлидир», дедилар».

Термизий ва имом Аҳмад ривоят қилишган.

Ушбу ҳадиси шарифда молга ҳирс қўйиш ва ҳасаднинг қанчалик хавфли эканини сиз билан бизнинг тасаввуримизга янада яхшироқ сингдириш учун мазкур ўхшатиш ишлатилмоқда. Бу икки хавфли жиноят қўй кўрасига қўйиб юборилган икки оч бўрига қиёсланмоқда. Одатда, оч бўри қаттиқ қўриқлаб турилган қўйларни ҳам ўлдириб, еб кетади. Аммо икки оч бўри қўрага қамалган қўйлар ичига қўйиб юборилса-чи? Қўй бечораларнинг ҳоли нима бўлиши аён: оч бўрилар уларнинг ҳаммасини бирма-бир ҳалок қилади. Молга ҳирс қўйиш ва ҳасад ҳам жамият ичига қўйиб юборилган икки оч бўри каби жамиятни ҳалокат сари бошлайди.

Молга ҳирс қўйиш оқибатида одамлар Аллоҳга бандаликдан чиқиб, мол-дунёнинг бандасига айланадилар. Мол-дунё нимани амр қилса, шуни бажарадиган бўлиб

қоладилар. Мол-дунё эса ўзига ҳирс қўйган одамни ҳеч нарсадан қайтмасликка амр этади. Оқибатда унга банда бўлган шахс барча гуноҳлар ва ёмонликлардан тап тортмайдиган бўлиб қолади.

Мусулмон кишининг динига ҳасад қилиш ҳасаднинг энг ёмон турларидан биридир.

عَنْ عَبْدِ اللهِ بْنِ بُسْرٍ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «لَيْسَ مِنِّي ذُو حَسَدٍ». رَوَاهُ الطَّبَرَانِيُّ.

Абдуллоҳ ибн Буср розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳасад эгаси мендан эмас», дедилар».

Табароний ривоят қилган.

Яъни «Ҳасадчи менинг умматим эмас», деганлар. Ўзини билган одам учун бундай ҳолга тушишдан ҳам ортиқроқ бадбахтлик йўқдир.

Ҳасаднинг зарарлари:

1. Ҳасад Аллоҳ таолонинг ғазабига сабабдир.
2. Ҳасадгўйнинг қалби ҳасратга тўла бўлади.
3. Ҳасад ўз эгасининг мартабасини пасайтиради.
4. Ҳасадчини одамлар ёмон кўради.
5. Ҳасад неъматнинг заволига сабаб бўлади.
6. Ҳасад катта ёмонликларнинг манбаидир.
7. Ҳасад жамиятни бузувчи чўқмордир.
8. Ҳасад ахлоқсизлик аломатидир.

Ҳар бир инсон бошқа маънавий жиноятлардан қутула бориш баробарида ҳасад каби катта маънавий жиноятдан ҳам қутулиши шарт. Ўшандагина элу юртимизда бирор яхшиликдан умид қилсак бўлади. Ҳар бири-

миз ҳасаддан фориғ бўлиб, қалбимиз тоза ҳолга келиб, қуйидаги ҳадисда зикр қилинган саодатманд саҳобий даражасига етишишга ҳаракат қилишимиз лозим.

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ ﷺ قَالَ: كُنَّا جُلُوسًا مَعَ رَسُولِ اللهِ ﷺ فَقَالَ: «يَطْلَعُ عَلَيْكُمُ الْآنَ رَجُلٌ مِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ». فَطَلَعَ رَجُلٌ مِنَ الْأَنْصَارِ تَنْطُفُ لِحْيَتُهُ مِنْ وَضُوئِهِ قَدْ تَعَلَّقَ نَعْلَيْهِ فِي يَدِهِ الشِّمَالِ، فَلَمَّا كَانَ الْغَدُ قَالَ النَّبِيُّ ﷺ مِثْلَ ذَلِكَ، فَطَلَعَ ذَلِكَ الرَّجُلُ مِثْلَ الْمَرَّةِ الْأُولَى، فَلَمَّا كَانَ الْيَوْمُ الثَّالِثُ قَالَ النَّبِيُّ ﷺ مِثْلَ مَقَالَتِهِ أَيْضًا، فَطَلَعَ ذَلِكَ الرَّجُلُ عَلَى مِثْلِ حَالِهِ الْأُولَى، فَلَمَّا قَامَ النَّبِيُّ ﷺ تَبِعَهُ عَبْدُ اللهِ بْنُ عَمْرِو بْنِ الْعَاصِ فَقَالَ: إِنِّي لَاحَيْتُ أَبِي فَأَقْسَمْتُ أَنْ لَا أَدْخُلَ عَلَيْهِ ثَلَاثًا، فَإِنْ رَأَيْتَ أَنْ تُؤْوِيَنِي إِلَيْكَ حَتَّى تَمْضِيَ فَعَلْتَ. قَالَ: نَعَمْ. قَالَ أَنَسٌ: وَكَانَ عَبْدُ اللهِ يُحَدِّثُ أَنَّهُ بَاتَ مَعَهُ تِلْكَ اللَّيَالِيَ الثَّلَاثِ فَلَمْ يَرَهُ يَقُومُ مِنَ اللَّيْلِ شَيْئًا غَيْرَ أَنَّهُ إِذَا تَعَارَّ وَتَقَلَّبَ عَلَى فِرَاشِهِ ذَكَرَ اللهَ عَزَّ وَجَلَّ وَكَبَّرَ حَتَّى يَقُومَ لِصَلَاةِ الْفَجْرِ، قَالَ عَبْدُ اللهِ: غَيْرَ أَنِّي لَمْ أَسْمَعْهُ يَقُولُ إِلَّا خَيْرًا، فَلَمَّا مَضَتِ الثَّلَاثُ لَيَالٍ وَكِدْتُ أَنْ أَحْتَقِرَ عَمَلَهُ قُلْتُ: يَا عَبْدَ اللهِ، إِنِّي لَمْ يَكُنْ بَيْنِي وَبَيْنَ أَبِي غَضَبٌ وَلَا هَجْرٌ ثَمَّ، وَلَكِنْ سَمِعْتُ رَسُولَ اللهِ ﷺ يَقُولُ لَكَ ثَلَاثَ مِرَارٍ: «يَطْلَعُ عَلَيْكُمُ الْآنَ رَجُلٌ مِنْ أَهْلِ الْجَنَّةِ» فَطَلَعْتَ أَنْتَ الثَّلَاثَ مِرَارٍ، فَأَرَدْتُ أَنْ آوِيَ إِلَيْكَ لِأَنْظُرَ مَا عَمَلُكَ فَأَقْتَدِيَ بِهِ، فَلَمْ أَرَكَ تَعْمَلُ كَثِيرَ عَمَلٍ،

فَمَا الَّذِي بَلَغَ بِكَ مَا قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ؟ فَقَالَ: مَا هُوَ إِلَّا مَا رَأَيْتَ. قَالَ: فَلَمَّا وَلَّيْتُ دَعَانِي فَقَالَ: مَا هُوَ إِلَّا مَا رَأَيْتَ غَيْرَ أَنِّي لَا أَجِدُ فِي نَفْسِي لِأَحَدٍ مِنَ الْمُسْلِمِينَ غِشًّا وَلَا أَحْسُدُ أَحَدًا عَلَى خَيْرٍ أَعْطَاهُ اللهُ إِيَّاهُ. فَقَالَ عَبْدُ اللهِ: هَذِهِ الَّتِي بَلَغَتْ بِكَ وَهِيَ الَّتِي لَا نُطِيقُ. رَوَاهُ أَحْمَدُ وَالنَّسَائِيُّ.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга ўтирган эдик. Ул зот:

«Ҳозир ҳузурингизга аҳли жаннатдан бир одам чиқади», дедилар. Ансорийлардан соқолидан таҳорат суви оқиб турган, чап қўлида кавуш тутган киши чиқиб келди.

Эртасига Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам яна шу гапни айтган эдилар, яна ўша одам кечаги ҳолида чиқиб келди.

Учинчи куни ҳам Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам яна шу гапни айтган эдилар, яна ўша одам ўша ҳолида чиқиб келди. Кейин Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ўринларидан туриб, Абдуллоҳ ибн Амр ҳалиги одамга эргашиб бөрди-да: «Отам билан орамиздан гап ўтиб қолиб, уч кунгача унинг олдига кирмасликка қасам ичган эдим. Агар маъқул топсангиз, менга шу муддат ўтгунча уйингиздан жой бериб туринг», деди. У одам «Хўп», деб жавоб берди».

Ҳазрати Анас ривоят давомида шундай дейди:

«Абдуллоҳ ўша уч кеча у билан бирга тунаганини, у одамнинг кечалари ҳеч бедор бўлмаганини гапириб юрар эди. Агар у одам безовта бўлса, ўрнида

ағдарилиб ётар ва бомдодгача Аллоҳ азза ва жаллани зикр қилиб, такбир айтиб чиқар экан».

Абдуллоҳ яна шуларни айтган экан: «Аммо ундан фақат яхши гапларни эшитдим. Уч кеча ўтгандан сўнг, унинг амали ҳеч нарса эмас экан, деган фикрга келай дедим. Унга: «Эй Аллоҳнинг бандаси! Отам билан орамизда ҳеч гап ўтгани йўқ. Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан уч марта «Ҳозир ҳузурингизга аҳли жаннатлардан бир киши келади», деган гапни эшитдим. Уч марта ҳам сен чиқиб келдинг. Сенинг ҳузурингдан жой олиб, қиладиган амалларингга назар солиб, сенга иқтидо қилиш орзусида эдим. Аммо каттароқ бир иш қилганингни кўрмадим. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтган гапларга сени нима эриштирган?» деб сўрадим.

У эса: «Ўзинг кўрган нарсадан бошқа ҳеч нарса йўқ», деди.

Қайтиб кетаётганимда у мени ёнига чақириб: «Ўзинг кўрган нарсалардан бошқа ҳеч нарса йўқ. Фақат мен қалбимда мусулмонлардан бирор кимсага гина-кудурат сақламайман. Ҳеч кимга нисбатан унга Аллоҳдан етган яхшиликка ҳасад қилмайман», деди».

«Сени ўша мақомга етиштирган шу хислатинг экан. Ана шунга биз тоқат қила олмаймиз», деди Абдуллоҳ».

Аҳмад ва Насоий ривоят қилишган.

Ҳақиқатан ҳам, инсонлар қалбида ўзгаларга нисбатан ҳасад бўлмаслиги улуғ фазилатдир. Зеро, бундай одамдан ҳеч бир ёмонлик чиқмайди. Аллоҳ таоло барчамизни ҳасадгўйликдан сақласин! Элу юртимизни бу оғир дарддан Ўзи қутқарсин! Омин!

ҲАСАДНИНГ САБАБЛАРИ

Ҳасаднинг бир неча сабаблари бор. Уламоларимиз мазкур сабабларни ўрганиб чиқиб, асосийлари олтита эканини таъкидлаганлар. Уларни қисқача ўрганиб чиқамиз:

1. Душманлик ва ёмон кўриш. Бу ҳасаднинг энг кучли сабабларидан биридир. Икки киши бирор сабабга кўра урушиб қолишлари ва ораларида келишмовчилик чиқиб, бир-бирини ёқтирмай қолишлари мумкин. Ғазаби чиққан одам ўзининг душманига нисбатан қалбида кек сақлаб қолса, у ҳасадга айланади. Душманига ўзи етказа олмаган зарарни замондан кута бошлайди. Агар душманига бирор ёмонлик етса, хурсанд бўлади ва «Менга ёмонлик қилгани учун Аллоҳ таолонинг Ўзи уни жазолади», дейди.

Мабодо душманига неъмат етса, унинг мақсадига тескари бўлгани учун хафа бўлади. Ҳасади яна ҳам зиёда бўлади. Мазкур неъматнинг ёмон кўрган одамидан кетишини истайди ва шу мақсадда иш ҳам олиб боради.

2. Кўра олмаслик. Баъзи одамларда бошқанинг ўзидан устун бўлишини кўра олмаслик одати бўлади. Ана шу нарса ҳам ҳасаднинг сабабларидан биридир. Одатда, бировни ўзидан паст санаб, уни одам ўрнида кўрмай, назар-писанд қилмай юрган бўлади. Доимо ўша одам унга қарам бўлишини ва ялиниб туришини истайди. Бирдан қараса, ҳалиги одамга неъмат етибди. Ҳасадчининг хаёли бошидан учади. Ўзини қўйгани жой топа олмай қолади. Ҳасади ўзини кўрсатади.

3. Кибр. Мутакаббир одамлар ўзидан паст саналган кишиларни доимо масхара қилиб, ерга уриб, олдиларида мақтаниб, сал нарсага керилиб юрган бўладилар. Шунинг учун улардан паст одамларга неъмат етганига чидай олмай ҳасад қилишга ўтадилар.

4. Мақсадига эришолмай қолишдан қўрқиш. Бу ҳолат бир мақсадга эришиш учун ҳаракат қилаётган шахслар орасида бўлади. Улардан бири кўзланган мақсадга эришиш йўлида неъматга сазовор бўлса, бошқаси ҳасад қилади. Қўполроқ мисол келтирадиган бўлсак, бу ҳолатни кундошлар ўртасидаги ҳолатга қиёслаш мумкин.

5. Мансабпарастлик ва шуҳратпарастлик. Бунга маълум бир соҳада тенги йўқ бўлишни орзу қилган шуҳратпараст кимса мисол бўлади. Агар унга «Дунёнинг нариги бурчида сенга тенг келадиган одам чиқибди» дейилса, ўшанинг йўқ бўлишини орзу қилади.

6. Одамларга яхшиликни раво кўрмайдиган табиати бузуқ шахс ҳасадчи бўлади. Ўзига ҳеч алоқаси бўлмаса ҳам, бировга неъмат етишини кўролмайди. Ўз-ўзидан ҳасад қилаверади.

ҲАСАДНИНГ ДАВОСИ

Маълумки, ҳасад энг оғир қалб хасталикларидан биридир. Қалб хасталикларини эса фақат илм ва амал билангина даволаш мумкин.

Ҳасадни илм билан даволаш қуйидагича:

Аввало, ҳар бир киши ҳасад ўзининг дину дунёсига зарар эканини яхши англаб етмоғи лозим. Шу билан бирга, у ҳасад қилинган одамнинг на динига ва на дунёсига зарар етказа олмаслигини ҳам тушуниши керак. Аксинча, унинг ҳасадидан душмани фойда олади.

Агар охиратга ва ундаги ҳисоб-китобга иймонни бир тарафга қўйиб туриб, ақл юзасидан иш тутганда ҳам, ҳасадга ўрин йўқ. Чунки ҳасадчи ўз ҳасади туфайли ич-ичини ейди, қалби дард-аламга тўлади. Аммо бирор фойда кўрмайди.

Ҳасад қилинган одамнинг неъмати сизнинг ҳасадингиз туфайли бу дунёда заволга учрамайди. Қандай қилиб дейсизми?

Унга неъматни Аллоҳ таоло берган ва Аллоҳнинг Ўзи белгилаган муддатгача давом этади. Бировнинг ҳасади туфайли неъмат тугаб қолмайди.

Сизнинг ҳасадингиз ҳасад қилинган одамнинг охиратига ҳам зарар етказмаслиги аниқ. Чунки сизнинг ҳасадингиз унга гуноҳ бўлиб ёзилмайди. Балки ҳасадингиз сабабли мазлум бўлгани учун фойда олиши турган гап. Бу дунёда унинг фойда олиши сизнинг жизғанак бўлишингиздандир. Чунки одамларнинг хурсандчилигининг сабабларидан бири душманининг азобланишидир.

Юқорида зикр қилинган нарсаларнинг барчаси ҳасадчининг ўзига ўзи душман ва душманига дўст эканини кўрсатади. Бу худди душманини қатл қилиш учун тош отаётган одамга ўхшайди. Биринчи тошни отганида душманига тегмай ўзига қайтади ва ўнг кўзини кўр қилади. Унинг аччиғи яна ҳам аланга олиб, иккинчи тошни отади. Иккинчи тоши ҳам мўлжалга тегмай ўзига қайтади ва чап кўзини ҳам кўр қилади. У ғазаб отига миниб, учинчи тошни отади. Тош қайтиб келиб, ўзининг бошини ёради. Душмани эса соппа-соғ, кулиб, уни томоша қилиб туради.

Айтиб ўтилганларни тафаккур қилган одамнинг қалбида ҳасад олови сўниши турган гап.

Ҳасадни амал билан даволаш қуйидагича:

Бунда ҳасад дардига мубтало бўлган шахс, ҳасади унга қайси амални буюрадиган бўлса, ўшанинг аксини қилиши лозим бўлади. Мисол учун, унга душманини ёмонлашни амр қилмоқда, у уни мақташга ўтсин. Ҳасади унга мутакаббирлик қилишни тавсия қилмоқда, у унга тавозеъ кўрсатсин.

Салафи солиҳлардан кўплари ўзини ғийбат қилган шахс ҳақида хабар эшитса, унга ҳадялар юборар эдилар.

КИБР ВА МАНМАНЛИК

Ҳар бир мўмин-мусулмон банда эҳтиёт бўлиши лозим бўлган қалб хасталикларидан яна бири кибр ва манманликдир.

Кибр ва манманлик бир-бирига яқин ва ўхшаш салбий сифатлардир.

«Кибр», «такаббур» сўзлари луғатда катталик маъносини билдиради ва ўзини бошқалардан катта, устун ва афзал ҳисоблаш сифатига эга бўлган шахсга нисбатан ишлатилади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу сифатни «Кибр ҳақни инкор қилиш ва одамларни ҳақир санашдир», деб таърифлаганлар.

Имом Ғаззолий кибрни «У ўзини улуғ санаш ва қадрини бошқанинг қадридан устун қўйиш», деб таърифлаган.

«Иҳёу улумид-дин» асарида кибрнинг бадбахтлик калити экани қуйидагича баён қилинади: «Саодат калити ҳушёрлик ва фаҳму фаросатдадир. Бадбахтлик манбаи кибр ва ғафлатдадир.

Банда учун Аллоҳ таолонинг неъматлари ичида иймон ва маърифатдан улуғи йўқдир. Унга эришиш учун бағрикенглик ва қалб кўзи ўткирлигидан бошқа васила йўқ.

Куфр ва маъсиятдан каттароқ бало, офат йўқдир. Мазкур икки нарсага чақиришда қалб кўрлиги ва жаҳолат зулматидан бошқа нарса йўқдир.

Зийрак кишилар Аллоҳ таоло уларнинг ҳидоятини ирода қилган ва қалбларини Исломга кенг қилиб қўйганлардир. Мутакаббирлар Аллоҳ таоло уларнинг залолатини ирода қилган ва қалбларини худди осмонга чиқаётгандаги каби тор ва танг қилиб қўйганлардир.

Мутакаббир ўз ҳидоятига кафил бўлиши учун қалб кўзи очилмаган кишидир».

Кибрнинг сабаблари:

Ўзини юқори олган одам кибр аҳлидан бўлади. Камолот сифатларининг соҳиби бўлган одам ўзини бошқалардан юқори олмайди. Камолот сифатлари эса диний ва дунёвий бўлади. Динийлари илм ва амал бўлса, дунёвийлари насаб, жамол, қувват, мол ва тарафдорлари кўп бўлишидан иборатдир. Буларнинг ҳаммаси еттитадир:

1. Илм.

Илмга уринган баъзи одамлар мутакаббирлик дардига жуда ҳам тез чалинадилар. Улар илмнинг жамолига ва камолига маҳлиё бўлганлари ҳолда ўзларини юқори олиб, ўзгаларга паст назар билан қарашни бошлайдилар.

Уларнинг кибри икки сабабга оид бўлади.

Биринчи сабаб – илм деб аталаётган нарса ҳақиқий бўлмайди. Ҳақиқий илм орқали банда Роббини ва ўзини яхши танийди. Ҳақиқий илм эгаси тавозели бўлади ва кибрга яқин ҳам йўламайди.

Аллоҳ таоло Фотир сурасида марҳамат қилади:

إِنَّمَا يَخْشَى ٱللَّهَ مِنْ عِبَادِهِ ٱلْعُلَمَٰٓؤُا۟

«Аллоҳдан бандалари ичидан фақат олимлар қўрқарлар» *(28-оят)*.

Иккинчи сабаб – илмга уринган бўлса ҳам, ўзи нафсий бузуқ, хулқи ёмон одам бўлади. Бу каби одамлар қанча илм олсалар ҳам, ўзларини ўнгламаганлари учун ёмон сифатлар уларни тарк этмайди. Бадхулқ шахсда пайдо бўлган илм эгасининг мутакаббирлигига сабаб бўлиши ажабланарли ҳол эмас.

2. Амал.

Бу ердаги амалдан ибодат ҳам кўзда тутилади. Бу турдаги кибр кўпроқ обид ва зоҳидларда бўлиб, у икки қисмдан иборат бўлади.

Биринчи қисм дунёвий ишларда бўлади. Кибрга берилган кимсалар одамлар фақат уларни зиёрат қилиши кераклигини даъво қиладилар. Одамлар уларнинг ҳожатларини чиқаришлари, улуғлашлари, жой бўшатишлари, доимо уларнинг тақволари ва ибодатларини мадҳ қилиб туришлари лозимлигини даъво қиладилар.

Иккинчи қисм диний ишларда бўлиб, кибрга берилган баъзи обид ва зоҳидлар ўзларидан бошқалар нотўғри йўлдан бораётганларини ва ҳалокатга учрашларини даъво қиладилар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ: أَنَّ رَسُولَ اللهِ ﷺ قَالَ: «إِذَا قَالَ الرَّجُلُ: هَلَكَ النَّاسُ فَهُوَ أَهْلَكُهُمْ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:
«Қачон бир одамнинг «Одамлар ҳалок бўлди», деганини эшитсангиз, унинг ўзи энг ҳалок бўлганидир», деганлар».
Имом Муслим ривоят қилган.

3. Ҳасаб ва насаб ила кибрланиш.

Насаби шарафли бўлган одам ўзидан илми ва амали устун бўлган одамга такаббурли муомала қилади. Уларнинг наздида бошқа одамлар худди уларнинг қули ёки хизматкоридек бўлади. Ислом таълимотида эса насаб кишининг амалидан устун қўйилмаган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «وَمَنْ بَطَّأَ بِهِ عَمَلُهُ لَمْ يُسْرِعْ بِهِ نَسَبُهُ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَأَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кимни амали ортга сурса, уни насаби олдга сура олмайди», дедилар».

Муслим, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

Яъни охиратда ҳамманинг насабига эмас, амалига қараб даража берилади. Кимнинг амали яхши бўлса, насаби қандай бўлишига қарамай олдинга сурилади, олий мартабаларга эришади. Кимнинг амали ёмон бўлса, у ортга сурилади, иши чатоқ бўлади. Насаби қанчалик олий бўлмасин, иши олдинга сурилмайди. Шунинг учун ҳеч ким ўзига ишониб қолмаслиги, мағрурланмаслиги керак. Аксинча, кўпроқ яхши амал қилишга уриниш лозим.

4. Жамол ила кибрланиш.

Бу нарса одатда аёллар ўртасида кўпроқ учрайди. Улар ўзаро жамоллари ила фахрланишга, бошқаларининг ташқи кўринишидаги нуқсонларини зикр қилишга ўч бўладилар.

5. Мол билан кибрланиш.

Мол-дунёси кўп кишилар исломий тарбия олмаган бўлсалар, камбағаллардан кибрланишлари, ўз моллари ила фахрланишлари маълум ва машҳур. Уларнинг кибрлари гап-сўзлари, ҳатти-ҳаракатлари ва имо-ишораларидан ҳам билиниб туради.

6. Куч-қувват билан фахрланиш.

Бунда моддий ва маънавий куч, имконият, чора-тадбирлар ва бошқалар кўзда тутилади. Мутакаббирлар мазкур нарсаларда ўзларидан паст бўлганлар устидан «Сени у қилиб юбораман, бу қилиб юбораман», дея фахрланадилар.

7. Ўз тарафдорлари билан кибрланиш.

Бунда киши ўз қарамоғидагилари, шогирдлари, хизматчилари, қариндошлари, уруғ-аймоқлари, ака-ука ва фарзандлари билан кибрланади.

КИБРНИНГ ДАРАЖАЛАРИ

Ибн Қудома Мақдисий кибрнинг уч даражаси борлигини айтади:

1. Кибр инсоннинг қалбида қарор топган бўлади. У ўзини бошқалардан афзал деб билади. Аммо у тиришиб, тавозе кўрсатади. Бу одам қалбида кибр дарахти экилган, лекин унинг шохлари кесилган шахсдир.

2. Бир киши ўз ҳаракатлари билан мажлисларда баланд-парвозликни, тенгдошлари ўртасида пешқадамликни ва ўз ҳаққи камситилишига инкорни ошкор қилади. Олим бўлса, одамлардан юз ўгиргандек бўлиб афтини буриштиради. Обид бўлса, худди одамлардан жиркангандек, бурнини жийиради. Бу иккиси ҳам Аллоҳ таоло Ўз Набийсига «Ва сенга эргашган мўминларга қанотингни пастлат», деб берган одобни билмаган жоҳиллардир.

3. Бир кишининг тили билан даъво қилиб, ўзини мақташ ила фахрланиши, шунингдек, насаби билан мақтаниши ҳам кибрдир.

КИБРНИНГ ТУРЛАРИ

1. Аллоҳ таолога кибр қилиш.

Бу энг ёмон кибрдир. Бу ҳолат Фиръавн ва Намруднинг кибрига ўхшаш бўлиб, Аллоҳ таолога банда бўлишдан ўзини олиб қочишдир.

2. Набий алайҳиссаломга кибр қилиш.

Бу ҳолат Макка кофирларига ўхшаб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга бўйсунишдан жоҳиллик ва саркашлик ила кибр қилишдан иборатдир.

3. Бандаларга кибр қилиш.

Бу ўзини бошқалардан устун қўйиб, ўзгаларга ҳақорат назари билан қарашдан иборатдир.

КИБРНИНГ ҲУКМИ

Имом Заҳабий ва бошқа уламолар кибрнинг гуноҳи кабира эканини таъкидлаганлар.

Аллоҳ таоло Бақара сурасида марҳамат қилади:

وَإِذْ قُلْنَا لِلْمَلَٰٓئِكَةِ ٱسْجُدُوا۟ لِـَٔادَمَ فَسَجَدُوٓا۟ إِلَّآ إِبْلِيسَ أَبَىٰ وَٱسْتَكْبَرَ وَكَانَ مِنَ ٱلْكَٰفِرِينَ ﴿٣٤﴾

«Эсла, фаришталарга: «Одамга сажда қилинглар!» дедик, бас, сажда қилдилар, фақат иблисгина бош тортди, мутакаббирлик қилди ва кофирлардан бўлди» *(34-оят)*.

Қаранг! Мутакаббирлик иблисни куфрга ва Аллоҳ таолонинг лаънатига олиб борди.

Аллоҳ таоло Наҳл сурасида марҳамат қилади:

إِلَٰهُكُمْ إِلَٰهٌ وَٰحِدٌ ۚ فَٱلَّذِينَ لَا يُؤْمِنُونَ بِٱلْـَٔاخِرَةِ قُلُوبُهُم مُّنكِرَةٌ وَهُم مُّسْتَكْبِرُونَ ﴿٢٢﴾ لَا جَرَمَ أَنَّ ٱللَّهَ يَعْلَمُ مَا يُسِرُّونَ وَمَا يُعْلِنُونَ ۚ إِنَّهُۥ لَا يُحِبُّ ٱلْمُسْتَكْبِرِينَ ﴿٢٣﴾

«Илоҳингиз ягона Илоҳдир. Охиратга иймон келтирмайдиганларнинг қалблари инкор қилувчидир, ўзлари эса мутакаббирдирлар. Ҳеч шубҳасиз, Аллоҳ нимани сир тутаётганларини ҳам, нимани ошкор қилаётганларини ҳам биладир. Албатта, У мутакаббирларни суймас» *(22-23-оятлар)*.

Бир тоифа инсонларнинг иймонсиз, кофир бўлишларига уларнинг ўзлари сабабчидирлар. Иллат, дард, фасод кофирларнинг ичларида бўлади. Уларнинг қалблари иймонга далолат қилувчи оят-белгилардан ибрат олмай,

уларни инкор қилади. Ўзлари эса Аллоҳга бўйсунишни, Пайғамбарга эргашишни ор биладилар, мутакаббирлик қилиб, ўзларини юқори тутадилар.

Аллоҳ таоло уларнинг барчасини яратган Зотдир. Уларнинг барча сирларини ҳам, ошкор ишларини ҳам билади. Жумладан, Аллоҳ таоло уларнинг қалблари ҳақиқатни инкор этаётганини ҳам, ўзлари мутакаббирлик қилаётганларини ҳам билиб туради. Шу боисдан ҳам

«Албатта, У мутакаббирларни суймас».

Чунки мутакаббирлардан яхшилик чиқмайди. Улар куфрни ихтиёр қиладиган одамлардир.

عَنْ حَارِثَةَ بْنِ وَهْبٍ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «أَلَا أُخْبِرُكُمْ بِأَهْلِ الْجَنَّةِ؟ كُلُّ ضَعِيفٍ مُتَضَاعِفٍ لَوْ أَقْسَمَ عَلَى اللهِ لَأَبَرَّهُ، أَلَا أُخْبِرُكُمْ بِأَهْلِ النَّارِ؟ كُلُّ عُتُلٍّ جَوَّاظٍ مُسْتَكْبِرٍ». رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

Ҳориса ибн Ваҳб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Сизларга аҳли жаннатнинг хабарини берайми? Ҳар бир заифҳол ва заифҳол саналгандир. Аммо Аллоҳга қасам ичса, У Зот унинг қасамини юзага чиқаради.

Сизларга аҳли дўзахнинг хабарини берайми? Ҳар бир қўпол, саркаш ва мутакаббирдир», дедилар».

Икки шайх ва Термизий ривоят қилишган.

عَنْ عَبْدِ اللهِ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: لَا يَدْخُلُ النَّارَ أَحَدٌ فِي قَلْبِهِ مِثْقَالُ حَبَّةِ خَرْدَلٍ مِنْ إِيمَانٍ، وَلَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ أَحَدٌ فِي قَلْبِهِ مِثْقَالُ حَبَّةِ خَرْدَلٍ مِنْ كِبْرِيَاءَ».

Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:
«Қалбида бир дона ачитқи уруғи оғирлигида иймони бор одам дўзахга кирмайди. Қалбида бир дона ачитқи уруғи оғирлигида кибри бор одам жаннатга кирмайди», дедилар».

وَعَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ مَنْ كَانَ فِي قَلْبِهِ مِثْقَالُ ذَرَّةٍ مِنْ كِبْرٍ». قَالَ رَجُلٌ: إِنَّ الرَّجُلَ يُحِبُّ أَنْ يَكُونَ ثَوْبُهُ حَسَنًا وَنَعْلُهُ حَسَنًا. قَالَ: «إِنَّ اللهَ جَمِيلٌ يُحِبُّ الْجَمَالَ، الْكِبْرُ بَطَرُ الْحَقِّ وَغَمْطُ النَّاسِ». رَوَاهُمَا مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:
«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:
«Қалбида зарра оғирлигида кибри бор киши жаннатга кирмайди», дедилар».
«Киши кийими гўзал бўлишини, пойабзали гўзал бўлишини ёқтиради-ку?» деди бир одам.
«Албатта, Аллоҳ гўзалдир ва гўзалликни севади. Кибр ҳақни инкор қилиш ва одамларни ҳақир саналишдир», дедилар».
Иккисини Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «ثَلَاثَةٌ لَا يُكَلِّمُهُمُ اللهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، وَلَا يُزَكِّيهِمْ، وَلَا يَنْظُرُ إِلَيْهِمْ، وَلَهُمْ عَذَابٌ أَلِيمٌ: شَيْخٌ زَانٍ، وَمَلِكٌ كَذَّابٌ، وَعَائِلٌ مُسْتَكْبِرٌ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Қиёмат куни уч тоифага Аллоҳ гапирмайди, уларни покламайди ва уларга назар ҳам солмайди. Уларга аламли азоб бўлади: зинокор чол, каззоб подшоҳ ва мутакаббир камбағал».

عَنْ عَمْرِو بْنِ شُعَيْبٍ، عَنْ أَبِيهِ، عَنْ جَدِّهِ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «يُحْشَرُ الْمُتَكَبِّرُونَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ أَمْثَالَ الذَّرِّ فِي صُوَرِ الرِّجَالِ، يَغْشَاهُمُ الذُّلُّ مِنْ كُلِّ مَكَانٍ، فَيُسَاقُونَ إِلَى سِجْنٍ فِي جَهَنَّمَ يُسَمَّى بُولِسَ، تَعْلُوهُمْ نَارُ الْأَنْيَارِ، يُسْقَوْنَ مِنْ عُصَارَةِ أَهْلِ النَّارِ طِينَةَ الْخَبَالِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Амр ибн Шуъайбдан, у отасидан, у бобосидан розияллоҳу анҳум ривоят қилади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мутакаббирлар қиёмат куни кичик қизил чумоличаларга ўхшаган кишилар суратида ҳашр қилинадилар. Уларни ҳар макондан хорлик қоплаб олган бўлади. Бас, уларни жаҳаннамдаги Буулиса номли қамоққа ҳайдаб борилади. Уларнинг устида оловларнинг олови бўлади. Улар аҳли дўзахнинг йирингги – тийнатул хабол ила суғорилади», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Кибрнинг зарарлари:

1. Кибр Аллоҳ таолонинг ғазабига олиб борувчи йўлдир.

2. Кибр нафснинг пасткашлиги ва юзтубан кетганлиги аломатидир.

3. Кибр Аллоҳ таолодан ва одамлардан узоқ бўлишга сабабдир.

4. Кибр дўзах азобига дучор қилади.

5. Кибр ҳалокатга етакловчи ва умрнинг баракасини кетказувчи омилдир.

6. Кибр ўз эгасини Аллоҳ таолонинг тоатидан узоқлаштиради.

7. Кибр ўз эгасини Аллоҳ таолонинг раҳматидан қувади.

КИБР ВА ТАВОЗЕНИНГ БЕЛГИЛАРИ

Такаббурлик кишининг шакл-шамойилидан билиниб туради. Уни кишининг юзидаги аломатлардан, назар солишидан, бошини тутишидан, ўтиришидан, овозининг оҳангидан, қадам олишидан, ўтириб-туришидан ҳамда барча ҳаракат ва саканотларидан билиб олиш мумкин. Масалан:

– Одамларнинг ўз атрофида ёки ҳузурида тик туришини ёқтириш ҳам кибрнинг белгиларидан.

Ҳазрати Али каррамаллоҳу важҳаҳу: «Ким дўзах аҳлидан бирига назар солмоқчи бўлса, ўзи ўтириб олиб, олдида одамларни тик турғизиб қўйган кишига назар солсин», деган.

– Доимо ортидан одамларни эргаштириб юришни хуш кўриш ҳам кибрнинг аломатларидан саналади.

Абу Дардо розияллоҳу анҳу айтади: «Модомики ортидан одам эргаштириб юрар экан, банда Аллоҳ таолодан узоқлашаверади».

Абдурраҳмон ибн Авф розияллоҳу анҳунинг ташқи қиёфаси қулларидан фарқ қилмас, у кишини қулларидан ажратиб бўлмас эди.

– Дин учун фойдали бўлса-да, бировнинг зиёратига бормаслик ҳам кибрланиш сифатларидан биридир.

Суфён Саврий Рамлага келганида, Иброҳим Адҳам унинг олдига одам юбориб: «Келиб, бизга ҳадис айтиб

бер», деган. Саврий келиб, илтимосни бажарган. Одамлар Иброҳим ибн Адҳамга: «Эй Абу Исҳоқ! Шундай ҳам қиласизми?» дейишган эди, «Унинг тавозесини синаб кўрдим», деган.

– Бировнинг ёнига ўтиришни хоҳламаслик ҳам кибрнинг кўринишларидан биридир.

Ибн Ваҳбдан ривоят қилинади: «Абдулазиз ибн Абу Равводнинг ёнига ўтирдим. Соним унинг сонига теккан эди, ўзимни четга олдим. У менинг кийимимдан ушлаб, ўзига тортди-да: «Нима учун мендан жабборлардан қўрққандек қўрқасизлар?! Ичингизда ўзимдан ёмонроқ одам бор деб билмайман!» деди».

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳу мохов, пес ва бошқа мубтало одамларни ўз дастурхонига ўтиргизар эдилар.

– Ўз уйида ўз хизматини ўзи қилмаслик ҳам кибру ҳавога далолат қилади.

Умар ибн Абдулазизникига кечаси меҳмон келди. У мактуб ёзиб ўтирган эди. Чироғи ўчиб қолай деди. Меҳмон:

«Туриб, чироқни тўғрилаб қўяйми?» деди.

«Меҳмонини хизматга қўйиш одамнинг карамидан эмас», деди Умар ибн Абдулазиз.

«Хизматчига билдирайми?» деди.

«У биринчи марта ухлаб қолиши», деди-да, ўзи туриб, чироққа мой тўлдирди.

«Эй мўминларнинг амири, ўзингиз овора бўлдингиз-а?!» деди меҳмон.

«Борганимда Умар эдим, қайтганимда ҳам Умарман. Мендан бирор нарса камайиб қолмади. Одамларнинг яхшиси тавозели бўлганидир», деди Умар ибн Абдулазиз.

– Ўзига тегишли нарсани манзилига ўзи олиб бормаслик ҳам кибрга киради. Тавозели одамлар бундай қилмайдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўз матоҳларини ўзлари уйларига кўтариб борар эдилар.

Ҳазрати Али розияллоҳу анҳу: «Комил эр киши учун ўз аҳли аёлига кўтариб борган нарсаси унинг камолига футур етказмайди», деган.

Имом Бухорий «Ал-адаб ал-муфрад»да кийимфуруш Солиҳдан, у ўз момосидан ривоят қилади:

«Али розияллоҳу анҳунинг бир дирҳамга хурмо олиб, дастрўмолига солиб кўтариб кетаётганини кўрдим. Бир одам:

«Эй мўминларнинг амири, сизнинг ўрнингизга мен кўтарай», деди.

«Йўқ, оила бошлиғи ўзи кўтаргани яхшидир», деди у».

КИБРНИ ДАВОЛАШ ЙЎЛЛАРИ

Кибр ҳалокатга олиб борувчи дардлардан бўлиб, инсоннинг ундан холи бўлиши қийин. Кибрни йўқ қилиш фарзи айндир. Кибр ўз-ўзидан йўқ бўлмайди, балки уни турли дармонларни ишлатиб, қунт ва бардавомлик ила даволаш лозим.

Кибрни даволаш икки мақомда бўлади:

Биринчи мақом – кибрни таг-томири билан қўпориб ташлаш.

Бу мақомдаги даволаш илмий ва амалий бўлади. Ҳар иккиси ҳам ишга солинмаса, шифо мукаммал бўлмайди.

Илмий муолажа қуйидагича бўлади: Аввало банда ўзини ва Роббини танисин. Шунинг ўзи ундаги кибрни йўқотиш учун кифоя қилади. Агар банда ўзининг кимлигини ҳақиқатда англаб етса, ҳар бир хордан ҳам хор эканини, ҳар бир кичикдан ҳам кичик эканини билади. Ана шунда унга тавозели бўлиш ва ўзини хокисор тутишдан бошқа нарса тўғри келмаслигини англаб етади.

Агар банда Роббини ҳақиқий равишда таниса, улуғлик У Зотдан бошқага тўғри келмаслигини англаб етади.

Амалий муолажа қуйидагича бўлади: Бунда амалий равишда Аллоҳ таолога тавозе қилинади. Одамларга нисбатан доимий равишда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг, аҳли солиҳларнинг ва тавозелиларнинг ахлоқи ила муомалада бўлинади.

Иккинчи мақом – вақтинча пайдо бўлган кибрни инсонни такаббур қилмайдиган даражага келтириш учун ўзига хос сабаблар ила даволаш.

Агар кибрланиш насаб туфайли бўлса, билсинки, у бошқанинг камолини кўра олмай, ўзини юқори тутмоқда. Шунинг учун отаси ва бобосининг аслини ўргансин. Отасининг асли ифлос нутфа бўлган. Бобосининг асли тупроқ бўлган. Асли шу каби нарсалар бўлган инсонга кибрланишни ким қўйибди?!

Агар кибрланиш жамол туфайли бўлса, ўзининг ичига оқиллар назари билан қарасин, ҳайвон кўзи билан қарамасин.

Агар кибрланиш қувват сабабли бўлса, ўйлаб кўрсин, бир кеча уйқусизлик етса, қуввати кетиб, ожизларнинг ожизига айланиб қолади-ку! Бир кун иситмаси чиқса, қувватини бир неча кунгача қайта тиклай олмай қолади. Оёғига оддийгина тикан кирса нима бўлишини ўйласин.

Агар кибрланиш бойлик сабабли бўлса, ўзидан олдин ўтган ва ҳалокатга учраган бойларнинг ҳолини кўз олдига келтирсин. Офат етиб, бир лаҳзада бир тийинсиз қолиши мумкинлигини эсидан чиқармасин.

Агар кибрланиш илм сабабли бўлса, Аллоҳ таолонинг ҳужжати жоҳилдан кўра олимга таъкидли эканини билиб қўйсин. Илм аҳлининг масъулияти катта эканини эсига олсин.

Ҳар бир мутакаббир Аллоҳ таолодан бошқа ҳеч ким кибрга лойиқ эмаслигини яхши англаб етсин. Кибр қилган банда Аллоҳ таолонинг наздида ёмон кўринишини унутмасин. Ўзидаги кибрни тавозе ила даволаш пайидан бўлсин.

Танбеҳ: Бошқа ахлоқлар каби, кибрда ҳам икки тараф ва ўртачалик бор. Зиёда тарафи «такаббурлик», нуқсонга мойил бўлган тарафи «хорлик» дейилади. Ўртачаси тавозе деб аталади. Яъни кибрга ҳам берилмай, ўзини ҳам хорламай, тавозе кўрсатилади. Ишларнинг яхшиси ўртачасидир.

Бас, ким ўзини тенгдошларидан юқори тутса, мутакаббирдир. Ким ўзини тенгдошларидан паст тутса, мутавозедир. Мўътадил бўлиш яхши. Бунда ҳар бир ҳақ эгасига ўз ҳаққи берилади.

МАНМАНЛИК

Бизда «манманлик» деб аталадиган салбий сифат арабларда «ужуб» дейилади. Бунда киши ўзида бор нарсадан ўзи ажабланади ва мақтанади.

Манманлик уламолар истилоҳида қуйидагича таърифланади: «Ужуб – манманлик неъматни ўзининг фазлидан деб ишониш ва неъмат берувчи Зотни унутишдир».

Муҳаққиқ уламоларимиз «манманлик» билан «кибр»нинг орасида нозик фарқ борлигини таъкидлаганлар:

Кибр ички хулқ бўлиб, ундан амаллар содир бўлади. Мазкур хулқ ўзини устидан кибр қилинаётган шахсдан юқори қўйишдир. Манманлик эса тасаввурдан иборат бўлиб, унда манмандан бошқа одам бўлиши шарт эмас.

Аллоҳ таоло манманликни қоралаб, Қуръони Каримда Тавба сурасида марҳамат қилади:

لَقَدْ نَصَرَكُمُ ٱللَّهُ فِى مَوَاطِنَ كَثِيرَةٍ ۙ وَيَوْمَ حُنَيْنٍ ۙ
إِذْ أَعْجَبَتْكُمْ كَثْرَتُكُمْ فَلَمْ تُغْنِ عَنكُمْ شَيْـًٔا
وَضَاقَتْ عَلَيْكُمُ ٱلْأَرْضُ بِمَا رَحُبَتْ ثُمَّ وَلَّيْتُم
مُّدْبِرِينَ ﴿٢٥﴾

«Батаҳқиқ, Аллоҳ сизларга кўп жойларда нусрат берди. Ҳунайн кунида ҳам. Ўшанда сизни кўплигингиз ажаблантирган эди. Бас, сизга ҳеч фойда бермади ва ер кенг бўла туриб, сизга торлик қилиб қолди. Сўнгра ортга қараб қочдингиз» *(25-оят)*.

Ҳунайн уруши Маккаи Мукаррама фатҳ қилинганидан кейин бевосита бошланганидан унга мазкур фатҳда иштирок этган фотиҳлардан ташқари фатҳ сабабли янги мусулмон бўлган Макка аҳли ва бошқа кўпгина томонлар ҳам чиқишган эди.

Ҳамма янги ғалаба – Исломнинг зоҳир бўлиши нашидасини сураради. Кўпчилик, мусулмонларга ҳеч ким бас келолмайди, деган фикрда эди.

Мусулмон лашкари биринчи марта ўн икки минг кишилик катта лашкарга айланган эди. Кишиларни бу улкан адад ғурурга кетказиб, уларда «Озлик чоғимизда қанчадан-қанча душманларнинг устидан ғолиб чиққанмиз-ку, шунча катта сонга эга бўлиб туриб, ўзимиздан оз сонли мушрикларни енга олмасмидик», деган манманлик пайдо бўлганди.

Аммо Ҳунайн уруши қизиган пайтда аскар ададининг кўплиги ҳеч қандай фойда бермай қолди. Мушриклар қўйган пистирмадан тўсатдан қақшатқич зарбага учраган мусулмонлар ўзларини дарҳол ўнглай олмай қолдилар. Душманнинг кучли босқини туфайли уларга ер юзи торлик қилиб қолди ва

«Сўнгра ортга қараб қочдингиз».

Қочганда ҳам ҳеч нарсага қарамай қочдилар, ҳатто ўз Пайғамбарини ҳам ташлаб қочдилар.

Манманликнинг оқибати ёмонлик экани ҳақида бир қанча ҳадислар ҳам келган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «بَيْنَمَا رَجُلٌ يَمْشِي قَدْ أَعْجَبَتْهُ جُمَّتُهُ وَبُرْدَاهُ إِذْ خُسِفَ بِهِ الْأَرْضُ فَهُوَ يَتَجَلْجَلُ فِي الْأَرْضِ حَتَّى تَقُومَ السَّاعَةُ». رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бир киши ўзининг соч шокиласига ва кийимига маҳлиё бўлиб юриб бораётганида бирдан уни ер ютиб юборди. Энди у қиёмат қоим бўлгунча пастга тушиб бораверади», дедилар».

Икки шайх ривоят қилишган.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтган умматлардан бир киши ўзининг чиройига, кийимига зеб бериб, кеккайгани қандай оқибат ила тугаганини ажойиб васф қилиб бериш ила биз мусулмонларни ўша шахсга ўхшашдан қайтармоқдалар.

Мазкур бадбахтликка гирифтор бўлган одам сочини ҳавас билан ўстирган экан. Унинг сочи елкасига тушиб турар, кийимни ҳам бошқаларга кўз-кўз қилиш учун танлаб кийган экан. У кунлардан бир кун **«ўзининг соч шокиласига ва кийимига маҳлиё бўлиб юриб бораётганида, бирдан уни ер ютиб юборди»**.

Бунга ўхшаш нобакорларни, ўзини ўзгалардан арзимаган нарса ила устун қўядиганларни, кийими ила манманлик ва мутакаббирлик қиладиганларни ер ҳам ўз устида олиб турмай ютиб юборишга тайёр экан.

Аммо уни ер ютиши билан иш битиб қолмайди. Балки Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам айтганларидек, энди у қиёмат қоим бўлгунича пастга тушиб бораверади.

Яъни у қиёматгача ер ютиш азобини чекиб, қийналиб туради. Қиёмат куни унинг ҳоли қандай бўлишини эса Аллоҳ таолонинг Ўзи белгилайди.

Ким ана ўша ҳолга учрамай деса, зинҳор манманлик қилмасин.

عَنِ ابْنِ عُمَرَ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَنْ جَرَّ ثَوْبَهُ خُيَلَاءَ لَمْ يَنْظُرِ اللهُ إِلَيْهِ يَوْمَ الْقِيَامَةِ». فَقَالَتْ أُمُّ سَلَمَةَ: فَكَيْفَ يَصْنَعْنَ النِّسَاءُ بِذُيُولِهِنَّ؟ قَالَ: «يُرْخِينَ شِبْرًا». فَقَالَتْ: إِذًا تَنْكَشِفُ أَقْدَامُهُنَّ. قَالَ: «فَيُرْخِينَهُ ذِرَاعًا لَا يَزِدْنَ عَلَيْهِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَصَاحِبَاهُ.

Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким манманлик ила кийимини судраб юрса, қиёмат куни Аллоҳ унга назар солмас», дедилар. Шунда Умму Салама:

«Аёллар этакларини қандай қиладилар?» деди.

«Бир қарич тушириб оладилар», дедилар у зот.

«Ундай бўлса, оёқлари очилиб қолади», деди у.

«Бир зироъ тушириб оладилар, ундан зиёда эмас», дедилар у зот».

Термизий ва унинг икки соҳиби ривоят қилишган.

Манманликнинг зарарлари:

1. Манманлик гуноҳларни унутишга ва тавбани кечиктиришга олиб боради.

2. Манманлик тоатларни озайтиришга ва уларда нуқсонга йўл қўйишга олиб боради.

3. Манман кишининг ҳаракатлари беҳудадир.

4. Манманлик ғурурга ва одамлардан ўзини юқори тутишга олиб боради ва уларнинг ёмон кўришларига сабаб бўлади.

5. Манманлик қилувчи ўзини ўзи ҳалок қилади.

Манманликнинг офатларидан бири кибрга олиб боришидир. Кибрдан эса кўплаб офатлар туғилиши сир эмас. Агар манманлик ва кибр жам бўлиб қолса, иккиси барча фазилатларни йўққа чиқаради ва ҳамма разолатларни жалб қилади. Ким мазкур икки нарсага эга бўлса, насиҳатга қулоқ осмайди ва тарбияни қабул қилмайди.

МАНМАНЛИКНИНГ ДАВОСИ

Банда яхши билиши лозимки, уни ҳам, ундаги хислатлар, фазллар ва амалларни ҳам Аллоҳ таолонинг Ўзи халқ қилган. Бас, шундай бўлганидан кейин, олимнинг ўз илми ила, омилнинг ўз амали ила, бойнинг ўз бойлиги ила, кучлининг ўзидаги қувват ила, чиройлининг ўз чиройи ила манманлик қилишининг маъноси қолмайди. Чунки ўша нарсаларнинг барчаси Аллоҳ таолонинг фазлидандир.

Агар биров «Амални ўз қудратим билан қилганман», дейдиган бўлса, «Қудратни қаердан олдинг?» дейилади. Амал бўлиши учун одамнинг ўзи, иродаси ва қудрати бўлиши лозим. Буларнинг ҳаммаси Аллоҳ таолодандир:

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ: «لَنْ يُدْخِلَ أَحَدًا مِنْكُمْ عَمَلُهُ الْجَنَّةَ». قَالُوا: وَلَا أَنْتَ يَا رَسُولَ اللهِ؟ قَالَ: «وَلَا أَنَا إِلَّا أَنْ يَتَغَمَّدَنِيَ اللهُ مِنْهُ بِفَضْلٍ وَرَحْمَةٍ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ مُسْلِمٌ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:
«Сизлардан бирор киши ҳеч қачон ўз амали билан жаннатга кира олмас», дедилар.
Одамлар: «Сиз ҳамми, эй Аллоҳнинг Расули?» дейишди. Ул зот: «Мен ҳам. Агар Аллоҳ мени Ўз раҳмати ва фазли ила ўраб олмаса», дедилар».
Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

Манманликнинг сабаблари ҳам кибрнинг сабабларининг айни ўзидир. Уларни аввал кўриб ўтдик.

Мисол тариқасида насаб билан манманлик қилишни олиб кўрайлик. Шарафли насаб эгаси ота-боболарининг шарафи ила нажот топишни хаёл қилади.

Бунинг иложи қуйидагича: Агар у ўз боболарига хилоф қилса ҳам, кейин бориб уларга қўшилишни орзу қилаётган бўлса, хато қилади. У билиб қўйсинки, боболари тоат-ибодат ва ижобий сифатлари ила шарафли бўлганлар, насаблари билан эмас.

Аллоҳ таоло Ҳужурот сурасида марҳамат қилади:

إِنَّ أَكْرَمَكُمْ عِندَ ٱللَّهِ أَتْقَىٰكُمْ

«Албатта, Аллоҳнинг ҳузурида энг ҳурматлийингиз энг тақводорингиздир» *(13-оят).*

عَنْ سِمَّاكِ بْنِ حُذَيْفَةَ، عَنْ أَبِيهِ قَالَ: قَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «يَا فَاطِمَةَ بِنْتَ رَسُولِ اللهِ، اعْمَلِي لِلَّهِ خَيْرًا، فَإِنِّي لَا أُغْنِي عَنْكِ مِنَ اللهِ شَيْئًا يَوْمَ الْقِيَامَةِ». رَوَاهُ الْبَزَّارُ.

Саммак ибн Ҳузайфадан, у отасидан ривоят қилади:
«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Эй Фотима, Расулуллоҳ қизи! Аллоҳ учун яхши амал қил! Мен қиёмат куни сенга Аллоҳдан бўладиган бирор нарсани қайтара олмайман», дедилар».

Баззор ривоят қилган.

Баъзи кишилар «Шарафли насабга мансуб одам яқинларининг шафоатидан умидвор бўлиши мумкин», дейдилар.

Барча мусулмонлар шафоатдан умидвор бўлишади. Ҳаттоки дўзахга тушган шахс ҳам шафоатдан умид қилади. Аммо гуноҳ кучли бўлса, шафоатнинг кучи етмай қолишини ҳам унутмаслик керак.

Шафоатдан умид қилиб, гуноҳларга ботган одам табибга ишониб, дардга парво қилмаган кимсага ўхшайди. Зотан, табиб баъзи дардларнигина даволаши мумкин, ҳаммасини эмас.

Катта саҳобалар охират хавфида бўлар эдилар. Уларнинг мартабасига етмай туриб, қандай қилиб бепарво бўлиш мумкин?!

Хато фикрга суяниб манманлик қилиш ҳам жуда ёмон нарса. Аллоҳ таоло Фотир сурасида марҳамат қилади:

أَفَمَن زُيِّنَ لَهُۥ سُوٓءُ عَمَلِهِۦ فَرَءَاهُ حَسَنًا

«Ахир қилган ёмон амали ўзига чиройли кўрсатилиб, уни яхши деб билган киши(дан яхшилик чиқармиди)**?!»** деган *(8-оят)*.

Бу манманликни даволаш бошқаларидан кўра мушкул. Ўз фикри ила манманлик қиладиган одам бировнинг насиҳатига қулоқ осмайди. Ўзи нажот деб эътиқод қиладиган нарсани қандай ҳам тарк этиши мумкин?!

Бунинг давоси ўз фикрини доимо танқид остига қўйиш ва у билан ғурурга кетмасликка одатланиш орқали бўлади. Ўз фикрига Қуръони Каримдан, Суннатдан ва

шартлари тўлиқ бўлган ақлий далиллардан шоҳид келтириш билан бўлади. Бу эса Қуръони Карим ва Суннатни яхши билиш ва уламолар мажлисини лозим тутиш орқали амалга ошади.

Умр бўйи илм билан машғул бўлишни ўзига ихтиёр қилмаган киши мазҳаблар орасидаги тортишувларга ўзини урмаслиги лозим. У уламолар баён қилган маънолар билан кифояланади. Тақвони лозим тутади ва тоатларни кўпайтиради.

Ким мазҳабларга ўзини урса ва қўлидан келмаган илмий баҳсларга кўмилса, ҳалокатга учрайди.

БАХИЛЛИК

Ҳар бир мўмин-мусулмон банда эҳтиёт бўлиши лозим бўлган қалб хасталикларидан яна бири бахилликдир.

«Бахиллик» луғатда карамлилик ва сахийликнинг зиддидир.

Уламолар истилоҳида бахиллик бир неча хил таъриф қилинган бўлиб, улар бир-бирларини тўлдириб келади.

Журжоний дейди: «Бахиллик ўз молини ман қилишдир».

Яна: «Ҳожат тушганда ўзидан устун кўришни тарк қилиш бахиллик ҳисобланади», деган.

Ибн Ҳажар: «Бахиллик сақлаб турилган нарсадан талаб қилинганда ман қилишдир», деган.

Шариат истилоҳида «бахиллик» бериш лозим бўлган нафақани қилмасликдир.

Бахиллик энг ёмон хулқлардан бири ҳисобланади.

Бахилликнинг даражаси иккитадир.

1. Ўзида бор нарсага бахиллик қилиш.

2. Ўзгада бор нарсага бахиллик қилиш. Бу энг ёмонидир. Уни Нисо сурасидаги «Улар бахиллик қиладиган

ва одамларни бахилликка буюрадиганлардир», деган оятдан билиб олса ҳам бўлади.

Уламоларнинг таъкидлашларича, бахилликнинг энг ёмони кишининг ўзига ўзи бахиллик қилишидир. Мумсиклик қилиб, молини ўзига сарфламай туриб, бемор бўлиб қолган бахиллар қанча! Улар даволанишга пул сарфлашда ҳам бахиллик қиладилар.

Аллоҳ таоло Оли Имрон сурасида марҳамат қилади:

وَلَا يَحْسَبَنَّ ٱلَّذِينَ يَبْخَلُونَ بِمَآ ءَاتَىٰهُمُ ٱللَّهُ مِن فَضْلِهِۦ هُوَ خَيْرًا لَّهُم ۖ بَلْ هُوَ شَرٌّ لَّهُمْ ۖ سَيُطَوَّقُونَ مَا بَخِلُوا۟ بِهِۦ يَوْمَ ٱلْقِيَٰمَةِ ۗ وَلِلَّهِ مِيرَٰثُ ٱلسَّمَٰوَٰتِ وَٱلْأَرْضِ ۗ وَٱللَّهُ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرٌ ﴿١٨٠﴾

«Аллоҳ Ўз фазлидан берган нарсага бахиллик қиладиганлар буни ўзларига яхшилик деб ҳисобламасинлар. Аксинча, бу уларга ёмонликдир. Қиёмат куни бахиллик қилган нарсалари ила бўйинлари ўралур. Осмонлару ернинг мероси Аллоҳникидир. Ва Аллоҳ қилаётган амалларингиздан ўта хабардордир» *(180-оят).*

Ислом дини таълимоти бўйича, инсоннинг қўлидаги мол унга Аллоҳ Ўз фазлидан берган омонатдир. Шунинг учун у мазкур молни унинг ҳақиқий эгаси – Аллоҳнинг розилиги йўлида сарфлаши керак. Аммо бахиллик қилиб, Аллоҳнинг йўлида сарфланмай, тўпланган мол эгасининг кўзига яхши бўлиб кўрингани билан, аслида яхшилик бўлмайди. Ким бахиллик билан тўплаган молини яхшилик деб ҳисобласа, нотўғри ўйлаган бўлади.

«Аллоҳ Ўз фазлидан берган нарсага бахиллик қиладиганлар буни ўзларига яхшилик деб ҳисобламасинлар. Аксинча, бу уларга ёмонликдир».

Сиртдан қараганда, бахиллик гўё молни муҳофаза қилади. Тарқалиб, йўқ бўлиб кетишидан асрайди. Лекин мол бу беш кунлик дунёда тўпланади, агар ўлиб кетса, қолади. Қолганда ҳам, бахиллик ила тўплангани учун бало-офат бўлиб қолади.

«Қиёмат куни бахиллик қилган нарсалари ила бўйинлари ўралур».

Бу ўралиш қандай бўлишини ҳадиси шарифдан билиб олишимиз мумкин.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «مَنْ آتَاهُ اللهُ مَالًا فَلَمْ يُؤَدِّ زَكَاتَهُ مُثِّلَ لَهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ شُجَاعًا أَقْرَعَ لَهُ زَبِيبَتَانِ يُطَوَّقُهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ، ثُمَّ يَأْخُذُ بِلِهْزِمَيْهِ - يَعْنِي شِدْقَيْهِ - ثُمَّ يَقُولُ: أَنَا مَالُكَ أَنَا كَنْزُكَ». ثُمَّ تَلَا: ﴿وَلَا يَحْسَبَنَّ ٱلَّذِينَ يَبْخَلُونَ بِمَآ ءَاتَىٰهُمُ ٱللَّهُ مِن فَضْلِهِۦ﴾ إِلَى آخِرِ الْآيَةِ. رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳ кимга мол берса-ю, у закотини бермаса, қиёмат куни мол унга икки холли улкан илон бўлиб кўринади ва бўйнига ўралади. Сўнгра икки чаккасидан тишлаб туриб: «Мен молингман, мен сен тўплаган хазинангман», дейди», дедилар. Кейин «Аллоҳ Ўз фазлидан берган нарсага бахиллик қиладиганлар буни ўзларига яхшилик деб ҳисобламасинлар», оятини охиригача ўқидилар».

Бухорий ривоят қилган.

Ибн Жарир раҳматуллоҳи алайҳи ривоят қилган бошқа бир ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бир киши ўз қариндошига келиб, Аллоҳ унга берган фазлдан беришини сўраса, у бахиллик қилиб бермаса, албатта, жаҳаннамдан катта илон чиқиб, тили билан ялаб-ялаб, бўйнига ўралур», деганлар.

Ҳа, инсон қанча яшамасин, қанча мол тўпламасин, барибир бир кун келиб ўлади ва мол-мулкини тарк этади.

«Осмонлару ернинг мероси Аллоҳникидир».

Ҳамма-ҳаммаси Аллоҳга қолади. Ҳеч бир инсон дунёга устун бўлмайди.

«Ва Аллоҳ қилаётган амалларингиздан ўта хабардордир».

Кимнинг бахил, кимнинг бахил эмаслигини жуда ҳам яхши билиб туради.

Аллоҳ таоло Муҳаммад сурасида марҳамат қилади:

إِن يَسْـَٔلْكُمُوهَا فَيُحْفِكْكُمْ تَبْخَلُوا۟ وَيُخْرِجْ أَضْغَٰنَكُمْ ﴿٣٧﴾

«Агар сиздан уларни сўраса, қийнаса, бахиллик қиласизлар ва кекларингизни чиқарур» *(37-оят)*.

Аллоҳ таоло Ўзи яратган бандаларининг сир-асрорларидан, камчилик ва табиатларидан хабардордир. У Зот ҳамма нарсани билади. Шунинг учун ҳам аввалги оятнинг охирида «...ва мол-дунёларингизни сўрамас», деган бўлса ҳам, ушбу оятнинг бошида «Агар сўраб қолса, нима бўлар эди?» деган саволга Ўзи жавоб бериб:

«Агар сиздан уларни сўраса...»

Яъни мол-дунёларингизни беришингизни сўраса, сизга оғир туюлади, мол-дунёларингизни сарфлашга тегишли бўлган амр ҳақида ўйлаб қоласизлар. Ҳа, Аллоҳ сиздан молларингизни сарф қилишни сўраса,

«...қийнаса, бахиллик қиласизлар...»

Яъни «Молларингизни Аллоҳнинг йўлида сарф қилмайсизлар», – демоқда.

Аллоҳ хоҳласа, ана шундай қилиб,

«...кекларингизни чиқарур».

«Сиз ўзингиз сезмаган ҳолда айбларингизни ошкор қилиб қўясиз».

Кейинги оятда эса дин йўлида мол сарфлашда содир бўладиган бахиллик каби қийинчилик қуръоний услубда муолажа қилинади.

هَٰٓأَنتُمْ هَٰٓؤُلَآءِ تُدْعَوْنَ لِتُنفِقُوا۟ فِى سَبِيلِ ٱللَّهِ فَمِنكُم مَّن يَبْخَلُ ۖ وَمَن يَبْخَلْ فَإِنَّمَا يَبْخَلُ عَن نَّفْسِهِۦ ۚ وَٱللَّهُ ٱلْغَنِىُّ وَأَنتُمُ ٱلْفُقَرَآءُ ۚ وَإِن تَتَوَلَّوْا۟ يَسْتَبْدِلْ قَوْمًا غَيْرَكُمْ ثُمَّ لَا يَكُونُوٓا۟ أَمْثَٰلَكُم ﴿٣٨﴾

«Ҳой, сиз, анавилар! Аллоҳнинг йўлида нафақа қилишга чақирилмоқдасиз. Бас, баъзиларингиз бахиллик қилурсизлар. Ва ким бахиллик қилса, албатта, ўз зиёнига бахиллик қилур. Ва, ҳолбуки, Аллоҳ беҳожат, сизлар муҳтожсизлар. Ва агар юз ўгириб кетсангиз, ўрнингизга сиздан бошқа қавмни келтирур, улар эса сизларга ўхшаган бўлмаслар» *(«Муҳаммад» сураси, 38-оят).*

Ояти каримада Аллоҳ таоло инсон табиатининг қанчалик дақиқ билишини таъкидламоқда ҳамда воқелик ҳақида хабардор қилмоқда. Ҳақиқатан ҳам, ушбу ояти карималар нозил бўлиб турган вақтда сахийлик, Аллоҳнинг йўлида холис мол сарфлаш каби фазилатлар кўпчилик мусулмонларга хос бўлиб, уларнинг бу борадаги ишлари мўъжиза даражасига бориб етгани олтин саҳифаларга айланиб, инсоният тарихида боқий қолган. Шу билан бирга, баъзи бахиллар ҳам бўлганки, бу ҳам воқеликдир. Қуръони Карим ушбу оятда шу бахилликни

муолажа қилмоқда. Содир этилган бахиллик муолажа қилинаётгани учун нидо ҳам ўшанга яраша бўлмоқда:

«Ҳой, сиз, анавилар!»

Нима учун молларингизни ортиқча яхши кўрасиз?

«Аллоҳнинг йўлида нафақа қилишга чақирилмоқдасиз. Бас, баъзиларингиз бахиллик қилурсизлар».

Бу жуда ҳам нотўғри иш. Бу мўмин-мусулмон инсонга мутлақо тўғри келмайдиган иш. Наҳотки, молу дунёни ризқ қилиб берган Зот Ўзининг йўлида ўша молу дунёнинг баъзисини нафақа қилишга чақирганда бахиллик қилинса?!

«Ва ким бахиллик қилса, албатта, ўз зиёнига бахиллик қилур».

Ким хайр-эҳсон қилса, Аллоҳнинг йўлида сарф-ҳаражат қилса, ўзига заҳира тўплаган бўлади. Охиратда қачон хоҳласа, ундан олаверади. Ҳа, бу дунёда қилинган нафақа қиёмат куни учун тўплаб қўйилган эҳтиёт жамғарма ҳисобланади. Кимки бу дунёда Аллоҳнинг йўлида, дин йўлида сарф қилишдан қочса, бахиллик қилса, демак, ўзининг охиратдаги жамғармасининг кўпайишига қарши ҳаракат қилган бўлади. Сиртдан молпулни тежаб қолиб, ўзига, оиласига, бола-чақасига ишлатганга ўхшайди-ю, лекин аслини олганда, уларнинг барчасини охират савобидан маҳрум қилган бўлади. Чунки нафақа қилса, ўзига қилган бўлади. Аллоҳ эса ҳеч кимнинг нафақасига муҳтож эмас:

«Ва, ҳолбуки, Аллоҳ беҳожат, сизлар муҳтожсизлар».

«Қўлларингиздаги мол-дунёни вақтинчалик, сизларни синаш учун Аллоҳнинг Ўзи берган-ку! Ўзи берган ўша молдан нафақа қилсангиз, уни сақлаб, кўпайтириб, қайтарадиган ҳам Ўзи-ку! Қайси тарафдан қаралганда ҳам, камбағал – сизлар. Ҳожатманд – сизлар», – дейил-

мокда. Қўлингиздаги молни Аллоҳ берган бўлса, улардан савоб ҳосил бўлса, савобни берувчи ҳам Аллоҳнинг Ўзи бўлса, унда, нима учун Аллоҳнинг дини йўлида бахиллик қиласиз?!

Исломга даъват, динга хизмат қилиш Аллоҳнинг бандасига берган улуғ неъмати ва эъзозидир. Ушбу улуғ ишончга муносиб бўлмай, қўрқоқлик, дангасалик ва бахиллик қилсалар, Аллоҳ берганини қайтариб олиб, Ўз улуғ неъматининг қадрини биладиган бандаларига бериши ҳеч гап эмас.

«Ва агар юз ўгириб кетсангиз, ўрнингизга сиздан бошқа қавмни келтирур...»

Албатта, янги қавм аввалгисига ўхшаб, қўрқоқ, дангаса ва бахил бўлмайди.

«...улар эса сизларга ўхшаган бўлмаслар».

Аллоҳ таоло Нисо сурасида марҳамат қилади:

ٱلَّذِينَ يَبْخَلُونَ وَيَأْمُرُونَ ٱلنَّاسَ بِٱلْبُخْلِ
وَيَكْتُمُونَ مَآ ءَاتَىٰهُمُ ٱللَّهُ مِن فَضْلِهِۦ ۗ وَأَعْتَدْنَا
لِلْكَٰفِرِينَ عَذَابًا مُّهِينًا ﴿٣٧﴾

«Улар бахиллик қиладиган, одамларни бахилликка буюрадиган ва Аллоҳ уларга Ўз фазлидан берган нарсаларни беркитадиганлардир. Ва кофирларга хорловчи азобни тайёрлаб қўйганмиз» *(37-оят).*

Аллоҳ бахилларни, бахилликка буюрадиганларни ва Аллоҳ таоло уларга Ўз фазлидан берган нарсаларни беркитадиганларни хуш кўрмайди. Бахил одам ўз қўлидаги неъматни ўзи яратгани йўқ, балки бу неъматни унга Аллоҳ таоло берган. Аммо бу инсон шу нарсани ўзига ўхшаган, аммо ҳозирда оғир аҳволга тушиб қолган бошқа бир инсонга беришдан қизғанади.

Бахиллик жамият аъзолари ичида бир-бирини кўра олмасликка, турли фитналар келиб чиқишига сабаб бўлади.

عَنْ عَبْدِ اللهِ بْنِ عَمْرٍو رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا قَالَ: خَطَبَ رَسُولُ اللهِ ﷺ فَقَالَ: «إِيَّاكُمْ وَالشُّحَّ، فَإِنَّمَا هَلَكَ مَنْ كَانَ قَبْلَكُم بِالشُّحِّ، أَمَرَهُمْ بِالْبُخْلِ فَبَخِلُوا، وَأَمَرَهُمْ بِالْقَطِيعَةِ فَقَطَعُوا، وَأَمَرَهُمْ بِالْفُجُورِ فَفَجَرُوا». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

Абдуллоҳ ибн Амр розияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам хутба қилдилар ва:

«Бахилликдан сақланинглар. Чунки у сиздан олдингиларни ҳалок қилган. Уларни бахилликка амр қилди, бахиллик қилдилар. Уларни алоқаларни узишга буюрди, уздилар. Фужурга буюрди, фужур қилдилар», дедилар».

Абу Довуд ривоят қилган.

Мазкур номаъқул инсонлар ўзлари бахиллик қилганлари етмагандек, бошқаларни ҳам бахилликка буюрадилар. Шу билан бирга, Аллоҳ таоло томонидан берилган неъматларни беркитадилар. Одамларга кўрсатишдан қочадилар. Одамлар билиб қолмасин деб, ўзлари ҳам емай-ичмай, киймай кун кечирадилар.

عَنْ عِمْرَانَ بْنِ حُصَيْنٍ قَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «إِنَّ اللهَ إِذَا أَنْعَمَ عَلَى عَبْدٍ نِعْمَةً يُحِبُّ أَنْ يَرَى أَثَرَ نِعْمَتِهِ عَلَى عَبْدِهِ». رَوَاهُ الطَّبَرَانِيُّ وَالْبَيْهَقِيُّ.

Имрон ибн Ҳусойндан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Агар Аллоҳ бир бандага неъмат берса, унинг асари ўша бандада зоҳир бўлишини яхши кўради», дедилар».

Табароний ва Байҳақий ривоят қилишган.

Юқорида айтилган ояти карианинг охирида: «Ва кофирларга хорловчи азобларни тайёрлаб қўйганмиз», дейилишидан бу оятлар кимлар ҳақида экани яна ҳам равшан бўлади.

عَنْ أَبِي بَكْرٍ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «لَا يَدْخُلُ الْجَنَّةَ خِبٌّ وَلَا مَنَّانٌ وَلَا بَخِيلٌ».

Абу Бакр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Жаннатга бузғунчи ҳам, миннатчи ҳам, бахил ҳам кирмайди», дедилар».

Ушбу ҳадиси шарифда зикри келган учта ёмон хулқдан узоқда бўлиш зарур.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «خَصْلَتَانِ لَا تَجْتَمِعَانِ فِي مُؤْمِنٍ: الْبُخْلُ، وَسُوءُ الْخُلُقِ». رَوَاهُمَا التِّرْمِذِيُّ.

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Икки хислат мўминда жам бўлмайди: бахиллик ва бадхулқлик», дедилар».

Иккисини Термизий ривоят қилган.

Мўминлик улкан шарафдир. Мўмин киши ҳусни хулқ соҳиби бўлади. Унда бахиллик ва бадхулқлик каби ёмон хислатлар мутлақо бўлмайди. Бунга ўхшаш ёмон ахлоқлар билан иймон бир шахсда жам бўла олмайди.

Бахилликнинг зарарлари:

1. Бахиллик иймон билан жам бўлмайди.
2. Бахиллик кўпгина нуқсонларнинг аслидир.
3. Бахиллик кўплаб ёмон хислатларга сабаб бўлади.
4. Бахиллик Аллоҳ таолога ёмон гумонда бўлиш аломатидир.
5. Бахиллик ақлнинг озлиги ва тадбирнинг ёмонлигига далилдир.
6. Бахиллик инсонни ҳалокатга элтувчидир.
7. Бахиллик ахлоқни бузувчидир.
8. Бахиллик улуғнинг обрўсини тўкади.
9. Бахил бу дунёда маҳрумдир, охиратда малъундир.

Бахилликнинг чегараси:

Уламолар бахилликнинг чегараси ҳақида ўзига хос баҳс юритганлар. Баъзилар: «Сарф қилиниши вожиб бўлган нарсани ман қилиш бахилликдир. Ўзига вожиб бўлган нарсани адо қилган шахс бахил бўлмайди», деганлар.

Бу гап унчалик тўғри эмас. Аҳли аёлига ҳоким белгилаб берган миқдордаги нафақани бериб, ундан зиёда ҳеч нарса бермай қўйган одам бахил бўлади. Аслида бахилликдан қутулиш учун шариатда вожиб қилинган миқдорни бериш билан бирга, мурувват тақозо қиладиган нарсани ҳам сидқидилдан бериш керак бўлади.

Шариат вожиб қилган нарса закот ва аҳли аёлнинг нафақасидир.

Мурувват тақозо қиладигани эса торлик вужудга келтирмаслик ва майда-чуйда нарсаларга ҳам эътибор беравермасликдир. Чунки бу ҳолатни одамлар «пасткашлик» дейдилар.

Бу нарса ҳолат ва шахсларга қараб турлича бўлади. Камбағал учун оддий ҳолат бўлган нарса бой учун пасткашлик бўлиши мумкин. Кишининг тор олиши бола-чақасига нисбатан пасткашлик бўлса ҳам, бегонага нисбатан ундай бўлмаслиги мумкин.

Бахил – шариат ҳукми ва мурувват тақозоси ила ман қилиш мумкин бўлмаган нарсани ман қилган шахсдир.

Шариат вожиб ва мурувват тақозо қилган нарсани бемалол сарф қилган киши бахил дейилмайди. Аммо бундан ҳам зиёдани сарф қилмагунча сахий ҳам бўла олмайди.

БАХИЛЛИКНИНГ ДАВОСИ

Бахилликнинг асосий сабаби молга бўлган ортиқча муҳаббатдир. Бу муҳаббатнинг икки сабаби бор:

Биринчиси – орзуни узун қилган ҳолда молсиз эришиб бўлмайдиган шаҳватларга муҳаббат қўйиш. Умиди узун бўлмаса, бола-чақаси ҳам узун орзу ўрнига ўтаверади.

Иккинчиси – молнинг ўзига муҳаббат қўйиш.

Баъзи одамларнинг бир умрга етиб, ортадиган молмулки бўлади. Ўзи қариб, бир оёғи тўрда-ю, бир оёғи гўрда аҳволда бўлади. Шунда ҳам ўзига вожиб бўлган молни чиқармайди, садақа ҳам қилмайди. Ўлса, моли душманларига қолишини ёки зое бўлишини ҳам билади. Бу давоси йўқ дарддир.

Бу худди бир одамни яхши кўриб юриб, унинг элчиси келганда маҳбубни қўйиб, элчини яхши кўриб қолган одамга ўхшайди. Зотан, мол-дунё ҳожатларни чиқарувчи элчидир. Ҳожатини эсидан чиқариб, воситанинг ўзига муҳаббат қўйиш залолатдан бошқа нарса эмас.

Ҳар бир нарсанинг иложи унинг зидди билан бўлади. Шаҳватларга берилиш қаноат ва сабр билан даволанади. Умидни узун қилиш ўлимни кўп эслаш билан даволанади.

Ўзида бахиллик дардининг аломатларини сезган одам унинг ёмонлиги ҳақидаги оят ва ҳадисларни кўп ўқиб юрсин. Бахилликнинг зарарлари ва оқибатини эсга олсин. Сахийликни эсга солувчи оят ва ҳадисларни ўқиб, амалини шунга тўғриласин.

МОЛ-ДУНЁГА МУНОСАБАТ

Исломда мол-дунёнинг айни ўзи ёмонланмайди. Балки одамнинг молу дунёга бўлган муносабатидаги маъно ёмонланади. Одам боласидаги мазкур маъно молга ҳирс қўйиш, уни ҳаромдан топиш, ҳаққини адо этмаслик, ноўрин сарфлаш ёки у билан фахрланиш кабиларда акс этиши мумкин.

Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло Анфол сурасида марҳамат қилади:

وَٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّمَآ أَمْوَٰلُكُمْ وَأَوْلَٰدُكُمْ فِتْنَةٌ وَأَنَّ ٱللَّهَ عِندَهُۥٓ أَجْرٌ عَظِيمٌ ﴿٢٨﴾

«Ва билингки, молларингиз ва фарзандларингиз фитнадан ўзга нарса эмас ва албатта, Аллоҳнинг ҳузурида улуғ ажр бордир» *(28-оят).*

عَنْ كَعْبِ بْنِ مَالِكٍ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَا ذِئْبَانِ جَائِعَانِ أُرْسِلَا فِي غَنَمٍ بِأَفْسَدَ لَهَا مِنْ حِرْصِ الْمَرْءِ عَلَى الْمَالِ وَالشَّرَفِ لِدِينِهِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَالْإِمَامُ أَحْمَدُ.

Каъб ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Кишининг мол-мулк ва шарафга бўлган ҳирси унинг дини учун қўйлар орасига қўйиб юборилган икки оч бўридан ҳам қўрқинчлидир».

Термизий ва Аҳмад ривоят қилишган.

Молга ҳирс қўйиш оқибатида киши Аллоҳ таолога бандаликдан чиқиб, мол-дунёнинг бандасига айланади.

Мол-дунё нимани амр қилса, шуни бажарадиган бўлиб қолади. Мол-дунё эса ўзига ҳирс қўйган одамни ҳеч нарсадан қайтмасликка амр этади. Оқибатда унга банда бўлган шахс барча гуноҳлар ва ёмонликлардан тап тортмайдиган бўлиб қолади.

Салафи солиҳлар мол-дунё фитнасидан жуда ҳам қўрққанлар.

Яҳё ибн Муъоз: «Дирҳам чаёндир. Агар унинг дамини яхши билмасанг, зинҳор олмагин. Борди-ю у сени чақиб олса, заҳри ўлдиради», деди. «Унинг дами нима?» дейилди. «Унинг дами ҳалолдан топиб, ҳалолга сарфлашдир», деди.

Мол-дунёнинг мадҳи:

Мол-дунё дин ва дунё фойдаси учун восита бўлиши мумкин. Аллоҳ таоло уни «яхшилик» деб номлаган. Одам боласининг бу дунёдаги юришининг мол-дунёга боғлиқлиги ҳам бор.

Аллоҳ таоло Нисо сурасида марҳамат қилади:

وَلَا تُؤْتُوا۟ ٱلسُّفَهَآءَ أَمْوَٰلَكُمُ ٱلَّتِى جَعَلَ ٱللَّهُ لَكُمْ قِيَٰمًا

«Аллоҳ сизларга (ҳаёт) **тиргаги қилиб қўйган молларингизни эси пастларга берманг»** *(5-оят)*.

Бу амрнинг баёнида «молларини» демасдан, «молларингизни» деб хитоб қилинишида ҳам катта ҳикмат бор. Қуръони Карим эсипастларнинг хусусий молларига ҳам жамоатнинг моли деб қарамоқда. Демак, мусулмонлар қўлидаги мол-мулк айни вақтда мусулмон жамоасининг ҳам мол-мулки ҳисобланади. Ўша мол бекордан-бекорга совурилмаслиги учун жамоат ҳам жавобгардир. Чунки мол-мулк ҳам якка шахсларнинг, ҳам жамоаларнинг ҳаётида улкан қийматга эга. Шунинг учун ҳам уни Аллоҳ таоло ояти каримада **«Аллоҳ сизларга** (ҳаёт) **тир-**

гаги қилиб қўйган», деб таърифлаяпти. Ҳа, бу дунёда мол-мулкка Ислом шундай назар билан қарайди.

عَنْ حَكِيمِ بْنِ حِزَامٍ ﷺ قَالَ: سَأَلْتُ رَسُولَ اللهِ ﷺ فَأَعْطَانِي، ثُمَّ سَأَلْتُهُ فَأَعْطَانِي، ثُمَّ سَأَلْتُهُ فَأَعْطَانِي، ثُمَّ قَالَ: «يَا حَكِيمُ، إِنَّ هَذَا الْمَالَ خَضِرَةٌ حُلْوَةٌ، فَمَنْ أَخَذَهُ بِسَخَاوَةِ نَفْسٍ بُورِكَ لَهُ فِيهِ، وَمَنْ أَخَذَهُ بِإِشْرَافِ نَفْسٍ لَمْ يُبَارَكْ لَهُ فِيهِ، كَالَّذِي يَأْكُلُ وَلَا يَشْبَعُ». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ إِلَّا أَبَا دَاوُدَ.

Ҳаким ибн Ҳизом розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан сўраган эдим, бердилар. Яна сўрадим, бердилар. Сўнгра яна сўровдим, яна бердилар ва: «Эй Ҳаким, албатта, бу мол яхшидир, ширинди̇р. Ким уни саховатли нафс билан олса, унга баракали бўлур. Ким уни қизғанчиқ нафси билан олса, унга баракали бўлмас. Худди еб тўймайдиганга ўхшайди», дедилар».

Бешовларидан фақат Абу Довуд ривоят қилмаган.

Саъид ибн Мусайяб: «Ҳалол мол жамлашни истамайдиган шахсда яхшилик йўқ. Зотан, ўша мол ила унинг бошқаларга ҳожати тушмайди, силаи раҳм қилади ва унинг ҳаққини беради», деган.

Абу Исҳоқ Субайъий дейди: «Азизларимиз молиявий кенгчиликни динга ёрдам деб билар эдилар».

Суфён Саврий: «Бизнинг замонимизда мол мўминнинг силоҳидир», деган.

Хулоса қилиб айтганда, мол-дунё ҳам заҳари, ҳам тирёқи бор илонга ўхшайди. Заҳари зарарлари, тирёқи фойдаларидир.

Ким унинг фойда ва зарарларини яхши билиб олса, фойдасидан манфаат олиши ва зараридан сақланиши лозим бўлади.

Мол-дунёнинг фойдалари:

Мол-дунёнинг фойдалари дунёвий ва диний бўлади.

Унинг дунёвий фойдаларини ҳамма яхши билади ва шунинг учун кўпчилик ўзини унга уради.

Унинг диний фойдалари уч турлидир:

Биринчиси – молни ўзи учун сарф қилиш. Бунда ҳаж ва умрага ўхшаш ибодатларга ёки ейиш, ичиш, кийим ва маскан каби яшаш учун зарур бўлган ибодатга ёрдам берувчи нарсаларга сарфланади.

Мазкур ҳожатлар қондирилмас экан, қалб дин-диёнат ва ибодат учун фориғ бўлмайди. Ибодатга етиштирадиган нарса ҳам ибодатдир. Бас, мол-дунёдан дину диёнат учун кифоя қиладиган миқдорини олиш диний фойдадир.

Эҳтиёждан ташқари, ортиқча сарф-ҳаражат дунёнинг насибаларидан бўлади.

Иккинчиси – молни бошқа кишиларга сарф қилиш.

Бу тўрт қисмдан иборатдир:

1. Садақа. Унинг фазилатлари маълум ва машҳурдир.

2. Мурувват. Бунда молу дунёни бой-бадавлат, шарафли кишиларга зиёфат, ҳадя, ёрдам шаклида сарф қилинади. Бу ҳам диний фойдалардандир. Зотан, булар ила киши дўст ва биродарлар орттиради.

3. Обрўни сақлаш. Бунга шоирларнинг ҳажвини даф қилиш ва эсипастларнинг айбловини қайтариб, тилини тийиш учун мол сарфлаш киради. Бу ҳам диний фойдаларга киради. Чунки бу билан ғийбатчини ғийбат гуноҳидан ман қилади ва унинг гапи келтириб чиқариши мумкин бўлган шариатга хилоф ишларнинг олди олинади.

4. Хизматчига хизмат ҳаққи сифатида бериладиган мол.

Инсоннинг ҳожати тушадиган ишлар жуда кўп ва турли-тумандир. Уларнинг барчасини ўзи қиламан деса, қўлидан келмаслиги ва вақти зое бўлиши мумкин. Шу билан бирга, бу уни ҳар бир банда учун зарур бўлган фикр ва зикрдан қолдириши бор. Бас, ҳожати тушган нарсасини мутахассис одамга қилдириб, унга ҳақ берган афзал. Ана ўша берилган ҳақ ҳам молнинг диний фойдаларидан ҳисобланади.

Учинчиси – инсон кўпчилик фойдаси учун сарф қиладиган мол-дунё. Бунга масжид, мадраса ёки кўприк қуриш каби ишлар ва турли вақфлар киради.

Ушбу зикр қилинганлардан ташқари, молнинг тиланчилик хорлигидан, фақирлик ҳақоратидан халос бўлиш, иззатли, карамли ва виқорли бўлиш каби фойдалари ҳам бор.

Мол-дунёнинг зарарлари:

Мол-дунёнинг зарарлари ҳам диний ва дунёвий бўлади.

Унинг диний зарарлари уч хилдир:

1. Ғолиб бўлган мол-дунё ўз эгасини маъсиятларга бошлайди. Одатда инсон ўзида маъсиятга қудрат борлигини ҳис қилса, унга талпина бошлайди. Мол-дунё ҳам ўз эгасини маъсиятга чорловчи омиллардан бири ҳисобланади. Қачон инсоннинг маъсиятдан умиди узилса, унга талпинмай қўяди.

Маъсиятга қудрати етадиган инсон нафсининг кўйига тушса, ҳалок бўлади. Сабр қиламан деса, қийналади. Бойликнинг фитнаси камбағалликнинг фитнасидан кўра шиддатли бўлади.

2. Мол-дунё ўз эгасини мубоҳ нарсаларда маишатпарастликка чорлайди. Бора-бора маишатпарастлик

унинг одатига айланиб, ундан жудо бўлишга чидай олмай қолади. Кейинроқ бу дард шубҳали нарсаларга қўл уришга мажбур қилади.

Сўнг муросасозликка ва мунофиқликка ўтади. Чунки моли кўпайганнинг одами ҳам кўпаяди. Кўпчилик билан муомалада нифоқ, адоват, ҳасад ва ғийбатдан холи бўлиш қийин. Буларнинг барчаси молни кўпайтириш учун қилинади.

3. Мол-дунёнинг энг катта ва кўп тарқалган зарарларидан бири шуки, у ўз эгасини Аллоҳ таолонинг зикридан чалғитади.

Зироатчи бойнинг фикр-хаёли деҳқонларни ишлатиш, уларнинг хиёнатининг олдини олиш, қўшнилар билан сув талашиш, ҳосилни йиғиб олиб сотиш, соликчиларнинг таъқибидан қутулиш каби нарсалар билан банд бўлади.

Тижоратчи бой эса божхонани алдаб ўтиш, тижорат молини авайлаб-асраш, қимматроқ сотиш ва соликчилар билан бўладиган машмашалар қуршовида бўлади.

Тўпланган бойликни сақлаш ва уни бировга билдирмаслик чоралари ҳамма бойларнинг умумий машғулоти экани ҳаммага маълум. Уларнинг моллари кўпайган сари ғам-ташвишлари ҳам ортиб бораверади.

ҲИРС ВА ТАМАГИРЛИК ҲАМДА ҚАНОАТ

Мусулмон инсон мол-дунёга ҳирс қўймайди ва кишилар қўлидаги бойликка тамагирлик қилмайди. У зарур нарса билан кифояланади ва борига қаноат қилади.

Тамагирлик арабча «тамаъа» сўзидан олинган бўлиб, бир нарсани қалбдан кучли орзу қилишга айтилади. «Тама қилди» билан «ҳирс қўйди» жумласи бир хил маънони англатади.

Роғиб «Муфрадот»да таманинг таърифида: «Тама нафснинг бир нарсага шаҳват ила боғланишидир», деган *(207-бет)*.

Агар тама Аллоҳ таолонинг раҳматини орзу қилиш маъносида бўлса, яхши ҳисобланади. Бунга Иброҳим алайҳиссаломнинг тамалари мисол бўлади.

Аллоҳ таоло Шуаро сурасида Иброҳим алайҳиссаломнинг тамаларини шундай баён қилади:

وَٱلَّذِىٓ أَطْمَعُ أَن يَغْفِرَ لِى خَطِيٓـَٔتِى يَوْمَ ٱلدِّينِ ﴿٨٢﴾

«Ва менинг хатоимни қиёмат куни мағфират қилишидан умидвор бўлганим (тама қилганим) **ҳам Унинг Ўзи»** *(82-оят)*.

Аллоҳ таоло Ўзига хавф ва тама билан дуо қиладиганларни мадҳ этган.

Аллоҳ таоло Сажда сурасида марҳамат қилади:

تَتَجَافَىٰ جُنُوبُهُمْ عَنِ ٱلْمَضَاجِعِ يَدْعُونَ رَبَّهُمْ خَوْفًا وَطَمَعًا وَمِمَّا رَزَقْنَٰهُمْ يُنفِقُونَ ﴿١٦﴾

«Ёнбошлари ётар жойдан йироқ бўлур. Роббиларига қўрқув ва умидворлик (тама) **ила дуо қилурлар ва ўзларига ризқ қилиб берган нарсаларимиздан нафақа қилурлар»** *(16-оят)*.

Аммо тама дунёнинг ўткинчи ҳойи-ҳаваси йўлида бўлса, ёмон нарса ҳисобланади.

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу: «Билингки, тама фақирликдир. Тама қилмаслик бойликдир», деган.

Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу айтади: «Кўпгина ақлларнинг қулаши тамаларнинг чақмоғидандир».

Каъб ва Абдуллоҳ ибн Салом розияллоҳу анҳумо бирга бўлганларида Каъб розияллоҳу анҳу:

«Эй Ибн Салом! Илм арбоблари кимлар?» деб сўради.

«Унга амал қилувчилар», деди.

«Билганларидан кейин уламоларнинг қалбидан илмни кетказган нарса нима?» деди.

«Тамагирлик, нафснинг очкўзлиги ва одамлардан ҳожатини раво қилишларини сўраш», деб жавоб берди.

Тамагирликнинг зараралари:

1. Тамагирлик иймон заифлигининг аломатидир.
2. Тамагирлик Аллоҳ таолога бўлган ишончдаги нуқсондир.
3. Тамагирлик саховат соҳиби бўлган Аллоҳ таоло ҳақида ёмон гумонда бўлишдир.
4. Тамагирлик ўз эгасига доимий камбағалликни жалб қилади.
5. Тамагирлик доимий чарчоқликдир.

عَنْ أَبِي سَعِيدٍ الْخُدْرِيِّ ﷺ: إِنَّ نَاسًا مِنَ الْأَنْصَارِ سَأَلُوا رَسُولَ اللهِ ﷺ فَأَعْطَاهُمْ، ثُمَّ سَأَلُوهُ فَأَعْطَاهُمْ، ثُمَّ سَأَلُوهُ فَأَعْطَاهُمْ حَتَّى نَفِدَ مَا عِنْدَهُ، فَقَالَ: «مَا يَكُونُ عِنْدِي مِنْ خَيْرٍ فَلَنْ أَدَّخِرَهُ عَنْكُمْ، وَمَنْ يَسْتَعْفِفْ يُعِفَّهُ اللهُ، وَمَنْ يَسْتَغْنِ يُغْنِهِ اللهُ، وَمَنْ يَتَصَبَّرْ يُصَبِّرْهُ اللهُ، وَمَا أُعْطِيَ أَحَدٌ عَطَاءً خَيْرًا وَأَوْسَعَ مِنَ الصَّبْرِ». رَوَاهُ الْخَمْسَةُ.

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Ансорийлардан бир қанча одамлар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан (мол) сўрашди. Бас, у зот уларга бердилар. Сўнгра яна сўрашди, яна бердилар. Яна сўрашди, яна бердилар. Ҳаттоки ҳузурларидаги нарса қолмади. Шунда у зот:

«Ҳузуримда не яхшилик бўлса, сизларга бермай олиб қолмасман. Ким иффатталаб бўлса, Аллоҳ уни иффатли қилур. Ким беҳожатлик талаб қилса, Аллоҳ уни беҳожат қилур. Ким сабр талаб қилса, Аллоҳ уни сабрли қилур. Ҳеч кимга сабрдан кўра яхшироқ ва кенгроқ неъмат берилмаган», дедилар».

Бешовлари ривоят қилишган.

Ушбу ҳадиси шарифда мусулмон инсон ўзига берилган ризқ қанча бўлса, ўшанга чидаб, қаноат ҳосил қилиб юриши яхши экани тарғиб қилинган. Мусулмон инсон турмушни яхши таъминлаш учун имкониятидаги барча ҳалол воситаларни ишга солиб, ҳаракат қилаверади. Аммо ризқ бериш Аллоҳдан эканини ҳеч қачон унутмайди. Шунинг учун ўзига берилган ризқ-насиба Аллоҳ таолонинг иродаси ила бўлган, деб билади. Оз бўлса, норози бўлмайди, кўп бўлса, ҳовлиқиб кетмайди. Чунки Аллоҳ таолонинг иродасига қарши чиқиш мусулмон одам учун тўғри эмас.

Мазкур ривоятда мусулмон инсон ўзига берилган ва берилмаган ризққа нисбатан қандай йўл тутиши лозимлиги ҳақида бир неча кўрсатмалар берилмоқда:

«Ким иффатталаб бўлса, Аллоҳ уни иффатли қилур».

Ўзи учун бировнинг молидан умидвор бўлишни ор деб билиш. Ким ўзини иффатли тутишга уринса, Аллоҳ таоло уни иффатли қилиб қўйиши турган гап.

«Ким беҳожатлик талаб қилса, Аллоҳ уни беҳожат қилур».

Ўзида бировнинг сариқ чақасига ҳам эҳтиёжи йўқлигини изҳор қилиш.

Аллоҳ таоло кишининг кўзини тўқ қилиб қўйса, ундан ҳеч бир очкўзлик содир бўлмас экан.

«Ким сабр талаб қилса, Аллоҳ уни сабрли қилур».

Сабр Аллоҳ таоло томонидан бандага инъом этилган энг катта ва кенг неъмат ҳисобланади. Сабрли киши ризқнинг озига ҳам, йўқчиликка ҳам чидаб, ўзини хор қилмай, бошини тик тутиб кун кўради. Сабр неъматидан бебаҳра банда эса дунёнинг ярмига эга бўлса ҳам, тийиннинг устида ўмбалоқ ошиб ўзини хор қилади, очкўзлигини билдириб қўяди.

Мусулмон одам ўзига Аллоҳ таоло томонидан берилган етарли ризққа сабр қилиб, қаноатли бўлиб ўтса, дунёдаги энг катта нажотга эришган шахс бўлар экан.

Ҳақиқий бойлик мол-дунёнинг кўплигида эмас, нафснинг тўқлигидадир.

Абу Ҳозим: «Кимда уч нарса бўлса, ақли расо бўлур: ўзини билса, Аллоҳ таоло берган ризққа қаноат қилса ва тилини тийса», деган.

Баъзи ҳукамолар шундай демишлар: «Агар тамагирликка:

«Отанг ким?» дейилса,

«Қадарга шак келтириш», дейди.

«Ҳунаринг нима?» дейилса,

«Хорликни касб қилиш», дейди.

«Ғоянг нима?» дейилса,

«Маҳрумлик», дейди.

Тамагирлик азизни хор қилади. Тамасизлик хорни азиз қилади.

ҲИРС ВА ТАМАГИРЛИКНИНГ ДАВОСИ

Бу даво сабр, илм ва амалдан иборатдир.

Унинг юзага келиши беш нарса ила бўлади:

1. Маишатда тежамкор бўлиш ва сарф-харажатда мулойим бўлиш.

Ким қаноатли бўлишни истаса, имкони борича ўзидан харажат эшигини беркитишга ҳаракат қилади. Наф-

сини фақат зарур нарсалар билан кифоялантиришга уринади. Муяссар бўлган таомга қаноат қилади. Хўракни иложи борича озайтиради. Кийимда ҳам содда бўлишга ҳаракат қилади. Мазкур нарсаларни ўзига одат қилиб олади. Оила аъзоларини ҳам шунга ўргатади.

عَنِ ابْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللهُ عَنْهُمَا: أَنَّ نَبِيَّ اللهِ ﷺ قَالَ: «إِنَّ الْهَدْيَ الصَّالِحَ وَالسَّمْتَ الصَّالِحَ وَالْاِقْتِصَادَ جُزْءٌ مِنْ خَمْسَةٍ وَعِشْرِينَ جُزْءًا مِنَ النُّبُوَّةِ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ وَلَفْظُهُ: «السَّمْتُ الْحَسَنُ وَالتُّؤَدَةُ وَالْاِقْتِصَادُ جُزْءٌ مِنْ أَرْبَعَةٍ وَعِشْرِينَ جُزْءًا مِنَ النُّبُوَّةِ».

Ибн Аббос розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набийюллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Солиҳлик йўли, солиҳлик ҳайъати ва иқтисод нубувватнинг йигирма беш жузидан бир жуздир», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

Термизийнинг лафзида:

«Гўзаллик ҳайъати, шошмаслик ва иқтисод нубувватнинг йигирма тўрт жузидан бир жуздир», *дейилган.*

Солиҳлик ҳайъати – гўзал кўриниш, аҳли солиҳларнинг кўриниши. Иқтисод – гап-сўз, хатти-ҳаракат ва барча ишларда тежамкор бўлиш. Албатта, бу каби фазилатлар ҳусни хулқдандир.

وَلِلتِّرْمِذِيِّ وَمُسْلِمٍ: «قَدْ أَفْلَحَ مَنْ أَسْلَمَ وَكَانَ رِزْقُهُ كَفَافًا وَقَنَّعَهُ اللهُ». وَفِي رِوَايَةٍ: «طُوبَى لِمَنْ هُدِيَ إِلَى الْإِسْلَامِ وَكَانَ عَيْشُهُ كَفَافًا وَقَنِعَ».

Термизий ва Муслим қилган ривоятда:

«Ким мусулмон бўлиб, ризқи учма-уч бўлса ва Аллоҳ унга қаноат берса, батаҳқиқ, нажот топибди», *дейилган.*

Бошқа бир ривоятда:

«Исломга ҳидоят қилиниб, маишати учма-уч бўлиб, қаноат қилган одамга яхшилик бўлсин», *дейилган.*

2. Ўзига етарли нарса муяссар бўлганда, келажаги учун изтиробга тушмаслик.

Ризқи албатта келишига қаттиқ ишонади. Шайтоннинг унга фақирлик ваъда қилишига ишонмайди.

Аллоҳ таоло Ҳуд сурасида марҳамат қилади:

۞ وَمَا مِن دَآبَّةٍ فِي ٱلْأَرْضِ إِلَّا عَلَى ٱللَّهِ رِزْقُهَا وَيَعْلَمُ مُسْتَقَرَّهَا وَمُسْتَوْدَعَهَا ۚ كُلٌّ فِي كِتَٰبٍ مُّبِينٍ ﴿٦﴾

«Ер юзидаги жонзот борки, уларнинг ризқи Аллоҳнинг зиммасидадир. У уларнинг қароргоҳларини ҳам, сақланиб турадиган жойларини ҳам билур. Ҳаммаси очиқ-ойдин китобда бордир» *(6-оят).*

Ер юзида ўрмалаган нарса – одамзод, ҳайвонот, ҳашарот, қурт-қумурсқа ва бошқа жонзотлар. Шуларнинг ҳаммасига Аллоҳ таоло ризқ беради. Ҳаммасининг юргани, тургани, туғилгани ва бошқа ҳолатларини билади.

عَنِ ابْنِ مَسْعُودٍ ﷺ: أَنَّ رَسُولَ اللهِ ﷺ قَالَ: «لَيْسَ مِنْ عَمَلٍ يُقَرِّبُ إِلَى الْجَنَّةِ إِلَّا قَدْ أَمَرْتُكُمْ بِهِ، وَلَا عَمَلَ يُقَرِّبُ إِلَى النَّارِ إِلَّا قَدْ نَهَيْتُكُمْ عَنْهُ، لَا يَسْتَبْطِئَنَّ أَحَدٌ مِنْكُمْ رِزْقَهُ، إِنَّ جِبْرِيلَ عليه السلام أَلْقَى فِي رَوْعِي أَنَّ أَحَدًا مِنْكُمْ لَنْ يَخْرُجَ مِنَ الدُّنْيَا حَتَّى يَسْتَكْمِلَ رِزْقَهُ،

فَاتَّقُوا اللهَ أَيُّهَا النَّاسُ، وَأَجْمِلُوا فِي الطَّلَبِ، فَإِنِ اسْتَبْطَأَ أَحَدٌ مِنْكُمْ رِزْقَهُ فَلَا يَطْلُبْهُ بِمَعْصِيَةِ اللهِ، فَإِنَّ اللهَ لَا يُنَالُ فَضْلُهُ بِمَعْصِيَةٍ».

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар:

«Жаннатга яқинлаштирадиган нимаики амал бўлса, албатта, сизларни унга амр қилдим. Дўзахга яқинлаштирадиган нимаики амал бўлса, албатта, сизларни ундан қайтардим. Бирортангиз ўз ризқини зинҳор кеч қолди, демасин. Жаброил алайҳиссалом сиздан бирор киши ризқи мукаммал бўлмасдан бу дунёдан чиқмаслигини кўнглимга солди. Эй одамлар Аллоҳдан қўрқинг. Талабни чиройли қилинг. Агар биринги ризқи кечикди деб ўйласа, бас, уни Аллоҳга маъсият қилиш ила талаб қилмасин. Чунки Аллоҳнинг фазлига маъсият ила етишилмас».

عَنْ أَبِي أُمَامَةَ ﷺ قَالَ النَّبِيُّ ﷺ: إِنَّ رُوحَ الْقُدُسِ نَفَثَ فِي رَوْعِي أَنَّ نَفْسًا لَنْ تَمُوتَ حَتَّى تَسْتَكْمِلَ أَجَلَهَا وَتَسْتَوْعِبَ رِزْقَهَا، فَاتَّقُوا اللهَ وَأَجْمِلُوا فِي الطَّلَبِ، وَلَا يَحْمِلَنَّ أَحَدَكُمُ اسْتِبْطَاءُ الرِّزْقِ أَنْ يَطْلُبَهُ بِمَعْصِيَةِ اللهِ، فَإِنَّ اللهَ تَعَالَى لَا يُنَالُ مَا عِنْدَهُ إِلَّا بِطَاعَتِهِ». رَوَاهُ ابْنُ أَبِي الدُّنْيَا.

Абу Умома розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Руҳул қудус «Нафс ажали етмагунича ва ўз ризқини тўлалигича олмагунича зинҳор ўлмас. Аллоҳга

тақво қилинглар, талаби ризқни гўзал қилинглар, ризқнинг кеч қолиши уни Аллоҳга маъсият ила талаб қилишингизга олиб бормасин. Аллоҳнинг ҳузуридаги нарсага фақат У Зотга тоат қилиш ила эришилади», деган маънони кўнглимга солди», дедилар».

Ибн Абу Дунё ривоят қилган.

3. Қаноатнинг фойдасини, ҳирс ва тамагирликнинг зарарини тушуниб етиш.

Қаноат шубҳали ва ортиқча нарсаларга сабр қилишдан иборат бўлиб, охиратда савобга ҳам сабаб бўлади. Ўз иззатини ҳавойи нафсидан устун қўя олмаган одамнинг ақли расо бўлмайди.

عَنْ عَبْدِ اللهِ بْنِ عَمْرِو بْنِ الْعَاصِ ﷺ: أَنَّ رَسُولَ اللهِ قَالَ: «قَدْ أَفْلَحَ مَنْ أَسْلَمَ وَرُزِقَ كَفَافًا وَقَنَّعَهُ اللهُ بِمَا آتَاهُ». رَوَاهُ الشَّيْخَانِ.

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Осс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким мусулмон бўлиб, етарлича ризқлантирилса ва Аллоҳ уни Ўзи берган нарсага қаноатлантирса, батаҳқиқ, нажот топган бўлур», дедилар».

Икки шайх ривоят қилишган.

Аллоҳ таоло тақсим қилган нарсага рози бўлган одам қаноат номли улкан сифат соҳиби бўлади. Қаноатли одам эса одамларнинг энг бойи бўлади.

عَنْ جَابِرٍ ﷺ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «عَلَيْكُمْ بِالْقَنَاعَةِ، فَإِنَّ الْقَنَاعَةَ مَالٌ لَا يَنْفَدُ». رَوَاهُ الطَّبَرَانِيُّ.

Жобир розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қаноатни лозим тутинг! Қаноат туганмас мол-дир», дедилар».

Имом Табароний ривоят қилган.

4. Ўтган қавмлардан дунёга ҳирс қўйган ва тамагир бўлганларнинг ҳоли нима бўлганига назар солиш.

Шу билан бирга, ўтган пайғамбарлар, аҳли солиҳлар ва азиз-авлиёларнинг ҳолидан ўрнак олиш лозим.

5. Мол жамлашнинг хатарини тўлиқ тушуниб етиш.

Молнинг офатларини унутмаслик, ўртаҳолликнинг фазлини билиш керак. Бунда мол-дунёда ўзидан пастга назар солиш ва динда ўзидан юқоридан ўрнак олиш катта фойда беради.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «إِذَا نَظَرَ أَحَدُكُمْ إِلَى مَنْ فُضِّلَ عَلَيْهِ فِي الْمَالِ وَالْخَلْقِ فَلْيَنْظُرْ إِلَى مَنْ هُوَ أَسْفَلَ مِنْهُ».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Қачон биринингизнинг назари молда ва халқда ўзидан афзал қилинган шахсга тушса, ўзидан пастга ҳам назар солсин», дедилар».

وَعَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «انْظُرُوا إِلَى مَنْ أَسْفَلَ مِنْكُمْ، وَلَا تَنْظُرُوا إِلَى مَنْ هُوَ فَوْقَكُمْ، فَهُوَ أَجْدَرُ أَلَّا تَزْدَرُوا نِعْمَةَ اللهِ عَلَيْكُمْ». رَوَاهُمَا الشَّيْخَانِ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ўзингиздан пастга назар солинг. Ўзингиздан баландга назар солманг. Бу Аллоҳнинг сизга бер-

ган неъматига ношукр бўлишингизга олиб келиши мумкин», дедилар».

Иккисини икки шайх ва Термизий ривоят қилишган.

ҒУРУР

«Ғурур» сўзининг «зийракликдаги нуқсон ва ғафлат туфайли алданиб қолиш» деган маъноси бор.

Ғурурнинг таърифида уламолар бир-бирини тўлдирувчи маъноларни айтишган.

Имом Журжоний «Таърифот»да: «Ғурур нафснинг ҳавосига мувофиқлик ва табиатига мойилликдир», деган *(167-бет)*.

Ал-Кафавий «Куллиёт»да шундай дейди: «Ғурур хатони тўғри дея зийнатлашдир».

Баъзилар: «Ғурур оқибати номаълум ва бўлиш-бўлмаслигини идрок қилиб бўлмайдиган нарса», дейишган.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда ғурурга кетишни атрофлича қоралаган. Оли Имрон сурасида марҳамат қилади:

كُلُّ نَفْسٍ ذَآئِقَةُ ٱلْمَوْتِ ۗ وَإِنَّمَا تُوَفَّوْنَ أُجُورَكُمْ يَوْمَ ٱلْقِيَـٰمَةِ ۖ فَمَن زُحْزِحَ عَنِ ٱلنَّارِ وَأُدْخِلَ ٱلْجَنَّةَ فَقَدْ فَازَ ۗ وَمَا ٱلْحَيَوٰةُ ٱلدُّنْيَآ إِلَّا مَتَـٰعُ ٱلْغُرُورِ ﴿١٨٥﴾

«Ҳар бир жон ўлимни тотувчидир. Қиёмат куни ажрларингизни тўлиғича олурсиз. Ким оловдан узоқлаштирилса ва жаннатга киритилса, шубҳасиз, ютуққа эришибди. Дунё ҳаёти эса алдов матоҳидан бошқа нарса эмас» *(185-оят)*.

Бу дунё алдамчи дунё. Ўзига қизиққанларни ва ошиқ бўлганларни алдайди ва ғурурга кетказади. Аммо ҳақиқий матоҳ ҳар қанча саъйи ҳаракатга лойиқ нарсадир.

Чунки у дўзахдан узоқлаштирилиб, жаннатга киритилишга боис бўлади. Қачон инсон қалбида ушбу ҳақиқат жо бўлса, қалбдан дунё ҳирси кўтарилади.

Аллоҳ таоло Ҳадид сурасида марҳамат қилади:

يُنَادُونَهُمْ أَلَمْ نَكُن مَّعَكُمْ ۖ قَالُوا بَلَىٰ وَلَٰكِنَّكُمْ فَتَنتُمْ أَنفُسَكُمْ
وَتَرَبَّصْتُمْ وَارْتَبْتُمْ وَغَرَّتْكُمُ الْأَمَانِيُّ حَتَّىٰ جَاءَ أَمْرُ اللَّهِ وَغَرَّكُم
بِاللَّهِ الْغَرُورُ ﴿١٤﴾ فَالْيَوْمَ لَا يُؤْخَذُ مِنكُمْ فِدْيَةٌ وَلَا مِنَ الَّذِينَ كَفَرُوا
مَأْوَاكُمُ النَّارُ ۖ هِيَ مَوْلَاكُمْ ۖ وَبِئْسَ الْمَصِيرُ ﴿١٥﴾

«**Уларга** (мунофиқлар): «**Биз сиз билан бирга эмасмидик?!» деб нидо қилурлар. Улар дедилар: «Оре. Лекин сизлар Аллоҳнинг амри келгунича ўзингизни ўзингиз фитнага дучор қилдингиз, кўз тикиб кутдингиз, шубҳа қилдингиз ва сизларни хомхаёллар алдаб қўйди. Сизларни Аллоҳ хусусида ўта алдоқчи алдаб қўйди. Бугун сизлардан ҳам, куфр келтирганлардан ҳам тўлов олинмас. Жойларингиз оловдир, у сизнинг эгангиздир. Қандай ҳам ёмон борар жой!»** деган *(14-15-оятлар)*.

Бу ердаги «алдоқчи»дан мурод шайтондир. Демак, мунофиқлар шайтоннинг гапига кириб, алдовига учиб расво бўлганлар.

Аллоҳ таоло Фотир сурасида марҳамат қилади:

يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّ وَعْدَ اللَّهِ حَقٌّ ۖ فَلَا تَغُرَّنَّكُمُ الْحَيَاةُ الدُّنْيَا ۖ وَلَا
يَغُرَّنَّكُم بِاللَّهِ الْغَرُورُ ﴿٥﴾

«Эй одамлар! Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир. Бас, дунё ҳаёти сизни алдаб қўймасин. Ўта алдоқчи сизни Аллоҳ хусусида алдаб қўймасин» *(5-оят)*.

Эй одамлар, турли хаёлларга бориб, ғофил қолманг.

«Албатта, Аллоҳнинг ваъдаси ҳақдир».

У Зот «Қиёмат бўлади», деб ваъда берганми, демак, қиёмат бўлиши ҳақ.

«Ўлганлар қайта тирилади», деб ваъда берганми, демак, қайта тирилиш ҳақ.

У Зот «Бу дунёдаги ишлар охиратда ҳисоб-китоб қилинади», деб ваъда берганми, демак, охиратдаги ҳисоб-китоб ҳақ.

«Кофирлар, мушриклар, мунофиқлар, осийлар ва гуноҳкорлар дўзахда азобланади», деб ваъда берганми, демак, уларнинг азобланиши ҳақ.

«Бас, дунё ҳаёти сизни алдаб қўймасин...»

Бу дунё ҳаётининг ўткинчи матоҳларига берилиб, алданиб қолманг. Бу дунё ҳаётига охиратни алмашманг.

«Ўта алдоқчи сизни Аллоҳ хусусида алдаб қўймасин».

Бу жумладаги «ўта алдоқчи»дан мурод шайтондир. Шайтон одамларни энг кўп ғурурга кетказади ва алдайди. Яъни «Ҳеч нарсага парво қилма, Аллоҳнинг Ўзи кечирувчи», деб одамларни гуноҳ ишларга чорлайди. Аллоҳ таолонинг афв этиши ва мағфират қилишини суиистеъмол этиб, Аллоҳ Ўзи кечирар деб, ҳар хил гуноҳларга қўл ураверишнакадар ёмон шайтоний иш эканини ҳеч қачон эсдан чиқармаслик зарур бўлади.

Аллоҳ таоло Мулк сурасида марҳамат қилади:

أَمَّنْ هَٰذَا ٱلَّذِى هُوَ جُندٌ لَّكُمْ يَنصُرُكُم مِّن دُونِ ٱلرَّحْمَٰنِ ۚ إِنِ ٱلْكَٰفِرُونَ إِلَّا فِى غُرُورٍ ﴿٢٠﴾

«Роҳмандан бошқа сизларга ёрдам берадиган лашкар ким ўзи? Кофирлар алдовдан бошқа ҳеч нарсада эмаслар!» деган *(20-оят)*.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам кофирларни Аллоҳнинг азобидан қўрқитсалар, улар ўз қувватларини ва лашкарларининг ёрдамини пеш қилар эдилар. Юқоридаги оят бу эътиқод нотўғри экани, куруқ ғурурдан бошқа нарса эмаслигини таъкидламоқда.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «إِنَّ مَوْضِعَ سَوْطٍ فِي الْجَنَّةِ خَيْرٌ مِنَ الدُّنْيَا وَمَا فِيهَا، اقْرَأُوا إِنْ شِئْتُمْ: ﴿فَمَن زُحْزِحَ عَنِ ٱلنَّارِ وَأُدْخِلَ ٱلْجَنَّةَ فَقَدْ فَازَ ۗ وَمَا ٱلْحَيَوٰةُ ٱلدُّنْيَآ إِلَّا مَتَٰعُ ٱلْغُرُورِ﴾». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Жаннатдаги қамчидек жой, албатта, дунё ва унинг ичидаги нарсадан яхшидир. Агар хоҳласангиз, «Ким оловдан узоқлаштирилса ва жаннатга киритилса, шубҳасиз, ютуққа эришибди. Дунё ҳаёти эса алдов матоҳидан бошқа нарса эмас»ни қироат қилинглар», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «يَخْرُجُ فِي آخِرِ الزَّمَانِ رِجَالٌ يَخْتِلُونَ الدُّنْيَا بِالدِّينِ، يَلْبَسُونَ لِلنَّاسِ جُلُودَ الضَّأْنِ مِنَ اللِّينِ، أَلْسِنَتُهُمْ أَحْلَى مِنَ السُّكَّرِ، وَقُلُوبُهُمْ قُلُوبُ الذِّئَابِ، يَقُولُ اللهُ عَزَّ وَجَلَّ: أَبِي يَغْتَرُّونَ أَمْ عَلَيَّ يَجْتَرِئُونَ؟ فَبِي حَلَفْتُ لَأَبْعَثَنَّ عَلَى أُولَئِكَ مِنْهُمْ فِتْنَةً تَدَعُ الْحَلِيمَ مِنْهُمْ حَيْرَانًا». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:
«Охири замонда бир кишилар чиқади. Улар дин ила дунёни талаб қилади. Улар одамлар учун юмшоқ қўй териларини киядилар. Тиллари шакардан ҳам ширин. Қалблари эса худди бўриларнинг қалблари-дек. Аллоҳ азза ва жалла: «Мен ила ғурурга кетди-ларми ёки Менга журъат қилдиларми?! Бас, Ўзим ила қасам ичиб айтаманки, албатта, ўшаларнинг бошларига уларнинг ўзларидан фитна юбораман. У ҳалимни ҳам ҳайрон қолдиради», дейди», дедилар».
Термизий ривоят қилган.

Ушбу ҳадиси шарифда Пайғамбар соллаллоҳу алай-ҳи васаллам замон охирлаб қолганида пайдо бўладиган бир ҳолат ҳақида сўз юритмоқдалар. Бу ҳолатни ўрга-ниш жуда ҳам муҳим. Чунки унинг оқибати ниҳоятда қўрқинчлидир.

Ҳа, дин ила дунёни талаб қилиш Аллоҳ таоло ила ғурурга кетишдир.

Ҳа, дин ила дунёни талаб қилиш Аллоҳ таолога нис-батан журъат қилишдир.

Ҳа, дин ила дунёни талаб қилиш Аллоҳ таоло қасам ила таъкидлайдиган азобга сазовор ишдир.

Ҳа, дин ила дунёни талаб қилишга ўтганлар ҳалимни ҳам ҳайрон қолдирадиган фитнага дучор бўладилар.

Ҳа, дин ила дунёни талаб қилишга мутлақо яқин йў-ламаслик керак.

Ғурурга кетишнинг зарарлари:

1. Ғурурга кетиш нафси бузуқлик ва ичи қоралик-нинг далилидир.

2. Ғурурга кетиш ҳалокатга олиб боради.

3. Уламоларнинг ғурурга кетиши уларни амалдан четлатади.

4. Ғурурга кетиш туғён, куфр, фисқ ва фужурга олиб боради.

5. Ғурурга кетиш бу дунёда ҳасрат, охиратда азобдир.

6. Ғурурга кетиш халқларни ҳалок қилади ва шахсларни хаста қилади.

7. Ғурурга кетиш кибрни келтириб чиқаради.

ҒУРУРНИНГ ТУРЛАРИ

Ғурурга кетишнинг бир неча турлари бор. Улардан баъзилари билан танишиб чиқайлик:

1. Динсизларнинг ғурурга кетиши. Бу ғурурга кетишнинг энг ашаддий турларидан биридир. Динсизларни кўпроқ бу дунё ҳаёти ғурурга кетказади.

Улар: «Нақд насиядан афзал», дейдилар. Уларнинг фикрича, бу дунё нақд, охират насия. Демак, бу дунё охиратдан афзал ва уни устун қўйиш керак.

Динсизларнинг бу сафсаталари мутлақо ўринсиздир. Агар нақд билан насия тенгма-тенг бўлса, ўйлаб кўриш мумкин. Аммо уларнинг ўзлари бу дунё тижоратида ҳам бир сўм нақд ўрнига икки сўм насияни жонжаҳдлари билан қабул қиладилар. Агар бирга ўн ёки юз бўладиган бўлса-ку, қўяверасиз. Бу масалада дунё ва охират орасидаги фарқ қанча?! Нима учун охиратнинг насиясини эътиборсиз қолдирадилар?!

Динсизлик ғурурга кетишнинг энг ашаддий тури ҳисобланар экан.

2. Осий мўминларнинг ғурурга кетиши.

Улар (ўзларича): «Аллоҳ карамли Зот. Биз Унинг афв – мағфиратидан умидвормиз», дейдилар. Уларнинг даъвосича, Аллоҳ таолонинг даргоҳи кенг, ноумид шайтон, иймон бўлганидан кейин умид қилса бўлади ва ҳоказо.

Бу гапларнинг сиртига қарасангиз, тўғрига ўхшайди. Аммо аслини олганда, шайтон инсонни айнан шулар билан иғво қилади. Агар сирти гўзал бўлмаса, қалб ҳам алданмайди-да!

عَنْ شَدَّادِ بْنِ أَوْسٍ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «الْكَيِّسُ مَنْ دَانَ نَفْسَهُ وَعَمِلَ لِمَا بَعْدَ الْمَوْتِ، وَالْعَاجِزُ مَنْ أَتْبَعَ نَفْسَهُ هَوَاهَا وَتَمَنَّى عَلَى اللهِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Шаддод ибн Авс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Доно – нафсини тергаган ва ўлимдан кейинни кўзлаб амал қилган одамдир. Аҳмоқ – нафсини ҳавосига эргаштирган ва Аллоҳдан умидвор бўлган одамдир», дедилар».

Имом Термизий ривоят қилган.

Ҳасан Басрий айтади: «Амал қилмай туриб, жаннатни талаб қилиш гуноҳлардан биридир».

3. Ҳам тоат, ҳам маъсият қилган, аммо маъсиятлари кўп бўлган тоифаларнинг гурурга кетиши.

Улар ҳалол-ҳаром аралаш бир сўмни нафақа қилиб, одамларнинг ўн сўмини зулм ила олади ва уни нафақа қилганининг эвазига берилди, деб эътиқод қилади. Бу жаҳолатнинг энг каттасидир.

ҒУРУРГА КЕТГАН ГУРУҲЛАР

Бу маънодаги гуруҳлар жуда ҳам кўп. Биз баъзилари билан танишиб чиқамиз.

1. Илмига амал қилмайдиганлар.

Бу гуруҳдагилар шаръий ва ақлий илмларни яхши эгаллаган, чуқур ўрганиб иш олиб борадиган бўлади-

лар. Аммо уларда илмга амал қилиш, тоатларни адо этиб, маъсиятлардан четланиш йўқ. Булар илм ила ғурурга кетиб, адашган гуруҳлардир. Улар илмлари ила Аллоҳ таоло азобламайдиган даражага етишганларини гумон қиладилар. Шунингдек, кишиларни шафоат қилишларини даъво қиладилар.

Аслида илм икки хил бўлади:

Биринчиси – Аллоҳ таоло ва Унинг сифатлари ҳақидаги илм. Буни одатда «илми маърифат» дейишади.

Иккинчиси – муомала илми. Бунга ҳалол ва ҳаромни ажратиш, мақталган ва ёмонланган ахлоқларни билиш илми киради. Бу хилдаги илмларни амал қилиш учун ўрганилади. Агар амал қилинмаса, уларнинг кераги йўқ.

Шунинг учун ҳам илмига амал қилмаган олимларнинг ғурурга кетиши оғир мусибат ҳисобланади. Уларни уламолар қаторига қўшмаслик керак бўлади.

Аллоҳ таоло Фотир сурасида марҳамат қилади:

إِنَّمَا يَخْشَى ٱللَّهَ مِنْ عِبَادِهِ ٱلْعُلَمَٰٓؤُا۟

«Аллоҳдан бандалари ичидан фақат олимлар қўрқарлар» *(28-оят)*.

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоҳу анҳу: «Илм гапнинг кўплигида эмас. Илм қўрқишнинг кўплигидир», деган экан.

Ҳасан Басрий розияллоҳу анҳу: «Олим Аллоҳдан ғойибона қўрққан одамдир. Аллоҳ қизиқтирган нарсага қизиққан, Аллоҳ ёмон кўрган нарсадан қочган одамдир», деб туриб, «Аллоҳдан бандалари ичидан фақат олимларигина қўрқарлар» оятини тиловат қилар экан.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳу дейди: «Аллоҳдан қўрқиш илмнинг аломатидир. Аллоҳ ила ғурурга кетиш жаҳолатнинг аломатидир».

Ҳасан Басрийдан фатво сўралди ва у киши жавоб берди. Шунда:

«Бизнинг фақиҳларимиз буни айтмайдилар», дейилди.

«Сен бирор марта фақиҳни кўрганмисан ўзи?! Фақиҳ кечаси бедор, кундузи рўзадор бўладиган ва дунёдан зоҳид бўлган одамдир», деди.

2. Илми ва амали бор, аммо ахлоқи бузуқ кишилар.

Бундай кишилар илмли бўладилар, амал ҳам қиладилар, ибодатларни ўрнида адо этиб, маъсиятлардан четланадилар. Аммо қалбларида ахлоқ борасида нуқсон бўлади. Уларда кибр, ҳасад, риё, мансабпарастлик ва шуҳратпарастлик каби қалб хасталиклари мавжуд бўлади. Бундай кишиларнинг сирти силлиқ, ичи бузуқ бўлади.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «إِنَّ اللهَ لَا يَنْظُرُ إِلَى صُوَرِكُمْ وَأَمْوَالِكُمْ وَلَكِنْ يَنْظُرُ إِلَى قُلُوبِكُمْ وَأَعْمَالِكُمْ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ وَابْنُ مَاجَهْ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, Аллоҳ суратларингизга ва мол-дунёларингизга назар қилмайди. Лекин қалбларингизга ва амалларингизга назар қилади», дедилар».

Муслим ва Ибн Можа ривоят қилишган.

عَنْ النُّعْمَانَ بْنِ بَشِيرٍ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللهِ ﷺ يَقُولُ: «أَلَا وَإِنَّ فِي الْجَسَدِ مُضْغَةً، إِذَا صَلَحَتْ صَلَحَ الْجَسَدُ كُلُّهُ، وَإِذَا فَسَدَتْ فَسَدَ الْجَسَدُ كُلُّهُ، أَلَا وَهِيَ الْقَلْبُ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَمُسْلِمٌ.

Нўъмон ибн Баширдан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Албатта, жасадда бир парча гўшт бордир. Қачон у салоҳиятли бўлса, жасаднинг барчаси салоҳиятли бўлур. Қачон у бузилса, жасаднинг барчаси ҳам бузилур. Огоҳ бўлинг! Ана ўша қалбдир», деганларини эшитдим».

Бухорий ва Муслим ривоят қилишган.

3. Ғурурга кетган воизлар гуруҳи.

Улар бир неча хил бўлади. Баъзилари гўзал исломий сифатлар ҳақида оғиз кўпиртириб ваъз сўзлайдилар. Аммо ўзларида мазкур сифатлардан ному нишон ҳам бўлмайди. Ўзларича гапириб юрганлари кифоя қилишини ўйлаб, ғурурга кетадилар.

Бошқалари одамларни ҳайратга солиб, уларнинг ичидаги жоҳилларнинг олқишидан маст бўладилар. Ҳеч ким гапирмаган гапларни топиб, шариатга тўғри келадими, келмайдими, гапираверади. Уларнинг дарду ғами қофиядор қилиб гапириш, шиддатни изҳор қилиш ва одамларни кофирга, мушрикка, фосиққа чиқариш бўлади.

Яна бирлари зоҳидларнинг, таркидунёчиларнинг ва дунёнинг мазаммати ҳақидаги гапларни ёдлаб олиб, ҳаммани танқид қилишни ўзига касб қилиб олган бўлади. Уни ғурурга кетказган шайтони елкасига миниб олиб: «Дунёда сендан яхши мусулмон йўқ, ҳаммани сўкаверишга ҳаққинг бор», деб туради.

4. Ибодатда ғурурга кетганлар.

Улардан баъзилари фарзу вожибни қўйиб, нафл ва фазл нарсаларга мубтало бўладилар. Нафл ибодатларда чуқур кетиб, ҳаддан ошадилар.

Бирлари таҳоратда васвасага учраган бўлади. Шариат рухсат берган, ҳамма таҳорат қилаётган сувга рози бўлмайди. Таҳоратни қилиб бўлгач, васвасага тушиб,

яна бошидан бошлайди. Баъзида шу қабилдаги ишлари билан ҳатто фарз намозининг вақтини ўтказиб юбориши ҳам мумкин. Аммо ўзи таҳорат қилишда тенги йўқлиги билан ўзича ғурурланиб юради.

Баъзилари нафл рўза ғурурига алданган бўлади. Нафл рўзани кўп тутиши билан мақтанади. Лекин тилини ғийбатдан, хотирасини риёдан ва қорнини ҳаромдан тиймайди. Шу тариқа фарз ёки вожибни тарк қилиб, нафлга мағрур бўлиб юраверади.

Бошқа бирлари ҳаж ғурурига кетиб, «Ҳаж қилсам, барча гуноҳларим мағфират қилинади», деган даъвони қилади. Аммо ҳажи қабул бўлиш-бўлмаслиги ўз ихтиёрида эмаслигини унутади. Ҳаж қилишдан олдин зулмларини тўхтатмайди, қарзларини узмайди, ота-онасининг розилигини олмайди, ҳалол касбдан сарф-харажат қилмайди ва бошқа ёмон ахлоқларини тузатмайди.

Ҳаж давомида фисқу фужурдан тийилмайди, йўлда намозни тарк қилиши ҳам мумкин. Ҳамроҳлари билан жанжал қилади. Ҳаж арконларини ўрнига қўйиб бажармайди. Унинг фикри-зикри одамлар «Фалончи ҳам ҳажга борган», деган гап қилишлари билан банд бўлади.

Мазкур гуруҳлар ичида амри маъруф ва наҳйи мункарни ўзига ниқоб қилиб олган товламачилар ҳам йўқ эмас. Улар шу тариқа ўзларини мўмин-мусулмонлар устидан тафтишчи ва охират мартабаларини тақсимловчи қилиб оладилар. Одамларни яхшиликка чақириб, ўзини унутади. Яхшиликка чақиришда қўполлик қилади. Ўзини ҳаммадан юқори ва бошқаларга ўтказиб қўйгандек тутади. Агар биров унинг хатоларини айтадиган бўлса, балога қолади. Иши риёкорлик ва иззатпарастликдан бошқа бўлмайди.

Агар мазкур нусха муаззин бўлса, азонни Аллоҳ таоло учун айтишини ва ундан бошқа одам бу ишга лойиқ

эмаслигини даъво қилади. У йўқлигида бирор киши кутиб турмай, азон айтиб қўйса, унинг лаънатига учрайди. Бировнинг меросини олиб қўйган одамдек туҳматга қолади.

Баъзилари зуҳо, таҳажжуд ва бошқа нафл намозлар ғурурига кетган бўлади. Бу намозларни мендан бошқа ўқийдиганлар кам деган хаёлда бўлади, ҳамма фазл айни шу намозларда, деган даъвони қилади. Бора-бора бу намозларни фарз, вожиб, суннат намозлардан ҳам устун қўядиган бўлиб қолади.

Тажрибада собит бўлган ҳақиқатлардан бири шуки, мазкур сифатга эга бўлган жоҳиллар фарз, вожиб ва суннат намозларни ўз вақтида ўқишни таъкидлаган олимларни нафл намозларга аҳамият бермагани учун тарк қилиб, туҳфаи Расул ёки шунга ўхшаш ўтганларга бағишланадиган намозларни вазифа қилиб берадиган «муршид»ларга шогирд тушадилар.

Ўша илмсиз гуруҳга мансуб кимсалар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг «Менга қурбат ҳосил қилмоқчи бўлганлар уларга фарз қилган нарсаларим ила яқин бўлганлари каби яқин бўлмаганлар», деган ҳадисларига хилоф иш қиладилар.

Аҳли ғурурнинг ичида тасаввуф ғурурига кетган, аммо ўзи тасаввуф нималигини билмайдиган нусхалар жуда ҳам кўп. Улар маърифат, ҳақиқат, мақомот, илми ҳол каби истилоҳларни ёдлаб оладилар. Ўзлари эса бу нарсаларнинг исмидан бошқа нарсани билмайдилар. Шу билан ўзларини ўтганлардан ҳам, қолганлардан ҳам илмли ҳисоблайдилар. Тафсирчилар, ҳадисчилар, фақиҳлар ва бошқа илмларнинг уламоларига таҳқир назари билан қарайдилар. Уларни «илми қол» билан машғул бўлиб юрган гумроҳлар деб атайдилар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, одамлар ичида ғурурнинг тури кўп. Кимдир молу дунё, кимдир мансабу

насаб, яна бошқалар касб ғурурига кетган бўладилар. Буларнинг ҳаммасини санаб ўтишнинг ўзи ҳам қийин. Лекин ҳаммаси ҳам яхши эмаслигини билишимиз лозим ва улардан қутулиш йўлини ахтаришимиз керак.

ҒУРУРНИНГ ДАВОСИ

Ғурурга кетиш номли оғир ахлоқий дарддан халос бўлишнинг давоси уч нарса: ақл, илм ва маърифатдан иборат.

Ақл. Ақл бандага Аллоҳ таоло томонидан берилган улкан неъмат бўлиб, у ила инсон нарсаларнинг ҳақиқатини идрок қилади. Оқил киши заковат ва фаросат соҳиби бўлса, ғурурга кетишдан ўзини тийиши осон бўлади. Аммо зеҳни паст ва бефаросат одамлар бу ишни қилишлари қийин.

Маърифат. Бу мақомдаги маърифатдан тўрт нарса ҳақида маърифат ҳосил қилиш кўзда тутилади:

1. Ўзини ўзи таниш.
2. Роббини таниш.
3. Дунёни таниш.
4. Охиратни таниш.

Агар банда ўзини, Роббини, дунёни ва охиратни таниб олса, унинг қалбида Роббул оламиннинг маърифати ила Аллоҳнинг муҳаббати, дунёнинг маърифати ила унга ўта қизиқмаслик, охиратнинг маърифати ила унга қизиқиш ўрнашади.

Бу эса ўз навбатида барча ишларнинг Аллоҳ таолонинг розилиги ва охиратнинг манфаати учун бўлишини таъминлайди. Мисол учун, таом тановул қиладиган бўлса, бу иш ила охират учун қиладиган ишларида кўмак олаётган бўлади.

Шу тариқа унинг нияти пок бўлади ва ундан молдунё, мансабпарастлик ҳамда ғаразгўйлик туфайли

пайдо бўладиган ғурур дарди узоқлашади. Зотан, дунё охиратдан, ҳавойи нафс Аллоҳ таолонинг розилигидан устун бўлиб турганда ғурурдан қутулиш мумкин эмас.

Илм. Бу ердаги илмдан мурод Аллоҳ таолога эришиш йўлини, У Зотга қурбат ҳосил қиладиган ва Ундан узоқлаштирадиган нарсаларни, мазкур йўлдаги офатлар, тўсиқларни билиш илмидир. Ўша нарсаларни билган одам юқорида айтиб ўтилган ғурурга кетишдан эҳтиёт бўлади. Буларнинг барчасидан кўзланган асосий мақсад банда қалбида Аллоҳ таолонинг муҳаббатидан бошқа нарсага жой қолмаслигидир.

НОЎРИН ҒАЗАБ

«Ғазаб» луғатда розиликнинг тескарисидир. Аслида, ғазаб шиддат ва қувват маъноларини англатади. Араблар қаттиқ харсангни «ғазба» дейишади. Ғазаб ҳам шундан олинган. Зотан, у қаттиқ жаҳл чиқишини англатади.

Уламолар ғазаб хусусида бир-бирини тўлдирувчи бир неча таърифлар айтганлар.

Журжоний «Таърифот»да ғазабни: «У қалбнинг қони қайнаганда кўксида ҳосил бўладиган бахтсизликдан шифо топадиган ўзгаришдир», деб таърифлаган *(167-бет).*

Имом Ғаззолий: «Ғазаб қалб қонининг интиқом талабида ғалаён қилишидир», деган.

Имом Ғаззолий ғазабнинг даражалари ҳақида сўз юритиб шундай дейди: «Одамлар ғазабнинг қувватида уч даражада – тафрийт (камлик), ифрот (ортиқчалик) ва мўътадилликда бўлурлар».

Тафрийт (камлик) ғазаб қувватининг бутунлай йўқ бўлиши ёки заифлигидир. Бундай инсон ҳамиятсиз одам дейилади ва жуда ҳам мазаммат қилинади. Шу-

нинг учун ҳам имом Шофеъий: «Кимнинг ғазаби қўзғатилганда ҳам ғазаби чиқмаса, эшакдир», деган.

Бу даражанинг самараси аччиқ бўлади. Бундай одамлар ўзига номуссизлик ва хорликни раво кўрадиган бўладилар.

Ифрот (ортиқчалик) сифати ғолиб бўлганда эса ғазаб инсонни ақл, дин ва тоат чегарасидан чиқиб кетишгача олиб боради. Ундай ғазабда одамнинг қалб кўзи ҳам, назари ҳам кўр бўлади, тафаккури ва ихтиёри ҳам қолмайди.

Ғазабдаги мўътадиллик мақталган ҳолат бўлиб, унда киши ақл ва диннинг ишорасига мунтазир бўлиб туради ва ҳамият лозим бўлганда қўзғалади, ҳилм керак бўлганда босилади. Ғазабни мўътадил ҳолда ушлаб туриш Аллоҳ таоло бандаларидан талаб қилган мустақимлик ҳолатидир. Мана ўша ҳолат ўртачаликдир.

Бас, ким ўзида ғазабда футурга кетиш, ҳатто рашки сусайиб қолганини ёки ўзига мос бўлмаган хорликни ҳам қабул қилишга мойилликни ҳис қилса, нафсини даволаши керак. Ким ўзида ноўрин ғазабни, ҳаддан ошишни, ман қилинган ишларни қилишга рағбатни ҳис қилса, ўзидаги ғазаб оловини ўчириш ҳаракатида бўлсин.

Банда ғазаб масаласида икки нотўғри ҳолатнинг ўртасини тутиш пайидан бўлсин. Мана шу мўътадиллик сиротул мустақиймдир».

Қуръони Карим ва Суннати мутоҳҳарада ноўрин ғазаб қаттиқ қораланиб, уни ютиш тарғиб қилинган.

Аллоҳ таоло Шуро сурасида марҳамат қилади:

وَٱلَّذِينَ يَجْتَنِبُونَ كَبَٰٓئِرَ ٱلْإِثْمِ وَٱلْفَوَٰحِشَ وَإِذَا مَا غَضِبُوا۟ هُمْ يَغْفِرُونَ ﴿٣٧﴾

«Катта гуноҳлар ва фаҳш ишлардан четда бўладиган ва ғазабланган вақтда кечириб юборадиганлар учундир» *(37-оят).*

Яъни бирор киши ғазабини чиқарса, кечириб юбора оладиган ҳалим бўлиш, ғазаб чиққан вақтда уни ичига ютиб, ўша ғазаб чиқишига сабабчи одамни кечириб юбориш олий даражадаги ахлоқ доирасига киради.

Лекин бу, умуман ғазаб қилмаслик керак, дегани эмас. Баъзи ҳолатларда ғазабга келиш ҳатто вожиб ҳам бўлади, олийжаноблик ҳисобланади.

Ояти каримада «ғазабланган вақтда» дейилаётганининг ўзиданоқ билса бўладики, Исломда инсондаги мавжуд сифатларни инкор этиш йўқ, уларни йўққа чиқаришга уринилмайди, балки уларни тартибга солиб, яхшиликка йўналтирилади, холос. Ислом инсонни нафси учун беҳуда ғазабланишдан қайтаради, ғазабини ютишни мадҳ этади. Лекин шу билан бир қаторда, Аллоҳ учун, дину диёнат учун, номус учун ғазабланишни вожиб қилади.

Демак, ҳамма нарса, жумладан, ғазаб ҳам, ҳилм ҳам, ўрнида бўлиши керак. Шоир айтганидек, «Ноўрин ҳалимлик жаҳолатдир».

Исломда ғазабни ютиш улуғ ахлоқлардан ҳисобланади. Қуръони Карим оятларидан ташқари бу олий сифатнинг мақтови Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг ҳадисларида, салафи солиҳларимизнинг ишлари ва сўзларида ўз аксини топган.

عَنْ حُمَيْدِ بْنِ عَبْدِ الرَّحْمَنِ، عَنْ رَجُلٍ مِنْ أَصْحَابِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: قَالَ رَجُلٌ: يَا رَسُولَ اللهِ، أَوْصِنِي. قَالَ: «لَا تَغْضَبْ». قَالَ: قَالَ الرَّجُلُ: فَفَكَّرْتُ حِينَ قَالَ النَّبِيُّ ﷺ مَا قَالَ، فَإِذَا الْغَضَبُ يَجْمَعُ الشَّرَّ كُلَّهُ. رَوَاهُ أَحْمَدُ.

Ҳумайд Ибн Абдурраҳмондан, у Набий алайҳиссаломнинг саҳобаларининг биридан ривоят қилади:

«Бир киши Набий алайҳиссолату вассаломга:

«Эй Аллоҳнинг Расули, менга насиҳат қилинг», деди.

«Ғазаб қилма», дедилар.

«Набий алайҳиссалом шу гапни айтганларида ўйлаб кўрсам, ғазаб ҳамма ёмонликни ўзида жамлаган экан».

Аҳмад ривоят қилган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ قَالَ: جَاءَ رَجُلٌ إِلَى النَّبِيِّ ﷺ فَقَالَ: عَلِّمْنِي شَيْئًا، وَلَا تُكْثِرْ عَلَيَّ لَعَلِّي أَعِيهِ. قَالَ: «لَا تَغْضَبْ» فَرَدَّدَ ذَلِكَ مِرَارًا كُلُّ ذَلِكَ يَقُولُ: «لَا تَغْضَبْ». رَوَاهُ الْبُخَارِيُّ وَالتِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Бир киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб:

«Менга бир нарса ўргатинг. Кўпайтириб юборманг. Шоядки, англаб олсам», деди.

«Ғазаб қилма!» дедилар.

У ўз сўзини бир неча марта такрорлади. У зот ҳар сафар: «Ғазаб қилма!» дедилар».

Бухорий, Термизий ва Аҳмад ривоят қилишган.

عَنْ سَهْلِ بْنِ مُعَاذٍ ﷺ، عَنْ أَبِيهِ: أَنَّ رَسُولَ اللهِ ﷺ قَالَ: «مَنْ كَظَمَ غَيْظًا وَهُوَ قَادِرٌ عَلَى أَنْ يُنْفِذَهُ دَعَاهُ اللهُ يَوْمَ الْقِيَامَةِ عَلَى رُؤُوسِ الْخَلَائِقِ حَتَّى يُخَيِّرَهُ مِنْ أَيِّ الْحُورِ الْعِينِ شَاءَ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Саҳл ибн Муъоз розияллоҳу анҳудан, у отасидан ривоят қилади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Ким ғазабини унга амал қилишга қодир бўлиб туриб ичига ютса, Аллоҳ уни қиёмат куни халойиқнинг олдида чақириб, ҳури ийнлардан истаганини танлаш ихтиёрини беради», дедилар».

Абу Довуд ва Термизий ривоят қилишган.

Ғазабнинг зарарлари:

1. Ғазаб Роҳман ва Роҳийм – Аллоҳ таолонинг ғазабини келтиради.
2. Ғазаб шайтонур-рожиймни рози қилади.
3. Ғазаб одамлар орасини бузади.
4. Ғазабдан ҳасад ва фисқу фасод чиқади.
5. Ғазаб ақл ва диндаги нуқсоннинг аломатидир.
6. Ғазаб ортидан узр айтиш ва надомат келади.
7. Ғазаб кўзни кўр, қулоқни кар қилади.
8. Ғазаб ўз эгасига одамлар нафратини келтириб чиқаради.

ҒАЗАБНИНГ САБАБЛАРИ ВА ДАВОСИ

Ғазабнинг сабаблари кўп бўлиб, жумладан, қуйидагиларни айтиш мумкин:

1. Манманлик.
2. Мазаҳ.
3. Ҳазил.
4. Масхара.
5. Айблаш.
6. Риёкорлик.
7. Алдамчилик.
8. Мансабпарастлик.
9. Дунёпарастлик ва бошқалар.

Ғазаб қўзиган пайтда уни илм ва амал билан босилади.

Ғазабни илм воситасида даволаш олти йўл билан амалга оширилади:

1. Ғазабни ютиш, афв қилиш, ҳилм ва сабрнинг фазли ҳақидаги оят, ҳадис ва хабарларни тафаккур қилиш ва уларнинг савобидан умид қилиш.

Молик ибн Авсдан ривоят қилинади:

«Умар розияллоҳу анҳу бир кишидан ғазабланди ва уни калтаклашга амр қилди. Мен унга:

«Эй мўминларнинг амири! «Кечиримли бўл, маъруфга буюр ва жоҳиллардан юз ўгир», дедим *(«Аъроф» сураси, 199-оят)*. Умар ўзига ўзи: «Кечиримли бўл, маъруфга буюр ва жоҳиллардан юз ўгир», дея бошлади.

У Аллоҳ таолонинг Китобидан тиловат қилинса, тўхтар, кўп тааммул ва тадаббур қилар эди. Бир оз ўйланиб турди-да, ҳалиги одамни қўйиб юборишга амр қилди».

Умар ибн Абдулазиз бир одамни калтаклашга амр қилди-да, сўнг «...аччиғини ютадиганлар» оятини ўқиб туриб, ғуломига: «Уни қўйиб юбор!» деди.

2. Ўзини ўзи Аллоҳ таолонинг азобидан қўрқитиш.

Бунда ғазаби келиб турган одам ўзига ўзи: «Менинг бу одам устидан бўлган қудратимдан Аллоҳ таолонинг менинг устимдан бўлган қудрати қанчалар катта. Агар мен бунга ғазабимни ўтказсам, қиёмат куни Аллоҳ таоло менга ғазабини ўтказиши турган гап. Ундан кўра афв қилай, ўзим ҳам қиёмат куни афв қилинсам, ажаб эмас», дейди.

3. Ўзини ўзи адоват ва ўч олиш оқибатидан огоҳлантириш.

Бунда банда ноўрин ғазаб ўзи учун бу дунёда ҳеч яхшилик олиб келмаслигини эсга олади. Ғазаб фақат бефойда интиқомдан ўзга нарса эмас. У душман орттиришдан бошқага ярамайди.

4. Ғазаб чоғида ўзининг қанчалар хунук бўлиб кетишини тасаввур қилиш. Бунинг учун бошқаларнинг ғазаб ҳолатидаги суратини кўз олдига келтиришнинг ўзи кифоя. Одамлар ғазабланган кимсани қутурган ит ёки ваҳший ҳайвонга ўхшатишларини эсласин. Шу билан бирга, ғазабни ичига ютиш анбиё, авлиё, уламо ва ҳукамоларнинг сифати эканини ҳам ўйласин. Сўнгра ўша икки тарафдан бирини танлаши кераклигини ўйласин ва ўзига муносиб кўрганини танласин.

5. Ғазабни ютмасликка ва унинг талаби асосида иш кўришга чорлаётган омилга назар солиш.

Эҳтимол, шайтон унга «Ундан ниманг кам? Шалпайиб қолаверасанми? Одамлар нима дейди? Бир бопла уни!» деб васваса қилаётган бўлиши мумкин. Шунда банда ўзига ўзи: «Бу дунёнинг арзимаган обрўси деб охиратдаги обрўнинг тўкилишини ўзингга орттириб олма. Сабр қил! Шайтонга ҳай бер!» дейиши керак.

6. Одам ишлар унинг иродаси бўйича эмас, Аллоҳ таолонинг иродаси бўйича бўлаётганини ўйласин. Аллоҳ таолонинг иродасига қарши чиқишнинг оқибати нима бўлишини хаёлига келтирсин.

ҒАЗАБНИНГ АМАЛИЙ ДАВОСИ

عَنْ سُلَيْمَانَ بْنِ صُرَدٍ ﷺ قَالَ: اسْتَبَّ رَجُلَانِ عِنْدَ النَّبِيِّ ﷺ فَجَعَلَ أَحَدُهُمَا تَحْمَرُّ عَيْنَاهُ وَتَنْتَفِخُ أَوْدَاجُهُ، قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «إِنِّي لَأَعْرِفُ كَلِمَةً لَوْ قَالَهَا لَذَهَبَ عَنْهُ الَّذِي يَجِدُ: أَعُوذُ بِاللهِ مِنَ الشَّيْطَانِ الرَّجِيمِ». فَقَالَ الرَّجُلُ: وَهَلْ تَرَى بِي مِنْ جُنُونٍ؟ رَوَاهُ الْأَرْبَعَةُ.

Сулаймон ибн Сурад розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Икки киши Набий соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларида сўкишиб қолди. Иккисидан бирининг кўзлари қизариб, томирлари бўртиб чиқа бошлади. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мен агар у айтса, ундаги бу нарса кетадиган калимани биламан. У «Аъузу биллаҳи минаш-шайтонир рожийм»дир», дедилар.

Бас, у: «Менда жиннилик бор деб ўйлайсанми?» деди».

Тўртовлари ривоят қилишган.

Ғазаби чиқишининг олдини олиш ниятида бўлган одам «Аъузу биллаҳи минаш-шайтонир рожийм»ни айтиб юрмоғи лозим.

عَنْ أَبِي ذَرٍّ ﷺ قَالَ: إِنَّ رَسُولَ اللهِ ﷺ قَالَ لَنَا: «إِذَا غَضِبَ أَحَدُكُمْ وَهُوَ قَائِمٌ فَلْيَجْلِسْ، فَإِنْ ذَهَبَ عَنْهُ الْغَضَبُ وَإِلَّا فَلْيَضْطَجِعْ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَأَحْمَدُ.

Абу Зарр розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга:

«Сизлардан кимда-ким ғазабланса, тик турган бўлса, ўтириб олсин, ғазаби кетса кетди, бўлмаса ёнбошласин», дедилар».

Абу Довуд ва Аҳмад ривоят қилишган.

Албатта, бу ишларнинг ғазабни сўндириши тажрибада ҳам собит бўлган.

Имом Абу Довуд Абу Воил Оссдан қуйидаги ривоятни келтиради: «Урва ибн Муҳаммад Саъдийнинг олдига кирган эдик. Бир одам гапириб, унинг ғазабини қўзғади. Шунда у ўрнидан туриб, таҳорат қилди. Сўнгра: «Отам менга бобом Атийя розияллоҳу анҳудан ушбу ривоятни айтиб берган эди», деб қуйидагиларни айтди:

عَنْ عَطِيَّةَ السَّعْدِيِّ ﷺ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «إِنَّ الْغَضَبَ مِنَ الشَّيْطَانِ، وَإِنَّ الشَّيْطَانَ خُلِقَ مِنَ النَّارِ، وَإِنَّمَا تُطْفَأُ النَّارُ بِالْمَاءِ، فَإِذَا غَضِبَ أَحَدُكُمْ فَلْيَتَوَضَّأْ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ.

Атийя Саъдий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:
«Ғазаб шайтондандир. Шайтон эса оловдан яратилгандир. Олов сув билан ўчирилади. Кимнинг ғазаби келса, таҳорат қилиб олсин», дедилар».
Абу Довуд ривоят қилган.

Албатта, мазкур ва шунга ўхшаш чоралар ғазабни қайтариш учун қўлланиладиган ёрдамчи чоралардир. Ғазабнинг асосий чораси эса Аллоҳга бўлган иймон, қиёматдан умидворликдир. Ғазаби чиққан одам дарҳол Аллоҳ таолони эслаши, У Зот ҳар бир нарсани кўриб-билиб турганини ва ҳамма нарсани ҳисоб-китоб қилиши шубҳасизлигини ёдга олиши зарур.

Шунингдек, ғазабни ишга солиб ёмонлик қилса, қандай жазо олишини, ғазабини ютиб ортга қайтса, қандай савоблар олишини ўйлаши лозим.

ҒАЗАБНИ ЮТИШНИНГ ФАЗЛИ

Ғазабни ютиш фазилатли ишлардан ҳисобланади. Бунга ҳар қандай одам ҳам қодир бўла олмайди.

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда ғазабни ютувчиларни мадҳ қилиб:

يُنفِقُونَ فِي ٱلسَّرَّآءِ وَٱلضَّرَّآءِ وَٱلْكَٰظِمِينَ ٱلْغَيْظَ وَٱلْعَافِينَ عَنِ ٱلنَّاسِ ۗ وَٱللَّهُ يُحِبُّ ٱلْمُحْسِنِينَ ﴿١٣٤﴾

«Улар енгилликда ҳам, қийинчиликда ҳам нафақа қиладиганлар, аччиғини ютадиганлар ва одамларни афв қиладиганлардир. Аллоҳ яхшилик қилувчиларни севадир», дея марҳамат қилган *(Оли Имрон сураси, 134-оят)*.

Ғазабни ютиш энг қийин ишлардан ҳисобланади. Ғазаб инсонда турли муносабатлар ила қўзғалиб туради, уни жиловлаб олиш ҳар бир кишининг ҳам қўлидан келавермайди. Лекин тақводор киши бу оғир ишни эплаши мумкин. Яъни қалбида тақводорлик мавжуд бўлган инсонгина ғазабдан ғолиб чиқа олади.

МАЪНАВИЙ ЗУЛМГА ЖАВОБ ҚАЙТАРИШ

Кўпчилик англаб олиши лозим бўлган ҳақиқатлардан бири шуки, бир шахсдан содир бўлган ҳар бир зулмга қарши унга ҳам ўшанча мислда жавоб қайтариш жоиз эмас. Мисол учун, ғийбатнинг жавобига ғийбат қилинмайди. Жосусликка қарши жосуслик қилинмайди. Сўкишга яраша сўкилмайди. Бошқа маънавий маъсиятлар ҳам шу каби. Қасос олиш ёки жарима шариатда белгилангандан бошқача бўлиши мумкин эмас.

Сўкишни ўзига яраша сўкиш билан қарши олиш мумкин эмаслиги Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳадисларидан олинган.

عَنْ أَبِي تَمِيمَةَ الْهُجَيْمِيِّ، عَنْ رَجُلٍ مِنْ قَوْمِهِ، قَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «وَإِنْ سَبَّكَ رَجُلٌ بِشَيْءٍ يَعْلَمُهُ فِيكَ وَأَنْتَ تَعْلَمُ فِيهِ نَحْوَهُ فَلَا تَسُبَّهُ». رَوَاهُ أَحْمَدُ.

Абу Тамийма Ҳажинийдан, у қавмидан бўлган бир кишидан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Агар бир киши сени ўзингда бор нарса ила сўкса, сен уни унда бор нарса ила сўкмагин», дедилар».

Имом Аҳмад ривоят қилган.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «الْمُسْتَبَّانِ مَا قَالَا، فَعَلَى الْبَادِئِ مِنْهُمَا مَا لَمْ يَعْتَدِ الْمَظْلُومُ». رَوَاهُ أَبُو دَاوُدَ وَمُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Икки сўкишганнинг гуноҳи улардан аввал бошлагангадир. Модомики мазлум ошириб юбормаган бўлса», дедилар».

Абу Довуд, Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

عَنْ سَعِيدِ بْنِ الْمُسَيَّبِ ﷺ أَنَّهُ قَالَ: بَيْنَمَا رَسُولُ اللهِ ﷺ جَالِسٌ وَمَعَهُ أَصْحَابُهُ وَقَعَ رَجُلٌ بِأَبِي بَكْرٍ فآذَاهُ فَصَمَتَ عَنْهُ أَبُو بَكْرٍ، ثُمَّ آذَاهُ الثَّانِيَةَ فَصَمَتَ عَنْهُ أَبُو بَكْرٍ، ثُمَّ آذَاهُ الثَّالِثَةَ فانْتَصَرَ مِنْهُ أَبُو بَكْرٍ، فقَامَ رَسُولُ اللهِ ﷺ حِينَ انْتَصَرَ أَبُو بَكْرٍ، فقَالَ أَبُو بَكْرٍ: أَوَجَدْتَ عَلَيَّ يَا رَسُولَ اللهِ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «نَزَلَ مَلَكٌ مِنَ السَّماءِ يُكَذِّبُهُ بِمَا قَالَ لَكَ، فَلَمَّا انْتَصَرْتَ وَقَعَ الشَّيْطَانُ فَلَمْ أَكُنْ لِأَجْلِسَ إِذْ وَقَعَ الشَّيْطَانُ».

Саъид ибн Мусайяб розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўтирган эдилар. Ул зот билан бирга саҳобалари ҳам бор

эди. Бир киши Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳуни сўкиб, унга озор берди. Абу Бакр бир оз жим турди. Сўнг иккинчи марта озор берди. Абу Бакр яна жим турди. Сўнгра учинчи марта озор берди. Шунда Абу Бакр ўч ола бошлади. Абу Бакр ўзи учун ўч ола бошлаганида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам туриб кетдилар. Абу Бакр:

«Мендан хафа бўлдингизми, эй Аллоҳнинг Расули?!» деди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«У сенга айтган нарса учун осмондан фариштa тушиб, уни ёлғончига чиқариб турган эди. Сен гапирганингда эса шайтон келди. Шайтон бор мажлисда мен ўтирмайман», дедилар».

Баъзи уламолар: «Ёлғон аралаштирмай, ҳаддан оширмай жавоб берса ҳам бўлади», деганлар.

Бошқа баъзилари: «Сўкаётган одамга «Сен кимсан?», «Сен фалончисан» каби сўзларни айтиб қўйса кифоя қилади», деганлар.

Лекин бу қарши чораларни тарк этиб, сабр қилиб, жавобни тарк этган афзал. Чунки одамларнинг табиати ҳар хил бўлади. Жавоб берилмай турилса, сўкаётган ўзига келиб, узр айтиб қолиши ҳам мумкин. Сўкишга жавоб берилса, орада жанжал чиқиб, адоват кучайиб кетиши шубҳасиз.

БУ ДУНЁ МУҲАББАТИ

Ушбу сарлавҳадан беш кунлик ўткинчи дунёни охиратдан устун қўйиш маъноси англанади. Албатта, бу энг ёмон маънавий хасталиклардан бири ҳисобланади.

Бу дунёга берилиб, унга муҳаббат қўйиб, охиратни унутиш оғир дард бўлиб, унинг оқибати дўзах билан

ниҳояланади. Шунинг учун ҳам Аллоҳ таоло буни қаттиқ қоралаган.

Аллоҳ таоло Юнус сурасида марҳамат қилади:

إِنَّ ٱلَّذِينَ لَا يَرْجُونَ لِقَآءَنَا وَرَضُوا۟ بِٱلْحَيَوٰةِ ٱلدُّنْيَا وَٱطْمَأَنُّوا۟ بِهَا وَٱلَّذِينَ هُمْ عَنْ ءَايَٰتِنَا غَٰفِلُونَ ﴿٧﴾ أُو۟لَٰٓئِكَ مَأْوَىٰهُمُ ٱلنَّارُ بِمَا كَانُوا۟ يَكْسِبُونَ ﴿٨﴾

«Албатта, Бизга рўбарў бўлишни умид қилмайдиган ва дунё ҳаёти билан рози бўлиб, у билан хотиржам бўлиб қолганлар ҳамда оятларимиздан ғофил бўлганлар... ана ўшаларнинг жойлари қилган касблари туфайли оловдир» *(7-8-оятлар)*.

Қиёматда Аллоҳ таолога рўбарў бўлишдан умидсиз кимсалар

«...дунё ҳаёти билан рози бўлиб, у билан хотиржам бўлиб қолганлар»дир.

Уларнинг фикри-зикри беш кунлик дунё ва унинг лаззатидадир. Шу билан овуниб, хотиржам бўлиб қоладилар. Уларнинг энг катта айблари ва сифатлари Аллоҳ таолонинг оятларидан ғофил бўлганларидир. Шу боисдан ҳам улар ҳар қандай ёмонликни тап тортмасдан қилаверадилар. Натижада

«...ана ўшаларнинг жойлари қилган касблари туфайли оловдир».

Ҳа, улар бекорга эмас, қилган касблари туфайли адолат ила жаҳаннам азобига дучор бўладилар.

Аллоҳ таоло Ҳадид сурасида марҳамат қилади:

ٱعْلَمُوٓا۟ أَنَّمَا ٱلْحَيَوٰةُ ٱلدُّنْيَا لَعِبٌ وَلَهْوٌ وَزِينَةٌ وَتَفَاخُرٌۢ بَيْنَكُمْ وَتَكَاثُرٌ فِى ٱلْأَمْوَٰلِ وَٱلْأَوْلَٰدِ ۖ كَمَثَلِ غَيْثٍ أَعْجَبَ ٱلْكُفَّارَ نَبَاتُهُۥ ثُمَّ

يَهِيجُ فَتَرَىٰهُ مُصْفَرًّا ثُمَّ يَكُونُ حُطَٰمًا ۖ وَفِي ٱلْءَاخِرَةِ عَذَابٌ شَدِيدٌ وَمَغْفِرَةٌ مِّنَ ٱللَّهِ وَرِضْوَٰنٌ ۚ وَمَا ٱلْحَيَوٰةُ ٱلدُّنْيَآ إِلَّا مَتَٰعُ ٱلْغُرُورِ ﴿٢٠﴾

«Билингки, албатта, дунё ҳаёти ўйин-кулги ва кўнгилхушлик ҳамда зеб-зийнат, ўзаро фахрланиш, мол-мулкни ва бола-чақани кўпайтириш, холос. У худди ўсимлиги деҳқонларни ажаблантирган ёмғирга ўхшайдир. Кейинроқ қурийди ва унинг сарғайганини кўрасан. Сўнгра у хас-чўпга айланиб кетадир. Охиратда эса шиддатли азоб бор. Ва Аллоҳдан мағфират ва розилик бор. Ва дунё ҳаёти алдов матоҳидан бошқа нарса эмас» *(20-оят).*

Ушбу ояти каримада Аллоҳ таоло бу дунё ҳаётини бундай таърифламоқда:

«Билингки, албатта, дунё ҳаёти ўйин-кулги ва кўнгилхушлик ҳамда зеб-зийнат... холос».

Чиндан ҳам одамлар ўлчови билан қаралганда, ҳаёт беш кунлик дунёда ўйнаб олиш учун ажратилган фурсатга ўхшаб туюлади. Қаёққа қарасангиз, одамлар кийим-бош, озиқ-овқат, ҳовли-жой, зеб-зийнат ортидан қувгани-қувган.

Бу дунё ҳаёти яна

«...ўзаро фахрланиш, мол-мулкни ва бола-чақани кўпайтириш»дан иборатдир.

Одамлар ўз обрўлари, мансаблари, насаблари билан фахрланишга, мол-дунё ва бола-чақани кўпайтиришга уринган-уринган. Аслида эса бу нарсалар арзимас, эътиборсиз ашёлардир. Бу ҳақиқатни янада очиқроқ тушунтириш учун Қуръони Карим кўзимизга доимо кўриниб турган, лекин кўпларимиз эътибор бермайдиган ҳодисани мисол қилиб келтиради:

«У худди ўсимлиги деҳқонларни ажаблантирган ёмғирга ўхшайдир».

Яъни бу дунё ҳаёти шундай бир ёмғирга ўхшайдики, у ёққанидан сўнг чиққан наботот деҳқонларни ҳайратга солади, завқлантиради. Аслида эса бу ҳол ўткинчидир.

«Кейинроқ қурийди ва сарғайганини кўрасан. Сўнгра у хас-чўпга айланиб кетадир».

Яъни ўсимликлар тезда қурийди. Ранги сарғаяди ва қуриб, қовжираб, уқаланиб кетади.

Ҳа, бу дунё ҳаёти ҳам шу каби алдамчидир. Шу билангина овуниб қолмаслик керак.

«Охиратда эса шиддатли азоб бор. Ва Аллоҳдан мағфират ва розилик бор».

Чунки охиратда кофирларга қаттиқ азоб, мўминларга эса Аллоҳ таолонинг мағфирати ва розилиги бор.

«Ва дунё ҳаёти алдов матоҳидан бошқа нарса эмас».

Албатта, бу гаплар тарки дунё қилишга, ҳамма нарсадан юз ўгиришга чақириқ эмас. Балки мезон ва ўлчовларни тўғри йўлга солишга, ўткинчи ҳойи-ҳавасдан устун бўлишга даъватдир.

Аллоҳ таоло Ҳуд сурасида марҳамат қилади:

مَن كَانَ يُرِيدُ ٱلْحَيَوٰةَ ٱلدُّنْيَا وَزِينَتَهَا نُوَفِّ إِلَيْهِمْ أَعْمَٰلَهُمْ فِيهَا وَهُمْ فِيهَا لَا يُبْخَسُونَ ﴿١٥﴾

«Кимки дунё ҳаётини ва унинг зийнатини истаса, унинг амаллари(самараси)**ни унда тўлиқ берамиз. Уларга унда камайтирилмас»** *(15-оят)*.

Аллоҳ таоло ризқ берувчи Зот. Бас, ким ҳаракат қилса, у мўмин бўладими, кофир бўладими, ҳаммага ҳам сўраганини, излаганини бераверади. Бу дунёнинг ободлиги ҳам шунда. Ким дунёда қўлидан келган ҳаракатни қилса, ҳаракатига яраша самара ҳам олади. Бу дунё ва унинг зийнатига эришишни хоҳлаб, ўзини урган

одам ўшанга эришади. Чунки Аллоҳ таоло бу борадаги амалларнинг самарасини тўлиқ беришни ваъда қилган. Қилинган ҳаракатга яраша мева олинади, ҳеч кимнинг меҳнатининг самараси камайтирилмайди.

Аммо

أُولَٰئِكَ ٱلَّذِينَ لَيْسَ لَهُمْ فِي ٱلْآخِرَةِ إِلَّا ٱلنَّارُ ۖ وَحَبِطَ مَا صَنَعُوا۟ فِيهَا وَبَٰطِلٌ مَّا كَانُوا۟ يَعْمَلُونَ ﴿١٦﴾

«Ана ўшалар – уларга охиратда оловдан бошқа ҳеч вақо йўқ кимсалардир. Қилган ҳунарлари ҳабата бўлди ва қилган амаллари ботилдир» *(Ҳуд сураси, 16-оят).*

Чунки улар охират ҳаёти учун ҳеч нарса қилганлари йўқ. Аллоҳга, Пайғамбарга, Қуръонга ишонгани, ибодат қилгани ва шариатга бўйсунганлари йўқ. Улар фақат бу дунё ҳаёти ва унинг зийнатига эришишни умид этган ва шунинг учун амал қилган эдилар, орзуларига эришдилар.

«Ана ўшалар – уларга охиратда оловдан бошқа ҳеч вақо йўқ кимсалардир».

Бу дунёда қилган амаллари, молу мулки, зебу зийнати-чи, дерсиз? Бу саволингизга жавоб ояти кариманинг иккинчи ярмида келмоқда:

«Қилган ҳунарлари ҳабата бўлди ва қилган амаллари ботилдир».

Охират учун улар ҳеч қандай фойда бермади. Чунки иймон бўлмаса, ҳеч бир амал мақбул эмас. Агар улар иймон билан ҳаракат қилганларида, яъни дунё учун қилган амалларини ҳам иймонли бўлган ҳолда бажарганларида, охиратда улуғ мақомларга эришган бўлур эдилар. Қолаверса, охират учун ҳаракат ҳеч қачон бу

дунёни тарк қилишни тақозо этмайди. Инсон иймонли бўлса, бир ҳаракат билан бир йўла икки дунёнинг бахтига эришади.

Аллоҳ таоло Исро сурасида марҳамат қилади:

مَّن كَانَ يُرِيدُ ٱلْعَاجِلَةَ عَجَّلْنَا لَهُۥ فِيهَا مَا نَشَآءُ لِمَن نُّرِيدُ ثُمَّ جَعَلْنَا لَهُۥ جَهَنَّمَ يَصْلَىٰهَا مَذْمُومًا مَّدْحُورًا ﴿١٨﴾

«Ким шошган(дунё)ни истаса, ирода қилган кишимизга хоҳлаган нарсамизни унда шошилинч берурмиз. Сўнгра унга жаҳаннамни берурмиз. Унга мазаммат қилинган ва қувғинга учраган ҳолда кириб, куюр» *(18-оят).*

Кимки бошқа нарсани хоҳламасдан, ушбу ўткинчи, беш кунлик дунё учун яшамоқчи бўлса, Аллоҳ таоло унга бу дунё насийбасини шошилинч тарзда беради. У киши бу дунёда керак нарсасига эришиб олади, аммо охиратига ҳеч нарса қолмайди. Шунинг учун

«Сўнгра унга жаҳаннамни берурмиз. Унга мазаммат қилинган ва қувғинга учраган ҳолда кириб, куюр», дейилмоқда.

Улар бу дунё ҳойи-ҳавасларига берилиб, шаҳват ва лаззат ортидан қувиб, ҳаётларини гуноҳ қилиш билан ўтказадилар. Энди жаҳаннамда ўша гуноҳларига яраша азоб чекадилар.

Аллоҳ таоло Аҳқоф сурасида марҳамат қилади:

وَيَوْمَ يُعْرَضُ ٱلَّذِينَ كَفَرُوا۟ عَلَى ٱلنَّارِ أَذْهَبْتُمْ طَيِّبَٰتِكُمْ فِى حَيَاتِكُمُ ٱلدُّنْيَا وَٱسْتَمْتَعْتُم بِهَا فَٱلْيَوْمَ تُجْزَوْنَ عَذَابَ ٱلْهُونِ بِمَا كُنتُمْ تَسْتَكْبِرُونَ فِى ٱلْأَرْضِ بِغَيْرِ ٱلْحَقِّ وَبِمَا كُنتُمْ تَفْسُقُونَ ﴿٢٠﴾

«Куфр келтирганлар оловга кўндаланг қилинган Кунда (уларга): **«Дунё ҳаётидаёқ мазангизни қилиб, ҳузурланиб бўлгансиз. Бугунги кунда ер юзида ноҳақ мутакаббирлик ва фосиқлик қилганингиз учун хорлик азоби ила жазоланурсиз»,** (дейилур)» *(20-оят).*

Гуноҳкорлар қиёмат куни дўзахга кўндаланг қилинганда, улар албатта қўрқиб, бўлари бўлади. Лекин азоб яна ҳам зиёда бўлиши учун жисмоний қийноққа қўшиб, маънавий қийноққа ҳам дуч келадилар. Зеро, уларга ўлганнинг устига тепгандек таҳдидли таъна сўзлари айтилади.

«Куфр келтирганлар оловга кўндаланг қилинган Кунда (уларга): **«Дунё ҳаётидаёқ мазангизни қилиб, ҳузурланиб бўлгансиз».**

«Бугун сизларга ҳеч қандай ҳузур, ҳеч қандай ҳаловат йўқ, дунё ҳаётидаёқ ҳузур-ҳаловатингизни кетказиб, мазасини татиб бўлгансиз», дейилади.

Чунки улар «Бу дунёда ўйнаб қол, гуноҳ нима қилади» каби аҳмоқона гапларни ўзларига шиор қилиб яшаганлар. «Беш кунлик дунёда ўйнаб, маза қилиб олайлик, эртага ўлсак, ҳаммаси ортда қолади, тупроққа қоришиб кетамиз» деб, ўзларини гуноҳ ишларга урганлар. Ҳалол-ҳаромнинг фарқига бормаганлар. Хулласи калом, охиратга ҳеч нарса қўймай, бу дунёда тугатиб бўлганлар. Шунинг учун натижа ҳам ниятларига яраша бўлган – уларга бу дунёда ҳузур-ҳаловат бўлиб, охиратга фақат азоб қолган.

«Бугунги кунда ер юзида ноҳақ мутакаббирлик ва фосиқлик қилганингиз учун хорлик азоби ила жазоланурсиз», (дейилур)».

Қиёмат куни улар хорлик азоби ила жазоланадилар. Чунки улар бу дунёда кибру ҳавода бўлганлар. Кибр фақат Аллоҳ таолога хос. Бандасининг на кичик ва на

катта ишларда такаббурликка ҳаққи йўқ. Хорлик азобининг яна бир сабаби «фиску фасод қилганингиз...», яъни Аллоҳнинг шариатидан чиққанингиздир. Аллоҳ таоло такаббурликдан ва шариатга хилоф йўл танлашдан Ўзи сақласин!

Бу дунёга ружу қўйиб, охиратни унутишни Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам қаттиқ қоралаганлар.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «الدُّنْيَا سِجْنُ الْمُؤْمِنِ وَجَنَّةُ الْكَافِرِ».

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Дунё мўминнинг зиндони ва кофирнинг жаннатидир», дедилар».

Аллоҳ таоло мўмин-мусулмонларга охиратда берадиган жаннат ва унинг неъматлари олдида бу дунёнинг роҳат-фароғатлари қамоққа ўхшаб қолади. Шунингдек, Аллоҳ таоло кофир ва мунофиқларга охиратда берадиган дўзах ва унинг азоблари олдида бу дунёнинг азоблари, қийноқлари ҳам улар учун жаннатга ўхшаб қолади.

عَنِ الْمُسْتَوْرِدِ بْنِ شَدَّادٍ ﷺ قَالَ: كُنْتُ مَعَ الرَّكْبِ الَّذِينَ وَقَفُوا مَعَ رَسُولِ اللهِ ﷺ عَلَى السَّخْلَةِ الْمَيِّتَةِ، فَقَالَ رَسُولُ اللهِ ﷺ: «أَتَرَوْنَ هَذِهِ هَانَتْ عَلَى أَهْلِهَا حِينَ أَلْقَوْهَا؟» قَالُوا: مِنْ هَوَانِهَا أَلْقَوْهَا يَا رَسُولَ اللهِ. قَالَ: «فَالدُّنْيَا أَهْوَنُ عَلَى اللهِ مِنْ هَذِهِ عَلَى أَهْلِهَا». رَوَاهُمَا مُسْلِمٌ وَالتِّرْمِذِيُّ.

Муставрид ибн Шаддод розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан бирга ўзи ўлиб қолган қўйнинг устида турган гуруҳ ичида бўлганман. Бас, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мана шуни аҳли арзимас нарса сифатида ташлаб юборган деб ўйлайсизларми?» дедилар.

«Арзимагани учун ташлаб юборишган-да, эй Аллоҳнинг Расули!» дейишди.

«Мана шу (ўлимтик) ўз эгалари учун қанчалик арзимас бўлса, дунё ҳам Аллоҳнинг наздида шунчалик арзимас бир нарсадир», дедилар».

Иккисини Муслим ва Термизий ривоят қилишган.

Албатта, ўзи ўлиб қолган қўй эгаси учун тезроқ қутулиши керак бўлган ёқимсиз матоҳга айланиб қолади. Аллоҳ таоло учун бу дунё ундан ҳам арзимасроқ нарса экан.

عَنْ سَهْلِ بْنِ سَعْدٍ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «لَوْ كَانَتِ الدُّنْيَا تَعْدِلُ عِنْدَ اللهِ جَنَاحَ بَعُوضَةٍ مَا سَقَى كَافِرًا مِنْهَا شَرْبَةَ مَاءٍ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Саҳл ибн Саъд розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Агар дунё Аллоҳ наздида чивиннинг қанотичалик қимматга эга бўлганида, ундан кофирга бир хўплам ҳам сув бермас эди», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Шунинг учун Аллоҳ таоло Ўзига куфр келтирган кофирларга ҳам бу дунё неъматларини бераверади. Агар дунё Аллоҳ таолонинг наздида бирор қийматга эга бўлганда, кофирга ундан ҳеч нарса берилмас эди. Чунки у ўзининг куфри ила бирор қимматли нарсага эга бўлиш ҳуқуқидан маҳрум бўлган.

Мўмин-мусулмонлар ҳам мол-дунё тўплаш ила Аллоҳ таолони рози қила олмайдилар. Аммо ўша молу дунёни Аллоҳ таолони рози қиладиган равишда тўплаб, сарфлаш ила савоб касб қилиш мумкин.

عَنْ مُسْتَوْرِدٍ أَخِي بَنِي فِهْرٍ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «مَا الدُّنْيَا فِي الْآخِرَةِ إِلَّا مِثْلُ مَا يَجْعَلُ أَحَدُكُمْ إِصْبَعَهُ فِي الْيَمِّ فَلْيَنْظُرْ بِمَاذَا يَرْجِعُ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Бану Феҳрнинг биродари Муставрид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бирингиз бармоғини денгизга солса нима ила қайтишига қарасин, бу дунё охиратга нисбатан шунчалик, холос», дедилар».

Термизий ривоят қилган.

Агар банда бутун оламдаги молу дунёни тўплаб, охиратга олиб келса ҳам, бу нарса унга бирор фойда бермайди. Агар бутун оламдаги молу дунёни тўплаганда ҳам, охиратда худди денгизга бир бармоқни солганда ҳеч қандай ўзгариш бўлмаганидек тураверади. Шунинг учун ҳар бир банда бу дунёда охиратга нима билан қайтишига назар солмоғи лозим. Агар охиратда бирор мақомга эришиш нияти бўлса, ўшанга лойиқ иймон, ибодат ва амали солиҳларни қилиши керак. Жумладан, мол-дунёни ҳам ўша мақсадда ишлатиши зарур.

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «أَلَا إِنَّ الدُّنْيَا مَلْعُونَةٌ مَلْعُونٌ مَا فِيهَا إِلَّا ذِكْرُ اللهِ وَمَا وَالَاهُ وَعَالِمٌ أَوْ مُتَعَلِّمٌ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:
«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:
«Огоҳ бўлинглар! Дунё малъундир ва ундаги нарсалар малъундир. Илло, Аллоҳнинг зикри, У Зотнинг яхши кўрган нарсаси, олим бўлиш ва таълим олиш мустаснодир», дедилар».
Термизий ривоят қилган.

БУ ДУНЁНИНГ МОҲИЯТИ

Банда мазаммат қилинаётган дунёнинг ўзи нималигини, унинг нимасидан четда бўлиши кераг-у, нимасидан четланмаса ҳам жоизлигини билмагунича, уни ёмон деб билишнинг ўзи фойда бермайди.

Аслида дунё ва охират икки ҳолатдан иборатдир. Улардан яқин турадигани дунё бўлиб, у ўлимдан муқаддам туради. Кейинги ўринда турадигани охират деб аталади ва у ўлимдан сўнг келади.

Ўлимдан олдинги насиба, ғараз, шаҳват, лаззат бор ҳолат дунёдир. Ҳар бир майл, насиба ва ҳисса бор нарса ёмон бўлавермайди. Бундай нарсалар уч қисмга тақсимланади.

Биринчи қисм – банда билан бирга охиратга ҳам борадиган, ўлимдан кейин ҳам самараси қоладиган нарсалар. Улар илм ва амалдир.

«Илм» деганда Аллоҳ таолони, Унинг сифатлари, фаришталари, китоблари, расуллари, еридаги ва осмонидаги мулклари ва Набийсининг шариати ҳақидаги илм англанади.

«Амал» деганда эса Аллоҳ таолонинг розилиги учун ихлос билан қилинадиган ибодат тушунилади.

Гоҳида олим киши учун илм бу дунёдаги энг лаззатли нарсага айланиб қолади. Шунинг учун у илм лаззати

деб таомдан, уйқудан ва никоҳдан воз кечиши мумкин. Чунки илм унинг учун мазкур нарсалардан кўра лаззатлироқдир.

Баъзи обидлар ибодат лаззатига шунчалар бериладики, агар уни бу нарсадан ман қилинса, бу унинг учун энг қаттиқ азобга айланиб қолади. Чунки унинг учун ибодат бу дунёдаги энг лаззатли нарсага айланган.

عَنْ أَنَسٍ ﷺ، قَالَ النَّبِيُّ ﷺ: «حُبِّبَ إِلَيَّ مِنْ دُنْيَاكُمْ النِّسَاءُ وَالطِّيْبُ، وَجُعِلَتْ قُرَّةُ عَيْنِي فِي الصَّلَاةِ». رَوَاهُ النَّسَائِيُّ وَالْحَاكِمُ.

Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мен учун бу дунёингиздан уч нарса маҳбуб қилинди: аёллар, хушбўй нарсалар ва намоз кўзимнинг қорачиғи қилинди», дедилар».

Насоий ва Ҳоким ривоят қилишган.

Бу ҳадиси шарифда намоз бу дунёнинг лаззатларидан ҳисобланмоқда. Шунга ўхшаш бир қанча нарсалар бор. Улар бу дунёнинг нарсалари бўлиб, кўзимиз билан кўриб турамиз.

Иккинчи қисм – банда билан бирга охиратга бормайдиган, ўлимдан кейин самараси у билан бирга қолмайдиган нарсалар. Уларга маъсиятлар, эҳтиёждан зиёда бўлган мубоҳ нарсалар, керагидан ортиқ жамланган мол-дунё, беҳуда ҳойи-ҳавас ва шунга ўхшаш бошқа нарсалар киради.

Учинчи қисм – юқорида зикр қилинган икки қисмнинг ўртасидаги нарсалардир. Охират амаллари учун ёрдам берадиган бу дунёнинг нарсалари ушбу учинчи қисмни ташкил қилади.

Мисол учун, керакли озиқ-овқат ва кийим-кечак. Соғ-саломат яшаб юриш, илм ва амалга эришиш учун зарур

бўлган нарсалар ҳам шунга дохил бўлади. Булар биринчи қисмдаги нарсаларга ўхшаб дунё нарсалари эмас, аммо ўша биринчи қисмга ёрдам берувчи воситалардир. Банда илм ва амалга етишиш учун уларни ҳар қанча тановул қилган бўлса ҳам, бу дунё учун бўлмайди.

Агар ўша нарсаларни илм ва амал учун эмас, оний лаззат учун тановул қилган бўлса, бу дунё учун бўлади.

ҲАВОЙИ НАФСГА ЭРГАШИШ

Агар тааммул ила мулоҳаза қиладиган бўлсак, инсон ҳаётида учрайдиган кибр, манманлик, ҳасад, мансабпарастлик, дунёпарастлик, зино, фаҳш ишлар, ғийбат, чақимчилик каби барча маънавий хасталиклар ортида «ҳавойи нафсга эргашиш» деб номланадиган бало туради.

Шунинг учун бу дунё ва охиратда нажот истаган банда учун ушбу нарсани яхшилаб таниб олиш ва ундан ҳазир бўлиш жуда ҳам муҳим иш ҳисобланади.

«Ҳаво» сўзи луғатда «бўшлиқ» ва «йиқилиш» деган маъноларни англатади. Осмон билан ер орасидаги бўшлиқнинг «ҳаво» деб номланиши ҳам шундан. У ўзи бўшлиқ бўлгач, унга ташланган нарса ҳам пастга қараб йиқилади.

«Ҳавойи нафс» нафснинг бўшлиғи ва йиқилишини англатади. Бинобарин, «ҳавойи нафсга эргашиш» деганда нафсни бўш қиладиган ва уни қулатадиган нарсага эргашиш англашилади.

Уламолар «ҳаво»нинг таърифида: «Ҳаво нафснинг лаззат бахш этувчи ва шариат рухсат бермаган шаҳватларга мойил бўлишидир», деганлар *(«Куллиёт», 962-бет)*.

Ҳавойи нафсга эргашишнинг таърифи қуйидагича: «Ҳавойи нафсга эргашиш нафснинг шаҳватга нисбатан майлини устун қўйиш ва Аллоҳ таолога маъсият бўладиган ишларга юришдир».

Ҳаво ва шаҳват орасидаги фарқ:

Имом Мовардий бу фарқни қуйидагича баён қилади: «Ҳаво фикр ва эътиқодий нарсаларга оиддир. Шаҳват эса моддий лаззатларга хосдир. Бас, шаҳват ҳавонинг самарасидир». *(«Адабуд-дунё ва дийн», 38-бет).*

Аллоҳ таоло Қуръони Каримда ҳавойи нафсга эргашишни қаттиқ қоралаган.

У Зот Аъроф сурасида марҳамат қилади:

وَٱتْلُ عَلَيْهِمْ نَبَأَ ٱلَّذِىٓ ءَاتَيْنَٰهُ ءَايَٰتِنَا فَٱنسَلَخَ مِنْهَا فَأَتْبَعَهُ
ٱلشَّيْطَٰنُ فَكَانَ مِنَ ٱلْغَاوِينَ ﴿١٧٥﴾ وَلَوْ شِئْنَا لَرَفَعْنَٰهُ بِهَا
وَلَٰكِنَّهُۥٓ أَخْلَدَ إِلَى ٱلْأَرْضِ وَٱتَّبَعَ هَوَىٰهُ ۚ فَمَثَلُهُۥ كَمَثَلِ ٱلْكَلْبِ
إِن تَحْمِلْ عَلَيْهِ يَلْهَثْ أَوْ تَتْرُكْهُ يَلْهَث ذَّٰلِكَ ۚ مَثَلُ ٱلْقَوْمِ
ٱلَّذِينَ كَذَّبُوا۟ بِـَٔايَٰتِنَا ۚ فَٱقْصُصِ ٱلْقَصَصَ لَعَلَّهُمْ يَتَفَكَّرُونَ ﴿١٧٦﴾

«Биз оятларимизни берган, сўнгра улардан суғурилиб чиққан ва уни шайтон эргаштириб кетиб, гумроҳлардан бўлган кишининг хабарини уларга тиловат қилиб бер!

Агар хоҳласак, уни улар билан кўтарар эдик. Лекин у ерга ёпишиб олди ва ҳавойи нафсига эргашди. Бас, унинг мисоли худди бир ит мисолига ўхшайдики, унга ҳамла қилсанг ҳам, тилини осилтириб тураверадир, тек қўйсанг ҳам, тилини осилтириб тураверадир. Бу оятларимизни ёлғонга чиқарган қавмларнинг мисолидир. Қиссаларни айтиб бер, шоядки, тафаккур қилсалар» *(175-176-оятлар).*

Агар одам боласи ўзини ҳам, илмини ҳам хор қилмаса, юксак мартабаларга кўтарилиши муқаррар.

«Агар хоҳласак, уни улар билан кўтарар эдик».

Яъни агар унинг мартабасини юксалтиришни хоҳласак, «улар», яъни ўша оятлар билан мартабасини кўтарар эдик.

«Лекин у ерга ёпишиб олди ва ҳавойи нафсига эргашди».

Юксалишни хоҳламади, билган илмини оёқости қилди. Ҳавойи нафси «Ароқ ич», деса, ароқ ичди; «Ҳаром е», деса, ҳаром еди; «Ёлғон гапир», деса, ёлғон гапирди.

Бу дунёнинг ўткинчи, заволга маҳкум матоҳини деб ерга қапишди. Мол-дунёни, амал-мансабни, бандаларнинг кўнглини хоҳлади. Аллоҳ таолонинг эмас, уларнинг розилигини кўзлади.

Ҳавойи нафсининг гапига кирди. Охири бориб, ахлат уюми оралаб тилини осилтириб юрган итга ўхшаб қолди.

«Бас, унинг мисоли худди бир ит мисолига ўхшайдики, унга ҳамла қилсанг ҳам, тилини осилтириб тураверадир, тек қўйсанг ҳам, тилини осилтириб тураверадир».

Нима қилиб бўлса ҳам ташланган ахлатни титиб еса бўлди.

Аллоҳ таоло Қасас сурасида марҳамат қилади:

قُلْ فَأْتُوا۟ بِكِتَٰبٍ مِّنْ عِندِ ٱللَّهِ هُوَ أَهْدَىٰ مِنْهُمَآ أَتَّبِعْهُ إِن كُنتُمْ صَٰدِقِينَ ﴿٤٩﴾ فَإِن لَّمْ يَسْتَجِيبُوا۟ لَكَ فَٱعْلَمْ أَنَّمَا يَتَّبِعُونَ أَهْوَآءَهُمْ ۚ وَمَنْ أَضَلُّ مِمَّنِ ٱتَّبَعَ هَوَىٰهُ بِغَيْرِ هُدًى مِّنَ ٱللَّهِ ۚ إِنَّ ٱللَّهَ لَا يَهْدِى ٱلْقَوْمَ ٱلظَّٰلِمِينَ ﴿٥٠﴾

«Сен: «Агар ростгўйлардан бўлсангиз, Аллоҳнинг ҳузуридан у иккисидан кўра тўғрироқ бир китоб келтиринг, мен унга эргашаман», дегин.

Агар сенга жавоб бера олмасалар, бас, билгинки, улар фақат ҳавойи нафсларига эргашмоқдалар, холос. Аллоҳдан бўлган ҳидоятсиз, ўз ҳавойи нафсига эргашгандан кўра ҳам адашганроқ кимса борми?! Албатта, Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмас» *(49-50-оятлар).*

Кофирлар Аллоҳ таолонинг Пайғамбари Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юқоридаги таклифларига жавоб бера оладиларми? Улар Таврот ва Қуръондан кўра тўғрироқ китоб олиб кела биладиларми?

Агар шу иш қўлларидан келса, бошқалар ҳам унга иймон келтириши керак бўлади. Лекин ҳозирча олиб кела олганлари йўқ.

Унда нима қилиш керак? Кофирларнинг Қуръони Каримга, Ислом динига бўлаётган муносабатларини қандай баҳолаш лозим?

Ана шу саволларнинг жавоби ушбу оятда келмоқда:

«Агар сенга жавоб бера олмасалар, бас, билгинки, улар фақат ҳавойи нафсларига эргашмоқдалар, холос».

Улар ҳавойи нафсларига эргашмаганларида, бундай қилмасдилар: ё ўзлари энг тўғри китобни олиб келишлари, ёки Қуръонга эргашишлари керак эди. Улар Қуръонга эргашмадилар. Шунингдек, бошқа яхшироқ китоб ҳам олиб кела билмадилар. Демак, улар ҳавойи нафслари ихтиёридаги кимсалардир. Ҳавойи нафсига эргашганлар ким ўзи?

«Аллоҳдан бўлган ҳидоятсиз, ўз ҳавойи нафсига эргашгандан кўра ҳам адашганроқ кимса борми?!»

Албатта, йўқ. Қуръонга эргашмаган ҳар бир кимса ҳавойи нафси йўлида юрган бўлади. Ҳавойи нафси ихтиёридаги ҳар бир кимса дунёдаги энг гумроҳ кимсадир. Агар бунга эътироз бўлса, Қуръондан кўра тўғрироқ китобни келтирсин!

«Албатта, Аллоҳ золим қавмларни ҳидоят қилмас».

Қуръон хабари ва унинг таълимотларини била туриб, унга эргашмаган одамлар энг катта золимлардир. Бундай золимларни эса Аллоҳ таоло ҳидоят қилмайди.

Аллоҳ таоло Нисо сурасида марҳамат қилади:

۞ يَٰٓأَيُّهَا ٱلَّذِينَ ءَامَنُواْ كُونُواْ قَوَّٰمِينَ بِٱلْقِسْطِ شُهَدَآءَ لِلَّهِ وَلَوْ عَلَىٰٓ أَنفُسِكُمْ أَوِ ٱلْوَٰلِدَيْنِ وَٱلْأَقْرَبِينَ ۚ إِن يَكُنْ غَنِيًّا أَوْ فَقِيرًا فَٱللَّهُ أَوْلَىٰ بِهِمَا ۖ فَلَا تَتَّبِعُواْ ٱلْهَوَىٰٓ أَن تَعْدِلُواْ ۚ وَإِن تَلْوُۥٓاْ أَوْ تُعْرِضُواْ فَإِنَّ ٱللَّهَ كَانَ بِمَا تَعْمَلُونَ خَبِيرًا ﴿١٣٥﴾

«Эй иймон келтирганлар! Адолат ила туринг ҳамда агар ўзингиз, ота-она ва қариндошлар зиддига бўлса ҳам, Аллоҳ учун гувоҳлик берувчи бўлинг. Агар у бой бўлса ҳам, камбағал бўлса ҳам, Аллоҳ унга яқинроқдир. Ҳавойи нафсга эргашиб, адолатсизлик қилманг. Агар тилингизни бурсангиз ёки юз ўгириб кетсангиз, албатта, Аллоҳ нима қилаётганингиздан ўта хабардордир» *(135-оят)*.

Гувоҳлик жуда ҳам нозик ва масъулиятли иш. Чунки гувоҳлик бериш йўли билан далил-ҳужжат етишмай турган ишлар ҳал бўлади. Бир оғиз гувоҳлик сўзи билан бировга нисбатан ўлим ҳукми чиқиши ёки бекор қилиниши мумкин. Биров қамалиб кетиши ёки қутулиб қолиши мумкин.

Гувоҳлик беришда

«Ҳавойи нафсга эргашиб, адолатсизлик қилманг».

Ҳавойи нафс ўзини севишга, ота-она ва қариндошларга ён босишга ундаши мумкин. Нафс бойга хушомад қилишга ёки камбағалга меҳр кўрсатишга ва шунга ўхшаш нотўғри ишларга бошлаши мумкин.

Ҳавойи нафсга берилиб,

«Агар тилингизни бурсангиз ёки юз ўгириб кетсангиз, албатта, Аллоҳ нима қилаётганингиздан ўта хабардордир».

У Зот ўзи билиб, адолат-ла жазоингизни беради. Тилингизни буриб, нотўғри гувоҳлик беришингиз мумкин эмас.

Аллоҳ таоло Тоҳа сурасида марҳамат қилади:

إِنَّ ٱلسَّاعَةَ ءَاتِيَةٌ أَكَادُ أُخْفِيهَا لِتُجْزَىٰ كُلُّ نَفْسٍۭ بِمَا تَسْعَىٰ ﴿١٥﴾ فَلَا يَصُدَّنَّكَ عَنْهَا مَن لَّا يُؤْمِنُ بِهَا وَٱتَّبَعَ هَوَىٰهُ فَتَرْدَىٰ ﴿١٦﴾

«Албатта, Соат (қиёмат) **келгувчидир. Ҳар бир жон саъй-ҳаракатига яраша жазо олиши учун уни махфий тутурман.**

Унга иймон келтирмайдиган ва ҳавойи нафсига эргашган сени ҳаргиз ундан тўсмасин. У ҳолда ҳалок бўласан» *(15-16-оятлар).*

Ҳавойи нафсига эргашиб, қиёматга иймон келтирмайдиганлар бошқаларни ҳам унга ишонишдан, иймон келтиришдан тўсишга ҳаракат қиладилар. Улар сенинг ҳам иймонингни тўсишга уринишлари мумкин. Аммо сен зинҳор уларнинг гапига қулоқ солма. Агар қулоқ солсанг, ҳалок бўласан.

كَانَ النَّبِيُّ ﷺ يَقُولُ: «اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنْ مُنْكَرَاتِ الْأَخْلَاقِ وَالْأَعْمَالِ وَالْأَهْوَاءِ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ.

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Аллоҳим! Мен Сендан мункар ахлоқлардан, амаллардан ва ҳавойи нафслардан паноҳ сўрайман», дер эдилар».

Термизий ривоят қилган.

عَنْ شَدَّادِ بْنِ أَوْسٍ ﷺ، عَنِ النَّبِيِّ ﷺ قَالَ: «الْكَيِّسُ مَنْ دَانَ نَفْسَهُ وَعَمِلَ لِمَا بَعْدَ الْمَوْتِ، وَالْعَاجِزُ مَنْ أَتْبَعَ نَفْسَهُ هَوَاهَا وَتَمَنَّى عَلَى اللهِ الْأَمَانِيَّ». رَوَاهُ التِّرْمِذِيُّ وَأَحْمَدُ وَالْحَاكِمُ.

Шаддод ибн Авс розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Доно – нафсини тергаган ва ўлимдан кейинни кўзлаб амал қилган одамдир. Аҳмоқ – нафсини ҳавосига эргаштирган ва Аллоҳдан умидвор бўлган одамдир», дедилар».

Термизий, Аҳмад ва Ҳоким ривоят қилишган.

Оқил одам ўзини ўзи тергаб, ҳавойи нафсини жиловлаб, Аллоҳ таоло кўрсатган чегарада юриб, охират учун амал қилади. Аҳмоқ эса ҳавойи нафсига берилиб, Аллоҳ таолонинг айтганини қилмай, У Зотга тавба ҳам қилмай, «Мени афв этишини орзу қиламан», деб юради. Аллоҳ таоло бўлса: «Тоатимга бахиллик қилганга қандай қилиб раҳматимни ҳадя қиламан», дейди.

Имом Абу Довуд қилган ривоятда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Менинг умматимдан бир қавмлар чиқадики, ҳавойи нафс уларга худди қутуриш касали ҳеч бир томирни қўймай киргандек киради», деганлар.

وَقَدْ رُوِيَ عَنْهُ ﷺ أَنَّهُ قَالَ : «وَالَّذِي نَفْسِي بِيَدِهِ لَا يُؤْمِنُ أَحَدُكُمْ حَتَّى يَكُونَ هَوَاهُ تَبَعًا لِمَا جِئْتُ بِهِ».

«У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадисларидан бирида:

«Нафсим қўлида бўлган Зот ила қасамки, сизлардан бирортангиз токи унинг ҳавойи нафси мен

келтирган нарсага эргашмагунича мўмин бўла олмайди», деганлар».

Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Саъд ибн Абу Ваққос розияллоҳу анҳуга юборган аҳдномада «Аллоҳдан душманингизга қарши нусрат сўраганингиздек, ўз ҳавойи нафсингизга қарши ҳам ёрдам сўранг. Аллоҳдан буни ўзимизга ҳам, сизга ҳам сўрайман», деган иборалар бор эди.

Али ибн Абу Толиб каррамаллоҳу важҳаҳу:

«Менинг қўрқадиган нарсам, ҳавойи нафсга тобе бўлиш ва узун орзулар қилишдир. Ҳавойи нафсга тобе бўлиш ҳақдан қайтаради. Узун орзулар эса охиратни эсдан чиқартиради. Огоҳ бўлинглар, бу дунё орқада қолиб кетади. Охират эса олдингизга чиқиб, кутиб олади. Сизлар охиратнинг боласи бўлинглар, дунёнинг боласи бўлиб қолманглар. Бугун амал бор-у, ҳисоб йўқдир, эртага эса ҳисоб бор-у, амал йўқдир», деган.

Ҳавойи нафсга эргашишнинг зарарлари:

1. Ҳавойи нафсга эргашиш диннинг нуқсонидир.

2. Ҳавойи нафсга эргашиш шайтонга дўстлик, Роҳманга душманликдир.

3. Ҳавойи нафсга эргашиш Аллоҳ таолонинг наздида кўп гуноҳлардан кўра ёмонроқдир.

4. Ҳавойи нафсга эргашиш шайтонга энг яқин йўлдир.

5. Ҳавойи нафсга эргашиш кўплаб гуноҳларнинг онасидир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ҳавойи нафсга эргашиш инсонга унинг ҳаётидаги энг катта душмандир. У инсонни ҳайвон даражасидан ҳам пастга туширадиган офатдир.

Бу оғир дарднинг давоси Қуръони Карим ва Суннати мутоҳҳара асосида нафсни поклаш билангина бўлиши мумкин.

МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

1. Қуръони Карим
2. Имомуддин Ибн Касир. «Ибн Касирнинг Қуръони Каримга тафсири». Дорул муфийд, Байрут, Ливан. 1-нашр, 1983.
3. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Ахмад ал-Ансорий ал-Қуртубий. «Ал-Жомеъ ли аҳкомул Қуръон». Дорул фикр, Байрут, Ливан. 1987.
4. Муҳаммад Содиқ Муҳамад Юсуф. «Тафсири Ҳилол». «Шарқ» нашриёти, Тошкент. 2012.
5. Абу Жаъфар Муҳммад ибн ат-Тобарий. «Жомеъул баён». Дорул фикр, Байрут, Ливан. 1988 .
6. Абу Қосим Абдул Карим ибн Хузан ибн Абдулмалик ал-Қушайрий Ан-Найсабурий. «Тафсирул Қушайрий». Дорул кутубул илмийя, Байрут, Ливан. 1-нашр. 2000.
7. Муҳаммад Амин ибн Муҳаммад ал-Мухтор аш-Шинқитий. «Азвоул баён». Мактабату ибн Таймия, Қоҳира. 1988.
8. Саййид Ҳаво. «ал-Асас фит тафсир». Дорус салом, 1-нашр. 1985.
9. Аҳмад Мустафо ал-Мароғий. «Тафсирул мароғий». Дор иҳяит туросил арабий, Байрут.
10. Имом Сулаймон ибн Умар ал-Ажийлий аш-Шофеий. «Футуҳотул илоҳийя». Дорул кутубил илмийя, Байрут, Ливан. 1-нашр. 1996.
11. Ваҳба Зуҳайлий. «Тафсирул мунир». Дорул фикр. Дамашқ. 2-нашр. 1998.
12. Абул Фазил Шиҳобуддин ас-Саййид Маҳмуд ал-Алусий ал-Бағдодий. «Руҳул маоний». Дорул фикр, Байрут, Ливан.
13. Абу Исҳоқ Саълабий. «Тафсирус Саълабий». Муассасатул аламий, Байрут.
14. Шайх Муҳаммад ат-Тоҳир ибн Ашур. «ат-Таҳрир ват танвир». Дорус Саҳнун, Тунис.
15. Шайх Аҳмад ибн Юсуф Абдудоим ал-Ҳалабий. «Умдатул хуффоз». Мактабул алом вал буҳус ван нашр, Банғази, Ливия. 1-нашр. 1995.
16. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. «Саҳиҳул Бухорий». Дорул фикр, Байрут, Ливан. 1994.
17. Муслим ибн ал-Ҳажжож ал-Қурайший. «Саҳиҳул Муслим». Дорул кутубил илмийя, Байрут, Ливан.

18. Муҳаммад ибн Ийсо ат-Термизий. «Сунани Термизий». Дорул кутубил илмийя, Байрут, Ливан. 1987.

19. Сулаймон ибн ал-Ашъас ас-Сижистоний ал-Аздий. «Сунани Абу Довуд«. Дорул ҳадис, Байрут, Ливан. 1-нашр, 1970.

20. Аҳмад ибн Шуъайб ан-Насоий. «Сунани Насоий». Мактабут тарбиятил арабий лидувалил халийж, Риёз. 1988.

21. Муҳаммад ибн Йазид ал-Қазвиний. «Сунани Ибн Можа». Дор иҳяит туросил арабий, Байрут. 1975.

22. Молик ибн Анас ал-Асбаҳий ал-Хумайрий. «Муватоъ Имоми Молик». Дорун нафаис, Байрут. 10-нашр. 1987.

23. Аҳмад ибн Ҳанбал. «Муснади Имом Аҳмад инб Ҳанбал» Дор муассасатур рисала, Байрут, Ливан. 1-нашр. 1993.

24. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Ҳамдавайҳ ан-Найсобурий «Ҳоким» деган исми билан машҳур. «Мустадрак алас соҳиҳайни». Дорул кутубил илмийя, Байрут, Ливан.

25. Абдуллоҳ ибн Баҳром ад-Доримий. «Сунани Доримий». Дору фикри, Байрут.

26. Муҳаммад ибн Исҳоқ ибн Хузайма ас-Саламий. «Саҳиҳ ибни Хузайма». ал-Мактабул Исломий.

27. Муҳаммад ибн Ҳиббон ибн Аҳмад ибн Ҳиббон абу Ҳотимул Бастий. «Саҳиҳ ибн Ҳиббон». Дорул фикр, Байрут, Ливан.

28. Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ибн Али Абу Бакир ал-Байҳақий. «Сунанул кубро лил Байҳақий». Дорул фикр, Байрут, Ливан.

29. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Салама ал-Қудоий. «Муснадуш Шиъоб». Дор муассасатур рисала, Байрут. 2-нашр. 1986.

30. Абу Муаййид Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Ховаризимий. «Жамиул масонийд». Дорул кутубил илмийя, Байрут, Ливан.

31. Мулла Али ал-Қорий ал-Ҳанафий. «Шарҳу муснади Аби Ҳанийфа». Дорул кутубил илмийя, Байрут, Ливан. 1-нашр. 1985.

32. Абу Бакир Абдурраззоқ ибн Ҳуммам ас-Саноний. «Мусоннаф Абдурраззоқ ас-Саноний». ал-Мактабул Исломий, Байрут. 1-нашр. 1987.

33. Али ибн Умар ибн Аҳмад ибн Маҳдий Абул Ҳасан ад-Дорақутний. «Сунан ад-Дорақутний». Дорул кутубил илмийя, Байрут, Ливан.

34. Абдурроҳман ибн Аби Бакр ибн Муҳаммад, Жалолуддин ас-Суютий. «Жомеъул масонид вал маросил». Дорул фикр. Байрут, Ливан. 1994.

35. Абу Яло Аҳмад ибн Али ибн ал-Масна ат-Тамимий ал-Муслий. «Муснаду Аби Яло». Дорул кутубил илмийя. Байрут, Ливан.

36. Алоиддин Али ал-Муттақий ибн Ҳусомиддин ал-Ҳиндий. «Канзул уммол». Муассасатур рисола, Байрут. 1979.

37. Қози Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Салома ал-Қудоий. «Муснадуш шиҳоб». Муассасатур рисола, 2-нашр. 1986.

38. Сулаймон ибн Аҳмад ибн Айюб ат-Табароний. «Муъжам ат-Табароний». Мактабатул улум вал ҳикам, Мусил. 2-нашр. 1983.

39. Аҳмад ибн ал-Ҳусайн ибн Али Абу Бакир ал-Байҳақий. «Шуабул иймон лил Байҳақий». Дорул кутубил илмийя, Байрут. 1-нашр, 1410 ҳ.й.

40. Аҳмад ибн Амир ибн Абдулхолиқ ал-Басрий ал-Баззор. «Муснадул Баззор». Дорул китабил арабий, Байрут.

41. Муҳаммад Абдурроҳман ал-Муборакфурий. «Туҳфатул Аҳвазий би шарҳи жомеъит Термизий». Дорул кутубил илмийя, Байрут, Ливан. 1-нашр, 1997.

42. Муҳаммад Юсуф ал-Ҳусайний ал-Банурий. «Маъарифус сунани шарҳи сунанит Термизий». Ал-Мактабатул банурийя, Карачи.

43. Саъийд Ҳавва. «Ал-Асасу фис сунна». Дорус салом, Қоҳира. 1-нашр. 1994.

44. Муҳаммад Фуад Абдулбоқий. «ал Муъжам ал Мифеҳрис ли алфозил Қуръонил Карим». Дорул кутубил мисрийя, Қоҳира. 1945.

45. Жалолиддин ас-Суютий. «Танвийрул Ҳаволик шарҳун ала Муватто Молик». Дору иҳяил кутубил арабийя, Миср.

46. Али ибн Султон Муҳаммад ал-Қори. «Мирқотул Мафотийҳ шарҳу Мишкотил Масобийҳ». Дор иҳяит туросил арабий, Байрут.

47. Бадриддин Айний. «Умдатул Қорий шарҳу Саҳиҳил Бухорий». Дорул фикр, Байрут.

48. Аҳмад ибн Ҳажар ал-Асқалоний. «Фатҳул Борий шарҳу Саҳиҳил Бухорий». Дорул райяни лит турос, Қоҳира. 1-нашр. 1986.

49. Муҳаммад ибн Али ибн Муҳаммад аш-Шавконий. «Найлул Автор шарҳу Мунтақол Ахбор». Матбаату ал-Ҳалабий. Қоҳира. 3-нашр. 1961.

50. Муҳаммад ибн Исмоил ал-Амир ал-Яманий ас-Санъоний. «Субулус Салом шарҳу Булуғул маром». Дорул Жийл, Байрут.

51. Солиҳ ибн Ҳумайд ва Абдурроҳман ибн Маллуҳ. «Назротуннаийм фи макорими ахлоқир расулил карийм соллаллоҳу алайҳи васаллам». Дорул васила, Жидда. 1-нашр. 1998.

52. Имом Абул Қосим Абдулкалийм ибн Ҳавозин ал-Қушайрий. «Ар-рисолатул Қушайрия». Мактабату Аби Ҳанийфа ва мактабту ал-Илмил Ҳадис, Дамашқ.

53. Абу Ҳомид ал-Ғаззолий. «Иҳёу улумуд-дин». Дорул маърифа, Байрут.

54. Саид Ҳавво. «Ал-мустахлос фии тазкиятил анфус». Доруссалом. 3-нашр. 1405 ҳ. й.

55. Саид Ҳавво. «Тарбиятунар-руҳийя». Дорул кутуб ал-арабийя, 1399 ҳ.й.

56. Абулҳасан Али ал-Ҳасаний ан-Надавий. «Роббанийя лаа роҳбанийя». Муассасату ар-Рисола. 2-нашр. 1404 ҳ. й.

57. Абу Бакр ибн ас-Сунний. «Амалул явми вал-лайлати». Дору ибн Зайдун. 1410 ҳ. й. 2-нашр .

58. Абу Абдуллоҳ Ҳорис ибн Асад ал-Муҳосибий. «Одобун нуфус». Дорул жийл, Байрут.

59. Абу Бакр Абдуллоҳ ибн Муҳаммад. «Муҳасабат-ун нафс». Муассасатул Кутуб ас-Сиқофийя, 1-нашр. 1408 ҳ. й.

60. Аҳмад ибн Абдураҳмон ал-Мақдисий. «Минҳожул қосидийн». Дорул баён, Дамашқ. 1406 ҳ. й.

61. Муҳаммад Шайхоний. «Ат-тарбиятур-руҳия». Дору Қутайба, Дамашқ. 2-нашр. 1416 ҳ. й.

62. Соиҳ Али Ҳусайн. «Тасаввуф ва уни тарихидан кғринишлар». Маншуроту куллийяту даъва ал-Исломия, 1994.

63. Абу Ҳомид ал-Ғаззолий. «Мукошафатул қулуб». Муассасатул кутуб ас-Сиқофия, Байрут. 1407 ҳ. й.

64. Абдулқодир Аҳмад Ато. «Савабул аъмалус-солиҳа». Дорул эътисом, Қоҳира.

65. Аҳмад Амин. «Китабул ахлоқ». Мактаба Наҳза ал-Мисрийя, Қоҳира. 10-нашр. 1985.

66. Бурҳониддин ал-Буқоий. «Масраъут-тасаввуф». Дорул кутубул илмийя, Байрут. 1400 ҳ. й.

67. Муҳаммад Закий Иброҳим. «Абжадийятут-тасаввуфил исламий». Мактабатул одоб, Қоҳира. 5-нашр. 1415 ҳ. й.

68. Абдулкарим ал-Қушайрий. «Наҳва қулубис-соғийр». Дорул арабийяту лил китаби, 1397 ҳ. й.

69. Ҳусайн ал-Қувватлий. «Ат-тасаввуфил ақлий фил Ислам». Маншуроту дору икраъ, Қоҳира. 1-нашр. 1998.

70. Муҳаммад Саид Рамазон ал-Бутий. «Шарҳи ҳикамул Атоийя». Дорул фикр, Байрут. 1422 ҳ. й.

71. «Ал-Ислом ват-тасаввуф» журнали. Журнал соҳиби Муҳаммад Маҳмуд Алвон. 1-март, 10-сон. 1959.

72. Селжук Эрайдин. «Тасаввуф ве Тарикатлар». Истанбул. 2001.

73. Камил Йилмаз. «Тасаввуф ве Тарикатлар». «ENSAR» нашриёти. Истанбул. 2000.

74. Холид Бағдодий. «Рисолаи холидия ва одоби зикр». Истанбул.1993.

75. Муҳаммад Абдуллоҳ ал-Хоний. «Адаб». Истанбул. 1993.

76. Ҳасан Муҳаммад Саъид аш-Шанновий. «Фи риёзит-тасаввуф». 2003.

77. Муҳаммад Мозий Абул Азоим. «Рисолатул муршидийн вал мустаршидийн». Дорул Мадинал Мунаввара. Қоҳира. 1983.

78. Муҳаммад Мозий Абул Азоим ҳақидаги илмий рисолалар. Доурул китобус-суфий, Қоҳира. 1996.

79. «Мажаллатул буҳуси вад диросотис-суфийя». 1-сон. 2003.

80. Абул Ҳасан Али ал-Ҳасаний ан-Надавий. «Рижолул Фикри вад Даъвати фил Исломи». Дору Ибн Касир, Байрут. 1999.

81. Фахруддин Али Сафий. «Рашаҳот айн ал-ҳаёт». Ибн Сино, Тошкент. 2003.

82. Муҳаммад Газзолий. «Фаннуз зикри вад дуо инда хотамил анбиё». Дорул қалам, Байрут. 1992.

83. Муҳаммад Саъид Рамазон Бутий. «Ас-Салафийя». Дорул фикр, Дамашқ. 1998.

84. Абдулкарим ибн Ҳавазон ибн Абдулмалик ал-Қушайрий. «Тафсири Қушайрий – Латоифул ишорот». Дорул кутубил илмийя, Байрут. 2000.

85. Имом Аҳмад Форуқ Сарҳандий Роббоний. «Мактубот».

86. Шайх Абдулқодир Ийсо. «Ҳақоиқ анит-тасаввуф». Дорул Ирфон, Ҳалаб. 2005.

МУНДАРИЖА

Муқаддима 3
Нафс ва уни поклаш 6
Ахлоқ ва уни сайқаллаш 9
Нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллашдан кўзланган мақсад 15
Нафсни поклаш ва ахлоқни сайқаллаш илмининг тарихи 17
Тиббул қулуб 20
Диёримиздаги ҳолат 26
Камтарона уриниш 27
Илмнинг фазли ва унга оид масалалар 30
Илм талаб қилишнинг фарзлиги 37
Илмларнинг турлари 40
Фасл 42
Муаллим ва мутааллим одоблари 44
Ноқобил уламолар 48
Охират уламолари 51
Воситалар 53
Таҳорат 54
Улуғ зотлар таҳорат ҳақида 57
Намоз 59
Намозда хушуъ 64
Намозда қалб ҳозирлиги 68
Намозда қалб ҳозир бўлиши омиллари 69
Намозга оид амалларда қалб ҳозирлиги 71
Закот 76
Шаръий талаблар тақсими 78
Закот беришнинг нозик одоблари 79
Закот олишнинг нозик одоблари 89
Ихтиёрий садақа ҳақида 90
Рўза 92
Рўзанинг нозик сирлари 94
Ҳаж 97
Ҳажнинг одоблари 99
Ҳажнинг нозик сирлари 102
Қуръони карим тиловати 104

Қуръон кўтарганларнинг сифатлари 110
Қуръон тиловати одоблари 111
Қуръон қироати самаралари 115
Қуръон қироатининг нозик сирлари 116
Зикр 120
Зикрнинг фойда ва самаралари 129
Зокирнинг одоблари 132
Вирд ва ибодатлар таксими 135
Кундалик вирдлар ва уларнинг тартиби 136
Ҳолатга қараб вирднинг турланиши 136
Кечанинг вирдлари 154
Кечаси бедор бўлиш 162
Бедорликни енгиллаштирувчи омиллар 164
Тафаккур 168
Ўлимни эслаш 179
Муробата 190
Биринчи мақом мушората 190
Иккинчи мақом муроқаба 191
Учинчи мақом муҳосаба 195
Амалдан кейин ҳисоб-китоб қилишнинг моҳияти 197
Тўртинчи мақом муоқаба 198
Бешинчи мақом мужоҳада 199
Олтинчи мақом муотаба 200
Нафс поклигининг моҳияти 201
Шайтоннинг қалбга йўл олишини тўсиш 203
Нафс риёзати ва хулқни сайқаллаш 211
Яхши хулқ фазилати ва ёмон хулқ мазаммати ҳақида 212
Ахлоқни сайқаллаш йўли 215
Қалб хасталиги ва унинг тузалиш аломатлари 216
Ўз айбини билиш йўллари 218
Фасл 220
Ҳусни хулқнинг аломатлари 220
Бола тарбиясининг бошланиши 228
Қорин ва фарж шаҳватини синдириш 232
Тил офатлари 240
Қаломнинг офатлари 243
Ёлғоннинг сабаблари 257
Ёлғоннинг турлари 257

Ёлғоннинг ҳукми....258
Ғийбатнинг сабаблари ва уни даволаш....267
Қалб ғийбати....268
Ғийбатнинг каффороти....274
Чақимчиликни даволаш....277
Фатво сўраш одоблари....301
Нафсни хасталиклардан поклаш....302
Куфр....302
Куфрнинг турлари....304
Мунофиқлик....306
Ширк....310
Ширкнинг шаръий тушунчаси....311
Ширкнинг танилган турлари....311
Ширк оқибатининг оғирлиги....319
Куфр ва ширк ўртасидаги фарқ....321
Фосиқлик....324
Фосиқликка оид ҳукмлар....326
Осийлик....327
Бидъат....333
Бидъатнинг ҳукми....344
Бидъатга қарши қилиниши керак бўлган ишлар....345
Риё....346
Риёнинг турлари....351
Риёнинг ҳукми....353
Махфий риё ҳақида....355
Амални зое қиладиган ва қилмайдиган риё....356
Риёнинг давоси....356
Тоатни ошкора қилишга рухсат....359
Гуноҳни беркитишга рухсат....360
Одамлар кўрса, қилинадиган ва қилинмайдиган ишлар....363
Шуҳрат ва риёсат муҳаббати....365
Шуҳратпарастликнинг давоси....366
Одамларнинг мақтови ва танқиди....368
Ҳасад....370
Ҳасаднинг сабаблари....378
Ҳасаднинг давоси....379
Кибр ва манманлик....381
Кибрнинг даражалари....385

Кибрнинг турлари 385
Кибрнинг ҳукми 386
Кибр ва тавозенинг белгилари 390
Кибрни даволаш йўллари 392
Манманлик 394
Манманликнинг давоси 398
Бахиллик 401
Бахилликнинг давоси 411
Мол-дунёга муносабат 412
Ҳирс ва тамагирлик ҳамда қаноат 417
Ҳирс ва тамагирликнинг давоси 421
Ғурур 427
Ғурурнинг турлари 432
Ғурурга кетган гуруҳлар 433
Ғурурнинг давоси 439
Ноўрин ғазаб 440
Ғазабнинг сабаблари ва давоси 444
Ғазабнинг амалий давоси 446
Ғазабни ютишнинг фазли 448
Маънавий зулмга жавоб қайтариш 449
Бу дунё муҳаббати 451
Бу дунёнинг моҳияти 461
Ҳавойи нафсга эргашиш 463
Манбалар рўйхати 471

ШАЙХ МУҲАММАД СОДИҚ
МУҲАММАД ЮСУФ

РУҲИЙ ТАРБИЯ

Покланиш

1-жуз

Нашриёт рухсатисиз нусха кўчиришнинг барча турлари, кўпайтириш ва сотиш шаръан ҳаром, қонунан ман этилади.

«HILOL-NASHR» нашриёти
Тошкент — 2021

Ношир: *Исмоил Муҳаммад Содиқ*

Муҳаррир: *Барно Саидраҳмон*
Арабча матн мусаҳҳиҳи:
Муҳаммад Алий Муҳаммад Юсуф
Техник муҳаррир: *Мансур Қаюмов*
Бадиий муҳаррир: *Абдулбосит Қамбаров*
Саҳифаловчи: *Ҳабибуллоҳ Шукруллоҳ*
Муқова дизайнери: *Равшан Маликов*
Мусаҳҳиҳ: *Маҳмуд Эрназаров*

Тасдиқнома рақами: 7798, 11.03.2021 йил.

Босишга рухсат этилди 09.06.2021. Бичими 84x108 $^{1}/_{32}$.
Times New Roman гарнитураси. Офсет босма. Босма табоғи 30.
Шартли босма табоғи 15,6. Адади 5000 нусха.
Буюртма № 93. Баҳоси келишилган нархда.

«Hilol-Nashr» нашриёт босмахонаси
100155, Тошкент шаҳри, Сўгалли ота, 5
Тел.: (99871) 2175999, факс (99871) 2175478
http://hilolnashr.uz e-mail: info@hilolnashr.uz